


*М-18*  
Ф.М.МАМАТОВ

# ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК МАШИНАЛАРИ




40-72  
M-48

Ф. М. МАМАТОВ

# ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК МАШИНАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси “ФАН” нашриёти  
Тошкент — 2007



ББК 40.72

М 48

УДК 631.3(075.8)

Муаллиф: Карши мухандислик-иктисодиёт институти илмий ишлар бўйича проректори техника фанлари доктори профессор  
*Ф. М. Маматов*

Тақризчилар: Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети декани техника фанлари доктори *И.Т.Эргашев*; Тошкент Давлат аграр университети доценти техника фанлари номзоди *Б.М.Худояров*

Дарсликда тупрекқа ишлов бериш, экиш ва кўчат ўтқазиш, ўғитлапи, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш машиналарининг конструкцияси, иш жараёнлари назарияси, параметрлари ва иш тартибларини ҳисоблашнинг элементлари келтирилган. Кейинги йиллардаги қишлоқ хўжалиги фани ва амалиётининг ютуқлари акс эттирилган.

Дарслик «Қишлоқ хўжалигини механизациялаш» ва «Касб таълими (Қишлоқ хўжалигини механизациялаш)» йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

В учебнике изложены элементы конструкции, теории рабочих процессов, расчета регулировочных параметров и режимов работы почвообрабатывающих и посевных машин, машин для внесения удобрений и химической защиты растений. Отражены достижения сельскохозяйственной науки и практики за последние годы.

Для студентов направления «Механизация сельского хозяйства» и «Профессиональное обучение (Механизация сельского хозяйства)».

The construction elements, theories of working processes, calculations of regulated parameteres and work regime of soil cultivating and sown machines are stated in the textbook. It is reflected all achievements of agricultural science and practice for the last years.

The textbook is intended for the students of “ Farm mechanization” and “Professional training (Farm mechanization)”.

ISBN 978-9943-09-153-5

© Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
“ФАН” нашриёти, 2007 й.

## КИРИШ

Аграп секторнинг юксалиши Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг асосий омили ва манбаи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигининг улуши миллий даромадда 35% дан, эксперт ҳажмида 60% дан ортикроқ. Аграп соҳага мамлакат ялни маҳсулотининг чорак қисми тўғри келади ва бу соҳа билан ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятнинг ярмидан ортикроғи бевосита алоқадор. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини ривожлантариш ҳозирги даврнинг ўта муҳим вазифасидир. Бу эса кўп укладли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳисобга олган ҳолда унинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида машиналарни қўллаш меҳнат унумдорлигини оширади, барча ишларни талабларга қатъий риоя қилган ҳолда энг мақбул муддатларда бажаришга имкон яратади. Бу пировардида меҳнат ва ҳарражатлар сарфини камайишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги учун машиналар Машиналар тизимига асосан яратилади ва қўлланилади. Машиналар тизими ишлаб чиқариши комплекс механизацияшнинг илмий ва техник асоси ҳисобланади.

Машиналар тизими - бу йил давомида барча қишлоқ хўжалик ишларини оғтимал агротехник муддатларда энг кам меҳнат сарф қилиб бажарадиган ўзаро узвий боғланган трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарининг йиғиндишидир. Машиналар тизими, одатда, маълум давр учун ишлаб чиқилади ва доимий такомиллаштирилади. Мамлакатимизнинг мустақиллигига қадар олтита машиналар тизими қўлланилган: 1955...1965 й., 1966...1970 й., 1971...1975 й., 1976...1980 й., 1981...1990 й., 1991...2000 й. 1998 йилда 1998...2000 йилларга мўлжалланган, сўнгра эса 2010 йилгача истиқболли машиналар тизими ишлаб чиқилди.

Амалдаги машиналар тизими тўрт қисмдан иборат: деҳқончилик, чорвачилик, мелиорация, ўрмон хўжалиги.

Давлатимиз олиб бораётган техник сиёсатта асосан тузилган янги машиналар тизимига киритилган техник воситаларга куйидаги асосий талаблар қўйилган: механизаторлар учун комфорт иш шароитларини яратиш; қишлоқ хўжалик ишларини бажариш сифатининг дастлабки талабларига максимал меҳнат унумдорлиги қўрсаткичи ва ёқилғи иқтисоди билан риоя қилиш; техник воситалар ишончлилигининг юкори қўрсатгичларини таъминлаш; техник воситаларни экологияга мослиги, шу жумладан юриш қисмларининг тупроққа минимал таъсири.

**Машиналарни русумлаш ва уларни таснифланиши.** Амалдаги машиналарни русумлаш маълум бир принципга асосланган. Русум ҳарф ва сон қисмларидан иборат. Биринчиси – машинанинг вазифасини, турини ва таъсир принципини, иккинчиси - моделнинг тартибини ёки меҳнат унумдорлиги, камраш кенглиги ва бошқа кўрсаттичларини характерлайди.

**Машиналарни таснифланиши** - бу уларни вазифаси, таъсир ҳарактери, энергия манбай билан боғланиши ва ундан фойдаланиши бўйича ажратилиши.

*Вазифасига кўра* машинадар қўйидаги гурухларга бўлинади: тупрокка ишлов бериш; экиш ва кўчат ўтқазиш; ўғитлаш; ўсимликларни зааркунанда ва касалликлардан ҳимоялаш; ўтлар ва силос ўсимликларни йигиш; донли, донли-дуккакли, мой ўсимликларини йигиши ва йигишдан кейин ишлов бериш; маккажӯхорини донга йигиш; илдиз-мевалилар ва сабзавотларни йигиш; мелиоратив машинадар. Ҳар бир гурух бир нечта машина турларидан иборат. Машиналар *таъсир принципига асосан* узлуксиз ва даврий таъсир киладиган, энергия манбай билан боғланиши бўйича тиркама, ярим осма, ўзи юрар ва стационарларга, иичи органини энергиядан фойдаланиши усулига қараб пассив, фаол (актив) ва комбинациялашган ишчи органли машинадарга ажратилади.

**Қишлоқ хўжалик машинадари** фанининг ривожланиш тарихи. Деҳқончилик қадимий қасб бўлиб, у билан боғлик бўлган қуроллар кўп асрлик ривожланиши ва такомиллашиш тарихига эга. Аммо қишлоқ хўжалик машинадари ва қуроллари тўғрисидаги фан нисбатан яқинда пайдо бўлди. Бу илмий фанининг юзага келиши ва ривожланиши машҳур рус олимси академик Василий Прохорович Горячкин (1868-1935 йил) номи билан боғланган. В.П. Горячкинга қадар қишлоқ хўжалик машинадари тўғрисидаги фан ярим ҳунармандчилик заводларидан чиқариладиган машинадарнинг тузилиши ва конструкциясининг ўзига хос ҳусусиятларини ўрганишдан иборат бўлган. Қишлоқ хўжалик машинадарини лойиҳалаш илмий асоссиз «тусмол билан», интуитив равишда, намуналар ва хатолар усулида олиб борилган, чунки конструкторлар ҳеч қандай дастлабки ҳисоблар қилишни билмаганилар.

Академик В.П.Горячкин 1919 йилда чол қилинган «Деҳқончилик механикаси» номли классик асарида биринчи бўлиб механика конунларини қишлоқ хўжалиги машинадарининг иш жараёнларини тахлил қилишда кўплаган. В.П.Горячкиннинг бу ва кейинги ишлари, у деҳқончилик механикаси деб номлаган, янги илмий-амалий техник фанин яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Бу фан қишлоқ хўжалик машинадарининг мақбул конструкцияларини яратиш ва оптималь иш

режимларини асослаш мақсадида уларнинг технологик ва иш жараёнларини тадқиқ қилиш учун кенг имкониятларни очиб берди.

Академик В.П.Горячкіннинг асарлари ҳозиргача ўзининг улкан аҳамиятини йўқотганий йўқ. В.П.Горячкіннинг классик асарлари, унинг давомчилари академиклар И.И.Артоболевский, В.А. Желиговский, Н.Д.Лучинский, И.Ф.Василенко, П.М.Василенко, А.Н.Карпенко, М.В.Сабличков, Г.Е.Листопад, профессорлар А.Н.Гудков, Н.И.Кленин, В.А.Сакун ва бошқаларнинг илмий ишлари туфайли қишлоқ хўжалик машиналари бўйича мантиқий фан юзага келди. Бу фаннинг ривожланишига Ўзбекистон олимлари ҳам ўз хиссаларини кўшди. Улар қаторига академиклар М.В. Сабличков, Г.М.Рудаков, А.Х.Хажиев, А.Д.Глущенко, Р.М.Матчанов, профессорлар М.С.Фаниев, Р.И.Байметов, А.С.Садриддинов, А.А.Ризаев, М.Т.Тошболтаев, Н.Х.Куламетов, М.Муродов, А.Тухтақўзиев, И.Т.Эргашев ва бошқаларни киритиш мумкин. Бир қатор қишлоқ хўжалик машиналари: икки ярусли плуглар, пахта териш, чеканка қилиш, фўзапоя йифиш ва кўсак териш машиналари, пуштаолгич, пахта тозалагич, пахта сеялкалари, культиваторлар ва бошқа машиналар республикамиз олимлари ва конструкторлари томонидан яратилган.

Бакалавр кадрларни тутган ўрни. Ҳозирги кунда машина-трактор парклари юкори суратда замонавий, айниқса хорижий техникалар: плуглар, сеялкалар, дон комбайнлари, пахта териш машиналари ва бошқа техникалар билан куроллантирилмоқда. Бу техникалар малакали техник хизматни талаб қиласди. Шу нуқтаи-назардан агросаноат корхоналари учун қишлоқ хўжалигини механизациялаш йўналиши бўйича юкори малакали бакалавр кадрларни тайёрлашга эътибор кучаймоқда. Бакалаврларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнларини комплекс механизациялаш бўйича амалий вазифаларни ечишда тутган ўрни ўта муҳим.

**Фанинг вазифаси.** Қишлоқ хўжалигида муҳандислик-техник хизматни ва машиналардан самарали фойдаланишини тўғри ва мақбул ташкил қилиш учун бакалаврларга қишлоқ хўжалик машиналари конструкцияси ва иш жараёнлари назарияси бўйича чуқур билим, ишлов бериладиган материални ўзгариб турадиган хоссалари ва ҳолатига боғлик равишда бу машиналарни оптимал иш тартибига созлаш бўйича маҳорат керак.

Шунинг учун «Қишлоқ хўжалик машиналари» фанинг вазифаси қишлоқ хўжалик машиналарининг тузилиши ва иш жараёнлари ҳамда уларни назарияси ва технологик ҳисоблари бўйича керакли маълумотларни беришдан иборат. Машиналарни такомиллашиши

туфайли русумларини тез ўзгариб туриши, аммо уларнинг таъсир принциплари кўп йиллар давомида жиддий ўзгаришларсиз қолишини ҳисобга олган ҳолда дарсликда русумлар бўйича машиналарнинг конструкциясини тавсифи келтирилмаган ва асосан энг истиқболларининг таянч моделилари келтирилиб, улар технологик жараёнлари бўйича тартибга солинган. Ушбу фанини бакалаврлар ўрганиши учун уларга агрономия асослари, тупроқшунослик, чизма геометрия, пазарий механика, механизм ва машиналар назарияси, материаллар қаршилиги, машина деталлари, материалшунослик каби фанлардан билим таълаб қилинади.

## **Б и р и н ч и б ў л и м**

### **ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ ВА ҚУРОЛЛАРИ**

*Кириш*

Тупрок қишлоқ хұжалиғида асосий ишлаб чыкаруш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир авлод унинг ҳолати учун ғоят масъулдир. Аммо ўтган авлодларнинг ундан нотўғри фойдаланганларни туфайли илгари ҳосилдор бўлган 20 млн. км<sup>2</sup> дан ортикроқ ерлар ҳозирги кунда қишлоқ хұжалиги учун яроқсиз бўлиб қолди. Бу эса ҳозирги шудгор килинадиган ерлардан қарийб 1,5 баробар катта. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек «...бизни бокадиган мана шу ер, мана шу тупрок. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак».

Тупроқни саклаш, унинг унумдорлигини ошириш ва ундан оқилона фойдаланиш учун ерга ишлов беришнинг мақбул тизимларини ва тупроққа ишлов берадиган машиналарнинг мақбул ишчи органларини кўллаш керак. Ерга механик ишлов берилганда машиналарнинг ишчи органлари тупроққа таъсир этиб унинг ҳолати ва хоссаларини ўзgartиради. Тупроққа ишлов бериш машиналарнинг ишчи органлари таъсирида тупроқда юз берадиган жараёнларни физик моҳиятини тушуниш учун энг аввало унинг структураси, таркиби ва технологик хоссаларини ўрганиш лозим.

#### **1 - Б О Б**

#### **ТУПРОҚНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИ**

##### **1-§. Тупроқнинг тузилиши ва таркиби**

Тупрок яхлит бир масса әмас, балки уч фазали дисперс мұхит бўлиб, майдаланган ва ўзаро аралаштирилган қаттиқ, суюқ ҳамда газсимон заррачалардан иборат. Бундан ташқари, тупроқда ўсимлик қолдиқлари (илдизлар ва ўсимликлар пояси) ва тирик организмлар мавжуд. Микроорганизмлар органик қолдиқларни парчалаб, ўсимликларни минераллар билан озиқлантирибина қолмай, балки шу билан бирга тупроқ ҳосил қилиш жараённанда ҳам қатнашиб, унинг технологик хоссаларига ижобий таъсир кўрсатадиган гумусни

күпайишига ёрдам беради. Структурали тупроқда қаттық заррачалар капилляр бүшликли агрегатларга (кесакчаларга) бирлашган. Кесакчалар орасыда капилляр бўлмаган йирик ораликлар (гравитацион бўшликлар) мавжуд. Қаттық заррачалар ораликлари сув ва ҳаво билан тўлғанлиги туфайли, тупроқда қанча сув кўп бўлса шунча ҳаво кам бўлади ва аксинча. Тупроқнинг технологик хоссалари юқори даражада ундаги суюқ ва газсимон фазаларнинг нисбатига боғлиқ.

**Тупроқ тузилишининг асосий тавсифлари - ғоваклилик** (бўшликлилик, коваклилик) ва зичлик (ҳажмий масса) дир.

**Ғоваклилик** - фоизда ифодаланган бўшликларнинг ҳажмини тупроқнинг умумий ҳажмига нисбати. Ғоваклилик тупроқни структурасига боғлиқ бўлиб, кум тупроқларда 40...50 фоиз, торфли тупроқларда эса 80...90 фоиз оралиқда бўлади. Соз ва қумлоқ тупроқларнинг ғоваклиги ўртача бўлиб, 50...60 фоизни ташкил этади.

**Зичлик** - табиий тузилиши бузилмай олинган тупроқ намунасининг абсолютот куруқ массасини унинг ҳажмига нисбатидир:

$$\rho_3 = \frac{m}{v} . \quad (1)$$

Зичлик тупроқнинг механик таркиби, ғоваклилиги ва гумус микдорига боғлиқ. Тупроқнинг ҳайдов қатламини зичлиги кенг чегарада - 0,9 дан 1,6 г/см<sup>3</sup> гача ўзгаради. Ҳайдов ости қатлами анча юқори зичликка эга, яъни -1,5...2 г/см<sup>3</sup> ва ундан катта.

Зичлик ўсимликларнинг илдизларини ривожланишига ҳамда сув, ҳаво ва озиқланиши тартибига таъсир кўрсатади. Тупроқ зичлиги оптимал зичликдан юқори бўлганда хосилдорлик камаяди, жуда юқори зичликда эса умуман ҳосил бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун тупроқ зичлиги хосилдорликнинг асосий омили ҳисобланади.

Айрим турдаги ўсимликларни стиштириши талабларига мос равища тупроқ зичлиги унга механик ишлов бериш орқали созланади.

**Тупроқнинг қаттиқ фазаси “скелет”** - тошли қўшилмачалар (зарралари 1 мм дан катта) ва майдо тупроқлардан (зарралари 1 мм дан кичик) иборат.

“Скелет” массасини майдо тупроқ массасига нисбати тошлиликни аниклашга имкон беради. Тошлилик бўйича тупроқлар тошсиз (таркибida 0,5 фоиз гача тош), **кам тошли** (0,5...5 фоиз), **ўрга тошли** (5...10 фоиз) ва **юқори тошли** (10 фоиздан кўп) турларга бўлинаци. Тупроқнинг тури механик таркиби бўйича аникланганда майдо тупроқ (мелкозем) таҳлил қилинади. У шартли равища икки фракцияга бўлинади: **“физик гил”** (зарралари 10 мкм дан кичик) ва **“физик кум**

(зарралари 10 мкм дан катта). Тупроқлар физик гилнинг микдорига караб қуидагича номланади: соз (гил) тупроқ (таркибида “физик гил” 50 фоиздан кўп), қумоқ тупроқ (“физик гил” 50...20 фоиз), қумли тупроқ (“физик гил” 20...10 фоиз) ва қум (“физик гил” 10 фоиздан кам). Тупроқда физик гил қанча кўп бўлса, унга ишлов бериш шунча оғирроқ бўлади. Гил заррачаларида жисплаштирувчи моддалар борлиги учун улар тупроқнинг боғлиқлигини ифодалайди, қумлар эса аксинча, ёпишкоқ ва қайишкоқ (пластик) бўлмайди.

Таркибида юқори даражада гил заррачалари бўлган тупроқлар оғир ҳисобланади. Нам ҳолатда механик ишлов берилганда улар ишчи органларга ёпишиди, куруқ ҳолатда эса катта кесаклар ҳосил бўлади. Бундай тупроқлар намни яхши сақлайди, аммо уни ёмон сингдиради, уларда ўсимлик қолдиклари ва органик ўғитлар секин парчаланади.

Таркибида юқори даражада кум заррачалари бўлган тупроқлар енгил ҳисобланади. Улар осон уваланади, намни яхши сингдиради, аммо уни яхши ушламайди, уларда ўсимлик қолдиклари ва органик ўғитлар тез парчаланади.

Кумли ва кумлоқ тупроқлар ўзларининг хусусиятлари бўйича оралиқ ҳолатни эгаллайди. Улар нисбатан осон уваланади, намни яхши сингдиради ва сақлайди, юқори ҳосилзорлик қобилиятига эга.

Тупроқнинг каттиқ фазаси структурали (донадор) ва структурасиз бўлиши мумкин. Структурали тупроқнинг массаси айрим агрегатларга бўлинган; структурасиз тупроқда эса айрим қаттиқ элементлар яхлит масса ҳосил киласди. Структурали агрегатлар тупроқ кесакчалари бўлиб, ўзаро боғланганмеханик элементлардан (кумлар, чанглар, лойқалар ва ҳ.к.) ташкил топган. Агрегатларнинг ўлчам ва шакллари хилма-хил. Структурали агрегатлар ўлчамлари бўйича куйидаги турларга бўлинади: палахсали структура (агрегатларнинг ўлчами 10 мм дан катта), кесакли (агрегатларнинг ўлчами 10...3 мм), донадор (агрегатларнинг ўлчами 3...0,25 мм).

Ўлчами 0,25 мм дан кичик бўлган агрегатлар микроструктуралиларга тааллукли бўлиб, чангсимон деб аталади. Ўлчамлари 1...3 мм бўлган агрегатлар энг муҳим ҳисобланади, чунки улар сувга юқори чидамлилиги, яъни сувни ювиш таъсирига турғунлиги билан ажralиб туради. Аммо ўлчамлари 3 мм дан юқори ва 10 мм гача бўлган катта кесакчалар ҳам мақбул ҳисобланади. Ўлчамлари 1 мм дан кичик бўлган агрегатлар эрозион хавфли ҳисобланади. Ўлчамлари 0,5 дан 0,1 мм гача бўлган микроструктурали агрегатлар энг хавфли бўлади. Агар тупроқнинг юқори қатламида (0...5 см гача) 1 ммдан кичик агрегатлар 50 фоиздан

күп бўлса, тирик ёки ўлик ўсимликлар бўлмагандан, шамол эрозияси юзага келади. Тупроқка ишлов берилгандан кейин унинг структуралиги структуралик коэффициенти  $K$  билан баҳоланади. У қуйидагича аниқланади

$$K = \frac{m_1}{m_2}, \quad (2)$$

бу ерда  $m_1$  ва  $m_2$  - мос ҳолда ўлчами 0,25...7 мм гача бўлган агрегатлар ва тупроқнинг қолган қисмини массалари.

Структурали агрегатлар факат тупроқнинг хосилдорлигига эмас, балки тупроқка ишлов бериш машиналари ва қуролларининг ҳам иш кўрсаткичига таъсир кўрсатади. Структурали тупроқларга ишлов берилганда юмшатиш сифати яхши, тортишга қаршилик эса кам бўлади. Тупроқка кўп марта ишлов берилганда, агрегатларнинг дала юзасидан кўп сопли ўтиши натижасида, унинг структураси бузилиши ва структурали тупроқ структурасиз тупроқка айланиши мумкин.

Қаттиқ фазанинг асосий физикавий тавсифи – тупроқнинг солишишима массаси (фазанинг зичлиги ёки солишишима массаси) ҳисобланади. Абсолют қуруқ ҳолдаги бир бирлик ҳажмдаги (бўшлиқларсиз) қаттиқ фазанинг массаси тупроқнинг солишишима массаси деб аталади ва у қаттиқ фаза массаси  $m$  ни унинг ҳажми  $V$  га нисбати билан аниқланади, яъни

$$\rho_{\text{мф}} = \frac{m}{V}. \quad (3)$$

Қаттиқ фазанинг солишишима массаси унинг таркибига кирадиган компонентларнинг нисбатига боғлиқ. Масалан: гилининг солишишима массаси 2,7; кумники 2,65; гумусники 1,42 г/см<sup>3</sup> дан камрок. Тупроқнинг солишишима массаси эса, одатда, кўрсатилган чегарада бўлади, чунки у компонентларнинг ўрта муаллақ солишишима массасини ифодалайди. Суюқ фаза тупроқда сув ёки ундаги ҳар хил моддаларнинг эритмаси ҳолатида ифодаланади. Тупроқдаги суюқ фаза эркин ва боғланган сувга ажратилади. Тупроқка механик ишлов бериш жараёнида боғланган сув сезиларли даражада ўзини намоён қилмайди, аммо эркин сув эса тупроқнинг технологик хоссаларига(қовушқоқлик, ёпишқоқлик, кайишқоқлик ва бошқа) катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун эркин сувни ўрганиш билан чегараланиб қоламиз. Эркин сув гравитацион ва капилляр сувларга бўлинади. Йирик бўшлиқларда турадиган намлика гравитацион сув деб аталади. Гравитацион сув билан йирик бўшлиқлар девори орасидаги ўзаро молекуляр тортиш кучларининг йиғиндиси бу

сувнинг оғирлик кучидан кичик. Шундай экан гравитацион сув оғирлик кучлари таъсирида пастга оқади. Кичик, капиллярли бўшликлардаги намлик *капилляр* деб ном олган. Тупроқнинг қаттиқ элементлари билан бу намлик ўртасидаги тортиш кучи капиллярлардаги намликнинг оғирлик кучига нисбатан катта. Шунинг учун капилляр бўшликлардаги намлик ҳар қандай йўниалишга кўчади ва юкори намли қатламданкамрок намли қатламга тарқалади.

Тупроқдаги сув микдори унинг абсолют намлиги  $\omega_a$  (%) билан баҳоланади. У текшириладиган намунадаги сув массасини куруқ қаттиқ фазанинг массасига нисбати билан аниқланади:

$$\omega_a = \frac{100(m_H - m_K)}{m_K}, \quad (4)$$

бу ерда  $m_H$  ва  $m_K$  - мос ҳолда нам ва қуруқ тупроқ массалари.

Тупроқнинг намлиги унинг технологик хоссаларига, бинобарин ишлов сифати ва қувват сарфига катта таъсир кўрсатади. Соз ва кумоқ тупроқлар нам ҳолатда шудгор қилинганда ишчи органларга ёпишиши, структурали (донадор) агрегатларни парчаланиши, тупроқни ўйилиши юз беради; куруқ ҳолатда эса - катта палахсалар (кесаклар) ва чангсимон элементлар ҳосил бўлади, донадор агрегатлар шикастланади. Аммо, маълум бир намикда структурали тупроқ осон ва яхши уваланади, унга ишлов беришда минимал қувват микдори сарф бўлади. Тупроқни бундай ҳолати, “етилганлиги” (тобига келганлиги) деб аталади. Тупроқнинг механик таркибига боғлиқ ҳолда унинг етилганлиги абсолют намлик 15...18% фоиз бўлганда юзага келади. Текширишлар натижасига кўра, тупроқни “етилганлиги” шудгорлаш тезлигига ҳам боғлиқлигини кўрсатади. Тезлик ошиши билан у каттароқ намлик томонга силжийди.

“Етилганлик” ҳолатида тупроқка механик ишлов бериш факат унинг мавжуд донадор агрегатларини саклабгина қолмай, янгиларини ҳам ҳосил килиши аниқланган.

Газсимон фаза тупроқдаги ҳаво ва бошқа газлардан (аммиак, метан ва ҳ.к.) иборат. Тупроқда ҳаво эркин ёки қисилган ҳолатда бўлиши мумкин. Йирик гравитацион бўшликларда ҳаво, одатда, атмосфера билан эркин алоқада бўлади. Шамол ва тик конвектив оқишилар натижасида бу ҳаво доимий янгиланади, бу эса юмшоқ тупроқдаги намикни жиддий камайишига олиб келади.

Кичик капилляр бўшликларда жойлашган ҳаво кўпинча қисилган ҳолатда бўлади, яъни қаттиқ заррачалар ва сув ёрдамида герметик

бекилиб қолади. Қисилган ҳаво тупроқнинг эластиклигини (эгилувчалигини) оширади ва сув ўтказувчанигини камайтиради. Қуролларнинг ишчи органлари таъсирида тупроқ сиқилганда ундаги эркин ҳавонинг асосий қисми қисилган ҳолатга ўтади ва у потенциал энергияни йигади, у эса, сиқилиш тўхтагандан кейин тупроқ кесакчалари орасидаги боғлиқликларни узиб, натижада етилган структурали тупроқни яхши уваланишини таъминлайди.

## 2-§. Тупроқнинг технологик хоссалари

Тупроққа механик ишлов бериш жараёнида намоён бўладиган ва технологик жараён қонунияти ҳамда уни кечиши характеристига жиддий таъсир кўрсатадиган хоссалар тупроқнинг технологик хоссаларига киради. Шундай экан, тупроқнинг технологик хоссаларига уни ҳар хил турдаги деформацияларга қаршилигини (маҳкамлиги), ишчи органлар юзасига ишқаланишини ва ички ишқаланишини, ёпишқоқлигини, боғлиқлигини, эластиклигини, қайишқоқлигини ва абразив хусусиятларини киритиш мумкин.

**Ҳар хил турдаги деформацияларга қаршилиги.** Тупроққа механик ишлов беришда қувват сарфини камайтириш йўллари ва усулларини ишлаб чиқиши учун унинг ҳар хил турдаги кучланишларга маҳкамлик чегарасини билиш керак. Шуни қайд қилиш керакки, структураси бузилмаган (табиий ҳолатдаги) тупроқнинг ҳар хил деформацияларга қаршилиги етарли даражада текширилмаган. Текширишлар натижасида энг кам маҳкамлик чегараси чўзилнишда, ўртачаси - силжишда ва буралишда, энг катта (максимал) маҳкамлик чегараси эса сиқилишда кузатилган.

Шунинг учун чўзилиш деформацияси ёрдамида айрим структурали агрегатларнинг орасидаги боғлиқликни парчалаш йўли билан минимал қувват сарф қилиб тупроқни юмшатишга эришиш мумкин. Ҳозирги вақтда тупроққа ишлов бериш самарасини оширишнинг куйидаги усулларини келтириш мумкин:

- энг кам қувват сифимили чўзилиш деформациясини қўллаш;
- ҳар хил томонга йўналган деформациялар билан тупроққа таъсир қилиш;
- “энг заиф звено” усулини қўллаш (энг кичик боғланишлар чизиги бўйича тупроқни парчалаш).

Юқоридаги принципларга асосланган тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуролларнинг ишчи органларини яратиш мальум бир технологик қийинчилликлар билан боғлик. Аммо бу принциплар асосида



ишлайдиган ишчи органларни яратишда маълум бир муваффақиятлар ҳам бор. Буларга тупроқни асосан чўзилиш деформацияси билан парчалайдиган “Параплау” типидаги ишчи органни, тупроққа ҳар хил йўналишидаги деформациялар билан таъсир қиласидаган тутқичи олдида дискли пичоқ ўрнатилган чукурюмшаттични, юмшаттич тутқич ва фреза комбинациясидан иборат машинани, “энг заиф звено” асосида ишлайдиган тебранувчи ишчи органли машиналарни кўрсатиш мумкин.

**Эзишга қаршилик (тупроқ қаттиқлиги).** Тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуролларипинг кўпчилик ишчи органлари ҳамда энергетик, ташувчи ва ишчи машиналарининг ҳар хил таянч юзалари (фидираклар, занжирлар ва бошқа) тупроқ билан ўзаро таъсирида бўлганда уни эзади. Шунинг учун тупроқнинг эзишга қаршилиги факат тупроққа ишлов бериш машиналаринигина эмас, балки бошқа бир қатор кишлоқ хўжалик машиналарининг ҳам иш шароитини баҳолап учун энг асосий тавсифлардан бири ҳисобланади.

Тупроқнинг эзишга қаршилиги кўрсаткичини аниқлаш учун ҳар хил турдаги куйидаги ўлчаш ускуналари кўлланилади: зарба таъсирили, статик юқламали, мажбурий силжувчи деформаторли. Оддий ва қулай бўлгани учун мажбурий силжувчи деформаторли ўлчаш асбоби энг кўп кўлланилади. Тупроқнинг эзишга қаршилиги кўрсаткичи тупроқни ўртача қаттиқлиги ҳисобланади, уни аниқлаш учун кўлланиладиган ўлчаш ускунаси эса қаттиқлик ўлчагич (твердормер) деб аталади.

Қаттиқлик ўлчагич (1а-расм) таёқча (штанга) 1, пружина 2, даста 3, учлик (плунжер) 4 дан иборат. Даста босилганда босим пружина, штанга ва учлик орқали тупроққа берилади. Бунда босим кучи учликини тупроққа ботиш қаршилигига (секин босилганда) тенг бўлиб, у пружинани сиқилиши у бўйича, тупроқнинг чизикли деформацияси λ эса учликнинг тупроққа ботиш чукурлиги бўйича ўлчанади. Ёзувчи курилма билан жиҳозланган қаттиқлик ўлчагич  $y=f(\lambda)$  диаграммани ёзади.

Пружина калибри (бикрлиги)  $k$  ни билган ҳолда унинг деформацияси удан куч  $F = ky$  га ўтиш мумкин (1,б-расм). Расмдан кўриниб турибдики, ҳар хил шаклдаги учликлар (аммо кўндаланг кесим юзаси бир хил) кўлланилганда уларни ботишга тупроқнинг қаршилик кучларини ҳар хиллиги фақат ботишнинг бошлангич стадиясида кузатилади. Учлик 5...6 см ботгандан кейин  $F$  кучи амалда бир хил ва ўзгармас бўлади. Учликлар фақат ҳайдов қатламидан ўтгандан кейин  $F$  кучи яна ошади, чунки уларни йўлида анча зичрок “плут товони” учрайди.



1-расм. Тупроқнинг қаттиқлигини аниқлаш.

а - қаттиқлик ўлчагич (тврдомер)нинг схемаси: 1 - штанга; 2 - пружина; 3 - даста; 4 - плунжер (учлик); б - ҳар хил плунжерли қаттиқлик ўлчагич диаграммаси: 1 - цилиндрик учликли; 2 - конуссимон учликли в - эзишга қаршилик кучи  $F$  ни тупроқнинг чизиқли деформацияси  $\lambda$  га боғликлити.

Қаттиқлик ўлчагичнинг диаграммасини ҳайдов қатлами чегарасида тупроқ деформациясининг икки боскичини тавсифлайдиган иккита түгри чизиқ  $OA$  ва  $AB$  лар билан ифода қилиш мумкин. Биринчи боскичда ( $OA$  қисм) аввало эластик, кейин эса тупроқни пластик зичланishi натижасида учлик остида  $F$  кучи чизиқли деформация  $\lambda$  га пропорционал ошади. Биринчининг охири ва иккинчи боскичнинг боши унча катта бўлмаган ўтиш даври билан тавсифланади ( $1\sigma$ -расмда кўрсатилмаган), бу оралиқда учлик асоси олдида юқори зичланган тупроқдан (зичланган ядро қатлам) конуссимон ўсимта ҳосил бўлади. Иккинчи фазада ( $AB$  қисм) тупроқ конуссимон ўсимта билан деформацияланади. У тупроқни пона каби ёриб, уни ён томонларга силжитади. Иккинчи фазада деформация  $\lambda$  ни ўсиши қаршилик  $F$  ни катталашишига олиб келмайди ва тупроқ «оқади», яъни доимий босим таъсирида деформацияланишга давом этади. Шундай килиб, тупроқ деформацияси фақатгина юкламани эмас, балки унинг таъсири вақтини функцияси бўлиб қолади.

Биринчи боскич иккincinnига нисбатан бир неча марта қисқа, аммо катта амалий аҳамиятга эга, чунки қишлоқ хўжалик машиналарининг ишчи органлари билан тупроқни деформацияланаш, асосан, диаграмманинг биринчи қисми ( $<\lambda_{up}$ ) чегарасидан чиқмайди. Ушбу қисмнинг

диаграммасига мувофик тупроқни әзишга қаршилигини тавсифлайдыган күрсаткычлар олинади.

Диаграммани таҳлил қилиш асосида, биринчи босқич чегарасида тупроқни әзишга қаршилик кучини тупроқнинг деформацияси  $\lambda$  га ҳам, әзилдиган юза  $S$  га ҳам бөглиқлигини осон ўрнатиш мумкин. Шундай экан у әзилган (сикеб чиқарилган) тупроқ ҳажми  $V$  га ҳам пропорционалдир,  $V=S\lambda$ . Ундан ташқари, тупроқни әзишга қаршилик кучи  $F$  тупроқни ўзига ҳам (соз тупроқ ёки күм, куруқ ёки нам) боғлиқ. Агар тупроқнинг әзишга қаршилик қобилиятини пропорционаллик коэффициентини  $q$  орқали ифодаласак, у ҳолда

$$q = \frac{F}{y} . \quad (6)$$

Коэффициент  $q$  тупроқнинг ҳажмий әзилиш коэффициенти деб ном олган. У  $\text{Н}/\text{см}^3$  ўлчам бирлигига эга бўлиб, тупроқни кейинги ҳар бир бирлик ҳажмини ( $\text{см}^3$ ) әзиш учун унинг қаршилик кучини қанча бирликка ( $\text{Н}$ ) ошишини кўрсатади. Ҳажмий әзилиш коэффициенти қуйидаги микдорларга эга: шудгорланган ерлар учун  $1\dots 2 \text{ Н}/\text{см}^3$ ; шудгорланмаган ерлар учун –  $5\dots 10 \text{ Н}/\text{см}^3$ ; тупроқли йўл учун –  $50\dots 90 \text{ Н}/\text{см}^3$ .

**Фрикцион хусусиятлари** – ишқаланиш бир жисмни унга тегиб турган бошқасига нисбатан (ташқи ишқаланиш), ёки бир жисмнинг зарраларини унинг бошқа зарраларига нисбатан (ички ишқаланиш) сирпанишига қаршилик сифатида намоён бўлади. Шундай қилиб, ишқаланиш кучи – бу қаршилик кучи ёки реакция кучи бўлиб, нормал босимда бир жисм юзасини иккинчисига нисбатан сирпанишга ундейдиган бошқа фаол куч таъсирида пайдо бўлади. Ҳар қандай реакция кучи каби, ишқаланиш кучи ҳам уни қўзғатадиган кучга teng, аммо чегаравий микдорга эга бўлиб, ундан ошмайди. Фаол кучнинг ўзгариши билан ишқаланиш кучи полдан ўзининг чегаравий микдоригача ўзгарилиши ( $0 < F_u < F_{max}$ ).

Сирпанишда ишқаланиш кучи максимал микдорга әришади:

$$F_u = fNt g \varphi, \quad (7)$$

бу ерда  $N$  – нормал босим,  $H$ ;  $f$  ва  $\varphi$  – мос равиида ишқаланиши коэффициенти ва бурчаги.

**Ишқаланиши коэффициенти** доимий катталик эмас. У кўп омилларга, асосан тупроқнинг механик таркиби ва намлигига боғлиқ. Соз тупроқнинг ишқаланиши коэффициенти кумникидан тахминан 2 марта катта. Бу шундай изоҳланадики, кам бөгланган кумли тупрокларда айрим кум зарралари сирпанмайди, балки ишқаланиш юзаси бўйича думалайди, шу боисдан уларнинг ҳаракатланишига қаршилик ва

ишқаланиш коэффициенти кичик бўлади. Ишқаланиш коэффициентига тупроқнинг намлиги кўпроқ таъсир кўрсатади. О дан 8...10 фоизгача намликда бўлган тупроқ металлга ёпишмайди, “ҳақиқий” ишқаланиш юз беради ва ишқаланиш коэффициенти  $f$  тупроқ намлигини боғлик бўлмайди. Намликни кейинги ошиши билан ишқаланиш коэффициентини ўсиши тупроқ зарраларини металл юзасига молекуляр тортиш кучларини пайдо бўлиши билан изоҳланади, унинг қиймати тупроқ намлигини 8...10 дан 30...45 фоизгача ортиши билан (тупроқни механик таркиби боғлик равишида) катталашади. Тахминий хисоблар учун, яъни намликни ва механик таркибни ҳисобга олмагандан,  $f=0,5$  ва  $\varphi=26^\circ$   $30^\circ$  деб қабул қилинади. Тупроқнинг фрикцион хоссалари унга механик ишлов беришнинг жараёнига катта таъсир кўрсатади: механик ишлов бериш машиналари ва куроллари ишчи юзалари бўйича тупроқни ишқаланиши билан боғлик бўлган заарарли қаршиликни енгиз учун кувватнинг 30 дан 50 фоизгачаси сарфланади.

Тупроқнинг ёпишқоклиги – бу унинг зарраларини ҳар хил жисмларга ёпишиш ҳамда елимланиш қобилиятидир. У икки томонлама: тупроқ машиналарнинг ишчи органлари (плуг корпушлари, культиватор цанжалари ва бошқа) юзаси бўйича сирпанганда ва у билан алоқада бўлган қаттиқ жисмларни (ғилдиракларни думаланиши, занжирларни ҳаракати ва бошқа) ундан ажратилганда қаршилик сифатида намоён бўлади.

Ёпишиш туфайли сирпанишга қаршилик куйидаги формула оркали аникланади:

$$T_{\text{ен}} = P \cdot S + P \cdot N \cdot S , \quad (8)$$

бу ерда  $P$  – нормал босим бўлмагандан солишишторма ёпишишининг уринма кучлари коэффициенти,  $\text{Па}$ ;  $P$  – нормал босим томонидан юзага келтириладиган солишишторма ёпишишининг уринма кучлари коэффициенти,  $1/\text{м}^2$ ;  $S$  – кўринадиган алоқадаги юза,  $\text{м}^2$ ;  $N$  – нормал босим кучи,  $\text{Н}$ .

(7) ва (8) ифодаларни солишишириб, ишқаланиш ва ёпишиш қонуниларини бир-бираидан жиҳдий фарқ қилишини кўриш мумкин. Ёпишиш ишқаланишдан фарқли ўлароқ фақат нормал босим ва ишчи юзанинг материалига эмас, балки алоқа юзасига боғлик ва, ҳатто нормал босим бўлмагандан ҳам юзага келиши мумкин. Тупроқни ёпишиши, асосан механик таркиб (дисперслик), намлик, ишчи органнинг материали ва солишишторма босимга боғлик. Дисперслик (майда зарраларга бўлинниш) ошиши билан ёпишқоклик ошади, шунинг учун соз тупроқлар кумларга нисбатан анча ёпишқок: структурасизлар структуралиларга нисбатан анча ёпишқок. Тупроқнинг маълум бир намлигига ёпишқоклик ва

ишқаланиш биргалиқда таъсир күрсатади. Агар бу ҳолатда тупрок ишчи орган юзаси бүйіча сирпанса, унда иккі жараён бир вактда уни сирпанишига қаршилиқ сифатида намоён бўлади

$$T = F_{m.m} + T_{en}, \quad (9)$$

бу ерда  $F_{m.m}$  – ишчи орган юзаси материали бүйіча тупроқнинг ишқаланиш кучи;  $T_{en}$  – тупроқнинг ишчи орган материалига ёпишиши кучи.

Агарда ишчи органлар юзаси бүйіча тупроқнинг ишқаланиш ва ёпишиши солиширма кучларининг йиғиндиси уни силжишга чегаравий маҳкамлигидан катта бўлса, тупроқни уларга ёпишиши юз беради. Агарда тупроқни тупроқ билан (палахсаны ишчи органга ёпишган тупроқ билан) ишқаланиш ва ёпишиши солиширма кучларининг йиғиндиси ёпишган заррачаларни силжишга умумий қаршилигидан катта бўлса, ишчи юзани ўз-ўзидан тозаланиши юз беради.

Пластиклик (қайишқоқлик) ва эластиклик, қовушқоқлик ва мўртлик – тупроқни муҳим технологик хоссаларидир.

**Тупроқнинг пластиклиги** – уни ташқи куч таъсирида деформацияланиш (ўз шаклини қисмларга бўлинмасдан ўзгартириши) ва бу деформацияни куч олингандан кейин сақлаш хусусияти. Пластиклик, асосан тупроқни механик таркибига ва намлигига боғлиқ бўлиб, пластиклик сони билан тавсифланади:

$$\omega_p = \omega_m - \omega_y, \quad (10)$$

бу ерда  $\omega_m$  – пластикликнинг юқори чегараси, яъни тупроқни жуда кичик чайқалишида ёйилиб кетши намлиги;  $\omega_y$  – пластикликни пастги чегараси, яъни диаметри 3 мм бўлган таёкчага айлантирилган тупроқни увалана бошлинишдаги намлиги.

Кум пластик эмас, бошқа механик таркибдаги тупроқларнинг пластиклик сони эса қуидаги: соз тупроқни – 17 дан катта: қумоқ тупроқни -7 дан катта ва 17 гача; қумли тупроқни – 1...7.

**Тупроқнинг эластиклиги** деб уни ташқи куч олингандан кейин ўзининг шаклини тиклаш хусусияти тушунилади. Тупроқнинг эластиклиги асосан унинг механик таркибиغا, намлигига ва чимлилигига (серилдизлигига) боғлиқ. Тупроқнинг эластиклик деформациясини нисбий микдори 30 дан 80 % гача ўзгариб туриши мумкин. Эластикликни пластиклкка қарши кўядилар.

**Тупроқнинг қовушқоқлиги** – уни факат юклама функциясида эмас, балки вакт функциясида ҳам секин деформацияланиш хусусияти. Шундай қилиб, қовушқоқ тупроқнинг деформацияси факат юкламага эмас, балки уни таъсир муддатига ҳам боғлиқ. Юкламанинг таъсир муддати қанча кўп бўлса, деформация шунча катта бўлади. Тупроқнинг

ковушқоқлиги уни ташкил қиладиган фазаларини (қаттиқ зарралар, ҳаво ва сув) ўзаро силжиш ҳодисасига боғлик. Масалан, трактор ботқоқли тупроқда қанча секин ҳаракатланса, унинг ғилдирагини изи шунчак чуқур бўлади ва аксинча.

**Мўртлик**, одатда, қовушқоқликка тескари қўйилади. Мўрт жисмларнинг маҳкамлик чегараси эластиклик чегарасидан ошмайди ёки унга тенг бўлади. Шундай қилиб, мўрт жисмда пластик деформациялар бўлмайди. Масалан, оғир механик таркибли жуда куруқ тупроқлар мўрт бўлиб қолади, яъни улар амалда қолдик деформацияларсиз парчаланади.

Фақат айрим ҳолларда тупроқ юқорида кўрсатилган хоссаларнинг бирига эга бўлиши мумкин, яъни фақат эластикликка ёки пластикликка ва ҳоказо. Умумий ҳолда тупроқ эластик-қовушқоқ пластик жисм. Аммо тупроқнинг у ёки бу параметрларини ўзгариши билан уни у ёки бу фундаментга хоссалари нисбатини ўзгариши ёки йўқолиши юз беради. Масалан, намлик жуда камайганда тупроқ қовушқоқлик хоссасини йўқотиши ва мўртлик хоссасига эга бўлиши мумкин.

**Чимлилик (илдизлилик)** ва уни тупроқнинг технологик хоссаларига таъсири. Бўз ва ташлаб қўйилган ерлар, қуритилган ботқоқлар, яйловлар, кўп йиллик ўтлар экилган далаларнинг тупроқларида ўсимликларнинг илдизлари мавжуд бўлади. Йирик илдизлар палахсанинг юқори қисмини 6...8 дан 16...18 см гача қатламида зич жойлашган бўлиб, унинг пастки қисмида эса, одатда, фақат интичка майдага илдизчалар жойлашган. Бундай ҳолларда тупроқ палахсаси ўзининг технологик хоссалари билан кескин фарқ қиладиган иккита қатламга ажралади. Масалан, юқори чимли қатлам кўпроқ ўзини эластик жисм сифатида намоён қиласи, Шу вақтда пастки қатлам пластикликка эга бўлади, баъзида эса уни сочишувчан материал сифатида ўрганиш мумкин. Аникланишича, масалан, чимли тупроқнинг маҳкамлик чегараси у билан бир хил механик таркибдаги ва намликдаги эскидан ҳайдалиб келадиган ерларнинг тупроғи маҳкамлик чегарасидан 3 марта ортиқ.

Шундай қилиб, чимлилик тупроқнинг технологик хоссаларига жуда катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун тупроқ механик ишлов бериш обьекти сифатида тавсифланганда уни, албатта, ҳисобга олиш керак. Чимлиликнинг тавсифи сифатида ҳайдов қатламидаги чим қатламишининг қалинлиги, чимнинг боғлиқлиги ва чимлилик даражаси қабул қилинган.

Ўсимликларнинг таркибига ва уларнинг ўсиши вақтига қараб чим қатламишининг қалинлиги 6 дан 18 см гача бўлиши мумкин. Чимнинг боғлиқлиги уни узилишига текшириш йўли билан аниқланади. Чимнинг боғлиқлиги деб узилиш юз бергандаги кучни намунанинг кўндаланг 18

кесим юзасига нисбати, яъни максимал кучланиш ёки узилишга маҳкамлик чегараси (Па) тушунилади.

Хайдов қатламининг чимлилик даражасини аниқлаши учун уни чукурлиги бўйича тупроқ намунаси олиниади ва ундан ўсимликларнинг ер ости қисмлари (илдизлари) ажратилилади. Тупроқдан ажратилиган илдизлар ювилади, ҳаво-куруқ ҳолатгача қуритилилади ва оғирлиги ўлчаниди. Ўсимликларнинг ер ости қисми массасини намуна ҳажмига нисбати палахсанинг чимлилигини ( $\text{г}/\text{дм}^3$ ) кўрсатади. Палахсаннинг чимлилик даражаси ўсимликларнинг тури бўйича таркибиغا ва ўсиш муддатига боғлиқ равишда кенг чегарада бўлиши мумкин. Маълумотларга кўра тупроқларнинг ўртача чимлилик даражаси қўйидагича: ўзлаштирилмаган ерларда  $18\dots30 \text{ г}/\text{дм}^3$ , ташландик ерларда  $24 \text{ г}/\text{дм}^3$  гача, икки йил фойдаланилган бедапояларда  $4,5..8 \text{ г}/\text{дм}^3$ .

**Абрязивлик** – тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуролларининг сийилишида намоён бўлади ва, асосан, тупроқнинг механик таркибиغا боғлиқ.

Масалан, бир гектар ер шудгор қилинганда лемехнинг ейилиши: соҳа ва қумлоқ тупроқларда 2 дан 30 граммгача; кам тошли қумоқ ва кум тупроқларда 30 дан 100 граммгача, кўп тошли қум тупроқларда 100 дан 450 граммгача ташқил қилиши аниқланган.

Шундай қилиб, тупроқ абрязивлигининг умумий критерияси деб ундағи физик күмнинг микдорини ҳисобласа бўлади. Кум тупроқларнинг юқори абрязивлити улар таркибида тупроқни ҳосил қиласидиган минераллардан энг қаттиги – кварц кўшилиги билан тушунтирилади.

### *Таянч иборалар*

Деҳқончилик механикаси, мақбул конструкция, оптимал иш режими, комплекс механизациялаши, машиналар тизими, машина-трактор парки, кувват, ишчи орган, ишлов бериш обьекти, тупроқнинг сув-ҳаво ва иссиқлик режими, микроорганизм, шамол ва сув эрозияси, ғоваклилик, зичлик, тупроқ намлиги, қаттиқлик, қаттиқлик ўлчагич, ҳажмий эзилиш коэффициенти, ишқаланиш коэффициенти, деформация, сиқилиш, чўзилиш, буралиш, силжиш, ёпишқоқлик, пластиклик, эластиклик, ковушқоқлик, мўртлик, чимлилик, абрязивлик.

### *Назорат саволлари*

1. Машиналар тизими ва қишлоқ хўжалик машиналарининг такомилилашишининг асосий босқичлари. 2. Қишлоқ хўжалик машиналари фанини юзага келиши ва ривожланишида академик В.П.Горячкиннинг ўрни. 3. Қишлоқ хўжалик машиналари фанини ривожланишига катта хисса қўшган Ўзбекистонлик олимларни биласизми? 4. Қишлоқ хўжалик машиналари фанининг мақсади ва вазифаси. 5. Тупроқнинг зичлиги нима ва у қандай

аникланади? 6. Қанақа тупроқ структурали ва структуралык коэффициенти қандай аникланади? 7. Тупроқнинг «етилганилиги» нима? 8. Тупроқнинг технологик хоссаларига нималар киради? 9. Ишқаланиш коэффициенти қандай омилларга болғылған?

## 2 - Б О Б

### ТУПРОҚҚА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ

Тупроққа механик ишлов беришнинг асосий мақсади - маданий ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай шароитлар яратиш ва тупроқ унумдорлигини ошириш. Механик ишлов беришнинг ҳар қандай технологик жараёнида, академик В.П.Горячкийн таъкидлаганидек, учта элемент қатнашиши лозим: кувват, ишчи орган ва ишлов бериш обьекти – материал (хом ашё). Бунда машинанинг ишчи органи ёки курол (плуг корпуси, дисксимон пичоқ ёки борона тиши, культиватор панжаси ва бошқалар) трактордан ёки бошқа манбадан кувват олиб тупроқка таъсир этади, натижада унинг ҳолати ва хоссалари ўзгаради.

*Тупроққа ишлов беришнинг вазифаларига қуйидагилар киради:* тупроқнинг ҳайдов қатламини структуралы тузилиш ҳолатини ўзгартириш йўли билан қулай сув-ҳаво ва иссиқлик режимларини яратиш; тупроқ микроорганизмларининг ҳаёт фаолиятига таъсир қилиш натижасида озуқа режимини яхшилаш; тупроқ ва экинларни ифлосланиши, қишлоқ хўжалиги экинлари заараркунандалари ва касаллик кўзгатувчилари билан курашиш; ўсимликлар, уларнинг қолдиқлари ва ўғитларни тупроққа кўмиш; тупроқни шамол ва сув эрозиясига чалиниш хавфи олдини олиш ва ундан ҳимоялаш; маданий ўсимликларни экиш, уларни парвариш қилиш ва ҳосилини йиғиб олиш учун зарур шароитларни яратиш.

#### 1-§. Технологик операциялар, жараёнлар ва тупроққа ишлов бериш тизимлари

**Технологик операциялар.** Тупроққа ишлов беришнинг асосий мақсадига қуйидаги технологик операцияларни бажариш йўли билан эришилади.

*Ағдарииш* (2a-расм) – тупроқни юқори ва пастки қатламларини ўзаро жойлашишини ўзгартириш. Бунда ўсимлик қолдиқлари, чимлар, бегона

ұтлар чукур құмилади ва улар микроорганизмлар таъсирида парчаланиб тупроқнинг ҳосилдорлигини оширади.

**Юмшатиш** (2б-расм) – ишлов бериладиган тупроқ қатламини бүлак-бүлак структурали агрегатларга (кесакчаларга) ажратиш. Бунда структурали агрегатлар орасидаги масофа канталашади ва натижада тупроқнинг ҳажмий массаси (зичлиги) кичраяды. Ишлов берисідан олдин ва ундан кейинги тупроқнинг ҳажмий массалари нисбати унинг юмшатиш даражасини ифодалайды.

Юмшатиш, асосан тупроқни увалаш, яғни унинг структурали агрегатларини парчалаш орқали амалга оширилади. Бунда 1 мм дан кичик бүлган агрегатларни ҳосил бўлиши мақсадга мувофиқ эмас, чуники улар эрозион хавфли ҳисобланади. Ўлчами 0,25 мм дан кичик бүлган агрегатларни ҳосил бўлиши эса умуман мақбул эмас. Бундай агрегатлар чангсимон агрегатлар дейилади, уларни ҳосил қилиш жараёни эса тупроқни кукунлаш деб аталади. Чангсимон заррачалар массасини памуннанинг тўлиқ массасига нисбати тупроқни кукунлаш даражасини тавсифлайди.

**Кесиш** – ишлов бериладиган палахсанни ёки юпқа қатламни қолган яхлит тупроқдан ажратиш.

**Зичлаш** (2в-расм) – юмшатишга тескари бүлган жараён. Бунда тупроқнинг капиллярги ошади, умумий говаклиги эса камаяди.


**Арапаштириш** (2г-расм) – тупроқ агрегатлари, ўғитлар ва бошқаларни ўзаро жойлашишини ўзгартириш. У ишлов бериладиган қатламнинг бир хиллигипи таъминлаш ҳамда тупроққа солинадиган минерал ва органик ўғитларни текис тарқатиш учун бажарилади.

**Юза текислаш** (2д-расм) – ургуларни бир хил чукурликда қўмишни таъминлаш, машиналарнинг иш шароитини ва сугоришда сувни текис тарқатишни яхшилаш учун дағта юзасидаги нотекисликларни йўқотиш.

**Бегона ўтларни кесиш ва сугуриш** (2е-расм) – ўсимлик илдизлари ва нояларини кесиш ва сугуриши йўли билан begona ўтларни механик йўқотип.

**Пушта, жўяқ ҳосил қилиши ва ариқ очиш** (2ж-расм) тупроқнинг сув, ҳаво – термик ва озуқа режимини созлашга шароит яратади.

**Технологик жараён.** Одатда, тупроққа ишлов бериш куролининг ишчи органи ягона технологик жараённи ташкил қиласидиган бир нечта технологик операцияларни бир вақтда бажаради. Масалан, шудгорлаш технологик жараёни палахсанни эгат туви ва деворидан кесиб ажратиш, ағдариш, юмшатиш (увалаш) ва арапаштириш операцияларидан иборат. Куйидаги технологик жараёнлар кенг кўлланилади: шудгорлаш, чукур юмшатиш, культивация қилиш, бороналаш, молалаш, чизелли ишлов бериш, пушта олиш ва ҳоказо.



**2-расм. Тупроққа механик ишлов беришнинг асосий операциялари.**  
 а – ағдарипш; б – юмшатиш; в – зичлаш; г – аралаштириш; д – текислаш; е – бегона ўтларни кесиш; ж – ариқ очиш, пушта ва жүйк ҳосил қилиш.

*Тупроққа ишлов берши тизими* – қишлоқ хұжалик әкинларини етиштириш учун күлланиладиган бир неча технологик операциялар ёки жараёнлар тупроққа ишлов бериш тизимини ташкил қылади. Тупроқ-иклим шароитга ва үсімліктарни етиштириш технологиясыға боелик равища ағдаргичлы, ағдаргичсиз за минимал тизимлар күлланилади.

*Ағдаргичли тизим* тупроқ палахсасини түлиқ ағдашибиши назарда тутади, бунда үсімлік қолдиклари, бегона ўтлар ууруглари ва касаллік құзғатувчилар хайдов катламининг пастки қисмінде күмилади. Бунда үсімлік қолдиклари аэроб микроорганизмлар таъсирида тезроқ парчаланади, бегона ўтлар, заараркунандалар ва касаллік құзғатувчи микроблар эса үлади. Ағдаргичли ишлов бериш етарли ва ортиқча намли жойларда әнг күп күлланилади.

*Ағдаргичсиз тизим* палахсаны айлантиришни истисно қылади, бунда тупроқни шамол әрозиясыдан ұмоя қилиш учун даға юзасыда поялар саклаб қолиниб, тупроқ чукур юмшатилади. Ишлов беришнинг бу усули намлік етарли бўлмаган ҳудудларда тупроқда намни йигиш ва саклаш усули сифатида ҳам күлланилади.

*Минимал тизим* тупроққа ишлов бериш сонини ва уларнинг чукурлігини камайтиришини, агрегатни бир марта ўтишида бир неча

технологик операциялар ва жараёнларни мужассамлашувини ҳамда уларни бир вақтда бажарилишини назарда тутади. Бу тизим тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг юриш қисмлари таъсирида тупроқни зичлашиши ва кукунлашишини камайтириш ҳамда тупроқни экишга тайёрлаш муддатини қисқартириш учун қўлланилади.

Баъзи бир ҳолларда ҳамма юзага эмас, балки фақат узунлиги бўйича даланинг тор бўлакларига ишлов берилади ва уларга уруг экилади. Бу тупроққа ноль ишлов бериш деб аталади.

Ишлов бериш тизими тупроқни ҳимоя қиласидиган, қувват сарфини тежайдиган, ўзини иқтисодий оқлайдиган ва атроф-муҳит учун зарарсиз бўлиши керак. Бу талабларни бажариш қўлланиладиган машиналарни тўғри танлаш ва оптимал ишлатиш, уларни техник соз ҳолатда тутиб туриш, тўғри агрегатлаш ва созлаш билан боғлик.

Ишчи органларнинг ишлов бериш чукурлиги ва бажариладиган операцияларга боғлик равишда тупроққа асосий, юза ва маҳсус ишлов бериш турлари ажратилади.

*Асосий ишлов бериш.* Бу, одатда етиширилган ўсимликдан кейин тупроққа биринчи чукур (20...35 см) ишлов бериш. Асосий ишлов беришга шудгорлаш, палахсанни айлантирумасдан чукур юмшатиш, фрезерлаш (шудгорлаш чукурлигига) ва чизеллаш (юмшатгич панжалар излари оралиғида чукур юмшатиш) киради.

*Юза ишлов бериш* экиш олдидан, экиш жараёнида ёки экишдан кейин 14 см дан катта бўлмаган чукурликда ўтказилади. У культиваторлар, бороналар, фалтаклар, лушчильниклар, мотигалар билан тупроқни юмшатиш, аралаштириш ёки зичлаш, бегона ўтларни кесиш ва ўғитларни кўмиш мақсадида бажарилади.


*Маҳсус ишлов бериш* янги ерлар ўзлаштирилганда ҳамда ўсимликларни нормал ўсиши учун баъзи бир маҳсус шароитлар яратиш учун қўлланилади. Унга бутазор-ботқоқ плуглар билан шудгорлаш, плантаж ва ярусли ишлов бериш, катта чукурликда юмшатиш, тупроқни фрезерлаш, пушталар олиш ва бошқалар киради.

## 2-§. Пона назарияси

Ишчи органлар таъсирида тупроқда кечадиган ҳодисаларнииг тавсифи унинг технологик хоссалари ҳамда ишчи органларнинг геометрик шаклига боғлик. Академик В.П.Горячкин тупроққа ишлов берадиган ишчи органларни ҳар хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳар бирини геометрик шакли понага келтирилишини, яъни пона улар учун асос бўлишини кўрсатади. Пона культиватор панжасини ҳам, плут

корпусини ҳам намунаси (прототипи) бўлади. Шунинг учун тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишчи органларини тупроққа таъсирини биринчи ёндашишда понани унга таъсиридек тасаввур этса бўлади.

**Понанинг турлари.** Поналар ишчи сиртларининг геометрик шаклига қараб текис ва эгри чизиқлilarга бўлинади. Текис поналарга плут корпусининг лемехлари, культиваторларнинг панжалари, бороналарнинг тишлари, юмшаттичларнинг пичоклари, эгри чизиқли поналарга эса плугларнинг ағдаргичлари, арик қазгичларининг кўтаргич-ағдаргич юзали, окучникилар ва бошқа эгри юзали ишчи органлар киради.



3-расм. Бир ёқли текис пони.


Харакат йўналишига нисбатан ўрнатилишига қараб тўгри (тўгри кесадиган) ва қия (сирпаниб кесадиган) поналарга бўлинади. Иш жараёнида қатнашадиган ёкларининг сонига қараб эса бир, икки ва уч ёқли поналарга ажратилади.

Бир ёқли текис пони (3-расм) факат ишчи  $AB$  ёққа эга, унинг бошқа  $AC$  ёқи иш жараёнида катнашмайди. Бир ёқли поналарга ўткир чархланган баъзи бороналарнинг тишини киритса бўлади. Бироқ, иш жараёнида уларнинг тиги тезда ейилиб ўтмас бўлиб қолади, натижада таянч сирт (товон) ҳосил бўлади.

Шунинг учун амалда бир ёқли поналар бўлмайди. Демак, уч ўлчовли фазода икки ёқли текис пони энг оддий элементар пони ҳисобланади. Бу икки ёқли понанинг бир ёқи (юза қисми) ишчи, иккинчи ёқи (пастки) таянч ҳисобланади. Орка ёқи эса туттич вазифасини ўтайди ва иш жараёнида катнашмайди.


Уч ўлчовли фазода ҳар хил технологик хоссаларга эга бўлган учта тўғри текис икки ёқли поналарни (4-расм) тасаввур этиш мумкин.

Пона  $ABCDEF$  (4а-расм) ишчи  $ABC\bar{D}$  ва таянч  $BCEF$  ёкларга эга. Харакат йўналишига тик бўлган қирраси  $BC$  палахсани горизонтал текисликда кесади, ишчи ёқ  $ABC\bar{D}$  эса уни ўзига кўтаради. Кўтарилиш жараёнида палахса этилади ва уваланади (5а-расм). Бу пони бўйламида тик текисликда жойлашган бурчак  $\alpha$  билан тавсифланади. У қанча катта бўлса палахса шунча кўп этилади ва уваланади, шунинг учун бурчак  $\alpha$  увалаш (майдалаш) бурчаги деб ном олган.



4-расм. Текис поналарнинг турлари.

$\alpha$  -  $\alpha$  увалаш бурчакли оддий пона;  $\delta$  -  $\beta$  қия бурчакли оддий пона;  $\delta$  -  $\gamma$  силжиш бурчакли оддий пона;  $\varepsilon$  -  $\alpha$ ,  $\beta$ , ва  $\gamma$  бурчакли уч ёқли қия пона.



5-расм. Элементар ва уч ёқли поналарни тупроқ палахсасига таъсир характери.

$\alpha$  -  $\alpha$  бурчакли;  $\delta$  -  $\beta$  бурчакли;  $\varepsilon$  -  $\gamma$  бурчакли;  $\varepsilon$  - уч ёқли.

Элементар  $A_1B_1C_1D_1E_1F_1$  понада ишчи  $A_1B_1C_1D_1$  ва таянч  $C_1D_1E_1F_1$  ёқлар билан таъминланган. Бу понанинг асосий тавсифи – кўндалангтик текисликда жойлашган бурчак  $\beta$ . Бурчак  $\beta$  қанча катта бўлса палахса кўндалангтик текисликда шунча кўп бурилади (5 $\varepsilon$ -расм). Шунинг учун бурчак  $\beta$  ишчи юзанинг палахсанни буриш - айлантириш қобилиятини характерлайди.


Учинчи элементар понада  $A_2B_2C_2D_2E_2F_2$  (4 $\varepsilon$ -расм) ишчи  $A_2B_2C_2D_2$  ва таянч  $A_2B_2F_2E_2$  ёқларга эга. Бу понанинг  $A_2B_2$  кирраси тупроқ палахсасин тик текисликда кесади. Унинг ишчи ёқи таъсирида палахса горизонтал текисликда этилиб (5 $\delta$ -расм) ён томонга суриласди. Этилиш туфайли палахса уваланади. Бу понанинг тавсифи горизонтал текисликда жойлашган бурчак  $\gamma$  хисобланади.

Шундай қилиб, палахсага  $\alpha$  бурчакли понада тик текисликда қандай таъсир қилса  $\gamma$  бурчакли понада ҳам горизонтал текисликда шундай таъсир

қилади. Демак  $\alpha$  ва  $\gamma$  бурчакли поналарнинг биргаликдаги таъсири палахсани ҳар хил икки текисликларда парчаланишига олиб келади.

Бирок, тупроқ палахсасини парчалаш, айлантириш ва ёнбошга силжитиш учун унга кетма-кет жойлашган  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчакли поналар билан таъсир қилиш амалий жиҳатдан қулай эмас. Академик В.В.Горячкин бу учта элементар понани, уларнинг технологик хоссаларини түлиқ мужассамлаштиргац, битта пона билан алмаштириш мумкинлигини кўрсатди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун  $ABCDEF$  понани координата бошига силжитамиз (4-расм) ва  $FA$ ,  $FB$  ва  $FE$  томонларида  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчакли поналарни қурамиз.

$A$ ,  $B$  ва  $E$  нукталарни узлуксиз чизиклар билан туташтириб  $ABEF$  понани ҳосил қиласиз. Бу уч ёқли қия пона. У битта ишчи ёқ  $ABE$  ва иккита таянч  $ABF$  ва  $BEF$  ёқлар билан таъминланган. Бундан кўриниб турибидики, уч ёқли қия пона  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчаклари билан тавсифланади, шунинг учун у учта элементар поналарнинг барча технологик хоссаларига эга. Бу бурчаклар ўзаро маълум боғлиқликга эга.



6-расм.  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчакларнинг ўзаро боғлиқлигини аникланашга доир схема.

6-расмдан

$$OA = OB \operatorname{tg} \alpha = OC \operatorname{tg} \beta.$$

Бу ерда  $OC = OB \operatorname{tg} \gamma$ . Уни формулага қўйиб қуйидагини оламиз:

$$\begin{aligned} OA &= OB \operatorname{tg} \alpha = OB \operatorname{tg} \beta \operatorname{tg} \gamma, \\ \operatorname{tg} \alpha &= \operatorname{tg} \beta \operatorname{tg} \gamma. \end{aligned} \quad (11)$$

Шундай қилиб уч ёқли понада ихтиёрий равища факат иккита бурчакни ўзгартириш мумкин, учинчиси эса олдинги иккитасининг қийматлари бўйича аникланади.

Юқорида келтирилган учта бурчакдан ташқари уч ёқли пона яна бир бурчак -  $\epsilon$  билан тавсифланади. Бу бурчак понанинг ишчи ёқини горизонтал текисликка қиялигини аниклади. У ҳам  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчаклар билан боғланган. Шу расмдан

$$\begin{aligned} OA &= OD \operatorname{tg} \epsilon = OB \operatorname{tg} \alpha, \text{ бирок } OD = OB \sin \gamma, \\ \operatorname{tg} \alpha &= \operatorname{tg} \epsilon \sin \gamma. \end{aligned} \quad (12)$$

демак

Шунга ўхшаш ҳисоб қилиниб, қуйидаги ифода топилади

$$\operatorname{tg}\beta = \operatorname{tg}\varepsilon \cos\gamma \quad (13)$$

(12) ва (13) формулалар лемех ишчи юзасининг ҳолатини ҳисоблашда кўлланилади. Бунда  $\varepsilon$  ва  $\gamma$  бурчакларнинг мълум қийматлари бўйича  $\alpha$  ва  $\beta$  лар аниқланади.


Материалнинг (тупрокнинг) деформацияланиш характеристи понанинг ишчи ёқини горизонтал ва тик текисликка нисбатан ўрнатилишига ҳамда тупрокнинг физик-механик хоссаларига боғлиқ.

Пона ишчи ёқининг ўрнатиш бурчагини унинг ишига таъсири. Умумий ҳолда понада иккита вазифани бажаради: тупроқ палахсасини парчалаш ва уни силжитиш. Понага нисбатан унча катта бўлмаган ҳаракатлантирувчи куч  $T$  қўйилганда у ўзи билан ўзаро таъсирида бўлган материалга катта нормал босим кучи ҳосил қилиш қобилиятига эга. Унинг бу хусусиятидан палахсани парчалашда фойдаланилади. Куч учбурчагидан кўрининишича (7-расм), нормал босимга миқдор бўйича тент, аммо йўналиш бўйича қарама-қарши палахсани реакция кучи

$$N = T / \sin \alpha, \quad (14)$$

бу ерда  $\alpha$  - понанинг ишчи ёқини қиялик бурчаги.

$\alpha = 15^\circ$  бўлганда  $N=4T$ .




7-расм. Палахса ва понани ўзаро таъсири (а); куч учбурчаги (б).

Понани тупроқка таъсири характеристига унинг ишчи ёқини горизонтга қиялик бурчаги  $\alpha$  катта таъсири кўрсатади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун тупроққа киргаи ва ўнгдан чапга ҳаракат қилувчи  $ABC$  понани кўрамиз (8-расм). Пона ишчи ёқининг тупроқ зарраси (агрегат)  $m$  га таъсири қиласидиган нормал куч  $N$  ни мос равища ҳаракат йўналиши ва ишчи ёқ  $AB$  бўйича таъсири кўрсатадиган иккита тенг таъсири этувчи кучлар  $N_o$  ва  $N_T$  ларга ажратамиз. Нормал босим  $N$  дан ташқари зарра  $m$  га ишқаланиш кучи  $F$  таъсири кўрсатади.  $N$  ва  $F$  кучлар йигинидиси нормалдан ишқаланиш бурчаги  $\phi$  га оғган умумий куч  $R$  ни беради. Бу ҳолда, бурчак  $\alpha$  га боғлиқ равища понани икки хил иш тартиби

бўлиш мумкин: тупроқ ишчи юза бўйича силжийди (лемех, текискесгич культиватор панжалари ва б.к.), тупроқ ишчи юза бўйича силжимайди, яъни унинг олдида йифилади (бульдозер ағдаргичи, грейдер пичоги, культиваторнинг юмшатгич панжаси ва б.к.). Агар нормал босимнинг уринма ташкил қилувчиси  $N_r$  тупроқнинг пона юзаси бўйича максимал (энг катта) ишқаланиш кучидан катта бўлса, тупроқ зарралари понанинг ишчи ёки бўйича ҳаракат қилиши мумкин, яъни  $N_r > F_{max}$ ,  $N_r = Nt g(\pi/2 - \alpha)$  ва  $F_{max} = Nt g \varphi$  бўлгани учун тупроқ зарраларининг сирпаниш шарти қуидагича бўлади:

$$Nt g(\pi/2 - \alpha) > Nt g \varphi \quad \text{ёки} \quad \pi/2 - \alpha > \varphi.$$



8-расм. Тупроқнинг пона сиртида сирпаниш шартини аниқлашга оид схема.

Понанинг ишчи юзасига нормал  $N$  ўналиши билан унинг ҳаракати тезлиги  $\upsilon$  ўналиши ўртасида бурчак  $\xi$  (8-расм) тупроққа ишлов бериш машиналарнинг энг муҳим параметрларидан бири хисобланади. Бу бурчакка боғлиқ ҳолда материалларни (тупроқни) ишчи юза бўйича сирпаниш шарти қуидаги кўринишга эга бўлади:

$$\xi > \varphi, \quad (15)$$

бу ерда  $\xi = \pi/2 - \alpha$ .

Агарда  $\xi < \varphi$  бўлса  $N_r$  ва  $F$  кучлари ўзаро тенглашади, бунда тупроқни понанинг ишчи ёки бўйлаб силжиши қузатилмайди ва  $m$  зарранинг ҳаракат йўналиши понанинг ҳаракат йўналиши билан тўғри келади, чунки бирдан-бир ҳаракатлантирувчи куч  $N_r$  кучи бўлади. Бу ҳолда ҳар бир тупроқ зарраси пона билан унинг ҳаракат йўналиши бўйича силжийди ва пона ўз олдида турган барча тупроқ массасини олдинга суради. Натижада у пона олдида йифилади.

Понага таъсир қилувчи тупроқнинг қаршилигига ҳам  $\alpha$  бурчак катта таъсир кўрсатади. Бурчак  $\alpha$  ни ошиши билан тупроқ қаршилигининг

горизонтал ташкил этувчиси  $R_x$  күпаяди, тик кучи  $R_z$  эса камаяди.  $R_z$  кучи технологик жарайнга кетадиган күват сарфини,  $R_z$  кучи эса понани тупрокқа ботишини характерлайды. Минимал күват сарфи ва яхши чукурлашиш  $\alpha$  бурчакнинг кичик қийматларида кўзга ташланади.


**Пона таъсирида тупрокни деформацияланиш характеристи.** Пона билан тупрокни деформацияланиш характеристи турлича бўлиб, у тупрок палахсасининг хоссаларига ва ҳолатига боғлиқдир.

Палахсаси этилишга катта қаршилик кўрсатмайдиган кам боғланган (яхши бирикмаган) пластик тупроқларда тупрок деформацияси даврий тақрорланадиган икки фазани ўз ичига олади: тупроқни маълум бир мустаҳкамлик чегарасигача зичланниши (сиқилиши ёки эзилиши); зичланган тупроқни трапеция шаклида синиши (силжиши). Масалан (9-расм), пони I ҳолатдан II ҳолатга ўтганда тупроқнинг  $a$  ва  $b$  зарралари унинг ишчи юзасига нормал йўналишида (агар силжиш бўлмагандан) ёки нормалга нисбатан ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  остида (агар силжиш бўлса) ҳаракатланадилар ва  $a'$  ва  $b'$  ҳолатларни эгаллайдилар.

Бу ҳолатда эзилиш деформацияси  $aa'$  ва  $bb'$  силжишлар билан характерланади.  $aa' > bb'$  бўлгани учун  $a'$  нуктадаги эзилиш кучланиши  $\sigma^1$  нуктадаги кучланишдан катта. Шундай англаш мумкинки,  $aa'$  деформация  $bb'$  деформацияга нисбатан қанча катта бўлса, эгат тубига нисбатан  $a'$  зарранинг баландлиги  $\psi^1$  зарранинг баландлигига нисбатан шунча катта бўлади. Бунда тупроқдан кўндаланг кесими трапеция шаклидаги кесак ажралади. Сўнгра у деформацияланмасдан пони юзаси бўйича ҳаракат килади ва бир вақтда силжиш текислиги бўйича сирпанади. Бу жараён даврий тақрорланганилиги учун тупроқ палахсаси кетма-кет трапециясимон кесакларга бўлинади (10a-расм). Пона унчалик чукур ботмагандан ва увалаш бурчаги  $\alpha$  эса кичик бўлганда палахса юпқа ва майда бўлакчаларга ажралиб синади (10b-расм).

Кумли енгил тупроқ пони таъсирида майда зарраларга бўлинади (10b-расм).

Оғир механик таркибли (соз тупроқ, оғир қумоқ тупроқ ва б.к.) бириккан қуруқ тупроқ палахсасига пони таъсири қилинганда парчаланиш манзараси бутунлай ўзгаради (10c-расм). Бунда қуруқ тупроқ пастдан ёрилиб синади ва нотўғри шаклдаги катта кесак ажралади, натижада



9-расм. Пона таъсирида палахсаси эзилиши.


әгат туби нотекис, ўнқир-чүнқир бўлади. Шундан кейин пона тиги ўзгарувчан қалинликдаги кириндини кесиб әгат тубини текислайди, сўнгра у яна тегилмаган тупроққа киради ва бутун жараён қайтадан бошланади.

Синдирилган кесак бўлакларининг катталиги ишлов бериш чукурлиги (палахса қалинлиги) ва синиш бурчаги  $\psi$  нинг қийматига боғлик. Академик В.П.Горячкин синиш бурчатини куйидаги ифода билан аниқлашни таклиф этган:

$$\Psi = \frac{\pi}{2} - \frac{\alpha + \phi' + \varphi}{2}, \quad (16)$$

бу ерда  $\alpha$  - понанинг увалаш бурчаги;  $\phi$  ва  $\phi'$  - тупроқнинг ташки *ва* ички ишқаланиши бурчаклари.

Пона билан нам эластик чимли тупроққа ишлов берилганда палахсани ажralиши горизонтал йўналишида юз беради ва у яхлит узлуксиз тасма кўринишига эга бўлади. Бунда, агар палахса бутун қалинлиги бўйича чимли бўлса, унда палахсани эгилиши амалда қолдик деформациясиз юз беради (10d-расм). Табиий яйлов ва ўтлоқларнинг чимли қатлами асосан 16...18 см қалинликда бўлади. Агар ишлов бериш чукурлиги кўрсатилган миқдордан юқори бўлса, унда палахса ўзини технологик хоссалари билан жиддий фарқ қиласидан иккита қатламдан иборат бўлади. Юқори чимли қатлам катта маҳкамликка эга бўлади ва амалда деформацияланмайди. Палахсани эгилиши фазасида унинг пастки чимсиз қатламида ёриклар ҳосил бўлади (10e-расм). Понанинг ишчи юзаси бўйича палахса ҳаракатлаиганда, одатда, бу ёриклар юмилади ва палахса узлуксиз тасма шаклини сақлайди.



10-расм. Пона таъсирида тупроқни деформацияланиш характеристи.

### 3-§. Текис понаның өзгөрілешінде деформацияның рольі

Барча текис поналарда, элементар иккі ёқлида ҳам, кия уч ёқлида ҳам, ишчи өзгөрінинг ҳар қандай нүктаси учун  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчакларнинг қиймати үзгартылады. Шунинг учун палахсаны деформациясы уни фақат понаның ишчи өзгөрісінде күтәрилишида күзатылады. Эгилиш ёки сиқишлиш натижасыда парчаланғандан сұнг понаның ишчи өзгөрісі бүйіча палахсаны кейінгі силжиши деформациясын жаз беради.


Оддий текис понаны, масалан,  $\alpha_1$  бурчаклы, палахсага янада жадалроқ таъсир килиши учун уни  $A_1A_2$  ишчи ёқли ва  $\alpha_1$  (11 $a$ -расм) бурчаклы понаның бүйіча силжиши йўлида ишчи ёқи  $\alpha_2 > \alpha_1$  бурчак остида үрнатылған янги понаны  $A_2A_3$  ни, сүнгра -  $\alpha_2 > \alpha_1$  бурчаклы понаны  $A_3A_4$  ни күйиш керак вади. О. Башланғич понаны бир неча бор кетма-кет үстериш күп ёқли өзгөріс  $A_1A_2A_3\dots A_n$  ни ҳосил бўлишига олиб келади. Демак, палахсаны узлуксиз деформация килиши учун күп ёқли  $A_1A_2A_3\dots A_n$  га чизилған (11 $b$ -расм) өгри чизикли өзгадан фойдаланиш керак.

Уч ёқли кия понаны өгри чизикли өзгөріс айлантириш умумий ҳолда  $\alpha$ ,  $\beta$  ва  $\gamma$  бурчакларни узлуксиз үзгаришини таъминлаш мүмкін. Аммо ишлов бериладиган тупроқнинг хоссасыга боғлик равишда өзгөріс  $\alpha$  ёки  $\beta$  бурчаги ортиқча ривожланишга эга бўлиши мүмкін.

Агар тупроқ боғланмаган, сочиувчан бўлса, масалан, кум тупроқ (палахсаси ўз шаклини сақтай олмайди), бу ҳолда бундай тупроққа ишлов бериш уни юмшатиши ва зарраларни арапаштиришдан иборат бўллади. Бу бўйлама тик текислиқда жойлашган асосан  $\alpha$  бурчаги ривожланған понан билан амалга оширилади. Бўйлама тик текислиқда  $\alpha_1$  бурчак остида үрнатылған текис уч ёқли понаны ишчи ёқи  $A_1B_1C_1$  ни (12 $a$ -расм)  $\alpha_2 > \alpha_1$  бурчаклы бошқа  $A_2B_2C_2$  понаны ишчи ёқи билан кесамиз. Сүнгра  $\alpha_2$  бурчаклы  $A_2B_2C_2$  ишчи ёқни  $\alpha_3 > \alpha_2$  бурчаклы  $A_3B_3C_3$  ишчи ёқ билан кесамиз,  $\alpha_3$  бурчаклы  $A_3B_3C_3$  ишчи ёқни эса  $\alpha_4 > \alpha_3$  бурчаклы  $A_4B_4C_4$  ишчи ёқ билан кесамиз. Бунинг натижасыда увалаш бурчаклари:  $\alpha_1 < \alpha_2 < \alpha_3 < \alpha_4$  катталашиб борадиган тўртта текис ишчи ёқдан ташкил топган синиқ ишчи өзгөріс оламиз, у эса плуг корпуси ишчи өзгөріс (12 $b$ -расм) қуриш учун асос бўлиши мүмкін.  $A_4B_4C_4$  понаны ишчи өзгөрісни юкоридан тўғри чизик 4-4 билан чегаралаб, ҳамда II, III ва IV ишчи ёқларнинг текислигини қўшни квадрант томонга чўзиб, плуг корпусининг синиқ ишчи өзгөріс оламиз (12 $b$ -расм).


Кўриниб турибдик, кия уч ёқли поналарнинг ишчи ёқлари ҳар бир кесилганды тўғри чизиклар ҳосил бўллади: 1-1, 2-2, 3-3. Майлум оралиқда бундай кесишадиган поналар чексиз күп сонли бўлса өгри чизикли ботик ишчи өзгөріс ҳосил қилилади. Бу мисолда у цилиндрик

юза ( $\gamma = \text{const}$ ) бўлади. Бунда текис қия уч ёкли поналарнинг ишчи ёқларини ҳар бир кесилиш чизиги бир йўла цилиндрнинг ҳосил қилувчиси бўлиб ҳам хизмат қиласди.



11-расм. Оддий текис понани эгри юзага ривожланиши.

*a* - кўп ёкли юзани ҳосил бўлиши; *b* - эгри чизикли юзани куриш.




12-расм. Қия уч ёкли понани цилиндрик ишчи юзага ривожланиши.

*a* - кўп ёкли юзани ҳосил бўлиши; *b* - цилиндрик корпус ишчи юзасини куриш.

Пона ёрдамида юмшатиб бўлмайдиган боғланган чимли тупрокларга ишлов бериш уларнинг палахсаларини тўлиқ айлантириш, сўнгра эса дала юзасига чиққан чимсиз қисмини бошқа қуроллар билан юмшатиш орқали амалга оширилади. Бундай вазифа кўндалант тик текислиқда жойлашган  $\beta$  бурчаги кучли ривожланган понадан бажарилиши мумкин. Бу ҳолда палахсанни узилиши хавфини олдини олиш учун увалаш бурчаги  $\alpha$  кам ривожланиши керак. Кўриниб турибдики (13-расм),  $\beta$  бурчагини  $ABC O$  понанинг  $BC$  киррасини кўндалант тик текислиқда айлантириш ва бир вақтда унинг охири  $B$  ни ётиқ текислиқда ётган (эгат туби текислигида) ва  $X$  ўқига параллел (эгат деворига) тўғри

чизик  $BD$  бүйича бүйлама силжитиши билан ривожлантириш мүмкүн. Натижада винтсимон юза (геликоид) ҳосил қилинади.



13-расм. Қия уч ёқли понани винтсимон ишчи юзага ривожланиши.

Шундай килиб, уч ёқли текис қия понанинг юзаси уни у ёки бу параметрининг ривожланишига боғлик равишда у ёки бу турдаги корпуснинг ишчи юзасига айлантирилиши мүмкін: цилиндрик ( $\alpha$  бурчаги катталаштирилған), цилиндрсімон ( $\alpha$  ва  $\gamma$  бурчаклары катталаштирилған) ва винтсимон ( $\beta$  бурчаги катталаштирилған).


#### 4-§. Тиф билан кесиш технологик жараённининг асослари

Хар қандай пичокда уч элемент ажратиласы: тиф, фаскалар (чархланган кирралар) ва асос. Яқынгача ўткир чархланган пичоқнинг тиғи деб тик текисликда фаскалар «*ac*» ва «*bc*» лар (14a-расм) ҳосил қылған бурчакнинг «*c*» қирраси ҳисобланған, тиғнинг ўткирлігі эса унинг чархланиш бурчаги «*i*» орқали бағоланған. Аммо текширишлар натижаларига кўра, биринчи кесишдаёқ пичокни юпқа қирраси (*dce*) аввал эгилади, сўнгра эса синади ва тиф тезда пичок фаскаларини силлик боғлайдиган доира юзаси шаклига (кўндаланг кесимда *de* ёйи шаклида) эга бўлади, у айланасимон цилиндрни бир қисми сифатида ифода қилиниши мүмкін. Шунинг учун кесиш жараёни кўрилганда маълум қалинликка эга бўлган мавжуд тиф тасаввуридан келиб чиқиш керак. Бунда пичок ўткирліги чархлаш бурчаги билан эмас, балки тиф қалинлиги билан аниқланади.

Тиг қалинлиги эса  $2\phi$  га teng марказий бурчак билан чекланади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади

$$\delta = 2rsin\phi, \quad (17)$$

бу ерда  $r$  - тиг юзаси эргилигининг радиуси.



14-расм. Пичоқнинг элементлари.

*a*-ўткир чархланган тигли пичоқ; *b*-ищчи тигли пичоқ; *1*-тиг; *2*-фаска; *3*-асос.

Бунда *ad* ва *be*, бу ерда  $\xi > \varphi$ , фаскаларга тааллуқли. Шундай қилиб, тиг билан кесилганда асосий ишни, яъни материални нарчалашни тиф бажаради. Бироқ, агар фаскалар ҳосил қилган икки ёкли бурчак катталиги ва бу фаскаларни кесиладиган материалнинг хоссаларига боғлиқ бўлган кенглиги маълум бир чегарадан ўтса, у ҳолда фаскаларни таъсири тиг таъсиридан устунлик қиласди ва тиг билан кесиш пона билан кесишга ўтади.

Тигнинг тезлиги йўналиши ва унинг юзасига ўтказилган нормал орасидаги бурчак  $\xi$  га ҳамда кесиладиган материалнинг фрикцион хоссаларига боғлиқ равиша кесиш учта турга ажратилади:


$\xi = 0$  - чопиб кесиш (15*a*-расм);

$0 < \xi < \varphi$  - сирпанишисиз бўйлама силжиши билан кесиш (15*b*-расм);

$\xi > \varphi$  - сирпаниши билан кесиш (15*c*-расм).

**Чопиб кесиш** (15*a*-расм) тупроқка ишлов бериш машиналарида анча кам қўлланилади. Бунда тиг тупроқ агрегати *m* ни нормал бўйича босади, у эса бу куч таъсирида тупроқ мухитида парчалангунга қадар силжийди.


**Бўйлама силжиши билан кесини** (15*b*-расм) кўйидагича кўриб чикамиз: *N* кучни иккита ташкил этувчига ажратамиз – тезлик йўналиши бўйича  $N_v$  кучга ва тигта уринма бўйича  $N_r$  кучга.  $\xi < \varphi$  бўлгани учун  $N_r = N t g \xi$  кучи мумкин бўлган максимал ишқаланиш кучи  $F_{max}$ дан кичик,  $F_{max} = N t g \varphi$ . Шундай экан, *F* кучи реакция кучи сифатида, айнан уни юзага келтириладиган  $N_r$  кучга teng ва унга тескари йўналган. Шундай қилиб  $N_r$  кучи *F* билан тенглашади ва тупроқ агрегати *m*  $N_v$  кучи таъсирида унинг йўналиши бўйича парчалангунга қадар силжийди.



15-расм. Тиф билан кесиши тартиблари.

*a* - чопиб кесиши; *b* - сирпанишсиз бўйлама силжитиб кесиши; *c* - сирпаниш билан кесиши.

**Сирпаниш билан кесиши**, яъни  $\xi > \varphi$  ва  $N_T > F_{max}$ , бунда ишқаланиш кучи ўзини максимал қиймати  $F_{max}$  га етади, аммо у нормал босимнинг ташкил этувчиси  $N_T$  га тенглаша олмайди. Шунинг учун тиф бўйича тупроқ агрегатларининг силжиши  $N_T - F_{max}$  кучи таъсирида кузатилади. Демак, тупроқ агрегати  $m$  га бир вақтда  $N_v$  ва  $N_T - F_{max}$  ёки  $N$  ва  $F_{max}$  кучлари таъсири килади. Уларни паралелограмм коидаси асосида қўшиб нормалга  $\varphi$  бурчак остида йўналган тенг таъсири этувчи куч  $R$  ни оламиз. Тупроқ зарраси  $m$   $R$  кучи таъсирида уни таъсири йўналиши бўйича, тики тупроқни зичланиши унга солиштирма босимни маҳкамлик чегарасига етгунга қадар, силжийди ва сўнгра парчаланади.



16-расм. Сирпаниш билан кесиши.

*a* - сирпаниш коэффициентини аниқлашга доир схема; *b* - сирпаниш коэффициенти  $i$  ни  $\xi$  бурчакка боғлиқ ўзгариш характеристи.

Материални тиф бўйича сирпаниши  $\xi$  бурчагининг  $\varphi$  дан катта,  $\pi/2$  га яқинлашадиган ҳар хил қийматларида рўй беради. Бунда  $\xi$  қанча катта бўлса сирпаниш даражаси ҳам шунча катта. Сирпаниш меъёрини тантаз учун тиф билан кесиши жараёнини дастали пичоқ мисолида кўрамиз. Дейлик, пичоқ  $v$  тезлик йўналиши бўйича тупроқда

ҳаракатлансин ва I ҳолатдан II ҳолатга сурилсин. Бунда тигни  $a_1$  нүктасига тегиб турган  $m$  тупроқ агрегати  $R$  кучи таъсирида унинг йўналиши бўйича силжиг тигнинг  $a_3$  нүктасига келади,  $a_1$  нукта эса  $\psi$  тезлик йўналишида сурилиб  $a_2$  ҳолатни эгаллади. Унда  $a_2 a_3$  тупроқ агрегати  $m$  нинг тиг бўйича нисбий сирпаниб ўтган йўли,  $a_1 a_3$ -тупроқ агрегатини абсолют силжиши (тупроқни эзиш деформацияси) бўлади, биринчисини иккинчисига нисбати эса – сирпаниш меъёри бўлиб, *сирпаниш коэффициенти* деб аталади. Синуслар теоремасидан ва 16-расмдан фойдаланиб оламиз:

$$i = \frac{\alpha_2 \alpha_3}{\alpha_1 \alpha_3} = \frac{\sin(\xi - \varphi)}{\sin(\pi/2 - \xi)} - \frac{\sin(\xi - \varphi)}{\cos \xi}. \quad (18)$$

(18) дан кўриниб турибдики,  $\xi = \varphi$  бўлганда коэффициент  $i=0$ ,  $\xi = \pi/2$  бўлганда эса у чексизликка интилади, яъни  $i \rightarrow \infty$ , функция  $i=f(\xi)$  эса 16б-расмда тасвирланган кўринишга эга бўлади. Сирпаниш шарти  $\xi > \varphi$  бўлгани учун, 16a-расмдан эса  $\xi = \pi/2 - \alpha$ , у ҳолда дастали пичоқ билан сирпаниб кесиш учун уни горизонтта (ётиқ текисликка)  $\alpha < \pi/2 - \varphi$  бурчак остида ўрнатиш керак.

### *Таянч иборалар*

Ағдариш, юмшатиш (увалаш), кесиш, арапаштириш, зичлаш, юза текислаш, бегона ўтларни кесиш ва суориш, пушта, жўяқ ва ариқ очиш, ағдаргичсиз, минимал тизим, шудгорлаш, чуқур юмшатиш, чизеллаш, фрезерлаш, пони, текис пони, эгри чизикли пони, уч ёқли попа, увалаш бурчаги, буриш, силжиш, ишқаланиш бурчаги, панжа, лемех, ҳаракатлантирувчи куч, босим кучи, тиг, тиг қалинлости, чопиб кесиш, бўйлама силжиш билан кесиш, сирпаниш билан кесиш, сирпаниш коэффициенти.

### *Назорат саволлари*

1. Тупроқка ишлов беришнинг вазифалари нималардан иборат? 2. Ағдариш, юмшатиш ва зичлаш қандай технологик операциялар? 3. Минимал ишлов бериш тизимининг моҳиятини айтинг? 4. Понанинг қандай турларини биласиз? 5. Уч ёқли пони қандай бурчаклар билан тавсифланади? 6. Уч ёқли понанинг бурчаклари орасидаги боғликларни келтиринг? 7. Пона қандай вазифани бажаради? 8. Понага таъсири этувчи босим кучи ва ҳаракатлантирувчи куч орасидаги боғликларни келтиринг? 9. Тупроқни пони сиртида сирпаниш шарти қандай? 10. Текис пони юзаси эгри чизикли юзага қандай айлантирилади? 11. Уч ёқли пони юзаси ҳар хил турдаги корпусларнинг ишчи юзаларига қандай айлантирилади? 12. Тигни таърифланг? 13. Тиг билан кесиш тартибларини айтинг? 14. Сирпаниш коэффициенти нимани тавсифлайди ва у қандай аниқланади?

## 3 – Б О Б ПЛУГЛАРНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

### 1-§. Шудгорлаш турлари

Түғри, илмий асосланган тупроққа ишлов бериш усулларини қўллаш тупроқнинг фақаттина самарали эмас, балки потенциал ҳосилдорлигини ҳам оширишнинг асосидир. Шунинг учун ҳар хил табиий иқлим ҳудудларда тупроққа ишлов беришнинг турли усуллари қўлланиши керак.

Шудгорлашнинг ҳар хил турларини амалга ошириш учун саноат томонидан турли конструкциядаги ишчи органлар билан жиҳозланган плуглар ишлаб чиқарилади. Шунинг учун дехқончилик маданиятини кўтаришда, тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширишда энг муҳим вазифа маҳаллий тупроқ-иклим шароитни ва ҳатто, айрим бир дала тупроғининг хоссаларини ҳисобга олган ҳолда унга энг самарали ишлов беришни таъминлайдиган плугларни ва уларнинг ишчи органларини тўғри таплашдир.

Шудгорлашнинг куйидаги турлари (17-расм) қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилади.

**Палахсанни иргитиш** (17a-расм) – чимқирқарсиз маданий корпусли плуг билан шудгорлаш.

**Маданий шудгорлаш** (17б-расм) – чимқирқар ёки бурчак кесгичларни қўллаб шудгорлаш. Бу энг кўп тарқалган шудгорлаш тури.

**Палахсанни айлантириш** (17г-расм) – палахсанни  $180^{\circ}$  га айлантириш. Асосан, чимли тупроқлар шундай шудгорланади.

**Ағдаргичсиз шудгорлаш** (17д-расм) – тупроққа ағдаргичсиз плуглар билан, яъни палахсаларни айлантирмасдан ишлов бериш.

**Тупроқни чуқурлаштириш билан шудгорлаш** (17е-расм) – шудгорлаш билан бирга ҳайдов остини юмшатиш.

**Икки ва уч ярусли шудгорлаш** (17з-расм) – тупроқ қатламлари палахсалари ўрнини алмаштириб шудгорлаш.

**Плантараж шудгорлаш** – 40 см ва ундан кўпроқ чуқурликда шудгорлаш. У ўрмон ва бута дараҳтларини экиш олдидан ўтказилиди.


**Ўркачли-зинасимон шудгорлаш** – қияликка кўндаланг шудгорлаш. Бунда ҳар хил чуқурликда ўрнатилган плуг корпуслари ёрдамида дала юзасида ўркачлар ва ҳайдов ости қатламида эса зинасимон плуг товони ҳосил бўлади.

**Контурли шудгорлаш** – мураккаб қияликли далаларни уларнинг горизонталларига яқин йўналишлар бўйича шудгорлаш. Бунда асосан сув эрозиясига қарши кураш назарда тутилади.

**Ўркачли шудгорлаш** – қияликка кўндаланг шудгорлаш. Ўркачлар битта ағдаргичи узун бўлган плуг билан ҳосил қилинади.

**Мелиоратив шудгорлаш** – тупрокнинг хоссаларини (мелиоратив ҳолатларипи) яхшилаш мақсадида уни махсус плуглар билан чукур шудгорлаш.

**Текис шудгорлаш** – бутун дала бўйича палахсаларни бир томонга ёки ўз ўрнига  $180^{\circ}$  ағдариб шудгорлаш.



### 17-расм. Шудгорлаш турлари.

*a* - палахсанни иргитиш; *b* - маданий чимкирқарлар билан; *c* - бурчак кесгич билан; *d* - палахсанни айлантириш; *e* - тупрокнинг (чукурлартириш билан) ҳайдон остини чукур юмшатиш билан; *f* - кесик орқали ўтадиган кулранг тупроқ қатламишининг бир қисми; *g* - маданийлаштирилган палахса билан арапаштирилдиган кулранг тупроқ қатламишиниң қисми; *h* - шудгорлашга қадар маданийлаштирилган (экин экишга яропчи) палахса; *i* - маданий палахса билан арапашган кулранг тупроқ қатламишиниг қисми; *j* - ярусли: *1* - маданий қатлам; *2* - кулранг қатлам; *3* - иллиювиал қатлам.

**Ромбсимон шудгорлаш** – палахсанни ромб шаклида кесиб шудгорлаш. Кесими тўртбурчакли шаклига эга бўлган анъанавий шудгорлашдан ромбсимон шудгорлаш куйидаги афзалликларга эга. Биринчидан, плуг корпусининг бир хил қамраш кенглигига ромбсимон шудгорлаш кенгрок эгатни таъминлайди, бу эса фиддиракли тракторни эгат бўйича бошқаришни енгиллаштиради. Иккинчидан, корпушларни плуг узушлиги бўйича бир-бирига яқин ( $700\ldots900$  мм ўрнига  $500$  мм) жойлаштириш мумкин, бу эса осма плуглар учун жуда муҳим.

**Агротехник талаблар.** Шудгорлаш тупрокка ишлов беришнинг энг муҳим усули. Тупроқ қанча сифатли шудгорланса, ўсимликлар шунча яхши униб чиқади ва ривожланади, ҳосил юқори бўлади, бошқа куроллар билан қўшимча ишлов бериш кам талаб қилинади.

Юқори сифатли шудгорга эришиш учун унга кўйиладиган қуйидаги агротехник талабларни бажариш керак:

- шудгор чуқурлиги белгиланган ҳайдаш чуқурлигига мос келиши керак, ўртача ҳайдаш чуқурлигидан йўл қўйилиши мумкин бўлган четлашишлар текис далаларда  $\pm 1$  см, нотекис рельефли далаларда  $\pm 2$  см дан ошмаслиги лозим;
- плугнинг хақиқий қамраш кенглигини уни конструктив қамраш кенглигидан четлашиши  $\pm 10\%$  гача рухсат этилади;
- тупроқ палахсаси тўлиқ ағдарилиши ва ўсимлик қолдиқлари, бегона ўт уруғлари, ўғитлар тўла ва чукур кўмилиши керак;
- шудгор юзасидаги марзаларнинг баландлиги ва эгатларнинг чуқурлиги 5...7 см гача рухсат этилади;
- мақбул намликли далалар шудгорланганда 10 см дан катта кесакларнинг микдори 15...20 % дан ошмаслиги керак;
- шудгорланган дала юзаси текис ва туташ бўлиши, чала ҳамда ҳайдалмаган ерлар бўлмаслиги керак;
- плуг корпушлари кессан палахсалар бир хил ўлчамда бўлиши керак;
- илугнинг қўшини ўтишлари орасида узилишлар ҳамда очик ва ёширинча чала қолган ерлар, бутун пайкалда ҳамда эгатга киришда ва чикишда шудгорланмаган қийикларга рухсат этилмайди;
- марзалар остидаги шудгор чуқурлиги белгиланган ишлов чуқурлигининг ярмидан кичик, уларнинг баландлиги эса 7 см дан катта бўлмаслиги керак;
- шудгорлашдан ҳосил бўлган эгат тўғри чизиқли бўлиши керак;
- палахсанни майдаланиши ва тупроқ қатламини юмшатилиши таъминлаши лозим;
- шудгорланган даланинг четидаги бурилиш йўлакчалари шудгор қилиниши ва очик эгатлар текисланиши керак.

## 2-§. Плугларни таснифланиши

Плуг – бу ерга асосий ишлов бериш, яъни шудгорлаш учун мўйжалланган техник воситадир.

Плуглар вазифаси, қўлланиладиган тортичларни тури, трактор билан агрегатланиш усули, корпушларнинг конструкцияси ва сони, шудгорлаш технологияси бўйича таснифланади.

**Вазифаси бўйича плуглар икки гурӯхга бўлинади: умумий ишларга мўлжалланган ва маҳсус.**

**Умумий ишларга мўлжалланган плуглар** далачиликда факат тошлар билан ифлосланмаган, эскидан ҳайдалиб келинадиган ерларда ишлатилади.

**Маҳсус плугларга** тошли тупроқлар, тўқайзор-ботқоқликлар, пантажиялар, боғлар, ўрмонлар ва токзорлар учун мўлжалланган ҳамда ярусли плуглар киради.

**Кўлланиладиган тортгичнинг турига** қараб от (ҳайвонлар), трактор ва канат билан тортиласидиган плугларга бўлинади.

**Отлар билан тортиласидиган плуглардан** тракторли плуглар билан шудгорлашни иложи бўлмаган кичик майдонларда фойдаланилади.

**Канат билан тортиласидиган плуглар** тракторни ҳаракатланиши қийин бўлган далаларда (масалан, тоғли жойларда ва ботқоқ ерларда) қўлланилади.

**Тракторлар билан агрегатланадиган плуглар** шудгорлаш учун асосий замонавий шудгорлаш қуроллари ҳисобланаб, улар энг кўп қўлланилади.

**Агрегатлаш усули бўйича тракторлар билан агрегатланадиган плуглар осма,** ярим осма ва тиркама плугларга бўлинади.

**Осма плуглар** (18-расм) тузилиши бўйича содда ва энг кам массага эга. Улар билан далаларга ишлов берилганда катта бўлмаган кенгликдаги бурилиш йўлакчasi талаб қилинади. Аммо осма плуглар транспорт ҳолатида тракторга катта буриш моменти ҳосил қиласди ва дала рельефига яхши мослашмайди.

**Ярим осма** плуглар осма плугларга нисбатан кичик солиштирма Қаршилиги, аммо катта бурилиш радиуси билан тавсифланади. Транспорт ҳолатида плуг массасининг бир қисмини тракторнинг орқа гилдираклари қабул қиласди.


**Тиркама плуглар** конструкциясига кўра учта гилдирак ва тиркагич билан таъминланган. Улар дала рельефига яхши мослашиб бошқа плугларга нисбатан етарли даражада равон ва тургун ҳаракатланади ва ерни сифатли шудгорлайди. Замонавий тиркама плугларга маҳсус ишларга мўлжалланган плуглар (ярусли, боғлар ва бутазор-ботқоқликлар учун ва бошқа) киради.

**Корпушларининг конструкцияси** бўйича плуглар лемехли, дискли, комбинациялашган (мужассамланган), ротацион ва чизелли плугларга бўлинади.

**Лемехли** плуглар энг кўп тарқалган бўлиб, улар қадимий тупроқка ишлов бериш қуролиридан ҳисобланади.

расчлен  
жолынан

Дисклар плуглар оғир, қуриб кетгандын үтә нам тупроқларни шудгорлаштыру үчүн құлланилади.



### 18-расм. Осма плуг.

1 – рама; 2 – корпус; 3 – бороналар үчүн тиркама; 4 – бикрлик түсіні; 5 – дисксимон пічоқ устини; 6 – шудгорлаш чүкүрлігінің созлаш винти; 7 – таяңч гидрид; 8 – тиркагыч; 9 – бириктириш тешігі; 10 – бүйлама түсін; 11 – осма тиркагичлари; 12 – бириктириш бармоқларыннан кронштейнлари; 13 – бириктириш бармоқлары; 14 – раманның күндалынг түсіні.

Мужассамлашган ва ротацион плуглар тажриба-сивов ва ишлаб чиқарыш текширувларидан үтмокда.

Чизелли плуглар, ағдаргичсизлар каби, факт шартлы равища плугларга киритилган, чунки улар билан шудгорлашнинг асосий шарти – палахсаны ағдариш амалға оширилмайды.

Шудгорлаш технологиясында күра ерни анъанавий усулда (очик эзат ва марзапар ҳосил қилиб) ва текис шудгорлайдыган плугларга бўлинади.

Плуглар туркумига бир хил вазифадаги ва юқори даражадаги бир хил-ийғма қисмли ва деталли плуглар бирлаштирилади.

Унификациялашган плуглар туркуми бу алмашадиган корпусли (тезкор, маданий, яримвентимон, винтимон, ағдаргичсиз, кесик, чукуромшатгичли) умумий ишларга мўлжалланган плуглардир.

Тошли тупроқлар үчүн плуглар туркумига автоматик саклагичли механизмлар билан жиҳозланган корпусли плуглар киради.


**Айланма плуглар түркүми ўнг ва чапга афдарадиган корпуслар билан таъминланган.**

Ярусли плуглар туркуми асосан кам ҳосилли тупроқлар ҳосилдорлигини ва мелиорация ҳолатини яхшилаш ҳамда бетона үтларга қарши кураш учун ишплатилиди.

### 3-§. Лемехли плугларнинг умумий тузилиши ва иш жарайёнлари

Плуглар ишчи органлар ва ёрдамчи кисмлардан иборат (18-расм)

Плугнинг ишчи органлари пичок, чимқирқар, чуқурюмшаттиг ва корпус. Пичоқ тупроқ палахсасини бүйлама тик текисликда кесади. Чимқирқар палахсанинг чимли (юкори) кисмини (19б-расм) ажратади ва уни этаг тубига ташлайди. Корпус көнглиги *в* ва қалинлиги *a* бўлган Г-симон палахсани (чимқирқар билан ишлаганд) ёки тўғри бурчакли палахсани (чимқиркасиз ишлаганд) кесади, айлантиради ва увалайди.



19-расм. Плуг корпуси билан палахсани ағдаришнинг технологик жаҳаёни.

*a* - чимқирқарсиз; *b* - чимқирқар билан; *1* - чимқирқар; *2* - корпуга.


## **4-§. Корпұларнинг түрләри ва уларнинг асосий конструктив элементләри**

**Лемех ағдарыгичли корпус** лемехли плуг, лушчильник, эгат олгич, плугсімон канал қазигич, культиватор окучникларининг асосий ишчи

органи. Плуг ва лушчильникларнинг корпуслари носимметрик ишчи органлар, плуссимон канал қазгичлар, эгат олтичлар ва культиватор-окучникларники симметрик ишчи органлар. Плуг ва лушчильникларнинг лемех ағдаргичли корпусининг асосий қисмлари (20-расм): лемех I, ағдаргич 2, тутқич 3, дала тахтаси 4. Лемехда тумшук I, тиф 2 ва товон 3, ағдаргичда кўкрак 7 ва қанот 5 ажратилади. Лемех ва ағдаргич ишчи, дала тахтаси ва тутқич корпуснинг ёрдамчи (хизматчи) қисмлари ҳисобланади. Лемех ва ағдаргич корпуснинг ишчи юзасини ҳосил қиласди. У шудгорланмаган дала томондан дала кирраси 8, шудгорланган дала (эгат) томондан эгат кирраси 4, юқоридан юқори кирра 6 билан чегараланган.

#### 20-расм. Лемех ағдаргичли плуг корпуси.

I - лемех; II - ағдаргич; III - тутқич; 1 - лемех тумшуги; 2 - тиф; 3 - товон; 4, 6 ва 8 - эгат, юқори ва дала кирраси; 5 - ағдаргич қаноти; 7 - ағдаргич кўкраги.



Лемех палахсани тагидан кирқади ва ағдаргич билан бирга уни эгат деворидан ажратади. Кирқилган палахса ағдаргич юзаси бўйича силжиб уваланади ва ағдарилади. Палахсани уваланиш даражаси ағдаргичнинг кўкраги шаклига, ағдарилиш (айтаниш) даражаси эса унинг қаноти шаклига боғлиқ.


Умуман олгаида ишлов бериш сифати ағдаргичнинг турига ҳамда тупроқнинг механик таркиби, чимлилиги ва намлигига боғлиқ. 1...3 мм ўлчамдаги структурали агрегатларга уваланган ва  $180^{\circ}$  га тўнкарилган палахса тупроққа бенуқсон ишлов бериш тасаввурига мос келади.

**Лемех** палахсани тагидан кесади, уни қисман увалайди ва ағдаргичга узатади. Геометрик шаклига кўра лемехлар трапециясимон ва исказасимон турларга бўлинади (21-расм). Тупроқ шароитларини хилмачиллиги бу икки шаклдаги лемехларнинг ҳар хил модификацияларини яратишга олиб келди: масалан, суриладиган исказали, пайвандланган исказали, алмашадиган тиғли, улама тумшуғли, алмашадиган тумшуғли, тишли ва ҳоказо.

**Трапециясимон лемехларни** (21a-расм) ясалиши осон, улар текис эгат туби ҳосил қиласди, аммо ёмон чукурлашади ва тез ейилади. Лемехни

орқа томонида металл заҳираси (дўкони) бор, ундан лемех ейилганда уни ишлаш муддатини узайтириш учун фойдаланилади. Трапециясимон лемехлар енгил тупрокларга ишлов бериш учун мўлжалланган чимкирқар ва корпусларда ўрнатиласди.

**Исканасимон лемех (21б-расм)** исказа туридаги чўзиқ тумшукка эга. Тумшук пастга 10 мм ва дала томонга 5 mm қайрилган, шунинг учун у яхши чукурлашади ва ишда турғунроқ бўлади. Исканасимон лемехнинг ҳам орқа томонида металл заҳираси бор. Улар оғир тупроклар учун мўлжалланган.



### 21-расм. Лемехларнинг турлари.

*a* - трапециясимон; *b* - исказасимон; *c* - сурилма исказали; *d* - ўзи чархланадиган; 1 - товон; 2 - тумшук; 3 - тиг; 4 - дўкон.

Лемехлар махсус Л-53 ёки Л-63 лемех пўлатларидан тайёрланади. Лемехларнинг хизмат муддатини узайтириш учун улар асосан ўзи чархланадиган қилинади. Бундай лемехнинг орқа томонига тиги бўйича 25 mm кенглигда ейилишга чидамли, қалинилиги 1,7 mm бўлган қотишма - сормайт 1 қатлами копланади (21д-расм). Иш жараёнида юқори юмшоқ қатлам тезроқ ейилиб пастки ейилишга анча чидамли бўлган юпқа сормайт қатламини ялангочлайди, натижада тиф доимо ўткирлигини саклади, лемехнинг чидамлилиги 10...12 марта гача ошади. Худди шундай хусусиятларга икки қатламли пўлатдан тайёрланган лемехлар ҳам эга. Бунда юқори қатлам юмшоқ пўлатдан, пастки юпқа қатлам эса юқори легирланган қаттиқ пўлатдан тайёрланади. Уларнинг хизмат муддати сормайт билан қопланган лемехларга нисбатан 2 марта катта. Ҳозирги пайтда қопловчи материал сифатида ҳар хил легирловчи қўшимчали сопол материаллардан фойдаланиб лемехларнинг чидамлилигини ошириш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Лемехларнинг тиги қалинлиги 1 мм дан катта эмас, фаскаларининг кенглиги эса 5...7 мм бўлиб, улар юқори томонидан 20...40° бурчак остида чархланадилар.


Тишли лемехлардан (21 $\sigma$ -расм) етарли намликка эга бўлмаган тошсиз оғир тупроқларга ишлов беришда фойдаланилади. Улар заводларда яссилаб, устахоналарда эса тишларни фрезерлаб, ейилган лемехни кесиб ёки унга пўлатдан ясалган реессор парчасини пайвандлаб тайёрланади.

Жуда оғир шароитларда (тошли тупроклар, кундаков қилинган жойлар, ва хоказо) ишлаш учун суриладиган исканали (21 $\sigma$ -расм) ёки паст томонига пайвандланган лунж ёки планка билан кучлантирилган лемехлар қўлланилади.

Ағдаргич палахсани ағдаради ва увалайди. Ағдаргичлар икки ва уч катламли пўлатдан ёки юмшоқ СТ-2 пўлатдан тайёрланади. Ағдаргич етарли даражада мустаҳкамликка эга бўлиши учун у икки ва уч катламли қилинади. Ағдаргичнинг қаттиқ ташки юзалари уни ейилишга чидамлилитини, юмшоқ ички қатлами эса эгилиш моментига ва тупроқ зарбаларига мустаҳкамлигини таъминлайди. Ҳозирги ағдаргичларнинг ишчи юзаси 1,5....2,2 мм чуқурликда цементация қилинади. Цементация ишчи юзага юқори қаттиклик ва ейилишга мустаҳкамлик бағишлайди, юмшоқ тобланмаган қатлам эса ағдаргични эластик-қайишқоқ қиласди. Бу хусусиятларнинг бирлашмаси ағдаргич ишчи юзасига тез ейилиб кетмаслик, ағдаргичнинг ўзига эса маҳкамлик бағишлайди. Ағдаргичнинг кўкраги қанотига нисбатан тезрок ейилади, шунинг учун жуда оғир шароитларда ишлайдиган корпуслар учун ағдаргич кўкраги аймаштириладиган қилинади.

Дала таҳтаси плугни ён томонга сурилишига каршилик кўрсатади. Дала таҳтаси эгат деворини эзib, плуг корпуси носимметрик бўлганилиги туфайли юзага келган палахсани ён томонлама босимига тенг реакция кучини юзага келтиради. Ундан ташқари, дала таҳтаси иш ҳолатида плугнинг таянич юзаси қисмини ташкил қиласди. У эгат девори ва тубига 2...3° бурчак остида ўрнатилади (22 $\sigma$ -расм).

Кўп корпусли плугларда охирги корпуснинг дала таҳтаси одатда, узунрок ва окланган чўяндан бўлган алмашинадиган товон билан жиҳозланган (226, $\sigma$ -расм). Плантаж ва бутазор-ботқоқликлар плугларининг дала таҳталари анча узунрок қилинади ва кенгайтиргич билан таъминланади (226, $\sigma$ -расм). Мустаҳкамлигини ошириш учун кенгайтиргич ва ағдаргич ўртасида тиргак ўрнатилади.



22-расм. Дала тахталари.

а - түрі бурчакли; б - алмашнадиган товонлы; в - бутазор-ботқоқ плуглари дала тахтаси; г ва д - дала тахтасини әгат девори ва тубига нисбатан үрнатыши: 1 - тахта; 2 - көнгайтиргич; 3 - тиргак.

Тұтқыч тутиб турувчи элемент, унга корпуснинг ҳамма қисметтері үрнатылади. Тұтқычлар (23-расм) құйма, яссиланған ва пайванд-яссиланған бўлади. Улар баланд ва паст тұтқычларга ажратылади. Баланд тұтқычлар текис рамали плугларда (умумий ишларға мўлжалланған), пастлари илгакли рамали плугларда (тошлі тупроқлар учун, планташ ва бошқа плугларда) кўлланилади.


**Корпусларнинг турлари.** 24-расмда кең тарқалған лемех-ағдаргичли корпуслар келтирилган.

**Маданий корпуслар** (24а-расм) палахсанни яхши майдалайды, лекин ёмон ағдаради. Шунинг учун у чимқирқар билан бирга эскидан хайдалыб келинадиган (маданий) тупроқларга ишлов бериш учун кўлланилади. Асосан умумий ишларға мўлжалланған плуглар маданий корпуслар билан жиҳозланған (24б-расм) бўлиб, улар палахсанни яхши ағдаради, лекин ёмонроқ майдалайды. Улардан бутазор-ботқоқ плугларда куритилган торфли ва ботқокли минерал тупроқларға ҳамда умумий ишларға мўлжалланған кучайтирилган плуглар ва икки ярусли плугларда чимли ва бегона ўтларға бой эскидан хайдалыб келадиган тупроқларга ишлов бериш учун кўлланилади. Палахсанни ағдарилишини яхшилаш учун корпуслар созланадиган перо 4 билан жиҳозланади.

**Винтсимон корпуслар** (24в-расм) палахсанни яхши ағдаради. Палахсанни уваланиши ва бўлинishi уни ағдарилишини қийинлаштиргани ва ёмонлаштиргани учун бундай корпусларнинг юмшатиш қобилияти мумкин бўлган минимумга келтирилган. Бу корпуслар боғланган

серчимли тупрокларга (яйловлар, қуритилган торфли ерлар, бўз ерлар, ташландик ерлар ва х.о.) ишлов бериш учун мўлжалланган бўлиб, улар олдидан албатта, дискли пичоклар ўрнатилади.

**23-расм. Корпус тутқичлари.**  
 а - баланд қуима; б - бошмоқ;  
 в - Г-симон; г - думалок; д -  
 текис.




**Ағдаргичсиз корпус** (24 $\alpha$ -расм) тупроқни яхши юмшатади. Лемех 1 билан қиркилган ва қисман уваланган палаҳса кенгайтиргич 8 сирти бўйича маълум баландликка кўтарилади, сўнгра эса эгат тубига тушади ва зарбадан қўшимча майдаланади. Ейилишдан саклаш учун корпус тутқичи қалқон 9 билан беркитилган.

**Кесик корпус** (24 $\delta$ -расм) ҳайдов қатлами катта бўлмаган кулранг тупроқларга ишлов бериш учун мўлжалланган. Корпуснинг 11 ва 12 лемехлари палаҳсани икки қисмга бўлади. Лемех 11 билан кесилган палаҳсанинг кулранг қисми у бўйича кўтарилиб, лемехлар орасидан ўтади ва эгат тубига айланмасдан тушиб қўшимча уваланади. Лемех 12 билан кесилган палаҳсанинг маданийлашган юқори қисми ағдаргич 13 га узатилади. Ағдаргич 13 бу қатламни айлантиради, юмшатади ва куйи қатлам устига ағдаради.

**Сурима исканали корпус** (24 $e$ -расм) қаттиқ соз ва тошли тупроқларни шудгорлаш учун мўлжалланган. Искана 10 нинг ўткир пастки уни лемех тигидан олдинга 20...30 мм чиқиб, лемехнинг тумшуғи лом (тошларга учраганда) вазифасини бажаради ва корпусни тупроққа яхши ботишини таъминлайди.

**Мужассамлашган (комбинациялашган)** (24 $\chi$ -расм) корпус оғир ва илдизмевалилар экилган тупроқларни шудгорлаш учун мўлжалланган. Корпус ағдаргичнинг кесилган қаноти ўринида ўрнатилган ротор билан жиҳозланган. Ротор кесилган корпус шаклида қилинган бўлиб, унинг ҳосил қилувчилирига парраклар беркитилган. У тракторнинг кувват олиш валидан ҳаракат олиб айланади, натижада қисқартирилган ағдаргичдан чиқадиган палаҳсани парраклари билан майдалғайди ва уни эгатга ирғитади.



24-расм. Корпусларнинг турлари.


*a* - маданий; *b* - яримвентимон; *c* - винтсимон; *d* - ағдаргичсиз; *e* - суримла исканали; *f* - мужассамлашган; *g* - ромбсимон; *h* - дискли корпус; 1 - лемех; 2 - ағдаргич; 3 - тутқиц; 4 - канот; 5 - дала тахтаси; 6 - дала тахтаси товони; 7 - винтсимон ағдаргич; 8 - кенгайтиргич; 9 - калкон; 10 - исказна; 11 - пастки лемех; 12 - юқори лемех; 13 - ротор; 14 - вал; 15 - курак; 16 ва 20 - дисклар; 17 - ёнбош лемех; 18 - тозалагич кронштейни; 19 - тозалагич; 21 - шпиндель.

Ромбсимон шудгорлайдиган корпус (24з-расм) баъзи бир чет эл фирмаларининг плугларида кўлланилади. У иккита лемех билан жихозланган: пастки, оддий плугдаги каби ва ёнбош.

Дисксимон корпус (24и-расм) сугориладиган ерлар ва қуруқ оғир ёки ўта нам тупроқларни шудгорлаш учун кўлланилади.


Плугларниш ривожланиши йўналишларини таҳлили тирқишли, тасмали (полосали), хивичли (25-расм), пластинкали (26а-расм) ва бошка яхлит бўлмаган ағдаргичли корпусларни кенг тарқалишини кўрсатди. Масалан, бундай турдаги корпусларни Германияни Ravwerk ва Lemken

фирмалари күплаб ишлаб чиқаради. Уларнинг палахса билан ўзаро таъсир қиладиган ишчи элементлари юзаси кичик бўлиб, ишлов бериладиган тупроққа анча самарали таъсир кўрсатади. 2,8 м/с гача шудгорлаш тезлигида пластинкали ағдаргичлар айланма плутларнинг тортишга қаршилигини яхлит ағдаргичларга нисбатан 20 фойзгача (айниқса, нам тупроқларда) камайтиради.



25-расм. Хар хил ағдаргич юзали корпуслар.

*а* - анъанавий; *б* - тирқишли; *в* - тасмали хивичлар билан; *г* - пластинкали; *д* - хивичли.



26-расм. Корпусларнинг турлари.

*а* - пластинкали; *б* - роликли; *в* - тумшуф пичноқли.

Роликли корпус (26б-расм) лемех, қисқартирилган ағдаргич ва ағдаргичнинг қанот қисмига мос ўрнатилган иккита роликдан иборат. Тезкор шудгорлашда роликлар корпус юзаси бўйича тупроқнинг ишқаланиши кучларини озайтиради, бу эса плутнинг тортиш қаршилигини камайтиради ва палахсанинг майдаланишини яхшилади.


Баъзи бир хорижий фирмалар корпусларни лемехнинг алмашувчан тумшуғи билан кўшилган «акула сузгичи» туридаги тик пичноқ (26б-расм) билан жихозлайди. Бунинг натижасида эгат деворининг текислиги ва унинг тубини тозалиги таъминланади, корпусларнинг тутқичига ўсимликларни ўралиб қолиши камаяди, ағдаргичнинг дала қиррасини ейилиши бартараф қилинади, плутнинг кўндаланг текисликда тургунлиги яхшиланади, унинг металл сигими камаяди.

**Корпусларни йиғишга талаблар.** Лемех, ағдаргич ва дала тахтаси тутқичга бошмоқ орқали яширин каллакли болтлар ёрдамида

беркитилади. Бунда болтларнинг каллаги ишчи юздан чиқиб турмаслиги керак, акс ҳолда улар палахсага тегиб ишчи юзага тупроқни ёпишишига олиб келади. Беркитиш заиф бўлмаслиги учун ишчи юзага каллагни ботиб туриши 1 мм дан катта бўлмаслиги керак. Тўгри йигитган корпусуда ишчи юза томондан ағдаргич билан лемех туташган жойда тирқишининг кентлиги 1 мм гача, лемехни ағдаргич юзасидан юкорига чиқиб туриши эса 2 мм гача рухсат этилади. Ағдаргични лемех юзасидан юкорига чиқиб туриши ва уни дала қирраси чизигидан четга чиқиши рухсат этилмайди. Плуг рамасига тўгри ўрнатилган корпус горизонтал юзага уч нуқтаси: лемехнинг тумшуги ва товони ҳамда дала тахтаси учи билан тегади. Корпуснинг ҳолати текширилганда асосий эътибор лемехлар ва дала тахталарини ейилиш даражасига қаратилади.

### 5-§. Чимкирқар ва бурчак кескичлар

**✓ Чимкирқар** (27а-расм) 8...12 см қалинликдаги илдизларга бой тупроқнинг юкори қатламини (илдизларнинг асосий массаси жойлашган ҳудуд) кесиши ва уни эгат тубига тўнтарилган ҳолда ташлаш учун мўлжалланган. Чимкирқар билан кесиб олинган палахса қияликка эмас, балки эгат тубида жойлашиши учун уларнинг қамраш кентлиги асосий корпуснинг қамраш кентлигидан 1/3 марта кичик қабул қилинган. Чимни ва бегона ўтларни яхши кўмиш ва уларни юзага чиқишини бартараф қилиш учун палахсанинг чап томонидан (ўнг томонга агарадиган корпусларда) унинг 2/3 кентлигидаги турорқ кесилади.




27-расм. Чимкирқар.

*a* - чимкирқарли корпус; *b* – чимкирқарнинг иш жарёни; 1 – лемех; 2 – ағдаргич; 3 – тутқич.

Чимкирқар бу асосий корпусга қўшимча ишчи орган. У трапеция шаклидаги лемех 1, ағдаргич 2 (одатда, мағданий турдаги) ва тутқич 3 дан иборат. Чимкирқарда дала тахтаси йўқ, чунки у ўрнатилганда асосий


корпус билан палахсани ағдарилиши кийинлашади. Чимқирқар ишчи юзасининг параметрлари у билан кесилган палахсанинг асосий корпус билан кесилган палахсадан олдин түнтарилиши нуқтаси назаридан танланади.

**Бурчак кескичлар** (28-расм) тошлар билан ифлосланган тупроқларни шудгорлашга мўлжалланган плугларда чимқирқар ўрнида қўйтанилади. Бурчак кескич яримвантсимон ағдаригичли умумий ишларга мўлжалланган плугларда ҳам қўлланилади. У палахсанинг бурчагини, уни кўтарилиш пайтида кесади ва эгат тубига ташлайди. Бурчак кескич катта бўлмаган ағдаригич 4, калта эгилган тутқич 4 ва плуг корпусига беркитиладиган ҳалқасимон қисқиҷдан иборат. Бундай беркитиш уларни тошлардан ҳимоя қилиш учун айрим саклагич механизмларни қўллашни талаб қилмайди. Бурчак кескич пастки бурчаги билан корпус ағдаригичига таянади, бунда у катта юкланишга чидаш беради.



28-расм. Бурчак кескич.

а - бурчак кескичли корпус; б - бурчак кескичли корпуснинг иш жараёни: 1 - лемех; 2 - ағдаригич; 3 - бурчак кескич.



29-расм. Дисксимон бурчак кескич.

а - Дискли бурчаккескичли корпус; б - бурчак кескични корпусга нисбатан ўрнатилиш схемаси; 1 - корпус; 2 - бурчак кескич.

Бурчак кескич бўйлама тик текисликка ва ҳаракат йўналишига бурчак остида ўрнатилган сферик ёки текис диск кўринишида (29расм) ҳам бўлиши мумкин. У бир вақтда иккита палахсани, ўзидан оркадаги корпус кесадиган палахсанинг чап бурчагини ва кейингисининг ўнг бурчагини кесади.


## 6-§. Пичоқлар ва тупроқ чукурлаттичлар

 **Пичоқлар.** Улар текис деворли ва тоза тубли охирги эгат олиш мақсадида тик текислиқда палахсаны кесиш учун хизмат қиласы. Шунинг учун пичоқ асосан охирги корпус олдидан ўрнатиласы. Узилишга қаршилиги кесишінше нисбатан катта бўлган бўз соз ерларни, чимли ва бошқа боғланган тупроқларни шудгор қиласидаги плугларда пичоқлар барча корпуслар олдидан ўрнатиласы.

Плугларда уч турдаги: дискли, дастали ва таянч chanгили текис пичоқлар кўлланилади.

**Дискли пичоқлар** (30-расм) умумий ишларга мўлжалланган ва таркибида катта қўшилмалар (тошлар ва дараҳт қолдиклари) бўлмаган боғланган тупроқларни шудгорлаш учун мўлжалланган маҳсус плугларда кўлланилади.

Дискли пичоқларни ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар иш жараёнида факат машина рамаси билан илгариланма ҳаракат қилиб қолмай, тупроқнинг реакцияси таъсири натижасида айланади ҳам. Шунинг учун улар чимлар, ўсимликлар ва уларнинг қолдикларини яхши кесади. Бу дискларнинг асосий афзаллиги ҳисобланади. Дискли пичоқларнинг кесишінше қаршилиги бошқа пичоқларга нисбатан анча кам, чунки уларнинг қалинлиги нисбатан кичик. Бундан ташқари уларни айланиси ҳам қаршиликни камайтиради.



30-расм. Дискли пичоқларни турлари.

*a* - текис тиғли; *b* – тарам-тарамли; *c* - кесикли.

Эскидан ҳайдалиб келинадиган тупроқларга ишлов берилганда дискли пичоқларни ҳар бир корпус олдидан ўрнатиш шудгор сифатини ва юриш тургунлигини анча яхшилади; боғланган чимли тупроқларга ишлов берилганда пичоқларсиз плуг корпуслари умуман ишга яроқсиз бўлиб қиласы. Аммо у ва бу ҳолатда ҳам плугни чукурлашиши ёмонлашади (шудгорлаш чукурлиги 2...4 см га камаяди). Чунки дискли пичоқка таъсири этувчи қаршилик кучининг тик ташкил қилувчиси юқорига йўналган. Дискли пичоқларни машинага ўрнатиш учун баланд

рама талаб қилинади, чунки улар диаметрининг ярмидан кам бўлган чукурликда тупрокка ботади. Бу дискли пичоқларнинг камчилигига киради.

Плугларда текис тиғли дисклардан ташқари тиги тарам-тарамли (30 $\alpha$ -расм) ва кесикли (30 $\beta$ -расм) дисклар ҳам қўлланилади. Уларни ўта ифлосланган ва бегона ўсимлеклари ўсиб кетган тупроқларга ишлов бериш учун тавсия қилинади.


Дастали пичоқлар махсус вазифали плугларда қўлланилади: плантаж, ярусли, ўрмон ва бошқа. Дастали ничоқлар икки турда бўлади: консолли (устунли) (31 $\alpha$ -расм) ва икки таянчли (31 $\beta$ -расм). Уларга таъсир этувчи кучларнинг тик ташкил этувчиси пастга йўналган, у пичноқ ва мос ҳолда плугни чукурлашишига ёрдам беради. Дастали пичоқларни кесилмай дала юзасига чиқиб қолган ўсимлик қолдиқлари билан тикилиб қолиши уларнинг камчилиги ҳисобланади.

Консолли пичноқ орқа томонга қия қилиб горизонтга  $\alpha=70\ldots75^\circ$  бурчак остида ўрнатилади. Пичноқнинг чархлаш бурчаги  $10\ldots12^\circ$ , у палахсанни кесиб ажратади, майдо илдизларни кесади, катталарини эса юзага чиқаради.

Икки таянчли пичноқ 2 да (31 $\beta$ -расм) плуг корпуси лемех 1 ининг тумшуғи иккинчи таянч сифатида фойдаланилади. У тупроққа қўмилган дараҳт қолдиқларини юзага суриб чиқариш қобилиятига эга бўлган эгри шаклдаги тифга эга.

Таянч чангили текис пичноқ 2 (31 $\alpha$ -расм) қалин баланд (2 м гача) бўталар ўсган тупроқларга ишлов бериш учун мўлжалланган.

Пичноқ 2 билан бутани яхши кесиш учун чангига 3 уни дала юзасига босади, қалқон 4 корпусни бўта билан тикилишини бартараф қилади. Пичноқнинг тиги олдинга, горизонтга нисбатан  $\alpha=35\ldots40^\circ$  бурчак остида қия қилинган. Пичноқ икки тиғли бўлиб, бири ейилгандан иккинчисини олдинга буриб, ундан яна фойдаланиш мумкин.



31-расм. Пичоқлар.

*a* - консолли дастали; *b* - икки таянчли; *c* - таянч чангили.

Тупрок чуқурлатгичлар ҳайдов ости қатламини юзага чиқармасдан юмшатиш учун умумий вазифали ва икки ярусли плугларда күлланилади.

Ҳайдов ости қатламини юмшатиш тупроқнинг сув ва ҳаво режимини яхшилайди ҳамда маданий ўсимликларнинг илдизларини ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Тупрок чуқурлатгич сифатида кўпинча асосий корпус орқасида ўрнатилган тик тутқичли симметрик панжа (*32a*-расм) хизмат қилади. Уларнинг ишлов бериш чуқурлигини 6...15 см оралиқда ростлаш мумкин.

Панжалар 8...10 мм қалинилкдаги 65Г ва 70Г русумли листли пўлатлардан ясалади. Қамраш кенгли  $b=350$  мм бўлган корпуслар учун кенглиги  $b=300$  мм бўлган панжалар кўлланилади. Панжанинг очилиш бурчаги 90 ёки  $75^{\circ}$ , увалаш бурчаги  $\beta=30^{\circ}$  ёки  $\beta=40^{\circ}$ , тигининг ҷархлаш бурчаги  $i=16^{\circ}$ , энса бурчаги  $\varepsilon=18^{\circ}$  ёки  $24^{\circ}$ .

Тошлиар, ёғочлар ва бошқа ўсимлик қолдиқлари билан ифлосланган тупроқларга ишлов беришда тупрок чуқурлатгичлар пружинали сақлагичлар билан жиҳозланади.



**32-расм. Чуқур юмшатгичли плуг.**  
*a* – панжали; *b* – параплау туридаги.

Ҳайдов ости қатламини юмшатиш учун юмшатгич лемехлар, пони туридаги нічоклар, кичик плуг корпуслари, тутқичи тик текисликка ўтириб бурчак остида ўрнатилган тупрок чуқурлатгич ҳам кўлланилади.

Ҳайдов ости қатламига энг самарали ишлов берадиган ишчи органлардан бири “Paraplow” туридаги тупрок чуқурлатгичdir (*32b*-расм). Унинг тутқичи бўйлама тик текисликда  $18^{\circ}$  бурчак остида ва кўндаланг тик текисликда  $45^{\circ}$  бурчак остида қия бўлганлиги туфайли палаҳса искана билан кўтарилади ва этилади. Бунда бу ишчи орган юзага келтирган деформациянинг асосий қисми энг кам қувват сарфи талаб қилинадиган чўзилиш деформациясига тўгри келади. Шунинг учун унинг тик тутқичли тупрок чуқурлатгичга нисбатан тортишта

қаршилиги 10...20 % га кам бўлиб, тупроқ қатламини яхши юмшатилишини таъминлади.

### **Таянч иборалар**

Палахсани иргитиш, маданий шудгорлаш, ағдаргичсиз шудгорлаш, ярусли шудгорлаш, плантаж шудгорлаш, мелиоратив шудгорлаш, текис шудгорлаш, осма плуг, ярим осма плуг, тиркама плуг, айланма плуг, ярусли плуг, чизелли плуг, корпус, чимкирқар, лемех, ағдаргич, дала тахтаси, тутқич, бурчак кесгич, винтсизмон ағдаргич, ағдаргичсиз корпус, кесик корпус, дискли пичоқ, дастали пичоқ, икки таянчли пичоқ, таянч чангили пичоқ.

### **Назорат саволлари**

1. Маданий шудгорлаш палахсани иргитишдан қандай фарқ қиласди?
2. Плугнинг ишчи органларини айтинг? 3. Шудгорлашга қандай асосий агротехник талаблар кўйилади? 4. Плуглар қандай таснифланади? 5. Осма плуг тиркама плугга нисбатан қандай афзаликларга эга? 6. Плуг корпусининг қандай турлари мавжуд ва улар бир-биридан нима билан фарқ қиласди? 7. Палахсанинг уваланиши даражаси корпусининг қайси қисми шаклига боғлиқ? 8. Лемехнинг қандай турлари мавжуд ва уларнинг бир-биридан фарқи? 9. Ағдаргичлар ва лемехлар қандай материалдан тайёрланган? 10. Чимкирқарнинг вазифаси ва унинг тузилишини айтинг? 11. Ҳайдов ости қатлами қандай ишчи орган билан юмшатилади? 12. Пичоқнинг қандай турлари кўлланилади?

## **4 – Б О Б**

### **ПЛУГЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ҚИСМЛАРИ**

Плугларнинг ёрдамчи қисмларига рама, фидираклар, илтак (осиш курилмаси), тиркама, кўтариш-ўрнатиш ва саклагич курилмалари киради.

#### **1-§. Рама ва фидираклар**

Рама плугнинг барча ишчи органлари ва механизмларини ўрнатиш ҳамда тортиш кучини қўйиш учун хизмат қиласди. Замонавий плугларда текис рамалар кўпроқ ишлатилади. Улар тўғри бурчак профилли

(күндалант кесими) пўлат тўсиндан ясалади. Тўсинга плугнинг асосий деталлари ўрнатилади. Одатда, текис рамалар асосий, бўйлама ва кўндалант тўсишлардан, корпусларни беркитиш учун полосалардан (металл парчаси), кронштейнлардан (таянчлардан) ва қолган ишчи органларни ва илгакни беркитиш учун бошқа деталлардан иборат. Баъзи бир маҳсус плугларда илгаксимон рамалар кўлланилган.

Гилдираклар вазифаси бўйича ажратилади. Осма плугларда бу бир ёки иккита таянч ўрнатиш гилдираги; яrim осма плугларда эса улардан ташқари, яна битта орқа гилдирак бўлади.

Гилдираклар белгиланган шудгорлаш чукурлигига ўрнатиш ва уни сақлаб туриш, яrim осма плугнинг охирги гилдираги эса плугни салт ҳолатда ҳаракатланиши учун хизмат киласди. Таянч гилдираги қаттиқ тўсили (тегирчакли) ёки пневматик шинали (резина чамбарли) бўлади. Пневматик шинали гилдиракларнинг юмшоқ нам тупрокда думаланишга қаршилиги қаттиқ тегирчакли гилдиракка иисбатан 25...30% га кам. Уларга нам тупрок ёпишмайди ва зарбаларни яхши қабул қиласди, бу эса транспорт тезлигини оширишга ва плугнинг қаршилигини камайтиришга имкон беради.

Тошли тупроқларда қўлланиладиган плугларнинг ҳамма гилдираклари пневматик бўлади. Бунда плуг тўсикдан жуда оҳиста ўтиши учун унинг олдинги таянч гилдираги гидропневмо-аккумуляторга уланган.


Плугнинг таянч-ўрнатиш гилдираги тузилиши 33-расмда келтирилган. Шудгорлаш чукурлиги таянч-ўрнатиш гилдирагининг винтли механизми билан ростланади (34-расм).

Тиркама плуглар олдинги дала ва эгат ҳамда орқа гилдиракларга эга.

## 2-§. Кўтариш - ўрнатиш механизmlари


Кўтариш - ўрнатиш механизmlари тиркама ва яrim осма плугларни иш ҳолатдан транспорт ҳолатга ўтказиш ва аксинча, ҳамда тупроққа ишлов бериш чукурлигини ростлаш учун хизмат қиласди.

Тиркама плуглар дала, эгат ва орқа гилдирак механизmlари ҳамда дала гилдирагини эгат ва орқа гилдираклар билан боғлаш механизmlари билан жиҳозланган. Бу механизmlарнинг ҳар бири шарнирли (ошикмошикли) тўрт звеноли (бўғинли) бўлиб, унда битта етакловчи, иккита етакланувчи ва битта таянч звено бор. 35 ва 36-расмларда тиркама плуг учта гилдираги механизmlарининг схемалари келтирилган, яъни дала, эгат ва орқа гилдираклар механизmlари.



**33-расм. Таянч ўрнатиш  
ғилдираги.**

1 - қопқоқ; 2 ва 5 - гайкалар; 3 -  
ғилдирак маҳкамлагиchinинг  
үштагиличи; 4 - винт; 6 - гулчак;  
7 - зичлагиҷ; 8 - яримӯқ; 9 - гардиш;  
10 - роликли подшипник; 11 - тозалагиҷ.



**34-расм. Чуқурликни ростлаш  
механизми схемаси.**

1 - винт; 2 - гайка; 3 - тутқиҷ;  
4 - тұхтатиш винти; 5 - таянч  
йұналтиригич; 6-ғилдирак; 7 - рама;  
8 - кисгич.

**Дала ғилдирак механизмлари.** Бу механизмлар ярим ўқни айлантиради ва натижада рамага нисбатан ғилдиракнинг ҳолатини үзгартыради. Дала ғилдирак үзининг ярим ўқи орқали плугни күтариш (35а-расм) ва чуқурликни үзгартыриш (35б-расм) механизмлари билан боғланган.

**Күтариши механизми АВСД** (35а-расм) гидроцилиндрнинг корпуси (кутиси) 1 ва штоки 2, дастак 3, яримӯқ 4 ва ғилдирак 5 дан иборат. Гидроцилиндр шарнир A орқали раманинг таянчи *e* билан ва шарнир С орқали елка 3 билан боғланган.

Елка 3 шарнир *D* билан раманинг таянчи *d* га боғланган. Мой босими таъсирида поршень гидроцилиндр кутисида ҳаракат қилғанда дастак 3 бурилади. Агар дастак 3 ва таянч тиргаги *e* орасида тиркиш бўлса, елка бурилиб тиргак *e* га теккандан сўнг ярим ўқ 4 елка билан бирга айланга бошлайди. Бунда ғилдирак 5 орқага рама остига силжийди ва натижада плуг күтарилади.


Звено 3 ни ҳаракатлантириш учун гидравлик узатмадан ташкари етакловчи звеноси ғилдиракдан ҳаракат оладиган храповикли, ячейкали (катакли) ва бошқа автоматлар орқали таъсир қиласидиган механик кўп звеноли механизмлар ҳам қўлланилади.

Чукурликни ўзгартириш механизми  $A_1B_1C_1D_1$  (35б-расм) күйидаги звенолардан таңкил топған: гайка 6, винт 7, дастак 8, яримүк 4 ва фиддирак 5. Винт 7 айлантирилгандан дастак 8 шарнир  $D_1$  да буралади ва яримүк таянғын тиргаки  $f$  га таъсир қилиб, фиддиракнинг ҳолатини рамага нисбатан ўзгартиради.

Әгат гиддирак механизми күйидаги вазифаларни бажаради: плуг ишчи ҳолатидан транспорт ҳолатига ўтказилғанда ва аксинача бұлғанда ҳаракатни далаға фиддирак яримүқидан әгат гиддирагига узатади; плуг рамасининг ҳолати горизонтта нисбатан тұғриланғанда әгат гиддирак ярим ўқипи далаға гиддирагига боғлиқ бұлмаган ҳолда сийжитади. Биринчи вазифаны алоқа механизми, иккінчисини эса оғдириш механизми бажаради.

*Алоқа механизми ABCD* (36а-расм) күйидагилардан иборат: далаға фиддирак яримүқи билан құзғалмас боғланған дастак 1, тортық 2 ва әгат гиддирак яримүқи 3. Бу механизм таъсири далаға фиддирак яримүқи бурилғанда іозага келади. Плуг күтарилиғанда ҳам, шудгорлаш чуқурлиги ростланғанда ҳам алоқа механизми билан әгат гиддирак ҳолатини далаға гиддиракка боғлиқ бұлмаган ҳолда ўзгартириб бўлмайды. Бу эса плугни биринчи ўтишида ва шудгорлашни ҳар хил чуқурликларда раманинг оғишини (қиялигини) бартараф қилиш учун талаб қилинади.

Әгат гиддирак яримүқининг ҳолати далаға гиддирак ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда *оғдириши механизми ABCD* билан ўзгартирилади. У далаға яримүқининг құзғалмас ҳолатида гайка 8 ни винт 7 бўйича сийжиганда таъсир қиласи. Винт чамбарак билан айлантирилади.




35-расм. Тиркама плутнинг дала механизми схемаси.

а - күтариш механизми; б - чуқурликни ўзгартириш механизми; 1 - гидроцилиндр күтиси; 2 - шток; 3 ва 8 - дастаклар; 4 - яримүк; 5 - далаға фиддирак; 6 - гайка; 7 - винт.

**Орқа гилдирак механизми** плуг кўтариш механизми билан кўтарилигандага ҳаракатни дала гилдирак яримўқидан орқа гилдиракка узатади. Механизм таркибига (36-расм) дала яримўқи дастаги 9, тортки 10, балансир (икки елкали дастак) 11, орқа гилдирак 14 яримўқи 13 нинг стакани 12 киради.

Дала гилдирак яримўқи бурилганда дастак 9 дан силжиш балансир 11 га узатилади. Балансир стакан 12 га таъсир қилиб, уни  $F$  шарнирнинг ўқига нисбатан айлантиради ва бунда гилдирак олдинга, рама остига думалайди.



36-расм. Тиркама плуг гилдиракларининг механизмлари схемаси.

*a* - дала гилдирак; *б* - орқа гилдирак; 1 - дала гилдирак яримўқи дастаги; 2 - тортки; 3, 4 ва 13 - яримўқлар; 5 - дала гилдирак; 6 - эгат гилдирак; 7 - винт; 8 - гайка; 9 - дала яримўқи дастаки; 10 - тортки; 11 - балансир; 12 - стакан; 14 - орқа гилдирак; 15 - болт.

Плутнинг ишчи ҳолатида тортқи 10 салқи бўлиши керак. Бу ҳолатда яримўқ стакани 12 ростланадиган болт 15 га тиравиши керак. Болт стакани шундай ҳолатда ушлаши керакки, бунда плуг дала тахталарининг товонига эмас, балки гилдиракка таяниши керак, бу эса тортишга қаршиликни камайтиради.

Тортқини салқи бўлиши чукурлик ва оғдириш механизмлари билан орқа гилдиракка таъсир этмасдан, дала ва эгат гилдиракларининг ҳолатини ўзгартиришга имкон беради. Шу билан бирга, тортқини салқилиги плугни кўтарилишида кетма-кетликни таъминлайди, яъни дастлаб, тортқи таранглашгунга қадар олдинги қисми кўтарилади, сўнгра, тортилган ҳолатда, тортқи орқа гилдиракка таъсир қиласди ва у рама остига, олдинга думалайди. Бу тартибдаги кўтарилиш осон ва ундан ташқари механизм звеноларига таъсир қилувчи кучлар камаяди.


Тортқининг салқилиги орқа гилдиракка таъсир қилмасдан дала гилдирак ҳолатини ўзгартириб, шудгорлаш чукурлигини ростлаш учун етарли бўлиши керак. Иккинчи томондан, транспорт ҳолатда белгиланган салқиликда стакан 12 тик жойлашган бўлиши керак, чунки у кия бўлганда гилдиракни горизонтал текисликда бурилиши раманинг орқа қисмини кўтарилишига ва тушишига олиб келади. Тортқининг талаб килинган салқилиги унинг узунлигини ўзгартириш билан амалга оширилади. Ушбу принцип бўйича яримосма плутларнинг орқа гилдирак механизми ишлайди.

### 3-§. Осиш қурилмаси

Осма плуглар ишчи ҳолатдан транспорт ҳолатга плуг илгагига шарнирли беркитилган тракторнинг осма қурилмаси ёрдамида ўтказилади (37-расм). Тракторнинг осма қурилмаси шарнирли тўрт звено *DMGF* кўринишда бўлади. У механизм *CDEK* орқали трактор гидроцилиндридан ҳаракатга келтирилади. Иш вақтида тақсимлагич “муаллак” ҳолатда бўлади ва куролни ишлов бериш чукурлиги таянч гилдирагини (гилдиракларини) ўрнатиш билан белгиланади.

Шудгорлаш чукурлиги плутнинг таянч гилдирагини (гилдиракларини) рамага нисбатан винтли механизм билан силжитиш орқали ростланади. Осма ва яримосма плуглар тракторга бир, икки ва уч нуктали беркитилади. Плуг ишчи ҳолатида механизм  $F'G'M'D'$  (37a-расм) орқали трактор билан боғланади. Агар пастки тортқиларнинг шарнирлари  $D'$  ажратилган бўлса, унда плуг трактор билан учта нуктаси, яъни иккита шарнир  $D'$  ва шарнир  $F'$  орқали боғланган.

Агар шарнирлар  $D'$  бир жойга келтирилса (37б-расм) плуг тракторга икки нуктади боғланган бўлади. Бундай тизим плуглар занжирили тракторлар билан агрегатланганда қўлланилади. Тошли турокларда ишлаш учун мўлжалланган плуглар осма қурилманинг юқори торткиси билан боғланмаган. Бунда плуг трактор билан бир нуктади ( $D'$ ) боғланишга эга.



37-расм. Осма механизмнинг схемаси.  
а - уч нуктади; б - икки нуктади; в - бир нуктади.

Ярим осма плугларнинг олд қисми, осма плуглар каби, тракторнинг осма қурилмаси билан боғланган, орқа қисми эса фидиракка таянади. Орқа фидирак яримўқининг тирсаги плуг рамаси билан параллелограммли механизм ёрдамида шарнирли боғланган. Плуг ишчи ҳолатдан транспорт ҳолатга ўтказилганда унинг олд қисми тракторнинг осма қурилмаси билан кўтарилади, орқа қисми эса кўтариш параллелограмм механизмини бурайдиган маҳсус кўтарадиган гидроцилиндр ёрдамида орқа фидиракни олдинга, рама остига думалатиш билан амалга оширилади. Шудгорлаш чукурлиги плугнинг олдинги қисмини – осма плуглардаги каби таянч фидиракни винтли механизм ёрдамида суриш билан, орқа қисми эса тиркама плуглардаги каби, яъни орқа фидиракни ростлайдиган болт билан ўрнатиш орқали ростланади.

#### 4-§. Сақлагич механизмлар ва қурилмалар

Ишчи органларнинг синишини олдини олиш мақсадида тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуроллари сақлагич қурилмалар билан жиҳозланади. Қўлланиладиган сақлагичларни иккита асосий гурухга

бўлиш мумкин: бир томонлама (автоматик эмас) ва икки томонлама (автоматик) таъсир этувчи.

Бир томонлама таъсир этувчи саклагичлар ўз навбатида икки турга бўлинади: гурухли - битта ишчи орган тўсиққа учраганда ҳамма ишчи органларни (машинани тўлиқ) ишчи ҳолатдан чиқарадиган ва индивидуал (якка) фақат битта, яъни тўсиққа учраган ишчи органни ишчи ҳолатдан чиқарадиган.


Гурухли саклагичлар ишчи органлари кўп бўлмаган машиналарда қўлланилади, чунки уларнинг бирор бир ишчи органида ошган қаршилик бутун машинанинг тортиш қаршилигига сезиларли таъсир кўрсатади. Фрикцион-штифтли, штифтли (ўзакли) ва пружинали саклагичлар кенг тарқалган.

**Фрикцион-ўзакли гурухли саклагичлар** (38а-расм) машина ёки қуролнинг тиркамасига ўрнатилади. У трактор тиркамаси билан боғланган планка 1, тупроққа ишлов бериш машинасининг (масалан, плутнинг) тиркама қурилмасига кирадиган планкалар 2 ва 3, тортувчи болтлар 4 ва ўзак 5 лардан иборат. Планка 1 планкалар 2 ва 3 ўртасига қўйилади ва болтлар 4 билан маҳкамланади, шу билан бирга барча планкалар ўзак 5 билан ҳам бириктирилади. Машинанинг қаршилиги планкалар ўртасидаги ишқаланиш кучларидан ва ўзакнинг кесишига қаршилигидан кўп бўлган тақдирдагина саклагич ишлайди. Бундай саклагичларнинг камчилиги уларнинг ишлаш кучини бир хил эмаслигидир, чунки бу куч болтларнинг тортиш даражасига боғлиқ, уни белгиланган микдорини олиш эса жуда қийин, айниқса дала шароитида.

Пружинали гурухли саклагич (38б-расм) думли (A) илгак 6, тортиш стержени (металл таёқча) 9, пружина 10 ва ҳалка 8 ўрнатилган йўналтирувчи муфта 7 дан иборат. Хавфли қаршиликда пружина 10 сикилади ва илгак б нинг думи (A) муфта 7 дан чиқади. Шу вақтда илгак ўқ B га нисбатан бурилади, тақилган балдок илгакдан тушади ва трактордан ажралади. Пружинали саклагичлар деярли бир хил қаршиликда ишлайди. Ўзининг асосий вазифасидан ташқари, улар иш вақтида амортизатор вазифасини ҳам бажаради.

**Ўзакли якка саклагич** (38в-расм) ўзаро шарнирли штир 13 билан боғланган устуннинг юқори 12 ва пастки 14 қисмларининг устма-уст келган тешикларига қўйилган ўзак 11 кўринишида бўлади. Тошга келиб урилганда ўзак 11 кесилади, ишчи орган эса цилиндрик тилча 13 га нисбатан бурилиб, орқага суриласди. Саклагич ишлагандан кейин (ишчи орган тўсиқдан ўтгандан кейин) агрегат тўхтатилиб, машина транспорт ҳолатга ўтказилади, ишчи орган ўз жойига ўрнатилади ва бошқа ўзак

күйилади. Шундай қилиб, бир томонлама таъсир этувчи сақлагичлар ишлаганда агрегатни қайта ишга тушириш учун анча вақт кетади, шунинг учун бу сақлагичларни кам тошли тупроқларга ишлов берадиган машиналарда күллаш мақсадга мувофиқдир.



38-расм. Бир томонлама таъсирли сақлагичлар.

*a* - гурухли фрикцион-ўзакли; *b* - пружинали гурухли; *c* - якка ўзакли: 1,2 ва 3 – план-калар; 4 - маҳкам боғлайдиган болтлар; 5 - ўзак; 6 - илгак; 7 - муфта; 8 - ҳалқа; 9 - стер-жень; 10 - пружина; 11 - сақловчи ўзак; 12 - тутқиchinинг юқори қисми; 13 - штир (цилиндрик тилча); 14 - тутқиchinинг пастки қисми.

Икки томонлама таъсир қиладиган (автоматик) сақлагичлар таъсир характеристи бўйича куйидаги турларга бўлинади: гурухли, якка гурухли ва якка.

Автоматик таъсирли гурухли сақлагичлар ҳар хил таъсир принципларга асосланган: тортишга қаршилик ошганда трактор гидросистемаси ёрдамида бутун плугни ишчи ҳолатдан чиқариш (ишлов чукурлиги куч усули билан ростланганда); тракторнинг илашиш муфтасини ажратиш; осма механизмининг юқори торткисига эластик элемент ўрнатиш ва ҳ.к. Бу сақлагичлар амалда кенг кўлланилмайди чунки нисбатан кичик массага эга бўлган кам сонли корпусли плуглар тўсикка дуч келганда ўzlари осон саёзлашади.


Якка гурухли сақлагичлар таъсир принципига асосан қуйидаги турларга бўлинади: дастакли, дастак тросли (пўлат-арконли) ва гидравлик. Улар факат тўсикка учраган битта ишчи органни саёзлантиради, аммо шу билан бир вақтда бошқа ҳамма ишчи органларнинг иш тартибини ўзгартиради (масалан, қисқа муддатда илгариланма тезликни – дастаклилар, ишлов чукурлигини тросли

сақлагиchlар күпайтирадилар). Саёзлашган корпус түсик устидан ўтгандан кейин унга тегишли алоқа механизмлари орқали қолган корпусларнинг тортиш қаршилиги таъсири натижасида иш ҳолатига қайтади.

**Якка гурухли сақлагиchlардан** дастаклилар энг күп тарқалган (39-расм). Плугнинг хар бир корпуси бундай сақлагиchlарда шарнирли күп звеноли билан итарувчи штанга  $FG$  орқали боғланган. Корпуснинг күп звенолиси кинематик занжирлар қатори кўринишига эга. Масалан, иккинчи корпуснинг кинематик занжири күп звеноли  $ABCDEFGK$  бўлади.

Бу кўп звенолининг тирсакли ўки  $KK$  трактор осма механизмининг пастки тортқичлари 1 ва 2 билан боғланган. Осма механизмининг юқори тортқичи 3 шарнирли уч звеноли  $MNO$  билан боғлаган. Бу уч звенолининг  $MN$  звеноси таркибли бўлиб, плугнинг ишчи ҳолатида салқи бўлади.

Сақлагиchlнинг ишлаш принципи қўйидагича. Корпус түсикка дуч келганда унинг ўки шарнир  $A$  га нисбатан бурилади. Ўқнинг бурилиши бутун кинематик запжирнинг звеноларини силжишига олиб келади (звеноларни силжиш йўналиши расмда стрелкалар билан кўрсатилган). Бунда ўқ  $KK$  подшипникларда соат мили (стрелкаси) айланиши бўйича бурилади. Ўқнинг бурилиши шунга олиб келадики, трактор ҳаракат қилиганда плуг осма механизмининг пастга тортқичи шарнирлари  $P$  га нисбатан бурилиб, олдинга силжийди. Бу ҳолда звено  $MN$  шарнир  $R$  да буқланади. Шундай қилиб, түсикка учрагал корпус раманинг шарнири  $A$  га нисбатан бурилади ва рама билан бирга силжийди. Бунда битта корпус ишчи ҳолатдан чиққанда қолганилари нормал ишлашни давом эттиради, шуннинг учун ишланмай чала қолган ерлар жуда кам бўлади.




39-расм. Тошли тупроқлар учун плугнинг автоматик ричагли сақлагиchlини схемаси.

Аммо дастакли сақлагиңчлар механизмлар машинани мураккаблаштиради ва оғирлаштиради. Уларни фәқат түсіктер күп учрайдиган тупрекларда құллаш максадға мувофиқидір.

Якка сақлагиңчлар түсік билан учраган ишчи орган оғанда қувватни түплаши ва бу қувватни ишчи орган түсікден ўтгандан кейин уни дастлабки ҳолатига қайтариш учун фойдаланыш принципилага асосланған. Бұ турдаги сақлагиңчларда қувват аккумулятори сифатида пружина, газ, сиқылдаған маңсус суюқлик ёки трактор гидросистемасындағы ортиқча босим хизмат қилади. Якка автоматик сақлагиңчлар иккі гурухға бўлинади: автономли (мустақил) ва умумий аккумуляторлы. Автономлилар аккумулятор турiga боғлиқ равишда пружинали, гидропружинали, гидравлик ва гидропневматик бўлиши мумкин, умумий аккумуляторлы сақлагиңчлар эса гидропружинали, гидронасосли ва гидропневматик бўлади.

Автономлилардан пружинали сақлагиңчлар, умумий аккумуляторлы сақлагиңчлардан гидропневматиклар энг күп тарқалған.

Пружинали сақлагиңчлар (40а-расм) плугларда ва культиваторларда қўлланилади ва ҳар хил конструктив кўринишда бўлиши мумкин.



40-расм. Икки томонлама таъсирили якка сақлагиңч.

*a* - автоном пружинали; *b* - умумий гидропневматик аккумуляторлы.

Американинг Оливер ва Джон-Дир, Швециянинг Оверумэ Брун фирмалари ва қўйчилик бошқалар плугларыда гидропневматик таъсирили умумий аккумуляторлы якка сақлагиңчларни кенг қўллайдилар (40б-расм). Бундай қурилмаларда бир томонлама таъсири этувчи гидроцилиндрлар 1 мой ўтказувчи 2 орқали гидропневматик аккумулятор 4 билан боғланған. Поршень ёки диафрагма 5 аккумуляторда мойни 7,5 дан 12 МПа гача босим остида турган инерт газдан (азот, аргон) ажратиб туради. Газ босимини манометр 3 назорат қилади. Жўмрак б

ва тескари клапан 7 орқали мойётказгич 2 трактор гидротизими билан боғланади. У тизимдан мой оқиб кетган ҳолда ундаги босимни тиклаш учун керак. Тўсиққа дуч келганда корпус кейинга оғади, бунда поршень мойни цилиндрдан сиқиб чиқаради ва диафрагма устида жойлашган газни сиқиб, уни мойётказгич бўйича аккумуляторга ҳайдайди. Тўсиқдан ўтгандан кейин ортикча босим устида турган газ мойни шу цилиндрга ҳайдайди ва уни ишчи ҳолатга қайтаради.

Бундай сақлагичларнинг куч тавсифномаларига қуйидаги талаблар қўйилади: корпус оғиб бориши билан куч ошмаслиги керак, аммо шу билан бирга унинг микдори ишчи органи ишчи ҳолатига тез қайтариш учун етарли бўлиши керак; корпусни оғиши раманинг ҳолатини ўзгартирмаслиги керак, яъни машина ишлов чуқурлиги бўйича тургунлигини бузмаслиги керак.

Баъзи бир хорижий фирмалар қўшимча ўзгаришларсиз, тупроқни тошлар билан ифлосланган даражасига боғлик равишда, ҳар хил турдаги сақлагичлар ўрнатиш мумкин бўлган плуглар ишлаб чиқаради: энг арzon ноавтоматик кам ифлосланган тупроқлар учун; оддий автоматикикли, масалан резинамеханикли – ўрта ифлосланган тупроқлар учун; энг қиммат гидроневматикикли – кучли ифлосланган тупроқлар учун.

### *Таянч иборалар*

Рама, фидирик, далағирик механизми, кўтариш механизми, эгат фидирик механизми, орқа фидирик механизми, таянч фидирик, бир, икки ва уч нуқтали осма механизм, фракцион-ўзакли гуруҳли сақлагич, пружинали гуруҳли сақлагич, ўзакли сақлагич, автоматик сақлагич, якка сақлагич.

### *Назорат саволлари*


1. Плуг ёрдамчи қисмларининг вазифаси нимадан иборат?
2. Плуг рамасининг тузилиши ва унинг шакллари қандай?
3. Пневматик шинали таянч фидириклар қандай афзалликларга эга?
4. Таянч-ўрнатиш фидириаги қандай вазифани ўтайди?
5. Тиркама плугларда қандай механизмлар мавжуд?
6. Тиркама плуг ишчи ҳолатдан транспорт ҳолатига қандай механизм ёрдамида ўтказилади?
7. Осиши курилмасининг вазифаси ва тузилиши.
8. Сақлагичлар қандай вазифани ўтайди?
9. Бир томонлама таъсир этувчи сақлагичнинг қандай турлари мавжуд?
10. Автоматик сақлагичларнинг айрим хусусиятларини келтиринг.

## 5 – Б О Б МАХСУС ВАЗИФАЛИ ПЛУГЛАР

### 1-§. Плантаж ва бутазор ботқоқлик плуглари

Плантаж плуглар 40...80 см чуқурликда шудгорлаш учун мүлжалланган. Улар кучайтирилган рама ва дастали ничоқ билан жиҳозланган. Плуг корпуси ҳам кучлантирилган: унинг лемехи сурилма исказа ёки қоплама тумшуғ билан жиҳозланган, ағдаргичи алмашинадиган маҳкам кўкракка эга, дала тахтаси кенгайтирилган ва у билан ағдаргич қаноти ўртасида тиргак ўрнатилган.

Тиркама плантаж плуг ППУ-50А нинг тузилиши 41-расмда келтирилган. Плуг ишчи ҳолатдан транспорт ҳолатга иккита гидроцилиндр ёки тишли-храповик кўтариш автомати ёрдамида ўтказилади.



41-расм. Плантаж плуги ППУ-50А.

1 – корпус; 2 – рама; 3 – чимқирқар; 4 – тортки; 5 – гидроцилиндр; 6 – дастак; 7 ва 8 – штурваллар; 9, 12 ва 17 – фиддираклар; 10 – тиркаш мосламаси; 11 – автомат; 13 – исказа; 14 – лемех; 15 – накладка; 16 – дала тахтаси.

Бутазор ботқоқлик плуглари ўзлаштириладиган қутилилган ерларни даражалари ва буталари олиб ташлангандан кейин биринчи марта шудгорлаш учун қўлланилади. Бу тупроқларнинг қаршилиги етарли даражада катта ва нотекис, улар кўп даражат қолдиқларига эга. Шудгорлаш чуқурлиги 30...45 см бўлиб, плуг корпусининг қамраш кенглиги 50...100 см. Шунинг учун плугларнинг корпуслари ва рамаси

плантаџ плугники каби қилинганд. Ишлаш шароитига қараб плуг корпуси олдидан дискли, дастали ёки таянч чанғили текис пичоқ үрнатилади. Чанғили пичоқ үсімликларни балаңдилти 2,5 м гача бўлган далаларда кўлланилади.

## 2-§. Ярусли плуглар

Қатламларга бўлиб шудгорлаш учун икки ва уч ярусли плуглар кўлланилади. Бу плугларнинг корпуслари тупроқни икки ёки уч қатламга бўлади ва ҳар бир қатламни алоҳида суреб, уларни ўзаро жойлашишини ўзгариради.

Уч ярусли плуглар шўрхок ва кулранг тупроқли ерларнинг холатини яхшилаш учун ишлатилади. Эскидан шўрланган ерларда қуйидаги генетик горизонтлар яхши ажралиб туради (42а-расм): гумусли *A*, шўрҳок *B* ва карбонатли *C*. Уч ярусли плуг билан ишлов берилганда юқори горизонт *A* юзага қолдирилади, *B* ва *C* горизонтларнинг ўрни эса алмаштирилади. Уч ярусли плуг уч корпусга эга: иккита корпус (*1* ва *3*) маданий ишчи юзали ва биттаси *2* (асосий) конуссимон. Маданий корпуслар битта бўйлами текисликда жойлашган, асосий эса уларга нисбатан ён томонга қамраш кентлигига  $b_2$  га teng масофага ёнбошга сурилган. Бўйлами текисликда улар  $l_1 = 1200$  мм ва  $l_2 = 900$  мм масофаларда жойлашган.

Уч ярусли плуг бажарадиган технологик жараён қуйидагича амалга оширилади. Биринчи корпус юқори қатламдан  $a_1$  чукурликда (горизонт *A*) палахсани кесиб олади ва асосий корпус юрадиган эгатга ташлайди. Асосий корпус  $a_2$  қалинликдаги пастки қатлам палахсасини (горизонт *C*) кесади ва бу палахсани юқори қатлам (горизонт *A*) билан бирга ёнбошга суради. Корпус *3* юқори ва пастки қатламлар орасида жойлашган палахсани (горизонт *B*)  $a_3$  қалинликда кесиб олади ва асосий корпус ҳосил қилган эгатга ташлайди. Уч ярусли плугларнинг қолган қисмлари умумий ишларга мўлжалланган плугларники каби жойлашган.

Оддий шудгорлашда палахса тўлиқ ағдарилмайди ва юқори қатламининг бир қисми кўмилмай колади. Чимқирқарларни кўллаш шудгорлаш сифатини яхшилайди, аммо бунда тупроқнинг чимли юқори қатлами етарли даражада чукур кўмилмайди. Чимқирқар билан кесилган палахса кўпинча эгат тубига эмас, балки ағдарилган палахсага ётқизилади ва саёз кўмилади. Палахсани тўлиқ ағдариш ва үсімликларни яхши кўмиш икки ярусли шудгорлашда эришилади. Шунинг учун у далаларни бегона ўтлар билан ифлосланишини камайтиради. Икки ярусли шудгорлашдан кейин оддий шудгорлашга нисбатан бир йиллик бегона

ұтларни ўсіб чиқиши 2,5...3 мартага кам бўлади, кўп йиллик бегона ұтларни ўсіб чиқиши эса 40...60 кунга кечикади. Бундай шудгорлашда минерал ўғитлар яхши кўмилади, тупрокнинг пастки қатламида органик массаларни парчаланиши ва озуқа моддаларни текис тақсимланиши учун кулай шароитлар яратиласди.


Икки яруслы плугларнинг юқори ва пастки корпусларини қамраш кенглиги тенг бўлиб, уларнинг юқори ярусининг ҳар бир корпуси ундан кейинги жойлашган пастки ярусининг корпусига нисбатан чапга сурилган. Бунда эгат девори погонасимон бўлади (43-расм). Погонанинг кенглиги  $\epsilon$  юқори корпусининг пасткига нисбатан кўндаланг силжишига тенг бўлиб корпусларнинг қамраш кенглигига боғлиқ равишда 130 мм, 150 мм ёки ундан катта бўлиши мумкин. Олдинда ҳаракат қилаётган юқори корпус палахса  $A$  ни кесади ва уни  $A_1$  ҳолатда эгат тубига афараади (43-расм).

Сўнгра пастки корпус палахса  $B$  ни кесади ва уни юқорига эгат тубига ётган  $A_1$  палахса устига  $B_1$  ҳолатда афараади. Юқори корпус афдаргичининг тури ярим винтсимон (43-расм). Пастки корпуслар палахсани эгатдан кўтариш ва уни афдариш учун маҳсус шаклини афдаргич билан жиҳозланган. Уларнинг ишчи юзаси маданий корпусларнинг юзасига яқинроқ.


Бедапоялар шудгорланганда икки яруслы плугнинг юқори корпусларида чап кесар лемехлар ўрнатиласди (44-расм). Бундай мосламали плуг беданинг илдизи туганакларини деярли тўлиқ кесади ва уларни чуқур кўмилиши таъминланади. Натижада баҳорда бедани ўсіб чиқиши бартараф қилинади.

### 3-§. Текис шудгорлайдиган маҳсус плуглар

Анъянавий плуглар билан ҳозирги вақтда кенг тарқалган найкал усуlda шудгорланган даланинг юзасида уломлар (марзалар) ва очик эгатлар ҳосил бўлади. Очик эгатлар ва марзаларнинг сони плугнинг қамраш кенглигига, дала ва пайкалнинг ўлчамига, ҳайдов агрегатининг ҳайдаладиган дала бўйлаб ҳаракатланиш усулига боғлиқ. Улар тупроқ палахсасини бир томонга (ўнгга) афдарадиган корпусли плугларнинг икки қарама-қарши ўтиш йўлининг чегарасида ҳосил бўлади. Даладаги очик эгатлар ва марзалар машина-трактор агрегатларининг иш шароитини кейинги операцияларда ёмонлаштиради, машина ва қуроллар қаршилигини оширади, ҳосилни йигиб олишни қийинлаштиради, агрегатларни юқори тезликда ишлапшига имкон бермайди. Очик эгатлар, айниқса қияликларда, сув эрозиясини ривожланишига олиб келади.




*a*



*b*


42-расм. Уч ярусли плутнинг иш схемаси.

*a* – корпуслар билан тупроқ горизонтларини силжитиш схемаси; *b* - плугда корпусларни жойлашиш схемаси.



43-расм. Икки ярусли плутнинг иш жараёни схемаси.

1 – юқори корпус; 2 – пастки корпус.



44-расм. Чапкесар лемехли плутнинг иш жараёни схемаси.  
1 – юқори корпус; 2 – чапкесар лемех; 3 – пастки корпус.

Очиқ эгатлар ва марзалардаги ҳайдов қатламининг қалинлиги шу даланинг текис ҳайдалган қисмидаги ҳайдов қатламидан анча фарқ қиласи. Бундан ташқари, текширишларга кўра, очиқ эгатлар ҳудудида уруғлар яхши кўмилмайди. Бу эса уларни униб чиқишини ва ривожланишини ёмонлаштиради, натижада ўсимликлар нотекис ривожланади ва уларнинг хосилдорлиги камаяди. Мальумки, очиқ эгатнинг 3 м кенгликдаги зонасида бугдой хосилдорлиги 30-40% гача камаяди.

Текширишларга кўра, очиқ эгатлар ва марзалар салбий таъсир қиласиган умумий юза дала умумий юзасининг 6,5 дан 19,5 гача фоизини ташкил қиласи.

Очиқ эгатлар ва марзаларнинг хосил бўлиши сугориладиган ерларда сугориш сифатини ёмонлаштиради ва кўп сув сарфига олиб келади. Очиқ эгатлар ва марзалар зонасидаги нотекисликларни текислаш учун механизациялашган ишларни ўтказиш қоидаларига асосан агрегатларни ортиқча 2...4 марта ўтиши мўлжалланган. Ҳолбуки бу усул билан ер

юзасини текислашга эришиб бўлмайди. Сугориладиган зоналарда шудгордан кейин ҳосил бўлган иотекисликларни маҳсус қуроллар-грайдерли пичоклар ГН-2,8 ва ГН-4 билан текисланади. Бундан ташқари ҳар уч йилда узун базали текислагичлар билан далада одатдаги текислаш ишларини ўтқазиш талаб қилинади. Даля юзасини текислаш бўйича ўтказилган қўшимча операциялар харажатларни кўпайтириш билан бирга далани экишга тайёрлаш муддатини анча узайтиради, тупрокни интенсив қуришига сабаб бўлади, бу эса ҳосилдорликни камайишига ва қўшимча сув сарфига олиб келади.

Ерга текис ишлов берадиган плуглар қўлланилганда юқоридаги салбий қўрсаткичлар бартараф қилинади ва ҳосилдорлик 3...7% га ошади. Такрорий экинлар экилганда, айниқса Ўзбекистон шароитида ердан икки марта ҳосил олиш учун текис шудгорлаш талаб этилади ва бунда бу усулнинг яққол афзаллиги намоён бўлади. Ер текис шудгорланганда ҳосилни йигиш билан иккинчи экинни экиштacha бўлган вақт анча қисқартирилиши мумкин.

Ерга текис ишлов берадиган плуглар тупроқ палахсасини ағдариш усулига кўра иккита асосий гурухга: анъанавий ва янги принципиал технология асосида текис ишлов берадиган плугларга бўлинади.


Анъанавий усуlda текис ишлов берадиган плугларнинг ишчи органилари икки томонлама жойлаштирилган бўлиб, уларни конструктив тузилиши жиҳатидан қуйидаги турларга ажратиш мумкин: *айланма, клавиши, секцияли ва тенг мувозанатли* (45-расм).

*Айланма плуглар АҚШ да кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Кейс ва Квернеланд фирмаларининг 3, 4, 5 ва 6 корпусли айланма плуглари кенг қўлланилмоқда.*

Фарбий Европада айланма плуглар умумий плуглар сонининг 30 дан 70 фоизигача ташкил қиласди. Фирмалар 3, 4, 5, 6, 8 ва ҳаттоқи, 10 корпусли айланма плугларнинг модификациясини осма ва яримосма варианtlарда ишлаб чиқаради.

Huard (Франция) фирмасининг ромбсимон палахса ҳосил қиласиган корпусли плуглари талай даражада катта аҳамиятга эга.

Палахсанинг бундай шакли ағдаргичларнинг узунлиги ҳамда корпуслар орасидаги масофани 25...30 фоизгача қисқартиришга имкон беради. Ромбсимон ағдаргичлар билан этат деворини қия кесилиши унинг кенглигини оширади, натижада шудгорлаш учун кенг шинали гилдиракли тракторларни куллашга имкон яратилади. Бу эса ўз навбатида тракторни ҳаракатланиши учун кам кувват сарфига ва 20 фоизгача ёқилги иқтисодига олиб келади.




45-расм. Құш ишчи органды плуглар.

а - айланма; б - клавиши; в - моксисимон; г - тенг мувозанатли.

Юқорида көлтирилған плуглар барынан бир конструктив ва технологик камчиліктердегің айланма, клавиши, моксисимон және тенг мувозанаттың қарастырылғаны.

Ишчи органдардың иккі томонлама үрнатылған (46-расм) плугларнинг асосий конструктив камчиліктері шундаки, улар түзилиши жиһатидан құпоп, узун, құп металлы ҳажмігі әғар қамда чап ва үнг томонға ағдарувлы корпустарнан ишіга тушириш механизмі мураккаб. Бу нұқсонлар үз навбатида улар асосида мужассамлашған агрегаттар яратып имконини бермайды.




46- расм. Осма икки корпуслы айланма плут ПОН-2-30.

1 - үнгіта ағдарувлы корпус; 2 – чапта ағдарувлы корпус; 3 – чимқирқар; 4 – таянч гидридірек; 5 – осма; 6 – шток; 7 – тишилі сектор; 8 – шестерня; 9 – гидроцилиндр.

Технологик камчиликларига эса шуни әслатиб ўтмок жоизки, бунда агрегат ёнма-ён ўтганда шудгорланган юзанинг бир-бирига қўшилиб кетиш жараёни кийин кечади.

Россия Федерациясида бир неча йиллар давомида 1, 2 ва 3 корпусли айланма плутлар чиқарилган. Ўзбекистонда ПОН-2/3-45, ПОН-4-45 русумли айланма плугларни ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича тажриба-конструкторлик ва илмий ишлар давом этмоқда.




47-расм. Айланма плутнинг иш жараёни.

Принципиал янги технология асосида текис шудгорлайдиган фронтал плугларнинг характерли хусусияти шундаки, бунда тупроқ палахсаси ўз ўрни чегарасида ағдарилади (48-расм).

Бу шудгорлаш усули энг рационал ва кам энергия сарфини талаб этади. Ушбу технологияни амалга оширадиган плугларнинг ишчи органлари асосан ҳаракат йўналишига перпендикуляр бир тўғри чизикда (фронтал) жойлашган бўлиб, уларнинг узунлиги қамраш кенглигига боғлиқ эмас (49-расм). Бу эса уларни осма ва ҳатто, кенг қамровли вариантларда тайёрлаш имкониятини яратади. Бундан ташқари, улар асосида даладан бир ўтища бир неча операцияларни бажарувчи мужассамлашган кишлоқ ҳўжалик машиналарини яратиш мумкин. Масалан, асосий ишлов бериш + юмшатиш + ўғит бериш; асосий ишлов бериш + юмшатиш + тупроқни экишга тайёрлаш + экиш; гўзапояни майдалаш + асосий ишлов бериш ва ҳ.о.

Фронтал плугларнинг корпуслари симметрик қарама-қарши жойлашган бўлиб, уларнинг ишчи юзаларига таъсир қилувчи тупроқ реакцияларининг кўндаланг ташкил этувчилари ўзаро тенг. Шунинг учун корпусларнинг конструкцияларида дала тахтасини ўрнатиш кўзда тутилмаган. Бу эса шудгорлашга энергия сарфини анча камайтиради.

Фронтал плуг энг камида иккита ишчи элементдан иборат: палахсанинг пастки ёқига таъсир қиладиган асосий корпус ва палахсанинг айланишини биринчи босқичида уни ён томонига, иккинчи босқичида эса юкори томонига таъсир қиладиган қўшимча корпус (заплужник).



48-расм. Палахсани ён томонга сурмасдан ўз эгати чегарасида ағдариш схемаси.

1 – асосий корпус; 2 – заплужник.


Фронтал плугларнинг ҳар бир технологик модули бир-бирининг ойнадаги тасвири каби бўлган иккита комплект ишчи органлардан иборат.

Палахсани бураш жараёнида унинг ёқлари винтсимон юзалар шаклига эга бўлганлиги учун корпус ва заплужникнинг ишчи юзалари ҳам винтсимон шаклга эга.

Технологик модулнинг иш жараёни қуйидагича кечади. Тупрок пичоқлар 4 билан тик текисликда, асосий корпуслар 1 ва 3 ларнинг лемехлари билан эса горизонтал текисликда кесилади, натижада 35...70 мм «чала кесиш» билан иккита палахса хосил бўлади. Асосий корпуслар аввал мустақил, сўнгра эса заплужниклар 2 билан ўзаро таъсир қилиб, палахсани айлантиради ва ўз эгати чегарасида ётқизади.


Корпус ва заплужник ишчи юзаларидан чиққан палахсалар мажбурий таҳминан  $160^{\circ}$  га айланган ҳолатда бўлади ва улар ён томонлари билан бир-бирига таянади, бунда уларнинг ўтли томонлари билан эгат туби орасида бироз эркин бўшлиқ қолади. Бу бўшлиқни бартараф қилиш, шудгор юзасини текислаш ва кесакларни майдалаш учун рамага шарнирли-диркиллама беркитилган енгил планкала ғалтак қўлланилади. Ғалтак 5 ўз функцияларини ўзининг ва модулнинг оғирлигидан ҳамда ишчи органларга тупроқ реакциясининг тик ташкил қилувчисидан фойдаланиш туфайли бажаради.

Ғалтакни рамага шарнирли-диркиллама беркитиш аввал «плут товони» хосил бўлишига сабабчи бўлган тик кучни фойдали иш – кесакларни майдалаш ва шудгор юзасини текислаш учун фойдаланишга имкон беради.



49-расм. Симметрик фронтал плутнинг секцияси (модули) схемаси.  
1 ва 3 - асосий корпуслар; 2 - қўшимча корпус (заплужник); 4 - пичоқ; 5 - ғалтак.

Россиянинг Ярославль заводида ишлаб чиқилган бурилма ППН-5-45 (49а-расм) ва ППН-7-45 русумли плуглар тупроққа уюмлар ва очик әгатларсиз текис ишлов бериш учун мұлжалланған. Корпусларининг қамраш көнгілігі 45 см. Бурилма плуглар айланма плугларга нисбатан анча енгіл, чунки уларда бир қатор лемехли симметрик корпуслар үрнатылған.



49а-расм. Бурилма плуг ППН-5-45.

#### 4-§. Тупроққа ишлов беришга ҳозирги замон талаблари

Үтказилған илмий техник адабиётларни таҳлили бүйича тупроққа ишлов беришга құйилған талаблар күйидеги асосий принципларни риоя қилишни тақозо қылады: ишловни минималлаштириш (ишловлар сони ва жадаллігіні камайтириш), энергияны әхтиёт қылады (кам кувват сарфи) технологияларни құллаш, үтишлар сони ва у билан боғлиқ бүлған тупроқ зичлигини камайтириш мақсадида бир неча операцияларни бирға құшиб олиб бориш ва уларни агрегатлар ёки машиналар билан бир үтишда бажариш.

Бу талаблар тупроққа минимал ишлов беришга олиб келади. Минималлаштиришнинг зарур сабаби, биринчидан, тупроққа ишлов беришга катта микдорда мәннат ва энергия сарфи: уни бажариш учун қишлоқ хұжалик әқинларини етиштиришга кеттән умумий иш ҳаждидан 40% га яқин энергия ва 25% га яқин мәннат сарфи кетади, иккинчидан, оғир тракторлар ва тупроққа ишлов бериш машиналарининг юриш тизимлари таъсирида тупроқны ҳаддан ташқари зичланиши ва унинг хоссаларини ёмонлашиши натижада ҳосилдорликни 12...30% га камайиши ва учинчидан, жадал механик ишлов бериш туфайли органик моддаларни тез парчаланиши натижасида эрозия жараёнларини күчайиши.

Интенсив деңқончиликда минимал ишлов бериш тупроқнинг потенциал унумдорлыгини сақтайтын ва унинг самаралы унумдорлыгини оширадын, эрозиядан ҳимоя қыладын ва гумус

балансини яхшилайдиган, озуқа моддалар ва сувни йүқотилишини камайтирадиган ҳамда дала ишларини бажариш муддатини қисқартырадиган асосий омил деб қаралади.

Хозирги вақтда минимал ишлов беришнинг қуидаги амалий йўналишлари мўлжалланган:

- бегона ўтларга қарши гербицидлардан фойдаланиб асосий, экиш олдидан ва қатор ораларига ишлов беришлар сони ва чукурлигини камайтириш;

- бир ўтишда юқори сифатли ишлов берадиган кенг қамровли куроллар ва машиналардан фойдаланиб, чукур ишлов беришни юза ва саёз ишлов бериш билан алмаштириш;

- тупроққа ишлов бериш билан бир вақтда гўзапоя майдалайдиган ва уни локал қўмадиган, локал ўғитлайдиган ва уруғ экадиган комбинациялашган агрегатларни қўллаб бир ичча технологик операцияларни бир иш жараёнинга бирлаштириш;

- чопиқ экинлари экилганда гербицидларни ва экиш олдидан чизиқли (йўлакли) ишлов беришни қўллаб ишлов бериладиган юзани камайтириш;

- тупроққа асосий ишлов бериш технологияси ва техник куролларини мукаммаллаштириб шудгор сифатини яхшилаш ва натижада тупроқни экишга тайёрлаш учун қилинадиган қўшимча операциялар сонини камайтириш.

Минимал ишлов беришни биринчи навбатда экинлар учун қулай агрофизик хоссаларига эга бўлган яхши экинбон тупрокларда ҳамда бегона ўтларсиз тоза далаларда ёки доимий равишда гербицидлардан фойдаланилганда қўллаш керак.

Пахта далаларига асосий ишлов берилганда агрегатни бир ўтишида шудгорлаш билан бирга гўзапоя майдалаш ва уни локал қўмиш, локал ўғитлаш, ҳайдов ости катламини чизиқли юмшатиш ва далани экишга тайёрлаш мақсадга мувофикдир.

Гўзапояли далаларга экин экилганда гўза қатор ораларини юмшатиш билан бирга ўғит сениш ва экин экиш агрегатларнинг ўтишлар сонини камайтиради.

Олиб борилган текширишлар таҳлили плутни узоқ йиллар давомида асосий ишлов бериш учун энг тарқалган ва асосий техник восита сифатида қолишини кўрсатаяпти. Хозирги даврнинг талаби тупроққа асосий ишлов бериш технологиясини ва уни бажариш учун асосий курол бўлган плутни такомиллаштиришdir.

### *Таянч иборалар*

Плантаж плуг, уч ярусли плуг, гумусли, шўрхок ва карбонатли горизонт, икки ярусли плуг, юқори корпус, пастки корпус, айланма

плуг, клавиши плуг, мокисимон плуг, тенг мувозанатли плуг, фронтал плуг, корпус, заплужник.

### *Назорат саволлари*

1. Плантаж плугларнинг тузилишини айрим хусусиятлари ва уларни кўллаш зоналари. 2. Бутазор-ботқоқлик плугларининг тузилишини айрим хусусиятлари ва уларни кўллаш зоналари. 3. Икки ярусли плугнинг юкори корпусини тузилиши ва уни пастки корпусга нисбатан жойлашиши. 4. Уч ярусли плугнинг тузилиши ва иш жараёни. 5. Текис шудгорлашнинг афзаликлари. 6. Фронтал плуг тузилишининг айрим хусусиятларини келтиринг? 7. Тупрокка ишлов беришга ҳозирги замон талаблари? 8. Ўзбекистон шароитида минимал ишлов беришнинг истиқболли йўналишлари. 9. Бедапояларни шудгорлаш учун икки ярусли плугта қандай мослама ўрнатилади? 10. Уч ярусли шудгорлаш технологик жараёни қандай амалга оширилади? 11. Икки ярусли шудгорлашнинг оддий шудгорлашдан фарқлари нималардан иборат?

## **6 – Б О Б**

### **КОРПУС ИШЧИ ЮЗАЛАРИНИ ҚУРИШНИНГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ШУДГОРЛАШ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

#### **1-§. Корпус ишчи юзаларини қуришнинг умумий принциплари**

Плуг ағдаргичини ясаш учун уни қогозда икки уч проекцияда қўшимча кесимлари билан чизиш лемех-ағдаргичли юзани қуришга (лойиҳалашга) киради. Бу ишни бажариш учун лойиҳа топширигидан ташқари қуриладиган юзаларнинг назарияси асосини ташкил қиласидан дастлабки назарий шарт-шароитларни билиш керак.

Лемех-ағдаргичли юзаларни лойиҳалашнинг назарий масаласини икки томонлама счиш мумкин: тупрок деформацияси берилади ва у бўйича юза аниқланади ёки юза берилади ва у бўйича деформация аниқланади. Ҳар икки масала ҳам ҳозиргача тўлиқ ечилимаган. Шунинг учун плуглар ағдаргичларининг маълум бўлган ишчи юзалари назарий таҳлил қилиниб, улардан бири танланади. Таҳлил натижасида янгиси қурилади, сўнгра унинг танланган параметрлари тажрибавий текширилади.

Академик В.П.Горячкин ағдаргичларнинг ишчи юзалари учун қўлланиладиган ҳар хил шаклдаги геометрик юзаларни таҳлил қилиб, уларни уч турга бўлган: винтсимон, цилиндрик ва оралик. Ишчи

юзаларни бундай турларга бўлиш уларни ҳосил қилиш усулига ҳамда технологик жараённи характерига мос келади.

Соф цилиндрлик юзалар жуда кам ишлатилади ва улар амалиётда кенг қўлланиладиган цилиндрсimon юзаларнинг айрим бир тури ҳисобланади.


### 1.1-§. Цилиндрсimon ишчи юзалар

Цилиндрсimon ишчи юзалар ҳар хил усуллар билан ҳосил қилиниши мумкин. Проф. Н.В.Шучкин томонидан ишлаб чиқилган усул энг кўп тарқалган бўлиб, унга асосан цилиндрсimon юза горизонтал тӯғри чизик  $EF$  ни лемех тифи  $AB$  га тик бўлган  $N$  текисликда жойлашган йўналтирувчи эгри чизик  $BC$  бўйича ( $50a$ -расм) ҳосил қилувчи  $EF$  нинг эгат девори  $XOZ$  билан ҳосил қилган бурчак  $\gamma$  нинг маълум ўзгариш қонунияти асосида ҳаракатлантирилиб ҳосил қилинади. Бурчак  $\gamma$  нинг ўзгариш қонунияти  $\gamma=f(z)$  функция билан ифодаланади, бу ерда  $z$  – ҳосил қилувчининг горизонтал текислик  $XOY$  устида жойлашиш координатаси.  $50$ -расмда стандарт маданий ва яrim винтсimon корпуслар учун  $\gamma=f(z)$  нинг ўзгариш қонунияти тасвиrlанган. Ағдариладиган палахсани ағдаргичнинг кўкрагига кўтарилишини енгиллаштириш ва унга корпуснинг эгат кирраси тегишини олдини олиш учун бурчак  $\gamma$  нинг қиймати дастлаб  $\gamma_0$  дан  $\gamma_{\text{ниш}}$  гача камаяди. Лемехни ағдаргич билан туташиб чизигидан ўтгандан сўнг бурчак  $\gamma$  катталашади: маданий ағдаргичларда қавариқ ( $50b$ -расм), яrim винтсimonларда эса ботиқ ( $50c$ -расм) эгри чизик бўйича. Бунинг натижасида маданий ағдаргичнинг юзаси кичик эгриликли палахсани яхши майдалайдиган кўкракка (ёпишиш эҳтимолини камайтириш учун), яrim винтсimon ағдаргичнинг ишчи юзаси – палахсани юқори даражада айлантириш қобилиятини таъминлайдиган кўпроқ бурилган қанотга эга бўлади.

Маданий корпуслар учун ҳосил қилувчилар билан эгат девори орасидаги бурчакнинг ўзгаришини эмпирик қонунияти проф. Н.В.Шучкин томонидан қуйидаги кўринишда таклиф қилинган:

$$y = \frac{6,2Z^2}{Z^2 + 100}, \quad (19)$$

бу ерда  $Z$  – лемех билан ағдаргичнинг туташиб чизигига нисбатан ҳосил қилувчиларнинг жойлашиши баландлигини аниқлайдиган ординаталар, см да;  $y$  – см да шартли ифодаланган ҳосил қилувчиларни эгат девори билан ҳосил қилган бурчак  $\gamma$  ларнинг қийматларини аниқлайдиган абдиссалар.



50-расм. Цилиндрическим ишчи юза.

$\alpha$  – хосил қишин схемаси;  $b$  ва  $c$  – маданий ( $b$ ) ва яримвентсимон ( $c$ ) юзалар учун ҳосил қидувчини жойлашиш баланддиги  $z$  га бөглиқ равища бурчак  $\gamma$  нийг ўзгариш қонунияти.

Ярим вентсимон ағдаргичлар учун  $\gamma$  бурчакнинг ўзгариш қонунияти нараболанинг тентламаси бўйича қабул қилинган:

$$y = Z^2 / 2P, \quad (20)$$

бу ерда  $P$  – параболанинг периметри.

Плуг корпусининг юзаси лойиҳаланганда йўналтирувчи эгри чизик – парабола айланана асосида қурилади, унинг эса фақат радиуси ва ёйи узунлигини назарий асослаш мумкин.


Йўналтирувчи эгри чизик сифатида парабола қабул қилинганлиги туфайли палаҳса лемехдан ағдаргичгага ўтишда юзага яхши мослашиши ва ағдаргичнинг юқори қисми (қаноти) билан нормал ағдарилиши учун унга исталган эгилганлик бериш мумкин.

Йўналтирувчи эгри чизик лемех тигига перпендикуляр бўлган текисликда ётади, у эса маданий ағдаргичларда лемех тумшуғидан унинг тиги узунлигини  $2/3$  қисмiga teng масофада, ярим вентсимон ағдаргичларда эса лемехнинг ўнг қиррасида жойлаштирилади. Йўналтирувчи эгри чизикнинг ҳолати ағдаргичнинг шаклига таъсир қилади; маданий ағдаргичлар кескин бурилган, яримвентсимонлар эса бирмунча қия кўкракка эга. Бундай шакл маданий ағдаргичларни яхши майдаташ, ярим вентсимонларни эса ағдариш қобилиятини белгилайди.

Йўналтирувчи эгри чизик учун асос бўладиган айлананинг радиуси  $R_{max} \geq R \geq R_{min}$  чегарасида ўзгариши мумкин.

Йўналтирувчи эгри чизикнинг максимал эгрилик радиуси ағдаргичнинг эгат қиррасини ағдарилиган палаҳсага тегмаслик шартидан аниқланади. Агар палаҳсанинг қирраси сатҳида ағдаргичга уринма текислик билан ағдарилиган палаҳса юзаси орасидаги чизикли бурчак  $i$  (51-расм)  $90^\circ$  дан кичик бўлса бу ҳодиса юз бермайди. Бу шартдан  $R_{max}$

ни топиш ифодасини олиш мураккаблиги учун уни аниклаш максадга мувофиқ әмас. Шунинг учун  $R_{min}$  кийматини аниклаш етарлы ҳисобланади.



51-расм. Йўналтирувчи эгри чизиқ радиусини асослашга доир схема.  
а - энг катта  $R_{max}$ ; б - энг кичик  $R_{min}$ .

Корпуз билан кўтарилиган палаҳса ағдаргичнинг юкори қиррасидан тўкилмасдан унга тўлиқ жойлашиш шартидан йўналтирувчи айлананинг минимал радиуси  $R_{min}$  аникланади. Агар  $BC = \cup BC'$  бўлса (51-расм) бу шартга амал қилинади.

Тўғри чизиқ  $BC$  лемех учидан (нукта  $B$ ) унинг тигига перпендикуляр ўтказилган вертикал кесувчи текисликнинг изини ифодалайди. Агар бу текислик билан кирқилган палаҳсани горизонтал текислика ёйсак у штрихланган тўғри бурчакли учбурчак  $ABC$  шаклида бўлади. Бунда эгри чизиқ  $BC'$  тўғриланади ва унинг узулиги  $BC$  га teng бўлади. Планда вертикал текисликда ётган эгри чизиқ  $BC'$  нинг шакли кўринмаганилиги учун уни пландан четроқдаги текислика проекциясини чизиш лозим. Бунинг учун  $BC$  га параллел  $B''C'$  чизиги, сўнгра  $B$  нуктадан лемехнинг эгат тубига қиялик бурчаги  $\varepsilon_a$  остида  $B''L$  чизиги ўтказилади.

Ағдаргичнинг баландлиги  $h$  палаҳса кесими ( $axb$ ) диагоналига teng ёки ундан катта бўлиши керак,  $h = \sqrt{a^2 + b^2}$  деб қабул қилиниб  $C'''$  нукта ва у срқали эса  $R_{min}$  радиусли айлананинг маркази  $O$  топилади. Бунинг учун  $C'''$  нуктадан  $B''L$  га перпендикуляр бўлган  $B''K$  чизиги билан кесишгунга қадар  $B''C'$  га параллел тўғри чизиқ ўтказилади.

Бу кўринишлар бажарилгандан сўнг йўналтирувчи айлананинг радиусини маълум катталиклар билан ифодалаш мумкин, яъни

$$B'''C''' = R_{\min}(\pi/2 - \varepsilon_0) = BC.$$

Тўғри бурчакли учбурчак  $BCD$  дан

$$BC = b / \cos \gamma_0$$

У ҳолда

$$R_{\min}(\pi/2 - \varepsilon_0) = b / \cos \gamma_0$$

Бу ердан

$$R_{\min} = b / (\pi/2 - \varepsilon_0) \cos \gamma_0. \quad (21)$$


Айлананинг  $B, C$ , ёйда параболасимон йўналтирувчи эгри чизикнинг ҳақиқий шакли маълум усул билан курилади. Йўналтирувчи эгри чизик уч қисмдан иборат (52-расм): иккита тўғри чизикли  $OP$  ва  $DK$  ва параболасимон  $PD$ . Йўналтирувчи эгри чизикнинг қисмлари қўйидаги параметрлар билан тавсифланади: кулоч  $L$ , баландлик  $h$ , узунликлар  $s_1$  ва  $s_2$ , параболага  $D$  ва  $P$  нуқталарда уринмалар орасидаги бурчак  $\omega$ .

Йўналтирувчи эгри чизикнинг шакли ва параметрлари ҳамда ҳосил қилувчилар билан эгат девори орасидаги бурчак  $\gamma$  нинг ўзгарishi конунияти маълум бўлгандан кейин дастлабки маълумотлар бўйича лемех-ағдаргичли юза лойиҳаланади.


## 1.2-§. Винтсимон ишчи юзалар

Плут корпусининг винтсимон ишчи юзаси бир-бирига текис ўтадиган иккита юздан ташкил тонган: кўкрак юзаси ва ағдаргичнинг қанот юзаси. Ағдаргичнинг кўкрак юзаси ҳосил қилувчи  $BC$  ни (53-расм) айлантириб ва у билан бир вактда йўналтирувчи  $BB'$  га нисбатан уни илгариланма силжитиб ҳосил қилинади. Йўналтирувчи  $BB'$  тўғри чизик бўлиб, эгат туби текислигида ётади ва қамраш кенглигига тенг  $b$  масофада унинг деворига параллел жойлашган. Бунда ҳосил қилувчи кўндаланг тик текисликларда (эгат туби ва деворига перпендикуляр) жойлашади. Шундай қилиб, ағдаргичнинг геометрик шакли ҳосил қилувчининг шаклига ва унинг илгариланма ва айланма ҳаракатларининг тезликлари нисбатига боғлик.

Лемех ва ағдаргичнинг кўкраги таъсирида палахса  $90^\circ$  га бурилади. Палахса кўндаланг кесимининг кейинги айланиси шудгор чукурлиги  $a$  га тенг масофада ёнбошда турган иккинчи кирра атрофида юз беради. Шунинг учун қанотнинг юзасини чизадиган ҳосил қилувчи  $BC$  нинг кейинги ҳаракати бошқа йўналтирувчи  $DD'$  га нисбатан амалга оширилади. Бу йўналтирувчи ҳам тўғри чизик бўлиб, эгат туби



52-расм. Ишчи юзани ҳосил қылувчи эгри чизик.



53-расм. Винтсимон ишчи юзани ҳосил қилиш схемаси.


текислигидә биринчи йўналтирувчига параллел ва ундан шудгор чукурлиги  $a$  га тенг масофада жойлашган. Бунда ҳосил қылувчи йўналтирувчидан  $a$  масофада туриб унга нисбатан ҳаракатланади. Шундай қилиб, ағдаргичнинг геометрик шаклига юкорида келтирилган параметрлардан ташқари қабул қилинган шудгорлаш чукурлиги ҳам таъсир қилади.

## 2-§. Тезкор ишчи юзаларнинг хусусиятлари

Ишчи тезликни ошириш мобил қишлоқ ҳўжалик агрегатларининг меҳнат унумдорлигини оширишининг йўлларидан биридир. Шудгорлаш тезлигини 4...5 дан 6...7 км/соат гача ошириш шугуарнинг оддий корпуслари геометрик шаклини ўзgartирмасдан амалга ошириш мумкин эканлигини амалда исботланган. Бунда шудгорлаш сифати ҳатто яхшиланади, катта кесаклар сони камайди, ўсимликлар қолдиқларини кўмилиши тўлароқ, шудгор юзаси яхшироқ тугашган, эгат кенгроқ ва тозароқ бўлади. Тортишга қаршиликни кўпайиши (таксиминан 10% га) шудгорлаш сифатини яхшиланиши натижасида ҳосилдорликни ошиши билан қопланади. Аммо шудгорлаш тезлигини янада ошириш (8...10 км/с гача) уни сифатини ёмонлаштиради ва тортишга қаршиликни жиҳдий

оширади. Палахса ён томонга узоққа улоқтирилади – «фаввора» қилиб отилади, ўсимлик қолдикларини күмилиши ва палахсанни айланышы ёмонлашади. Бу камчиликларни бартараф килиш учун ишчи юзаларнинг геометрик параметрларини, баъзи ҳолларда эса ишчи юзаларнинг шаклларини ўзгартириш талаб қилинади. Бунда масала шундан иборатки, ишчи органларнинг ҳаракат тезлиги катталашиб бориши билан тупроқка узатиладиган ва палахсанни тўғри ётишини таъминлайдиган тезлик ўзгармай колиши керак. Бу талабни бажариш учун цилиндрисимон ишчи юзали ағдаргич қаноти охирининг йўналтирувчи бурчаги  $\gamma_{max}$  ни ва мос равишда лемех тиги билан эгат девори орасидаги бурчак  $\gamma_0$  ни (кесиш бурчаги) ҳамда увалаш бурчаги  $\alpha_0$  ни кичрайтириш керак. Бурчаклар кичрайтирилганда палахсанни эгатга иргитиш интенсивлиги (тезлиги) камаяди, бурчак  $\alpha$  кичрайганда эса тупроқни «фаввора» қилиб отиш бартараф қилинади ва ишчи юзага палахсанни кўтарилиши осонлашади. Тезкор корпушлар учун  $\gamma_0=26\dots38^\circ$  (стандарт корпушлар учун  $42^\circ$ ) ва  $\gamma_{max}=30\dots40^\circ$  (стандарт учун 48 ва  $50^\circ$ ). Палахсанни юзага киришини яхшилаш учун тезкор плугларда  $\alpha_0=25^\circ$  (стандарт корпушларда  $30^\circ$ ) ва  $\gamma_0\gamma_{min}=7^\circ$  (стандартларда  $1\dots30^\circ$ ) қабул қилинади. 54а-расмда цилиндрисимон ишчи юзаларнинг проекцияси тасвирланган.

Корпус ишчи юзасига нисбатан палахсанни ҳаракати кўрилганда корпус кўзгалмас, палахса эса ҳаракатланади деб ҳисоблаш мумкин. Ундан бўлса палахсанни корпусга нисбатан ҳаракат тезлигини иккита ташкил килувчига ажратиш мумкин: бўйлама ва кўндаланг ёки ёнбош (54-расм). Бунда палахсанни ёнбошга улоқтириш узоқлиги ағдаргич қанотининг охиридаги йўналтирувчи бурчак  $\gamma_{max}$  нинг кийматига боғлиқ бўллади, қайсики у шундай танланган бўлиши керакки, тезкор шудгорлашда тупроқ тезлигининг ёнбош ташкил килувчи компоненти анъанавий тезликларда шудгорлашдаги ёнбош компонентдан катта бўлмаслиги керак.




54-расм. Плуг корпусининг ишчи юзалари.

*a* - цилиндрисимон ишчи юзалар; *b* - комбинациялашган тезкор ишчи юза; 1 – анъана-вий тезликда шудгорлаш учун; 2 - тезкор шудгорлаш учун.

Күриниб турибидики (55-расм), шудгорлап тезлиги ва палахса тезлигининг ёнбош ташкил қилувчиси ўртасида куйидаги боғлиқлик бор:

$$V_{\delta} = V_o \sin \gamma . \quad (22)$$



55-расм. Анъанавий тезликда шудгорлайдиган ишчи юзаларни тезкор ишчи юзаларга ривожлантириш.

*a* - анъанавий учун; *b* - юқори тезлик учун; *c* - тезкор шудгорлаш учун; *d* - ривожланиш жараёнида тезликларнинг таркибий қисмлари компонентлари ўртасидаги нисбатлар.

Анъанавий тезликлар учун мўлжалланган плутглар билан шудгорланганда, унинг яхши сифати 6...7 км/соат тезликларда олинади. Бу тезликлар учун  $V_{\delta} = 1,4 \text{ м/с}$ .  $V_{\delta} \approx 1,4 \text{ м/с}$  ни оптимал қиймат сифатида кабул қилиб ва уни ўзгармас ҳолда саклаб, бурчак уни кичрайтириш йўли билан анъанавий тезликлар учун ишчи юзани (55*a*-расм) тезкор ишчи юзага (55*c*-расм) айлантириш мумкин.

Формула (22) бўйича ҳисоб бурчак  $\gamma_{max} = 32^\circ$  гача ( $\gamma = 28^\circ$ ) кичрайганда шудгор тезлигини 11...12 км/соат гача ошириш мумкинлигини кўрсатади. Аммо, шу йўсинда олинган корпуслар анъанавий тезликда шудгорлайдиган корпусларга нисбатан тахминан икки марта катта бўлган узунликка эга бўлади, бу эса плутнинг металл сигимини анча оширади.

Тезкор корпусларнинг металл сигимини камайтириш учун баъзан улар мужассамлапган қилинади. 54*b*-расмда биро башқасига равон ўтадиган бир неча геометрик юзалардан ташкил топган тезкор плут корпуси тасвирланган. Лемех ва ағдаргич кўкрагининг пастки қисми корпуснинг дала кирраси ёнида жойлашган  $O_1$ , учли конуссимон юзага эга, ағдаргич кўкрагининг юқори қисми эгат қирраси ёнида  $O_2$  учга эга бўлган конуссимон юза кўринишида қилинган, қаноти эса қия ҳосил қилувчили цилиндроид юза кўринишида.

Винтсимон ишчи юзали плуг корпуслари цилиндрсимон ишчи юзалиларга нисбатан анча кам даражада шудгорлаш тезлиги ўзгаришини сезади.

### 3-§. Шудгорлаш жараёнининг назарий асослари

Шудгорлаш жараёнида корпус палахсани эгат тубидан ва деворидан ажратади, сўнгра уни ағдаради ва юмшатади. Демак, шудгорлаш технологик жараёни энг камида учта технологик операцияни ўз ичига олади: кесиш, айлантириш ва юмшатиш. Буларнинг ҳар бирини назарий асосларини кўриб чиқамиз.

**Кесиш.** Корпуснинг параметрларига ва тупроқнинг хоссаларига боғлиқ равишда плуг ишида икки хил кесиш учраши мумкин: тиг билан кесиш ва пона билан кесиш.

*Пона билан кесилганда тупроққа асосий таъсирни ишчи ёқ кўрсатади, кирра (тиг) эса ёрдамчи вазифани ўтайди. Ишлов берадиган материалга понанинг ишчи ёқини босими боғланган нам пластик (ковушқоқ) тупроқларда аввал эзилишга, сўнгра эса палахсани трапециясимон шаклдаги кўринишга эга бўлган бўлакларга синишига олиб келади. Эгилишга яхши қаршилик кўрсатадиган боғланган тупроқларда эса аввал ёриқ, сўнгра эса қия кўндаланг дарз (синиш) юзага келади.*


*Тиг билан кесишда аксинча, материалга ҳал қиливчи таъсирни тиг, яъни фаскалар ҳосил қилган икки ёқ кирраси кўрсатади. Фаскалар ёрдамчи вазифани ўтайди. Аммо тиг ва пона билан кесиш жараёнлари ўртасида аниқ чегара йўқ ва ишчи органининг параметрларига ва ишлов бериладиган материалнинг хоссаларига боғлиқ равишда бир жараён бошқасига ўзгариши мумкин. Масалан, агар фаскалар билан ҳосил қилинган бурчак ва бу фаскаларнинг кенглиги кесиладиган материалнинг хоссаларига боғлиқ маълум бир чегарадан ўтса, фаскаларнинг таъсири тигни таъсиридан устунлик қиласи ва тиг билан кесиш пона билан кесишга ўтади ва аксинча.*

Тиг билан кесиш плутнинг энергетик кўрсаткичлари учун катта аҳамиятга эга эканлигини  $R_x=f(b)$  боғлиқлик тасдиклайди (56-расм), бу ерда  $R_x$  – плутнинг тортишга қаршилиги;  $b$  – лемех тиги қалинлиги.

Кўриниб турибдики, тиг ўтмас бўлиб бориши билан плутнинг тортишга қаршилиги жиддий ошади.

**Палахсани айлантириши.** Палахсани айланиси кўрилганда палахса деформацияланмайди ва унинг ўлчамлари  $a$  ва  $b$  ўзгартмайди деб шартли кабул қилинади. Плуг корпуси қирқадиган палахсаннинг ағдарилиш схемасини ҳаракат йўналишига кўндаланг тик текисликдаги

проекциясида кўриб чиқамиз. (57а-расм). Вертикал текислиқда пичок, горизонтал текислиқда эса лемех билан қирқилган палахса  $ABC\bar{D}$  ағдаргичнинг сиртига кўтарилиб ағдарилишида аввал А кирра атрофида айланниб вертикал  $A_1B_1C_1\bar{D}_1$ , ҳолатни эгаллайди, сўнгра у  $D_1$  киррага нисбатан  $D_2C_2$  ёқ аввал ағдарилиган палахсага ётгунга қадар бурилади.




56-расм. Лемех тиги қалинлигини плугнинг тортиш қаршилигига таъсири.

57-расмдан кўриниб турибдики, қўшни палахсаларнинг бир хил номдаги нукталари, масалан  $D_2$ ,  $D_2'$  ва бошқа қирралар ўртасидаги масофа палахса кенглиги  $b$  га teng, ағдарилиган палахсанинг юкори қирралари  $A_2B_2$  ни давоми эса эгат тубини эгат деворидан палахса қалинлигига teng  $a$  масофада кесади. Ағдарилиган палахсаларнинг туташган нукталари  $C_2$ ,  $C_2'$  ва бошқаларни шудгорланмаган дала сатҳида ётишини исбот қилиш қийин эмас. Штрихланган (чизиқли) тўғри бурчакли учбурчаклар  $A_2'D_2D_2'$  ва  $C_2D_2'E$  лар (58а-расм) teng гипотенузалар  $D_2D_2'=C_2'D_2'=b$  ва teng бурчаклар  $b$  га эга ва шундай экан, улар ўзаро tengдир. Тeng учбурчакларда teng бурчаклар қаршисида teng томонлар ётади. Шундай экан  $C_2'E=A_2'D_2^l$ ,  $A_2'D_2^l=a$  бўлгани учун  $C_2'E=a$ , яъни палахсаларни туташган нукталари эгат тубидан шудгор чукурлиги масофасида жойлашган.

Корпус билан ағдарилиган палахсалар жуда тик жойлашмасликлари керак, чунки бунда “чала ағдариш” ҳосил бўлади, ёмон ҳолатда эса палахсалар орқага ағдарилади. Агар палахсанинг оғирлик кучи  $P_u$  нинг таъсир чизиги эгат тубини унинг таянч нуктаси  $D_2$ дан ўнг томонда кесиб ўтса ётқизилиган палахсанинг тургунлиги таъминланади. Бекарор мувозанатлик (чегаравий тургунлик) палахсанни шундай ҳолатига мос келадики, бунда унинг диагонали  $B_2D_2$ ,  $B_2'D_2'$  ва бошқалар (57б-расм) тик жойлашади. Штрихланган тўғри бурчакли учбурчаклар  $A_2B_2D_2$  ва

$A_2^{-1}D_2D_2^{-1}$  лар ўхшашлигидан  $B_2D_2/A_2B_2=D_2D_2^{-1}/A_2^{-1}D_2^{-1}$  ёки  $\sqrt{a^2 + b^2} / b = b/a$  келиб чиқади.



57-расм. Чимқирқарсиз плуг корпуси таъсирида палахсани айланниш схемаси.

а - палахсани турғун ҳолати; б - турғунмас ҳолати.

$b/a=k$  деб қабул қилиб, бир қатор ўзгаришларни амалга оширсак қуийдаги тенгламани оламиз:

$$k^4 - k^2 - 1 = 0. \quad (23)$$

Биквадрат тенглама (23) нинг ҳақиқий илдизи  $k_u = 1,27$ . Шундай экан, палахсани барқарор турғунлик ҳолати  $b/a > 1,27$  бўлганда таъминланади. Бу шартдан қамраш кенглиги  $b$  маълум бўлган корпус билан шудгорлашнинг максимал (энг катта) чуқурлигини аниқлаш мумкин:

$$a_{max} \leq b/k_u = b/1,27 \approx 0,8 b. \quad (24)$$

$\sin\delta = b/a = 1/k$  бўлгани учун палахсани чегаравий қиялик бурчаги  $\delta_u = \arcsin 1/k_u = \arcsin(1/1,27) = 52^\circ$ , бу эса палахсани  $128^\circ$  бурилишига тўғри келади.


Цилиндсимон ағдаргичлар учун  $k=1,3\dots1,8$ , винтсимонлар учун  $k > 1,75$  тавсия қилинади. Винтсимон ишчи юзалар билан палахсани тўлиқ айланниши ( $180^\circ$ га)  $k > 2,0\dots2,3$  бўлганда олиниши мумкин.

Қияликларда  $k_u$  даланинг қиялик бурчаги  $\alpha$  га боғлиқ бўлади. Қиялик бўйича палахса юқорига айлантирилганда  $k_u$  ни  $\alpha$  га боғликлити 58-расмда келтирилган.

Чимқирқар билан ишлаган корпус учун чегаравий нисбат  $b/a$  чимқирқарсиз корпуснинг қисмини кесади ва уни эгат тубига ташлайди (58б-расм), натижада ағдарилган палахсанинг қиялик бурчаги кичраяди. Хисобларга кўра, чимқирқар билан ишлаганда  $k_u \approx 1$ . Шунга ўхшаш натижада бурчак кескич кўлланганда ҳам олинади.

Чуқур шудгорлаш учун (30 см дан ортик) мўлжалланган плугларда  $k$  нинг нормал қийматида палахсани айлантириш учун корпус анча

кatta қамраш кенглигига эга бўлиши керак. Аммо бундай кенгликда плугнинг тортишга қаршилиги анча ошади ва палахсани уватаниши ёмонлашади, шунинг учун бундай ҳолларда ярусли шудгорлаш қўлланилади, унда палахса қалилиги бўйича қисмларга бўлинib айлантирилади. Икки ярусли ишлов беришда палахсанинг юқори қисми юқори корпус билан олинади, қолган қисми эса пастки корпус билан ағдарилади. Корпуслар кенглигига бир хил бўлиб,  $k$  нинг киймати рухсат этилган чегарада бўлади.




58-расм.  $K_4$  ни даланинг қиялиқ бурчаги  $\alpha$  га боелиқлиги.

*Палахсани юмшатиши.* Тупроқни юмшатиш плуг корпуси ишчи юзасининг шаклига боғлик, чунки у тупроққа куч таъсирининг характеристини белгилайди. Мухитда (тупроқда) ҳаракатланувчи ҳар қандай жисм ўзининг ишчи юзаси билан унга нормал йўналиш бўйича босим кўрсатади. Тупроқ ишчи юза бўйича сирпангандা нормал босим ишқаланиш кучларини юзага келтиради, бунда улар максимал кийматларига етади ва палахса ҳаракати йўналишига тескари томонга йўналган бўлади. Тупроқ палахсасига бу икки элементар кучларнинг таъсирини ишчи юзага нормалдан палахса ҳаракати йўналишига тескари томонга оғган битта teng таъсир этувчи куч  $R$  таъсири каби тасаввур қилиш мумкин.

59-расмда кўриниб турибдики, текис юза палахсага ўзаро параллел бўлган ва пастдан юқорига кия йўналган кучлар билан босади.

Кавариқ ишчи юза (59-расм) палахсага босимни тарқалиб кетадиган элементар кучлар тизимини беради. Иккаласи ҳам босимни палахсанинг қандайдир чегараланган зонасига концентрация (жамлаш) қилиш қобилиятига эга эмас, шунинг учун улар палахсани силжитиши ёки айлантириши мумкин, лекин уни жадал (интенсив) майдалай олмайди.



59-расм. Ҳар хил ишчи юзаларнинг палахсага куч таъсири характеристи.  
а - текис; б - қавариқ; в - ботик.

Ботик юза эса (59в-расм) қандайдир цилиндрик юзага уринма бўлган кесишадиган (йифиладиган) элементар кучлар тизимини беради. У палахсанинг чегараланган зонасига элементар кучлар босимининг таъсирини жамлайди, натижада ушбу зона тўғри танланганда тупроқни яхши уваланиши таъминланади. Бунда ишчи юзанинг эгрилигини ўзгариш характеристи муҳим роль ўйнайди. Ўзгармас эгриликда, палахса юзага киришда эгилиб уни эгрилигини эгалладайди ва бу эгриликни кейинги характеристида ҳам сакладайди, яъни деформациясиз ҳаракатланади.

Палахсани киришдан чиқишгача ҳаракатланиши сари эгрилиги катталашиб ўзгарадиган ишчи юза тупроқни жадал увалаш учун энг кулай юза ҳисобланади. Бундай хусусият цилиндрисимон юзаларга хос, уларда йўналтирувчи эгри чизик сифатида эллипслар ёки параболаларнинг қисмлари фойдаланилади.

### *Таянч иборалар*

Лемех-ағдаргичли юза, лойиҳа, проекция, геометрик юза, ҳосил килувчи тўғри чизик, ҳосил килувчи тўғри чизикини эгат девори билан ҳосил қилган бурчаги, палахса, цилиндрисимон ишчи юза, винтсимон ишчи юза, оралиқ ишчи юза, парабола, айлана, маданий корпус, йўналтирувчи эгри чизик, эгрилик радиуси, тезкор корпус.

### *Назорат саволлари*

1. Цилиндрисимон корпус ишчи юзасини қуришнинг усувларини айтинг? 2. Ағдаргиччининг тури қандай параметрлар билан аниқланади?
3. Йўналтирувчи эгри чизик нима учун керак? 4. Корпус лемех-ағдаргичли юзасининг увалаш ва айлантириш қобилияти қандай омилларга боғлик? 5. Плут корпуси лемех-ағдаргичли юзасини қандай бурчаклар тавсифлайди ва уларнинг ҳар хил турдаги ағдаргичлар учун

- вазифаси қандай? 6. Корпуснинг йўналтирувчи эгри чизигини кулинг? 7. Лемех-агдаргичли корпус ишчи юзасини куришнинг қандай усуспарини биласиз? 8. Тезкор корпуслар оддий корпуслардан қандай фарқ қиласди? 9. Комбинациялашган тезкор ишчи юзани таърифлаб беринг? 10. Шудгорлаш тезлиги палахса ҳаракатига қандай таъсири кўрсатади? 11. Корпуснинг қамраш кентлиги маълум бўлганда максимал ишлов бериш чукурлиги қандай аниқланади? 12. Лемех тигининг қалийлиги плутнинг тортиш қаршилигига қандай таъсири кўрсатади? 13. Палахсанни айланиши қандай омилларга боғлиқ?

## 7 - Б О Б

### ПЛУТГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КУЧЛАР ВА УНИНГ РАВОН ҲАРАКАТИ ШАРТЛАРИ

1-§. Плутнинг ишчи органларига таъсири этувчи кучлар


1.1-§. Плуг корпусига таъсири этувчи кучлар

Плуг корпусига фазовий кучлар тизимини ташкил қилган элементар нормал ва уринма кучлар таъсири қиласди, улар ўзининг қиймати ва йўналиши бўйича эгри чизикли ишчи юзани ҳар хил нукталарида ҳар хил. Бу кучларни ягона тенг таъсири этувчига келтириб бўлмайди. Аммо ҳар қайси, яъни горизонтал  $XOY$  (60-расм), бўйлама тик  $XOZ$  ва кўндаланг тик  $YOZ$  текисликларда тупроқнинг корпусга элементар қаршилик кучларини маълум катталика ва йўналишга эга бўлган битта тенг таъсири этувчи билан алмаштириш мумкин.

Горизонтал текислик  $XOY$  да (60a-расм) корпусга  $R_{xy}^1$  куч таъсири қиласди.  $R_{xy}^1$  кучни  $X$  ва  $Y$  ўқлари бўйича мос ҳолда таъсири этувчи иккита  $R_x^1$  ва  $R_y^1$  ташкил қилувчиларга ажратиш мумкин. Шунга ўхшаш  $XOZ$  (61б-расм) ва  $YOZ$  (60б-расм) текисликларда корпусга таъсири этувчи  $R_{xz}^1$  ва  $R_{yz}^1$  кучларни ҳам мос ҳолда ташкил қилувчи  $R_x^1$  ва  $R_z^1$ ,  $R_y^1$  ва  $R_z^1$  кучларга ажратилади. Шундай килиб, корпуснинг уч текисликдаги куч тавсифи (60-расм)  $R_{xy}^1$ ,  $R_{xz}^1$  ва  $R_{yz}^1$  кучларининг қиймати, уларнинг таъсири йўналиши  $\eta$ ,  $\Psi$  ва  $\xi$ , лемех тумшуғига нисбатан елкалари  $l_{xy}$ ,  $l_{xz}$  ва  $l_{yz}$  лар билан аниқланади.

Бу кучларнинг қиймати қуйидаги боғликлар орқали топилиши мумкин:

$$R_{xy}^1 = \sqrt{R_x^2 + R_y^2}; \quad R_{xz}^1 = \sqrt{R_x^2 + R_z^2}; \quad R_{yz}^1 = \sqrt{R_y^2 + R_z^2}. \quad (25)$$



60-расм. Плуг корпусининг текисликдаги куч тавсифи.

*a* - горизонтал ( $XOY$ ); *б* - бўйлама тик ( $XOZ$ ); *в* - кўндаланг тик ( $YOZ$ ).

Кучларниң таъсир йўналиши қўйидаги бурчаклар билан аникланади:

$$\eta = \operatorname{arctg} \frac{R_y}{R_x}; \quad \Psi = \operatorname{arctg} \frac{R_z}{R_x}; \quad \xi = \operatorname{arctg} \frac{R_z}{R_y}. \quad (26)$$

Елкалар  $l_{xy}$ ,  $l_{xz}$  ва  $l_{yz}$  ларнинг микдори график усул билан топилади. Учала текисликдаги кучлар фазовий динамометрлаш йўли билан аникланади. Маданий корпусни фазовий динамометрлаш натижасида текисликлардаги қўйидаги куч тавсифлари олинган.

Горизонтал текисликда  $R'_{xy}$  куч  $X$  ўқига  $\eta = 15\dots25^\circ$  бурчак остида йўналган, елка  $l_{xy} = (0,3\dots0,5)b$ , бу ерда  $b$  - корпус қамраш кенглиги, ҳисоблар учун унинг ўрта қийматини  $l_{xy} = 0,4b$  қабул қилиш тавсия килинади.

Бўйлама тик текисликда  $R'_{xy}$  кучи  $X$  ўқига  $\Psi = \pm 12^\circ$  бурчак остида йўналган, бурчак  $\psi$  нинг мусбат қийматларида слка  $l_{xz} = 0,5a$ , манфий қийматларида эса  $l_{xz} = 0,33a$ , бу ерда  $a$  - шудгорлаш чукурлиги.

Кўндаланг тик текисликда  $R'_{yz}$  кучи  $Y$  ўқига  $\xi = \pm 45^\circ$  бурчак остида йўналган, елка  $l_{yz}$  бурчак  $\xi$  нинг мусбат қийматларида  $0,5b$  га teng, манфий қийматларида  $0,75 b$ .

60-расмдан келиб чиқсан боғлиқликлардан ва  $\eta$ ,  $\Psi$  ва  $\xi$  бурчакларниң юқорида келтирилган қийматларидан фойдаланган ҳолда куч тавсифининг асосий параметрлари ўртасидаги ўртача сонли ўзаро нисбатни аниклаш мумкин. Масалан, фазовий динамометрлаш йўли билан  $R'_{xy}$  кучини аниклаб, куч тавсифининг бошқа параметрларини ҳисоблаш мумкин:

$$R_x = R'_{xy} \cos \eta, \\ R_y = R_x \operatorname{tg} \eta = R_x \operatorname{tg} (15\dots25^\circ) = (0,25\dots0,45) R_x \quad (27)$$

ёки ўртача

$$R_y \approx 1/3 R_x \approx 0,35 R_x, \quad (28)$$

$$R_z = R_x \operatorname{tg} \psi = R_x \operatorname{tg}(\pm 12^\circ) = \pm 0,2 R_x \quad (29)$$

Фазовий динамометрлаш учун тузилиши бүйича анча мураккаб бўлган маҳсус динамометрли плуг керак. Бироқ (28) ва (29) тенгликлардан кўринниб турибдики, кучлардан ( $R_x$ ,  $R_y$  ёки  $R_z$ ) бирининг сонли қиймати маълум бўлганда, улар ўртасидаги ўзаро нисбатдан фойдаланилган ҳолда хисоблар учун керак бўлган бошқа кучларнинг сонли қийматини аниқлаш мумкин ва корпуснинг барча куч тавсифини яратиш мумкин. Бу масалани анча осонлаштиради, чунки кучлардан бирининг қийматини аниқлаш учун оддий чизикли динамометрлаш етарли. Бу мақсад учун энг кулагай  $R_x$  кучи, чунки у плуг корпусининг тортишга қаршилигини ифодалайди ва уни плутни оддий динамометрлаш билан аниқлаш мумкин. Бу ҳолда унинг қиймати қуйидаги формула орқали хисобланади:

$$R_x = \eta R_{n\pi} / n,$$

бу ерда  $\eta$  - плугнинг Ф.И.К.,  $\eta = 0,6...0,8$ ;  $R_{n\pi}$  - плугнинг тортишга қаршилиги;  $n$  - плуг корпуслари сони.

Корпуснинг тортишга қаршилигини қуйидаги формула орқали ҳам хисоблаш мумкин

$$R_x = \eta K a v, \quad (30)$$

бу ерда  $K$  - плугнинг солишишторма қаршилиги;  $a$  - корпуснинг қамраши кенглиги.

Шундай килиб,  $R_x$  кучи корпуснинг куч тавсифи асосида етади. Унинг қиймати тупроқнинг технологик хоссалари, шудгорлаш чукурлиги, плутнинг харакат тезлиги, ишчи юзанинг тури ва параметрлари, лемех тигининг ўткирлиги, плугда чимкиркар ва пичоқнинг ўрнатилганингiga боғлиқ.


## 1.2-§. Корпуснинг тортишга қаршилигини характеристи

Плуг корпусининг тортишга қаршилиги – ўзгарувчан катталик, у иш жараёнида узлуксиз ўзгаради. Плуг корпусининг тортишга қаршилиги диаграммаси чўққилари ва чукурликлари даврий алмашиниб турадиган эгри чизиқни тасвирлайди (61-расм). Улар орасида ҳам катта бўлмаган тебранишлар (микротебранишлар) сезиларли. Чўққилар ва чукурликлар корпус таъсирида тупроқни деформацияланиш характеристи билан боғлиқ, микротебранишлар эса тупроқнинг таркибини бир хил эмаслиги туфайлидир. Бунда чўққиларнинг кисқа вақтли қиймати ўрта қийматдан  $2...2,7$  марта катта бўлиши мумкин, яъни  $R_{x(max)} = (2...2,7)R_{x(med)}$ , тортишга қаршиликнинг вариация коэффициенти эса  $\pm 80...100\%$  ни ташкил қиласди.

Шундай қилиб, олдин келтирилган қаршилик күчлари  $R$  нинг ва солиширма қаршиликлар  $k$  нинг графиклари ва бөгликлеклари ҳар хил иш шароитлар учун уларни ўрта қийматлари билан тасвириланган.  $R$  (ёки  $k$ ) нинг ўзгаришини тұлғыкроқ тавсифлаш учун ўрта квадратик четланиш  $\sigma_R$  (ёки  $\sigma_k$ ) дан фойдаланилади

$$\sigma_R = \sqrt{\sum_{i=1}^n (\bar{R} - R_i)^2 / (n-1)} \quad (31)$$

бу ерда  $\bar{R}$  - қаршиликнинг ўрта қиймати;  $\bar{R}_i$  - қаршиликнинг аниқ ўлчамдан қиймати;  $n$  - қаршиликнинг аниқ қийматлари сони.



61-раем. Плуг корпусига тупроқ қаршилигининг типик динамограммаси.

Баъзида дисперсия  $D_R = \sigma_R^2$  (ёки  $D_k = \sigma_k^2$ ) ёки вариация (жузъий ўзгариш) коэффициенти (ўлчамсиз катталиқ) ҳам күлланилади

$$v_R = \sigma_R / R_{med} \quad (\text{ёки } v_k = \sigma_k / k_{med}).$$

Баъзида бир ҳолларда ишчи органлар қаршилигининг ўзгарувчанлигини таҳлил қилиш учун бу жараён учун типик бўлган тебранишлар ва уларнинг даври (метр ёки секундларга) ажратиласди, тұлғыкроқ тавсифлаш учун эса қаршиликнинг нотекислиқ даражаси  $\delta_R$  (ёки  $\delta_k$ ) ва типик тебранишларнинг частотаси  $n_R$  (ёки  $n_k$ ) аникланади:

$$\delta_R = \frac{R_{\max} - R_{\min}}{R_{med}} \quad \text{ва} \quad n_R = \frac{R_{\max} - R_{\min}}{T_R}.$$

Баъзида ишчи органларнинг қаршилиги нотекислигини тұлғыкроқ тавсифлаш учун частота (тез-тез такрорланиш) графиги - әхтимолликнинг тақсимлаш зичлиги күриласди, у асосан күпроқ нормал тақсимланиш қонунига яқынлашади. Бу ҳолда  $R_{\max} - R_{\min} \approx 6\sigma_R$ , бунда  $\sigma_n \approx 6v_R$ .

Каршиликнинг ўзгарувчанлик характери эҳтимоллик статистик маънида кўрилганда нормаланган корреляцион функциялар ва спектрал зичликлар аниқланади ва уларнинг таҳлили асосида маълум хуносалар килинади.

### 1.3-§. Пичоқ параметрлари ва уларни куч тавсифи

Дискли пичоқ палахсан тик текисликда кесиш учун ишлатилади. Унинг диаметри куйидаги формула орқали топилади (6.5-расм)

$$D = 2 ( a_2 + \Delta e ) + d_c \quad (32)$$


бу ерда  $a_2$  – дискли пичоқнинг кесиши чуқурлиги;  $\Delta e$  – гупчак гардии билан дала юзаси ўртасидаги оралиқ кенглиги,  $\Delta e = 20$  мм;  $d_c$  – гупчак диаметри,  $d_c = 0,25D$ .

Дискли пичоқнинг калинлиги унинг диаметрига боғлиқ, равиша  $t=0,01D$  га тенг, тигининг чархлаш бурчаги  $D < 450$  мм бўлганда  $i = 20 \pm 2^\circ$  ва  $D > 450$  мм бўлганда  $i = 30 \pm 2^\circ$ .

Иш жараёнида дискли пичоқка тиг билан тупроқни эзишга қаршилик кучлари ва унинг ён юзатари бўйича тупроқнинг ишқаланиш кучлари таъсири қиласди. Ишқаланиш кучлари таъсирини нисбатан катта эмаслигини тажрибалар кўрсатди. Дискли пичоқ симметрик ишчи орган бўлганлиги учун тупроқ қаршилигининг элементар кучлари таъсирини тахминан пичоқ ишчи ёйи  $AB$  нинг (62-расм) ўртасига қўйилган ва уни айланиш ўқидан ўтадиган битта тенг таъсири этувчи  $R$  га келтириш мумкин. Бу кучнинг ташкил этувчиси  $R_x$  пичоқнинг тортишга қаршилигини ифодалайди ва дискни айланишига имкон яратадиган моментни юзага келтиради. Бошқа ташкил этувчи  $R_z$  пичоқни тупроқдан чиқаришга интилади ва дискни айланишига тўқсиилик қиласдиган моментни юзага келтиради. Тупроқнинг солиштирма қаршилиги 40 дан 80 кПа ўзгарганда умумий ишларга мўлжалланган плуглар стандарт пичоқларининг  $R_x$  кучи 0,7 дан 2,2 кН гача ўзгаради. Бунда  $R_z \approx 1,2 R_x$ .

Пичоқ дала юзасида жойлашган пояларни кесиши, яъни уларни дала юзасида судрамаслиги учун б қисиши бурчаги ( $\varphi_1 + \varphi_2$ ) дан кичик бўлиши керак, бу ерда  $\varphi_1$  – пояни тиг бўйича ишқаланиш бурчаги,  $\varphi_2$  эса пояни тупроқ бўйича ишқаланиш бурчаги. Агар дискли пичоқ ўсимликлар поялари билан тез-тез тиқилса уни тупроқка чуқурлитини камайтириш ёки катта диаметрли пичоқ қўйиш керак. Кесик тиғли пичоқларни кўллаш бундай ходисани бартараф қиласди ва  $R_x$  кучини 18...25% га камайтиради. Тажрибалар  $R_x$  кучини кинематик тартиб кўрсаткичи  $\lambda = \omega r / V_m$  га боғлиқлигини кўрсатди, бу ерда  $\omega$  – бурчак тезлик;  $r$  – диск радиуси;  $V_m$  – машина (курол) ҳаракати тезлиги.  $\lambda$

қанча катта бўлса  $R_x$  шунчак кичик.  $\lambda$  нинг қиймати 0 дан 1 гача катталашганда  $R_x$  кучи 2,5 марта камаяди.  $\lambda$  нинг сонли қийматлари дискли пичокнинг конструкцияси ва тупроқнинг ҳолатига боғлик; текис тигли пичоклар учун  $\lambda=1,02\dots1,098$ , тарам-тарамлий дисклар учун  $\lambda=1,08\dots1,31$  ва кесик дисклар учун  $\lambda=1,045\dots1,165$ . Дискли пичокларни ҳар бир корпус олдидан ўрнатиш фақатгина тортишга қаршилигини  $3,8\dots6,5\%$  га камайтирибгина қолмай, палахсанни айланисини, ўсимликлар массасини кўмилишини ва юриш турғунлигини анча яхшилади, шунинг учун баъзи бир хорижий фирмалар плутнинг ҳар бир корпусини дискли пичоқ билан жиҳозлайди.



62-расм. Текис дискнинг қуч тавсифи.


## 2-§. Плуг ишчи органлари ва фидирақларини жойлаштириши

Осма, ярим осма ва тиркама плутларни ишчи органлари бир хил конструктив схема асосида жойлаштирилади. Анъанавий плутларнинг корпуслари кетма-кет шудгорланмаган томонга қамраш кенглиги  $b$  га сурилиб мътлум бир бостирма  $\Delta b$  билан ( $\Delta b=25\dots75\text{мм}$ ) бири иккинчисидан кейин жойлаштирилади (63-расм). Бостирма горизонтал текисликда плутни бирмунча тебранишларида (тўғри чизикли ҳаракатланмагандан) палахсанни тўлиқ кесилишини таъминлайди.

Металл сиғими ва плутни дала рельефига мослашуви боғлик бўлган корпуслар орасидаги (плутни юриши бўйича) масофа  $l$ , тупроқ ва ўсимликлар қолдиклари билан тиқилиб қолмаслиги ва чимқирқар ва дискли пичоқларни плутнинг ҳар бир корпус олдидан ўрнатиш имконияти шартларидан қабул қилинади. Баъзи бир олимлар (профессор М.Н.Летошнев, С.С.Саакян ва бошқалар) масофа  $l$  ни плутнинг мувозанатлик шартидан аниқлашни тавсия қиласилилар. Бунда корпус

ҳаракат қилғанда юзага келадиган түпрокнинг тортишлар қаршилик кучи  $R$  ни шартли равищда лемех тигининг ўртасига қўйилган ва тигта тик текисликка нисбатан ишқаланиш бурчаги остида йўналган деб қабул қилинади. Бу куч эгат деворига кейинги корпус дала тахтасининг товони (учи) жойлашган жойда берилади. Бу холда бўйлама йўналишда корпуслар орасидаги масофа қўйидаги ифода орқали топилади:

$$l = b \operatorname{tg}(\gamma_0 + \varphi). \quad (33)$$



**63-расм. Осма плутнинг схемаси.**

1 - рама; 2 - корпус; 3 - чимқирқар; 4 - дискли пичоқ; 5 - таянч гидрид; 6 - осиш курилмаси.


Бошқа бир гурух олимлар  $l$  нинг қийматини аниқлашда палахсанни синиш қазариясидан фойдаланишини тавсия қиласидар. Унга асосан плутнинг узунлиги бўйича корпуслар тумшуглари орасидаги масофа шундай бўлиши керакки, бунда олдин жойлашган корпус ундан кейинги корпус билан палахсанни синиши ва агдарилишига халақит бермаслиги керак. Бу шартдан, 64-расмга асосан

$$l = l_0 + l_1 - l_2,$$

бу ерда  $l_1 = l_3 / \sin \gamma_0$ ;  $l_3$  – синиш чизиги  $OC$  ни горизонтал текисликка (дала юзасига) проекцияси.

Чизмадан оламиз

$$l_3 = a \operatorname{tg}(\varepsilon_0 + \psi);$$



64-расм. Корпусларни бүйлама йұналишда жойлашиш схемаси.

$$l_1 = \frac{a \operatorname{tg}(\epsilon_0 + \psi)}{\sin \gamma_0}; \quad l = l_0 + \frac{a \operatorname{tg}(\epsilon_0 + \psi)}{\sin \gamma_0} - b \operatorname{ctg} \gamma_0. \quad (34)$$

Бу формула бүйічә ³исобларга күра,  $\psi = 20\dots25^\circ$  бўлганда,  $l = 600$  мм масофа энг кичик рухсат этилган деб қабул қилинади.

Амалда масофа  $l$  плугни ўсимлик қолдиклари билан тикилмаслик шартидан қабул қилинади.

Давлат стандарти бүйічә  $b=30$  см бўлганда  $l=70$  см,  $b=35$  см бўлганда  $l=75$  см ва  $b=40$  см бўлганда  $l=80$  см қабул қилиш тавсия қилинади.

Чимқирқар ва асосий корпус лемехларининг тумшуглари орасидаги масофи  $l_1$  ни улар орасидаги бўшлиқ тикилиб қолмаслиги (палахсанни өркин ўтиши) шартидан қабул қилинади. Шудгорлаш чукурлигига боғлик равишида  $l_1=300\dots350$  мм деб қабул қилиш тавсия қилинади. Чимқирқарни баландлик бүйічә шундай ўрнатиш тавсия қилинади, у палахсанни ундаги илдизларнинг асосий массаси пасидан кесиш керак. Одатда  $a_1=10\dots12$  см (63-расм).

Чимқирқарнинг дала қирраси дала томонга асосий корпус дала қиррасига нисбатан  $e_1=5\dots10$  мм га чиқарилади.

Дискли пичоқ шундай жойлаштирилади, бунда унинг айланыш ўқи чимқирқар лемехининг тумшуги билан битта тиқда жойлашиши, дискнинг текислиги эса ҳайдалмаган дала томонга корпус дала

киррасидан  $c_2=5\ldots30$  мм масофага силжиган бўлиши, палахсани кесиш чукурлиги эса чимқирқарнига нисбатан 2...3 см катта бўлиши керак.

Таянч филдирак билан шудгор чукурлиги ростланади. Унинг ҳолати плугнинг равон ҳаракати ва тортиш қаршилигига таъсир қиласи. Филдирак ўқи бўйлама текисликда олдинги корпус лемехининг тумшугидан олдинги ва орқа корпуслар лемехлари тумшуги орасидаги 1/3 масофага узоқлашган бўлса у оптималь ҳолатда ўрнатилган ҳисобланади. Тиркама плуглар учта филдирак билан жиҳозланганлар: дала, эгат ва орқа. Дала ва эгат филдираклар одатда, бир хил диаметрли  $-650\ldots800$  мм,  $450\ldots500$  мм диаметрли орқа филдирак эса горизонтга нисбатан  $70\ldots80^\circ$  қия ўрнатилади. Эгат филдираги плугнинг олдинги ўтилган эгат деворидан  $3\ldots4$  см масофада, олдинги корпусга мумкин қадар яқинроқ жойлаштирилади, бироқ шундай ҳисоб биланки, бунда у палахсани ағдарилишига ҳалакит бермаслиги керак. Орқа филдирак плугнинг охирги корпусидан кейин шундай масофада ўрнатилади, бунда плуг транспорт ҳолатга ўтказилганда у дала тахтасини учига тегмаслиги керак. Ярим осма плуглар, одатда, иккита филдирак билан жиҳозланади: орқа эгат ва дала таянч. Таянч филдиракнинг вазифаси осма плугники каби, орқа филдиракники эса тиркама плугники каби. Бўйлама текисликда таянч филдиракнинг ўқи биринчи ва иккинчи корпуслар ўртасида ўрнатилади.

### 3-§. Плугнинг ҳамраш кенглиги ва трактор колеяси

Тракторнинг габарит ўлчамларини плугнинг ҳамраш кенглигига мос келиши ҳайдов агрегатининг тўғри чизикли ҳаракатининг гаровидир.

Ҳайдов агрегатининг иши жараёнида нормал йўналган (эгат деворига паралел) плугнинг тортиш чизиги тракторнинг симметрия текислигига жойлашган бўлса агрегат учун идеал ҳолат ҳисобланади. Бунга мос келадиган шарт ( $65$ -расм)  $l_i=l$ , бу ерда  $l_i$  – эгат деворидан тракторнинг симметрия ўқигача масофа;  $l$  – эгат деворидан плугнинг тортиш чизигигача масофа.

Плугнинг нормал тортиш чизиги ўрта корпусининг эгат деворига тўғри келади деб фараз қилиб қўйидаги боғликлекни оламиз

$$l = 0,5 b (n + 1), \quad (35)$$

бу ерда  $n$  – корпуслар сони;  $b$  – корпуснинг ҳамраш кенглиги.

$l_i$  нинг қиймати қўйидаги формула орқали топилади

$$l_i = 0,5 (B + C) + d, \quad (36)$$


бу ерда  $B$  – трактор колеяси кенглиги;  $C$  – трактор занжирининг кенглиги;  $d$  – эгат деворидан унг занжирнинг четигача бўлган масофа.

Эгат деворини күчіб тушишини олдини олиш учун  $d$  шудгор чукурліги  $a$  га тенг ёки катта бўлиши керак.

(35) ва (36) формулаларни  $B$  га нисбатан бирга ечиш  $l=l_1$  тенглик риоя қилинадиган трактор колеясини аниклаш учун қуидаги боғлиқликни олишга имкон беради

$$B = b(n + 1) - (2d + C). \quad (37)$$

Филдиракли тракторнинг плуг билан тўғри чизиқли ҳаракати бузилмаслиги учун тортиш чизиги етакчи филдиракларнинг тупрокка тегиши нұкталарини бирлаштирадиган чизиқнинг ўртаси орқали эгат деворига параллел ўтказилган вертикаль текисликда жойлашган бўлиши керак. Бу текисликни эгат деворидан узоклиги (65-расм)



65-расм. Плугнинг қамраш көнглигини ва тракторларнинг колеясини ўзаро мослиги.

$a$  - занжирли;  $b$  - филдиракли.

$$l_{\text{им}} = 0,5(B - C). \quad (38)$$

(38) ва (37) боғлиқликлардан

$$B = b(n + 1) + C.$$

Барча филдираклари ҳайдалмаган далада ҳаракат қиласидиган филдиракли тракторлар учун  $B$  нинг қиймати формула (38) бўйича аникланади.

## 4-§. Плутга таъсир этувчи кучлар ва унинг тортиш қаршилиги

Тупроққа ишлов бериш машиналари ва куролларининг мувозанатлик шартларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга, чунки мувозанатлик шартлари билан бевосита уларнинг равон ҳаракати боғлиқ.

Плугнинг мувозанатлиги бузилганда иш сифатининг муҳим критериялари бўлган тик текисликда ишлов чукурлиги, ётиқ текисликда эса қамраш кенглиги ўзгаради. Ишлов чукурлигининг нотекислиги ҳосилининг камайишини бевосита сабабчиси бўлиб хизмат қиласди. Машина ва куролларнинг горизонтал текисликда қия бўлиши билан боғлиқ бўлган қамраш кенглигини доимий эмаслиги ишчи органларнинг параметрларини ўзgartирали ва мос ҳолда иш сифатини ёмонлаштиради, бу ҳам оқибатда ҳосилини камайишига олиб келади.

Тупроққа ишлов бериш машиналари ва куролларининг, шу жумладан плутларнинг равон ҳаракати уларга таъсир қиласидаган кучларнинг қийматларини ўзаро ишсабатига ва йўналишларига боғлиқ. Уларга қуидагилар киради: тортиш кучи, оғирлик кучи, ишқаланиш кучи, ишчи органларнинг таъсирига тупроқнинг қаршилиги ва бошқалар. Бу кучлар орасида йўналиши ҳаракат йўналиши билан бир хил бўлган тортиш кучининг горизонтал ташкил этувчиси муҳим ўринни эгаллайди. Чунки бу кучга қиймати бўйича teng ва йўналиши бўйича тескари йўналган машинанинг тортишга қаршилик кучи деб ном олган куч машинага (плутга) таъсир қилувчи барча кучларнинг умумлашган кўрсаткичи ҳисобланади ва машинани энергетик баҳолайдиган мезон бўлиб хизмат қиласди. Уни чизиқли динамометрлаш билан осон ўлчаш мумкин. Плугнинг тортишга қаршилик кучи барча кучлар тавсифининг асоси бўлади, чунки унинг маълум қиймати бўйича бошқа барча кучлар тавсифининг кўрсаткичларини ( $R_y$ ,  $R_z$  ёки  $R_{xy}$ ,  $R_{yz}$ ,  $R_{xz}$ ) аниклаш мумкин.

Плугнинг тортиш қаршилиги алоҳида ётиборни талаб қиласди, чунки шудгорлаш қишлоқ хўялиги ишлаб чиқаришида энг кўп қувват сарфи талаб қиласидаган технологик жараён ҳисобланади.

Плугнинг тортиш қаршилиги иккиси усул билан аниклаши мумкин: тажриба йўли билан (динамометрлаш); ҳисоб йўли билан (аналитик).

**Плугнинг тортиш қаршилиги учун мақбул (рационал) формула.** Академик В.П.Горячкин плутларнинг ишини таҳлил қилиб, уларни тортиш қаршилиги уч хил категориядаги қаршиликлар йигиндисидан иборат эканлигини аниклади.

У биринчи категорияга нормал босимга (оғирлик кучига) пропорционал бўлган қаршиликтини киритди

$$R_1 = f G, \quad (39)$$

бу ерда  $f$  – пропорционаллик коэффициенти (плугни очиқ әгатда судрашга қаршилиги);  $G$  – плуг оғирлигі,  $H$ .

Бу категориядаги қаршиликларга В.П.Горячкін күйидагиларни кирилди: корпусларни әгат туби бүйіча ва фидираклар втулкасینи ўқ бүйіча ишқаланишга қаршиликлари, фидиракларни тупроқда думаланишга қаршилиги. У бу қаршиликларнинг барчаси мажмунини «ұлік қаршилик» деб номлади.

Иккінчи категорияға палахсан деформациялаш билан боғлық қаршиликлар киритилган. Материаллар қаршилигининг умумий қонунларига асосан улар деформацияланадиган палахса күндалант кесими юзасига пропорционал

$$R_2 = k a b n, \quad (40)$$

бу ерда  $k$  – тупроқнинг солишиштірма қаршилиги,  $N/m^2$  ёки  $kPa$ ;  $a$  ва  $b$  – мос ҳолда палахсаның қалинлиғи (шудгорлаш чуқурлігі) ва көнгілігі,  $m$ ;  $n$  – плугдаги корпуслар соңы.

Учинчі категорияға иалахса ён томонға иргитилғанда унинг зарраларига жонли күч (кинетик энергия) узатыш билан боғлық қаршиликлар киритилган. Суюқликда ёки газда ҳаракат қыладыған пластинаның қаршилигига үшашкор корпуснинг қаршилиги палахсаның күндалант кесими юзасига ва тезлиги квадратига пропорционал:

$$R_3 = \varepsilon a b n V^2, \quad (41)$$

бу ерда:  $V$  – плугнинг тезлигі,  $m/s$ ;  $\varepsilon$  – плуг корпуси параметрлерінша (геометрик шаклига) ва тупроқ хоссаларига боғлық тезлик қаршилигінің коэффициенті,  $N\cdot s^2/m^4$ .

Шундай килиб, плугнинг тортишга қаршилиги:

$$P = R_x = R_1 + R_2 + R_3 = f G + k a b n + \varepsilon a b n V^2. \quad (42)$$

Бу формула мақбул деб номланған, чунки у мақбул алгебраик ифодалар билан тақдым қилинған ва унинг маъноси механик иүктай назардан мақбул ҳисобланади.

Анъанавий тезликларда ишлайдыған плуглар учун формуланың учинчи аъзоси унча катта әмас; бириңчиси учинчисидан анча катта; иккінчи эса әнг катта микдорга әга.

## 5-§. Тупроқ ва плугнинг солишиштірма қаршиликлари

Тупроққа ишлов бериш оғирлигі тупроқнинг солишиштірма қаршилигі билан баҳоланади ва у В.П.Горячкіннинг мақбул формуласидан анықланиши мүмкін:

$$k = \frac{R_x - fG - \varepsilon abnV^2}{abn} . \quad (43)$$

Агар тезлик қаршилиги эътиборга олинмаса (4...5 км/с гача тезликда) у қуйидаги кўринишда бўлади:

$$k = \frac{R_x - fG}{abn} \quad (44)$$

Тупроқнинг солиштирма қаршилигини (44) формула бўйича аввал динамометр билан плугнинг тўлиқ қаршилиги  $R_x$  ни, сўнгра эса айрим ўлиқ қаршилик  $fG$  ни плугни очиқ эгатда судраш йўли билан ўлчаб осон аниқлаш мумкин. Хар хил тупроқларнинг солиштирма қаршилиги кенг чегарада ўзгарида, 20 дан 150 кПа гача ва ундан катта.

$f$ ,  $k$  ва  $\varepsilon$  коэффициентларни хисоби аниқ шароитлар учун анча кўп тажрибаларни талаб қилигани, такрибий қабул қилинган қийматлардан фойдаланиш эса катта хатоликларга олиб келиши мумкинлиги учун амалиёт ҳисобларида плугнинг тортишга қаршилигини аниқлаш учун қуйидаги соддалаштирилган формула кенг кўлланилади:

$$P = R_x = K a b n, \quad (45)$$

бу ерда  $K$  – плугнинг солиштирма қаршилиги, кПа.

Шудгорлашда кувват сарфи бўйича плугларни баҳолаш уларнинг солиштирма қаршилиги орқали бажарилади:

$$K = R_x / a b n. \quad (46)$$

Уни амалда (46) формула бўйича динамометр билан плугнинг тўлиқ қаршилигини ҳамда шудгорлаш чукурлиги  $a$  ни ва қамраш кенглигини  $b$  ни ўлчаб осон топиши мумкин. Агар (46) формуланинг суратини ва маҳражини  $V$  га купайтирасак солиштирма қаршиликнинг физик маъносини чукурроқ очиш мумкин:

$$K = R_x V / a b n V. \quad (47)$$

(47) формуладаги суратда кувват ёки бир сониядаги иш, маҳражда эса плуг билан бир сонияда кўтариладиган тупроқ ҳажми. Шундай экан плугнинг солиштирма қаршилигини бир бирлик тупроқ ҳажмига ишлов беришга (шудгорлашга) қувват сарфи сифатида кўриш мумкин.

$K > k$  эканлигини исбот қилиш қийин эмас. Бунинг учун (45) формулага  $R_x$  ўрнига (42) формуладан унинг қийматини қўймиз:

$$K = \frac{fG}{abn} + k + \varepsilon V^2 = k + \left( \frac{fG}{abn} + \varepsilon V^2 \right). \quad (48)$$

Шундай қилиб, плугнинг солиштирма қаршилиги тупроқнинг солиштирма қаршилигидан ташқари палахсанинг кўндаланг кесимига келтирилган ўлик қаршилик ва тупроқнинг ирғитиши қаршилигини ҳисобга олади.

## 6-§. Плугнинг фойдали иш коэффициенти

Умумий ҳолда ҳар қандай курилманинг фойдали иш коэффициенти (ф.и.к.) фойдали ишининг барча сарфланган ишга нисбати бўлади. Плуг учун ф.и.к. технологик жараён билан бевосита боғлиқ бўлган, яъни фойдали қаршиликларни тўлик тортиш қаршилигига нисбати билан ифодаланади.

Мақбул формула (42) нинг биринчи аъзоси  $fG$  «ўлик қаршилик» ҳисобланади, чунки унга унумсиз қувват сарф қилинади. Иккинчи ва учинчи аъзолар  $kabn + \varepsilon abnV^2$  – фойдали, тупроқнинг «жонли қаршиликлари». Шунинг учун В.П. Горячкин бўйича ф.и.к. аниқлаш учун формула кўйидаги кўринишга эга:

$$\eta = \frac{kabn + \varepsilon abnV^2}{Gf + kabn + \varepsilon abnV^2}. \quad (49)$$

Бу формула кўйидаги кўринишда ҳам ифодаланиши мумкин:

$$\eta = \frac{R_x - fG}{R_x} = 1 - \frac{fG}{R_x}. \quad (50)$$

Мақбул формуланинг учинчи аъзосига кирадиган қаршиликларни фойдалилиги кўйидагиларга асосланган: плуг ўзининг конструкциясига мос ҳолда палахсаларни кўшни эгатларга силжитиши керак, унинг учун эса палахсаларга маълум тезлик (кинетик энергия) бериш керак, бу эса ундан ташқари палахсанни уваланишига таъсир кўрсатади. Бу ҳолатда тезликни катталашибиши ф.и.к. ни оширади.

Аммо шудгорлаш юқори тезликда амалга оширилганда (42) формуланинг учинчи аъзоси билан ифодаланган тезлик қаршиликлари кескин ошади. Шунинг учун тезлик қаршиликларини камайтириш замонавий тезкор плугларнинг конструкторларини асосий вазифаси ҳисобланади. Юқори тезликда бу қаршиликлар заарли қаршиликларга киритилади ва бунга мос ҳолда плугнинг ф.и.к. формуласи кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\eta = \frac{kabn}{Gf + kabn + \varepsilon abnV^2}. \quad (51)$$

Бу формула бўйича (42) формуланинг учинчи аъзосини ортиши плутнинг ф.и.к. пасайишига олиб келади. (51) формуладан кўриниб турибдики, ф.и.к. энг аввало, плугни ясашга кетган металл нечоғлик самарали фойдаланганлигини кўрсатади. Плутнинг массаси ошиши билан унинг қолган параметрлари ўзгармаса ф.и.к. камаяди. Агар (51) формуланинг ўнг қисми сурати ва маҳражи  $bn$  га бўлинса плутнинг металл сигими билан ф.и.к. ўртасидаги боғлиқлик топилади:

$$\eta = \frac{ka}{\left(\frac{G}{bn}\right)f + ka + \varepsilon abnV^2} = \frac{ka}{qf + ka + \varepsilon abnV^2}, \quad (53)$$

бу ерда  $q = G/bn$  - плутнинг металл сигими, Н/м.

Проф. Г.Н.Синеоков маълумотларига кўра осма плутларнинг ф.и.к. 0,6...0,8, тиркама плутларнинг эса 0,55...0,75 оралиқда бўлади.

## 7-§. Плутнинг мувозанатлиги ва унинг равон ҳаракати шартлари

Плутнинг, умуман олганда тупроққа ишлов бериш машиналари ва қуролларининг мувозанатлик шартларини кўришни мақсади кўрсатилган шартларни қониктирадиган уларнинг тик ва ётиқ текисликлардаги таянч реакцияларини аниқлашга олиб келинади. Бунда плутнинг таянчлари тик текислиқда таянч филдираклар, ётиқ текислиқда дала тахталари ва бошқалар ҳисобланади. Филдираклар ва дала тахталари тупроқ билан бир томонлама алоқада бўлганлиги учун мувозанатлик шартлари бажарилганда таянч реакциялари нолга teng бўлмаслиги керак.

Биринчи ёндашишда плутларнинг статик мувозанатлик шартларини, яъни белгиланган ишлов чукурлигига уларни тўғри чизиқли равон ҳаракати шартларини кўриш билан чегараланадилар. Бунда шуттга таъсир қиласидиган барча кучлар, шу қаторда ишчи органларга тупроқни тақсимланган қаршилик кучлари тўпланган ва плутнинг маълум нукталарига кўйилган кучлар билан ифодаланади.

Мувозанатлик шартлари аналитик ва график усуллар билан аниқланиши мумкин. Умумий ҳолда тупроққа ишлов бериш машиналарининг шу жумладан, плутларнинг мувозанатлик шартлари аналитик шаклда таъсир қиласувчи кучларнинг ва моментларнинг олтига тентгламаси кўринишида ифодаланади. Плут мувозанатда бўлиши учун таъсир қиласувчи кучларнинг учта координат ўқига проекцияларини йиғиндиси ва бу ўқларни ҳар бирига нисбатан шу кучларнинг моментларини йиғиндиси нолга teng бўлиши керак, яъни

$$\begin{aligned}\Sigma x &= 0, \Sigma y = 0, \Sigma z = 0, \\ \Sigma m_x(F) &= 0, \Sigma m_y(F) = 0, \Sigma m_z(F) = 0.\end{aligned}\quad (54)$$

Хар хил турдаги ўзгартыршлардан кейин бу тенгламалар таянч реакцияларига нисбатан оддий усуллар билан ечилади. Мувозанатлик тенгламаларини тузиш айрим қыйинчиликларга олиб келмаса ҳам у етарли даражада сермашаққат, тенгламаларни ўзи эса бесунақай катта бўлади, чунки уларда таъсир қилувчи кучлардан ташқари масофалар (елкалар) ва бурчакларнинг тригонометрик функциялари қатнашади. Шунинг учун кўпроқ график усулдан фойдаланилади.

График усулда маълум масштабда бир-икки, бальзан уч координат текислигида плутнинг конструктив схемасининг проекцияси кўрилади. Схемага маълум кучларнинг векторлари кўрсатилади (чизилади), ундан сўнг кучларнинг кўпбурчагини куришга киришилади (хар бир координат текислигида биттадан), у маълум кучларнинг векторларини геометрик кўшишдан иборат. Кучларни ҳар хил тартибда қўшиш мумкин, аммо сўнгтилари иккита куч бўлиши керак – таянч реакцияси ва барча қаршилик кучларининг тенг таъсир этувчиси, буларнинг қиймати номаълум, бироқ уларнинг йўналиши маълум. Бунда кучларнинг кўпбурчаги ёпиқ бўлиши керак, барча кучларнинг тенг таъсир этувчиси эса оний айланиш марказидан ўтиши керак, агар плут осма бўлса ёки тиркаш нуктасидан, агар у тиркама бўлса. Биринчи шарт кучларнинг йигиндинсини, иккинчиси эса кучлар моментининг йигиндинсини нолга тенглиги белгиси.

*Осма плугнинг мувозанатлиги.* Трактор билан уланиш усулига ва турига боғлиқ равишда плуг иккidan тўрттагача эркинлик даражасига эга бўлиши мумкин.

Тиркама плуг энг кўп эркинлик даражасига эга. Плуг ҳайдов чуқурлиги ва қамраш кенглиги бўйича мувозанатликка эга бўлиб, равон юриши учун у таянч курилмалар (таянчлар) билан жиҳозланади. Масалан, уч нуктали осма механизм ёрдамида занжирли тракторга уланган уч корпусли плуг иккита эркинлик даражасига эга: бўйлама тик текислик  $XOZ$  да горизонтал айланиш ўки У га нисбатан ва горизонтал  $XOY$  текисликда вертикал ўққа нисбатан бурала олади. Шу билан бирга бу плугда, керакли бўлган иккита ўрнида, еттита (горизонтал текисликда учта дала тахтаси, тик текисликда эса улардан ташқари таянч гилдираги) таянч бор. Тўрт корпусли плуг битта таянч гилдирак ва тўртта дала тахтаси билан жиҳозлангани учун тўққизта таянчга эга. Демак, осма плуглар статик ноаник система бўлиб, уларни иш вақтида ростлаш қийин ва статик ҳисоблаб бўлмайди. Шунинг учун осма плугни

хисоблашда бир қатор шартлар қабул қилинади: дала тахталари эгат тубига уринмайды ва бир хил узунликда ясалган; барча корпусларга бир хил кучлар таъсир этади; горизонтал текислика дала тахталари плутни мувозанагда сақлади; таянч гилдирекка ён куч таъсир этмайди. Эркинлик даражасига боғлиқ равишда осма плутнинг мувозанатлик шартини иккита текислика кўриш мақсадга мувофиқ, яъни бўйлама тик ва горизонтал текисликларда.


График усулдан фойдаланамиз. Плуг схемасининг проекцияларини (масштабда) бўйлама тик ва горизонтал текисликларда қурамиз (66-расм).

Бўйлама тик текислика плутга қўйидаги кучлар тасир қилади: плутнинг оғирлик кучи  $P$ , корпуслар ишчи юзаларига тупроқнинг реакцияси  $\Sigma R_{xz}$ , дала тахталарининг эгат деворига ишқаланиши кучи  $\Sigma R_{ax}$ , таянч гилдирекка тупроқ реакцияси  $R_x$  ва тортиш кучи  $F_x$ .

Юкорида кўрсатилганидек график усул ёрдамида фақат иккита кучни аниқлаш мумкин: таянч реакцияси ва барча қаршилик кучларининг тенг таъсир этувчисини (бу ҳам у кучларнинг таъсир чизиги маълум бўлганда), қолган барча кучлар, яъни  $P, \Sigma R_{xz}$  ва  $\Sigma R_{ax}$  маълум бўлиши керак ёки аналитик усулда ҳисбланиши керак. Плуг оғирлиги, агар у серияли чиқарилса, унинг техник таснифидан олинади ёки агар плуг лойиҳаланаётган бўлса нисбий массаси бўйича аниқланади. Иккинчи ҳолатда  $P=qabn$ , бу ерда  $q=2,2...3,0 \text{ t/m}^2$ , а ва  $b$  – палахсанинг қалинлиги ва кенглиги,  $n$  – плугдаги корпуслар сони.

$\Sigma R_{xz}$  кучни аниқлаш учун аввал формула (30) орқали плуг корпусининг тортишга қаршилиги  $R_z$  ҳисбланади, кейин (29) нисбатдан  $R_z$  ҳисбланади ва энг сўнгиди, (25) формула бўйича  $R_{xz}$  кучнинг модули, формула (26) бўйича эса унинг таъсир йўналиши -  $\psi$  бурчак аниқланади. Корпусларнинг бир хил юкланиш шартидан уларнинг ишчи юзаларига тупроқ реакцияларини тенг таъсир этувчиси  $\Sigma R_{xz}=nR_{xz}$  аниқланади. Тенг таъсир этувчи  $\Sigma R_{xz}$  плутнинг ўрта корпусига кўйилган деб ҳисбланади.

Дала тахталарининг эгат тубига уринмаслиги ва бир хил узунликлиги шартидан уларнинг ишқаланиш кучларининг тенг таъсир этувчисини аниқлаймиз. Бу кучни ўрта корпуспинг дала тахасига қўйилган деб ҳисблаймиз. Дала тахасининг тупроқка - эгат деворига ишқаланиш кучи  $\Sigma R_{ax}$  корпусга таъсир қилувчи қаршилик кучларининг кўндаланг ташкили килувчиси  $R_y$  га ва ишқаланиш коэффициенти  $f$  га боғлиқ:  $R_{ax}=fR_y$ .  $R_y \approx R/3$  бўлгани учун, чамаси  $f=0,5$  бўлса,  $R_{ax} \approx R/6$ . Барча корпуслар дала тахталарининг ишқаланиш кучларини тенг таъсир этувчиси  $\Sigma R_{ax}=nR_{ax}$  аниқланади.



66-расм. График усул билан осма плугнинг таянч реакцияларни аниклашыга доир схема.

Таянч фидиракка тупрок реакцияси  $R_k$  нинг йўналишини думаланиш коэффициенти  $\mu$  бўйича  $\mu = t g \delta$  нисбатдан аниклаш мумкин: тахминан,  $\mu$  ни зич тупролар учун  $\mu=0,1$  ва юмшоқ тупрок учун 0.2 деб қабул қиласиз. Бу  $\delta$  бурчакнинг 9 ва  $12^\circ$  қийматларига мос келади.

Юкорида келтирилган кучлар плугнинг бўйлама тик текисликдаги проекциясига ўз йўналиши бўйича қўйилади. Оғирлик кучи плугнинг оғирлик марказига, таянч фидиракнинг реакцияси  $R_k$  фидиракнинг ўки орқали вертикалга б бурчак остида, тенг таъсир этувчи  $\Sigma R_{xz}$  горизонталга  $\Psi$  бурчак остида эгат тубидан  $a/2$  масоффада ўрга корпусга, тенг таъсир этувчи  $\Sigma R_{bx}$  ўрга корпуснинг дала тахтаси ўртасига қўйилади.

Кучлар кўпбурчаги плуг схемасидан айрим қурилади. Танланган масштабда  $P$  кучнинг вектори ўтказилади, унинг учидан –  $\Sigma R_{xz}$  кучнинг вектори.  $P$  вектор боши билан  $\Sigma R_{xz}$  вектор учини бирлаштирилиб бу кучларнинг тенг таъсир этувчиси  $R_j$  нинг қиймати ва йўналиши аникланади.

Плуг схемасида  $P$  ва  $\Sigma R_{xz}$  кучларнинг таъсир чизиглари кесишиш нуқтаси 1 орқали  $\Sigma R_{bx}$  кучнинг йўналиши билан нуқта 2 да кесишгунга қадар  $R_k$  кучига параллел чизик ўтказилади.

Кучлар кўпбурчагида  $R_k$  векторнинг учидан  $\Sigma R_{bx}$  кучнинг вектори қўйилади. Уларнинг йифинидиси тенг таъсир этувчи куч  $R_2$  ни беради.

Плуг схемасида нуқта 2 орқали  $R_2$  кучига параллел чизик  $R_k$  кучнинг таъсир чизиги билан нуқта 3 да кесишгунга қадар ўтказилади. Нуқта 3 – бу барча кучларнинг ( $P$ ,  $\Sigma R_{xz}$ ,  $\Sigma R_{bx}$  ва  $R_k$ ) тенг таъсир эрувчиси  $R'_{xz}$  нинг қўйилган нуқтаси. У нуқта 3 ва плугнинг оний айланиш маркази  $\pi$  дан ўтадиган тортиш кучи  $F_{xz}$  билан тенглашади. 3 ва  $\pi$  нуқталарни тўғри чизик билан туташтириб  $R'_{xz}$  ва  $F_{xz}$  ларнинг таъсир чизиги олинади.

$R'_{xz}$  ва  $F_{xz}$  кучларнинг қийматлари кучлар кўпбурчагидан аниқланади. Бунинг учун  $R_2$  векторнинг учидан  $R_k$  кучнинг таъсир чизигига параллел тўғри чизик,  $P$  векторни бошидан эса  $\pi$ -3 чизикқа параллел тўғри чизик ўтказилади. Уларнинг кесишган нуқтаси қабул қилинган масштабда  $R_k$  ва  $F_{xz}$  ( $R'_{xz}$ ) кучлар аниқланадиган кесмаларни беради.

Трактор осма механизмининг звеноларида кучларни ( $S$ ,  $N_1+N_2$ )  $F_{xz}$  кучни  $AB$  ва  $CD$  йўналишлар бўйича ажратиб топилади.

66- расмдан кўриниб турибдики,  $R_k$  ва  $R'_{xz}$  кучлари тортиш кучи  $PF_{xz}$  нинг таъсир чизиги билан ҳосил қилинган бурчак  $\beta$  га боғлик.  $\beta$  бурчакнинг катталашиши билан реакция  $R_k$  ошади. Тортиш кучи  $F_{xz}$  нинг вектори  $R_k$  векторга перпендикуляр бўлганда унинг қиймати энг кичик бўлади.  $\beta$  бурчак  $F_{xz}$  нинг таъсир чизигига, у эса  $\pi$ , нуқтанинг жойлашишига боғлик. Бу нуқтанинг ҳолати эса  $AB$  ва  $BC$  звеноларни ва таянч гилдирагини жойлашишига боғлик.  $BC$  звенонинг узунлиги катталаши,  $AB$  звенонинг  $A$  нуқтаси пастга силжиши ҳамда таянч гилдирагини юқорига кўтарилиши билан  $\pi$ , нуқта машинага яқинлашади. Бунда бурчак  $\beta$  кичраяди ва мос ҳолда реакция  $R_k$  камаяди. Тракторнинг юриш кисмига таъсир қиласиган реакцияларнинг вертикал ташкил қилувчиси ҳам  $R'_{xz}$  кучнинг ва  $\beta$  бурчакнинг қийматларига боғлик. Плуг гилдиракли тракторлар билан агрегатланганда  $R'_{xz}$  кучнинг ошиши ва  $\beta$  бурчакнинг камайиши билан тракторнинг орка гилдираклари қўшимча юкланди, олдингилиарини юкланиши эса камаяди. Бундай юкламаларни қайта тақсимланганлиги машинанинг таянч гилдираклари изининг чукурлигини ва тракторнинг етакчи гилдиракларини шатаксирашини камайтиради.

Осма механизмининг нуқта  $A$  ва нуқта  $B$  ларининг вертикал бўйича ҳолатини ўзгариши етакчи гилдиракларнинг механик қўшимча юклагичларининг таъсир принципига асосланган. Механик қўшимча юклагичлардан ташқари гидравлик юклагичлар ҳам қўлланилади. Улар

тиргак босимини, бинобарин тракторнинг етакчи гилдиракларига юкламани равон ўзгартериш қобилиятига эга.

Горизонтал текисликда нутугта қуидаги кучлар таъсир этади: корпус ишчи юзасига тупроқ реакцияси  $\Sigma R_{xy}$ , таянч гилдиракка тупроқ реакцияси  $R_{xz}$ , эгат деворининг дала тахталарига реакцияси  $\Sigma R_b$  ва тортиш кучи  $F_{xy}$ .

Санаб ўтилган кучлар горизонтал текисликдаги плугнинг схемаси проекциясига қўйилади.  $\Sigma R_{xy}$  кучи ўрта корпусга лемех тумшуғидан ва товонидан  $0,5b$  масофада ҳаракат йўналишига (26) формула бўйича аниқланадиган  $\eta$  бурчак остида қўйилади.  $R_{xz}$  кучи  $R_x$  кучнинг горизонтал текисликдаги проекциясини ( $R_{xz} = R_x \sin\delta$ ),  $\Sigma R_b$  кучи эса эгат деворининг дала тахталарига реакциялари йигиндисини ифодалайди.  $\Sigma R_b$  кучи нормалдан ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  остида ўрта корпуснинг дала тахтаси учига қўйилади.

Кучлар қўпбурчагини қўриш  $\Sigma R_{xy}$  ва  $R_x$  кучларини қўшишдан бошланади. Плуг схемасида  $\Sigma R_{xy}$  ва  $R_{xz}$  кучларнинг кесишиш нуткаси 4 дан уларнинг тенг таъсир этувчиси  $R_3$  га параллел тўғри чизик  $\Sigma R_b$  кучнинг таъсир чизиги билан нутка 5 да кесишгунга қадар ўтказилади. Нутка 5 ни  $\pi_2$  билан туташтириб  $F_{xy}$  кучнинг таъсир чизиги аниқланади. Кучлар қўпбурчагида  $R_3$  кучнинг боши ва охиридан плуг схемасидаги  $\pi_2 \cdot 5$  ва  $\Sigma R_b$  нинг йўналишларига параллел чизиклар ўтказилади. Уларнинг кесишиш нуткаси  $\Sigma R_b$  ва  $F_{xy}$  кучларнинг қийматини аниқлади.  $F_{xy}$  кучини  $AB$ ,  $C_1D_1$ , ва  $C_2D_2$  йўналишлар бўйича ажратиб осма механизм звеноларидаги  $S$ ,  $N_1$  ва  $N_2$  кучлар олинади.

X ўқига  $F_{xz}$  ва  $F_{xy}$  кучларнинг проекцияси бир хил бўлиши керак. Акс ҳолда тахминан аниқланган  $\Sigma R_{bx}$  кучи ҳисобидан тузатишлар қилиш керак.

Осма плуглар барча гилдираклари билан дала юзасида ҳаракат қиласидан серкүвват гилдиракли тракторлар (Т-150К, “Магнум” ва К-701 туридаги) агрегатланганда уларнинг мувозанатлик шартлари юқорида қўрилганлардан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Ўнг гилдираги эгат тубида ҳаракатланадиган, шу жумладан 9...14 кН классдаги тракторлар билан агрегатланган осма механизмининг пастки звенолари бўйлама тик текисликда иккита мустақил звено каби чизилади. Улар X ўқи билан ҳар хил бурчаклар ҳосил қиласиди. Бундай ҳолда мувозанатлик шарти, одатда, уч текисликда, яъни бўйлама тик, горизонтал ва қўндаланг тик текисликларда қурилади.


*Тиркама плугнинг мувозанатлиги.* Тиркама плугнинг эркин силжишлари тик текисликда учта таянч гилдирак билан чекланганлиги

учун унинг мувозанатлик шартларини фақат горизонтал текисликада кўриш етарли ҳисобланади.

Плуг схемасини масштабда горизонтал текисликада қурамиз (67-расм). Маълум кучлар ҳисобланади: ўрта корпусга кўйилган корпушлар ишчи юзасига тупроқ реакцияси  $\Sigma R_{xy}$ ; қиймати ва кўйилиш нуктаси параллел кучларни кўшиш қопдаси бўйича аниқланадиган таянч гидриакларга тупроқ реакцияси  $\Sigma R_{\delta}$  (дала, эгат ва орқа гидриакларнинг думаланишга қаршиликлари  $R_k'$ ,  $R_k''$ , ва  $R_k'''$ ).

Аниқланиши лозим:  $F_{xy}$  кучи –  $XOY$  текислигига тортиш кучи  $F$  нинг проекцияси ва ўрта корпуснинг дала тахтасига кўйилган ва унга нормалдан ишқалапиш бурчаги  $\varphi$  га оғган эгат деворларининг дала тахталарига реакцияси  $\Sigma R_{\delta}$ .

График усулида  $\Sigma R_{xy}$  ва  $\Sigma R_{\delta}$  кучларини қўшиб уларнинг тенг таъсир этувчиси  $R$  ни топамиз. Плуг схемасида  $\Sigma R_{xy}$  ва  $\Sigma R_{\delta}$  кучларнинг таъсир чизиги кесишган нукта 1 орқали  $R$  кучга параллел тўғри чизик  $\Sigma R_{\delta}$  кучнинг йўналиши билан нукта 2 да кесишгунга қадар ўтказилади. Нукта 2 плугнинг қаршилик маркази деб аталади. Кучлар кўп бурчагида  $R$  векторнинг учидан  $\Sigma R_{\delta}$  кучга параллел тўғри чизик ва шу векторнинг бошидан эса плуг схемасидаги 2 – 0 йўналишига параллел тўғри чизик ўтказилади. Бу тўғри чизикларнинг кесишиш нуктаси қабул қилинган масштабда  $\Sigma R_{\delta}$  ва  $F_{xy}$  кучларни аниқлайдиган кесмаларни беради.



67-расм. Тиркама ҳар хил ўрнатилганда тиркама плугнинг горизонтал текисликдаги мувозанатлиги.

Плуг тиркамасининг ҳолатини созлаш мумкинлиги учун унинг уёки бу ҳолатини тортиш кучи  $F_{xy}$  га таъсирини ўрганиш лозим.

Агар тиргак нүктаси  $O$  нүкта 2 орқали эгат деворига параллел ўтказилган чизикда жойлашган бўлса, унда плутни ҳаракатлантирадиган тортиши кучи  $F_x$  ёнбош ташкил қилувчига эга бўлмайди. Бу ҳолатда  $F_{xy}=F_x$  ва  $F_y=0$ . Тортиш кучининг бундай йўналишида плут тиргакида тракторнинг тўғри чизикли ҳаракатини бузадиган (агар тиргак нүктаси  $O$  тракторнинг симметрия текислигида жойлашганда) ёнбош куч бўлмайди.  $F_y=0$  шартни таъминлайдиган  $O$  нүктанинг ҳолати нормал ҳолат ҳисобланади.

Плут схемасида тиргак нүктасини ўнгта кўчирамиз:  $O$  ҳолатдан  $O'$  ҳолатга. Бунинг натижасида  $O'-2$  тортиш чизиги  $OX$  ўқи билан қандайдир бурчак  $+\delta$  ҳосил қиласди. Кучлар кўпбурчагида бир-бери билан кесишгунга қадар  $R$  векторнинг учидан  $O'-2$  га параллел тўғри чизик, унинг бошидан эса  $\Sigma R_\theta$  кучига параллел тўғри чизик ўтказамиз. Кўриниб турибдики, тиргак нүктасини ўнгта кўчираганда эгат деворларининг дала тахталарига реакциясини камайиши туфайли ( $\Sigma R'_\theta < \Sigma R_\theta$ ) тортиш кучи (плутнинг тортиш қаршилиги) камаяди, яъни  $F_{xy} < F_{x'y'}$ .  $\delta$  бурчакнинг қандайдир киймат  $v$  гача катталаштириб эгат деворларининг дала тахталарига реакциясини нолгача камайтириш мумкин. Бироқ, бунда плутнинг ҳаракати барқарор (равон) бўлмайди ва у илонизи юришини қиласди.

Тортишга қаршиликнинг энг минимал қиймати  $\bar{F}_{xy}$  кучининг вектори  $\bar{\Sigma R}_\theta$  кучининг векторига перпендикуляр бўлган ҳолда бўлади. Бу ҳол тиркаш нүктасидан қаршилик марказига ўтказилган тортиш чизиги ҳаракат йўналишидан ўнгга, ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  га тенг бурчакка оғганда юз беради ва тракторни ёнбошга тортувчи куч юзага келади.

Тиргак нүктаси чапга  $O$  ҳолатдан  $O''$  силжиганда  $O''-2$  тортиш чизиги  $OX$  ўқи билан  $-\delta$  бурчак ташкил қиласди. Кучлар кўпбурчагидан (67-расм) кўриниб турибдики, бунда  $F_{x'y'} > F_{xy}$  ва  $\Sigma R'_{\theta} > \Sigma R_{\theta}$ , яъни дала тахталарига эгат деворларининг реакцияларини ошиши натижасида тортишга қаршилик ортади ва тракторнинг тўғри чизикли ҳаракати бузилади. Ҳисобларга кўра  $\delta=-10^\circ$  ва  $\varphi=27^\circ$  бўлганда плутнинг тортишга қаршилиги ўртача  $10\%$  га ошади. Бинобарин, тиргакнинг бундай ўрнатилиши мақбул эмас.

Агар шунга ўхшаш бўйлама тик текисликда тортиш кучининг йўналишини унинг қийматига таъсирини тахлил қилинса, у минимал микдорга горизонтга қандайдир  $\beta$  бурчак остида оғганда эга бўлади.

Талай ҳолларда трактор колеясининг кенглигини катталиги ва плугда корпусларни кам сонлиги туфайли (айниқса, оғир тупроқлар шудгорланганда) тиргак нүктасини плугда ва тракторда нормал жойлаштириш имкони бўлмайди. Шунинг учун плутнинг тортиш

чиизини  $OX$  ўқига параллел сақлаб, уни чапга күчириш эхтиёжи пайдо бўлади. Бу тиркама плугларда дала тахталарининг узунлигини ўзгартириб, бавзи бир осма плугларда эса таянч фидирагини чап томонга суриб амалга оширилиши мумкин.

### *Таянч изборалар*

Кесиш, айлантириш, юмшатиш, ағдариш, чала ағдариш, лемех, ағдаргич, тиф қалинлиги, корпус, чимкиркар, ботик юза, қабариқ юза, тортишга қаршилик, текислик, динамометр, пичок, вариация коэффициенти, мувозанатлик шарти, оғирлик кучи, ишқаланиш кучи, тортишга қаршилик кучи, ўлик қаршилик, палаҳсани деформациялаш, кинетик энергия, мақбул (рационал) формула, солиштирма қаршилик, қувват сарфи, фойдали иш коэффициенти, жонли қаршиликлар, юкори тезлик, плутнинг массаси, таянч реакция, таянч фидирак, дала тахтаси, статик мувозанатлик, аналитик ва график усууллар, эркинлик даражаси, бўйлама тик текислик, куч моменти, тупроқнинг реакцияси, ишқаланиш кучи, кучлар кўпбурчаги, тиргак нукта, дала тахтаси.

### *Назорат саволлари*

1. Плуг корпусининг текисликдаги куч тавсифини келтиринг? 2. Корпусга тупроқнинг қаршилик кучи  $R_x$  қандай аниқланади? 3.  $R_{xy}$ ,  $R_{yz}$  ва  $R_{zy}$  кучларни аниқлаш формулаларини келтиринг? 4.  $R_{xy}$  кучи  $X$  ўқига нисбатан қандай бурчак остида йўналган? 5. Тупроқнинг технолок хоссалари  $R_x$  кучига қандай таъсир қиласди? 6. Пичокнинг диаметрини аниқлаш формуласини келтиринг? 7. Текис дискнинг куч тавсифини келтиринг? 8. Плутнинг тортишга қаршилиги қандай усууллар билан аниқланади? 9. В.П. Горячкиннинг мақбул формуласини келтиринг? 10. Плутнинг оғирлиги унинг тортиш қаршилигига қандай таъсир кўрсатади ва уни аниқлаш формуласини келтиринг? 11. Палаҳсани деформацияланиси билан боягик тортишга қаршилик кучи қандай формула орқали аниқланади? 12. Плутнинг тезлиги унинг тортиш қаршилигига қандай таъсир кўрсатади? 13. Плутнинг солиштирма қаршилигини тавсифланг ва уни аниқлаш формуласини келтиринг? 14. Плутнинг тортишга қаршилигини аниқлашнинг содда формуласини келтиринг? 15. Плутнинг солиштирма қаршилигини тупроқнинг солиштирма қаршилигидан катталигини исботлаб беринг? 16. Осма плутга таъсир этувчи кучларни келтиринг? 17. Плутнинг мувозанатлик шартини келтиринг? 18. Осма плутнинг мувозанатлигини аниқлашда қандай шартлар қабул қилинади? 19. Тиркама плутга қандай кучлар таъсир қиласди?

## **8 - Б О Б**

# **БОРОНАЛАР ВА ФАЛТАКЛАРНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

### **1-§. Бороналар**

Бороналар тупроққа юза ишлов берадиган қуроллардир. Улар тупроқнинг юқори қатламини юмшатиш, дала юзасини текислаш, қатқалоқни парчалаш, кесакларни майдалаш, бегона ўтларни йўқотиш, уруғ ва ўғитларни қўмиш учун ишлатилади. Бороналар ишчи органларининг конструкциясига кўра тишли ва дискли бўлади. Агрегатлаш усулига қараб тиркама ва осма бороналарга ажратилади.

#### **1.1-§. Тишли бороналарнинг таснифланиши ва уларнинг конструкцияси элементлари**

Тишли бороналар энг оддий қуроллар ҳисобланади. Бундай бороналарнинг ишчи органи тиши кўринишида бўлиб, икки ёқли пона каби ишлайди: олдинги кирраси билан тупроқни ёради, ёнбош кирралари билан эса унинг зарраларини икки томонга суради, өзади ва аралаштиради ва катта кесакларни парчалайди. Тишлар конструкциясига кўра тўғри, панжали ва пружинасимон этилган устунли бўлади. Квадрат кесимли тишининг уни кўня кесилган. Тишли бороналар билан тупроққа 3...10 см чукурликка ишлов берилади.

Тишли бороналарни таснифланиши 68-расмга келтирилган.

Тишли бороналар вазифасига кўра дала ва ўтзорларга мўлжалланган бороналарга ажратилади.

Далабол бороналар ишчи органларининг рамага беркитиш усулига қараб қўзгалмас (бикр) тишли, шарнирли ва пружинасимон тишли бороналарга ажратилади (69-расм). Қўзгалмас тишли бороналар битта тишига тўғри келадиган оғирлигига қараб ёнгил (битта тишига 5...10 Н оғирлик), ўртача (битта тишига 10...20 Н) ва оғир (битта тишига 20...30 Н оғирлик) бороналарга бўлинади.

Қўзгалмас тишли бороналарда кўндаланг кесими квадрат, доира, ромб, учбурчак ва эллипс шаклида бўлган тишлар кўлланилади (69-расм). Квадрат кесимли тишларнинг ўткирлик бурчаги  $2\gamma=90^\circ$ . Учбурчак кесимли тишларда  $2\gamma<60^\circ$ ; ромб кесимли тишларда ўтмас бурчаги олдинга қаратилганда  $2\gamma=120^\circ$ .


Панжасимон бороналарда ёйсимон учли маҳсус тишлар қўлланилади.

Шлейфли бороналар қаттиқ тишли бороналар ва судратмаларнинг (волокушка) айrim хусусиятларини ўзига бирлаштирган. Улар ёғочдан ёки металдан ясалади.


Шарнирли бороналарга кўндаланг бруслари, тутиб турувчи тишлари кўзғалтувчан ва ҳар бир звеноси шарнирли боғланган иккита секциядан иборат тишли бороналар киради. Уларнинг ишчи органлари ҳар хил шаклдаги тишлар бўлиб, бунда иккита тишга юклама 9,8...15,7 Н ни ташкил қиласди.

Тўрсимон бороналар универсал, енгиллаштирилган ва маҳсус отқашлагичларга бўлинади.

Универсал тўрсимон борона тишларининг узунлиги камайиб борадиган учта кетма-кет боғланган звенолардан иборат: биринчи звенода уни үткирланган узун думалоқ тишлар, иккинчисида – пичоксимон учли думалоқ тишлар ва учинчисида – ўтмас уни думалоқ тишлар бўлиб, ҳар бир звенодаги битта тишга юклама мос ҳолда 0,85; 4,9 ва 3,43 Н ни ташкил қиласди.



68-расм. Тишли бороналарни таснифланиши.



### 69-расм. Бороналар.

*A* - квадрат кесимли тищ; *B* - овал кесимли тищ; *C* - панжасимон тищ; *D* - түрсимон боронанинг тишлари; *E* - ўтлок боронанинг пичоксимон тишлари; *Ж* - пружинасимон боронанинг тишлари; *a* - БЗТС-1,0; *b* - түрсимон БСО-4; *c* - шлейф борона ШБ-2,5; *г* - мотиганини нинасимон диски; *1* ва *2* - рама планкалари; *3* - тищ; *4* - тиркама курилма; *5* - османинг буси; *6* - устун; *7* - бармоқ; *8* ва *13* - занжирлар; *9* - таңғч; *10* - тортки; *11* - рамка; *12* - түрсимон полотно; *14* - шлейф; *15* - елка; *16* - вага; *17* - пичок; *18* - тароқлар.

Енгиллаштирилган түрсимон бороналар универсал түрсимон бороналарнинг модификацияси ҳисобланади ва улар анча енгил шароитларда ишлаш учун мүлжалланган.

**Махсус түрсимон бороналар** – отқашлагичлар олдинги икки бороналардан ишчи органларининг шакли билан фарқ қиласидар: боронанинг кенглиги ва узунлиги бўйича ҳар иккинчи тищ думалоқ ва уни уни “ўрдак панжаси” шаклида қилинган.

**Пружинали бороналар** пружинасимон пўлатдан ясалган узун эгилган тишларга эга. Улар оғир ва енгил бороналарга ажратилади. Оғир бороналар учун ҳар бир тишига босим (юклама) 6,85...18,6 Н ни ташкил қиласиди, енгил бороналарда уларнинг тишига юклама сикувчи пружиналар билан таъминланади.

**Пружинасимон тишлар** кесакларни яхши парчалайди, шунинг учун уларни тошли ва чимли тупрокларда ҳамда илдизиояли бегона ўтлар билан ифлосланган ерларда кўлладиладар. Пружинасимон тишларни кучли тебраниши туфайли бундай тишлар билан жиҳозланган бороналарга кам даражада бегона ўтлар тикилади. Иш пайтида тупроқни ўта майдаланиши пружинасимон тишларни камчилигига киради.

**Ўтзорбон бороналар** тишли бороналарнинг бир тури ҳисобланади. Уларнинг айрим звенолари шарнирли қилинади. Бу эса уларни ўтзор, юзасининг нотекисликларига яхши мослашувини таъминалайди. Ўтзорбон

бороналарининг ишчи органлари бир ёки икки учи ўтқирланган пичноқсимон тишилар бўлиб, ҳар бир тишига юклама 8,8...13,7 Н ни ташкил қиласди.

**Кўзғалмас типили бороналар** (енгил, ўрта, оғир) кўпинча плут ёки культиватор билан ишлов берилгандан кейин тупроқнинг юқори қатламларини юмшатиш, экишдан олдин дала юзасини текислаш, кесаклар ва қатқалоқни парчалаш, сочиб экилган уруғлар ва ўғитларни кўмиш, бегона ўтларни йўқотиш, беда экилган ерларда ва ўтзорларда ўғитларни кўмиш учун кўлланилади.

**Шлейфли бороналар** эрта баҳорда юмшатилган шудгор юзасини текислаш ва тупроқда намликни сақлаш учун кўлланилади. Айникса, уларни сабзавот экинлари ва лавлаги экишга тупроқни тайёрлаш учун кўллаш мақсадга мувофиқдир.

**Тўрсимон бороналар** тупроқ юза қатламини юмшатиш билан бир вактда бегона ўтларни йўқотиш, катқалоқни парчалаш, донли ва чопиқ қилинадиган экинларининг жўякларини текислаш учун мўлжаланган. Махсус тўрсимон бороналар - кашлагичлар қандли лавлагининг экинларини сийраклаштириш учун кўлланилади. Тўрсимон бороналар рельефга яхши мослашади ва тупроқ юзасига текис ишлов беради.

**Оғир пружинасимон бороналар** оғир ва тошли тупрокларда кўлланилади. Ўтоқ қиласидиган энгил пружинасимон бороналар тупроқнинг юқори қатламини юмшатиш ва чопиқ қилинадиган экинларда ёш бегона ўтларни йўқотиш учун кўлланилади. Уларни қуруқ иқлим шароитларида кўллаш анча мақсадга мувофиқдир.

Ўтзорларни парвариш қилиш учун ўтзор бороналари кўлланилади.

Юқорида келтирилган бороналарнинг ишчи органлари - тишилари илгариланма ҳаракат қиласди. Ишчи органлари узатма орқали фаол айланадиган (тебранма борона) ва тупроқ билан тишилашиб кучи таъсирида айланадиган ротацион бороналар ҳам кўлланилади.

Хорижий фирмалар фаол таъсирили бороналарни кенг кўллайди: роторли (тишиларни қўшимча айланма ҳаракати билан) ва тишили секцияларнинг кўндаланг тебранма ҳаракати трактор КОВдан олинади.

**Ротацион бороналар** (мотигалар) экинзордаги қатқалоқни парчалаш, ангизни бороналаш ва экинзорларга ишлов бериш учун кўлланилади. Бу бороналар ва мотигаларнинг ишчи органлари ўқларда эркин ўрнатилган пинали дисклардир (69-расм).

Диаметри 350 мм бўлган дисклар эгилган тишилар билан жиҳозланган. Қатқалоқлар юмшатилгандан дисклар «энсаси» билан ишлайди, улар кўкариб чиқсан экинлар сийраклаштирилганда «тумшуги» билан тескари томонга айланади.

Тишили бороналарга куйидаги асосий агротехник талаблар қўйилади: бороналар тупрокни 4...6 см чукурликдан майда донадор килиб юмшатиши керак. Бунда юмшатилган қатламдаги 25 мм дан майда фракцияларнинг микдори 80% дан кам бўлмаслиги, юмшатилган қатламнинг туби эса текис бўлиши керак. Ишлов тубининг уркачларини баландлиги 1 см дан ошмаслиги керак. Бир йиллик бегона ўтлар ўлдирилиши керак.

## 1.2-§. Дискли бороналарнинг таснифланиши ва конструкциясининг асосий элементлари


Дискли бороналар бўз, ботқоқ ва бутазор ерларга ишлов берганда чимли палахсаларни ва кесакларни майдалаш ҳамда ўтзор ва ўтлоқларни яхшилаш учун ишлатилади.

Дискли бороналар вазифасига кўра далабоп, боғбоп ва ботқоқбоп, трактор билан боғланиш усулига қараб осма ва тиркалма бороналарга бўлинади. Дискли бороналар симметрик (70°-расм) ва носимметрик (70°-расм), оғир ва енгил бўлади.

Дискли бороналарда ишчи орган сифатида четлари ўткирланган текис ва ботиқ сферик дисклар қўлланилади. Оғир бороналар кесик дисклар билан жиҳозланган (70°-расм).

Дискларнинг характерли айрим хусусияти шундан иборатки, улар иш жараёнида машина ёки курол рамаси билан илгариланма ҳаракат килиши билан бирга тупроқ реакцияси таъсирида ҳам айланади. Илгариланма ҳаракат қилувчи ишчи органлардан фарқлироқ ўсимлик колдиклари билан кам тиқилади. Иш вактида борона катта бўлмаган палахсани қирқади, уларни майдалайди ва қисман ағдариб четга ташлайди. Дискли ишчи органи куролларни қўлланилиши фақат тошлар билан ифлосланган тупроқларда чекланган, чунки дискларнинг тиғларини мустаҳкамлиги кам бўлгани учун улар синади, деформацияланади ва тез ўтмасланади.

**Далабоп дискли бороналар** ҳайдалган дала юзасидаги чимли палахсаларни ва кесакларни майдалаш, кузги шудгорга баҳорда экиш олдидан ишлов бериш, баъзи бир ҳолларда эса экилмаган шудгорни культивация килиш, ангизга ишлов бериш ва ўтзорларни жонлаштириш учун қўлланилади. Ишлов бериш чукурлиги 6...10 см, дисклар диаметри 450...500 мм, дисклар орасидаги масофа 165...180 мм, ҳаракат йўналишига нисбатан дискларни ўриятиш бурчаги  $\alpha = 10...22^\circ$ .



70-расм. Дискли батареяларнинг боғланиш схемаси.

Одатда, далабоп бороналар икки изли симметрик бўлади. Аммо охирги пайтда кувватли тракторлар билан агрегатлаш учун икки изли носимметрик бороналар ҳам қўлланилаяпти. Кам кувватли тракторлар билан қамраш кенглиги кичик бўлган осма бороналар қўлланилади. Кувватлироқ тракторлар билан ишлан учун қамраш кенглиги 4 м гача бўлган қаттиқ конструкцияли ва қамраш кенглиги 10 м гача бўлган шарнирли конструкцияли тиркалма дискли бороналар қўлланилади. Бу турдаги бороналар йўлларда пневматик гупчакли гидрираклар билан ҳаракатлантирилади. Борона ишчи ҳолатдан транспорт ҳолатга гидроцилиндрлар ёрдамида ўтказилади.

**Боғбон бороналар** асосан тиркалма носимметрик, бу эса боронани тортиш чизигини кўндаланг йўналишда силжитишни таъминлайди, шунинг учун трактор бу борона билан бир хил қамраш кенгликдаги симметрик дискли боронага нисбатан боғ дараҳтлари қаторидан узоқ масофада ҳаракат килиши мумкин.

Боғбон бороналар мевали дараҳтлар қатор оралиғида тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни ўлдириш учун қўлланилади.

Боғбон бороналарнинг ўрнатиш бурчаги ва дискларининг диаметри далабоп бороналарнидан катта (дисклар диаметри 560 мм гача;  $\alpha=15\ldots25^\circ$ ).

Боғбон борона қайта ўтганда унинг ишлов бериш чуқурлиги 14 см гача бўлиши мумкин.

**Оғир ёки ботқоқбон дискли бороналар** 25 см чуқурликгacha қуритилган ботқоқларга биринчи ишлов бериш ва бутазор-ботқоқ плутлари билан кўтарилган палаҳсаларни бўлаклаш учун қўлланилади.

Бу турдаги бороналар одатда тиркама икки изли симметрик бўлади. Баъзида бир изли осма бороналар ҳам қўлланилади. Дисклар орасидаги бўшлиқка чимлар ва бўталарнинг шохлари тикилиб колмаслиги учун оғир бороналарнинг дисклари диаметри 560...660 мм, дисклар орасидаги масофа эса 230...280 мм. Бу турдаги бороналарда дискларнинг батареяси

олдида бўталарнинг шохлари йигилиб қолмаслиги учун кесик дисклар ўрнатилади. Кесиклар учбурчак шаклида бўлиб, диск тифининг бутун узунлиги бўйича тенг масофаларда жойлашган, уларнинг сони 8...12. Дискларнинг ўрнатиш бурчаги 10...20°.

## 2-§. Фалтаклар ва ғилдираклар

Фалтаклар ишчи органлар қаторига киради, чунки улар технологик операцияни бажариш учун, яъни тупроқни зичлаш учун мўлжалланган, ғилдираклар эса ёрдамчи, хизматчи органларга киради, чунки улар таянч ёки бир вактда таянч ва машинани ҳаракатлантирувчи вазифани ўтайдилар. Уларни геометрик шаклини бир хиллиги (улар асосида айланадиган горизонтал ўқли цилиндр ётади) ва тупроққа таъсири характеристининг ўхшашлиги бирлаштиради.

Фалтаклар тупроққа экишдан олдин ва экишдан кейин ишлов бериш учун қўлланилиши мумкин. Улар экиштагача дала юзасини текислаш, кесакларни парчалаш, асосий ишлов беришдан кейин жойлашмаган тупроқни зичлаш учун қўлланилади. Экишдан кейин фалтаклар юқори қатламни зичлаб, ўргуларни тупроқ билан боғланишини яхшилайди, натижада ўғитлар тезроқ униб чиқади. Курғоқ ҳудудларда тупроқни зичлаш ундаги намни буғланиб кетишини камайтиради.

Вазифаси бўйича далабоп ва ботқоқбоп фалтакларга бўлинади


Фалтаклар текис цилиндрик ёки тупроққа интенсив таъсири қилиш учун мўлжалланган ҳар хил турдаги хивичлар, радиал ва ўқ бўйича бўртиклар билан жиҳозланган айрим ҳалқа ва дисклардан ташкил топган бўлиши мумкин.

Шунинг учун юзасининг шакли бўйича текис цилиндрик, текис чизиқли, ҳалқали (понасимон), ҳалқали тишли, ҳалқали тепкили, боронасимон ва хивичли фалтаклар бўлади.

**Ботқоқбоп фалтаклар** ўтзорларни ва куритилган ботқоқларни босиш учун қўлланилади.

**Далабоп фалтаклар** тупроқни зичлаш ва текислаш, кесакларни майдалаш, тупроқ ва муз қатламларини парчалаш, майда ургуларни кўмиш, кўк ўғитларни кўмишдан олдин өзиш ва тупроқ эрозиясига қарши кураш мақсадида юзага мос профил бериш учун қўлланилади.

**Далабоп текис цилиндрик фалтаклар** (71а-расм) тупроқнинг юза қатламини зичлаш ва текислаш, совук таъсирида юмшаган тупроқларда кузги экинларни ҳамда яшил ўғитларни баҳорда бостириш (молалаш) учун қўлланилади.



**71-расм. Фалтакларнинг турлари.**

*a* - текис цилиндрик; *b* - текис-киррали; *c* - ҳалқали-понасимон; *d* - ҳалқали-тишли; *e* - ҳалқали-шпорали (тепкли); *e* - боронасимон.

Текис фалтаклар кесакларни майдалайди, бироқ, уларни тупроққа босади. Умумий ишларга мүлжалланган текис цилиндрик фалтак ичи ковак барабан бўлиб, унинг ички бўшлиғи тупроққа босимни кўпайтириш учун сув билан тўлдирилиши мумкин. Барабанинг диаметри, одатда 700 мм, узунлиги 1400 мм, сифими 500 дм<sup>3</sup>, куйилган сувнинг микдорига қараб солиштирма босим фалтакнинг 1 см узунлигига (камраш кенглигига) 23 дан 60 Н гача ўзгаради. Бундай фалтаклар бир нечта секциялардан иборат бўлиши мумкин.

**Текис-киррали фалтак** (71*b*-расм) бурчакли темирдан ҳосил қилинган киррали юзали ковурғали гилоф кийдирилган цилиндрик фалтакдир. Бу фалтак кесакларни тупроққа босиб киргизиш ҳамда майдалаш қобилиятига эга.

**Ҳалқали фалтаклар** (71*c*-расм) тупроқнинг пастки қатламларини зичлаш учун мүлжалланган бўлиб у понасимон ишчи юзали ҳалқалардан иборат. Бу фалтакнинг ўткир ингичка поналари тупроққа чуқур кириб унинг пастки, яъни юза ости катламини зичлайди. фалтак ўтгандан кейин ҳосил бўлган ўркачлар бўш мустаҳкам бўлмаганлиги учун ариқчаларга тезда нураб тушади ва юмшоқ юза қатлам ҳосил қиласи. Ҳалқаларнинг ариқчаларини тикилиб қолган кесаклардан тозалаш учун ҳалқали фалтакларнинг секциялари икки қаторли қилинади, яъни бир иккинчисидан кейин жойлашган иккита батареядан иборат. Бунда бир

қаторнинг кирралари (поналари) иккинчи қаторнинг ариқчалари ўртасига жойлашади. Уларнинг бири иккинчисига қарама-қарши айланниб, тиқилиб қолган кесакларни эзди ва ёпишиб қолган тупроқдан тозалайди. Батареялар бир қатор жойлашганда тозалагичлар кўлланилади.

**Ҳалқали-тишли фалтак** (71 $\varepsilon$ -расм) понасимон ва тишли ишчи юзали галма-гал ўрнатилган ҳалқалар тўшламидан иборат. Бундай фалтак тупроқ қатламини 7 см гача чукурликда зичлайди ва юза қатламни 4 см қалинликка юмшатади. Понасимон ҳалқаларнинг диаметри 350 мм, тишлиларники 360 мм, узунлиги 1 м, бир сантиметр узунликка солиштирма босими 23 Н. Ҳалқаларни ёпишган тупроқдан ва ўсимлик қолдикларидан тозаланиши уларни ҳар хил тезликда айланishi туфайли амалга оширилади. Нотекис микрорельефли тупроқларга яхши ишлов бериш ва ҳалқаларни яхши тозалаш учун уларни радиал йўналишда силжиш имконияти (10 мм гача) конструкцияда кўзда тутилган.


**Ҳалқали-тепкили фалтак** (71 $\delta$ -расм) тепкилар (шпоралар) билан жиҳозланган ҳалқалар тўпламидан иборат. Тепкилар тупроқقا чукурлашиб пастки юза ости қатламни зичлайди, тупроқдан чикиш жараёнида эса юқори юза қатламни юмшатади. Ҳалқаларнинг диаметри 545 ва 520 мм, балластнинг массасига боғлиқ равишда 1 см узунликка солиштирма босим 27 дан 42 Н гача.

**Боронасимон фалтак** (71 $e$ -расм) винтсимон чизик бўйича жойлашган тишилар билан жиҳозланган цилиндр кўринишида бўлади. Фалтакнинг массаси тарьсирида тупроқ зичлашади, тишилар эса уни юза қатламини юмшатади ва қатқалоқни парчалайди. Фалтакнинг диаметри 160 мм, узунлиги 650 мм, тишининг диаметри 16 мм, узунлиги 30 мм.

**Хивичли ёки панжарасимон фалтаклар** дискларга ёки чамбаракларга беркитилган думалоқ хивичлар ёки учбурчак (угольник) темирдан ясалади. Улар кесакларни майдалаш ва тупроқни зичлаш учун хизмат қилади. Фалтакнинг ичига тушган кесаклар уни айланishi натижасида парчаланади ва тушади.

72-расмда ҳар хил фалтаклар келтирилган.

Фалтаклар экиш ва кўчат ўтқазиш машиналарида ҳам тупроқни текислаш ва зичлаш учун кенг кўлланилади.



72-расм. Фалтаклар.

*a* - ҳалқали төркшли үч секциялы фалтак ЗККШ-6; *b* - ҳалқали-тишли фалтак ККН-2,8; *c* - осма боронасымон фалтак КБН-3; 1, 5 - ўқлар; 2 - дисклар; 3, 6 - балласт кутилари; 4, 7 - ҳалқалар.

**Филдираклар** қаттық гардишли (тегарчакли) ва пневматик шинали (резина гардишли) етакловчи ва етакланувчи бўлади. Машина ҳаракатланганда фақат таянч вазифасини бажарадиган филдираклар етакланувчи деб аталади. Бундай гилдиракларни думалаши тортиш кучи ёки гилдирак ўқига кўйилган итарувчи куч таъсирида юзага келади. Баъзида етакланувчи гилдирак машинанинг ишчи ва ёрдамчи органларига ҳаракат бериш учун ҳам қўлланилади. Етакловчи гилдирак айлантирувчи моментни қувват манбаидан (двигателдан) олади.

**Қаттық гардишли гилдирак** каварик, ботик ва тўғри чизиқли шаклда бўлиши мумкин. Қаварик гардишли гилдирак понага ўхшаш тупроққа таъсири килади ва катта чуқурликка ботади. Энг кичик из (колея) гардишнинг шакли ботик бўлганда юзага келади, аммо бунда тупроқни гилдиракка ёпишиши бартараф килинмайди.

**Пневматик шинали гилдираклар** энг кўп тарқалган, уларнинг кўпчилиги паст босимли – 85...250 Па. Қаттық гардишли гилдиракларга

нисбатан тупроққа кичик солиширмада босими туфайли улар таъсирида тупроқ кам зичлашады ва думаланишга қаршилик кичик бўлади. Ундан ташқари улар амортизатор вазифасини бажариб туртки ва зарбаларни юмшатади ва ҳаракат тезлигини оширишга имкон беради.

### *Таянч иборалар*

Тишли борона, дискли борона, енгил, ўрта ва оғир борона, кўндаланг кесим, тишни рамага беркитиш тури, панжасимон борона, тўрсимон борона, пружинасимон борона, шлейфли борона, далабоп, боғбоп ва ботқоқбоп дискли борона, далабоп ва ботқоқбоп фалтак, текис цилиндрик, текис чивикли, ҳалқали, боронасимон ва хивичли фалтак.

### *Назорат саволлари*

1. Тишли бороналарнинг вазифаси ва таснифланиши.
2. Бороналарнинг қандай турлари мавжуд?
3. Тишли бороналарга қандай агротехник талаблар қўйилади?
4. Тишли борона қандай тузилган?
5. Тишли бороналар қандай белгилари бўйича таснифланади?
6. Дискли бороналар қандай кисмлардан иборат?
7. Дискли бороналар белгиланган ишлов бериш чукурлигига қандай ўрнатилади?
8. Фалтаклар қандай турларга ажратилади?
9. Ҳалқали-тишли фалтаклар қандай тузилган?
10. Фидириаклар қандай турларга бўлинади?
11. Пневматик шинали гидрираклар қандай афзалликлардаги эга?

## **9 - Б О Б БОРОНАЛАР ВА ФАЛТАКЛАРНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ**

### **1-§. Тишли бороналарнинг асосий параметрлари**

ТИШЛИ БОРНАЛАРНИНГ ТЕКИС ИШЛАШИ (ИШЛОВ БЕРИШ ЧУКУРЛИГИНИНГ БАРҚАРОЛЛИГИ) УЛАРНИНГ ТИШЛАРИНИ УЗУНЛИГИГА БОҒЛИҚ. ТИШ ҚАНЧА УЗУН БЎЛСА, БОРОНАНИНГ ИШ ДАВОМИДА МУВОЗАНАТЛИГИ ШУНЧА КАМРОҚ БЎЛАДИ. УЗУН ТИШЛАРДА, ЯЪНИ ТУПРОҚ ЮЗАСИ УСТИДА РАМА ПАСТ ЖОЙЛАШГАНДА БОРНАЛАР ТЕЗ ТИҚИЛАДИ. АМАЛДА ТИШЛАРНИНГ УЗУНЛИГИНИ ҚЎЙИДАГИЧА АНИКЛАШ ТАВСИЯ КИЛИНАДИ:

$$l = (2...2,5) a,$$

(55)


бу ерда  $a$  – бороналаш чүкүрлиги.

Тишининг ўтириланган кисмининг узунлигига  $l = 0,25 l$ .

Оғир бороналар учун  $h = 16$  мм,  $l = 195$  мм; ўрталари учун –  $h=16$  мм,  $l=170$  мм (73a-расм), енгиллари учун  $d=14$  мм,  $l=100$  мм. Турсимон бороналарниң тишлари пружинасимон симдан ясалади:  $d=8\dots10$  мм ва  $l=180\dots210$  мм (73e-расм).


Боронаниң тишини ўрнатилиши унинг киррасини ётиқ текислик билан ҳосил қиласидаган бурчак  $\alpha$  билан тавсифланади. Тишининг тупроққа таъсир характеристикасы бу бурчакниң қийматига бағли.

Агар  $\alpha=\pi/2$  бўлса (74a-расм) қирра тупроқ агрегатига тезликнинг йўналиши билан тўғри келадиган нормал куч  $R=N$  билан таъсир қиласди. Бунда тупроқни юмшатилиши унинг нам қатламларини юзага чиқармасдан амалга оширилади, тиш тупроққа боронаниң массасидан келадиган оғирлик кучи  $P_m$  таъсирида ботади.



73-расм. Борона тишлари.

$a$  - квадрат кесимли;  $b$  - доира кесимли;  $c, d$  - турсимон боронаниң тишлари;  $e$  - ўтоқ қиласидаган боронаниң пружинасимон тишлари;  $ж$  - ўтлоқ боронаниң пичноқсимон тиши



74-расм.  $\alpha$  бурчакниң ҳар хил қийматларида борона тиши қирраси билан тупроқни ўзаро таъсирли:  $a$  –  $\alpha=\pi/2$ ;  $b$  -  $\alpha>\pi/2+\phi$ ;  $c$  -  $\alpha<\pi/2-\phi$ .

Агар  $\alpha > (\pi/2 + \varphi)$  бўлса (74б-расм) кирра кесакчага горизонталдан пастга қараб оғган нормал босим кучи  $N$  ва ишқаланиш кучи  $F$  нинг вектор йигиндисига тенг бўлган  $R$  куч билан таъсир қилади. Бу куч таъсирида тупроқ кесакчалари пастга силжийди (босилади). Бунда тупроқ реакцияларининг тик ташкил қилувчи кучи  $R_g^I$  юқорига йўналган бўлади, бу эса чукурлаштирадиган куч  $Q_{yx} = (P_m - R_g^I)$  ни ва мос ҳолда ишлов чукурлигини камайишига олиб келади.

Агар  $\alpha < \pi/2 - \varphi$  (74в-расм) бўлса, унда  $R$  кучи горизонталдан юқорига оғган ва унинг таъсирида тунроқ кесакчаси настки қатламлардан юқорига силжийди. Тупроқ реакциясининг тик ташкил қилувчи кучи эса пастга йўналган бўлиб, чукурлаштирадиган куч  $Q_{yx} = P_m + R_g^I$  ни ва ишлов чукурлигини ошишига олиб келади. Бунда бегона ўтлар ва ўсимлик қолдиклари юзага кўтарилиб, рама остига йифилади. Бундай ҳолатда уларни борона тишларидан ажратиш керак. Бунинг учун бაъзи бир бороналарда вақти-вақти билан тишлар орқага қия қилинади ёки бурилиш йўлакларида кўтарилади.

## 2-§. Тишлариниң тишларини рамада жойлаштириш

Борона тишларини рамада тўғри жойлаштириш учун тишлар билан тупроқни деформацияланиш зонасини билиш керак.


Ҳар бир тиш тупроқни кўндаланг тик текисликда чўққиси пастга қараган конус шаклида деформациялайди. Конус ясовчилари билан тишнинг вертикал ўки орасидаги бурчак  $\theta/2$  га тенг.  $\theta$  нинг қиймати тупроқ шаронти, ишлов чукурлиги ва тишнинг йўғонлигига боғлиқ бўлиб, унинг ўртача қиймати  $\theta = 60^\circ$ . Устки тупроқ қатламида деформация зоналари  $b$ , бир-бирини қоплайди, пастда эса ишланмай қолган учбурчак шаклидаги бўйлама марзалар ҳосил бўлади. Марзалар баландлиги куйидагича аниқланади:

$$h = \frac{b_o}{2} \operatorname{ctg} \frac{\theta}{2}. \quad (56)$$

Агротехник талабларда кўрсатилган рухсат этиладиган марзалар баландлигининг қийматини ҳисобга олган ҳолда тишлар орасидаги масофа танланади.

Тишларининг рамада жойлашишини қофзда тасвирловчи схема боронанинг тишлар майдони деб аталади. Схемага қараб боронанинг агротехника талабларини қондириши аниқланади. Тишларни борона рамасида жойлаштиришда қуйидаги талаблар назарда тутилади.

Тупрокни текис юмшатиш учун ҳар бир тиши мустақил из солиши ва ёндош излар ораси бир хил бўлиши лозим. Кесак ва ўтлар тиқилимаслиги учун бир қатордаги ёндош тишлилар ораси 150 мм дан кам бўлмаслиги керак.




75-расм. Илонизсимон борона тишининг тупрокка таъсир этиши схемаси.

Боронанинг равон ҳаракатини бузишга интиливчи кучларни ҳосил бўлмаслиги учун тишлилар майдонини тўғри тузиб, барча тишлиларнинг бир хил шароитда ишлашини таъминлаш керак. Бунинг учун олд қатордаги тишлилар изи кейинги тишлилар изидан бир хил оралиқда жойлашиши лозим. Бу ҳолда ҳар қайси тишига чап ва ўнг томондан бир хил қаршилик кучи таъсир этади, натижада борона текис ҳаракатланади.

Боронага қўйилган талабларни бажариш учун уларни лойиҳалашда тишлиларни кўп йўлли винтсимон ёймаси бўйлаб жойлаштириш усули кўлланилади.  $AB$  чизиги винтсимон чизиқнинг текисликдаги ёймаси бўлсин. Винт қадами  $t=AB\cos\alpha$ , бу ерда  $\alpha$  - винтсимон чизиқнинг цилиндр ясовчиларига киялик бурчаги (76-расм). Чап томонга йўналган винтсимон чизиклар ёймаларининг цилиндр ясовчилари билан кесишиш нукталари орқали кия чизиклар ўтказиб, уларни тескари (ўнг) томонга йўналган винтсимон чизиқларнинг ёймаси деб қараш мумкин. Винтсимон чизиқлар ёймасида бўйлама планкалар, цилиндр ясовчилари бўйлаб эса кўндаланг планкалар жойлаштириллади. Борона рамасининг бўйлама планкалари ўнг ва чапга йўналган винтсимон чизиқлар ёймасида жойлашганидан рама илонизи шакли бўллади.

Боронанинг тишлилари майдонини куришда икки хил усул кўлланилади:  
 $a$  - тишлилар чап ва ўнг томонга йўналган винтсимон чизиқлар ёймаларининг бир-биридан teng оралиқда жойлашган кўндаланг планкалар билан кесишиш нукталарида жойлаштириллади;  $b$  - тишлилар чап (тўғри) ва ўнг (тескари) томонларга йўналган винтсимон чизиқлар

ёймаларининг кесишиш нукталарида жойлаштирилади. (76б-расм).  
Хозирги тезкор оғир ва ўртача бороналар шу схема асосида ясалади.



76-расм. Илонизисимон борона (а) ва тезкор борона (б) тишларини рамага жойлаштириши.

Лойиҳалашда излар ораси  $b_o$ , кўндаланг қаторлар (планкалар) сони  $m$  ва винтсимон йўллар сони  $k$  белгиланади. Планкалар сони ва бир томонга йўналган винтсимон йўллар сони умумий кўпайтичга эга бўлмаслиги керак, акс ҳолда икки ва ундан ҳам кўп тишлар бир издан ўтиши мумкин. Оддий бороналарда  $m=5$ . Бу ҳолда чапга йўналган винтсимон йўллар ёймаларининг сони  $k=3$ , ўнг ёймалар сони эса  $k_i=2$  бўлади. Доим  $m=k+k_i$ . Ўт босган, серкесак майдонлар учун  $m=7$ . Бу ҳолда  $k=2, 3, 4$  ва  $5$ ;  $k_i=5, 4, 3$  ва  $2$ . Барча ҳолларда ҳам  $m=k+k_i=7$ . Бунда  $k=t/b$ ;  $k_i=t_i/b$ ;  $t$  ва  $t_i$  – винтсимон йўллар қадами.

Кўндаланг қатордаги тишлар ораси  $b=mb_o$  ва ўлчам с аниқланади. Одатда  $c=b$  олинади. Кесак ва ўтларнинг йигилмаслиги учун баъзан ўртадаги кўндаланг планкалар ораси  $c$  четки планкалар ораси  $c^l$  га нисбатан бир оз каттароқ олинади.

Винт (цилиндр) айланасининг узунлиги  $\pi d=ct$  вертикал чизик бўйлаб олиб қўйилади,  $m$  (расмда  $m=5$ ) кисмга бўлинади.  $1, 2, \dots, (m+1)$  нукталардан параллел чизиклар ўтказилади. 1– горизонтал чизикда бирор А нуктадан чапга йўналган винт йўлининг қадами  $t$  олиб қўйилади. Кўндаланг қаторда тишлар ўрни белгиланади. С нуктадан перпендикуляр ўтказилиб, юқориги  $m+1$  чизик билан кесиширилади. АВ тўғри чизиги

чапга йўналган винтсимон чизиқнинг вертикал текисликдаги ёймаси бўлади.  $AB$  га ҳар  $b$  масофада ўтказилган параллел чизиқлар чап йўллар ёймасини билдиради.

В нуқтадан ўнг томонга  $t_1=k_1 b$  қадам олиб қўйилади.  $C\bar{D}$  кесма ва унга параллел чизиқлар ўнг томонга йўналган винтсимон чизиқлар ёймаси бўлади.  $C$  ва  $D$  нуқталардан ўтган чап ёймалар борона рамасининг бўйлами чегараси бўлади. Шу чегара ичида ўнг ва чап ёймаларнинг планкалар билан кесишган нуқталар тишлари ўрни бўлади.  $m+1$  кўндаланг чизик доимо 1 – кўндаланг чизик устига тушади, шунинг учун унда тишлар ўрни белгиланмайди. Борона рамасининг қиёфасини чизни учун четки кисқа кесимлар чапга йўналган ёймаларда, марказий узун кесмалар эса ўнг томонга йўналган ёймаларда белгиланади.

Четки кўндаланг планкалар ораси, яъни борона узунлиги

$$L = [(c' + c)/2](m - 1), \quad (57)$$

бу ерда оғир бороналар учун  $c=300$  мм;  $c'=c+150$  мм; ўртача ва енгил бороналар учун  $c=250$  мм ва 200 мм,  $c'=c+100$  мм.

### 3-§. Тишли борона қаршилиги ва унинг мувозанатлик шарти

Боронанинг мувозанатлигини бўйлама-тик текисликда кўриш маҳсадга мувофиқ, чунки горизонтал текисликда таъсир этувчи кучлар ўзаро тенг.

Тишли боронага хўйидаги кучлар таъсир қиласи (77-расм): оғирлик марказига қўйилган оғирлик  $P_o$ ; тишларга тик таъсир этувчи тупроқ қаршиликларининг тенг таъсир этувчиси  $\Sigma N_o$ ; оғирлик марказига қўйилган; горизонтал таъсир этувчи тупроқ қаршиликларининг тенг таъсир этувчиси  $\Sigma R_o$ ; тортиш кучи  $F$ . Тортиш чизиги оғирлик маркази изидан ўтса боронанинг турғун ҳаракати таъминланishi мумкин, бу эса унинг маълум параметрларида тизгинининг узунлиги  $l_n$  ва сепка брусидағи тиркаш нуҳаси баланлиги  $h_o$  га боғлик.

Борона оғирлиги қўйидагича ҳисобланади:

$$P_o = q B / b_o, \quad (58)$$


бу ерда  $B$  – боронанинг қамраш кенглиги,  $B=n b_o$ ;  $n$  – борона тишиларининг сони;  $q$  – бир тишига тўғри келадиган оғирлик.

Боронанинг тортишга қаршилиги  $\Sigma R_o = nk'$ , бу ерда  $k'$  – бир тишининг тортиш қаршилиги. Пахта экиладиган худудларда енгил бороналар учун  $k'=12\dots18$  Н, ўртача бороналар учун  $k'=24\dots28$  Н, оғир бороналар учун  $k'=35\dots50$  Н.

Борона турғун ҳаракатланиши учун  $P_\delta > F \sin \alpha$  таъминланиши лозим. Тортиш кучи  $F$  нинг йўналиш бурчаги  $\alpha = 18..20^\circ$  бўлиши керак. Схемадан қўйидаги формулани ёзиши мумкин:

$$\alpha = \operatorname{arctg} (l_3 / l_\delta). \quad (59)$$

Кўпчилик бороналар учун  $\alpha = 14..17^\circ$ ,  $l_\delta = 925$  мм. Борона иш вақтида нотекис ҳаракатлансанса, боронанинг брусадиги тиркаш нуқтаси 0 паст-баланд силжитилади ёки тиркаш мосламаси(тизгин)нинг узунлиги  $l_n$  ўзгартирилади.



77-расм. Боронага таъсир этувчи кучлар ва унинг мувозанатлик шарти.


#### 4-§. Дискларнинг асосий геометрик параметрлари

Барча турли-туман дискли ишчи органларини икки хил геометрик шаклга келтирилади: текис диск ва сферик диск. Текис дискни эгрилик радиуси чексизликка тенг ( $r = \infty$ ) бўлган сферик диск каби кўриш мумкин. Шундай килиб, дискларнинг асосий параметрлари диаметр  $D$  ва эгрилик радиуси  $r$  бўлади. Улар билан диск диаметрал кесимининг марказий бурчагининг ярмига тенг бўлган бурчак  $\varepsilon$ , ўзаро боғланган (78-расм).

Бу параметрларнинг ҳар бири технологик аҳамиятга эга. Диск диаметри  $D$  нинг катталлашиши билан тупроқ реакциясининг тик ташкил қилувчиси кескин ошади, натижада уни тупроқка чукурлашиши ёмоилашади. Шунинг учун катта диаметрли дискни ботиши учун куролнииг массаси ёки балласт туридаги қўшимча юклама талаб килинади. Шундай экан, иш шароити бўйича диск диаметри мумкин кадар кичик бўлиши керак. Диск диаметри белгиланган максимал ишлов чукурлиги  $a$  га боғлиқ. Амалиётда  $D$  ва  $a$  лар орасидаги маълум нисбат ишлаб чиқилган:

$$D = k \cdot a, \quad (60)$$

бу ерда  $k$  – коэффициент, бороналар учун  $k = 4\dots 6$ .



78-расм. Дискнинг асосий параметрлари.

Эгрилик радиуси  $r$  дискнинг майдалаш ва айлантириш қобилиятини аниқлайди. Эгрилик радиуси қанча кичик бўлса, шунчага палаҳса интенсив уваланади ва ағдарилади. 79-расмдан

$$D = 2 r \sin \varepsilon, \quad (61)$$

Шундай экан, икки параметрни бериб учинчисини (61) формуладан топиш керак. Дискларнинг асосий параметрлари стандартлашган. Давлат стандартига асосан бороналар дискларининг диаметри - 450...660 мм, эгрилик радиуси - 109, 169 ва 220 мм,  $\varepsilon_1$  бурчаги - 22...26°.

Дискнинг технологик хусусиятларига унинг чархланиши катта таъсир кўрсатади. У энг аввало, чархланиш ёки ўткирланиш бурчаги билан ҳамда у билан боғланган орқа, энса бурчак билан ёки тирқиши бурчак  $\varepsilon_2$  билан характерланади.

Дисклар, одатда, қабариқ - ташқи томонидан чархланади. Бороналар учун  $i=10\dots 20^\circ$ . Қаттиқ тупроқларга ишлов бериш учун мўлжалланган дисклар ички томонидан чархланади.

Дискнинг тифи айлана шаклига ва доимий чархланиш бурчагига эга бўйганилиги учун фаска кесик конус шаклига эга. Фасканинг ҳосил қиливчилари асос текислигига  $\omega=i+\varepsilon$ , бурчак остида кия қилинган, бу ерда  $\varepsilon_1$  – олд бурчак. Ундан ташқари кесиш бурчаги  $\alpha=i+\varepsilon_2$  ҳам ажратилади.

Орқа энса бурчак  $\varepsilon_2$  катта технологик аҳамиятга эга. Тупроққа ишлов беришга кувват сарфи ва ҳатто, дискнинг ишлаш қобилияти унинг қийматига боғлиқ. Бу бурчак ўзгарувчан бўлиб, дискнинг баландлиги бўйича ўзгаради. Дискни нормал ишлаши учун дала юзаси сатҳида энса бурчак мусбат бўлиши керак.

### 5-§. Дискларнинг ўриатини параметрлари ва уларни тупроққа ишлов бериш сифатига таъсири

Ўриатини параметрлари қаторига қўйидагилар киради: дискнинг айланиси текислиги ва қуролнинг (боронанинг) илгариланма ҳаракати йўналиши ўртасидаги бурчак (йўналиш бурчаги) ва дискнинг айланиси текислигини тикдан оғизи бурчаги ёки дискнинг айланиси ўки билан горизонтал орасидаги бурчак. Иккала параметр технологик аҳамиятга эга. Масалан, йўналиш (ҳужум) бурчаги қанча катта бўлса, шунча бегона ўтлар яхши кирқилади, тупроқ жадал ва чуқурроқ юмшатилади ва бегона ўтларнинг уруғлари кўмилади. Бороналар учун йўналиш бурчаги  $\theta=10\ldots22^\circ$ .

Иш жараёнида ҳар бир диск тупроқда новсимон туб ҳосил қилиб палахсани (кириндини) кирқади (79-расм). Новлар орасида  $h$  баландликлини ўркач (кира) ҳосил бўлади.

Бу ўркачларнинг баландлиги бўйича тупроққа ишлов бериш сифати баҳоланади. Ўркачлар баландлиги  $h$  диск диаметри  $D$ , дисклар орасидаги масофа  $b$  ва йўналиш бурчаги  $\theta$  га боғлиқ. Келтирилган уч параметрдан ростланадиган йўналиш бурчаги бўлгани учун унинг қийматини ўзгаришининг ўркачлар баландлиги  $h$  га таъсирини кўриш мақсадга мувофиқдир. Учбурчак  $OAB$  дан (79-расм).

$$(D/2)^2 = (D/2 - h)^2 + (C/2)^2$$

ёки ўзгартиришларни кейин

$$h^2 - Dh + (C/2)^2 = 0,$$

бундан

$$h_{1,2} = D/2 \pm \sqrt{D^2/4 - C^2/4} = D/2 \pm \frac{1}{2}\sqrt{D^2 - C^2}.$$

Тенгламанинг шартини факат иккинчи илдиз қониқтиришини ҳамда  $EFK$  учбурчакдан  $C=bctg\alpha$  эканлигини ҳисобга олиб


$$h = D/2 - \frac{1}{2}\sqrt{D^2 - b^2 ctg^2 \theta}. \quad (62)$$

(62) ифодадан йўналиш бурчагини катталашиши билан ўркачлар баландлигини кичрайиши келиб чиқади. Талаб қилинадиган иш сифатини

таъминлайдиган йўналиш бурчагини аниқлаш учун маҳсус номограммалардан ҳам фойдаланилади.

Бороналарда дисклар батареяларга йигилади, яъни тиргаклар билан алмашлаб (галма-гал) ва гайка билан тортилиб квадрат ўққа кийдирилади. Кўшни дисклар орасидаги масофа  $b$  икки шартдан келиб чиқкан ҳолда аниқланади: палахсанни ва айрим кесакларни дисклар орасига тиқилиб қолиш эҳтимолини бартараф қилиш ва эгат тубида рухсат этилган ўркачлар баландлиги  $h$  ни таъминлаш (бороналар учун  $h=0,5a$ ). Биринчи шарт  $b=1,5a$  бўлганида эришилади.

Ўркачлар баландлигига масофа  $b$  ва бурчак  $\theta$  дан ташқари диск диаметри ҳам таъсир қиласи. Бороналарнинг бошқа дискли қуролларга (масалан, лушчилникларга) нисбатан йўналиш бурчаги  $\theta$  кичик бўлгани учун  $b=a$  шартни бажариш учун дискларни ҳаддан ташқари яқинлаштириш талаб этилади. Шунинг учун бороналар икки изли килинади. Бунда орқа батареяларнинг дисклари олдинги батареяларнинг дискларига нисбатан  $b/2\cos\theta$  масофага суриласи.



79-расм. Ўркачлар баландлигини аниқлашга доир схема.


Ўркачлар баландлигидан ташқари, дисклар ишининг муҳим кўрсаткичи бегона ўтлар ва ўсимлик колдиқларини тўлиқ кесилишидир. Йўналиш бурчагини ошиши билан кесилмаган бегона ўтлар сони

камаяди. Тезликни 2 м/с гача оширганда кесилмаган бегона ўтлар сопи камаяди, тезликни ундан каттароқ оширганда эса күпаяди.

Ишлов чукурлиги тезликни оширганда камаяди, йұналиш бурчагини катталаштирганда эса катталашади. Юқори тезликларда ишлаш учун дискли ишчи органлар яроқсиз, чунки тезлик ошиши билан тупрекни узокқа отиш кескин ошади. 2 м/с дан катта бўлмаган тезликларда ишлаш мақсадга мувофиқдир.

## 6-§. Дискларнинг куч тавсифи

Иш даврида сферик дискнинг тиги, фаскалари ва ишчи юзасига тупрок қаршилигининг элементар кучлари таъсир килади. Элементар кучлар куч ва моментта ёки иккита кесишадиган кучларга келтирилиши мумкин. Бу кучлардан бири  $R^I$  текислиқда ётади ва тахминан дискнинг айланиш ўқидан ўтади (79-расм). Бошқаси  $R^{II}$  дискнинг айланиш ўқига параллел ва эгат тубидан тахминан дискларнинг ишлов чукурлигининг ярнинг тенг бўлган масофада жойлашган.



80-расм. Сферик дискнинг куч тавсифи.


Иккита кесишигандан күчдөн уча та  $R_x$ ,  $R_y$  ва  $R_z$  күчларыга ўтиш мақсадда мувофиқтады, чунки  $R_x$  күчини чизикли динамометрлардың ішінде билан ёки маңлымотномалардан,  $R_y$  ва  $R_z$  күчларни эса  $R_x$  күчи билан тажрибавий ўрнатылған нисбатлардан аниклаш мүмкін.

Дискли қуролларда  $R_x$  ва  $R_z$  күчларни аниклаш үшін күйидеги нисбатлардан фойдаланиш мүмкін:  $R_y = nR_x$ ,  $R_z = mR_x$ , бұра ерда бороналар үшін  $n=0,12\dots1,2$ ,  $m=0,76\dots1,57$ . Бунда  $n$  нинг катта қийматлари кичик ишлов чуқурлуги ва катта йұналиш бурчагига,  $m$  нинг катта қийматлари эса катта ишлов чуқурлуги ва кичик йұналиш бурчагига мос келады.

### 7-§. Дискли қуролларнинг мувозанатлиги

Дискли қуролларнинг мувозанатлик шартлары күрілганды, айниқса тиркамаларнинг, горизонтал текислик билан чекланиш етаплары ҳисобланады, чунки бу тортиш чизигининг макбул йұналишини аниклаш билан болғыл.

Дискли батареялар симметрик жойлашғанда (81a-расм) ва бир хил ишлов чуқурлугида чап ва ўңг батареяларнинг тенг таъсир этувчилари  $\Sigma R'_{xy}$  ва  $\Sigma R''_{xy}$  бир-бирига қиймати бүйічика тенг, уларнинг кесишиш нүктаси 1 эса дискли қуролнинг бүйлама ўқыда ётады. Тенг таъсир этувчи  $\Sigma R_{xy}$  тиркаш нүктаси орқалы ўтады, шунинг үшін дискли қурол (лущилник ёки борона) түғри чизикли ҳаракат қилиши керак. Аммо қамраш кенглігі бүйічика тупроқнинг технологик хоссаларини доимий әмаслиги  $\Sigma R'_{xy}$  ва  $\Sigma R''_{xy}$  күчларнинг қиймати ва йұналишини узлуксиз ўзгартырады, бу эса нүкта 1 нинг силжишига,  $\Sigma R_{xy}$  күчининг ўзгаришига ва машинаның горизонтал текисликке бүришінде қыллады.



81-расм. Дискли қуролларнинг мувозанатлик шарты.  
a - симметрик; б - носимметрик.

Носимметрик дискли қуролларнинг мувозанатлиги, масалан боғбоп бороналарнинг, дала тахталари ва ён гардишли филдиракларни қўлламасдан олдинги ва орқа батареяларнинг йўналиш бурчагини ва тортиш чизиги йўналишини тўғри танлаш орқали таъминланади (81брасм). Йўналиш бурчаклари  $\theta_3$  ва  $\theta_n$  ларнинг маълум бир қийматларида тортиш чизигининг йўналиши  $\pi/2$  тенг таъсир этувчи  $\Sigma R_{xy}$  нинг йўналиши билан тўғри келиши мумкин. Бунда  $\theta_3 > \theta_n$ .

Зич тупроқда ишлаётган олдинги батарея дискларининг қаршилиги орқа батарея дискларининг қаршилигидан катта бўлганилиги учун тортиш чизиги йўналиши  $\Sigma R_{xy}^I$  ва  $\Sigma R_{xy}^{II}$  кучларнинг тенг таъсир этувчиси  $\Sigma R_{xy}$  нинг йўналишига тўғри келиши керак.

Батареяларнинг қаршилиги ўзгаргандага  $\Sigma R_{xy}^I$  ва  $\Sigma R_{xy}^{II}$  кучларнинг фарқига мос ҳолда дисклар дастлабки йўналишдан четлашишга ҳаракат килади. Бунинг натижасида тракторнинг тортиш кучи момент хосил килади, у эса батареяни дастлабки ҳолатга қайтаришга интилади. Демак, носимметрик дискли қуролларнинг мувозанатлигини асосий шарти батареяларнинг ўрнатиш бурчаклари  $\theta_n$  ва  $\theta_3$  ларни тўғри танлашдир.

Тик текисликда дискка таъсир этувчи ўқ кучи  $R''$  батарея ўқидан пастда жойлашган (80-расм), натижада бу куч дисклар ўзининг ботик томони билан қараган батарея учини чукурлаптиришга, унга улар қабариқ томони билан қараган учини эса саёзлаштиришга ҳаракат киладиган момент хосил ҳилади.

Батареяни тик текисликда тўғрилаш учун пасайтиргич ёрдамида батарея рамкасининг ҳолати созланади. Бунинг учун дисклар ўзининг ботик томони билан қараган батарея учи қарама-қархисига нисбатан пасайтиргичга юқорироқ беркитилади.


## 8-§. ФАЛТАКЛАРНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ

### 8.1-§. Фалтакларнинг асосий параметрлари

Фалтакларнинг (филдиракларнинг) асосий параметрлари уларнинг гардиши диаметри ва узунлигидир (кенглиги). Фалтакнинг диаметри шундай бўлиши керакки, у катта кесак билан учрашганда уни олдинга сурмасдан устидан осон думалаб ўтиши керак. Фалтак кесак устидан думалаб ўтганда унинг босими кесақда жамланади ва у парчаланади ёки тупроққа босиб киргизилади. Акс ҳолда фалтак кесакларни ўз олдига суради, яъни тупрокни уюмлашиши рўй беради. Шундай экан, фалтакни нормал ишлаши учун кесаклар фалтак билан дала юзаси орасида қисилиши керак, бунда қуйидаги шарт бажарилиши лозим;  $\delta \leq \varphi_1 + \varphi_2$ , бу

ерда  $\delta$  - қисилиши бурчаги,  $\varphi_1$  - кесакни галтакка ишқаланыш бурчаги,  $\varphi_2$  - кесакни дала юзасига ишқаланыш бурчаги (тупроқни тупроқта).

Кесак радиуси  $r_k$  билан галтак радиуси  $r_{KT}$  ўртасидаги бөгликтікни олиш учун (82-расм) галтак ва кесакни бир-бираға тегиш нүктаси баландлығы  $AB$  ни  $r_{KT}$  ва  $r_k$  орқали ифодалаймиз.



82-расм. Галтакнинг минимал радиусини анықлашга доир схема.

82-расмдан  $AB = r_k + r_KT \cos\delta = r_{KT} - r_{KT} \cos\delta$ , ёки ўзгаришлардан кейин:  $r_k \cos^2\delta / 2 = r_{KT} \sin^2\delta / 2$ .  $\delta = \varphi_1 + \varphi_2$  бўлганда энг чекка ҳол бўлганини эътиборга олиб ва тенгламани  $r_k$  га нисбатан ечиб,  $r_{KT}$  радиусли галтак билан олдинга сурilmасдан қисиладиган ва тупроққа босиладиган кесакнинг максимал (энг катта) радиусини тонамиз

$$r_{kmax} = r_{KT} \operatorname{tg}^2 \frac{\varphi_1 + \varphi_2}{2}. \quad (63)$$

$r_k$  радиусли кесакни қисилишини таъминлайдиган галтакнинг минимал (энг кичик) радиусини топиш учун эса  $r_{KT}$  ни  $r_k$  орқали ифодалаймиз:

$$r_{KTmin} = r_k \operatorname{ctg}^2 \frac{\varphi_1 + \varphi_2}{2}. \quad (64)$$

Бу хуоса тажрибада исботланган: катта бўлмаган диаметрли галтак олдида доимо тупроқ кесакларидан агрегат йўналиши бўйича силжийдиган баланд ўюм ҳосил бўлади.

Галтакнинг узунлиги рельеф шароитидан қабул қилинади. Текис далалар учун галтак узунлиги одатда 2 м қабул қилинади, тоғликда 1 м дан ошмайди.

## 8.2-§. Фалтакнинг (ғилдиракнинг) думалашга қаршилиги

Текис ерда доимий тезлик билан харакат қилаётган фалтакларнинг ва ғилдиракларнинг думалашга қаршилиги Грандвуане-Горячкін формуласи бүйіча аникланади:

$$P = 0,86_3 \sqrt{\frac{Q^4}{bqD^2}}, \quad (65)$$

бу ерда  $Q$  - галтак ёки ғилдиракнинг оғирлік күчи ва машина оғирлігінінг унга тушадиган қысмі, Н;  $b$  - галтакнинг узунлігі ёки ғилдиракнинг көнгілігі, см;  $D$  - галтакнинг (ғилдиракнинг) диаметри, см;  $q$  - тупроқнинг ұажмай әзілші коэффициенті, Н/см<sup>3</sup>.

Бу формула бириңчи бўлиб Грандвуане томонидан эмпірик кўринишда олинган, сўнгра эса назарий ҳолатлар асосида академик В.П.Горячкін томонидан чиқарилган. Шунинг учун (65) боғлиқлик Грандвуане-Горячкін формуласи номини олган.

Амалиётда кўпроқ  $P=\mu Q$  кўринишдаги содда формуладан фойдаланилади, унда

$$\mu = 0,86_3 \sqrt{\frac{Q}{qbD^2}}, \quad (66)$$

бу ерда  $\mu$  - думаланиш коэффициенти.

Текис бўлмаган ишчи юзали фалтакларнинг думаланишга қаршилиги, одатда, бироз каттарок ва  $P_{\text{нн.к}}=eP$  нисбатдан аникланиши мумкин, бу ерда  $e$  - юзанинг иотекислиги туфайли қаршиликни ўсишини ҳисобга оладиган коэффициент. Уни 1,1...1,3 га teng деб қабул қилинади.

Пневматик шинали ғилдиракларнинг думаланишга қаршилиги қаттиқ гардишлиларга нисбатан камроқ. У  $P_{\text{нн.к}}=kP$  нисбатдан аникланиши мумкин, бу ерда  $k$  - қаршиликни камайишини ҳисобга оладиган коэффициент. У қўйидаги қўйматларга эга: енгил шудгорланган далта учун 0,75...0,79, ангиз учун 0,65...0,68, ўтзор учун 0,58...0,62, зичланган йўл учун 0,60...0,65.

Думаланишга қаршиликка шиналарнинг ички босими катта таъсир кўрсатади. Думаланишга кувват сарфини камайтириш учун даланинг ҳолатига мос равища ички босимни ўзгартириш мақсадга мувофиқдир. Янги шудгорланган далада ички босимнинг миқдори шинани конструкциясига боғлик рухсат этилган минимумга мос келиши керак.

### Таянч иборалар

Тиши узунліги, тиши ўткирлігі, марзалар баландлігі, деформация ҳудуди, синиш бурчаги, винтсімон чизік, тищлар майдони, винт қадами,

ясовчининг қиялик бурчаги, планка, оғир борона, тишлар сони, борона узунлиги, тортиш кучи, диск диаметри, ўрнатиш (хужум) бурчаги, эгрилик радиуси, чархланиш бурчаги, энса бурчак, ўркачлар баландлиги, дисклар орасидаги масофа, фалтак диаметри, қисилиш бурчаги, ишқаланиш бурчаги, кесак радиуси, думалашга қаршилик коэффициенти, Грандвуане-Горячкин формуласи.

### *Назорат саволлари*

1. Боронанинг тишлар майдонини қуришда қандай усуллар кўлланилади?
2. Тишлар майдони қандай қурилади?
3. Тишлар майдонининг хусусиятларини келтиринг?
4. Тишли боронага қандай кучлар таъсир қиласи?
5. Дискли борона дискининг асосий параметрларини келтиринг?
6. Дискнинг чархланиш бурчаги танланганда қандай омиллар ҳисобга олинади?
7. Дискли ишчи органнинг параметрлари қандай кетма-кетликда аниқланади?
8. Борона батареясида дисклар орасидаги масофа қандай аниқланади?
9. Фалтакларнинг диаметри қандай боғлиқликдан аниқланади?
10. Фалтакнинг думалашга қаршилигини таҳлил қилиб беринг?

## 10 - Б О Б

### ФАОЛ ТАЪСИРЛИ РОТАЦИОН ИШЧИ ОРГАНЛИ МАШИНАЛАР ВА КУЛЬТИВАТОРЛАРНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

#### 1-§. Фаол таъсирли ротацион ишчи органли машиналар

Ротацион ишчи органлар мураккаб ҳаракат қиласи; яъни машина билан бирга илгариланма (кўчирма) ва унга нисбатан айланма (нисбий). Бу ишчи органларнинг айланма ҳаракати уларга кувват олиш валидан (ҚОВ) айланма момент берилиши натижасида юз беради. Бу ишчи органларга кувват келишини ростлашга ва уни ишлов берадиган тупроқнинг чекланган ҳажмига кам ёки кўп даражада жамлашга имкон беради. Бунинг натижасида етарли кенг чегарарада палаҳсанинг увалаш даражасини ўзгартириш ва ротацион ишчи органларни чимли тупроқларга ишлов бериш учун кўллаш имконияти пайдо бўлади.

Ротацион ишчи органлар билан жиҳозланган машиналар қаторига ротацион плуглар, фрезалар, кесгичлар, штангали культиваторлар киради. Ўзбекистонда булардан фрезалар энг кўп кўлланилац (83-реком.).

Вазифаси бўйича фрезалар қўйидаги турларга бўлинади: ботқоқбоп, ўрмонбоп, далабоп, боғбоп ва чопик (қатор ораларига ишлов берадиган). Трактор билан боғланиш усулiga кўра фрезалар осма ва тиркама бўлади.

Ботқоқбоп фрезалари бутазор ва ботқоқланган далаларни ўзлаштирилганда қўлланилади. Улар бир-икки ўтишда ўт билан қопланган тупроқни майдалайди ва уни экишга бир ўтишда тайёрлайди. Ўтзор ва ўтлокларни фрезалар ёрдамида тубдан яхшилаш экилган ва табиий ўтларнинг хосилдорлигини анча оширади. Фрезерлаш билан кулранг оғир тупрокларни маданийлаштириш (экин экишга тайёрлаш) илдизли меваларнинг ва картошка ҳосилдорлигини оширади.

Ўрмонбоп фрезалар дараҳтлар кесиб олинган жойларда кундаков килмай, янгидан дараҳт ўтказиш учун йўлакли тупроққа ишлов бериш учун қўлланилади.

Далағоп фрезалар лемехли плуглар билан шудгорлангандан кейин палахсаларни майдалаш, сабзавот экинлари ва картошка экиш учун экиш олдидан чуқур ишлов бериш, экилмаган шудгорлар ва шоли майдонларидаги бетона ўтларни йўқотиш, ўта куруқ ва ўта нам тупроқларга ишлов бериш учун қўлланилади. Фрезалар бошқа тупроққа ишлов бериш машиналарига нисбатан тупроқ билан органик ва минерал ўғитлар, оҳак, торф, сидерат ўсимликларни (кўк ўғитларни) яхши араплаштиради.


**Боғбоп** фрезалар дараҳтларнинг шохлари остидаги ва танаси яқинидаги ҳамда қатор оралиғидаги тупроқларга ишлов бериш учун қўлланилади.

Картошка, канд лавлаги, маккажўхори, пахта ва бошқа экинларнинг қатор оралиғига ишлов берилганда чопик фрезалари тупроқни юқори сифатли майдалайди ва бегона ўтларни ўлдиради. Айниқса, оғир соз ва торфли тупроқларда қатор оралиғини фрезалаш самарали.

Фрезалаш тупроқнинг физик хоссаларига, ўсимликларнинг ҳаво ва озуқа режимига ижобий таъсир кўрсатади. Тупроқ қатламларини араплаштириш ишлов берилган горизонтнинг биологик активлитини оширади ва шундай экан ўсимликларнинг хосилдорлигини кўпайтиради. Аммо фрезалар юқори кувват сигимига эга ва тупроқни ортиқча интенсив увалайди. Шунинг учун улар далачиликда кенг қўлланимайди.

Ротацион ишчи органли тупроққа ишлов бериш машиналар, жумладан фрезалар ишчи органларининг айланиш ўқини жойлашишига қараб горизонтал (ётик) ва тик айланиш ўқли машиналарга бўлинади. Биринчи турдаги машиналарнинг айланиш ўқи ҳаракат йўналишига нисбатан тик, ўткир бурчак остида ва ўқ бўйича жойлашиши мумкин.

Харакат йўналишига тик жойлашган горизонтал ўқли машиналар (фрезалар) кенг тарқалган.



83-расм. Фрезалар.

*а* - ишчи орган (барабан); *б* - фрезанинг умумий кўриниши; *в* - фрезали культиваторнинг секцияси; 1 - вал; 2 - пичоклар; 3 ва 4 - дисклар; 5 - осма; 6 ва 7 - редукторлар; 8 - гилоф; 9 - панжара; 10 - чукурликни (таянч гилдиракни баландлик бўйича ҳолатини) созлагич; 11 - таянч гилдирак; 12 - трансмиссиони ваддаги саклагич муфта; 13 - узаттич корпуси; 14 - диск; 15 - пичок; 16 - гилоф (ечилган); 17 - этак.

Барабанинг айланиш йўналиши бўйича тўгри ва тескари (гилдиракларнинг айланиш йўналишига қарама-қарши) айланадиган фрезаларга бўлинади. Биринчилари итарувчи куч ҳосил қиласди, иккинчилари эса тортишга катта қаршилик кўрсатади, катта кувват сифимли, ўсимлик қолдиқларини ёмон кўмади, шунинг учун улар жуда кам кўпланилиб, асосан тошли тупроқларда ва ўрмон кундаков қилинган далаларда ишлатилади.

Далабоп фрезаларнинг, одатда, айланиш ўқи горизонтал ва ҳаракат йўналишига тик жойлашган, барабанинг айланиш йўналиши тўгри.

Боғбоп фрезалар тик ва горизонтал айланиш ўқли бўлади. Ўрмонбоп фрезалар, одатда, осма бўлиб айланиш ўқли қилинади, пичоклари учининг айланма тезлиги 4,5...7,6 м/с. Келтирилган фрезаларнинг илгариланма тезлиги 0,4...1,6 м/с ни ташкил қилади. Ботқоқбоп фрезаларнинг айланма тезлиги жуда катта – 13 м/с гача, илгариланма тезлиги эса кичик – 0,04...0,14 м/с. Фрезаларнинг қамраш кенглиги 0,6 дан 2,6 м гача, боғбоп, далабоп ва ўрмонбоп фрезаларнинг ишлов бериш чукурлиги, одатда, 12...16 см гача, ботқоқбопларни 20...45 см гача.

Фрезаларнинг пичоклари дисклар айланаси бўйича бир текис жойлаштирилади. Дискдаги пичокларнинг сони вазифаси бўйича ҳар хил фрезаларда ҳар хил ва 4 дан 16 гача бўлади.

Пичокли дисклар фрезали барабанга йигилади (83а–расм). Фрезали барабан, одатда, бир–бирига пружина билан сиқилиб галма–гал ўрнатилган етакловчи ва етакланувчи дисклардан иборат. Пичоклар етакланувчи дискларга ўрнатилади. Айланувчи момент етакловчи дисклардан етакланувчи дискларга фрикцион накладка (металл планка) орқали узатилади, шу туфайли пичоклар тўсиққа (тошлар, кунда ва ҳоказо) учраганда дискларнинг сирпаниши юзага келади ва ишчи органларни синиши бартараф қилинади.

Фрезали барабанларининг диаметри 350 дан 1060 мм гача. Фрезалашда энг кичик солиштирма энергия сарфи барабанинг диаметри 380...480 мм бўлганда олинади. Фрезали барабанинг четки дисклари (секциялари) ўртадагиларга нисбатан 50...60% кўп энергия истеъмол қиласди. Шунинг учун секциялар сонини ошиши билан битта секцияга тўғри келадиган энергия сарфи камаяди. Секцияларнинг сони учтадан тўққизтага ошганда бир секцияга тўғри келадиган энергия сарфи 25% га камаяди. Демак, энергия сарфи нуктаи назаридан кенг қамровли фрезалар тежамлирок.


Секциялар орасидаги масофа пичоклар турига боғлик. Катта масофада тупроққа тулиқ ишлов берилмайди, кичик масофада эса бир вақтга ишлайдиган пичоклар сони ва солиштирма энергия сарфи кўпаяди. Бу масофа тўғри пичокли секциялар учун 100...125 мм, эгилган пичоклилар учун 180 мм гача. Барабан кожух билан ёпилади, кожух орқасида шарнирли беркитилган чивикли хаскаш ўрнатилади. Улар катта кесакларни кўшимча майдалайди. Тупроққа ишлов бериш чукурлиги таянч ғилдиракларнинг ҳолатини фрезали барабанга нисбатан ўзгартириб созланади.

Ишчи органларни дискларга беркитилиши қаттиқ, пружинали ва шарнирли бўлиши мумкин. Қаттиқ беркитиш энг кўп тарқалган.

Пружинали - пружинасимон беркитиш майда тошлар билан ифлосланган тупрокларга ишлов берилганды, шарнирлы эса катта бўлмаган ишлов чукурлигига мўлжалланган тезкор фрезалар билан торф увоқлари қазиб олинганда мақсадга мувофиқ.

Фрезаларнинг ишчи органлари тўғри ва эгилган пичоқлар, юмшатувчи исказалар (83-расм) бўлиши мумкин.

Илгаклар, юмшаткич мотигалар, тарелкасимон пичоқлар ва бошқа турдаги ишчи органлар ҳам кўлланилади.



84-расм. Фреза ишчи органларининг асосий турлари.

*a* - тўғри пичоқ; *b* - эгилган пичоқ; *c* - пружинасимон илгак; *d* - юмшатувчи исказа ва уни диска беркитилиши; *e* - ўтовлагичнинг эгилган пичоғи.


Тўғри пичоқлар (84*a*-расм) ўтзор чимларии скарификация қилиш ва янги ерларга 15 см чукурликда ишлов бериш учун кўлланилади. Улар тупрокни айрим тасмаларга қесади ҳамда уни бурчакли икки ёкли ионага ўхшаш синдиради, бирок уларнинг юмшатиш қобилияти паст. Тўғри пичоқлар дискка радиал бўйича, радиалга айланиш бўйича ёки айланишга қарши оғиш билан ўрнатилиши мумкин. Уларнинг тифи тўғри чизиқли ёки радиус бўйича қилинган бўлиши мумкин. Қаттик минерал тупрокларга синдириш усули билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун радиал ёки дискни айланishi бўйича оғиш билан жойлашган тўғри чизиқли тифли пичоқлар кўлланилади. Ўсимлик қолдиқлари ва илдизпоялар мавжуд тупрокларга сирпаниб кесиш билан ишлов бериш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун бундай тупрокларга ишлов бериш учун радиус бўйича қилинган эгри тифли ва диск радиусидан айланишга тескари томонга оғиб ўрнатилган пичоқларни кўллаш яхши.

Тўғри пичоқлар бир томонлама ёки икки томонлама чархланиши мумкин. Агар фрезанинг барабани машина ҳаракатига перпендикуляр ўрнатиласа тигларни икки томонлама 20...35° бурчак остида симметрик чархлаш мақсадга мувофиқ. Бунда минералларга ишлов берилганды чархлаш бурчаги катта кийматга, чимли тупроқларда эса кичик кийматга

эга. Фреза барабани ҳаракат йўналишига бурчак остида жойлашган ҳолларда бир томонлама чархланган пичоқлар кўлланилади.

**Эгилган пичоқлар** (84б-расм) ботқоқ ва чимли ўтзор тупрокларга ишлов бериш учун кўлланилади. Улар илдиз системасини кесади, тупрокни интенсив юмшатади ва қисман унинг органик ва минерал элементларини аралаштиради.

**Эгилган ёки Г-симон пичоқ** устун ва қанот (эгилган қисм) қисмларга ажратиласди. Дискка чапга ва унга эгилган пичоқлар галма-гал ўрнатиласди. Қанотнинг қамраш кенглиги 45...150 мм. Сирпаниб кесиш учун устуннинг тиги дискнинг радиусига  $30^{\circ}$  дан кичик бўлмаган бурчакка, қанотнинг тиги эса ҳаракат йўналишидан  $60^{\circ}$  дан катта бўлмаган бурчак остида ўрнатиласди.



**85-расм. Ротацион ишчи органлар (а) ва уларнинг технологик схемаси (б).**  
I - комбинациялашган-шарнири; II - комбинациялашган; III - таркибли; I - барабан диски; 2 - тўғри пичоқ; 3 - деформатор; 4 - қавариқ конуссимон юза; 5 - ёнбош кесувчи пичоқ элементи.

**Пружинали илгаклар** (84<sup>в</sup>-расм) майдада тошлар ва илдизлар кўп бўлмаган тупрокларга ишлов бериш учун ишлатилади, улар қаттиқ тупрокларга ишлов бериш учун яроқсиз.

**Юмшатувчи исканалар** ёки дала илгаклари (84<sup>г</sup>-расм) минерал, эскидан шудгорланиб келинган, ўсимлик қолдиқлари бўлмаган тупрокларни юмшатиш учун асосий ва экиш олдидан ишлов беришда кўлланилади. Улар ривожланган увалаш бурчагига эга бўлганлиги учун тупрокни жадал юмшатади, аммо ифлосланган тупрокларда уларга ўсимлик қолдиқлари осон тиқилиб қолади. Кесиш қисмининг қамраш кенглиги 25...55 мм. ЎзМЭИ олимлари томонидан пахта ҳудудлари учун фрезали культиваторга бир қатор ишчи органлар (85-расм) ишлаб чиқилган. Текширицлар натижасида тажрибавий ишчи орган (85Ш-расм) энг самарали деб топилган.

## 2 §. Культиваторлар

### 2.1 §. Культиваторларнинг турлари ва вазифаси

Культиваторлар тупрокни юмшатиш, бегона ўтларни йўқотиш, чопик экинлари катор ораларига ишлов бериш, сугориш эгатларини олиш, ўсимликларни минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва экинларни ягона қилиш учун мўлжалланган.

Культиваторлар вазифасига кўра қуидаги турларга бўлинади: ёпласига ишлов берадиган (сидирга); қатор ораларига ишлов берадиган (чопик); тупроққа ёпласига ва қатор ораларига ишлов берадиган ҳамда ўсимликларни озиқлантирадиган (универсал); маълум турдаги иштарни бажарадиган (махсус). Шатакнинг (тортқи) турига қараб трактор ва от билан тортиладиган, тракторлар билан агрегатланиш усулига қараб эса тиркама ва осма культиваторларга ажратилади. Машинасозлик заводларида асосан осма культиваторлар ишлаб чиқарилади. Улар тузилиши ва хизмат кўрсатиши бўйича содда, оғирлиги бўйича эса анча енгил. Ишчи органларининг конструкцияси ва уларнинг тупроққа таъсири бўйича пассив (кўзгалмас ёки пружинасимон тутқичларга ўрнатилган) ва фаол (штангали, ротацион, тебранма ва бошқа) ишчи органли культиваторларга ажратилади.

Фаол культиваторларга катта тезликда айланувчи фреза (фаол пичоклар) ва кўзгалмас ўқ ёйсимон панжалар (пассив ишчи органлар) билан жиҳозланган фрезали культиваторлар ҳам киради.

Культиваторлар бошқа юза ишлов берадиган машиналардан фарқли ўлароқ, доимий ишлов бериш чукурлигини сақлаш учун ғилдираклар ва алмашувчан ишчи органлар комплекти билан жиҳозланади.

Тупроққа ялпи ишлов бериш куролларнинг ўзига хос гурухини культиватор текислагичлар ва текис кесиғч чукур юмшатгичлар ташкил килади, улар асосап шамол эрозиясига учраган тупроқларга ишлов бериш учун мұлжалланган: уларнинг асосий ишчи органлари катта камраш көнглиги (1,1...2,5 м) билан ажраби туради.

Пахтачиликда шудгорга сидирға ишлов бериш учун тупроқни 25 см гача чукур юмшатувчи әнсиз панжалар ва бегона ўтларни қирқувчи ўқ ёйсімон панжалар билан жиҳозланган ЧКУ-4 русумли чизель культиваторлар ҳамда КФГ-3,6 русумлы ўрнатма фрезалы культиваторлар кеңг құлланылади.

Чопик культиваторлари осма турда бўлиб, әкинларни парвариш қилиш бўйича ҳар хил операцияларни бажариш учун турли ишчи органлар билан жиҳозланади. Рамасининг жойлашиш баландлиги бўйича улар уч турга бўлинади: паст пояли сугорилмайдиган ўсимликлар учун; баланд пояли сугорилмайдиган ва паст пояли сугориладиган әкинлар учун; баланд пояли сугориладиган әкинлар учун.

Озиқлантиргич курилма билан жиҳозланган чопик культиваторлари культиватор-ўсимлик озиқлантиргич деб аталади.

Паст пояли чопик әкинлари қатор ораларига ишлов бериш учун оғир тупроқларда фаол ишчи органли фрезали культиваторлар құлланылади. Чопик культиваторлари орасида ўзига хос ўринни ягоналагич культиваторлар эгаллайди. Буларга иссиклик ягоналагичлар ҳам киради. Гўза қатор ораларига ишлов бериш учун КРХ-4, КРХ-3,6, КХУ-4 ва КХМ-4 русумли культиваторлар ишлатилади.

Махсус культиваторлар тошли ерларга, боғлар дараҳтлари орасига, дараҳтзор ерларга ишлов бериш учун мұлжалланган бўлиб, улар бу шароитларда юқори сифатли ишни таъминлаш учун махсус мосламалар билан жиҳозланган.

## 2.2 §. Культиваторларнинг ишчи органлари

Культиваторлarda ишлов бериш вазифасига, ўсимликка, тупроқ-иклим шароитга, әкиш усулига ва ўсимликнинг бўйига боғлик равишда ҳар хил ишчи органлар құлланылади.

Культиватор панжалари тупроқни юмшатиш ва бегона ўтларни кесиш операцияларини бажаради. Панжалар уч турда бўлади: ўтоқбоп (текис кесувчи), универсал ва юмшатувчи.

Ўтоқбоп ёки текис кесувчи панжалар шакли ва ўлчамлари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Улар шакли бўйича бир томонлама (устаралар) ва ўқ ёйсімон (86а, б-расм) бўладилар. Бир томонлама

ётиқ кесувчи устараларнинг асосий вазифаси бегона ўтларнинг илдизини кесиш бўлиб, улар тупрокни 6...8 см чукурликда юмшатиш учун ҳам ишлатилади. Панжа горизонтал тиг ва вертикал жағдан иборат. Панжа тиги бегона ўт илдизини қирқади ва тупрокни юмшатади, вертикал жағ эса ниҳолларни тупроқ остида қолишдан саклайди. Шунинг учун бу панжаларни гўза ниҳолларига яқинроқ, яъни ҳимоя зонасини кам қолдириб жойлаштириш мумкин. Панжалар ҳар қаторнинг икки томонига ўрнатилиши туфайли чапақай ва ўнақай қилиб ясалади.

Панжанинг вертикал тиги тупрокни қирқиб, ўсимлик илдизларига яқин жойда кесакларнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. Вертикал жағнинг пастки қирраси қия ( $23^{\circ}$ ) бўлганилти сабабли уни тупроқдан чиқариб юборишга интилевчи кучлар таъсир этади, шунинг учун ҳам панжа тупроққа ортиқча бота олмайди. Бундан ташкари, панжа бир томонли бўлгани учун ён кучлар тенглашмайди ва тутқич ёки грядиль паст бўлса, у ён томонга қийшайиб кетади. Панжаларнинг тиги юқори томондан  $8\ldots10^{\circ}$  бурчак остида чархланади. Тигининг қалинлиги 0,5 мм. Панжанинг қамраш кенглиги  $b=85\ldots250$  мм (пахтачилик культиваторларида 165 ва 182 мм). Панжа қанотларининг очилиш бурчаги  $2\gamma=60^{\circ}$  ( $\gamma=30^{\circ}$ ), қанотнинг горизонтта қиялик бурчаги (увалаш бурчаги)  $\beta=10\ldots15^{\circ}$ .


**Ўқёйсимон панжалар** (86б-расм) чопик, сидирға ва бошқа культиваторларда ўрнатилади. Улар факат қамраш кенглиги билан эмас, балки қанотларининг очилиш бурчаги  $2\gamma$  ва увалаш бурчаги  $\alpha$  (панжа қанотларини эгат тубига нисбатан ўрнатиш бурчаги) билан ҳам фарқ қиласди.

Увалаш бурчаги бўйича ўқ ёйсимон панжалар текис кесувчи ( $\beta=12\ldots18^{\circ}$ ) ва универсал ( $\beta=25\ldots30^{\circ}$ ) панжаларга бўлинади.

Текис кесувчи панжаларнинг асосий параметри – бурчак  $\gamma$ , чунки кесиш режими бу бурчакнинг ўлчамига боғлиқ бўлиб, кесиш сирпанишли ёки сирпанишсиз бўлиши мумкин. Ўқёйсимон, текис кесувчи панжаларнинг параметрлари қийматлари: қамраш кенглиги  $b=145, 150, 160, 220, 250, 270$  ва  $330$  мм;  $2\gamma = 60\ldots70^{\circ}$ . Чархланиш бурчаги  $i=12\ldots15^{\circ}$ . Ишлов бериш чукурлиги 4...6 см.

**Универсал панжалар** анча катта увалаш бурчагига ( $\beta=25\ldots30^{\circ}$ ) эга, шу туфайли улар фақатгина тиги билан бегона ўтларни кесибгина қолмай тупрокни увалайди ҳам. Қамраш кенглиги  $b=220, 270, 330$  ва  $385$  мм. Қанотларининг очилиш бурчаги: кумли тупроқларда ишлаш учун  $75\ldots80^{\circ}$ , ёпишқоқ ва соғ тупроқларда  $55\ldots60^{\circ}$ .

**Исканасимон панжа деб** (86в-расм) тутқич билан бир бутун қилинган панжа аталади. Исканасимон панжанинг қамраш кенглиги 20 мм бўлиб, у асосан қатор оралигини 15 см гача юмшатиш учун ишлатилади.



**86-расм. Культиваторларнинг ишчи органлари.**

*a* - бир томонлама текис кесувчи панж; *b* - ўйёссимон панжа; *c* - исканасимон панжа; *d* - айланма панжа; *e* - найзасимон панжа; *f* - озиқлантиргич пичоги; *ж* - пружинасимон тишилар; *з* - нинали диск-юлдузча; *и* - панжа-афдаргич; *к* - окучник.

**Айланма панжалар** (86 $\sigma$ -расм) кўзгалмас ва пружинасимон тутқичларга ўрнатилиши мумкин. Айланма панжалар икки томонлама чархланган ва тутқичга беркитилган пластинка кўринишида бўлади. Чархлаш орасидаги хизмат муддатини узайтириш учун бир уни ёйилганда панжа бошқа уни билан айлантириб кўйилади. Айланма панжалар қалинлиги 7...10 мм. Эни  $b=35...55$  мм ли 65Г пўлат полосасидан тайёрланади. Ишлов чукурллиги 22...25 см. Эгрилик радиуси ўқ ёйсимон панжалар куйругининг эгрилик радиусига teng бўлиши лозим. Шунда бир тутқичга турли панжаларни ўрнатиш мумкин. Пичоқ қисмининг очилиш бурчаги  $2\gamma=60...70^{\circ}$ , узунлиги  $L=260$  мм. Панжанинг тумшуғи билан эгат туби орасида ҳосил бўладиган тупроққа ботиш бурчаги  $\beta = 38...41^{\circ}$ .

**Найзасимон панжаларнинг** (86 $\delta$ -расм) вазифаси исканалар билан бир хил, аммо улар begona ўтларни тараб яхши ажратади. Улар сидирга ишлов берадиган культиваторларда ўрнатилиб, енгил тупроқли ерларда кўп йиллик илдизпояли ўтларни тараб йўқотиш учун ишлатилади. Панжанинг бир уни чархланган,  $2\gamma = 48^{\circ}$ .

## *Таянч иборалар*

Ботқоқбоп фреза, ўрмонбоп фреза, далағоп фреза, бөгбоп фреза, барабан, диск, пружина, шарнир, пичок, илгак, мотига, культиватор, чопик, озиқлантиргич курилма, ўқёйсимон, панжа, универсал, фреза, айланма, диск-юлдүзча, окучник, ариқ очгич, калқон.

## *Назорат саволлари*

1. Фрезаларнинг вазифаси ва тузилишини айтинг?
2. Фреза ишчи органларининг асосий турларини келтиринг?
3. Ўқёйсимон панжа қандай вазифаларни бажаради?
4. Фрезаларга қандай агротехник талаблар кўйилади?
5. Фрезалар қандай турларга ажратилади?
6. Фрезаларда қандай ишчи органлар ўрнатилади?
7. Таркибли ротацион ишчи орган қандай қисмлардан иборат?
8. Культиваторлар қандай турларга бўлинади?
9. Озиқлантиргич курилма билан жиҳозланган культиватор қандай вазифани бажаради?
10. Чопик культиваторларида қандай ишчи органлар ўрнатилади?
11. Универсал панжа ўқёйсимон панжадан қандай фарқ қиласди?

## **11 - Б О Б**

### **КУЛЬТИВАТОРЛАР ВА ФАОЛ ТАЪСИРЛИ РОТАЦИОН ИШЧИ ОРГАНЛИ МАШИНАЛАРНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ**

#### **1-\$. Культиваторлар панжаларининг асосий параметрлари**

*Бурчаклар:* очилиш  $\gamma$ , увалаш  $\beta$ , горизонтта нисбатан ўрнатиш  $\alpha$  ва чархлаш  $i$  ҳамда қамраши кенглиги  $b$  панжаларнинг шакли ва тупроққа таъсир характерини белгиловчи асосий параметрлари ҳисобланади. Бу параметрларнинг қиймати ва нисбатига бөлглиқ равиша панжаларнинг ўтқ қилиш ёки юмшатиш функциялари намоён бўлади.

*Очилиш бурчаги  $\gamma$  (87a-расм)* панжаларнинг иш технологиясида ҳал қиувлувчи параметр бўлиб, унинг микдори бегона ўтларни тифи бўйича сирпаниши ва кесилиши имкониятларини белгилайди.

Панжа бегона ўтнинг илдизига таъсир қиласди, натижада илдиз кесилиши, узилиши ёки тупроқдан сугирилиши мумкин.

Ўткебоп панжаларнинг тифи тупроқда учрайдиган бегона ўтларнинг илдизини кесиши лозим. Бегона ўтларни яхши кесиш учун тифнинг қалинлиги 0,3 мм дан катта бўлмаслиги ва етарли даражада ҳаракат тезлигига эга бўлиши керак. Бу шароитлар мавжуд бўлмаганда панжа

Ўз тифи билан бегона ўтлар илдизини тупроққа босади. Агар бу ҳолда бегона ўтнинг илдиз тизими тунрок билан боғлиқликни йўқотмаса, унда ўт узилади. Бу панжалар иши учун энг кенг тарқалган ҳол, чунки уларнинг тифи тез ўтмас бўлиб қолади. Бу ҳолатда бегона ўтнинг илдизини нарчаланиши чўзишиш, синиш, эзилиш ёки бир вақтда барча уч деформациянинг таъсирида юзага келиши мумкин. Бу фақат панжага эмас, балки бегона ўтларнинг ва тупроқнинг турига ҳам боғлиқ бўлади.

Панжанинг вазифаси шундан иборатки, у билан ҳосил қилинган тупроқдаги ёриклар ўтларнинг илдизларини сугурилишига имкон яратмасликлари керак. Бу мақсадда горизонтта нисбатан панжанинг ўрнатиш бурчагини ҳатто, юмшатувчи панжаларда ҳам кичик қилинади.

Бегона ўтлар илдизи тупроқ томонидан таянчга эга бўлганда уларни фақат ўткир тиф билан эмас балки, ўтмас тиф билан ҳам осон кесиш мумкин. Улар эзилади ва бир вақтда узилади, бунда тупроқда ёрик ҳосил бўлади. Агар бегона ўт тупроқдан суғуриб олинса, маълум шароитларда у кесилади ёки панжага ўралиб қолмасдан ундан тушади.

Панжа тикилиб қолмаслиги учун, сугурилган ўсимликлар панжа тифи бўйича сирпаниши ва натижада ундан тушиши керак, яъни панжа ўз-ўзидан тозаланиши керак.

(15) га асосан сирпаниш шарти  $\xi > \varphi_m$  тенгсизлик билан ифодаланади, бу ерда  $\varphi_m$  – кесиладигин материални (илдизни) тиф бўйича ишқаланиш коэффициенти.

Илдизларни сирпаниш шарти фақат уларни эмас, балки улар жойлашган тупроқни ҳам фрикцион хоссаларини ҳисобга олиши керак.

Илдизлар тупроқда жойлашганлиги учун агар тупроқ тиф бўйича сирпанмаса, унда у бегона ўтларнинг илдизини ҳам сирпангани кўймайди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда илдизларни тиг бўйича сирпаниш шарти кўйидагида бўлади:


$$\xi > \max(\varphi_m, \varphi_u). \quad (67)$$

Бу ифодага асосан сирпаниш шарти аниқланганда ҳам бегона ўтларнинг, ҳам тупроқнинг панжа тифи бўйича ишқаланиш бурчагига эътибор берилади, бирок булардан қайси бири катта бўлса, ўша ҳисобга олинади. Культиваторларнинг ўтоқбоп панжасида


$$\xi = \frac{\pi}{2} - \gamma$$

бўлганлиги учун сирпаниш шарти қуйидаги кўринишда бўлади


$$\gamma < \frac{\pi}{2} - \max(\varphi_m, \varphi_u). \quad (68)$$



*a*



*b*



*c*

87-расм. Культиватор панжаларининг параметрларини аниҳлашга доир схема.

*a* - оптималь очилиш бурчагини аниқлаш; *b* - ҳар хил ишқаланиш бурчаклари  $\varphi_1$ ,  $\varphi_2$ ,  $\varphi_3$  да ( $\varphi_1 > \varphi_2 > \varphi_3$ ) очилиш бурчагига боғлиқ ҳолда культиватор панжасидаги бегона ўтлар сонини ўзгариш характеристи; *c* - увалаш ва кесиш бурчакларини аниқлаш.

Аммо, бу чегаралаш бир томонлама характеристга эга, чунки у панжанинг очилиш бурчаги  $\gamma$  ва  $\varphi$  бурчаклар орасидаги оптималь нисбатни аниқлаб бермайди. Шунинг учун  $\gamma$  бурчакнинг оптималь қиймати қабул қилинганда оптималь мезон сифатида культиватор ишининг ҳар бир пайтида панжа тигига ёки бир бирлик қамраш кенглигига тўғри келадиган бегона ўтлар сони қабул қилинади (87б-расм). Чунки бегона ўтлар тигда қанча кам турса, панжа ўтмасланганда унинг тикилмаслик эҳтимоли эса максимумга етади. Ҳисобларга кўра

$$\gamma_{opt} = \left[ \frac{\pi}{2} - \max(\varphi_m, \varphi_n) \right] / 2. \quad (69)$$

Ишлаб чиқаришда очилиш бурчаги  $2\gamma = 55..80^o$  ёки  $60..65^o$  бўлган культиватор панжалари кўлланилади.

*Кесиш бурчаги*  $\beta_0$  ҳам бегона ўтларни тўлиқ кесилишига таъсир килади. Бу бурчак тигни юқори фаскаси ва горизонтал текислик билан хосил қилинади. У икки бурчак-чархланиш бурчаги  $i$  ва энса бурчак  $\varepsilon$  йиғиндисидан иборат (87в-расм):

$$\beta_0 = i + \varepsilon.$$

**Чархланиши бурчаги**  $i$  одатда  $12\ldots 15^\circ$  га тенг. Энса бурчак тахминан  $10^\circ$  ни ташкил қиласы. Шунинг учун  $\beta = 22\ldots 25^\circ$ .


**Увалаш бурчаги**  $\beta$  панжа юзасы юқори текислиги ва горизонтал билан ҳосил қилинады. Агар увалаш бурчаги  $\beta < 15^\circ$  бўлса, унда панжанинг чархланиши юқори томондан бўлиши керак (86 $\sigma$ -расм), агар  $15^\circ < \beta < 25^\circ$  бўлса, унда икки томонлама (87 $\sigma$ -расм),  $\beta \geq 25^\circ$  бўлганда эса остки томондан (87 $\sigma$ -расм). Культиватор панжаларини тўғри ўрнатилиши ва уларни иш режими ҳам бегона ўтларни тўлик кесилишига ва иш сифатига катта таъсир кўрсатади.

## 2-§. Панжаларнинг куч тавсифи

Культиватор ишчи органлари симметрик бўлганлиги учун уларнинг ишчи юзаси ва тифига таъсир этувчи тупроқнинг реакция кучларини симметрия бўйлами тик текисликда жойлашган битта тенг таъсир этувчи куч  $R_{xz}$  га (88-расм) келтириш мумкин.  $R_{xz}$  кучнинг  $Z$  ўқига проекцияси ( $R_z$  кучи) ишчи органнинг чуқурлашиш қобилиятини тавсифлайди,  $X$  ўқига проекцияси ( $R_x$  кучи) эса ишчи органнинг тортишга қаршилигини ташкил қиласы.  $R_{xz}$  кучнинг йўналиши ва қўйилиш нуктаси бурчак  $\Psi$  ва ўлчамлар  $h$  ва  $l$  билан аниқланади. Матъумки,  $h = (0,3\ldots 0,5)a$  (қамраш кенглигини катталашини билан ошади),  $l = 0,5 b$ . Тенг таъсир этувчи  $R_{xz}$  нормал босим кучи ва ишчи юза ва тиф бўйича тупроқнинг ишқаланиши кучлари йигиндисидан иборат бўлганлиги учун унинг йўналиши (бурчак  $\Psi$ ) горизонтта ўрнатиш бурчаги  $\alpha$  ва ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  га боғлиқ 88-расмдан

$$\Psi = \pi / 2 - (\alpha + \varphi). \quad (70)$$

$R_x$  кучнинг қийматини динамометрлаш йўли билан аниқлаш мумкин. У қамраш кенглиги  $b$  ва ишлов чуқурлиги  $a$  га пропорционал бўлиб, тупроқнинг солиштирма қаршилиги  $k$  га боғлиқ.



88-расм. Панжаланинг куч тавсифи.

Тупроқнинг солиштирма қаршилиги (КПа) қуидаги қийматларга эга бўлиши мумкин:

ўқ ёйсимон панжа.....	11...20
юмшатувчи панжалар.....	50...100
текис кесгич чукур юмшатгичлар панжаси.....	31...46

### 3-§. Культиваторларнинг ишчи органларини рамага ўрнатиш

Культиваторларнинг ишчи органлари тутқичларга беркитилади. Тутқичлар машина рамаси билан кўзгалмас (бикр) ёки шарнирли (кўзғалувчан) боғланиши мумкин. Шарнирли боғланиш бир ва кўп шарнирли (тўрт звеноли) бўлади.

Кўзгалмас боғланишда тутқичлар 2 (89a-расм) ишчи органлар билан машина рамасининг тўснинг болтлар билан маҳкамланади. Бундай беркитиш чукур ишлов берадиган қамраш кенглиги катта бўлмаган ишчи органли культиваторларда кўлланилади (чизель-культиватор, культиватор-текис кесгич ва бошқа).

Бунда ишчи органларнинг чуқурлашиши машинанинг оғирлик кучи  $P$  ва тупроқнинг ишчи органларга реакция кучи  $R_{c_2}$  га боғлиқ бўлади. Ишлов чуқурлиги таянч гилдираклар 4 билан чекланади.

Кўзгалмас беркитиш системаси конструкциясининг оддийлиги ва кичик массаси билан ажralиб туради. Бундай боғланишда рельефга мослашиш бўйлами йўналишда раманинг ҳолатига, кўндаланг йўналишда эса машинанинг қамраш кенглигига боғлиқ. Кўзгалмас беркитилганда куроллар дала микрорельефига етарли даражада мослашмайди, қамраш кенглиги бўйича ишчи органларнинг доимий чуқурлиги сақланмайди.

Бир шарнирли беркитишда тутқич 2 (89б-расм) ишчи органлар 3 ва тизгин 8 биргаликда рама тўсини билан шарнирли боғланган.

Бир шарнирли беркитиш тизими якка тизгинли ва секцияли бўлади. Якка тизгинли тизимида ҳар бир тизинга биттадан ишчи орган (ёппасига ишлов берадиган культиватор панжаси), секциялида эса бир нечта ишчи органлар (осма пахта культиваторларида ва бошқа) беркитилади.

Ишчи орган секцияси оғирлик кучи  $P_{c_2}$ , ишчи органларга тупроқ реакцияси  $R_{c_2}$ , ҳамда босувчи пружиналар ( $F_n$  кучи) ёки қўшимча юклар ёрдамида чуқурлаштирилади. Максимал чуқурлик штанга 7 нинг таянчлари, гардишлар (сирғалгич) ёки ғалтакчалар билан чегараланади.

Бир шарнирли беркитиш тизими кўзгалмас беркитиш тизимига нишбатан ҳам бўйлами, ҳам кўндаланг йўналишда дала рельефига яхши мослашади.


Түрт звеноли беркитиши тизими қуйидаги күринищда бўлади (89а-расм). Тутқич 2 (звено  $BC$ ) ишчи органлар 3 билан машина рамасининг тўсими 1 га (звено  $AD$ ) тизгинлар 11 ва 12 ( $AB$  ва  $DC$  звенолар) орқали беркитилган.

Асосан параллелограмм механизмли түрт звеноли тизим кўлланилди, унда  $AB//DC$  ва  $AD//BC$ . Секция таянч фидирраги 9 дала микрорельефига мослашади, яъни уни копировка қиласди. Фидирракнинг нотекисликлар бўйича ҳаракати параллелограмм механизмга кирадиган звено  $BC$  ни нисбатан силжишига олиб келади. Бунда дала юзасига нисбатан ишчи органнинг ўрнатиш бурчагини микдори ўзгармайди.

Параллелограммли тизим чопик культиваторларда панжаларни беркитиши учун шунингдек, сеялкаларда ва ўтқазиш машиналарида кўлланилди. Бундай тизимда ишчи органлар микрорельефга яхши мослашади ва улар белгиланган ишлов чукурлигини саклайди.

Ишчи органларни тупрокка ботиши оғирлик кучи  $P_G$  ва реакция  $R_{xz}$  билан аниқланади. Механизмнинг  $AB$  ва  $DC$  звеноларнинг ҳолати тупрокка ботишга ҳамда фидирракка таъсир этувчи реакция кучи  $R_{kc}$ га таъсир кўрсатади.

$AB$  ва  $CD$  звеноларнинг киялиги ўзгарганда елкалар  $h_1$  ва  $h_2$  бир оз ўзгаради. Бурчак  $\alpha$  қанча катта бўлса, секциянинг таянч фидирракка таъсир этувчи реакция кучи  $R_{kc}$  шунча кичик бўлади.  $\alpha$  бурчакнинг катталishiши билан ишчи органларнинг чукурлашиш қобилияти камаяди.



89-расм. Рамага ишчи органларни беркитиши схемалари.


*a* - кўзғалмае; *b* - бир шарнири; *c* - тўрт звеноли; 1 - машина рамасининг тўсими; 2 - тутқич; 3 - ишчи орган; 4 - рама тиглари; 5 - икки елкали дастак; 6 - босим пружинаси; 7 - штанга; 8 - тизгин; 9 - секциянинг таянч фидирраги; 10 - дастак ползуи; 11 ва 12 -параллелограмм механизмнинг звенолари.

Ишчи органларни түрт звенолы беркитиш тизими олдинги күрилгандарга нисбатан бесүнәкай, системанинг күп шарнирлилігі горизонтал текисликда ишчи органларнинг равон ҳаракатига салбай таъсир күрсатади.

Беркитишни барча тизимларда ишчи органларнинг талаб қилинган ўрнатиш бурчаги тизинге нисбатан тутқични бураш билан эришилади. Параллелограммлы системада юқори звено  $AB$  нинг узунлиги ўзгариши мүмкін, у эса ўрнатиш бурчагига таъсир күрсатади.

Культиваторнинг текис кесувчи ва универсал панжалары ўрнатылғанда уларнинг тиғи горизонтал текисликда ётиши керак (90a-расм). Бұнда әзат туби текис бўллади ва бегона ўтлар яхши кесилади. Оғир тупрокларга ишлов берилғанда олдинга, түмшуг томонға  $2\dots 3^0$  дан катта бўлмаган қиялик билан ўрнатишга (90b-расм) рухсат этилади. Товон томонға қия ўрнатиш (90c-расм) рухсат этилмайди, чунки у панжаларни саёzlанишига олиб келади.

Культиваторларнинг ҳаракат тезлигі оширилганды юмшатиш сифаты ва бегона ўтларни кесилиши яхшиланади. Аммо, шу билан бирга, қатор оралиғига ишлов беришда шикастланған ва тупроқ билан кўмилган маданий ўсимликларни сони ҳам кўпаяди. Шунинг учун ёппасига культивация қилишни юқори тезликларда –  $2,5\dots 4,2$  м/с ( $9\dots 15$  км/с), қатор оралиғига ишлов беришда эса  $2,1\dots 2,2$  м/с ( $7,5\dots 8$  км/с) тезлик билан чегараланиш тавсия этилади.



90-расм. Культиватор панжаларини ўрнатиш.  
a - тиғи горизонтал текисликда ётган; b - түмшуг томонға қия;  
c - товон томонға қия.

Кўпчилик ишчи органлар учун тезликни ошиши ишлов чукурлигини камайиши билан bogлиқ, шунинг учун ишчи органларни олдиндан чукурроқ ўрнатиш керак.


#### 4-§. Культиватор ишчи органлари ва фидиракларини рамада жойлаштириш

Культиватор панжалари бир-бирига нисбатан катта бўлмаган масофада жойлаштирилса улар оралиғида ўсимлик колдиқлари ва

кесаклар тиқилиб қолади. Ялпи ишлов бериш культиваторларида қаторда ёнма-ён (күшни) панжалар орасидаги масофани катталаштириш учун панжаларни рамада икки ёки уч қаторли жойлаштириш қабул килинган. Бу ёнма-ён панжалар орасидаги масофани улар излари орасидаги масофага нисбатан 2...3 марта катталаштиришга имкон беради. Бунда ўтқбоп бир томонлама ва ўқ ўйсімөн ҳамда универсал панжалар бегона ўтларни түлік кесиш учун  $b=50\ldots70$  мм бостирма билан, юмшатувчи панжалар эса ёнма-ён излар орасидаги барча жойга тупрок деформацияси тарқатилишини ҳисобға олган ҳолда маълум оралық билан (чала кесиш билан) ўрнатиласы.

Олимларнинг тажрибаларига асосан ишчи орган таъсирида пластиклик хусусиятига эга бўлган тупроқнинг деформация зонаси олдинга ва ён томонга катта масофага тарқалади.

Маълумки, пона ишчи юзаси бўйича сирпанаётган тупроқ палахсасига нормал кучлар  $N$  ва ишқаланиш кучлари  $F$  таъсири қилади. Бу кучларнинг тенг таъсири этувчиси  $R$  нормалдан ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  га оғтан (91-расм). Энг катта уринма кучланишлар назариясига асосан синиш натижасида палахса парчаланадиган йўналишлар  $H_1$  ва  $H_2$  бир-бирига нисбатан  $\theta$  бурчак остида  $R$  кучига симметрик жойлашади, бу ерда тупроқ учун  $\theta=40\ldots50^\circ$ . Бу эса ўртача синишнинг йўналиши  $R$  кучнинг йўналишидан унчалик оғмайди деб ҳисоблашга асос бўлади.



91-расм. Панжа билан палахсани деформациялаш схемаси.

*a* - таъсири этувчи кучлар ва синиш ёрекларининг чегаравий йўналишлари;  
*b* - бўйлама ва кўндаланг йўналишларда деформация зоналари

Кўндаланг тик текисликда ҳам тупроқнинг деформация зонаси бир-бирига  $\theta$  бурчак ёки симметрияниң вертикаль ўқига  $\theta/2$  бурчак ҳосил қилган текисликлар билан чегараланади. Унда (91*a*-расмга асосан)

юмшатиш панжаси билан тупрокни деформацияланиш зонаси ўртача ташкил қиласы:

харакат йұналиши бүйича

$$L = l_0 + l_1 = l_0 + a \operatorname{tg}(\alpha + \varphi), \quad (71)$$


күндаланг йұналишда

$$b_1 = b_0 + 2a \operatorname{tg} \frac{\theta}{2}. \quad (72)$$

Агар панжалар бостирмасиз ўрнатылса чукурлық бүйича тупрокни юмшатилиши нотекис бўлади (92a-расм). Ишлов бериладиган қатламнинг пастки қисмида юмшатиш панжалари баландлиги  $h$  га тенг бўлган ишлов берилмаган марзалар ҳосил бўлади:

$$h = \frac{1}{2}(S - b_0) \operatorname{ctg} \frac{\theta}{2}. \quad (73)$$

Культиватор-чукур юмшатгичларнинг панжалари ва культиваторларнинг ўқ ёйсімон панжалари бостирма  $c$  билан (92б-расм) ўрнатылади. Шунинг учун улар марзалар ҳосил қиласында, аммо ишлов берилган қатламнинг юкори қисмида икки марта ишлов берилган зона  $def_k$  ҳосил бўлади. Ишчи органлар бостирмасиз ўрнатилганда бундай зона умуман бўлмайди ёки анча кичик бўлади, масалан  $def$  (92a-расм).



92-расм. Тупрокниң күндаланг тик текисликда деформация зонасы.  
а - культиватор ва культиватор-чукур юмшатгичларнинг юмшатиш панжалари билан; б - культиваторнинг юмшатиш панжалари билан.


Панжалар қаторлари орасидаги масофа  $l_p$  (93-расм) ўсимлик колдиқлари билан культиваторларни тиқилиб қолишини бартараф

қилиш шартидан ва панжа юриши бўйича тупроқ деформациясини тарқалишини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Бунда  $l_{\text{п}}$  панжанинг юриши бўйича тупроқ деформациясини тарқалиши  $L$  дан катта бўлиши керак. Одатда  $l_{\text{п}} = 350...550$  мм оралигида қабул қилинади. Олдинги ва орқа қатордаги панжаларга юкламаларни текис бўлиши учун иккинчи қаторда биринчига нисбатан қамров кенглиги каттароқ панжалар ўрнатилади, яъни  $b_2 > b_1$  (94в-расм).

Чопик культиваторларида панжалар (94а-расмга) қатор оралиги  $S$  ва ҳимоя зонаси  $\epsilon$  кенгликларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади (93б ва в-расм). Қатор оралиги кенглиги ўсимликларнинг хусусиятлари ва уларни ўсиш зонаси билан аникланади. Ҳимоя зонасининг кенглиги маданий ўсимликларнинг илдиз тизимини ривожланиши, ишчи органлар тури ва ишлов чукурлигига боғлиқ.


Панжаларни жойлашиши икки қаторли (94в-расм) ҳамда уч қаторли бўлиши мумкин. Битта қатор оралигида ўқ ёйсимон панжалар ва устаралар жойлаштирилганда ўқ ёйсимон панжалар устаралар олдидан ўрнатилади. Бундай жойлаштириш нисбатан бир хил чукурликни ва юмшатилиган қатор оралигини текис юзали бўлишини таъминлайди.

Озиқлантириш пичоги биринчи қаторда, ўтоқбоп панжалар эса иккинчи қаторда ўрнатилади. Ўсимликларни тупроқ билан кўмилиб колишини бартараф қилиш учун айниқса, юқори тезликларда ҳимоя дисклари ва қалқонлар ўрнатилади.



93-расм. Культиватор схемаси.

1 - тутқич ишчи орган билан; 2 - босим пружиналари; 3 - осиш курилмаси; 4 - гидриракни рамага нисбатан силжитиш винти; 5 - гидрирак.



94-расм. Культиватор панжаларини жойлаштириш.  
а - сидирға; б - уч қаторлы чопик; в - икки қаторлы чопик.

Панжаларнинг қамраш кенглиги (94б ва в-расм) қуийдагиларни эътиборга олган ҳолда қабул қилиниши мумкин:

уч қаторли жойлаштиришда

$$b_1 + 2 b_2 = S + 2 (\Delta b - e);$$

икки қаторли жойлаштиришда

$$b_1 + b_2 = S + (\Delta b - 2e).$$

Одатда, культиваторнинг қамраш кенглиги экишда фойдаланиладиган сеялканинг қамраш кенглигига тенг бўлиши керак. У ҳолда туташ қатор ораларига ишлов бериш учун мўлжалланган четки секцияларга комплекти тўлиқмас ишчи органлар ўрнатилади (битга панжа кам).

Фидирак рама остида ёки рама олдида жойлаштирилади. Фидиракларни рама олдидан жойлаштириш панжаларнинг, айниқса, охирги қатордаги панжаларнинг, ишлов чуқурлигига салбий тасир кўрсатади. Фидирак рама остида жойлаштирилганда унинг диаметри кичик олинади, бу эса чукур из ҳосил бўлишига ва культиваторнинг тортишга қаршилигини ошишига олиб келади. Чопик культиваторларида жойлаштирилган гидираклар симметриясининг бўйлама ўқи ишлов бериладиган қаторлар ўқи билан тўғри келиши ва гупчакнинг четки юзасидан қаторнинг ўқигача масофа 15...17 см дан кам бўлмаслиги керак.

##### 5-§. Ишчи органлари бир ва кўп шарнирли беркитилган машиналарнинг мувозанатлиги

Культиватор бўйлама симметрик ўққа эга, шунинг учун уларнинг горизонтал текисликдаги мувозанатлиги фақат нотўғри ўрнатилганда ёки дала бир хил бўлмагандага бузилиши мумкин. Шунинг учун уларнинг

мувозанатлик шартларини бўйлама тик текислиқда кўриш мақсадга мувофиқ. Бир ва кўп шарнирли системаларнинг мувозанатлигини кўриб чиқишининг принципиал қоидалари бир хил бўлгандиги, аммо бир шарнирли – айрим бир ҳолни, кўп шарнирли эса умумий ҳолни ифодалайдиганлиги учун энг кўп тарқалган кўп шарнирли параллелограмм тизимининг таҳлили билан чегараланамиз. Бундай тизимнинг мувозанатлиги икки кисмдан иборат: секция мувозанатлиги ва машина мувозанатлиги.

Секциянинг мувозанатлик шартлари секциянинг таянч фидирагига тупрок реакцияси  $R_{kc}$  ва барча қаршилик кучларининг тенг таъсир этувчиси  $R'$  ни аниқлашга келтирилади.


Параллелограмм механизмда звено *ДС* ни (88,*в*-расм) бурилган тезликлар плани сифатида қабул килиш мүмкін. Үндә тезликлар планига таъсир этүвчи күчларни күйиб, күйидагини оламиз:

$$R_{\frac{K_0}{c}} h_1 + R_x h_3 - (P_c + R_z) h_2 = 0 . \quad (74)$$

(74) тенгламаны  $R_{kc}$  га нисбатан ечиб ва  $h_2$  ва  $h_3$  ларни  $l$  орквали ифодалаб оламиз

$$R_{kc} = [(P_c + R_g) l \cos\alpha - R_i l \sin\alpha] / h_l. \quad (75)$$

Демак, секциянинг мувозанатлиги унга мувофиқ келадиган бурчак  $\alpha$  ни ташлаш билан эришилади. (75) ифодага кўра  $\alpha$  қанча катта бўлса  $R_{kc}$  шунча кичик. Аммо  $\alpha$  ни катталашиши билан ишчи органларнинг чукурлашиб қобилияти камаяди. Иш жараёнида секция гидравликани тупроқка чукур ботишига йўл қўймаслик керак, чунки у ўрнатилган ишлов чукурлигини ўзгартириб юборади ва думаланишга қаршиликни оширади.



95-расм. Ишчи органлари параллелограммли беркитилган симметрик машинанинг мувозанатлыги.

Бурчак  $\alpha$  ни машина брусини баландлик бўйича силжитиш билан ўзгартириш мумкин. Умуман олганда, секциянинг мувозанатлиқ шарти шундан иборатки, секцияга таъсир этувчи кучлар  $P_c$ ,  $R_{xz}$  ва  $R_{xc}$  ларнинг умумийси  $R'$  (95-расм)  $AB$  ва  $DC$  звеноларга параллел йўналган бўлиши керак. Бу умумий кучнинг микдори кучларнинг геометрик йиғиндиндисига тенг, яъни  $\bar{R} = \bar{R}_{xz} + \bar{P}_c + \bar{R}_{xc}$ .

**Культиваторнинг мувозанатлиги.** Машина рамасига қўйидаги кучлар таъсир қиласи: умумий  $\Sigma R' = nR'$ , бу ерда  $n$  - секциялар сони; секциялар массаси ҳисобга олинмаган оғирлик кучи  $P_m$ ; машина гилдиракларига тупроқнинг реакцияси  $\Sigma R_{km}$  ва тракторнинг тортиш кучи  $F_{xz}$ ,  $\Sigma R_{km}$  ва  $F_{xz}$  кучлари юқоридагидек кучлар кўпбурчагини кўриб топилади (95-расм).  $AB$  ва  $DC$  звеноларнинг қиялигини реакция  $R_{km}$ га таъсир қилишини кўрсатиш қийин эмас. Масалан,  $\Sigma R'$  кучи  $bC$  чизиги бўйича йўналганда гилдиракка реакция  $R_{km}$  ( $cd$  кесма) бўлади,  $bC$  чизиги бўйича йўналганда эса  $R'_{km}$  ( $kesma c, d$ ). Бунда  $R_{km} > R'_{km}$ , яъни  $AB$  ва  $DC$  звеноларнинг қиялик бурчаги  $\alpha$  камайиши билан машина гилдирагига реакция камаяди. Оптимал қиялик бурчаги аниқ иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда маълум кўрсаткичларда аниқланади.

#### 6-§. Фреза ҳаракатининг траекторияси

Фрезаларнинг пичоқлари одатда, ҳаракат йўналиши билан тўғри келадиган бўйлама тик текисликда айланади (96a-расм). Бошлангич моментда  $A_0$  ҳолатда турган пичоқнинг четги нуқтаси  $A$  нинг ҳаракатини кўриб чиқамиз. Бир оз вақт  $t$  дан сўнг барабан ўқи  $\omega t$  йўл ўтиб  $O_i$  ҳолатга сурилади, барабан диски эса  $\omega t$  бурчакка бурилади, бу ерда  $\omega$  - фрезанинг илгариланма ҳаракат тезлиги,  $\omega$  - бурчак тезлиги. Натижада пичоқнинг  $A$  нуқтаси  $A_0$  ҳолатдан  $A_i$  ҳолатга ўтади ва унинг координаталари қўйидаги тенгламалар билан аниқланади:


$$\left. \begin{array}{l} x_i = \vartheta + r \cos \omega t, \\ y_i = r \sin \omega t \end{array} \right\} \quad (76)$$

(76) тенглама параметрик шаклда  $A$  нуқтанинг абсолют ҳаракати траекториясини характерлайди. Бу траектория циклоидаларни (“трохойдани”) ифодалайди.

Циклоиданинг геометрик шакли кинематик тартиб кўрсаткичи  $\lambda$  га боғлиқ,  $\lambda = u/v$ , бу ерда  $u$  -  $A$  нуқтанинг айланма тезлиги,  $\omega t = \varphi$  ва  $u = \omega r$  қабул қилиб  $t = \varphi / \omega$  ёки  $t = \varphi r / u$  ни оламиз.

(76) тенгламага  $t$  ва  $\omega t$  ўрнига  $\varphi r/u$  ва  $\varphi$  ифодаларни қўйиб ва  $u/v$  ни  $\lambda$  га алмаштириб қўйидаги тенгламани оламиз

$$\left. \begin{array}{l} x_1 = r(\varphi / \lambda + \cos \varphi) \\ y_1 = r \sin \varphi \end{array} \right\} \quad (77)$$



96-расм. Ротацион ишчи орган нуқтасининг ҳаракат траекторияси.

*a* - ҳаракат траекториясини аниқлашга доир схема; *b* -  $\lambda < 1$  бўлганда траектория (қиска циклоида); *b* -  $\lambda > 1$  бўлганда траектория (чўзиқ циклоида).

Агар  $\lambda < 1$  бўлса, унда  $A$  нуқтанинг траекторияси қиска (сиртмоқсиз) циклоида шаклига эга (96б-расм), агар  $\lambda > 1$  бўлса, унда циклоида чузик бўлади (96в-расм).  $\lambda = \omega r/v$  бўлгани учун пичоқ асоси якинидаги нуқтанинг циклоидаси унинг учидағи нуқтасининг циклоидасидан калта бўлади. Аммо фрезалар учун пичоқнинг ҳамма нуқталари учун  $\lambda > 1$ , акс ҳолда пичоқ тупроқка тиги билан эмас, балки орқа қисми билан таъсир қиласи.

### 7-§. Фрезалар ишининг асосий кўрсаткичлари

Иш жараёнида фрезанинг ҳар қандай нуқтаси чўзилган циклоиданинг траекториясини чизади. Фрезанинг битта дискида бир нечта пичоқ бириктирилганлиги учун бу пичоқларнинг бир хил нуқталари машинани олдинга юриши бўйича силжиган бир хил циклоидалар чизади. Агар олдинги пичоқ ўзининг айланishi ўқидан энг узоқ жойлашган нуқтаси билан траектория 1 ни чизса (96а-расм), унда кейинги пичоқнинг траекторияси 2 горизонтал бўйича маълум бир масофа  $S_z$  га силжиган бўлади. Бу  $S_z$  масофа *пичоқ ўзатиши* дейилади. Пичоқ ўзатиши  $S_z = vt_z$ , бу ерда  $t_z$  – кейинги пичоқни нисбий ҳаракатда олдингисининг ҳолатини эгаллаш вақти, яъни улар орасидаги марказий бурчакка тенг

бўлган бурчакка бурилиш вақти. Дискда пичоклар қанча кўп бўлса, шунчака бу вақт кичик. Шундай экан  $t_z = t_{\text{об}}/Z$ , бу ерда  $t_{\text{об}}$  - дискни бир айланиш вақти,  $Z$  - битта дискдаги пичоклар сони. Дискни бир марта айланиш учун кетган вақт  $\omega t_{\text{об}} = 2\pi$  шартдан топилади, бундан  $t_{\text{об}} = 2\pi/\omega$ ,  $t_z$  нинг қийматини олдинги ифодага қўйиб топамиз.

$$S_z = 2\pi v/\omega z.$$

Сурат ва маҳражни  $v$  га ёки  $\omega$  га кўпайтириб ва  $v/\omega$  ни  $\lambda$  орқали ифодалаб, оламиз


$$S_z = 2\pi r/\lambda z. \quad (78)$$

Формула (78) дан келиб чиқишича, пичокқа узатишни дисқдаги пичоклар сонини ёки кинематик режимининг кўрсаткичини (илгариланма тезликни, барабанинг айланиш частотасини) ўзгаририб эришиш мумкин.

96-расмдан кўриниб турибдики, кўшни циклоидларнинг сиртмоқлари маълум бир баландлик  $h$  да кесишади. Бу эса ишлов берилган далани тубида нотекисликларни (ўркачларни) ҳосил бўлишига олиб келади. Бу ўркачларнинг баландлиги пичокқа узатишга боғлик. Пичокқа узатиш қанча кичик бўлса, ўркачлар баландлиги ҳам шунчака кичик бўлади. Шундай экан, ўркачлар баландлиги  $\lambda$  ва  $Z$  ни кўпайиши билан кичраяди.

Пичокқа узатишга кириндининг қалинлиги  $\delta$  ҳам боғлик, шундай экан, тупроқнинг уваланиш даражаси ҳам тахминан  $\delta_{\max} = S_z \cos \varphi$ . 97-расмдан  $a = r - rs \sin \varphi$ , бундан  $\sin \varphi = 1 - a/r$ , ёки  $a/r$  ни  $m$  орқали белгилаб,  $\sin \varphi = 1 - m$  ва  $\cos \varphi = \sqrt{2m - m^2}$  ни оламиз. Биринчи ифодага  $\cos \alpha_0$  ўрнига  $m$  орқали ифодаланган унинг қийматини қўйиб, оламиз

$$\delta_{\max} = S_z \sqrt{2m - m^2}. \quad (79)$$



97-расм. Фрезанинг асосий параметрларини аниқлашга доир схема.  
1 ва 2 – олдинги ва кейинги пичокларни траекторияси.

(79) формуладан келиб чиқишича, пичокқа узатиш ўзгармаганда  $t$  камайиши билан (тупрокқа ишлов бериш чукурлуги) қириндининг қалинлиги камаяди (юмшатиш даражаси ошади). Ҳисобларда  $t = 0,7 \dots 0,8$  деб қабул қилинади. 97-расмдан кўриниб турибдикি, қиринди қалинлиги ўзгарувчан катталик. Фрезалар пичоги билан қириндиди кесиб олинниши жараёнида унинг қалинлиги максимал қийматдан нолгача узлуксиз камаяди (қириндидинг назарий кесими 97-расмда штрихланган). Ҳар бир кейинги пичоқ учун қиринди энг катта қалинликка олдинги пичоқнинг дала юзасига теккан нуқтасида эга бўлади. бу қалинлик радиус  $r$  йўналиши бўйича аникланади.

Фрезаларнинг иш сифати тупроққа ишлов бериш чукурлигининг текислиги ( $\ddot{\text{уркачларнинг баландлиги}} h$ ) ва уни юмшатиш даражаси (қириндидинг қалинлиги  $\delta$ ) бўйича аникланади. Агротехник талабларга асосан  $h \leq 0,2a$ , бу ерда  $a$  – пичоқни тупроққа максимал кириш чукурлуги. Қириндидинг қалинлиги аниқ шароитлар билан аникланади. Иккала кўрсаткич ҳам пичоққа узатиш  $S_z$  га боғлиқ, охирги кўрсаткич (юмшатиш даражаси) эса (79) формулага мос ҳолда  $\lambda$  (илгариланма тезлиқ ёки барабанинг айланиш частотасига) ёки пичоқлар сони  $Z$  га боғлиқ ўзгариши мумкин.

$\lambda$  катталашиши билан ўркачлар баландлиги  $h$  ва қиринди қалинлиги  $\delta$  кичраяди. Аммо ортиқча  $\lambda$  ни ўсиши кувват сарфини кескин катталашишига олиб келади.

Амалиётда пичоққа узатиш чимлар учун 3...6 см ва эскидан шудгорланиб келинаётган тупроклар учун 10...15 см бўлганда агротехник талаблар коникирилиши аникланган. Шундай экан, фреза дискидаги пичоқлар сони берилган бўлса масала кўрсатилган пичоққа узатишни таъминлайдиган  $\lambda$  нинг қийматини аниклашдан иборат бўлади. (78) тенгламадан

$$\lambda = 2\pi r / S_z z . \quad (80)$$

Маълум шароитларга мос  $S_z$  нинг қийматини бу тенгламага қўйиб топшириқдаги тупроққа ишлов бериш сифатини олиш учун агрегатни созлаш керак бўлган кинематик режим кўрсаткичи олинади. Фреза дискидаги пичоқлар сони  $z=3\dots 8$  бўлганда фрезаларнинг кинематик тартиб кўрсаттичи эскидан шудгорланиб келинаётган тупроқларга ишлов берилганда 2 дан 6 гача ва чимли тупроқларга ишлов берилганда 4 дан 16 гача қийматларда бўлиши мумкин.

Кам пичоқлар сонига катта кинематик режим кўрсаткичи мос келади. Замонавий ротацион тупроққа ишлов бериш машиналарининг

илгариланма тезлиги нисбатан катта бўлмай, 1,1...1,7 м/с ни ташкил қиласди.

### 8-§. Фреза ишчи органларига таъсир қилувчи кучлар

Фрезаларнинг пичоқлари бўйлама симметрия ўқига эга, шунинг учун уларга таъсир қилувчи тупроқнинг элементар реакция кучлари битта тенг таъсир этувчи куч  $R_{xz}$  га келтирилиши мумкин. Бу куч бўйлама тик текисликда (98a-расм) машинанинг ҳаракат йўналишига маълум бир бурчак  $\psi$  остида жойлашган.

Бурчак  $\psi$  ва  $R_{xz}$  куч қиймати бўйича барабанинг айланиш бурчаги  $\varphi=\omega t$  га боғлиқ равища ўзгаради. (98б-расм) Аввал, пичоқ тупроққа киргандан,  $R_{xz}$  кучи ошади, қириндими кесилиши юз беради, сўнгра нишоқ пастдан юқорига ҳаракат қылганда қаршилик ботиқ эгри чизик бўйича камаяди.  $R_{xz}$  кучининг ошиб боришига тўғри келадиган барабанинг айланиш бурчаги  $15\dots25^\circ$  оралиғида бўлади.

$R_{xz}$  кучини иккита ташкил этувчи  $R_x$  ва  $R_z$  кучларига ажратиш мумкин. Горизонтал ташкил этувчи  $R_x=R_{xz}\cos\psi$  ҳаракат йўналиши томонга йўналган бўлиб машинанинг тортишга ҳаршилигини камайтиради ёки уни ҳаракат йўналиши томонга итаради, бу эса фрезани енгил тракторлар билан фойдаланишга имкон беради.

Тик ташкил қилувчи  $R_z=R_x t \dot{\psi}$  юқорига йўналганда машинани чуқурлашишига тўскинлик қиласди, пастга йўналганда эса ёрдам беради. Барча маълумотлар бўйича  $\psi$  бурчаги  $+12$  дан  $-15^\circ$  гача ўзгаради. У  $R_z$  юқори йўналганда мусбат, пастга йўналганда эса манфий.

Ротацион пичоқнинг қаршилигини қуидаги соддалаштирилган формула орқали аниқлаш мумкин:

$$R_x = k_k \delta b, \quad (81)$$


бу ерда  $k_k$  – кесишга солиштирма қаршилик коэффициент;  $\delta$  - қириндими қалинлиги;  $b$  - қириндими кенглиги.

Кесишга солиштирма қаршилик тупроқнинг механик таркиби ва холатига, қиринддининг ўлчамларига (пичоқка узатишга) ва кесиш тезлигига боғлиқ. Пичоқка кичик узатишда солиштирма қаршилик катта, узатишни катталашиши солиштирма қаршиликни камайшишига олиб келади. Бунга катта узатишда кичик узатишга нисбатан тупроқни анча кам уваланиши сабаб бўлади.

Фреза ишлаганда талаб қилинадиган қувватни тахминан қуидагича топиш мумкин

$$N = N_m + N_k + N_{up}, \quad (82)$$

Бу ерда  $N_m$  – машинани даалада ҳаракатлантиришига қувват, КВт;  $N$  – қириндини кесишига (тупроқни деформациялашы) қувват, КВт;  $N_{up}$  – қириндини иргитишінде қувват, КВт.



98-расм. Фрезанинг күч ва қувват тавсифлари.

а - пичоққа таьсир қилувчи күчлар схемаси; б -  $R_{xz}$  күчи ва бурчак  $\psi$  ни тичоқнинг айланши бурчагига болғыл үзгарыш графиги.

Биринчи ташкил қилувчи күйидаги ифодадан аникланади

$$N_m \approx 10^{-2} f G v, \quad (83)$$

бу ерда  $G$  – машинанинг массаси, кг;  $v$  – ҳаракат тезлиги, м/с;  $f$  – дұмаланши коэффициенті,  $f = 0,15\dots0,2$ .

Иккинчи ташкил қилувчи күйидаги формула орқали ҳисобланади

$$N_k = 10^4 k_k \delta b a z n / 6, \quad (84)$$

бу ерда  $a$  – ишлов чуқурлығы, см;  $z$  – пичоқтарни умумий сони;  $n$  – фреза барабанининг айланши частотаси, мин<sup>-1</sup>.

Үчинчи ташкил қилувчи

$$N_{up} = 5 \cdot 10^{-4} k_0 G_T u_b^2, \quad (85)$$

бу ерда  $G_T$  – 1 секундда иргитиладиган тупроқ массаси;  $k_0$  – ишчи органдың шаклига болғыл бұлған иргитиш коэффициенті;  $u_b$  – барабанинг айланма тезлигі, м/с.

Тупроққа ишлов беришга қувват сарфи солиширмалы қувват сияғими, яғни бирлік әжамға (масалан, дм<sup>3</sup>) сарфланадиган иш бүйіча бақоланади. Юқорида келтирілген формулалардан күрениб турибдікі, пичоққа узатиш камайиши ва илгариланма тезлик күпайиши билан солиширмалы иш кескін ошади, шунинг учун фрезаларнинг ишчи тезліклари нисбатан катта әмас – 1,1…1,4 м/с (4… 5 км/с).

### Таянч иборалар

Культиватор, панжа қамраш кенглігі, очилиш бурчаги, увалаш бурчаги, илдизни тиғ бүйіча ишқаланиш коэффициенті, кесиши бурчаги, қархланиш бурчаги, увалаш бурчаги, солиширмалы қаршилилік, тортишга қаршилилік, фреза пичоги, кинематик тартиб коэффициенті, циклоїда, пичоққа узатиш, қиринді қалинлігі, пичоқтар сони, ўркачлар

баландлиги, кесишігі солиширмаса каршилик коэффициенті, қувват сарғи, барабаннинг айланма тезлигі.

### *Назорат саволлари*

1. Культиватор ишчи органларининг асосий параметрларини көлтириңг? 2. Панжа очилиш бурчагининг қыйматы қандай омилларни ҳисобга олған ҳолда қабул қилинади? 3. Ўтоқбоп панжанинг тифи бўйича илдизларни сирпаниш шартини көлтириңг? 4. Панжанинг куч тавсифини көлтириңг? 5. Чопик культиватори панжаларининг қамраш кенглиги қандай қабул қилинади? 6. Юмшатиш панжалари билан тупроқни деформацияланиш зонасини тавсифлаб беринг? 7. Культиватор секциясига қандай кучлар таъсири қиласди? 8. Культиваторнинг мувозанатлиги қандай аниқланади? 9. Культиватор ишчи органларини рамага кўзғалмас беркитиш системасининг қандай афзаллуклари ва камчиликлари бор. 10. Фреза пичокининг ҳаракат траекториясини чизиб беринг? 11. Фрезанинг кинематик тартиби кўрсаткичини тавсифлаб беринг? 12. Фреза иши учун талаб қилинган қувват қандай формула орқали ҳисобланади?

## 12 - Б О Б

### ТУПРОҚНИ ҲИМОЯЛАБ ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ ВА ҚУРОЛЛАРИ

Шамол, сув оқими ва қишлоқ хўжалиги машиналарининг механик таъсирида тупроқнинг ҳосилдор заррачаларини нураши ва ювилиши тупроқ эрозияси деб аталади. Барча тупроқлар юқори ёки паст даражада эрозияга чалинган. Демак, ҳар қандай тупроққа ишлов бериш машинаси у ёки бу даражада эрозияга қарши бўлиши керак. Аммо бажарадиган операцияларининг бош вазифаси тупроқ эрозиясига қарши курашиш бўлган машиналаргина эрозияга қарши машиналар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон экин майдонларининг 70% дан кўпроғи шамол ва сув эрозиясига учраган. Айниқса, дашт зоналари юқори даражада шамол эрозиясига учраган. Эрозияни олдини олишнинг асосий омилларидан бири тупроққа ишлов беришнинг маҳсус технологиялари ва техник воситаларини кенг қўллашдир.

#### 1-§. Сув эрозиясига қарши кураш машиналари

Нишабликларнинг тупроғи сув эрозиясига чалинган. Уларнинг тупрокларига ишлов бериш усули нишабликнинг тиклигига боғлиқ.

Нишабликнинг тиклиги 6° гача бўлганда пояларни саклаб ёки уларни плуглар билан тўлиқ кўммасдан ишлов бериш ҳамда оддий шудгорда чукурчалар ҳосил қилиш тавсия қилинади.

Нишабликнинг тиклиги 6° дан 13° гача бўлганда сув йифадиган ариклар ва органик моддалар (гўнг ва бошқа) билан тўлдирилган тирқишилар ҳосил қилиш мақсадга мувофиқиди.

Нишабликнинг тиклиги 13° дан катта бўлганда террасерлар ҳосил қилиниади. Бу плантаж плуглар ва маҳсус машиналар – террасерлар билан амалга оширилади.

Нишабликларда содир бўладиган сув эрозиясига қарши кураш сувни тўхташини таъминлайдиган ташкилий ва агротехник тадбирлар тизимидан иборат. Унга қуидагилар киради: тупроққа ўз вактида ишлов бериш, шудгорлаш билан бирга шудгор тубини юмшатиш, шудгорлаш билан бир вактда шудгор юзасида сув тўсгичлар ва уюмлар ҳосил қилиш, чукурликлар ва узук әгатлар ҳосил қилиш ва ҳоказо.

Нишабликларни шундай шудгорлаш керакки, бунда әгатлар нишабликка кўндаланг бўлиб, горизонталлар бўйича ўтиши керак. Ҳайдов агрегати ҳар бир ўтишда нишаблик бўйича қўтарилимасдан ва тушмасдан бир хил баландликда туриши керак. Нишаблик тиклиги 3° дан катта бўлганда далаларни горизонталлар бўйича шудгорлаш бўйлами шудгорлашга нисбатан тупроқни ювилишини 2 марта камайтиради, сув заҳирасини қўпайтиради ва ҳосилдорликни оширади. Нишабликларни шудгорлаш учун текис ишлов берадиган плугларни қўллаш мақсадга мувофик. Тиклиги 20° гача бўлган нишабликларга палаҳсанни нишаблик бўйича пастга ағдариб уюмлар ва арикларсиз ишлов берилиши керак.

Чуқур шудгорлаш тупроқни сув сингдириш қобилиятини оширади ва мос ҳолда ёгин сувларини тўхтатишда яхши самара беради. Чуқур шудгорлаш чуқур юмшатгичлар билан жиҳозланган ағдаргичли плуглар ва чизел плуглар билан амалга оширилади.

4° гача бўлган нишабликларни шудгорлаш учун комбинациялашган (погонасимон) шудгорлаш хам қўлланилади. Бунинг учун плугда ағдаргичли ва ағдаргичсиз корпусларнинг ҳар хил бирикмаси қўлтанилади ёки ағдаргичи узун бўлган, стандарт бўлмаган битта корпус ўрнатилиади, у нишабликка кўндаланг бўлган тупроқ уюмини ҳосил қиласади. Уюмлар сувнинг оқишини тўхтатади.

Нишабликларга ишлов берадиган машиналарнинг тури эрозияга қарши ишлов бериш усулига боғлиқ.

Чуқурча ҳосил қилгич лушчилик асосида қилинган бўлиб шудгорда ва шудгор қилиб қўйилган далада чуқурчалар ҳосил қилиш учун

мүлжалланган. У секция валида эксцентрик ўрнатилган ва бир-бирига нисбатан  $180^{\circ}$  бурилган жуфт дисклар (99-расм) кўринишида бўлади.

Батареядаги ботик дискларнинг диаметри 450 мм бўлиб, улар  $30^{\circ}$  ҳужум бурчаги остида ўрнатилади. Секциядаги жуфт дисклар навбатманавбат тупроққа ботиб, чукурлиги бўйича овал ва йўриши бўйича чўзиқ чукурчалар ҳосил қиласди. Чукурчанинг ўртача сифими 20...25 л, 1 гектарда уларнинг умумий сони 12...14 мингта.

Шудгорлаш билан бир вақтда чукурчалар ҳосил қилинганда плут ботик дискли батарея билан жиҳозланади.


Сув эрозиясидан ташқари шамол эрозиясига ҳам чалинган тупрокларда ботик дисклар ўрнида текис дисклар кўлланилади. Улар палахсаъарни айлантирмай тупроқни суради ва пояларни кам шикастлантиради.

Поялар тупроқни шамол таъсирида учеб кетишидан сақлайди ва памни сақланишига имкон яратади.

Тирқиши очгичлар нишабликларда тирқиши ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Уларнинг ишчи органлари пичоклар (99a -расм).

Фасон юзали фалтаклар нишабликларда ҳар хил йўналишида дўнглик ва чукурликлар ҳосил қилиш учун кўлланилади.

Узук-узук эгатлар ҳосил қилиш учун мосламалар (99б-расм) плуглар ва культиваторларда ўрнатилади.



99-расм. Сув эрозиясига қараш машиналарининг ишчи органлари.

а – чукур ҳосил қилгиччининг эксцентрик дисклари; б – тирқиши очгич пичоги; в – узук ариқ очгич ротори;

1 – калта ағдаригичли корпус; 2 – мослама тизгини; 3 – паррак; 4 – таянч дастак; 5 – пружинали штанга.

Мосламанинг ишчи органи паррак (99г-расм) бўлиб, у уч (плугларда) ва тўрт куракли (культиваторларда) бўлади. Паррак машина билан бирга олдинга ҳаракатланганда даврий равишда, баъзан унинг айланниши секинлашади ва тупроққа ботган кураги билан ариқча очади, баъзан унинг кураги тупроқдан бўшайди ва натижада нишабликларда ёғин сувларни тўхтатиш учун узук-узук эгатлар ҳосил бўлади.

## 2-§. Шамол эрозияга қарши тупроққа ишлов бериш машиналари

Замонавий шамол эрозиясига қарши тупроққа ишлов бериш машиналари қүйидаги тасиғланады: вазифаси бүйича экиш олдидан анфизга ва шудгорланған далаларга чукур ва саёз асосий ишлов бериш машиналари; ишчи органларининг тури бүйича текис кесгич, штангали, нинасимон ва бошқа; ишлов бериш чуқурлиги бүйича чукур юмшатадиган ва тупроққа юза ишлов берадиган; мураккаблиги бүйича оддий ва ишчи органлари мажбурий ҳаракатта көлтириладиган мураккаб; бажарадиган операцияларни сони бүйича биттә операцияни бажарадиган, икки ва ундан күп операцияларни бажарадиган (ишчи органлари алмашиналадиган), бир ўтишда бир нечта операцияларни бажарадиган мужассамлашған; тракторга боғланиш усули бүйича тиркама ва осма.

**Агротехник талаблар.** Эрозияга қарши тупроққа ишлов бериш машиналарига қўйидаги агротехник талаблар қўйилади:


- машиналар белгиланған чуқурликда ишлов берилган тупроқ қатламини юмшатиши лозим. Бунда саёз юмшатилганда ( $16 \text{ см}$  гача) тупроқ  $3 - 25 \text{ мм}$  катталиктада, чукур юмшатилганда ( $30 \text{ см}$  гача)  $3 - 50 \text{ мм}$  катталиктадаги фракцияларга увалаш мақсадга мувофик.  $0 - 5 \text{ см}$  қатламда диаметри бүйича ўлчами  $1 \text{ мм}$  гача бўлган эрозион хавфли тупроқ фракциялари кўпаймаслиги керак, тупроқ юзасида эса дастлабки микдорига нисбатан  $60 - 90 \%$  поялар сакланиб қолиши керак;

- машина ўтгандан сўнг бегона ўтларнинг томири тўлиқ кесилган бўлиши ва иш жараённада унинг ишчи органларига ўсимлик қолдиқлари тикилиб қолмаслиги керак;

- машина дала микрорельефига яхши мослашиши керак ва чуқурлиги бүйича барқарор ишлапши лозим. Ўртacha юмшатиши чуқурлигидан саёз ишлов берилганда  $\pm 10 \%$  ва чукур ишлов берилганда  $\pm 5 \%$  четлашиш рухсат этилади. Шудгор юзасининг ўркачлиги саёз ишлов берилганда  $3 \text{ см}$  дан, чукур ишлов берилганда  $7 \text{ см}$  дан катта бўлмаслиги керак.

### 2.1-§. Ишчи органларнинг турлари ва уларнинг асосий конструктив элементлари

**Агдаргичсиз корпус** (100-расм) тупроқни яхши юмшатади. Лемех 1 билан кесилган ва қисман уваланған палаҳса кенгайтиргич 2 бүйича маълум баландликка кўтарилади, сўнгра эса эгат тубига тушади ва зарба таъсирида қўшимча майдаланади. Қалқон 2 корпус тутқичини сийлишдан саклайди.




100-расм. Ағдаргичсиз корпус.

1 - тутқич; 2 - қалқон; 3 - кенгайтиргич; 4 - лемех.

Палахсага ағдаргичсиз корпус билан ишлов берилганда у деярли аралашмайды ва тупрок қатлами ағдаришмай ўз ўринида қолади, бирок ишлов берилган да да тупроғининг зичлиги камаяди, ғоваклиги эса ошади.

**Панжа** (101-расм) шамол эрозиясига чалинган тупроқларни чукур юмшатиш учун мұлжалланган культиватор-текискеғіч-чукур юмшатчилар-нинг ишчи органды ҳисобланади. Панжа шакли бүйіча ўқ ёйсім он бўлиб, унинг тик тутқичи 9 нинг пастғи қисмига товоң 10 пайванд қилинган. Товоңга бошмоқ 11 орқали исказа 13 ва чап ва ўнг лемехлар 12 беркитилади.



101-расм. Текискеғіч-чукур юмшатгич КПГ-2-50.


1 - рама; 2 - осиш қурилмаси; 3 - ишчи орган; 4 - чукурликни созлаш механизмі; 5 - таянч гидрипак; 6 - овал тешік; 7 - созловчи болт; 8 - бурчак; 9 - тутқич; 10 - товоң; 11 - бошмоқ; 12 - лемех; 13 - исказа.

Ейилишга чидамлилігіні ошириш учун лемехлар қаттық «сормайт» күйишмаси билан қопланған. Бу уларни иш жараёнида ўз-ўзидан чархланишини таъминлады. Товоң 10 бошмоқ 11 га текис бошчали болтлар билан беркитилади. Ишчи органды бўйлама тик текисликда созлаш учун тутқичнинг юқори қисмидаги учбурчак 8 га созловчи болт 7 ўрнатилган бўлиб, унинг бошчаси рамага тирагиб туради, бу эса ишчи органдың эгат тубига нисбатан ўрнатиш бурчагини созлашга имкон беради. Тутқичдаги орка тешік 6 овал шаклида қилинган,

тутқичнинг қиррасида чизик, бўйлама тўсинда эса шартли шкала чизилган, у ишчи органинг рамага нисбатан ҳолатини назорат қилишга имкон беради. Текис кесгич чукур юмшаттич КПГ-2-50 нинг очилиш бурчаги  $100^{\circ}$ , увалаш бурчаги  $25^{\circ}$  ва қамраш кенглиги 160 см бўлган иккита ишчи орган – панжа билан жиҳозланган. Текис кесгич КПГ-250 эса чукур юмшатиш учун қамраш кенглиги 110 см бўлган ва 16 см чукурлиқда тупроққа ишлов бериш учун қамраш кенглиги 250 см бўлган битта ишчи орган билан бутланган.

*Юмшаткич-тирқиши очгич* тутқич 1, пичноқ 2, исказа 3 ва бошмоқ 4 дан иборат (102-расм). У тупроққа 30 см гача ишлов бериш учун мўлжалланган. Юмшаткич тупроққа ботиб палахсанинг зичлашган қатламини икки томонга сурари натижада қия ва кўндаланг дарзлар ҳосил бўлади. Бундай ишчи органлар сезиларли тортиш қаршилигига молик.


«Параплау» туридаги плуг-юмшаттич тупроққа асосий ишлов бериш, ҳайдов қатламини юмшатиш ва чукурлаштириш, кўп йиллик ўтлоқларни тубдан яхшилаш учун мўлжалланган.



102-расм. Юмшаткич-тирқиши очгич ишчи органи.  
1 - тутқич; 2 - пичноқ; 3 - исказа; 4 - бошмоқ.

«Параплау» туридаги плуг-юмшаттич (103-расм) ишчи органлари конструкциясининг ажралиб турадиган хусусияти кўндаланг тик текисликда тутқичининг  $45^{\circ}$  бурчак остида қиялиги ва тутқичнинг орқа пастки қисмида ўрнатиладиган буралма созланадиган ағдаргич 2. Тутқичнинг пастки қисмида алмашинадиган исказа билан бошмоқ 3 беркитилган. Тутқичнинг олд қисми бир томонлама чархланган бўлиб, ўнга алмашинадиган пичноқ 5 беркитилган. Чап томондан бошмоқ 3 га дала тахтаси 6 беркитилган.

Плуг-юмшатгичнинг иш жараёнида тупрок палахсаси тутқич ва юмшатгич пластинанинг ишчи юзаси таъсирида бўйлама тик ва кўндаланг тик текисликларда эгилади. Бунда юзага келадиган эгилиш ва чўзишиш кучланишлари палахса агрегатлари орасидаги энг кичик боғликлик чизиги бўйича синиқлар ҳосил бўлишишга олиб келади. Палахса ишчи орган юзасидан чиққанидан сўнг эса эгатга тушишидаги зарба туфайли қўшимча майдаланади. Шундай қилиб, палахсани юмшатилиши тупрок агрегатлари аралашмасдан ва юзага чикмасдан амалга ошади. Юмшатиш даражаси юмшатгич пластинани ўрнатиш, ишчи органлар орасидаги масофани ва плугнинг тезлигини созлаш орқали ўзгартирилади. Ишлов берилган дала юзасида 90% гача ўсимлик қолдиқлари қолади, тупроққа кўп сонли ёриклар ва синиқлар ҳосил бўлиши туфайли юзадаги намни ўқотилиш ағдаргичли шудгорлашга нисбатан 85-90% га камаяди. Плуг-юмшатгич билан тупроққа ишлов беришга кетган энергия сарфи анъанавий ағдаргичли плугларга нисбатан ўртacha 30% га кам.




**103-расм. Қия тутқичли «Парайлau» туридаги ишчи орган.**  
 1 - қия тутқич; 2 - ағдаргич (юмшатгич пластина); 3 - бошмоқ; 4 - исказа; 5 - пичноқ; 6 - дала тахтаси.

**Исканасимон юмшатгичлар ёки ўқёйсимон панжалар** билан жихозланган чизелли плуг-чукур юмшатгич *ПЧ-4,5* (104-расм) тупроққа ағдаргичсиз ишлов бериш, нишабликлар ва шудгорлаб қўйилган далаларни чукур юмшатиш учун мўлжалланган.

Плуг учбурчак рама 4, ишчи органлар - юмшатгичлар 1, таянч гидрираклар 2, ишлов бериш чукурлигини созлагич 5 ва осма 3 дан иборат. Плуг рамасига тўққиз ёки ўн битта юмшатгични ўрнатиш мумкин.

Юмшатгич тутқич 6, йўналтиргич 7, кенглиги 60 *мм* бўлган исказа 8 ёки кенглиги 270 *мм* бўлган ўқёйсимон панжа 9 дан иборат. Искана

юмшаттичнинг тутқичига шплитли ўқ билан, ўқ ёйсимон панжа эса болтлар билан беркитилади.



104-расм. Чизелсимон плуг ПЧ-4,5.

а ва б – иш органларни жойлашиш схемаси; в ва г – юмшаттичлар; 1 – юмшаттичлар; 2 – гидравликлар; 3 – осма; 4 – рама; 5 – чукурликни созлагич; 6 – тутқич; 7 – йўналтиргич; 8 – исказа; 9 – ўйёйсимон панжа.

Исканасимон юмшаттичлар 45 см чукурликкача лемехли плуглар билан шудгорлашдан сўнг ҳосил бўлган зичланган товонни юмшатиш учун қўлланилади, бу эса ёмғир ва эриган қор сувларини яхши аэрация ва инфильтрациясини таъминлайди. Ўйёйсимон панжалар 30 см чукурликкача бегона ўтларни кесиш билан бирга оғир тупроқларни юмшатиш учун мўлжалланган. Юмшаттичларни жойлаштириш қадамли ишлов бериш чукурлигига боғлиқ.

Тупроқнинг юқори қатламини қўшимча майдалаш ва даала юзасини текислаш учун плутга бороналар ёки маҳсус мосламалар боғланади.

Плутнинг қамраш кенглиги 4,5 м, иш тезлиги 8 км/соат гача, меҳнат унумдорлиги 3,2 га/соат. У 4-5 синфдаги тракторлар билан агрегатланади.

#### *Таянч иборалар*

Эрозия, шамол эрозияси, сув эрозияси, нишаблик, горизонтал, эксцентрик диск, паррак, исказа, панжа.

#### *Назорат саволлари*

1. Эрозияни қандай турлари бор ва уларни келирадиган зааррлари?
2. Шамол эро-зиясини юзага келишининг асосий сабаблари нима?
3. Эрозияга қарши машиналарга қандай агротехник талаблар қўйилади?
4. Қандай курол ва машиналар эрозияга қарши техникалар мажмуига киради?
5. Шамол эрозиясига қарши тупроққа ишлов бериш машиналари қандай белгиларига асосан тавсифланади?
6. Сув

эрозиясига учраган нишабликлар тупроғига қандай ишлов бериш усуулари құлланилади? 7. Горизонталлар бүйича шудгорлашни таърифланғ? 8. Чукур ҳосил қылгич қандай ишчи органлардан иборат? 9. «Параплау» туридаги чукур юмшаттіч ишчи органдар иш жараённинг айрим хусусиятларини таърифланғ?

### 13 - Б О Б КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТЛАР

Бир қанча операцияларни бажаришни зарурлиги билан боғлиқ бўлган тупрокка ишлов бериш агрегатларининг дала бўйича кўп марта ўтиши албатта, тупрокни ўта зичланишига ва чангланишига олиб келади. Беш корпусли плуг билан шудгорланганда дала юзасининг 40...50% ини трактор зичлайди. Тракторнинг юриш қисми ва машиналарнинг фидирияллари таъсирида тупрокнинг донадор кесаклари парчаланади ва зарачаларга айланади, унинг зичлиги ошади, капиллярлиги ва нам ўтказиши камаяди, табий ҳосилдорлиги бузилади.

Айникса, нам етарли бўлмаган ва енгил структурасиз тупрокларда кўп ишлов бериш ўта заарали. Жадал ишлов берилганда ҳосилдор қатлам зарралари шамол таъсирида учеб кетади, сув эрозияси туфайли органик моддалар йўқолади ва тупрокнинг структураси ёмонлашади. Шунинг учун тупрокка минимал ишлов бериш кенг тарқалмокда, бунда ишлов бериш сони ва тракторларни дала бўйича ўтиши камаяди, операцияларни ўтказиш муддатлари кескин қисқаради. Бунинг учун бир ўтишда бир нечта операцияларни бажарадиган комбинациялашган машиналар ва агрегатлар қўлланилади.

Комбинациялашган машиналар ва агрегатларни кўллаш юриш қисмларни тупроққа заарли таъсирини камайтиради, ишларнинг сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш воситаларини камайтиради.

Комбинациялашган машиналар асосан уч турга бўлинади: айрим операцияларни бажарадиган кетма-кет боғланган оддий қуроллардан тузилган агрегат; рамасига оддий қуроллардан олинган кетма-кет беркитилган вазифаси бўйича ҳар хил ишчи органли машина; технологик жараённинг барча операцияларини бажарадиган маҳсус комбинациялашган ишчи орган билан жиҳозланган машина.

Замонавий комбинациялашган агрегатлар таъсир принципига асосан пассив, фаол, фаол ва пассив ишчи органлар бирикмасидан тузилган бўлиши мумкин.

Комбинациялашган машиналарнинг конструктив ечими, уларни кўллаш жойи ва ҳажми, ҳудуднинг табиий-иқлим шароитлари, ишлов бериладиган тупроқнинг физик-механик ва технологик хоссалари, тупроқка ишлов бериш технологиясига агротехник талаблар, технологик операцияларни бир вақтда ўтказиш мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги ҳамда энергетик асос (кўлланиладиган тракторларнинг куввати, конструктив ва фойдаланиш афзаликлари) билан белгиланади.

Комбинациялашган машиналар танланганда уларнинг техник-иктисодий кўрсаткичлари эътиборга олинини лозим.

Технологик операцияларни бир вақтда ўтказиш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги қўлланиладиган декҳончилик ва тупроққа ишлов бериш тизими, далаларни бегона ўтлар билан ифлосланганлиги ва уларни тури бўйича таркиби, метеорологик шароитлар, энергетик воситаларнинг параметрлари, агрономик, техник-иктисодий ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Технологик операцияларни бир вақтда ўтказиш ва комбинациялашган машиналарни қўллашни қўйидагилар белгилайди:

- операцияларни бажариш муддатларини тўғри келиши, масалан, гўзапояни йигиб олиш, асосий ишлов бериш, тупроқни экишга тайёрлаш, ўғит солиш, экиш; экиш олдидан ишлов бериш, ўғит солиш ва бошқа;

- операцияларни кисқа муддатларда ўтказишни мақсадга мувофиқлиги ва зарурияти, масалан, пахта далаларига кузги буғдор ёкиш учун тупроқни тайёрлаш ва экиш;

- кўзда тутилган операциялар айрим ҳолда бажарилганда метеорологик шароитлар уларнинг самарадорлигини пасайтириши, масалан, ёз ойларида такрорий экинлар ёкиш учун тупроқни анъанавий усуслда тайёрлаш иссиқ ҳаво таъсирида уни ортиқча қуришига олиб келади;

- комбинациялашган машиналарни агрегатлаш учун мос тортиш синфдаги серқувватли тракторларни мавжудлиги;

- технологик операцияларни бир вақтда бажариш учун ишли органдарни мосланганлиги, масалан, тупроқни экишга тайёрлаш ва ёкиш учун.

Технологик операцияларни бир вақтда ўтказишининг мақсадга мувофиқлиги текширишлар ва ишлаб чиқариш тажрибалари билан тасдиқланган:

- кўнглих ҳолларда операцияларни бир вақтда бажариш уларни айрим-айрим бажарганига нисбатан тупроқни кисқа муддатларда сифатли тайёрлашга имкон яратади. Бу тупроқда намни сақлаш ва ургуни белгиланган муддатларда янги ишлов берилган нам тупроқка экишга

имкон беради, натижада экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш учун шароит яратилади;

- технологик операцияларни бир вактда ўтказиш агрегатни дала бўйича ўтишлар сонини кескин қисқартиради ва тракторлар юриш тизимларининг зарапли таъсирини камайтиради. Операциялар айрим ўтказилганда даланинг 80% гача юзаси трактор филидираклари билан зичланади, шундан 30% юза бир марта, 20% - икки карра, 15% - уч карра ва 5% - тўрт карра ўтишлар таъсирида бўлади. Технологик операциялар бириктирилганда ўтишлар сони ва зичланадиган юза 2-3 мартага камаяди;

- технологик операцияларни бириктириш тупроққа ишлов бериш ва экишнинг умумий кувват сарфини камайтиради натижада меҳнат унумдорлиги ошади, солиштирма ёқилғи сарфи камаяди ва харажатлар қисқаради;

- операцияларни бириктириш технологик жараёпларни тугаллашга нокурай об-ҳаво шароитлар таъсирини камайтиради;

- комбинациялашган машиналар ва агрегатларни қўллаш серқувват тракторларни яхши юклашга имкон яратади, айникса, кенг қамровли агрегатларни қўллаш қўйин бўлган кичик далаларда.

Бир қатор ишларни фақат комбинациялашган машиналар билан бажариш мумкин. Масалан, тупроққа ўғит ва мелиорантлар, айрим ҳолларда пестицид, сувсиз аммиак солиш.

Кишлоқ хўжалик техникаларининг ривожланишини ҳозирги босқичида Ўзбекистон шароитида қуйидаги технологик операцияларнинг бирикмаси мумкин:

- гўзапоя майдалаш, тупроққа асосий ва экипп олди ишлов бериш, экиш ва ўғит солиш;

- тупроққа асосий ва экиш олди ишлов бериш ва ўғит солиш билан бирга керакли дала юзасини шакллантириш (масалан, эгат ва жуяклар олиш);

- қатор ораларига ишлов бериш билан бирга ўғит солиш ва заҳарли моддалар сепиш.

- тупроқни экишга тайёрлаш операциялари (юза текислаш, кесак эзиш, тупроқни зичлаш ва бошқа) билан бирга ўғит солиш.

Ҳозирги вактда хорижий мамалакатларда комбинациялашган агрегатларнинг кўп варианatlари яратилган ва улар кенг қўлланилмоқда.

Тупроққа асосий ишлов бериш учун мўлжалланган машиналарда ишчи органларининг асосан қуйидаги бирикмасидан фойдаланилади: лемех-ағдаргичли корпус, чукурюмшаттич, ғалтак-кесакзэгич, ўғитсолтич;

калта агадаргичли корпус, айланиш ўқи тик бўлган фаол ротор (комбинациялашган ишчи органли плуг); юмшаттич панжа, айланиш ўқи горизонтал бўлган пичоқли барабан, галвир (тупроққа ишлов бериш учун комбинациялашган машина АКПР); дискли батареялар, текискесгичлар, борона, галтак (комбинациялашган тупроққа ишлов бериш агрегати АКП) ва ҳоказо.


Экиш олдидан тупроққа ишлов бериш машиналарида қуидаги ишчи органлар бирикмаси қўлланилади: пружинасимон юмшаттич панжалар, текискесгич, галтак (РВК); нинасимон ротацион мотига, текислагич тахта, галтак; ариқочтич корпуслар, фрезали юмшаттич секциялар; панжа окучниклар, фреза (фрезали культиватор-пушта ҳосил қилгич КГФ) ва ҳоказо.

105-расмда плугларнинг лемехли корпуси, ҳайдов қатламида кесакларни эзиш, бўшликларни бартараф қилиш ва тупроқни зичлаш мосламаси ва сеялка қурилмасининг бирикмаси келтирилган.


Шудгорлаш билан бир вактда зичлаш ва экиш учун мўлжалланган «Квернеланд» фирмасининг ES-80-4К русумли айланма плугли Пакомат Сеедер сеялкаси 106-расм асосида ясалган. Бундай ҳайдов-экиш агрегатининг камчиликларига қуидагиларни киритиш мумкин: бесўнақайлик, нисбатан кичик қамров кенглик, ёмон манёврчанлик.

Кўпчилик ҳолларда юқори кувват сифимли шудгорлашини кам энергия сифимли (экиш, тупроқни экишга тайёрлаш ва ҳоказо) операциялар билан бириктириш мақсадга мувофиқ эмас. Шудгор юқори кувват сифимли бўлганилиги учун бу операцияларни бажариш учун мўлжалланган комбинациялашган агрегатнинг ва мос ҳолда корпуслари анъанавий схемада, яъни погонасимон жойлашган плугнинг қамраш кенглиги нисбатан кичик бўлади, бу эса меҳнат унумдорлигини камайтиради ва тупроқни экишга тайёрлаш муддатини узайтиради. Маълумки, экиши чекланган агромуддатларда ўтказиш лозим. Айниқса, катта майдонларда бундай агрегатлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан фойдасиз бўлиши мумкин.

Агадаргичли асосий ишлов бериш билан бирга кесак эзиш ва шудгор юзасини текислашни бажарадиган комбинациялашган фронтал плуг (106-расм) энг пестиқболли ҳисобланади. Бу агрегатда корпуслар фронтал, яъни ҳаракат йўналишига кўндаланг жойлашганлиги учун уларнинг узунлиги қамраш кенглигига боғлиқ, эмас. Таянч-юмшаттич-текислагич галтак рамага шарнирли диркиллама беркитилганлиги туфайли плугнинг оғирлик кучи ва ишчи органларга тупроқ реакциясининг тик ташкил қилувчи кучи сенгил галтак томонидан кесак эзиш ва шудгор юзасини текислаш учун фойдаланилади.



105-расм. Плуг, галтак ва экиш қурилмасининг бирикмасидан иборат комбинациялашган агрегат.




106-расм. Комбинациялашган фронтал плутнинг принципиал схемаси.  
1 – корпус; 2 – заплужник; 3 – галтак.

Қамраш кенглигига боғлиқ бўлмаган кичик узунлик, симметрик ихчам конструкция, иш жараёнида очик эгатлар ва марзаларни ҳосил бўлмаслиги истиқболда фронтал плуглар асосида даладан бир ўтишда куйидаги операцияларни бажарадиган комбинациялашган агрегатларни яратишга имкон беради: ғўзапоя майдалаш – шудгорлаш – юмшатиш – ўғит солиш; ғўзапоя майдалаш – шудгорлаш, юмшатиш – зичлаш – экиш; шудгорлаш – юмшатиш – пушта ва жўяклар олиш – ўғит солиш ва ҳоказо.

Ғўзапоя майдалаш ва асосий ишлов бериш операцияларини бир вақтда бажарадиган комбинациялашган агрегат (107-расм) тракторнинг олд қисмига ёки плугга ўрнатилган ғўзапоя майдалагич ва плугдан иборат. Бундай плутнинг қамраш кенглиги ва унинг корпусларини қамраш кенглигига қатор оралиғи кенглигига карра бўлиши шарт, яъни плуг бир ўтишда бир ёки бир неча қаторга ишлов бериши керак.

Ғўзапоя майдалагичли ҳайдов–экиш комбинациялашган агрегатларни кўллаш пахта далаларига кузги бугдой экишда катта самара беради. Худди шунингдек, ғўзапоя майдалаш, қатор оралигини чукур юмшатиши билан бирга локал ўғит солиш, эски ариклар ўрнида пушта ҳосил қилиб пахта далаларини пахта экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегатни (108-расм) кўллаш ўтишлар сонини кескин камайтиради, тупроқни таназзулга учрашни олдини олади, ўғит сарфини 25% га, фойдаланиш харажатларини 55-60% га камайтиради.




107-расм. Ғўзапоя майдалагич ва икки ярусли плут корпузларини ўзаро жойлашиши схемаси.

1 – юқори корпуз; 2 – пастки корпуз; 3 – ғўзапоя майдалагич.

Экиш олдидан тупроқни тайёрлаш ва экиш учун комбинациялашган агрегатларни яратиш бўйича техник ечимлар турлича бўлиб, улар тупроқ-икклим шароитларнинг ҳар хиллиги ва экиласидаган экинларнинг айrim хусусиятларига боғлиқ. Масалан, нами етарли ва ортиқча бўлган оғир тупроқларда 109-расмда келтирилган комбинациялашган агрегатлар кўлланилиши мумкин, уларда ўқ ёйсимон панжаларни пружинасимон юмшатгич иш органларига алмаштириш кўзда тутилган.


110-расмдаги комбинациялашган агрегат панжали (юмшатгич) ишчи органлар, ҳалқасимон ғалтаклар, текислагич брус ва экиш қурилмасидан иборат. Бу куролнинг иш жараёнида олдинги қатор культиватор панжалари тупроқни юмшатади, кесакларни туртади ва қатор оралиғига суради, улар эса ғалтакнинг ҳалқалари зарбасига учраб парчаланади ёки тупроқка босилади. Олдинги жуфт (панжа ва ғалтак) ишчи органлари ишининг юқори самарасига уларнинг ҳар бирининг айrim

хусусиятларидан макбул фойдаланиш оркали эришилади. Юмшатувчи ишчи орган палахсаны күтәриб уни тутқичлари билан ҳар томонга суради ва кесакларни иккى қаторга ёткизади. Панжалар орасида жойлашган сийрак ҳалқалар бу қаторлар бўйича ўтиб кесакларни шиддат билан майдалайди.




108-расм. Пахта далаларини пуштали экишга тайёрлайдиган комбинациялашган агрегат.

1 – рама; 2 – юмшатгич; 3 – чукур юмшатгич; 4 ва 5 – чап ўнга ағдарувчи корпуслар; 6 ва 7 – ўғитутказгичлар; 8 – таянч фиддирак; 9 - ўғитутказгичлар; 10 – қадақлагич; 11 – сифим.



109-расм. Тупроққа ишлов бериш комбинациялашган агрегатининг схемаси (РВК).

1 ва 3 – пружинасимон юмшатгич панжалар; 2 – сийрак кесак эзгич фалтак; 4 – текислагич брус; 5 – ҳалқали-тепкили фалтак.



110-расм. Панжали юмшатгич, ҳалқасимон ғалтаклар, текислагич брус ва экиш қурилмасидан иборат комбинациялашган агрегат.

Сийрак ғалтакларда фаол юкламанинг катта қисми тўпланган ва демак куролнинг массаси юқори самарали фойдаланилади. Олдинги ғалтак ҳалқалари ортидан келаётган иккинчи қатор панжалалар қолган майдонни юмшатади ва тупроққа босиб киргизилган кесакларни парчалайди. Иккинчи қатор панжалаларидан отилиб чиқсан тупроқ текислагич қурилма билан майдаланади. Пружинали текислагич брус тишлари билан кесакларни майдалайди ва дала микрорельефини текислайди. Бунда культиватор панжалари ҳосил қилган ўркачлар текисланади ва туташ ғалтак иши учун яхши шароит яратилади. Текислагич брус ва туташ ғалтак биримаси бутун майдон бўйича тупроқни бир текис зичланишини таъминлайди.

Шундай килиб, пассив ишчи органларидан ташкил топган бундай курол тупроқни юмшатади, кесакларни майдалайди, микрорельефни текислайди, тупроқни юқори қатламини зичлайди ва экиш қурилмаси билан экин экиш учун яхши агрофон яратади.

Бу схема РВК-3, РВК-3,6, РВК-5,4, РВК-7,2 комбинациялашган агрегатларида кўлланилган. Ушбу агрегатлар бир ўтишда тупроқни юқори сифатли тайёрлайди ва культивация, тупроқни текислаш ҳамда текис ғалтак билан ишлов беришни алмаштиради. Бундай турдаги агрегатларда пружинасимон ишчи органлар ўрнини ўзгартириш мумкин.

Тупроқни экишга тайёрлаш ва экиш учун мўлжалланган комбинациялашган агрегатларда тупроқнинг шароитига боғлиқ ҳолда юмшатгич ишчи органлари 2-3 қатор қўйилиши ва ғалтаклар эса текис, ҳалқали-тепкили, чивикли ёки бошқа турда бўлиши мумкин.

Тупрокни экиш олдидаң тайёрлаш учун пассив ва ярим фаол ишчи органларнинг (бир, иккى ёки уч қатор ўрнатилган юмшатгичлар, ротацион, панжали ва пружинасимон ишчи органлар, галтаклар, дисклар, текислагичлар ва бошқа) бирикмалари ҳам мавжуд.

Оғир тупрокларга ишлов бериш учун чукур юмшатгичлар (чизель туридаги) ва ўзаро занжирли узатма билан боғланган уч изли ярим фаол ротацион ишчи органлар бирикмасидан фойдаланилади. Ротацион ишчи органлардан кейин галтаклар ёки текислагич брус ўрнатилиши мумкин. Оғир тупрокларда (қаттиқлиги 3,5 МПа ва юқори) пассив ишчи органли агрегатлар ишлов бериладиган катламни сифатли майдаланишини таъминламайди. Бундай шароитларда фаол ва пассив ишчи органлар бирикмасидан иборат комбинациялашган агрегатлар кўлланилади.


Масалан, АКП туридаги комбинациялашган агрегатнинг (111-расм) ишчи органлари юмшатгич, ротор ва галтак ёки шарнирли беркитилган кожух-текислагичдан иборат. Юмшатгичлар 1 культиватор панжалари турида қилинган бўлиб, эгилган тутқичлар 2 га беркитилган. Пичокли ротор 3 трактор КОВ идан ҳаракат олади. Иш жараёнида палахса юмшатгич панжалар билан эгат тубидан кесиб ажратиласди ва юмшатиласди, ротор эса ўсимлик қолдиқларини ва панжалар билан кўтарилиган кесакларни тўлиқ майдалайди ҳамда тутқичларни тозалайди.

Пассив ишчи органлар – чизель-ўқ ўйсимон текис кесгич панжа ва галтак ҳамда фаол ишчи орган - фрезадан иборат комбинациялашган агрегат (112-расм) тупрокқа ишлов бериш, локал ўғит солиши ва донли экинларни экиш учун мўлжалланган.


Тупрокни 10...12 см чукурликкача чизель 3 билан юмшатиш билан бирга минерал ўғитларнинг асосий қисми солинади, 6 см чукурликкача палахса текискесгич панжа 1 билан кесилади ва уруглар кўмилади, фреза 2 пичоклари билан ўсимлик қолдиқлари ва юқори қатлам (3...5 см) майдаланади, сўнгра эса галтак билан зичланади.

ЧКУ-4 маркали тиркама чизель-культиватор-ўғитлагич кузда ёки баҳорда шудгорланган ва шўри ювилган ёки сугорилган далаларга экиш олдидаң минерал ўғитларни солиши билан бирга тупрокни катламли юмшатиш ва тишли бороналар ёрдамида бороналаш учун мўлжалланган. Қўшимча ишчи органлар: ариқ очгич, мола ва ўтоқ панжалари қўшимча сугориш учун эгатлар олиш, молалаш ва бегона ўтлар томирини кесиш билан тупрокни юмшатишга имкон беради. Тупрок 10 см дан 15 см гача юмшатиласди, баъзан эса 25 см гача. Чизель-культиватор билан асосан текис юзага эга бўлган ва сугориш таъсирида чўккан ва зичланган шудгорланган далаларга ишлов берилади. У билан баҳорда янги шудгор

килинган далаларга текислагич-мола билан навбатма-навбат 2-3 марта ишлов берилганды чизелнинг панжалари катта кесакларни юзага суриб чиқаради, мола эса уларни эзади ва тупрок юзасини текислайди. ЧКУ-4 гидравлик бошқарилади ва Т-4А маркали трактор билан ишлатилади.



111-расм. АКП туридаги комбинациялашган агрегат.  
1 - текис юмшатгич; 2 – эгик тутқич; 3 – пичокли ротор; 4 - фалтак.




112-расм. Тупроққа ишлов бериш-экиш комбинациялашган агрегати.  
1 – текис кесгич панжа; 2 – фреза; 3 – чизель; 4 – фалтак.

Кўндаланг кесими тўғри бурчак шаклидаги рама бу машинанинг асосини ташкил этади (113-расм): ишчи органлари рамага погона ҳосил қилиб уч қатор жойлаштирилган.

Зарурат туғилганда барча ишчи органларини бир хил чукурликда ишлайдиган қилиб ўрнатиш мумкин. Рамага учбурчак шаклидаги сница билан бирлаштирилган; сницанинг олдинги учида тиркаш мосламаси бор: зарур пайтларда унинг тиркаш баландлигини ўзгартирса бўлади.

Раманинг кетинги қисмига тарелка-қиргичли ўғитлаш аппаратлари ўрнатилган; аппаратларга сошникли ўғит ўтказгичлар уланган; сошниклар кейинги қатордаги юмшатувчи панжаларнинг тутқичларига бириктирилган. Ўғитлаш аппаратларини иккита умумий вал харакатлантиради, бу валларга айланма харакат машинанинг ўнг ва чап фидиракларидан иккита занжирли узатма орқали ўтади. ЧКУ-4 чизель-культиватори комплектига бешта эгатолгич ҳам киради; эгатолгичлар кетинги қатордаги панжалар ўрнига, пzlарининг ораси 800 ва 1200 мм га teng қилиб ўрнатилади ва яхоб бериладиган эгатлар очиш мақсадида ишлатилиди.



113-расм. ЧКУ-4 маркали чизель-культиватор-ўғитлагич.

- 1 – тиркаш мосламасининг тортиш гайкаси; 2 – тиркаш мосламаси; 3 – сница; 4 – рама; 5 – гидравлик цилиндр; 6 – ўғит сепувчи аппарат; 7 – гидравлик цилиндр; 8 – занжирли узатма; 9 – бороналар рамкаси; 10 – ўғит ўтказгич; 11 – ўғит ўтказгич; 12 – сошник; 13 – гидриак; 14 – гидравлик цилиндрнинг сиқувчи гайкаси; 15 – юмшатувчи панжа.

Машинанинг фидираклари пневматик шинали бўлиб, ҳар бири мустакил тирсакли ўққа кийгизилган; тирсакли ўқ рама тепасига бириктирилган гидравлик цилиндр таъсирида бурилиш мумкин. Шток корнууснинг гидравлик цилинтри ичига тортилган вактда фидирак рама тагига ўтади, натижада рама кўтарилиб, машина транспорт ҳолатни

эгаллайди. Шток гидравлик цилиндр корпус ичиди сурилиб чикқанда машинанинг рамаси пастга тушиб, машина ишчи ҳолатни эгаллайди.

Фиддиракларнинг тирсакли ўқларини буриш билан бир вақтда маҳсус дастак-храповикили қурилма ўғитлаш аппаратларини ишга туширади (машинанинг иш ҳолатида) ва тўхтатади.

Раманинг кетинги қисмига шарнирли осилган рамка тишли боронанинг тўртта звеносини бирлаштириш ва транспорт ҳолатга ўтказиш учун хизмат қиласи. Звеноларнинг ҳар бири ана шу рамкага занжирлар воситасида уланган. Рамкани боронанинг барча звенолари билан биргаликда кўтариш учун гидравлик цилиндрдан фойдаланилади. Раманинг кетига зичлагич-текислагич шарнирли тортқилар воситасида бириктирилган; зичлагич-текислагич кўндалант кесими тогарасимон брусадан иборат бўлиб, брусларни занжирлар билан уланган. Рамка транспорт ҳолатга кўтариб қўйилганда зичлагич-текислагич ҳам кўтарилади. Зичлагич-текислагич чизель-культиватор панжалари юмшатган тупроқнинг юза қатламини текислайди ва бир оз зичлайди. Чизель-культиваторни зичлагич-текислагич билан бирга ишлатганда унга боронанинг звенолари уланмайди.

ЧКУ-4А маркали такомиллаштирилган чизель тезкор юмшатиш панжалари ва ўғитни тасма кўринишида сепиб кетадиган қурилма билан жиҳозланган.

*Чизель-культиваторларни тўғрилаш, созлаш ва ишлатиш.* Ишга тушириш олдидан чизель-культиваторнинг грэдилларига, бажариладиган ишнинг турига қараб, юмшатувчи ва ётиқ қирқувчи панжалар ўрнатилади. Чизель-культиваторда, бундан ташқари, турли каторлардаги панжаларнинг ишлаш чукурлиги текширилади (30 мм бўлиши лозим). Бунинг учун панжаларнинг тутқичлари кронштейнларининг чукурчасидан қандай баландликда чиқиб турганлиги ўлчанади. Бир катордаги панжалар тутқичларининг ўлчанган баландлиги бир хил бўлиши лозим.

Юмшатилган тупроқ қатламининг остки қисми (эгат туби) тўлқинсимон – ўнкир-чўнкир бўлмаслиги учун ЧКУ-4 панжаларининг энг кейинги каторига ҳамма вақт ётиқ қирқувчи панжалар ўрнатиш тавсия этилади.

Даладан биринчи ўтишда барча чизель-культиватор иш органларининг ишлаш чукурлигини ва раманинг горизонталлигини текшириш ва уларни машинанинг иш ҳолатида созлаш лозим.

ЧКУ-4 чизели чиқарма гидравлик цилиндрлар ёрдамида иш ҳолатига ўтказилади. Рамасининг аниқ горизонталлигига эришиш учун тиркагичнинг жойлашиши баландлиги керагича ўзгартирилади.

Ишлаш чуқурлиги чиқарма гидравлик цилиндрларнинг тортиш винтини бураш йўли билан тўғриланади.

Чизелнинг ишлаш чуқурлиги вакти бевақт текшириб турилади, шу мақсадда кейинги катордаги панжалар орқасида юмшатилган тупроқ қатламининг қалинлиги линейка билан ўлчанади. Чизель билан юмшатилган тупроқ қатлами қавариб, унинг қалинлиги чизель ўтмаган (ҳали юмшатилмаган) жойдаги тупроқ қатламиникуга нисбатан 20-30 фоизга ортади. Шунга кўра тупроқнинг ўлчаб топилган юмшатилиш чуқурлигини кўрсатувчи ракамни 3 – 5 см га камайтириш керак.

ЧКУ-4 чизелини ишга тушириш олидан ўғитглаш апратларини ҳам белтилангани нормада минерал ўғит сепадиган қилиб созлаш (созлаш тартиби ўсимликни озиқлантиргич-культиватордаги каби), иш жараёнида эса ўтитнинг кўмилиши чуқурлигини текшириш керак; бунинг учун кўмилган ўғит очилиб, унинг дала бетига қандай ётганлиги ўлчаб кўрилади. Бундан ташқари, зичлагич-текислагичнинг борона звеноларининг иш сифати ҳам текширилади.

Зичлагич-текислагич тупроқни ўйиб, тўплаб кетаётган ёки етарлича зичламаётган бўлса, бруснинг киялик бурчаги ўзгартирилада. Борона тишларининг тупроқка ботиш чуқурлиги ҳар хил бўлган холларда рамканинг жойлашиш баландлиги ёки бирлаштирувчи занжирларнинг узулиги керагича ўзгартирилади. Чизелни эгатолгичлар билан бирга ишлатганда шунга эришиш керакки, эгатлар етарлича чукур бўлсин-у, лекин уларга тупроқ кўп тушмасин ва қўшни эгатлар ҳам кўмилиб колмасин. Бунинг учун эгатолгичнинг тупроққа кириш бурчагини, қанотларининг очилиш даражасини ҳамда машинанинг умумий ишлов чуқурлигини тўғрилаш лозим.

Чизель-культиваторли агрегатнинг ҳаракат йўналишини танлашда куйидагича иш тутиш керак. Ҳайдалган ерларга ишлов беришда агрегат шудгорлаш йўналишига кўндаланг юргизилса, энг яхши натижа олинади.

Шўри ювилган майдонларда агрегатнинг қандай йўналишда ҳаракатланишининг аҳамияти йўқ. Яхоб берилган ерларни чизеллашдан олдин бороналаш керак. Шунда пушта (марза) ва эгатлар текисланади. Бу ҳолда ҳам агрегатнинг ҳаракат йўналиши аҳамиятга эга бўлмайди. Бироқ, бирор сабаб билан бороналанмай колган далаларда агрегат эгатлар йўналишида юргизилиши лозим, шундай қилинганда машина кўп тебранмайди ва иш сифати пасаймайди.

**КФГ-3,6** фрезали ўрнатма культиватор шўри ювилган ёки яхоб берилган ерларда тупроқ палахсаларини ағдармай юмшатиш учун мўлжалланган. Ундан шудгорланган участкалардаги кесаклар ва палахсаларни майдалаш мақсадида фойдаланса ҳам бўлади. □ зўя ва

бошқа әкинлар әкиладиган, шудгорланган дарапарга шу тарзда ишлов берилса, тупроқ устки қатламининг структураси анча яхшиланади.

Тошлок өрларда ва шамол эрозияси таъсиридаги зоналарда культиваторни ишлатиш тақиқланади.

КФГ-3,6 маркали культиваторнинг икки варианти ишлаб чиқарилмоқда: кириш валининг айланиш частотаси 540 айл/мин га мўлжалланган редукторли варианти (Т-4 ва Т-4А тракторлари билан бирга ишлатилади); 1000 айл/мин га мўлжалланган редукторли варианти (Т-150 ва Т-150К тракторлари билан ишлатилади).

Культиватор куйидаги технологик жараёнлардан бажаради: ўқ ёйсимон панжаралар билан тупроқни 18 см гача чукурликда юмшатади; тупроқнинг устки қатламини фреза билан 8 см чукурликда майдалайди ва далани фартуки билан текислади.


Культиватор пайвандлаб ясалган рама (114-расм), кардан валли редуктор, иккита оралиқ вал (Г-симон пичоклар ўрнатилган), фреза барабанларнинг иккита ён редуктори ўқ ёйсимон панжалар, пневматик шинали таянч фидираклар, фреза-барабаннинг устки ва орқа томондан коплаб турадиган фартук (расмда кўринмайди), тагликлар, фрезани трактор ўрнатиш механизмининг марказий ва пастки звеноларига бирлаштириш учун мўлжалланган учбуручакликнинг бармоқлари ва кулоқларидан иборат.

Культиваторнинг тупроққа ишлов бериш чукурлиги таянч фидираклар воситасида ўзгартирилади. Ўқёйсимон панжаларнинг тутқичларини кронштейнларда баланлик бўйича 100 мм атрофида қўшимча равишда сизжитиш мумкин. Культиватор тракторга уч нуқтали схема бўйича ўрнатилади. Бунда трактордаги ўрнатиш механизми юқориги звеносининг узунлиги ўзгартирилиб, культиватор рамаси бўйлама йўналишда дала бетига параллел жойлаштирилади.

Иш бошаш олдидан культиваторнинг ўқёйсимон панжалари дала бетига тегиб турадиган килиб пастга туширилади, сўнгра қувват олиш вали ишга туширилади, тишлашиб муфтасининг педали секин қўйиб юборилади, фреза ва агрегат белгиланган тезликда ҳаракатлана бошлагач, кўтариш гидравлик цилиндрини бошқариш дастаги эркин ҳолатга суриб қўйилади. Культиватор шу тартибда ишга туширилса, фреза тупроққа аста-секин чукурланиб, юритма деталлари ва пичоклар зўрикмайди.

Агрегат мокисимон ёки айланма усулда ҳаракатланиб ишлади. Агрегатни культиваторнинг иш ҳолатида буришга тўғри келса, уни катта радиус бўйича ва секинлик билан буриш лозим. Пайкалга (ёки ёппасига бутун далага) ишлов бераётган агрегатни соат стрелкасининг ҳаракат йўналишида юргизиш керак. Шундай қилганда тракторчи

даланинг тупроти юмшатилган ва юмшатилмаган участкалари чегарасини кўра олаци ва тракторнинг ўнг томондаги гусеницасини шу чегара бўйлаб йўналтириш имкониятига эга бўлади.



**114-расм. КФГ – 3.6 фрезали ўрнатма культиватор.**

1 - рама; 2 - редуктор; 3 - карданли вал; 4 - оралиқ вал; 5 - ён редуктор; 6 - пичок; 7 - ўқ ёйсимон панжа; 8 - таянч гидрик; 9 ва 10 - химоя қопламалари; 11 - таглик; 12 - бармок; 13 - ҳалтка.

Чизель-культиваторлар икки-уч ўтишда бажариладиган ишни КФГ-3,6 культиватори бир ўтишдаёқ ва улардан анча сифатлироқ қилиб бажаради.

### *Таянч иборалар.*

Комбинацияланган агрегат, комбинациялашган ишчи орган, технологик операция, техник-иктисодий кўрсаткичлар, операцияларни бажариш муддати, метеорологик шароит, энергия манбай, ишлов берилшлар сони, машинани далада ўтишлар сони, тупроқ зичлиги, кувват сарфи, меҳнат унумдорлиги, иш сифати, минимал ишлов бериш, серкүвват трактор, операциялар бирикмаси.

### *Назарот саволлари*

1. Комбинациялашган агрегатларнинг турларини келтиринг? 2. Технологик операцияларни бир вактда ўтказиш имконияти ва мақсадга мувофиқлиги қандай омилларга боғлиқ? 3. Комбинациялашган машиналарни кўлашни қандай омиллар белгилайди? 4. Ўзбекистон шароитида қандай операцияларни бир вактда ўтказиш мумкин? 5. Тупроққа асосий ишлов бериш учун мўлжалланган комбинациялашган машиналар қандай ишчи органлар бирикмасидан иборат бўлиши

мумкин? 6. Экиш олдидан тупроққа ишлов берадиган комбинациялашган агрегатлар қандай ишчи органлар бирикмасидан иборат? 7. Плуг, галтак ва экиш курилмасидан иборат комбинациялашган агрегаттинг тузилиши ва иш жараёнини көлтиринг? 8. ЧКУ-4 қандай операцияларни бажаради?

## **Иккинчи бўлим ЭКИШ ВА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ МАШИНАЛАРИ**

### **1 – Б О Б**

### **ЭКИШ ВА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ УСУЛЛАРИ, МАШИНАЛАРНИНГ ТУРЛЛАРИ**

#### **1-§. Экиш ва кўчат ўтқазиш усуллари**

**Экишга талаблар.** Экишнинг бош вазифаси юқори ҳосил олишни таъминлаш мақсадида уругларни энг мақбул жойлаштиришдан иборат. Бунда экишга технологик жараён сифатида учта асосий талаб қўйилади: далага белгиланган микдорда уруг экиш; уругларни дала юзаси бўйича бир текис жойлаштириш; уругларни белгиланган (бир хил) чукурлиқда кўмиш. Кўчат ўтқазишда яна бир талаб қўшилади – кўчат поясини тик жойлаштириш, шамол эрозиясига чалинган тупроқларда экилганда эса экишдан кейин тупроқни зичлаш.

Уругларнинг ҳар бирини атрофидаги озуқа майдони квадрат шаклида бўлгандга уларни дала юзаси бўйича текис жойлаштириш мумкин. Озуқа майдони шакли иккита ўлчамга боғлик; қатор оралигининг кенглиги ва қатордаги уруглар ёки уруг уялари орасидаги масофага.

Қатордаги уруглар орасидаги масофа уругларни экиш микдори билан қатор оралиги кенглиги эса экиш ёки кўчат ўтқазиш усули билан белгиланади.

**Экиш ва кўчат ўтқазиш усуллари** иккита асосий белги бўйича таснифланади: уругларни тик текислиқда (дала юзасининг профили бўйича) ва ётиқ текислиқда (қатор оралиги кенглигига ва уругларни қаторларда жойлашиши бўйича) жойлашишига қараб.

Дала юзасининг профили бўйича экиш ва кўчат ўтқазиш қуйидаги турларга ажратилади: текис юзага экиш, пуштага экиш, эгатга экиш ва ангизга (поялар сақланган юзага) экиш. Экиш ва кўчат ўтқазишнинг ўёки бу усули тупроқ-иклим шароитларга ва экишнинг ўзига хос хусусиятларига боғлик равишда танланади.


**Текис профилли юзага экиши** (115а-расм) ва кўчат ўтқазиш намлиги нормал ва нами етарли бўлмаган худудларда қўлланилади. Экишдан кейин сугорилганда уруг бир ёки бир нечта қаторларга жойлаштирилиб даланинг текис юзасига экилади ва у билан бир вақтда сугориш эгатлари олинади.

*Пуштага экиш* усули (115б-расм) юқори намли ва сугориладиган худудларда қўлланилади. Ортиқча намликда ва иссиқлик етарли бўлмагандан пуштага экилади.

*Эгатга экиш* (115г-расм) шўр ерли, кучли шамол эсадиган, қурғоқчилик ва ярим қурғоқчилик бўладиган худудларда, асосан пахта, маккажӯхори, сорга ва бошқа шунга ўхшаш чопиқ экинлари учун қўлланилади. W-симон эгатга экиш (115д-расм) бу усулнинг бир тури ҳисобланади.

*Ангизга экиш* (115с-расм) шамол эрозиясига чалинган тупрокларда тавсия қилинади. Бунда поялар экинларни ҳимоя қиласиди.


Қатор оралиги кенглиги ва урургларни қаторларда жойлаштириши бўйича қўйидаги экиш усуслари (116-расм) қўлланилади: қаторлаб, қирқма торқаторлаб, кенгқаторлаб, тасмасимои, доналаб, уялиб, квадрат-уялаб, қаторсиз ва сочиб экиш.



115-расм. Дала юзасининг профили бўйича экиш усуслари.

*a* – текис юзага экиш; *б* – бир қаторлаб пуштага экиш; *в* – икки қаторлаб пуштага экиш; *г* – эгатга экиш; *д* – *д* – *W* – симон эгатга экиш; *е* – ангизга экиш;

*Қаторлаб экиш* (116а-расм) - урургларни параллел қаторларга узлуксиз ташлаб экиш, бунда қаторлар ораси 15 см, қатордаги урурглар ораси эса 1,5...2,0 см. Бу дон, техник, сабзовот ва бошқа экинларни экишнинг энг кўп тарқалган усули. Қаторлаб экишнинг камчилиги – томонларининг нисбати бир хил бўлмаган тўгри бурчакли озука майдонининг шакли. Бунда урурглар қаторларда қалин жойлашганлиги туфайли ўсимликлар қисман нобуд бўлади.



### 116 - расм. Экиш ва күчат ўтқазиши усуллари.

а – қаторлаб; б – қиркма; в – торқаторлаб; г – кенг қаторлаб; д – лентасимон; е – доналаб; ж – уялаб; з – квадрат – уялаб; к – қаторсиз.

**Қиркма экиши** (116б-расм) - уруғлар сеялкаларни дала бүйича ва күндаланг ҳаракатлантириб экилади. Бунда экиш аппаратлари ярим экиш мөшерига мосланади. Бу усулда уруғлар далага текис тақсимланади.

**Тор қаторлаб экиши** (116в-расм) - қатор оралиги иккى марта кичик бўлган қаторлаб экишининг бир тури.

**Кенг қаторлаб экиши** (116г -расм) - қатор оралиги кенг, яъни 30, 45, 70 см ва катта бўлган қаторлаб экиши. Бу чопиқ экинларига механизацияланашган усул билан ишлов беришга имкон беради.

**Тасмасимон экиши** (116д-расм) - кенг қаторлаб экишининг бир тури бўлиб сабзовот, каноп ва чигит экиш учун қўлланилади. Уруғлар тасмадаги иккى ёки уч қаторда экилади. Тасмадаги қаторлар ораси 5, 8, 10 ва 32 см, тасмалар ораси камида 60 см.

**Доналаб экиш** (116е-расм) - бу 45...90 см оралықда жойлашған қаторларда уруғларни бир-биридан бир хил масофада жойлаштириб әкиш. Техник үсімліктерни доналаб әкиш ҳосилдорликни ошишини таъминлайды, уруғларни анча иқтисод қиласы, үсімліктерни парвариши килишга мәхнат сарфини камайтиради.

**Уялаб ва қвадрат-уялаб әкиш** (116ж-расм) – уялар орасидаги масофани қатый бир хил сақланиши билан қаторлаб әкишдан фарқ қиласы. Бу иккى йұналишда, яғни бүйлама ва күнгідаланғ күльтивацияни ўтқазишга имкон яратади.

**Сочиб әкиши** (116з-расм) - ўтларнинг уругини әкиш учун ёки бошқа усууларни күллаш имкони бўлмагандаги ишлатилади. Бу усуудан сув билан тўлдирилган иайкалларга шоли әкиш учун ҳам фойдаланилади.

## 2-§. Экишга ва кўчат ўтқазишга агротехник талаблар

Уруғлар дала юзаси бўйича текис тақсимланиши ва бир хил чуқурлиқда кўмилиши керак.

Хақиқий әкиш меъёрини топшириқда белгиланғандан фарқи  $\pm 3\%$  гача рухсат этилади. Айрим әкиш аппаратлари билан қаторларда әкишнинг нотекислиги донли экинлар учун 3% дан, дуккакли экинлар учун 10% дан ва ўтлар учун 20% дан ошмаслиги керак.

Асосий қаторлар оралығларнинг кенгликларини бир-биридан фарқи 1 см дан, сеялканнинг ўтишлар орасидаги туташ қаторларнинг кенглиги асосий қаторлар кенглигидан фарқи 5 см дан катта бўлмаслиги керак.

Уруғларнинг кўмиш чуқурлигини топшириқда кўрсатилганидан четлашиши 15% дан ошмаслиги керак, бу әкиш чуқурлиги 3...4 см бўлғандан 0,5 см ни ташкил қиласы. Дала юзасида уруғларни кўмилмай колиши рухсат этилмайды. Доналаб экилганда камида 80% уруғлар бир-биридан топшириқда кўрсатилган масофада жойлашиши лозим. Экилмай колган уруғлар (уялар) сони экилган уруғлар сонининг 2% дан ошмаслиги керак.

Экилган картошка микдори топшириқдаги меъёрдан кўпи билан 3...5% фарқ килишига рухсат этилади; асосий ва туташ қатор ораларининг кенглиги топшириқда кўрсатилгандан кўпи билан мос ҳолда 2 ва 10 см фарқ килиши мумкин. Туганакларни кўмиш чуқурлиги бўйича ўргача нотекислик 2 см дан ошмаслиги лозим. Туганаклар остидаги юмшоқ тупроқ қатлами қалинлиги камида 2 см бўлиши керак.

Кўчатларнинг илдизини қайирмасдан, вертикалдан  $30^{\circ}$  дан ортиқ оғдирмасдан әкиш зарур. Кўчат атрофидаги тупроқ зичланади ва шу

билин бир вактда ҳар қайси күчтің учун 0,2...0,6 л дан сув әгатта құйилади. Асосий ва ёндош қатор ораларининг топшириқда күрсатилғанидан күпі билан мос ҳолда 4 ва 6 см фарқ қилишига йўл қўйилади. Күчтли озиқ тувакчалар тупроққа  $10\pm 2$  см чуқурликка кўмилади. Тувакча атрофидаги тупроқ яхши зичланади.

Чигит экишга қўйиладиган агротехника талаблари чигитларни сифатли экишга, уларни эрта ва текис ундириб олишга, ниҳолларининг яхши ривожланишига, топшириқдаги қалинликни таъминлашга, экинларга ишлов беришини тўла механизациялаштиришга, терим машиналарининг ишлашига кўзайшлар яратишга ҳамда пахтадан юқори ҳосил олишга қаратилган.

Қаторлаб экишда чигитлар қаторда бир текис тақсимланиши, хусусан, тукли чигитлар ҳар 1...1,5 см, туксизлантирилган чигитлар эса ҳар 2 см оралықда бир донадан жойлашиши керак, ҳар гектар майдонга экилган чигитлар микдори топшириқдаги нормадан 10% дан ортиқ фарқ қиласынан лозим. Экин қаторлари тўғри бўлиши, экилмай қолган жойлар бўлмаслиги, қайта экишни ёки қўлда қўшимча чигит қадаб чиқишина талаб этмаслиги зарур.

Тукли чигитларни серуялаб экишда уялардаги уруғлар сони топшириқдагидан  $\pm 2$  дона фарқ қилиши мумкин, лекин камида 55% аниқлик билан экилиши лозим; туксизлантирилган чигитларни серуялаб (қатордаги уялар орасини 15...30 см қилиб) экишда ҳар қайси уядаги чигитлар сони топшириқда күрсатилғанидан  $\pm 1$  дона фарқ қилиши мумкин, лекин ана шундай фарқ қиласиган уялар сони 35...40% дан ошмаслиги керак. Қолган 60...65% уяларга чигитлар белгиланган микдорда аниқ экилиши талаб этилади. Қатордаги уялар ораси бирбиридан 2...3 см дан ортиқ фарқ қиласынан лозим.

Чигитни экиш чуқурлиги 3...8 см атрофида ростланадиган бўлиши лозим. Экиш чуқурлиги 3-4 см, 4-5 см ва 6-8 см бўлганда туксизлантирилган чигитлар учун ўртача кўмиш чуқурлигининг тегишлича  $\pm 0,5$  см,  $\pm 0,7$  см ва  $\pm 1$  см, тукли чигитлар учун эса  $\pm 0,7$  см;  $\pm 1,0$  см ва  $\pm 1,5$  фарқ қилишига йўл қўйилади. Чигит экиш вактида биттадан қатор ташлаб, эгат олиниши лозим. Бу әгатлар чигитни ундириб олишида суюриш учун 8...12 см чуқурликда очилади.

### 3-§. Уруғларнинг технологик хоссалари

Уруғларнинг асосий технологик хоссаларига уларнинг шакли ва чизиқли ўлчамлари, юзасининг характеристири (ишқаланиш коэффициенти, сочишувчанлиги), эластиклiği ва қаттиқлиги (мустаҳкамлиги) киради.

**Уругларнинг шакли** эллипсоид, шарсимон, пирамидал, тухумсимон, ясмиқсимон, ловиясимон ва бошқа бўлиши мумкин.

**Чизиқли ўлчамлари** узунлиги  $l$ , кенглиги  $b$  ва қалинлиги  $a$  билан тавсифланади. Кўрсатилган шаклдаги уруглар учун чизиқли ўлчамларининг куйидаги нисбатлари характерлидир. Эллипсимонлар учун  $a < b < l$ ; шарсимонлар учун  $a = b = l$ ; пирамидаллар учун  $a < b < l$ ; ясмиқсимонлар учун  $a < b < l$ ; ловиясимонлар учун  $a < b < l$  ва тухумсимонлар (чигитлар) учун  $0,5a = b = l$ .

Кўриниб турибдики, кўпчилик уруглар учун узунлик  $l$  энг катта ўлчам, кенглик  $b$  - ўрта ва қалинлик  $a$  - кичик ўлчам.

Уругларнинг шакли ва ўлчамлари уларни озуқа сифимлари дарчаларидан тўқилиш жараёнига таъсир қиласи, экиш аппаратлари тури ва аниқ экиш сеялкаларининг экиш дисклари катакчалари ўлчамларини танлаш уларга боғлиқ. Экиш дисклари катакчаларининг шакли ва ўлчамлари танланганда уругларнинг ҳажми ва чизиқли ўлчамларининг нисбати ўтиборга олинади. Масалан, агар уруғ кенглиги бир бирлик деб қабул қилинса ( $b=1$ ), чизиқли ўлчамлари ўртасидаги нисбат ташкил қиласи: маккажўхори уруглари учун  $l < b < a = 1,5 \times 10,6$ ; пахта уруглари учун  $l < b < a = 1,7 \times 10,9$ ; соя учун  $l < b < a = 1,2 \times 10,9$ .

Уругларнинг ўлчамлари кенг оралиқда ўзгарганлиги учун аниқ экиш аппаратларининг ишини яхшилаш мақсадида дастлаб улар калибрланади-фракцияларга (алоҳида гуруҳларга) ажратилади. Масалан, маккажўхори уруглари олтига фракцияга, қанд лавлаги уруғи иккита фракцияга ажратилади.

Ғўзалар барча саноат навларининг чигитлари тўртта ўлчам гуруҳларга бўлинган: унчалик узун бўлмаган, аммо қалинлиги ва эни бўйича энг катта ўлчамили калта йирик чигитлар; нисбатан узун ва қалинлиги ҳамда эни жиҳатидан энг катта ўлчамили узун йирик чигитлар; узунлиги энг катта, қалинлиги ва эни ўртача ўлчамили ўртача чигитлар; қалинлиги ва эни ўртача ўлчамили, узунлиги эса биринчи гуруҳдагиларга яқин бўлган майда чигитлар. Чигитлар ана шу гуруҳларга асосан сараланади ва катакчали дискларининг тўрт хили билан экилади.

Уругларнинг технологик хоссаларини яхшилаш учун қобиқлаш (дражирование), айниқса чет эл давлатларида кенг қўлланилади.

Қобиқлаш уругларнинг технологик хоссаларини (ўлчамлари бўйича бир хиллик, сочулувчаник) яхшилаш билан бирга уларни ташки таъсирдан ҳимоя воситасини утайди ва озуқа шароитларини яхшилади. У ягоналаш учун меҳнат сарфини камайтиришга имкон яратади, экишга уруғ сарфини 2 марта камайтиради, ҳосилдорликни анча оширади. Асосан сабзовот ва техник экинларнинг уруглари қобиқланади.

**Зичлик** – уругнинг массасини унинг ҳажмига нисбати билан ифодаланади. Асосий экинлар уругларининг зичлиги 2 дан 1,4 т/м<sup>3</sup> гача бўлади. Унинг қиймати намлик, эндоспермадаги ҳаво миқдори ва уругнинг ҳажмий таркибига боғлиқ.

**Абсолют масса** - бу 1000 та абсолют қуруқ уругнинг граммларларда ифодаланган массаси.

Уругларнинг абсолют массаси уларнинг йиреклигини, озиқ моддалар билан тўйингланлигини ва етилганлигини ифодалайди. Абсолют масса қанча катта бўлса, ўсимлик ниҳоллари шунча кучли ва текис униб чиқади. Ўртacha толали ғўза навлари учун чигитларнинг абсолют массаси асосан 105...125 г, интичка толалилари учун эса 120...150 г. Донларнинг абсолют массаси 20...42 г, маккажўхориники 150...200 г, тариқники эса 7...9 г.

**Ҳажмий масса** – бу уруглар абсолют массасининг сифим ҳажмига нисбати. Уруглар ҳажмий массаси сули учун 400...565 г/л, кўзги буғдой учун 750...880 г/л, маккажўхори учун 700...865 г/л ёки кг/м<sup>3</sup>. Идишга эркин жойлашган тукли қуруқ чигитлар зичлиги 280...320 кг/м<sup>3</sup>, туксизлантирилган қуруқ чигитлар зичлиги эса 580...620 кг/м<sup>3</sup>.

**Юзасининг характеристи** уругларнинг ишқаланиш коэффициенти ва тўкилувчанлигига таъсир кўрсатади. Уругларнинг иўлат бўйича ишқаланиш коэффициенти нормал намлиқда 0,3 дан 0,42 гача ўзгаради, бу 17...23° ишқаланиш бурчагига тўғри келади.

#### 4-§. Экиш ва қўчат ўтқазиш машиналарининг таснифланиши

Экиш ва қўчат ўтқазиш машиналари вазифаси (экиладиган экин тури бўйича), экиш ва қўчат ўтқазиш усули ва трактор билан боғланиш усули бўйича таснифланади.

**Сеялкалар** икки гурухга ажратилади: универсал ва маҳсус.

**Универсал** сеялкалар технологик хоссалари бир-биридан фарқ қиласидиган ҳар хил қишлоқ ҳўжалиги экинлари уругларини (бошокли донли, дуккакли, йигирив ва мойли, ем-хашак ва бошқа) экиш учун мўлжалланган. Маҳсус сеялкалар бир ёки уругларнинг ўлчамлари ва экиш меъёри бўйича бир-бирига яқин бўлган икки-уч бир турдаги ўсимлик (массалан, туксизлантирилган чигитлар, маккажўхори ва оқ жўхори) уругларини эгади.

**Вазифаси (экиладиган экин тури)** бўйича сеялкалар дон, маккажўхори, лавлаги, зигир, пахта, сабзовот, ўт, ўрмон ва бошқа экинлар сеялкаларига ажратилади. Бирок бундай таснифланиш етарли

даражада қатый эмас, чунки маккажүхори сеялкаси билан, масалан, кунгабоқар, полиз экинлари, пахта ва оқ жүхорини экиш мумкин.

Амалда деярли ҳозирги вактда құлпаниладиган барча сеялкалар мужассамлашған, чунки уругни экиш билан бир вактда улар минерал ўғитларни солишида.


*Экиш усул* бўйича қаторлаб, торқаторлаб. уялаб ва квадрат-уялаб, доналаб экувчи ва сочувчи сеялкаларга ажратилади.

*Трактор билан боғланиш усул* бўйича тиркама ва осма сеялкаларга бўлинади. Дон сеялкалари, одатда, тиркама бўлади, чунки бу учтадан - еттитагача сеялкалардан иборат кенг қамровли агрегатларни тузишга имкон яратади. Кенг қамровли агрегатлар жуда қисқа муддатларда катта майдонларга экин экиш мумкин.

Нисбатан кичик майдонларга экиладиган экинларни (лавлаги, сабзовот ва бошқа) экиш учун мўлжалланган сеялкалар, одатда, осма қилинади.

### 5-§. Сеялкаларнинг иш жараёнини умумий схемаси

Озуқа сигимида жойлашған уруғлар (117-расм) ёки туганаклар ўз оқими билан ёки мажбурий қадоқловчи курилмаларга тушади. Қадоқловчи курилмада уруғлар оқими шакиланиб йўналтиргичлар (уроф ўтказгичлар ва ҳ.к.) бўйича тақсимланади ва сошниклар билан ҳосил қилинган ариқчаларга тушади. Сошниклардан кейин ўрнатилиган кўмувчи ишчи органлар уруғларни тупроқ билан кўмади.



117 – расм. Сеялкалар иш жараёнининг умумий схемаси.

1 - сигим; 2 – экиш аппарати; 3 – уруғ ўтказгич; 4 – сошник; 5 – кўмиш органлари.

Шундай қилиб, экиш иш жараёни асосида тартибли ург (туганак) оқими ётади, у озуқа сигимидан бошланиб ариқча тубида тугайди. Экиш меъёри ва уруғларни дала юзаси бўйича тақсимланиш текислиги бу оқимнинг жадаллиги ва тақсимланиш характеристига баглиқ бўлади.

Шундай экан экиш машиналарининг иш жараёни кўрсаткичларига озуқа сигимлари, қадоқловчи қурилмалар, йўналтиргичлар, сошниклар ва кўумувчи ишчи органларининг конструктив хусусиятлари ва иш режими таъсир қилади.

### *Таянч иборалар*

Ург, туганак, озуқа майдони, кўчат, пушта, ангиз, экиш усули, Қатор, экиш меъёри, эллипсоид, шарсизмон, тухумсизмон, зичлик, абсолют масса, ҳажмий масса, сеялка, универсал, сигим, экиш аппарати, ург ўтказгич, сошник, яшик.

### *Назорат саволлари*

1. Экишга технологик жараён сифатида қандай талаблар қўйилади?
2. Сизга экишнинг қандай усуллари маълум? 3. Экишга қандай агротехник талаблар қўйилади? 4. Пуштага экиш усулини тавсифланг.
5. Дала юзасини профили бўйича экишнинг турларини келтиринг.
6. Қаторлаб экишини тавсифланг.
7. Сеялкалар қандай таснифланади?
8. Сеялка билан ургни экиш технологик жараёни қандай кечади?

## 2 – Б О Б

### **ЭКИШ ВА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ МАШИНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**

#### **1-§. Таяминловчи сигимлар**

Озуқа сигимлари фақат заҳира уруғлик материални сақлабгина колмай, қадоқловчи қурилмаларга дарчалар орқали оқиб чиқадиган материални керакли оқимини юзага келтириб, иш жараёнини нормал кечишини таяминлайди.

Уруғларнинг сигим ичидан бир меъёрда оқиб чиқиши учун дарча маълум катталиқда бўлиши лозим. Дарчаларнинг шакли (юмалоқ, квадрат, тўғри тўртбурчак ва эллипс шаклида) эркин оқиб чиқувчи уруғлар микдорига унчалик таъсир этмайди. Агар яшик туби ясси бўлса, дарчанинг икки четида уруғлар тўпланиб қолади. Уруғлар экиш аппаратларининг кутисига текис ва тўлиқ тушиши учун яшик тубининг

Эни дарчага нисбатан унчалик катта қилинмайди: экиш аппаратининг кутисини яшик тубига маҳкамлаш учун етарли бўлиши лозим, холос.

Дон-ўт ва сабзавот сеялкаларида трапециясимон, олти қиррали ва мураккаб, яъни юкори қисми тўғри тўртбурчаклик, пастки қисми эса трапеция шаклидаги яшиклар, чопик экинлари сеялкаларида цилиндрик ва мураккаб шаклии банкалар ишлатилади.

Яшик ва банка деворларининг горизонтал текисликка нисбатан киялик бурчаги уруғларнинг ёғоч ва металлга ишқаланиш бурчагидан деярли икки ҳисса катта олинади.

## 2-§. Экиш ва кўчат ўтқазиш аппаратлари

Экиш аппаратларига асосий талаб - дала юзаси бўйича уруғларни текис тақсимлаш мақсадида меъёрдаги қадоқланган уруғлар оқимини бир хиллигини таъминлаш.


Технологик белгилар бўйича экиш ва кўчат экиш машиналарининг қадоқловчи аппаратларини икки гурухга ажратиш мумкин: уруғ ва кўчатларни узлуксиз оқим кўринишида қадоқладиган ва доналаб. Биринчи гуруҳдагилар қаторлаб экиш сеялкаларида, иккинчисидагилар аниқ экиш сеялкаларида, картошка эктичларда ва кўчат ўтқазиш машиналарида қўлланилади.

Таъсир принципи бўйича экиш ва кўчат ўтқазиш аппаратлари учтурга ажратилади: механик, пневматик ва пневмомеханик. Механик аппаратлар кўп тарқалган бўлиб, улар турли-туман. Сеялкаларни ривожланиш жараёнида *галтакли*, *иккицуррали*, *капалаксимон*, *қошикли*, *арикчали*, *марказда қочирма*, *тебранма*, *чуткали* ва бошқа турдаги механик аппаратлар таклиф қилинган. Аммо ҳозирги вактда уларнинг асосан икки тури: *галтакли* ва *дисклилар* амалда қўлланилаётган. Биринчилари қаторлаб экиш сеялкаларида, иккинчиси эса аниқ экиш сеялкаларида ўрнатилади.

**Галтакли новсимон** экиш аппаратлари универсал бўлиб, деярли барча давлатлар дон ва маҳсус сеялкаларининг кўпчилиги улар билан жиҳозланган.

Дон экиш сеялкалари ва уларнинг модификацияларида ўрнатиладиган галтакли новсимон экиш аппаратлари (118а-расм) қуйидаги қисмлардан иборат: новли галтак 2, розетка 3, таклик 1, қути 4 ва муфта 5. Штифт ёрдамида валик 6 га беркитилаган галтак 2 қути 4 га жойлаштирилади. У эса уруғ сифимининг тагига чиқиш тешиги қаршисида беркитилади. Қути ёнбошидаги тешиклар чап томондан розетка 3, ўнг томондан муфта 5 билан ёпилган. Розетка қутининг чап

ёнбошига беркитилган ҳалқага жойлаштирилган бўлиб, унинг кесикларига фалтакнинг новлари киради. Муфта фалтакнинг ортига кийдирилган ва ўзининг бўртиклари билан кутининг чап томонидаги кесикларидан ўтади. Муфтанинг валга нисбатан ўқ бўйича силжиши шайба ва шплинт билан чекланади.



118 – расм. Фалтакли новсимон экиш аппарати.

1 – таглик; 2 – новли фалтак; 3 – разетка; 4 – корпус; 5 – муфта; 6 – экиш аппаратлари валики; 7 – бўшатиш механизмининг валики; 8 – тўхтатиш болти; 9 – созлаш болти; 10 – пружина.

Қути 4 паст томонидан бўшатиш механизмининг вали 7 га кийдирилган ва болт 8 билан маҳкамланган таглик 1 билан ёпилади. Уруғнинг узлуксиз оқимини таъминлаш учун тагликнинг орқа чети қия қилинган, чунки фалтак новлари тагликнинг четига бирдан бутун узунлиги бўйича эмас, балки аста – секин ўтади.

Таглик 1 гайкали созлаш болти 9 ва пружина 10 билан жиҳозланган бўлиб, қопқок вазифасини ўтайди. Уруғларни чиқиши учун таглик ва фалтак орасида тирқиш бор. Донли экинлар экилганда таглик 1 ва муфта 5 нинг киррали орасидаги тирқиш 1... 2 мм дан катта бўлмаслиги керак. Уни созлаш болти 9 ёрдамида пружина 10 ни сиқиб ёки бўшаштириб ўрнатилади. Йирик уруғлар экилганда эса, масалан донли-дукакли, уларнинг янчилишини бартараф қилиш учун, бўшатиш механизмининг дастаги ёрдамида валик 7 ни бураб, тирқиш 8...10 мм гача катталаштирилади. Шунинг учун бу аппаратда факат остиги экиш мўлжаланган, яъни фалтак 2 вал 6 билан биргаликда айланниб ўз остидаги уруғларни сидиради. Фалтак 2 билан розетка 3 айланади, муфта 5 эса фалтак 2 нинг ортига эркин ўрнатилган ва айланмайди.

Экиладиган уруғлар микдори фалтакнинг ишчи ёки фаол қисми узунлигига, яъни унинг қути ичидаги турган ва уруғларни сидирадиган


қисмига боғлик. Экиладиган уруғлар микдорини күпайтириш учун ғалтак корпусга киритилади, камайтириш учун эса корпусдан чиқарилади. Валик б ўқ бўйича сурилганда барча ғалтаклар билан экиладиган уруғларнинг микдори бир вактда тенг даражада ўзгаради. Фақат битта ғалтак билан экиши ўзгартириш кути 4 ни силжитиш билан амалга оширилади. Бунинг учун уни уруг сифимига беркитган болтлар бўшатилади ва кути керакли томонга болтлар остидаги чўзинчок тешик туфайли сурилади.

Экиш микдори ғалтакларнинг ишчи узунлиги ва уларнинг айланиш частотасини ўзгартириш орқали созланади. Бунда ғалтакнинг ишчи қисми узунлиги экиладиган уруғнинг ўлчамларига мос бўлиши керак. Агар ғалтакнинг ишчи қисми узунлиги ва мос ҳолда чиқиши каналининг кенглиги етарли бўлмаса, уруг майдаланади. Юқори айланиш частотаси ҳам уруғларнинг майдаланишига имкон яратади. Уруғларни кам майдаланишини таъминлаш учун талаб қилинган экиш меъёрига ўрнатилганда ғалтакнинг минимал айланиш частотаси ва максимал ишчи узунлигидан келиб чиқиш лозим. Уруғларни майдаланиши 0,3...1,5% оралигига рухсат этилади. Кичик қиймат – донли экинларнинг уруғлари учун, каттаси – йирик уруғли сабзавотлар учун. Аппарат қутисини уруғлардан бўшатиш учун таглик 1 нинг валики 7 унга маҳкамланган дастак ёрдамида буралади.

**Ғалтак-тишли аппаратлар** тукли чигитларни экиш учун қўлланилади. Тишли ғалтаклар сонига қараб, бир ва икки ғалтакли экиш аппаратлари бўлади. Сеялкаларда қатор ораларининг кенглигини 60 см қилиб экишда икки ғалтакли, 90 см қилиб экишда эса бир ғалтакли аппаратлар ишлатилади.

Икки ғалтакли аппаратлар ғалтакларнинг чигитлар билан таъминланиши усулига қараб қаршидан ва йўлакай таъминланувчи, фақат йўлакай ёки фақат қаршидан таъминланувчи хилларига бўлинади. Конструкцияси мураккаб тузилганидан фақат қаршидан ва фақат йўлакай таъминланувчи икки ғалтакли экиш аппаратлари амалда жорий этилмади. Хозир ғалтакларнинг бири қаршидан, иккинчиси эса йўлакай таъминланувчи аппаратлар ишлатилади.

Икки ғалтакли экиш аппаратининг схемаси 119-расмда кўрсатилган. Тукли чигитлар ёмон сочилувчан бўлади, аппарат банкасига согланда эса зичланиб, бир – бирига илашиб экилмай қолиши мумкин. Уларни сочилувчан қилиш учун экиш олдидан ҳар тоннасига 600...700 л сув сепиб, сўнг устига шолча ёпиб 3...6 соат димлаб намланади. Нам ерга экиладиган чигитлар эса ҳар тоннасига 300 л сув сепиб ҳўлланади.



119 – расм. Фалтакли экиш аппарати.

1 – тўзитгич-таъминлагич; 2 – аппарат туби; 3 ва 6 – экиш фалтаклари; 4 – умумий вал; 5 – конуссимон шестериялар; 7 – банка.

Банкага солинган нам чигитларни узлуксиз тўзитиб, сочиувчан ҳолда сақлаш ва фалтакларга бир мөъёрда узатиш учун экиш аппарати тўзитгич-таъминлагич 1 билан жиҳозланади. Тўзитгич-таъминлагич тик ўқда айланувчи бармоқли диск (таъминлагич) ва унга маҳкамланган пўлат чивик (тўзиткич) дан иборат. Унинг бармоқлари билан экиш аппаратларининг туби 2 орасидаги айланана бўшлиқ таъминлаши камераси деб аталади.

Аппарат туби чўяндан қуйиб тайёрланган. У билан бармоқли дискнинг пастки сирти орасидаги тирқиши 1,0 ... 1,5 мм бўлиши лозим. Тирқиши шундан катта бўлса, унга чигит ва толалар тез тикилиб қолади, чигитлар шикастланади аппаратнинг иши ёмонлашади. Айланади чизигнинг икки томонида маҳсус шакли экиш дарчалари бор. Экиш фалтаклари 3 ва 6 умумий вал 4 га ўрнатилиб, экиш дарчаларига пастдан киритилади.

Тўзитгич-таъминлагич бир жуфт конуссимон шестериялар ( $z_1=18$ ,  $z_2=36$ ) ёрдамида соат стрелкасининг ҳаракат йўналиши бўйлаб айлантирилади. Шунда унинг бармоқлари (22 та) ва пўлат чивик чигитларни тузитади ҳамда таъминлаши камерасига йўналтиради. Камерадаги чигитлар ишқаланиш ва илашиш ҳисобига бармоқлар билан бирга айланана бўйлаб ҳаракатланади. Тишли фалтаклар умумий валда диаметрал қарама-қарши томонларда жойлашгани учун уларнинг юқори кисми (аппарат ичига кирган тишлари) чигитлар оқимига нисбатан икки хил йўналишда айланади: фалтак 6 нинг юқори тишлари эса чигитлар билан бир йўналишда айланади. Шунинг учун фалтак 3 қаршидан, фалтак 6 эса йўлакай таъминланувчи деб аталади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, қаршидан таъминланувчи фалтакнинг


иш унуми (вакт бирлигидә экилган уруғлар мөкдори) йўлакай таъминланувчи ғалтакникидан 1,3...1,8 марта ортиқ. Ҳозирги аппаратларда ғалтакларнинг иш унумлари қопқоқлар ёрдамида тенглаштирилади ва ростланади. Иш унумини қопқоқ ёрдамида ростлаш оддий ва қулай усул, аммо бунда чигитлар бир мөъёрда экилмайди, уяларга ташланган уруғлар сони жуда ноаниқ бўлади.

Дискли экиши аппаратлари учта асосий туроҳга бўлинади: горизонтал дискли (тик айланиш ўқли), тик дискли (горизонтал айланиш ўқли) ва қия дискли (қия айланиш ўқли). Тик ва горизонтал айланиш ўқли экиши аппаратлари кўпроқ кўлтанилади. Тик айланиш ўқли аппаратлар тарелкасимон ёки катакли диск билан, горизонтал айланиш ўқли эса фақат катакли диск билан жиҳозланган.

**Катак-дискли экиши аппарати** (120-расм) қўйидаги асосий (фаол) қисмлардан иборат: катакли диск 1, қайтаргич 2 ва туширгич 3. Дискли аппаратлар қўйидагича ишлайди. Цилиндрик уруғ банкаси тубида ўрнатилган тик ўқли диск 1 (120 $a$  – расм) сеялканинг таянч-узатма филдриагидан айланма ҳаракатга келтирилади. Юқори қатламнинг оғирлик кучи ва босими таъсирида уруғлар дискнинг катакларига тушади ва улар билан уруғ банкаси тубидаги тешикка силжитилади. Уларнинг ҳаракати йўлидаги пружинкали қайтаргич 2 ўзининг тишилари билан диск катакларига тўлиқ жойлашмаган уруғларни қайтаради. Қачонки уруғли катак уруғ банкаси тубидаги тешик устида бўлганда пружинкали туширгич 3 уни сошникнинг уруғ ўтказгичига туртиб туширади. Одатда диск ягона битта уруғни жойлашишига мўлжалланган 24 та катакдан иборат бўлади.

Ҳар хил ўсимликлар уруғларини экиш учун сеялкалар дисклар комплекти билан жиҳозланади. Уруғларни экиш мөъёри дискларнинг айланиш частотаси ва диск катакчаларининг бир қисмини ёпдиган маҳсус устки қисмлар (накладкалар) ўрнатиш билан созланади. Горизонтал айланиш ўқли диск 1 (120 $b$  – расм) уруғ сигими остида ўрнатилган ва сеялканинг таянч филдриагидан ҳаракатга келтирилади. Сигимдаги уруғлар катакларга кириб диск билан қайтаргич 2 га ҳаракат қилади. У тарам-тарамли капрон ролик кўринишида бўлиб, ортиқча уруғларни қайтаради. Экиш аппаратининг пастги қисмida уруғлар катаклардан катакларнинг марказлари бўйича йўнилган арикчаларга киргизилган пластинкасимон пона кўринишидаги туширгич 3 билан туширилади.

Аппарат қандли лавлагининг ҳар хил фракциялари уруғларини экиш учун катаклари тешигининг диаметри 5 ва 6 мм бўлган икки комплект дисклар билан жиҳозланган.



120-расм. Дискли экиш аппаратлари.


*а* – айланиш ўқи тик; *б* – айланиш ўқи горизонтал; 1 – катакли диск; 2 – қайтаргич; 3 – туширгич.

**Пневматик экиш аппарати.** Пневматик экиш аппаратларида умумий массадан уругларни доналаб танлаб олиш учун вакуум ва ортиқча босим күлланилади. Бу аппаратларнинг конструкциялари жуда хилмахил, аммо уларни икки гурухга ажратиш мумкин: дискли ва барабанили. Дискли аппаратларда сурин тешиклари диск текислигига жойлашган, барабанилиларда эса – цилиндрлик юзада. МДХ давлатларининг пневматик сеялкаларида ҳамда Руминияда ишлаб чиқилган сеялкаларда айланиш ўқи горизонтал дискли экиш аппарати күлланилади (121 $\alpha$  – расм). Бундай аппарат корпус 7, тешикли экиш диски 6, тозалагич 4, вал 3 ва уругларни саралагич 2 дан иборат. Вал 3 экиш аппаратларининг корпуси 7 нинг подшипникида ўрнатилган. Вал 3 нинг квадрат учида экиш диски 6 ўрнатилган.

Экиш дискининг бир томонида сийраклаш камераси (вакуум), бошқа томонида эса таъминлаш камераси жойлашган (уруглар учун). Диск сийраклаш камерасига эластик түзиттіч ёрдамида босилади. Сигим 1 га тукилган уруглар ундан қабул қилиш тиркиши орқали таъминлаш камерасига тушади. Сеялка ишлаганда вентилятор ёрдамида

сийраклашиш камерасида вакуум ҳосил қилинади, унинг таъсирида эса уруглар экиш дискининг тешикларига сурлади. Саралагич 2 ҳар бир тешикда биттадан уруғ колдириб ортиқчасидан тозалайди. Айланувчи диск ёпишган уругларни аппаратнинг сийраклик бўлмаган пастки қисмига олиб ўтади. Бу қисмда уругни диск тешигига тортиб турувчи куч йўқлиги туфайли уруғ оғирлик кучи таъсирида кути 7 нинг тиркиши орқали эгатга тушади.

**Пневмомеханик экиш аппаратлари** конструкцияси бўйича хилма – хил, асосан марказдан қочирма аппаратлар энг кўп тарқалган (121б – расм). Улар бир қатор мамлакатларнинг уругларни (ўғитларни) марказлашган қадоқлашиб дон ва ўғит сеялкаларида кўлланилади. Экиш аппарати қадоқловчи курилма 10, қопқок 8, парраклар 13 ва йўналтирувчи куракча 12 билан жиҳозланган конуссимон ротор 14 ва тақсимлаш каллаги 11 дан иборат. Сифим 9 дан уруглар қадоқловчи курилма 10 орқали конуссимон ротор 14 тубига тушади. Марказдан қочма куч таъсирида уруглар конуссимон роторнинг ички юзаси бўйича йўналтирувчи куракча 12 бўйлаб силжийди ва роторнинг четига етгач тақсимлаш каллаги 11 нинг арикларига тушади. У ерга эса тез айланадиган ротор 14 нинг парраклари 13 билан ҳосил қилинадиган ҳаво оқими берилади. Бу ҳаво оқими билан уруглар ургутказгичлар 15 орқали сошникларга етказилади.



**121-расм. Пневматик ва пневмомеханик экиш аппаратлари схемаси.**  
 а - дискли пневматик; б - марказдан қочирма пневматик ташнидиган; 1 ва 9 – бункерлар; 2 - уругларни саралагич; 3 – валик; 4 – тозалагич; 5 – сошник; 6 – экиш диски; 7 – корпус; 8 – қопқок; 10 – қадоқлашиб курилмаси; 11 - тақсимловчи бошча; 12 - йўналтирувчи куракчалар; 13 – парраклар; 14 – конуссимон ротор; 15 – ургутказгич.

**Картошка экиш машиналарининг экиш аппаратлари** қошиқ транспортёри (тасмали-транспортёри) ва қошиқ-дискли аппаратларга бўлиниди. Қошиқ-транспортёри (занжир-қошиқли) аппаратлар узлусиз заижир кўринишида қилинган бўлиб, унинг бугинларига қошиқлар беркитилган. Бу аппаратлар кам қўлланилади, чунки улар яровизициялашган картошкани экишда ишлатилади. Сузиб олиш принципига асослашган қошиқ-дискли аппаратлар (122-расм) кенг қўлланилади. Бундай аппарат диск 1 кўринишида бўлиб, унинг айланаси бўйича қошиқлар 2 жойлашган. Ҳар бир қошиқ 2 қискич 3 (122а-расм) билан жиҳозланган. Қискич кулоклар билан буриладиган (таёқча) турида бўлиб, унинг юқори учи шохча В турида этилган. Пружина 4 стерженни буришга ва унинг шохчаси В ни қошиқ 2 га қисишга интилади. Диск 1 нинг ташки томонига, ундан маълум бир масофада, ёйсимон йўналтирувчи йўлакча ўрнатилган.

Диск айланганда стерженнинг А дастаги йўналтирувчи йўлакча устига чиқади ва пружина 4 нинг каршилигини сигиб шохча В ни қошиқ 2 дан четлатади. Қошиқча картошка қатламига киради ва туганакни илиб олади. У қатламдан чиққанда дастакча А йўналтирувчи йўлакчадан тушади ва пружина 4 билан бурилган стержень ўзининг шохчаси В билан унга тугапакни қисади. Туганакни тушириш зонасида дастакча А йўналтирувчи йўлакча устига чиқади, натижада шохча В туганакни бўшатади ва у сошникнинг қабул қилиш оғзига тушади.


Шундай қилиб, дискнинг бир айланисида сузиб олиш аппаратининг тугалланган иш цикли амалга оширилди. У уч боекичдан иборат: қошиқ қатламда ҳаракатланганда у билан туганакни илиб олиш; уни қискич билан ушлаш ва сошникнинг қабул қилиши оғзига олиб бориш; туганакни бўшатиш.

Қаторларда туганакларни текис тақсимлаш ҳар бир фазани бир маромда бажарилишига боғлиқ.

**Кўчат ўтқазиш аппаратлари** икки гурухга бўлиниди: кўчат ушлагичи айланма ҳаракат қиласидан ва кўчатни ўтқазиш зонасида кўчат ушлагичи илгариланмана ҳаракат қиласидан аппаратлар. Биринчи гурухга дискли ва параллелограмли аппаратлар, иккинчи гурухга эса занжирли (занжир конвейерли) аппаратлар киради. Биринчи гурух аппаратларидан дисклилар энг кўп қўлланилади.


**Дискли аппарат** (123а- расм) айланиси ўқи горизонтал бўлган диск 1 кўринишида қилинган бўлиб унга кўчат туткичлар маҳкамланган. Кўчат туткич (123б-расм) кронштейн 3, пружина 4 ва икки елкали дастак 5 дан иборат. Дастакнинг бир учига кўчатни

шикастланишидан сақладыған резиналар *B*, иккінчи учига эса ролик *A* беркитилганды. Пружина *4* дастак *5* ни ишчи учини диск *1* га босиша интилады. Күчат туткич *2* нинг ишчи учига юқориға қаратылған бўлғанды дастак *5* нинг ролики *A* йўналтирувчи йўлакча устида ҳаракат қиласы ва дастакнинг ишчи учини дискдан узоклаштиради. Диск *1* билан кўччаттуткич ўртасидаги тирқишига радиус бўйича илдизи ташқарига қилиниб кўччат кўйилади. Дискни кейинги айланышда ролик *A* йўналтирувчи йўлакчадан тушади ва дастак *5* пружина *4* таъсирида кўччатни диск *1* га қисади. Кўччат илдизлари билан эгатга тушиб, тик ҳолатни эгаллаганды ролик *A* иккинчи йўналтирувчи йўлакча устида ҳаракат қиласы. Бунда дастак *5* нинг ишчи учига диск *1*дан четлашади ва зичлагич фалтак билан илдизлари тупроққа кўмилган кўччатни бўшатади.



**122-расм. Қошиқ–дискил картошка экиш аппарати схемаси.**  
*a* – сузуви аппарат; *b* – қисиб оладиган мослама; *1* – диск; *2* – қошиқ; *3* – қисқиҷ; *4* – пружина.

**Занжирли аппарат** (123-расм) учта юлдузча *6* га тақилган занжир *8* кўринишда қилинган бўлиб, унга кўччат туткичлар *7* жойлаштирилган ва йўналтирувчи планкалар *9* билан таъминланган. Планкалар *9* га яқинлашиш зонасида очилган кўччат туткич *7* га кўчатлар қўйилади. Кўччат туткич *7* иккита йўналтирувчи планкалар *9* ўртасидаги тирқишига киргач ёпилади ва кўччатни ушлаб туради. Занжирнинг горизонтал қисмида кўчатнинг илдизи эгатга тушади ва тупроққа зичлагич фалтак билан кўмилади. Ундан кейин кўччат туткич *7* йўналтирувчи планкалар *9* орасидан чиқади ва кўччатни бўшатади.



**123-расм. Күчат үтқазиш аппаратлари ва күчатушлаги чекемдердиң схемалари.**  
 а – дискилі аппаратлар; б – күчат туткыч; в – занжирли (занжир-конвойрли) аппарат;  
 1 – диск; 2 – күчат туткыч; 3 – кронштейн; 4 – пружина; 5 – иккى елкапа  
 дастак; 6 – юлдузча; 7 – күчат туткыч; 8 – занжир; 9 – йүналтирувчи планкалар.

### 3-§. Уругүтказгичлар

Уругүтказгичлар уруғлар ва ўғитлар оқимини экиш аппаратидан сошникка узатыш учун хизмат қилади. Улар материални эркин ва бир меъёрда текис ўтишини таъминлашлари лозим. Уругларнинг (ўғитларнинг) сочишувчанилигига ва экиш аппаратларининг сошникларга нисбатан жойлашишига караб турли уругүтказгичлар қўлланилади (124-расм).

Спираль – лентали уруғ үтказгичлар (124а-расм) дон, ўт ва сабзвот сеялкаларида қўлланилади. Улар пўлат лентадан тайёрланади, яхши эгилади ва чўзилади, бу эса сошникнинг ҳолатини ўзгартиришга имкон беради, аммо нисбатан қиммат ва деформациялангандан сўнг кайта тиклаш қийин.

Трубкасимон уруғ үтказгичлар (124б-расм) резинкали газлама ёки пластмассадан тайёрланади. Улар етарли даражада эгилувчан, арzon ва енгил, аммо тез ейилади, эгилганда эса уругларни ўтишини қийинлаштириб, экишни нотекислигига олиб келади.


Воронкасимон уруғ үтказгичлар (124в-расм) бир-бирига киргизилиб, занжир билан уланган катор воронкалардан изборат. Улар кам сочишувчан уруғ ва минерал ўғитларни узатишда ишлатилади. Иш вақтида улар тебраниб ўғитларни ва уругларни ёпишишига йўл қўймайди. Улар

факат тик ҳолатда яхши ишлайди, экиш аппарати ва сошникнинг ўртасидаги масофани кўпроқ ўзгартиришга имкон бермайди.

**Гофрланган уруғ ўтказгичлар** (124 $\sigma$ -расм) резинадан тайёрланган бўлиб энг кўп кўллапнилади. Кўндаланг кесимининг шакли ўзгармаган холда улар кисқаради, чўзилади ва эгилади.

**Спираль-симли** (124 $\delta$ -расм) уруғ ўтказгичлар чигит, нўшипиёз, саримсок, лола, гладиолис пиёзларини экишда кўлланилади. Улар пўлат симдан тайёрланади, этилувчан ва мустаҳкам, аммо оғир ва эгилганда уруғларни қисиб олиши ва шикастлантириши мумкин.

**Телескопик уруғ ўтказгичлар** (124 $e$ -расм) уруғ экиш меъёри текислигини яхшилайди, аммо ўқ йўналишида етарли даражада ҳаракатчан эмас, чунки трубкалар орасидаги тиркишлар тикилиб, уларни бир-бирига тишлаптиб колипшига олиб келали



124 - расм. Уруғ ва ўғиттўғказгичлар.

*a* - спираль-тасмали; *b* - трубкасимон; *c* - воронкасимон; *d* - гофрланган; *e* - телескопик.

#### 4-§. Сошниклар

Сошникда сигимдан тушган уруғ, масалан, дон ёки туганак оқимининг ҳаракати тўхтайди. Шунинг учун сошник маълум чукурликда эгатча ҳосил қиласди, унинг тубига уруғларни ётқизади ва уларни тупроқ билан кўмади. Сошниклар таъсир принципига кўра икки гурухга бўлинади: илгариланма (наральниксимон) ва айланма (дискли) ҳаракат киладиган.

Технологик принципига кўра сошниклар уч гурухга бўлинади: тупроққа ўткир, тўғри ва ўтмас кириш бурчакли. Бу сошниклар билан эгатчалар ҳосил қилиш технологияси ҳар хил. Тупроққа кириш бурчаги ўткир сошниклар тупроқни пастдан юкори силжитиб эгатча ҳосил қиласди, натижада эгат туби юмшоқ бўлади. Кириш бурчаги ўтмас сошник эса, аксинча, тупроқни пастга босиб эгатча ҳосил қиласди.

шунинг учун эгат тубини зичлайди. Кириш бурчаги тўғри сошник тупрокни ён томонларига суриб эгатча ҳосил қиласди.

Анкерли ва панжали сошникларни тупрокка кириш бурчаги ўткир, трубасимон сошникларники тўғри, кильсимон, сирпанма ва барча дисклайларники ўтмас.

*Анкерли сошниклар* (125a-расм) дон ва баъзи бир маҳсус сеялкаларда ўрнатилади. Улар йирик ўсимлик қолдиклари бўлмаган яхши юмшатилган, донадор тупроқларда қўлланилади. Анкерли сошник наральник 1, қувур 2 ва қисқич ҳалқа 3 дан иборат. Комбинациялашган анкерли сошник иккита қувур билан жихозланган: олдинги ўйтилар учун, орка – уруғлар учун. Анкерли сошниклар пастги, намроқ тупроқ қатламини дала юзасиги чиқариши туфайли уларни етарли намлик бўлмаган ҳудудларда қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Анкерли сошникларни тупроқка ботиш чуқурлиги 4 см дан 7 см оралигига қисгич ҳалқа 3 га маҳсус юклар осиш ва тупроқка кириш бурчагини ўзгартириш билан созланади. Сошникнинг тортишга қаршилиги 30 дан 100 Н гача.

*Кильсимон сошниклар* (125b-расм) зигир, ўт уруғлар ва бошқа экинларни экиш учун қўлланилади. Кильсимон сошниклар анкерлиларга нисбатан ўсимлик қолдиклари билан кам тикилади, аммо йирик кесакларга дуч келганда саёзлашди, шунинг учун улар кўлланилганда далани яхши тайёрлаш талаб қилинади. Сошник қирраси ўткирланган наральник (киль) 1, қувур 2 ва қисқич ҳалқача 3 дан иборат. Кильсимон сошник тупроқ агрегатларини юқоридан пастга суриб эгатча ҳосил қиласди, натижада эгат туби зичлашади. Бу эса намни келишига ва уруғларни тезроқ ўсишига имкон яратади. Шунинг учун намлик етарли бўлмаган ҳудудларда қильсимон сошникларни қўллаш афзалроқ. Сошникларнинг тупроқка кириш чуқурлиги 1 см дан 6 см гача қисқич ҳалқача 3 нинг учига юқ осиш ва сикувчи пружина билан созланади. Кильсимон сошникнинг тортишга қаршилиги 30...40 Н.

*Сирпанма сошниклар* (125в-расм) маккажӯҳори, пахта, лавлаги, сабзавот ва бошқа ўсимликларнинг уругини экиш сеялкаларида қўлланилади. Маккажӯҳори сеялкасининг сирпанма сошники пичноқсимон наральник 1 ва ўзаро параллел жойлашган чўзик лунжлар 4 дан иборат. Сирпанма сошниклар ишқаланиши коэффициенти юқори ва эластиклиги кичик бўлган уруғларни экиши туфайли уларни лунжи узунчоқ қилинади. Узун лунжлар эгатча деворини кўчиб тушишига кўймайди ва барча уруғларни тоза эгат тубига жойлашишига имкон беради. Тупроқка ботиши (15 дан 12 см гача) штанганинг сикувчи пружинаси ва сошнидан кейин жойлашган зичлагич фиддиракни


Үрнатиш билан созланади. Чигит сеялкаларининг сирпанма сошнити 126 – расмда кўрсатилган. Унинг асосий қисмлари пичоқ 16, ўнг 9 ва чап 14 жағлар, эгатча тубини зичлагич 15, сошникнинг тупроққа ботишини чекловчи чанғи 18, экиш чуқурлигини ростлаш мосламаси 19 дан иборат. Тўsic 17 сошникка ўрнатиладиган аппаратни тупроқдан саклади. Сошник сеялка рамаси 22 га тўрт звеноли параллелограмм механизм воситасида осилади. Бу механизм сошникни параллел кўтариши, уни тупроққа ботиш бурчагини бир хиллигини таъминлайди. Пружина 20 ва гайка–винтли механизм сошникка вертикал кучни ростлаш учун хизмат килади. Планка б ўрнатма сеялкани транспорт ҳолатга кўтарганда сошникнинг пасайишини чеклади. Фидиракча 13 эгатчага ташланган чигитларни тупроққа ботиради. Унинг тупроққа босими пружина 8, гайка винтли механизmlар ва кронштейн 12 билан ростланади. Кейинги вактда чиқарилаётган чигит сеялкаларида фидиракча ўрнатилмайди. Осиш механизми кронштейн 1, бўйлама тортқичлар 3, 21 ва тутқич 7 дан иборат.

*Найсимон сошниклар* (125-расм) тупроғи шамол эрозиясига учраган аввал ишлов берилган анизга донли экинларни экиш учун кўлланилади. Сошник тик ёргич (наральник) 7 ва най 2 дан иборат. Сошникни сеялка рамасига шарнирли–эластик боғлаш иш жараёнида уни тебранишига олиб келади ва ёпишган тупроқдан ва ўсимлик қолдикларидан ўз–ўзидан тозаланишини таъминлайди.

*Панжали сошниклар* (125-расм) шамол эрозиясига чалинган механик таркиби бўйича енгил тупроқли ишлов берилмаган ангизга донли экинларнинг уругини экиш учун кўлланилади. Бундай сошниклар бирйўла тупроқни юмшатади, бегона ўтларни қирқади, ўғитларни экади ва донадор ўғитларни солади. Сошник ёргич 1, раструб 2 ва ўқёйсимон панжа 5 дан иборат. Сошниклар икки модификацияда чиқарилади: қаторлаб ва қаторсиз экиш учун. Қаторсиз экиш сошникларининг пастги қисмида сочгичлар ўрнатилади. Тутқич ва яримконусдан иборат сочгич уруғлар ва ўғитларни панжа билан кўтарилган тупроқ қатлами остига кенг йўлаклаб тақсимлайди. Панжали ҳамда пайсимон сошникларни тупроққа ботиши гидроцилиндр штокидаги тиргакни силжитиши билан созланади.

*Бир дискли сошниклар* (125e-расм) ишлов берилган ва поялар сакланган ишлов берилмаган далаларга донли экинларнинг уругларини экиш учун мўлжалланган. Улар биратўла тупроққа юза ишлов бериш ва уруғни экиш операцияларини бажаради, шунинг учун комбинациялашган машиналарда – лушчилик-сеялкаларда кўлланилади. Сошник диск б ва варонкасимон қувур 2 билан


жихозланган. Диск ҳаракат йўналишига нисбатан 3...8° бурчак остида ўрнатилади. Воронкасимон қувур 2 дискнинг орқа томонида жойлашган ва у ҳосил килган эгатчага ургуларни йўналтиради. Воронкасимон қувур 2 нинг ҳолати дискка қанча яқин бўлса, ургуларни сочилиш кенглиги шунча кичик бўлади. Бир дискли сошниклар, одатда, батареяга йигилган. Бир дискли сошник икки дисклига нисбатан ўсимлик қолдикларини яхши қирқади, тупрокқа яхши ботади ва ёпишган тупроқдан яхши тозаланади. Бу эса уни ўсимлик қолдиклари мавжуд нисбатан қаттиқ ва нам тупроқларда кўллашга имкон беради. Аммо ургуларни бир дискли сошниклар билан кўмиш чукурлиги текислиги икки дисклиларнига нисбатан пастроқ. Ургуларни кўмиш чукурлиги сиқувчи пружиналар ва гидроцилиндр штокидаги тиргакнинг ҳолатини ўзгартириш билан созланади.



125 - расм. Сошниклар.

а – анкерли; б – кильсимон; в – сирпанма; г – найсимон; д – панжали (панжасошник); е – бир дискли; ж – икки дискли; ё – чекловчи гардишли икки дискли; 1 – наральник; 2 – қувур; 3 – ҳалқача; 4 – лунж; 5 – ўқ ёйсимон панжа; 6 – дискли; 7 – корпус; 8 – ўзтак; 9 – қопқоқ; 10 ва 11 – текис дисклар; 13 – тозалагич ҳалқа; 14 – фалтак; 15 – пружина.

*Икки дискли сошниклар* (125ж-расм) донли экинлар уругини экиш учун құлпанилади. Икки дискли сошник күйма корпус 7 ва шарикли подшипникларда бир-бирига нисбатан 10° остида үрнатылған, чархланған текис дисклар 10 ва 11 дан иборат. Дисклар пона ҳосил қилиб, олд қисміда туташади. Дискларнинг туташ жойи оралиғида тупроқни қисилиці қолишини бартараф қилиш учун туташ нұктаси горизонтал диаметрдан пастда, аммо дала юзасидан бир оз юқори жойлашған. Дискларнинг бир – бирига максимал яқынлашған жойидаги тиркіш 1,5 мм дан катта бұлмаслиги керак. Акс ҳолда талаб қилинған әтатча ҳосил бўлмайди ва уруғларнинг бир қисми дала юзасига экилади. Иш пайтида дисклар айланиб, тупроқ ва үсімлик қолдикларини кесади ва понадек тупроқни икки томонға силжитиб әтатча ҳосил қиласади. Уруғлар кувурдан ўтиб, әтатча тубига тушади.



126—расм. Чигит сеялкаларининг сирпайма сошнити.

1 ва 12 – кронштейн; 2 – хомут; 3 ва 21 – бўйлама тортқичлар; 4 ва 10 – гайкалар; 5 – ростлаш болти; 6 – планка; 7 – туткич; 8 ва 20 – пружиналар; 9 ва 14 – сошик жаглари; 11 – штанга; 13 – ургуни сотириувчи ғиддиракча; 15 – зичлагич; 16 – пичок; 17 – тўсик; 18 – чекловчи чанги; 19 – экиш чукурлигини ростлаш мосламаси; 22 – рама.

Дискли сошниклар анкерлиларга нисбатан мураккаброк, уругларни ёмон күмади, тортишга қаршилиги каттароқ. Аммо улар яхши ишлов берилмаган, кесакли, илдиз қолдиқлари күп тупроқларда ургуны қониқарлы экади ва уларга нисбатан кам тупроқ ёпишади.

*Тор қаторлаб экувчи икки дискли сошникнинг* дисклари бир-бираiga нисбатан катта бурчак ( $180^{\circ}$ ) остида ўрнатилган ва уларнинг туташ нуқтаси юқори, натижада битта сошник иккита эгатча ҳосил қиласди. Дисклар ўртасида булавчи воронка ўрнатилган, у уругўтказгичдан келадиган урувлар оқимини тенг икки қисмга ажратади. Дискли сошникларнинг тупроққа ботиш чуқурлиги уларга сикувчи пружиналарни босимини ўзгартириш билан 2 дан 8 см гача созланади. Дискли сошникнинг тортишга қаршилиги 70...95 Н.

*Чекловчи гардишли икки дискли сошниклар* (125-расм) сабзавот ва мойли экинларнинг уругларини экишда қўлланилади. Гардишлар 13 дискларнинг ташқи юзаларига беркитилган бўлиб, уругларни бир хил ва аниқроқ чукур кўмиш учун хизмат қиласди. Гардишларнинг диаметрини ўзгартириш оркали урувларни кўмиши чукурлигини 2 дан 5 см гача созлаш мумкин. Сошниклар орқасида зичловчи ғалтакча 14 ўнатилган, у экилган қаторнинг ён томонларида тупроқни зичлайди.


### 5-§. Урувлар, туганаклар ва кўчатларни кўмиш мосламалари

Эгатча деворларидан ўз-ўзидан кўчиб тушган тупроқ уругларни тўлик ёпмайди. Шунинг учун уларни тўлик кўмишда маҳсус мосламалар қўлланилади (127-расм) : шлейфлар, загортачлар, бароначалар, ғалтакчалар, дисклар ва уларнинг бирикмаси.

*Шлейфлар (судратмалар)* енгил ва ўрта тупрокларда экилган урувларни кўмиш учун қўлланилади. Улар дон, дон-ўт ва комбинациялашган сеялкаларда ўрнатилади. Судратма занжир 2 билан сеялка сошникуга боғланган бир қатор ҳалқалар 3 дан иборат. У сошник орқасидан дала юзасида эркин судралади ва тупроқни текислайди. Судратмалар факат тор ва чукур бўлмаган эгатчаларни кўмиши мумкин.

*Загортачлар* кўпроқ нам етарли бўлмаган ҳудудларда дон, сабзавот ва бошқа экинларнинг урувларини кўмиш учун қўлланилади. Улар бармоқли ва ағдаргичли бўлиши мумкин. Бармоқлилар тор ва чукур бўлмаган эгатларни кўмиш учун мўлжалланган. Биринчилари пружинкасимон туткичли ўткирланган тишлар 7 (127-расм), иккинчилари эса чап ва ўнг томонли текис ёки ботиқ сиртли ағдаргичлар 13 кўринишида қилинган. Улар пружина таъсиридаги вал 6 (ўзган 14) га маҳкам беркитилган.

*Бороналар* (127-расм) тор қаторли сеялкаларда кенг қўлланилади. Борона тишлари ҳалқа 9 кўринишида бўлади. Ҳаракат жараёнида борона горизонтал текисликда тебранма ҳаракат килиб, дала юзасини судратмага кўра яхши текислайди ва ундан ташқари кесакларни майдалайди.



127- расм. Урулгарлар ва күмүвчи мосламалар схемаси.

а – ҳалқалы судратма; б – занжирли судратма; в – бармоқли загортач; г – ҳалқалы баронача; д – конуссимон түйинли ғалтакчалар; е – цилиндрик ғалтакчали загортач; ж, з – конус түйинли ғалтакчалар; и – дисклар; 1 – сошник; 2 ва 4 – енгил ва оғир занжирлар; 3 ва 9 – ҳалкалар; 6, 12 ва 19 – валлар (үйлар); 7 – тиши; 8 – түткіч; 10 – корпус; 11 – втулка; 13 – ағдаргичча; 14 – ўзган; 15 – цилиндрик ғалтак; 16 – түғин; 17 – штанга; 18 – шайба; 20 – сферик диск; 21 – боронача.

**Ғалтакчалар** (127ж-расм) сабзавот, дон, маккажүзори, лавлаги ва пахта сеялкаларидан ҳамда күчат үтказиш машиналарида құлланилади. Ғалтакчалар конус цилиндр ёки кесилген конус күренишидеги түгинли ва горизонтал ёки кия айланиш үқли бўлиши мумкин. Улар металдан қилинади ёки пневматик бўлади. Ғалтакчалар биттадан, жуфт ҳолда ёки бир нечтадан (секцияли) ўрнатилади. Улар эгатчаларни күмиш билан бирга тупроқни текислайди ва зичлайди.

**Конус түгинли (гардишли) ғалтакчалар** (127 $\delta$ -расм) ҳар бири олтитадан иборат секцияларга йигилади ва нам етарли бўлмаган шамол эрозиясига чалинган тупроқли ҳудудлар учун мўлжалланган дон сеялкаларида ўрнатилади. Ҳар бир ғалтакча понасимон профилли ичи бўш конус 10 дан иборат. Бундай профил яхши зичланган ўркачсимон юзасини шакллантиради.

**Загортачли ғалтакчалар** (127 $e$ -расм) пахта ва лавлаги сеялкаларида кўлланилади. Бундай уйгунашган мослама нисбатан катта кенгликка ва ўркачлиликка эга бўлган эгатчаларни кўмиш учун мўлжалланган. Бунда загортачлар эгатни кўмади, резинка кийдирилган цилиндрик ғалтакча эса тупроқни зичлайди.

**Кесилгаган конус кўринишидаги түгинли (гардишли) ғалтакчалар** (127 $z$ -расм) кўчат экиш машиналарида кўлланилади. Уларнинг түгинлари 16 кирралари бир-бирига қаратилган иккита кесик конус кўринишида килинган. Иш жараёнида улар очилган эгатчанинг четларида ҳаракатланиб, унинг деворларини силжитади ва кўчатни кўмади. Сабзавот, маккажўхори ва пахта сеялкаларининг ғалтакчалари ҳам тупроққа шу тарзда таъсир қиласиди.

**Дисклар** (127 $i$ -расм) уруғларни (туганакларни) чукур кўмиш учун мўлжалланган. Улар, асосан картошка экиш машиналарида ўрнатилади. Одатда, кия ўқларда ўрнатилган сферик дисклар кўлланилади. Дисклар билан ҳосил қилинадиган пуштанинг баландлиги ўқларни бураш билан ўзгартирилади. Текис юзага экилганда дисклар орқасида бароначалар 21 ўрнатилади.

### *Таянч иборалар*

Сигим, экиш аппарати, уруғ ўтказгич, сошник, банка, яшик, ғалтакли новсимон, кути, ғалтак, таъминлаш камераси, тўзитгич, катак, ғалтак, пневматик, экиш диски, қайтаргич, туширгич. марказдан қочирма, қошиқ, транспортёр, дискли аппарат, занжирили аппарат, спирал, трубкасимон, телескопик, воронкасимон, гофранган, анкир, панжа, сирпанма, кильсимон диск, чекловчи ҳалқа, шлейф.

### *Назорат саволлари*

1. Таъминловчи сигимлар қандай вазифани бажаради? 2. Механик аппаратларнинг турларини келтиринг? 3. Ғалтакли новсимон ва ғалтак тишили аппаратлар қандай йигма қисмлардан иборат? Дискли экиш аппаратиининг қандай турлари мавжуд? 5. Пневматик экиш аппарати қандай авзалликларга эга? 6. Катак-дискли экиш аппарати билан уруғларни миқдорлаш технологик жараёни қандай кечади? 7. Картошка экиш машиналарида қандай аппаратлар ўрнатилади? 8. Трубкасимон

уруг ўтказгич қандай авзаллик ва камчиликларга эга? 9. Сирпанма сошник қандай қисмлардан иборат?

## З – Б О Б УНИВЕРСАЛ СЕЯЛКАЛАР

### 1-§. Дон сеялкалари

Хозирги вактда унификациялашган қаторлаб экадиган мужассамлашган (донўғит) тезкор (15 км/с гача тезликда) сеялкаларнинг бир неча хил турлари ишлаб чиқилмокда. Бу оила учун С3-3,6 таянч модель ҳисобланади.


*Универсал тиркана сеялка С3-3,6* (128-расм) донли (буғдой, арпа, сули) ва донли-дуккакли (нўхат, ловия, соя) ҳамда баъзи бир крупабоп (маржумак, тариқ ва бошқа) ўсимликларнинг уругларини экиш билан бир вактда қаторларга донадор ўғитларни солиш учун мўлжалланган.

Сеялка синиали рама 12, тиркаш курилмаси, донўғит кутиси 2 ва 3, уруглар учун 24 та ғалтакли новсимон 1 ва ўғитлар учун шунча ғалтак тишили аппаратлар 4, ург-ўғит ўтказгичлар 6, икки дискли сошниклар 9 ва 10, загортачлар 8, таянч-узатма пневматик фидираклар 11, гидроцилиндр 16 дан ҳаракат оладиган кўтариш механизми ва экиш аппаратларига фидиракдан ҳаракат узатадиган механизм ва сеялка ишини назорат қиласидиган курилмадан иборат. Донўғит кутиси тўсиқ ёрдамида икки бўлимга ажратилган: олдинги 2 - ургулар учун; орқа 3 - ўғитлар учун. Тўсиқда дарча бор. Ург ва ўғитлар экилганда дарча копқоқ билан ёпилади, ўғитсиз экилганда эса дарча очилади ва икки бўлимга ҳам ургуланинади. Сошниклар икки қатор жойлаштирилган, бу эса уларни ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ билан тиқилишининг олдини олади. Сошникларни чуқурлаштириш пружиналарни сикиш орқали созланади; ҳам гурухли, ҳам якка созлаш кўзда тутилган.

Дон ва ўғит экиш аппаратларининг валлари ўртада жойлашган тишилизанжирили узатиш механизми ва ўзиш (обгон) муфтали қарши ҳаракат вали ва ажратгич орқали таянч фидиракдан айланма ҳаракатга келтирилади. Ўзиш муфтасини мавжудлиги ҳар икки фидиракдан айланма ҳаракатни аппаратларга узатиш имконини берса, ажратгич эса сошниклар кўтарилиганда узатиш механизмини ажратади.

Кутининг мос бўлимларига солинган ургулар ва ўғитлар ўз оқими билан экиш аппаратларининг қабул камерасини тўлдиради. Иш ҳолатига туширилган сошниклар билан сеялка ҳаракатланганда дон ва ўғит

аппаратларининг айланиб турган фалтаклари экиладиган материални илинтириб олади ва уруғ ўтказгичларни воронкасига ташлайди. У уруғ ўтказгичлар бўйича сошникларнинг диск оралиги бўшлиғига келади, сўнгра йўнлатиргичлар бўйича думалайди ва сошник дисклари ҳосил килган ариқчага тушади. Уруғ ва ўғитларни кўмиш ҳамда тупрок рельефини текислаш загортачлар (шлейфлар) билан бажарилади.



**128 – расм. Донўғит универсал тиркама сеялкасининг схемаси.**

1 – уруғ учун экиш аппарати; 2 – уруғ учун донўғит куттисининг бўлими; 3 - ўғит учун донўғит куттисининг бўлими; 4 - ўғит экиш аппарати; 5 – лоток (нав); 6 – уруғ ўтказгичлар; 7 – оёқ ости тахтаси; 8 – загортач; 9 ва 10 – орқа ва олдинги икки дискли сошник; 11 – пневматик гидрирак; 12 – спициали рама; 13 – тиргак; 14 – чукурликни созлагич; 15 ва 17 – дастак; 16 – гидроцилиндр; 18 - тортқи.

СЗ-3,6 базасида қуйидаги модификациядаги сеялкалар чиқарилади: анкерли сошниклар билан, битта дискли сошниклар билан, торқаторли, канондонўғит, шолидонўғит, донўғиттўт сеялкалари.

## 2-§. Сеялкаларни ишга тайёрланиш

Экиш олдидан сеялканинг ишчи органлари ва механизмларининг техник ҳолати текширилади, сошниклар жойлаштирилади, уруғлар ва ўғитларни бир хил экиш меъёрига экиш аппаратлари созланади, изторгични чиқиши ва ургуни кўмиш чукурлиги ўрнатилади.

Экиш аппаратларининг созлигига алоҳида эътибор қаратилади. Фидираклар айланганда экиш аппаратларининг фалтаклари розетка билан эркин айланниши, экиш созлагичининг дастаги қўл билан сурилганда эса вал фалтаклар билан бирга корпусларда сурилиши керак.

Уруг үтказгичларда узилишлар бўлмаслиги лозим. Сошникларнинг дисклари эркин айлапиши керак. Дискларни бир-бирига тегиш нуқтасида улар орасидаги тирқиши 1,5 мм гача, тифи қалинлиги 0,5 мм гача, чархланган фаскасининг кенглиги 6-7 мм бўлиши лозим. Тозалагичлар ва уруг ўналтиргичларсиз ишлаш ман этилади. Сошниклар тизгини тўғри, эркин ҳолатда босувчи пружиналар узунлиги эса барча сошниклар учун бир хил бўлиши керак.

Сошникларни жойлаштириш ҳар хил экиш схемалари белтиланган маҳсус тахта ёрдамида бажарилади. Сошниклар белгили тахтага туширилади ва тизгинлар ва вилкалар бўшатилиб, сошниклар бруслар бўйича керакли ҳолатга сурилиб, ҳар бир диск тахтадаги мос белги устига келтирилади.

Бир текис экишга аппаратларни ўрнатиш созлаш дастагининг энг четки ҳолатида барча экиш аппаратлари ғалтакларининг ҳолатини розеткага нисбатан текширишдан бошланади. Бунда ҳар бир ғалтак корпусга тўлиқ кирган бўлиши лозим. Агар ғалтак 1 мм ва ундан кўпроқ чиқиб турса, аппарат корпуси беркитиш болтлари ўтказилган бункер тубидаги чўзинчоқ тешик бўйича сурилади. Сўнгра ҳар бир аппаратнинг клапани ва муфтасининг қирраси орасидаги тирқиши текширилади ва созланади. Доңли экинлар учун у 1...2 мм, нўхат ва бошқа катта уругли ўсимликлар учун 8...10 мм ташкил қилиши керак.

Стационарда экишни бир текисигини текшириш учун ҳар бир аппаратдан уруглар айрим халталарга ёки кутичаларга йигилади ва тортилади. Экишни бир текислиги нотекислик коэффиценти  $H$  билан баҳоланади, у куйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$H = \frac{\sum_{i=1}^k |\bar{m} - m_i|}{\sum_{i=1}^k m_i} \cdot 100, \quad (86)$$

бу ерда  $\bar{m} = \sum_{i=1}^k m / k$  - ўртача бир аппарат билан экилган уруглар массаси;  $k$  – тажрибада қатнашган экиш аппаратлари сони;  $m_i$  -  $i$  аппарат билан экилган уруглар массаси.

Доңли экинлар учун нотекислик коэффиценти 6 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Экиш меъёрига сеялкани ўрнатиш далага чиқишдан олдин амалга оширилади. Филдираклар эркин ҳолатда бўлиши учун рама остига таянчлар қўйилади. Кутига уруг солинади, сошниклар тагига эса брезент тушпалади. Сўнгра жадвал ёки диаграмма бўйича редукторнинг керакли узатиш нисбати ва фалтакнинг ишчи узунлиги танланади.

Нисбатан энг текис экиш мумкин бўлган энг кичик узатиш нисбатида ва фалтакнинг энг катта ишчи узунлигидаги таъминланади. Бунда фалтак уругларни кам шикастлантиради. Ўрнатишнинг тўғрилигини гилдирак  $n$  марта айлантирилганда сеялканинг бир томонидан тушган уругларни тортиб текширилади. Факат битта гилдирак айланганилиги учун натижа иккига кўпайтирилади ва гилдиракларнинг сирпанишини ҳисобга олиш учун 4...5 % га оширилади. Сўнгра олинган микдор қўйидаги формула бўйича ҳисобланган микдор билан солиштирилади:

$$Q_n = 10^{-4} Q b z \pi d n, \quad (87)$$

бу ерда  $Q_n$  – гилдиракни  $n$  айланшишида экилган уруг, кг;  $Q$  – экиш меъёри, кг/га;  $b$  – қатор кенглиги, м;  $z$  – сошниклар сони;  $d$  – гилдирак диаметри, м;  $n$  – гилдиракнинг айланшишлар сони ( $n = 20...30$ ).

Агар ҳақиқий микдор ҳисобдагидан 3% дан кўпроқ фарқ қиласа, фалтакнинг ҳолати ўзгартырилади ва тажриба қайтарилади.

Сўнгра шаблон бўйича сеялканинг иккинчи яримидағи фалтаклар биринчи яримидек ҳолатда ўрнатилади. Дала шароитида сеялкани экиш меъёрига ўрнатиш олдиндан ўлчанган юзада ҳақиқий қиймат бўйича текширилади.

**Ишлов чуқурлигига сошникларни ўрнатиш.** Далага чиқиши олдидан селкани транспорт ҳолатида сошникларни пастги нұктасидан ергача бўлган масофа текширилади ва винтли-тортгич билан созланади, у 190 мм бўлиши керак. Филдирак шиналаридағи босим текширилади ва 0,16...0,20 МПа етказилади. Сеялканинг гилдиракларида ҳар хил босим рухсат этилмайди. Сошникларни ботиш чуқурлигига созлагичнинг винтини бураб созланади.

**Изторгични ўрнатиш.** Экиш агрегатларининг қўшини ўтишлари орасидаги туташ қаторлар оралигининг кенглиги  $b_t$  ни (129-расм) ва улар ҳаракатининг тўғри чизиқлигини таъминлаш учун сеялкаларда гидроцилиндрли изторгичлар 3 ва 11 ўрнатилади. Изторгич суриладиган штангадан иборат бўлиб, унинг четида диск 10 ўрнатилган. У ишчи ҳолатида ариқча – экилмаган дала томонидан из 14 ни ҳосил қиласи. Кейинги ўтишларда тракторчи тракторнинг олдинги ўнг гилдирагини


ёки изтортгич 4 нинг шоқулини изтортгич изи бўйича йўналтиради. Дискдан энг четги сошниккача масофа  $l_M$  изтортгичнинг қулочи деб аталади. У қуйидаги формула бўйича хисобланади:

$$l_M = \frac{B_a + b \pm c}{2} \quad (88)$$

бу ерда  $B_a$  – агрегатнинг қамраши кенглиги, м;  $b$  – қатор оралиги кенглиги, м;  $c$  – тракторнинг олдинги гилдираклари орасидаги масофа, м ( $+c$  – чап изтортгич учун,  $-c$  – ўнги учун).

Уч сеялкали агрегатлар изтортгичлар 3 ва 11 ва изкўрсатгичлар 4 билан жиҳозланади. Ўнг ва чап изтортгичларнинг қулочи  $l_M$  бир хил ўрнатилади, изкўрсатгичнинг қулочи  $l_c$  эса қуйидаги формула бўйича хисобланади.

$$l_c = (B_a + b)/2 - l_M. \quad (89)$$



129-расм. Изтортгични ўрнатиш схемаси.

1 - туташ қаторлар; 2, 9 ва 12 – СЗ-3.6 сеялкаси; 3, 11 - из тортгичлар; 4 - изкўрсатгичнинг шоқули; 5 ва 14 - изтортгич излари; 6 - трактор; 7 - тишли бороналар; 8 - сцепка; 10 – диск; 13 – экилмаган йўлак.

### 3-§. Ангиз сеялка-культиватори


Ангиз сеялка-культиватори (130а - расм) бир вақтда қуйидаги операцияларни бажаради: экиш олдидан ишлов бериш (культивация), экиш

билин донацдор ўгитларни солиши, тупроқни зичлаш, бунда 70% дан күн поялар сақланади.

Сеялка қуидаги асосий қисмлардан иборат: олд томони пневматик таянч гиддирек 2 га ва кейини зичлагич фалтаклар 11 га таянган рама 5, ўгит-дон қутиси 6, уруғ учун фалтак-новсимон 5 ва ўгит учун фалтактиши 7 экиш аппаратлари, уруг ўтказгичлар 8, панжа-сошниклар 1, экиш аппаратларини ҳаракатта келтириш механизми, гидроцилиндр 8 ли сошникларни күтариш механизми, тиркама қурилма 3. Сеялка икки модификацияда ишлаб чыкылади: қаторлаб ва қаторсиз (тупроқ остига сочиб) экиш учун. Кейингили панжали сошникнинг катта қамраш кенглиги билан фарқ қиласи ва уруғларни йўлаклаб тақсимлаш учун ярим конус билан жиҳозланган. 22-25 см кенглиқда экилган йўлаклар орасида 10 см га яқин кенглиқдаги экилмаган йўлаклар қолади.

Сошникларнинг трубкасимон тутқпчлари рамага қўзғалувчан беркитилган ва ишчи холатда амортизация пружиналари билан ушлаб турилади. Экиш аппаратлари занжирли узатма билан зичлагич фалтаклар батареяси ўқидан занжир-тишли редуктор орқали ҳаракатга келтирилади.

Сошникларни ботиш чукурлиги гидроцилиндр 8 нинг штокидаги таянчни силжитиш ва тортқи 6 нинг узунлигини ўзgartариш орқали созланади.



**130 а – расм. Тиркама анғиз сеялка – культиватори.**


1 – панжа-сошник; 2 – пневматик таянч гиддирек; 3 – тиркама; 4 – таянч гиддирек вилкасининг ўқи; 5 – рама; 6 – тортқи; 7 – уруг қутиси; 8 – гидроцилиндр; 9 – фиксация қиласиган планка; 10 – фалтаклар кронштейни; 11 – зичлагич фалтаклар; 12 – тортиш гайкаси.

#### 4-§. Уруғларни сошникларга пневматик узатадиган сеялка

Уруғларни марказлашган ҳолда микдорлайдиган ва уларни сошникларга пневматик узатадиган кент қамровли (5...15 м) сеялкаларнинг оиласи кейинги пайтда кенг кўлланилмоқда. Сеялканинг бундай тури (130б-расм) қўйидаги асосий кисмлардан иборат: бункер 2, экиш аппарати 4, вентилятор 12, мундштукли тақсимлагич бошча 1, уругтказгичлар 5 ва 7, сошниклар 9, загортачлар 8, таянч-узатма филдиралар 11. Бункер сеялканинг марказий кисмида ўрнатилган бўлиб, у тўзитгич 3 ва йирик предметларни экиш аппарати 4 га тушишдан саклайдиган тўр билан жиҳозланган. Тақсимлагич курилма вентилятор 12, марказий кувир 5 ва якка (ёки гурухли) уруг ўтказгичлар 7 учун мундштукли тақсимлагич бошча 1 дан иборат. Қамраш кенглиги 6 м дан катта бўлганда икки поғонали тақсимлаш кўлланилади, яъни уруғлар марказий тақсимлагич бошчадан гурухли қувур бўйича кўшимча тақсимлагич бошчага йўналтирилади, у эса уларни сошниклар бўйича тақсимлайди.

**130б-расм. Уруғларни марказлашган ҳолда микдорлайдиган ва сошникларга пневматик узаттич селка схемаси.**

1 - тақсимлаш бошчаси; 2 - сим; 3 - тузатгич; 4 - фалтакли экиш аппарати; 5 - марказий уруг ўтказгич; 6 - конус найча; 7 - уругтказгич; 8 - загортач; 9 - сошник; 10 - дроссели қопқоқ; 11 - таянч узатма филдирак; 12 - вентилятор.



Сеялканинг иш жараёни қўйидагича кечади. Уруғлар бункер 2 дан тўзитгич 3 ёрдамида экиш аппарати 4 га келади. Фалтак 4 уларни марказий уруг ўтказгич 5 га узатади. Вентилятор 12 томонидан ҳосил қилинган ҳаво оқими уруғларни илиб олади ва уларни марказий уругтказгич 5 бўйича тақсимлагич бошчаси 1 га узатади. Ҳаво оқими йўлида дроссель қопқоқ 10 ва тораядиган сопло (конус найча) 6 ўрнатилган. Дроссель қопқоқ 10 ёрдамида ҳаво оқимининг тезлиги (27 дан 68 м/с гача) созланади, конус найча 6 эса фалтак 4 остида ҳавони сийраклаштирилиб, уругни яхши оқимига имкон яратади. Уруғлар марказий уруг ўтказгичнинг юқори гофранган кисмидан ўта туриб, унинг деворларига кўп марта

урилади, натижада оқим текисланади, марказлашади ва тақсимлап башча 1 га тушади. Уруглар бошчанинг конуссимон қопқоғига урилиб, уруғ ўтказгичлар бўйича бир текис тақсимланади ва 3...5 м/с тезликда сошниклар томонидан ҳосил қилинган эгатчаларга узатилиб загортачлар билан кўмилади.

Бундай сеялкаларнинг қамрапш кенглиги 18 м гача (шатаксиз). Улар универсал, чунки дон ва сабзавот экинлари, пахта ва сорго уругларини экиш ҳамда донацор ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддаларни тупроққа солиш учун мўлжалланган.


Сабзавот сеялкалари ҳам универсал ҳисобланади, чунки улар барча сабзавот ҳамда полиз ва майдада уруғли ем-хашак экинлари экиш билан бир вактда қаторларга минерал ўғитларни солиши имкониятига эга. Экиш текис жўякли ва пуштали юзаларга кенг қаторли ва тасмасимон усулиар билан амалга оширилади. Бунда, эҳтиёжга қараб бир вактнинг ўзида сугориш эгатлари ҳам олиниши мумкин.

Конструкциясига кўра сабзавот сеялкалари дон сеялкалари каби хижозланган бўлиб, уларда сабзавот экинларининг айрим хусусиятлари ҳисобга олинган. Сабзавот экинлари уруглари, одатда кам сочишувчан, уларни экиш микдори 2...3 кг/га дан бир неча 10 кг/га. Бунда нисбатан саёз кўмиш ва тупроқни яхши зичланиши талаб этилади. Шунинг учун ўғит кутиларида тўзитгич ўрнатилади, экиш аппаратининг узатиш механизмида узатмалар сонини анча кенг чегараси мўлжалланади, экиш микдори оз бўлган кичик уругларни экишда кўшимча бункерлар ўрнатилади. Ундан ташқари диски сошниклар чеклагич гардиш ва зичлагич фалтаклар билан жижозланади. Улар унча катта бўлмаган белгиланган экиш чукурлигига (15 дан 5 см гача) аникроқ риоя қилишини ва экилган уругларни тупроқ билан яхши алоқасини таъминлайди.

СУПО-6 сеялкаси помидор, бодринг, қалампир, бақлажон, қовоқ ва карамининг урганини текис юзага ва жўякларга доналаб ва уялаб экиш учун мўлжалланган. Сеялка олтига экиш секциясидан иборат бўлиб (131-расм), улар паралелограм илгак 2 билан иккита таянч-узатма фиддирак 16 га таянган рамага боғланган. Рамада вентилятор, узатиш механизми, автотиркама, эгилувчан ҳаво ўтказгичлар ва изорттичлар ўрнатилган. Секция корпус, тўзитгич 8 ли бункер 7, вакуум туридаги пневматик экиш аппарати 13, сошник 14, олдинги 15 ва орқа 10 фалтаклар, изортчалар 12, сошниклар чукурлигини созлагич 9 ва судрама 11 дан иборат.

Сеялка ҳаракат қилганда экиш аппаратлари айланади, сийраклашиш камерасида вентилятор ҳосил қилган вакуум таъсирида уруглар дисклариининг тешикларига сурилади ва улар билан чиқариш

(камерасидан) бушлигидан сошник бўшлиғига узатилади ва эгатчанинг зичланган тубига ётқизилади. Загортачлар эгатчани тупроқ билан кўмади, улар ортидан ҳаракатланаётган ғалтакчалар 10 тупроқни зичлайди, судратмалар 11 эса қаторлар устидаги тупроқни юмшатади ва юзани текислайди.



**131 – расм. СУПО – 6 сейлкасининг иш жараёни.**

1 – узатиш механизми; 2 – осма; 3 – рама; 4 – автоулагич; 5 – вентилятор; 6 – ҳаво қувури; 7 – бункер; 8 – тўзитгич; 9 – чукурликни созлагич; 10 ва 15 – ғалтаклар; 11 – шлейф; 12 – загортачлар; 13 – экиш аппарати; 14 – сошник; 16 – фиддирак.


Уяга экиласидаган уруғлар микдори ажратгич 2 вилкасини (131-расм) буриш орқали ўзгартирилади. Ҳар хил ўлчамдаги уруғларни экиш учун сейлка тешиклар диаметри билан фарқланадиган саккиз комплект дисклар билан жиҳозланган. Қатордаги уялар орасида масофа узатма механизм редукторидаги юлдузчаларни алмаштириш орқали, уруғларни кўмиш чукурлиги регуляторнинг маховичкасини айлантириш билан, экиш секцияларини белгилангандеги экиш схемасига (50+90, 50+100, 60+120 ва 70 см) эса брус 3 бўйича илгак 2 нинг кронштейнини суриш билан ўзгартирилади.

Сейлканинг қамраш кенглиги 4,2 м, ишчи тезлиги 8 м/соат гача, меҳнат унумдорлиги 2,1...3,36 га/соат.

### 5-§. Махсус сейлкалар

**Махсус сейлкаларга** маккажўхори, лавлаги, пахта сейлкалари ва бошқалар киради. Улар одатда осма бўлади. Маккажўхори сейлкаси (СКНК туридаги) саралангандеги (калибрланган) маккажўхори уругини

уялаб, квадрат-уялаб ва доналаб экиш билан бир вактда ўғит солиш учун мўлжалланган. Сеялкага кунгабоқар, беда, полиз экинлари, арахис ва бошқаларни экиш учун комплект мосламалар ишлаб чиқилган. Бундай турдаги машинанинг асосий ажралиб турадиган фарқи ҳар бир экиш аппаратига айрим узатмали ишчи органларни секцияли жойлашиши (132-расм). Бу даля рельефига яхши мослашишни ва чуқурлик бўйича уруғларни бир текис кўмилишини таъминлади. Сеялканинг тутиб турувчи кисмини туртбурчак кесимли брусларни ташкил қиласиди, унга параллелограмм механизм ABCD ёрдамида ишчи органларининг секциялари беркитилган. Ҳар бир секция уруғлар учун банка 5, тик айланиш ўқли дисксимон экиш аппарати 6 ва зичлагич гилдирак 7 дан иборат. Сеялка бруси осма курилма билан жиҳозланган ва иккита таянч гилдиракка таянади. Дисксимон ўғит экиш аппаратларининг ҳар икки секцияси битта таянч гилдиракдан ҳаракат олади. Уруг экиш аппаратлари секцияларининг таянч гилдиракларидан ҳаракатга келтирилади.




**132-расм. Маккажўхори сеялкасининг схемаси.**

1 – брус; 2 – осиш курилмаси; 3 – ўғит экиш аппарати; 4 – ўғит ўтказгич; 5 – ургу учун кути; 6 – уруг экиш аппарати; 7 – секция гилдираги; 8 – сошник.

Экиш меъёри узатма механизмининг юлдузчаларини алмаштириб дискининг айланиш частотасини ўзгартириш орқали созланади.

**Пневматик сеялкалар (СУПН ва СУПТ туридаги) маккажүхорини яккалааб экиш учун мұлжалланган бўлиб, аммо улар универсал машиналар ҳисобланади, чунки бу сеялкалар билан кунгабоқар, беда, сорго, сабзавот ва полиз әкинларини ҳам экиш мумкин. Бундай турдаги сеялканинг (133-расм) асосий қисмлари: рама, вентилятор, таянч-узатма фиддираклар, экиш секциялари, автотиркама, гидрофициациялашган изортгич. Рама 14 пайвандланган кутисимон брус кўриннишида бўлиб, унга автотиркама 1, дисксимон ўғит экиш аппаратлари 2 ва вентилятор 3 ўрнатилган. Рама таянч-узатма пневматик фиддираклар 13 га таянади. Рамага параллелограмм механизмлар 12 ёрдамида экиш секциялари боғланган. Вентилятор экиш аппаратларининг сийраклашиш камерасида сийраклик (вакуум) яратиш учун хизмат қилади. У улар билан ҳаво ўтказувчи кувурлар орқали боғланган. Вентилятор сеялкада ўрнатилган гидромотор ёки тракторнинг кувват олиш валидан (ҚОВ) ҳаракатга келтирилади.**



**133 – расм. Пневматик сеялканинг схемаси.**

1 – автотакгич; 2 – уруф экиш аппарати; 3 – вентилятор; 4 – ҳаво ўтказгич; 5 – бункер; 6 – зичлагич галтак; 7 – шлейф; 8 – загортаж; 9 – экиш аппарати; 10 – сошник; 11 – уруғ ўтказгич; 12 – параллелограмм механизм; 13 – таянч узатма фиддирак; 14 – рама.

Пневматик таянч-узатма ғилдираклар 13 раманинг таянч вазифасини бажаради ва занжирили узатма ёрдамида ўғит ва уруг экиш аппаратларини айлантиради. Ҳар бир секция параллелограмм механизм 12, бункер 5, экиш аппарати 9, сошник 10, загортач 8, зичлагич ғалтак 6 ва судратма 7 дан иборат. Горизонтал айланыш ўқли пневматик дисксимон экиш аппарати 9 тешиклари диаметри ҳар хил ва майда уруғли экинларни экиш учун тешиклар ўрнида кесикли дисклар билан таъминланган. Сеялка уруг экинларни назорат қилиш учун фотоэлектрик датчики асбоб билан жиҳозланган.


Вентилятор 3 билан ҳосил қилинган сийраклашган хаво қувурлар орқали экиш аппаратлари 9 нинг сийраклашиш камераларига узатилади. Таъминлаш камерасида турган уруг экиш дискининг тешикларига сурилади ва у билан вакуум зонасидан пастга - атмосфера босими зонасига олиб чиқилади ва бу ерда дискдан ажралиб сошниклар 10 ҳосил қилган этат тубига тушади. Уруғларни экиш билан бирга дискли экиш аппарати 2 дан ўғиттўқазгич 11 орқали келадиган ўғитлар солинади. Ўғитлар уруғлардан пастда ва ён томонда жойлашади. Уруғлар ва ўғитлар кўмумчи элементлар 8, 6, 7 таъсирида тупроқ билан кўмилади.

Қаторлар кенглиги экиш секцияларини рама бруси бўйича силжитиб, экиш меъёри узатманинг юлдузчаларини алмаштириб экиш дискларининг айланыш тезлигини узгартириш, уруғларни кўмии чукурлиги эса сошник ҳолатини зичлагич ғалтакка нисбатан ўзгартириш орқали созланади.

Лавлаги сеялкаси (ССТ туридаги) қалибрланган қанд лавлаги уруғини доналааб экиш билан бир вақтда минерал ўғитларни тупроққа солиш учун мўлжалланган. Сеялкаларнинг икки хил модификацияси Қўлланилади: қатор оралиги 60 см – қанд лавлаги сугориладиган ҳудудлар учун ва қатор оралиги 45 см – лавлаги сугорилмайдиган ҳудудлар учун. Лавлаги сеялкаларининг конструктив схемаси СКНК туридаги маккаждӯхори сеялкаси конструктив схемасига ўхшаёт, чунки уларнинг ҳам ишчи органлари секцияли принципда жойлашган. Ҳар бир секция (134-расм) параллелограмм механизм 1 ёрдамида рама бруси билан қўзгалувчан (шарнирлий) боғланган бўлиб, уруғлар учун банка 4, экиш аппарати 5, комбинациялашган сирпанма сошник 9, загортач 8, зичлагич ғилдирак 7 ва судратма 6 дан иборат. Уруг экиш 5 ва ўғит экиш 2 аппаратлари сеялканинг пневматик таянч-узатма ғилдирагидан ҳаракатга келтирилади. Уруғлар учун экиш аппарати - дисксимон горизонтал айланыш ўқли. Дискнинг цилиндрсимон юзасида катақчалар 1/3 қадамга силжиш билан уч қатор жойлашган.

Экиш меъёри (экиш қадами) дискларни айланыш тезлигини ўзгартиш ва бир қатор катақчаларни сектор-ўрнатма билан беркитиш орқали

созланади, бу қаторнинг 1 м да 12 дан 50 гача урга экишга имкон беради.



134-расм. Лавлаги сеялкасининг схемаси.

1 – таинч-узатма фидирек; 2 – ўғиттэкиш аппарати; 3 – ўғиттүтгазгич; 4 – урга учун банка; 5 – урга-экиш аппарати; 6 – шлейф; 7 – зичлагич фалтак; 8 – загортач; 9 – сирпанима сошник; 10 – экиш секцияси осмаси.


## 6-§. Пахта экиш сеялкалари

Тукли чигитлар фалтакли аппаратлар билан жиҳозланган СЧХ-4А-І, СХУ-4-І ва СМХ-4-І, туксизлантирилган чигитлар эса дискли аппаратлар билан жиҳозланган СЧХ-4А-ІІ, СХУ-4-ІІ ва СМХ-4-ІІ сеялкалари билан уялаб ёки қаторлаб, қатор ораларини 60 ва 90 см қилиб экилади. Бу сеялкаларни экиш аппаратлари бир хил принципда ишлайди. Шунинг учун мисол тариқасида СЧХ-4А ва СМХ-4 ҳамда пневматик чигит экиш сеялкасининг умумий тузилиши билан танишамиз.

**СЧХ-4А** русумли сеялка. Бу сеялка қаторлар орасини 90 см қилиб чигит экишга мүлжалланган. СЧХ-4А сеялкасининг икки хили ишлаб чиқаришда кўлланимлмоқда: тукли чигит экадиган СЧХ-4А-1 русумли сеялка ва туксиз чигит экадиган СЧХ-4А-ІІ русумли сеялка.

СЧХ-4 сеялкаси олдинги сеялкалардан конструкциясининг ўзига хослиги билан фарқ қиласди. СЧХ-4А-1 сеялкасига тукли чигит экадиган

түртта аппарат ўрнатилган. Экиш аппаратларининг ҳар бирида сошникка чигит тушуриб турасидиган битта экиш галтаги бор, аппарат сеялка рамасининг кетинги брусиға кронштейн ёрдамида ўрнатилади. Бу сеялка чигитни қаторлаб, уялаб (уюлар оралигини ҳар хил олиш мумкин) ва доналаб (пунктир усулида) эка олади. Сеялкага ўрнатилган иккита (ўнг ва чап) юритиш вали (135-расм) экиш аппарати уя ҳосил қилиш аппаратини ҳаракатлантириди; валларга айланма ҳаракат сеялка гилдиракларидан бир хилдаги занжирли узатмалар орқали ўтади. Тукли чигит экадиган аппаратларнинг ҳар бирини шу вал занжирли узатма ёрдамида, уя ҳосил қиласидиган ёки аниқ нормада экадиган аппаратларни эса конус редукторлар ёрдамида ҳаракатлантириди.



135 – расм. СХУ-4А-III маркали сеялка. 1 – аниқ микдорда экиш аппарати; 2 – сошник секцияси; 3 – чигитни кўмадиган иш органлари секцияси; 4 – рама; 5 – чигит сакланадиган идиш; 6 – ҳаракатлантирувчи чап вал; 7 – маркер.

Уюлар оралигини ва экиш нормасини ўзгартириш учун сеялканинг занжирли узатмаларидағи алмашма юлдузчалардан фойдаланилади.

СХУ-4 ва СХУ-4 туридаги сеялкаларда ишлатиладиган дискли аппаратнинг умумий тузилиши 136-расмда кўрсатилган. Аппаратнинг асосий қисмлари сиртида 48 катақчали ясалган экиш диски 5, диск катақчасидаги ортиқча чигитни четлатувчи дастакли қайтаргич 4, катақчадаги ургни туширувчи юлдузча (туширгич) 9, оралиқ чўян корпус, вертикал валилдан катақчали дискка ҳаракат узатувчи шестернялар блоки, уя ҳосил қиласувчи паррак 6 ва аппарат тубидан иборат. Диск 5 втулкада айланувчи гардишга иккита винт билан


бириктирилади. Дастакли қайтаргич ва юлдузча ҳолатлари винтлар билан ростланади. Банканинг қопқоғидаги марказий тешик резина диск билан ёпилади. Енгиллаштирувчи түсік 3 оралик корпуснинг күндаланг кесилгандың жойига ўрнатиласы.

Аппаратлар 48 катақчали дискдан ташкари, күшмича равишда маккаждыкори ва оқ жүхори ёки нолиз әкинлари ургуни әкиш учун 8 катақчали (хар қайси катақчага 4-5 та уруг сифадиган) диск билан ҳам жиҳозланади.

Дискларнинг катақчалари уругларни доналаб ажратиб олса, улар уругларни доналаб ажратиб олувиши дисклар дейилади. Гурухлаб ажратиб олувиши дискларнинг ҳар қайси катақчасига 2-5 дан уруг сифади. Доналаб ажратиб олувиши дисклар бир-биридан катақчаларининг катталиги билан фарқ қиласы. Дисклар катақчаларининг ўлчамларига қараб түрт хил бўлади, 1, 2, 3 ва 4 тартиб рақамлари билан белгиланади. Дискларнинг тури уруглик чигитларнинг йириклигига қараб ташланади.

### 136- расм. Дискли аппаратнинг ишлаш технологик схемаси.

1 - қопқок; 2 - банка; 3 - енгиллаштирувчи түсік; 4 - дастакли қайтаргич; 5 - әкиш диски; 6 - уя хосил кильувчи паррак; 7 - қайтаргич; 8 - әкиш дарчаси; 9 - юлдузча; 10 ва 12 - винтлар; 11 - пружина.



Аппаратнинг банкаси 2 га чигит тўлдиришдан олдин қопқоқ 1 ни очиб, диск 5 нинг уруглик чигит ўлчамларига мос эканлиги текширилади. Банкага солинган уруг түсік 3 нинг 4 та думалоқ тешикларидан настга ўтиб, катақчали дискнинг устидаги баландлиги 50 мм ли бўшликни тўлдиради. Бу түсік чигитларнинг дискка босимини камайтириб, катақчаларнинг уругга тўлишини яхшилайди, банкадаги уруглар микдорининг әкиш жараёнига бўлган таъсирини пасайтиради, уругларнинг шикастланишини ва тик валикнинг айланисига сарфланадиган кучни камайтиради.

Әкиш диски айланганда унинг сиртидаги уруглар дискнинг айланиси томонига қарши йўналишда сирпанади ёки юмалай бошлайди. Нисбий

харакат туфайли уруғлар катакчаларга тушади ва қайтаргич 7 томонга ўтади. Қайтаргич доналаб экувчи дискнинг катакчаларига кириб қолган иккинчи урутни қайтаради ва корпус 4 нинг тагига фақат бир дона чигитни ўтказади. Одатда, катакчаларга чала кирган ва узунлигининг 2/3 қисми дискдан кўтарилиб турган иккинчи чигит қайтирилади. Аппаратларнинг нормал ишлаши учун катакчалардан қайтирилган уруғлар қайтаргичнинг корпуси 4 олдида тўпланиб қолмасдан, унинг олд сирти бўйлаб ичкари томонга (марказга) ва юқорига эркин силжиши керак. Қайтаргичнинг тумшуғи (олд пастки қисми) катакчага узунлигининг 1/3 қисмидан кўпроғига кирган чигитлар дуч келганда, пружина 11 нинг кучини енгиг юқори кўтарилади ва чигитни корпус 4 нинг тагига ўтказиб юборади. Шундан сўнг қайтаргич ўша пружина таъсирида бошлангич ҳолатига қайтади. Чигитларнинг майдаланмаслиги ва шикастланмаслиги учун қайтаргич 7 нинг тумшуғи билан дискнинг юзаси орасидаги тирқиши 0,5 мм дан катта, корпус тагига иккинчи чигитнинг ўтиб кетмаслиги учун эса 1,2 мм дан кичик бўлиши лозим. Тирқиши ажратгичнинг кичик елкасини босиб турадиган болт 10 билан созланади. Ажратгичнинг олдинги думалоқ қиррасига уругни шикастланishiiga олиб келмайдиган нормал йўналган куч қўйилганда (5,0 Н дан катта эмас) унинг тумшуғи корпусда эркин силжиши лозим.

Корпус тагига ўтган чигитлар айланувчи юлдузча 9 таъсирида пастга тушади. Юлдузча ҳолати винт 12 билан ростланади. Дастан 13 нинг узун елкаси учидаги ўққа эркин айланадиган қилиб ўрнатилган юлдузча тишларининг қадами экиш диски катакчаларининг қадамига тенг. Нормал ҳолатда юлдузчанинг тиши диск катакчасига киради. Диск айланганда эса катакчалар билан доимий тишланишида бўлган юлдузча уруғлар томонга айланади. Уруғларни тушириш учун зарур бўлган куч икки йўлли пружина 11 билан ҳосил қилинади. Аппаратга ажратгични ўрнатишдан олдин винт 12 ёрдамида юлдузча тишининг пастки қирраси билан корпус 4 нинг ички деворининг пастги қирраси орасидаги тирқишини 6 mm га тенг бўлишини таъминлаш лозим. Бу ўлчам винтнинг контргайкаси билан ушлаб турилади. У камайганда юлдузчанинг тишлари дискнинг катакчаларига етарли даражада кирмайди ва уругни туртиб тушириш қобилияти пасаяди.

Катакчалардан тушган чигитлар экиш дарчаси 8 орқали ўтиб, уя ҳосил қилувчи аппарат тубига тушади. Уя ҳосил қилувчи аппарат парраги 6 узлуксиз тушаётган чигитларни гурухларга ажратади, сидириб тўплайди, сейлка маълум масофани ўтгач, уларни сошник ичига ташлайди. Уруғлар сошник ҳосил қилган эгатчада тўп-тўп бўлиб жойлашади. Уядаги уруғлар сони паррак куракчаларининг сонига боғлик.


Экиш аппаратлари 3, 4, 6, 8 куракчали парраклар билан жиҳозланиши мумкин.

**Модулли пахта сеялкаси СМХ-4** оралиг кенглиги 60 ва 90 см бўлган қаторларга тукли, сараланган туксиз ва қобикланган чигитни, маккажўхори ва сорго уруғларини текис далага, оддий ва усти текисланган пушталарга доналааб ва дона-уялаб экиш учун мўлжалланган. Дон учун маккажўхори 70 см ли қатор оралигига экилиши мумкин.

Экиш билан бирга амалга оширилади:

- минерал ўғитлар ва уларнинг коришманинг ҳар бир қаторнинг ён томонига солиш;
- қатор худудига бетона ўтларни ўлдириш учун гербицид эритмаларини пуркаш;
- сугориш жўякларини олиш.

Бу операцияларни бажариш учун тракторга сеялка билан бирга универсал культиватор-озиқлагич КХУ-4 нинг ўғитлагичли олдинги секцияси ишчи органлари ҳамда штангали пахта пуркагич ОШХ-12-1 осилгади (137-расм).




137-расм. CXM-4 модулли чигит экиш сеялкасининг умумий кўрининши.

СМХ модулли сеялка модуллардан тузилган. Экиш технологик жараёнини тўлиқ бажарадиган аппаратлар ва ургуни кўмадиган ишчи органлар комплекти модулни ташкил қиласи. Ҳар қайси модуль (138-расм) банкали экиш аппарати 8, парракли уя ҳосил қилиувчи аппарат 6 ва уларнинг карданли вали 7, сеялканнинг умумий кўндаланг бруси 9 га

параллелограмм механизм воситасида ўрнатилган сошник 3, загортачлар 4 ва прикатка 5 дан иборат. Ҳаракат аппаратларга таянч гидрикдан занжирли 1 ва карданли узатмалар ёрдамида узатилади.

Модулларни брусада силжитиб, катор ораларини 60, 70, 90 см қилиб ўзгартириши мумкин. Экиш аппарати универсал бўлиб, чигит турига қараб тишли ғалтаклар ёки катакчали дисклар ўрнатилади. Чигит банкасининг ҳажми бошқа сеялкаларницидан деярли 1,3 ҳисса катта.



### 138 – расм. Чигит экиш секцияси (модул).

1 – занжирли узатма; 2 – экиш чуқурлигини ростлаш механизми; 3 – сошник; 4 – загортач; 5 – прикатка; 6 – парракли уя ҳосил қилувчи аппарат; 7 – карданли вал; 8 – экиш аппарати; 9 – кўндаланг брус.


Сеялканинг экиш аппарати олдингиларга нисбатан анча модернизациялашган. У универсал бўлиб, сочиладиган ва сочилимайдиган: тукли, туксиз, қобикланган чигитларни, маккажӯхори, сорго ва бошқа ургуларни экишга мўлжалланган (139-расм).

Сочиладиган ургуларни экишда бункер 1 га ўтиш диски 2, қайтаргич 3, катакчали диск 4, ўтиш ҳалқаси 10, ўқ 11 билан болжанган ва корпус 7 да жойлаштирилган, конуссимон шестернялар 6 ўрнатилади.

Корпуснинг тешикларида етакловчи юлдузча 5 ва конуссимон шестерия 8 ўрнатилган. Иш жараёнида узатмали валдан айланма момент катакли диск ўрнатилган катта конуссимон шестерияга узатилади. Улар осонгина ажратгич тагига киради ва ургулар эгатга эркин тушади.

Тукли чигитлар билан ишлаганда бункерга тўзитгичнинг цилиндрик таёқчаси 13, экиш ғалтаки 14, маҳсус винт 15 ва тўзитгич тожи 16 ўрнатилади. Ручка 12 билан экиш меъёри созланади.

Тұзитгич ва тож уруғларни тұхтосиз әкилишини таъминлайды, бунда улар сошниклар ҳосил қылған әгатчаларга бир текис тушади.



**139-расм. Экиш аппарати схемаси.**

а - сочиувчан уруғларни экиш; в - тукли чигитларни; 1 - бункер; 2 - енгиллаштиручи диск; 3 - ажратгич; 4 - экиш диски; 5 - етакловчи юлдузча; 6 ва 8 - конуссимон шестернялар; 7 - корпус; 9 - узатмали валик; 10 - ўтиш халқаси; 11 - ўқ; 12 - ручка; 13 - тұзитгич таекчаси; 14 - фалтак; 15 - махсус винт.

Пневматик чигит экини сялкалари пахта ва бошқа чопик, әкинлари уруғларини доналад ва уялад экиш учун мүлжалланган. Улар бегона ўтларни ўлдириш учун гербицид әрітмаларини пуркайдиган құшимча мослама билан жиҳозланади.


Сялкалар осма, 4, 6 ва 8 қаторлы бўлиб, 9 кН синфдаги тракторлар билан агрегатланади. Улар мустақил ишлайдиган айрим пневматик экиш секцияларидан изборат.

СПЧ-6 пневматик сялканинг экиш секцияси (140-расм) рама 1, уруғлар учун банка 8, пневматик экиш аппарати 2, чангили сошник 3, зичлагич 6, занжирли узатма 7, вентилятор 12 ва тасмали узатма 13 дан изборат.

Рама билан таянч планка 16 нинг юқори қисми орасида раманинг ҳар бир томонида биттадан тортқи билан пружина 11 ўрнатилган. Тортқи сошникни дала рельефига мослашишини таъминлайды ва керакли босиш кучини ҳосил қылади.

Сошникнинг горизонтал ҳолати ва 4...12 см оралиқдаги ишлов бериш чукурлигига тортқи 5 ёрдамида созланади.

Вентилятор 12 тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракат олади. Экиш секциясининг сонига боғлиқ равишда вентиляторга 4, 6 ёки 8 та эгилувчан шланглар боғланади, уларнинг иккинчи учи экиш аппаратларининг сурувчи патрубкаларига уланади.




#### 140-расм. СПЧ-6 пневматик сеялкасининг экиш секцияси.

1 – рама; 2 – экиш аппарати; 3 – сирпани сошник; 4 – таъминлаш камераси; 5 – тортки; 6 – зичлагич; 7 – занжирли узатма; 8 – банка; 9 – ургуф сатхини кўрсатгич; 10 – эгилувчан шланглар; 11 – пружина; 12 – вентилятор; 13 – тасмали узатма; 14 – брусь; 15 – карданли вал; 16 – таянч планка; 17 – занжир.

Аппаратнинг чўян корпуси икки бўлакдан иборат бўлиб, уларнинг бири – таъминлаш камераси 9 ўнг томонда жойлашган (141-расм), бошқаси – сийраклаш камераси 5 экиш диски 2 нинг чап томонида ўрнатилган. Бу камералар орасида жойлашган ва уларни бир-биридан ажратиб турган экиш диски горизонтал вал 3 нинг квадрат учига ўрнатилган. Бу вал таъминлаш камерасининг корпусидаги сирпаниш подшипнигида айланади. Экиш диски (қалинлиги 2 мм, сиртқи диаметри 140 мм) сийраклаш камерасига резина паррак 4 ёрдамида қисиб турилади. Паррак 4 ҳам валнинг квадрат учига ўрнатилган. Таъминлаш камераси атмосфера билан боғланган. Унинг ички юқори қисмига тозалагич 6 ўрнатилган. У экиш дискининг тешикларига ёпишган ортиқча чигитларни тушириб юборади.

Экиш диски таъминлаш камераси 9 ни сийраклаш камерасидан ажратиб туради, бироқ унинг тешиклари бу камераларни бир-бирига туташтириб туради. Сийраклаш камераси корпус 1 нинг танасида айланади бўйлаб ясалган боши берк ариқчадан иборат. Унинг контури

расмда штрих өзиқлар билан күрсатилган. Сийраклаш камераси патрубок 7 ва шланг воситасида вентиляторга уланади.



**141-расм. СПЧ-6 сеялкасининг пневматик экиш аппарати схемаси.**  
1 - корпус; 2 – экиш диски; 3 – вал; 4 – түзитгич; 5 – сийраклаш камераси; 6 – тозалагич; 7 – патрубок; 8 – уруғ банкаси; 9 – таъминлаш камераси.

Вентилятор таъминлаш камерасидаги ҳавони экиш дискининг тешиклари, сийраклаш камераси, патрубок ва шланг орқали сўради. Шунда таъминлаш камерасидаги уруглар ҳаво оқимига эргашиб, экиш дискининг тешикларига ёпишади ва ҳавонинг атмосферадан сўрилиш йўлини беркитади, шунинг учун ҳам камера 5 даги ҳаво доим сийраклашган бўлади. Тешикка ёпишган уруғ диск билан бирга айланиб, таъминлаш камерасидан ташқарига чиқади, сўнгра сийраклик йўқ зонага чиқади. Сийраклик таъсир этувчи зона штрихлаб кўрсатилган. Корпуснинг энг пастки қисмида уруғни диск тешигига тортиб турувчи куч йўклигидан уруғ ўз оғирлиги таъсирида ёки резина туширгичга урилиб эгаттагча тушади.

Пневматик аппарат билан экиш аниқлиги кўрсатгичига диск тешиклари диаметри ва унинг айланиш частотасини тўғри танлаш катта таъсир кўрсатади. Айланиш частотаси катталашиши билан экиш аниқлиги пасаяди, чунки тешикларнинг сўриб олиши ёмонлашади. Пневматик экиш аппаратини нормал ишланини таъминлаш учсун

ҳавонинг сўриш (уругнинг тешикка ёпишиш) кучи, тешик диаметри, тешиклар сони ва дискнинг айланга тезлигини тўғри танлаш лозим.

**Сеялкаларни ишга тайёрлаш.** Агрегатни даладан дастлабки марта ўтказиб синаб кўрганда сеялканинг тракторга нисбатан туриш ҳолатига эътибор бериш, чигитнинг кўмилиш чукурлигини тўғрилаш, барча сошникларнинг чигит экиш ва ўғит сепиш меъёрини текшириш, эгатолгичларнинг юриш чукурлигини ростлаш, уялаб экиш усулида уялар оралиги белгиланганидан четта чиккан-чиқмаганингини текшириш ва изтортгич узунлигини керагича ўзгартириш зарур. Сеялканинг тракторга нисбатан жойлашиш ҳолати агрегат тўхтатилгандан кейин текширилади, бунинг учун сеялка рамасидан трактор гилдирагича бўлган масофа ўлчанади.

Сеялка қийшик ўрнашган бўлса, трактор осма мосламасининг бекитиши тортқилиари узунлиги ўзгартирилади. Айни вактда сеялканинг бўйлами тик йўналишда тўғри жойлашганлиги ҳам текширилади; агар қийшайган бўлса, осма мосламасининг марказий тортқиси узунлиги керагича ўзгартирилади. Сеялка енгил тупроқли ерларда ишлатилганда уни орқага салтина ( $5^0$  гача) қиялатиш тавсия этилади. Бунда сошникнинг чанигилари тупроқни суриб кетмайди ва сошниклар анча тургун ҳаракатланади.

Загортачларнинг ишлаш чукурлиги прикаткаларнинг жойлашиш баландлигини ўзгартириб ростланади. Бу чукурлик чигитнинг кўмилиш чукурлигига тахминан тенг бўлиши, лекин ундан катта бўлмаслиги лозим. Агар загортачларнинг тупроққа ботиш чукурлиги етарлича бўлмаса ёки сеялканинг иш жараёнида ўзгариб турса загортачнинг пружинасини стойканинг юқоридаги тешигига кўчириб қўйиш керак. Загортачлар нормал ишлаганида улар чигитларни шундай қалинликда кўмиб кетадики, прикаткалар бу тупроқ қатламидан баландлиги 2-3 см келадиган ва кўндаланг кесими учбуручак шаклида бўлган пушта (марза) ҳосил қила олади.

Сеялканинг барча кўмумчи иш органларини созлаб бўлгандан кейин чигитнинг кўмилиш чукурлигини узил-кесил текшириш тавсия этилади; бунинг учун чигит экилган эгатча очилиб, эгатча тубидаги чигитдан пуштанинг тепасигача бўлган оралиқ ўлчаб қурилади.

Чигит экиш нормасини текшириб кўриш учун экиш аппаратларига, аввало чигит тўлдирилади, кейин чигитни кўмиб кетадиган ишчи қисмлари кўтариб қўйилади, сеялканинг шу ҳолатида 15-20 метр масофага ҳайдаб борилади.

Эгатолгичларни шундай созлаш керакки, очилган эгатларнинг чукурлиги 10-12 см га тенг бўлсин, эгатолгичларнинг қанотларидан 240


тушаётган тупрок прикаткалар ҳосил қилаётган пушталарни күмиб кетмасин.

Ишчи қысларининг созлигини текшириш мақсадида сеялкани ишлатиб кўрганда изтортичларнинг узунлигини тўғрилаш керак. Агрегатнинг бўйлама ўқидан изтортич эгатчасининг ўртасигача бўлган масофа сеялканинг қамраш кенглигига тенг бўлиши лозим.

### 7-§. Картошка экипи ва қўчат ўтқазиш машиналари

**Картошка экиш машиналари** икки турда ишлаб чиқилади: ўсган ва ўсмаган туганаклар учун. Ягона принципда ишладиган, конструкцияси бўйича бир хил ишчи органли ва, асосан ишчи органларининг секциялари сони, уларнинг ўзаро жойлашиши ва узатмаси тизими билан фарқ қиласидиган ўсмаган картошканинг туганакларини экиш учун унификациялашган картошка экиш машиналари (СКС ва СКМ туридаги) кент қўлланилмоқда.

Улар картошкани текис юзага ва пуштага қаторлаб экиш билан ўғит солиш учун мўлжалланган. Қаторлар ораси 70 см, туганаклар ораси созланади ва 22, 26, 30 ва 35 см ни ташкил қилиши мумкин. Ишчи органларининг жойлашиши секцияли. Картошка эккичининг ҳар бир секцияси (142-расм) бункер 9, иккита қошиб-дисклар чумичлаб олувчи аппарат 3, иккита ўғит экиш аиарати 2, иккита сошник 15, икки жуфт кўмувчи дисклар 12 ва иккита боронача 11 дан иборат.



142 – расм. Картошка ўтқазиш машинасининг схемаси.

1 – рама; 2 – ўғит экиш аппарати; 3 – сузуб олувчи аппарат; 4 – шнек; 5 – созлаш қурилмаси; 6 – таъминловчи ковш; 7 – тўзитгич; 8 – титратгич; 9 – бункер; 10 – трактор изини юмшатгич; 11 – боронача; 12 – кўмувчи диск; 13 - қопқоқ; 14 - туганакларни қайтаргич; 15 – сошник; 16 - мослашувчи фидирақ; 17 – таянч фидирақ.

Бункер 9 кия тубли кути кўринишида бўлиб, пўлат туникадан ясалган. Бункер тубида тўзитгич 7 нинг вали роликлари ҳаракат оладиган титраткич 8 ўрнатилган, олдинги деворида эса тирқиш қилинган бўлиб, у созлаш курилмали 5 қопқоқ 13 билан ёнилади. Бункер туби таъминловчи ковуш 6 га тақалади, унда туганаганларни сузуб олувчи аппарат 3 га фаол узатишни таъминлайдиган тўзитгичлар 7 ва шиеклар 4 ўрнатилган. Чўмичлаб олувчи аппарат тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракатга келади. Сошниклар 15 сирпанма, тупроққа кириш бурчаги ўткир. Сошник рамага параллелограм механизм билан боғланган. Пуштали экишда ўтқазилган туганакларни кўмиш учун кўмувчи дисклар 12, текис юзага эса бороначали дисклар 12 қўлланилади.

Туганаклар бункердан механизм 5 ёрдамида қопқоқ 13 билан катталиги созланадиган тирқиш орқали таъминловчи ковшга тушади.

Шиек 4 уларни чўмичлаб олувчи аппаратта узатади, у эса қошикчалар билан туганакларни биттадан ушлаб олади, олдинга олиб чиқади ва қайтаргич 12 га ташлайди. Қайтаргич 12 туганакларни сошник очган эгатга йўналтиради. Шу ерга, фақат сошник 15 тумшугига, ўйт экиш аппаратидан ўйт келади.

Сошникнинг лунжи шундай қилинганку, бунда юмшоқ тупроқ сошник ичига тушади ва ўғитларни 3...4 см қалинликдаги қатлам билан ёниди. Картошканинг туганаклари ушбу юмшоқ тупроққа тушади ва юмалаб кетмайди. Эгатлар кумувчи дисклар 12 ва бороначалар 11 билан ёнилади.

Катордаги туганаклар орасидаги масофани чўмичлаб олувчи аппарат узатмасидаги юлдузчани алмаштириш орқали, кўмиш чуқурлигини эса филдираклар 16 ни қайта ўрнатиш орқали созланади. Пуштага экишда пуштанинг баландлиги ва шакли дисклар 12 ни чукурлаштириш, қиялик бурчagini ўзгартириш ва жойлаштириш орқали созланади. Туганаклар тупроқ-иклим шароитларини ҳисобга олган ҳолда 5 дан 18 см чуқурликка кўмилади: енгил тупрокларда - чуқурроқ, оғир тупрокларда эса кичик чуқурликка. Картошка нам етарли бўлмаган ҳудудларда текис юзага, ортиқча намли ҳудудларда пушталарга экиласди.

Ўсан картошкани экиш учун автоматлаштирилган картошка эктичлар (САЯ турдаги) қўлланилади. Улар бункерлардан таъминловчи ковушларга туганакларни даврий узатиб берадиган тасмали транспортерлар, таъминловчи ковшларга туганакларни ўзатишни созлайдиган автоматик курилма ва қошиклари занжирга шахмат тартибида беркитилган қошиқ-занжирли (қошиқ-траспортёрли) турдаги экиш аппарати билан жиҳозланган. Автоматик курилма таъминловчи ковшда туганакларнинг маълум қатламини саклаб туради: қатлам

камайганда датчик күтарилади, контактларни туташтиради ва бункер транспортери узатмасининг электромагнит муфтасини күшади; кўпайганда даткич пастга тушади, контактларни ажратади ва транспортер узатмаси муфтасини ажратади.


Барча картошка эккичлар ярим осма, бункери орқасида жойлашган, бу эса уларга экиш материалларини бевосита транспорт воситасидан солишга имкон беради.

**Кўчат ўтқазиш машиналари.** Барча қўлланиладиган кўчат ўтқазиш машиналари универсал бўлиб, сабзавот ва мевали экинлар, тамаки ва бошқаларни қаторлаб экиш учун мўлжалланган. Қаторлар оралиғи 60, 70, 80, 90, 50+90 ва 60+120 см, кўчат бир вақтда 4...6 қаторларга ўтқазилади.

Машина кўчат ўтқазиш агрегати, ёрдамчи ва қўшимча жиҳозлардан иборат.

Кўчат ўтқазиш агрегати (143-расм) бруслари 1 га қўзгалувчан беркитилган кўчат ўтқазиш секцияларидан ташкил топган. Ҳар бир секция рама 4, дисксимон турдаги экиш аппарати 5, сирпанма сошник 8, зичлагич гартаклар 7, сув қўйиш баки 9, кўчат учун кути 6 ва ўринидик 2 дан иборат. Ҳар бир секция олдидан юмшаттич панжа ўрнатилган.

Ёрдамчи жиҳозга иккита сув баки ва захира кўчатлар учун стеллаж киради. Бу жиҳоз тракторда айрим жойлашган.



143 – расм. Кўчат ўтқазиш машинаси (секцияси) схемаси.

1 – брус; 2 – сув қўйиш жўмраги; 3 – ўринидик; 4 – сеялка рамаси; 5 – кўчат ўтқазиш аппарати; 6 – кўчат учун кути; 7 – зичлагич гартақ; 8 – сошник; 9 – сув учун идиш; 10 – юмшаттич панжа.

Кўчат ўтқазиш машинасининг сошниги яхши ишлов берилган юмшоқ тупрокда ишлаганлиги учун унинг тупрокқа кириш бурчаги ўтмас қилинади. Сошник кенглиги созланади: тувакли кўчат экилганда - катталаشتiriлади, туваксиз кўчат экилганда эса кичрайтирилади. Сошникларнинг ишлов бериш чукурлигини 8...22 см оралиғида зичлагич галтакларни ўрнатиш орқали созланади. Кўчат ўтқазиш қадами 15 дан 140 см гача. Суфоришининг жадаллиги жўмрак 2 билан созланади. Бак 9 шарнирли ўрнатилган ва порцияли сугоришка тўнтирилади. Кўчат ўтқазиш қадами 35 см гача бўлганда сугориши узлуксиз оқим билан, ундан катта бўлганда эса порцияли усул билан сугорилади.

### *Таянч иборалар*

Универсал, унификация, махсус сеялка, тиркама, осма, сеялка-культиватор, ангиз, пневматик, сабзавот сеялкаси, пахта сеялкаси, кўмиш чукурлиги, уруғ экиш меъёри, изтортич, изтортич узунлиги, қамрап кенглиги, трактор.

### *Назорат саволлари*

1. СЗ-3,6А сеялкаси билан уруғ экиш технологик жараёни қандай кечади?
2. СЗ-3,6А сеялкасида қандай турдаги экиш аппарати ўрнатилган?
3. Ангиз сеялка-культиватор қандай операцияларни бажаради?
4. Уруғларни сошникларга пневматик узатадиган сеялканинг авзаликларини келтиринг.
5. Қандай сеялкалар билан маккажӯҳори уруғи ва чигит доналаб ва кенг қаторлаб экилади?
6. Пахта сеялкаларида экиш меъёри қандай созланади?
7. Дон сеялкаси ишга қандай тайёрланади?
8. Уруғ экиш меъёри далада қандай текширилади?
9. Изтортичнинг узунлиги қандай аниқланади?

## **4 - Б О Б**

### **ЭКИШ МАШИНАЛАРИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ**


#### **1-§. Таъминлаш сифимлари**

Уруғлик материалнинг заҳирасига ва экиш жараёнини нормал кечишига таъминловчи сифимларининг кўйидаги параметрлари таъсир кўрсатади: чиқиш тешиги юзаси, сифим хажми, сифим тубининг эни, ва кундаланг кесимининг шакли.

Сифимлар қадоқловчи қурилмаларга керакли микдордаги материал оқимини тешиклар орқали оқиб чиқишини таъминлаши лозим. Уруғлар ёки ўғитларни сифим тешиги орқали оқиб чиқиши сочишувчан

жисмларнинг ҳаракати қонуниятига бўйсунади ва бир нечта босқичлардан иборат (144 $a, b, в$ -расм).

Материалнинг сарфи ва оқим тезлиги ҳар хил босқичларда турлича. Нормал жараён учун оқимнинг ҳар қандай босқичида материал сарфи (тешикнинг ўтказиш қобилияти) энг катта экиш ёки ўғит сепиш мөърига боғлик бўлган қадокловчи аппаратнинг энг катта упумдорлигидан катта бўлиши керак.



144-расм. Думалоқ тешик орқали ургуни оқиши.

*a* – бошланishi (биринчи босқич); *b* – воронкани ҳосил бўлиши (иккинчи босқич); *v* – оқишини охри; *I*, *2* ва *3*–мос ҳолда ургуни юқори, ўрта ва пастги қатламлари; *z* – ургу солиширима сарфини (тезликни) тешик юзасига боғликлиги: *I* – буфдой; *II* – арпа.

Материал эркин оқиб чиққанда унинг сарфи асосан чиқиши тешигининг юзасига боғлик. Тешик шакли (квадрат, юмалоқ, тўғри тўртбурчакли ва эллиптик нисбатан кам таъсир қиласди, аммо юмалоқ тешик афзалроқ ҳисобланади. Тешик деворлари қалинлиги иложи борича кичикроқ бўлиши керак. Акс ҳолда тешикнинг асосини ластга қаратилган кесик конус кўринишида қилиш мақсадга мувофиқ. Агар сифим туви ясси бўлса, тешикнинг икки четида уруплар тўпланиб қолади (144-расм). Урувларни экиш аппаратларининг қутисига текис ва тўлиқ тушиши учун сифим тубининг эни тешикка нисбатан унчалик катта қилинмайди; у қадокловчи аппаратни сифим тубига маҳкамлаш учун етарли бўлиши лозим.

Чиқиши тешиги юзаси фақат сарфга эмас, балки материалнинг солиширима сарфига ҳам таъсир қиласди, у сониядаги материал сарфини чиқиши тешиги юзасига нисбати билан тавсифланади.

Шундай қилиб, солиширима сарф материални чикиш тешигидан ўтиш тезлигини ифодалайди. Тешикнинг юзаси кичрайиши билан (144 $g$  – расм) ургунинг солиширима сарфи жуда кескин камаяди ва тешикнинг қайдандир критик ўлчамида оқим умуман тўхтайди, гарчи тешик диаметри уруг диаметридан анча катта бўлса ҳам. Проф. А. И.

Семеновнинг тажрибаларига кўра тешикнинг критик радиуси  $r_{kp} = 4\sqrt{ab}$ , бу ерда  $a$  ва  $b$  – уругнинг кундаланг ўлчамлари;  $\sqrt{ab}$  қабул килинади: бугдой учун 2,2, арпа учун 2,4 ва маккажўхори учун 3,2 мм. Материални тешикдан оқиб ўтиш шартидан

$$d > 8\sqrt{ab}. \quad (90)$$

Профессор А.Н.Семенов маълумотлари бўйича юзаси  $20 \text{ см}^2$  ( $r \approx 25 \text{ мм}$ ) бўлган думалок тешик барча донли экинлар уруғларини ундан энг катта экиш мөъёрида тўхтовсиз ўтишига ҳисобланган.

Сигимдан сочиувчан материалларни эркин тушиши қонуниятига асосланиб унинг параметрларини асослаш мумкин.

Таъминлаш сигимининг ҳажмини қўйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$V = \frac{LBQ}{10^4 \gamma \eta_c}, \quad (91)$$

бу ерда  $L$  – сигимга уруглик солишдан кейингисигача сеялка ўтган масофа, м;  $B$  – машинанинг қамраши кенглиги, м;  $Q$  – белгиланган экин миқдори (мөъёри), кг/га;  $\eta_c$  – сигим ҳажмидан фойдаланиши коэффициенти,  $\eta_c = 0,85 \dots 0,9$ ;  $\gamma$  – уругларнинг зичлиги, кг/ $\text{м}^3$ .

Таъминлаш сигимининг ҳажми қанча катта бўлса, унга уруг солиш учун машина шу қадар камрок тўхтилади, аммо дала бўйича уруг шунчалик кўп унумсиз ташилади. Одатда, замонавий экиш машиналари 1,5 ... 2 соат ишлаш учун стадиган уруг сигадиган сигимлар билан жиҳозланади; кўчат ўтказиш машиналари, масалан, картопка эктич 0,3 ... 0,4 соатга.

Сигимнинг узунлиги қўйидагида ҳисобланади:

$$l_c = b(z + 1), \quad (92)$$

бу ерда  $b$  – қатор ораларининг кенглиги;  $z$  – соиниклар сони.

Сигим тубининг кенглиги:

$$b_m = d_0 + 2a, \quad (93)$$

бу ерда  $d_0$  – чиқши тешигининг оптималь диаметри;  $a$  – тешикдан қоладиган қўшичма жой эни (145-расм),  $a=20\text{мм}$ .


Сигимнинг кўндаланг кесими юзаси

$$S_c = V / l_c, \quad (94)$$

Сигимнинг олдинги ва кейинги деворларини унинг асосига нисбатан қиялик бурчаги  $\alpha$  уругни бўялган девор юзаси бўйича ишқалаш бурчагини икки баробарига тенг қилиниб олинади, яъни  $\alpha = 2\varphi$  (145-расм).

Чоник әкинлари сеялкаларининг уруг сифимлари металлдан цилиндрик банка шаклида тайёрланади. Банкаларнинг пастки қисмида тўзитгич вазифасини бажарувчи бармоқли диск ўрнатилади. Шунинг учун цилиндр диаметри тўзитгичнинг диаметри  $d_m$  ва диск бармоқлари билан цилиндр орасида чигитларни шикастланмаслиги учун колдириладиган тирқиши  $b_m$  катталигига боғлик:

$$d_u = d_m + 2b_m \quad (95)$$



**145-расм.** Сеялкаларнинг таъминлаш сифимлари.  
а, б ва в – дон сеялкаларининг уруг-ўйт яшиклари; г ва д – чигит сеялкаларининг уруг банкалари.

Чигитларни шикастланмаслиги учун тирқиши  $b_m$  энг катта чигитнинг узунлиги  $l$  га ёки икки баробар кенглиги  $2b$  га тенг ёки улардан катта бўлиши лозим:

$$l_{\max} \leq b_m \geq 2b_{\max}. \quad (96)$$


Банкалар сони экиш аппаратлари сонига тенг. Банкаларнинг умумий ҳажми (91) формула орқали аникланади. Битта банка ҳажми

$$V_6 = V/n. \quad (97)$$

## 2-§. Фалтакли экиш аппаратлари назарияси

Фалтакли экиш аппаратининг технологик жараёни қўйидагича кечади. I зонада (146-расм) уруғлар юқоридан пастга оғирлик кучи таъсирида эркин ҳаракат қиласи, II зонада фалтакнинг новларига тушган уруғлар фалтак билан бирга мажбуран ҳаракатланади. «Фаол қатлам» деб номланган III зонада фалтак кирралари билан юзага келтирилган ва уруғнинг бир қатламидан иккинчи қатламига узатиладиган ички

ишқаланиш күчлари уругларни ҳаракаттаңаңдайды. Уруглар массасиға чукурлашган сари ҳаракат сұна баштайды да фаол қатламдан сүнг «ұлік қатлам» жойлашиши мүмкін.



146- расм. Донни ғалтакли экипп аппаратыда ҳаракати.

*a* – ҳаракат зоналары; *b* – фаол қатламда ҳаракат тәзліклариниң тақсимланиш ҳарактери; I – әрқин ҳаракат; II – мажбурий ҳаракат; III – фаол қатламдағы ҳаракат.

Фаол қатлам қалинлиғи с ҳар хил үсімліктер учун ҳар хил, у уругнинг түрт – олтикарра қалинлигидан ошмайды. Масалан, бүгдай дони массасида түрт қатлам ( $c=10$  мм), таригда еса беш қатлам ( $c=7$  мм) ҳаракат қиласы. Демек, III зонадагы уруглар қатламларининг тәзлігі бир хил әмес: у ғалтак қирралари чегарасида уларнинг айланма тәзлігі қийматига яқын, тағлиқ олдидә еса нолга яқын (146-расм).

Иш жараёнининг конструктив ва фойдаланиш параметрлари орасидаги боғлиқликни ўрнатып учун экипп аппаратининг умумлашған тавсифи – ғалтакнинг иш ҳажмидан фойдаланамиз. Ғалтак бир марта айланғанда әкилгандар үргелар ҳажми галтакнинг ишчи ҳажми  $V_0$  дейилади. Ғалтакнинг ишчи ҳажми галтакнинг новлари томонидан чикарилған уруглар ҳажми  $V_n$  да фаол қатламдан үтгандар үргелар ҳажми  $V_\phi$  йығындисидан иборат, яғни  $V_0 = V_n + V_\phi$ .  $V_n$  нинг қиймати новларнинг ҳажмига пропорционал үзгәради да қуйидаги боғлиқлик орқали ифодаланиши мүмкін:

$$V_n = \xi z S l_u, \quad (98)$$

бу ерда  $\xi$  – новларнинг түлини көзбілдіктері,  $\xi = 0,7 \dots 0,9$  (капита қиймати – майды үргелар учун);  $z$  – новлар сони (одатда,  $z=12$ );  $S$  – новнинг күнделанған кесимиң қозасы (донли экиппар учун 5, 8 см<sup>2</sup>);  $l_u$  – ғалтакнинг ишчи қисми үзүнлигі (донли экиппар учун 39 мм).

Үргеларнинг ҳаракат тәзлігі фаол қатламда үзгәрувчан (146б-расм). Аммо ҳисобларни соддалаштириш учун уни шартлы равищда доимий да ғалтак қирраларининг чизикли тәзлігига тенг деб қабул қилинади.

Бунда фаол қатламнинг ҳақиқий қалинлиги ўрнига келтирилган қалинлик тушунчаси киритилади. Фаол қатламнинг келтирилган қалинлиги  $c_k$  фалтакнинг бир марта айланишида ҳақиқий фаол қатлам ва келтирилган қалинлик қатлами билан экиладиган уругларнинг ҳажмини тенглости шартидан аниқланади. Демак, фалтакнинг бир марта айланишида экиладиган фаол қатлам уругларнинг ҳажмини ички радиуси  $r$  ва ташки радиуси  $r+c_k$  бўлган цилиндрик кувурнинг ҳажми каби ифода килиш мумкин, яъни

$$V_{\phi} = \pi[(r + c_k)^2 - r^2]l_u = \pi l_u c_k (d + c_k). \quad (99)$$

Донли экинлар аппаратида  $d=50$ мм. Фаол қатламнинг келтирилган қалинлиги фалтакнинг ишчи узунлигига боғлиқ бўлиб, ( $l_u$  катталалиши билан у кичраяди) буғдой учун 5 дан 3,2 мм гача, маккажӯхори учун 10,3 дан 5,3 мм гача ўзгаради.

$V_u$  ва  $V_{\phi}$  нинг қийматларини дастлабки ифодага куйиб конструктив параметрлар орқали фалтакнинг ишчи ҳажмини аниқлаш учун формулани оламиз:

$$V_{\theta} = l_u (\xi z S + \pi d c_k + \pi c_k^2). \quad (100)$$

Фалтакнинг ишчи ҳажми бошқа параметрлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Экиш меъёри  $Q$  (кг/га) ва қатор оралиғи кенглиги  $b$ (см) бўлганда сеялка гилдирагининг бир айланишида битта экиш аппарати билан экиладиган ургунинг ҳажми

$$V_{\alpha k} = 10^{-3} \pi D_k b Q / [\gamma (1 - \varepsilon)], \quad (101)$$

бу ерда  $D_k$  – сеялка гилдираги диаметри, м;  $\gamma$  – ургуларнинг ҳажмий массаси, г/см<sup>3</sup>;  $\varepsilon$  – тупроқ бўйича сеялка гилдирагининг сирпанинг коэффициенти.

У ҳолда фалтакнинг бир марта айланишида битта экиш аппарати билан экилиши лозим бўлган ургуларнинг ҳажми, яъни фалтакнинг ишчи ҳажми

$$V_o = V_{\alpha k} / i = 10^{-3} \pi D_k n_i b Q / [\gamma n_i (1 - \varepsilon)], \quad (102)$$

бу ерда  $i$  – сеялка гилдирагидан экиш аппаратлари валикига айланма ҳаракатни узатиш сони,  $i = n_i / n_s$ ;  $n_s$  – галтакнинг (валикнининг) айланши частотаси;  $n_s$  – гилдиракнинг айланши частотаси;

(100) ва (102) ифодаларини тенглаштириб ва олинган тенгламани фалтакнинг ишчи узунлигига нисбатан ечиб юқорида келтирилган барча параметрлар ўртасидаги боғлиқни оламиз.

$$l_u = 10^{-3} \pi D_k n_s b Q / [\gamma n_s (1 - \varepsilon) (\xi z S + \pi d c_k + \pi c_k^2)]. \quad (103)$$

Бу формула барча конструктив ва технологик параметрларни битта ифодага болгандай ва белгиланган экиш мөшерди қатор оралиги учун ғалтакнинг ишчи қисми узунлигини аниклашга имкон беради.

Экиш жараёни нормал бажарилишида ғалтакнинг иш режими, яъни ғалтакнинг айланиш тезлиги муҳим омил ҳисобланади.

(102) ифодага  $n_s = 30 \omega /$  ва  $n_s = 60V_m / \pi D_s$  ни қўйиб оламиз

$$\omega_{\min} = \frac{2 \cdot 10^{-3} \pi Q V_m b}{V_0 \gamma (1 - \varepsilon)}, \quad (104)$$

бу ерда  $\omega_{\min}$  – ғалтакнинг энг кичик айланма тезлиги,  $c^1$ ;  $V_m$  – сеялканнинг ҳаракат тезлиги,  $m/c$ .

Ғалтакнинг энг катта бурчак тезлиги уруғни новлардан тушиш имкониятини белгилайди. Уруғ нов четида турган ҳолатини кўрамиз. Бу ҳолатда уруғ итарувчи куч – марказдан кочма куч таъсирида бўлади, бу кучга ғалтак ва ўғит орасида юзага келадиган ишқаланиш кучи  $fmg$  қарама – қарши таъсир қиласиди.

Бу кучларнинг тенглик шарти бажарилганда уруғ новдан тушади, яъни

$$fmg = m\omega^2 r,$$

бу ерда  $m$  – уруғ массаси;  $f$  – уруғнинг металл бўйича ишқаланиши коэффициенти.

Бу тенгликтан экиш аппарати ғалтакининг энг катта бурчак тезлигини аниклаймиз

$$\omega = \sqrt{fg/r}.$$

Шундай қилиб, ғалтакнинг бурчак тезлиги қўйидаги оралиқда бўлади

$$\frac{2 \cdot 10^{-3} \pi Q V_m b}{V_0 \gamma (1 - \varepsilon)} < \omega < \sqrt{\frac{fg}{r}}. \quad (105)$$

### 3-§. Дискли экиш аппаратлари

Дискли аниқ экиш аппаратларининг иш жараёни учта кетма-кет босқичдан иборат: уруғларни катакларга тушиши; оптика уруғларни қайтариш, уруғларни туртиб тушириш.

Уруғларни диск катакларига тушиши. Шубҳасиз, катакнинг ўлчами қанча катта бўлса, уни тўлиш эҳтимоли шунча катта. Аммо бунда катакка фақат битта уруғ тушишига ишонч йўқ. Шунинг учун катакнинг

чиликлары: узунлиги ва энини ҳисоблаганда унга битта эиг катта уруғ жойлашиши, аммо иккита энг кичик уруғ сифаслиги лозимлигини эътиборга олиш керак; масалан, думалоқ катак учун уни тик ҳолатдаги уруғ билан тўлиши учун

$$2a_{\min} > L = b_{\max} + k_1, \quad (106)$$

бу ерда  $a_{\min}$  – урганинг энг кичик қалинлиги;  $b_{\max}$  – урганинг энг катта эни;  $k_1$  – катак девори билан уруғ орасидаги тирқиши.

Дискнинг қалинлиги (катак чукурлиги)  $h$  аниклаганда уруғ эни билан ётган ҳолат учун қуйидаги шарт бажарилиши керак

$$2a_{\min} > h = a_{\max} + k_2, \quad (107)$$

бу ерда  $k_2$  – дискнинг юқори текислиги билан уруғ орасидаги тирқиши.

Умумий ҳолатда, ургуларнинг катаклардаги ҳолатини ҳисобга олмагандан, ургуларнинг ҳажмлари  $2V_{y\min} > V_{\kappa} > V_{y\max}$  ёки уларнинг ўртача ўлчамларини ҳисобга олиш лозим:

$$\sqrt[3]{l_{\min} b_{\min} a_{\min}} > \sqrt[3]{LAB} > \sqrt[3]{l_{\max} b_{\max} a_{\max}}, \quad (108)$$


бу ерда  $L, B, A$  – катакнинг узунлиги, эни ва баландлиги;  $l, b, a$  – урганинг узунлиги, эни ва қалинлиги.

Бу зарур, аммо ургуларни катакларга тушиши учун етарли бўлмаган шарт. Ургуларни катакларга тушишини таъминлайдиган яна бир омил бу – уларни диск бўйича нисбий ҳаракатининг тезлитетидир. Ургулар дискка нисбатан силжимаса, уларни катакларга тушишига имкон бўлмайди. Аммо ҳаддан ташқари катта нисбий тезликда ҳам ургулар катакчаларга тушмайди.

Дискли экиш аппаратининг иш жараёнида ишқаланиш кучлари туфайли диск ўзига тегиб турган ургулар қатламини ўзи билан олиб кетади ва унга диск катакчалари марказининг айланма тезлиги  $i$  дан кичик бўлган қандайдир абсолют тезлик  $i_c$  беради. Шундай қилиб, экиш дискидан аппаратдаги ургуларга ҳаракат узатилади.

Якка ёки катта бўлмаган ургуларнинг қатламида катакчаларга тушиш урганинг оғирлик маркази катакчанинг устида бўлганда юз беради (147a-расм).

Агар бинкадаги ургулар қатлами анча баланд бўлса, ургуга оғирлик кучи  $mg$ , тик  $F_z$  ва горизонтал  $F_x$  босим кучлари ҳамда ишқаланиш кучлари  $fF_z$  таъсир қиласи (147b-расм). Кучларнинг бундай таъсирида ургуни тушиши факат унинг оғирлик маркази катакчанинг четига нисбатан қандайдир масофа  $\delta$  га силжиганда бошланади. Ҳар хил ургулар учун бу катталик турлича. Масалан, қанд лавлаги ургулари учун  $\delta=(0,35...0,45)/l$ , бу ерда  $l$  – уруғ узунлиги.



147-расм. Уругниң катакчага түшиш жараёни.  
а - якка қатлам бўлганда; б - катта қатлам бўлганда.

Агар ҳавонинг қаршилиги эътиборга олинмаса, унда катакчага тушадиган уруғнинг ҳаракатини бошлангич нисбий тезлик  $v$  билан эркин тушадиган жисм каби кўриш мумкин. Узунлиги  $L$  бўлган катакчага уруғ тушганда унинг оғирлик маркази горизонтал йўналишида  $x_c = L - \delta - L/2 = vt$ , тик йўналишида эса  $z_c = gt^2/2$  масофани ўтади.


Уругнинг оғирлик маркази диск юзаси сатҳида ёки ундан пастда, яъни  $z \geq a/2$  бўлса, у катакчага тушади. Олдинги ифодага  $z_c$  ўрнида унинг қиймати  $a/2$  ни кўйиб, оламиз  $t \geq \sqrt{a/g}$ ;  $v = u - u_c$  ҳамда  $t \geq \sqrt{a/g}$  бўлганлигини эътиборга олиб ва  $x_c$  учун ифодага уларнинг қийматини кўйиб куйидагини оламиз

$$u \leq u_c + (L - \delta - L/2)/\sqrt{a/g}. \quad (109)$$

(109) тенгсизликдан кўрниб турибдики, уругнинг ўлчамлари  $a$  ва  $l$  қанча катта, катакча узунлиги кисқароқ ва уругнинг ҳаракат тезлиги  $u_c$  кичик бўлса, уругни түшиши учун катакча марказининг айланма тезлиги и шунча кичик бўлиши лозим.

**Уругларни қайтариш.** Қайтаргичлар катакчалардаги уругларни қолган массадан ажратади. Улар кўпинча икки турда бўлади: дастали (маккажӯхори ва пахта сеялкаларида) ва роликли (қанд лавлаги сеялкаларида). Дастали қайтаргич тишининг қия қирраси диск ва тўлдирилган катакчалар бўйича сирпанганда уруглар массасини дискка нисбатан унинг айланishiiga тескари томонга силжитиши лозим. Бунда уруғ диск бўйича силжиши учун у қайтаргич тумшуғи қирраси билан диск орасида қисилмаслиги керак. Бунинг учун қайтаргич тишининг олдинги қирраси билан диск юзаси орасидаги бурчакнинг қиймати  $\alpha \geq 2\varphi$  бўлиши лозим.

Күриладиган ҳолат учун (148-расм) күйидаги шарт бажарилғанда, уругни эзилиши юз бермайды: қайтаргич 2 нинг тиши қирраси билан тик текислик орасындағы бурчак  $\alpha$  ишқаланиш бурчагидан катта бўлиши керак, яъни  $\alpha > \varphi$ . Уруг тишининг қия қиррасига нормал куч  $N$  билан таъсир қиласи. Уни иккита ташкил этувчиға ажратамиз:  $N_v$  – диск 1 нинг ҳаракат йўналиши бўйича ва  $N_t$  – қайтаргич 2 тиши қирраси бўйича.



148-расм. Дастали қайтаргичнинг иш схемаси.

1 - экиш диски; 2 - дастакли қайтаргич.

$N_t = N_t g \alpha$  кучи ишқаланиш кучи  $F_{max} = N_t g \varphi$  га қарши таъсир кўрсатади. Агар  $\alpha \leq \varphi$  бўлса, унда  $N_t = F_{max}$ . Бу ҳолда уруг эзилади, чунки  $G l_1$  га тенг бўлган пружинанинг сиқиши кучи  $G$  нинг моменти ва  $N_v h_1$  га тенг бўлган  $N_v$  кучнинг моменти бир томонга йўналган бўлиб, ажраттич тишини дискка босади. Агар  $\alpha > \varphi$  бўлса, унда  $N_t - F_{max}$  ва  $N_v$  ёки  $N$  ва  $F_{max}$  кучлари моменти  $R h$  га тенг бўлган тенг таъсир этувчи куч  $R$  ни беради. Уруг эзилмаслиги учун момент  $R h$  момент  $G h_1$  дан катта бўлиши керак. Шундай қилиб, қайтаргич нормал ишлаши учун күйидаги шарт бажариши керак.

$$\alpha > \varphi ; \quad R h > G l_1 . \quad (110)$$

Бу шартлардан келиб чиқкан ҳолда ажраттич ўқининг жойлашиш ўрни, пружина босими ва қирра бурчаги танланади.

**Уругни тутиб тушириши.** Уруглар катакчалардан пастга ўз оғирлиги таъсирида (эркин) ёки мажбурий тутиб туширилади. Катакчадан чигитни тушириш учун пластинкасимон, дастали ва юлдузчасимон туширгичлар ишлатилиади.


Агар уруглар ячейкаларда эркин жойлашган бўлса, улар уруг массасининг маркази  $O_1$  (149a-расм) кутининг туби дарчаси қирраси  $B$  билан тўғри келганда туша бошлайди.

Дастакли туширгич билан уругларни катаклардан тушириш уларнинг оғирлик маркази тушириш дарчасининг қирраси  $B$  устидан ўтиш пайтида бошланади (149а-расм) ва тишининг қирраси катакнинг олдинги тик девори  $c'$  дан ўтганда тугалланади. Туширгич 2 шундай ўрнатилиши керакки, бунда катакчанинг орқа девори  $a'$  кутти туби 3 нинг тушириш дарчасининг қирраси  $B$  билан тўғри келганда, унинг тиши пружина таъсирида  $b'$  ҳолатга туша бошлаши керак.

Пластинасимон понали туширгичнинг ишчи қирраси  $a_2-a_2$  нинг шакли (149б-расм) катакчалардан уругни тушириш шартидан аниқланади. Дейлик қирра катакча деворига  $\alpha$  бурчак остида ўрнатилган. Диск 1 айланганда уругга катакча девори ҳамда туширгич томонидан нормал босим кучлари  $N$  таъсир килади. Ишқаланиш кучлари мавжудлиги туфайли бу кучлар нормалдан ишқаланиш бурчаги  $\varphi$  га оғган. Уларнинг тенг таъсир этувчиси  $R$  уругни катакчадан туширишга ҳаракат қиласди. Унда, уругни катакча девори ва туширгич бўйича ишқаланиш коэффициентларини тенг деб қабул қилинганда, катакчадан уругни туртиб тушириш шарти қўйицагича бўлиш лозим.

$$a > 2 \varphi \quad (111)$$

Аммо экиш диски катакча деворини туширгичга нисбатан қиялик бурчагини доимий равишда ўзгартиради. Шунинг учун (111) шарт бажарилиши учун пластинасимон туширгичнинг ишчи қирраси логарифмик эгри чизик кўринишда бўлиши лозим.



149-расм. Туширгичнинг иш схемаси.

$a$  – дастали;  $b$  – пластинасимон понали; 1 – катакли диск; 2 – туширгич; 3 – уруг банкаси туби.


#### 4-§. Пневматик экиш аппаратлари

Пневматик экиш аппаратларида уруг дискнинг тешикларига вентилятор ёрдамида ҳосил қилинган сўриш кучи таъсирида сўрилади.

Зарур бўлган сўриш кучи қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$P = k \Delta P S, \quad (112)$$

бу ерда  $k$  – тажрибавий аниқланадиган пропорционаллик коэффициенти;  $\Delta P$  – сийраклаши камерасида ҳосил қилинадигани сийраклик (вакуум);  $S$  – төмисик юзаси.



150-расм. Уруглар массасидан битта ургуни сўриш ва диск билан олиб чиқиш схемаси. 1 – диск; 2 - ургуф.

Ҳар хил омилларнинг умумий таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент  $k$  чигит учун 0,35 ... 1,55, буғдой учун 0,96, маккажӯхори учун 1,5, қанд лавлаги учун 0,75, нўхат учун 1,25. Сийраклик  $\Delta P$  ургуни қатламдан олиб чиқиш шартидан тажриба йўли билан танланади. Одатда,  $P$  ни оғирлик кучи  $G=mg$  га нисбати эътиборга олинади, уни маккажӯхори учун 32,2, қанд лавлаги учун 125, чигит учун 35... 40 га тенг деб қабул қилинган. Амалда сийраклик  $\Delta P$  ни шундай танлаш керакки, бунда сўриш кучи ургунинг оғирлигидан бир неча 10 марта катта бўлиши керак.

Тешикнинг юзаси  $S$  унинг диаметри орқали аниқланади

$$d_0 = (0,6...0,7)b_y, \quad (113)$$

бу ерда  $b_y$  – ургуниң ўртача кенглиги.

Пневматик аппаратнинг ва сеялканинг иш режими ва аппаратнинг конструктив параметрлари орасида маълум бир боғлиқлик бор. Экиш диски билан бир секундда узатиладиган уруглар сони (экиш частотаси) қўйидаги формуладан аниқланади:

$$q = u / (d + \Delta l), \quad (114)$$

бу ерда  $i$  – тешик маркази бүйича дискнинг айланма тезлиги;  $\Delta l$  – тешиклар чеги орасидаги масофа.

Бунда  $d + \Delta l = l_k$  дискдаги тешиклар қадами бўлади. Уруғларни сўриш ва олиб чиқиш жараёнини нормал амалга оширилиши учун қуйидаги шарт бажарилиши керак

$$l_k \geq 2 l_{\max}, \quad (115)$$

бу ерда  $l_{\max}$  – ургунинг энг катта ўлчами.

Экиш частотаси  $q$  ни сеялканинг тезлиги  $V_m$  ва пунктир қадами  $l_y$  (катордаги уруғлар ёки уялар орасидаги масофа) орқали ҳам ифодаланиш мумкин:

$$q = V_m / l_y \quad (116)$$

Пунктир қадами  $l_y$  ни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин

$$l_y = 10^4 z_y / Q_y b \quad (117)$$

бу ерда  $z_y$  – уядаги уруғлар сони;  $Q_y$  – 1 га далага экиладиган уруғларнинг умумий сони;  $b$  – қатор оралиги кенглиги.

(114) ва (116) тенгламаларни солиштириб аниқлаймиз

$$u = \frac{V_m (d + \Delta l)}{l_y}. \quad (118)$$

Бу тенгламага  $u = \pi d_o n / 60$  қўйиб тешиклар маркази бўйича дискнинг диаметрини топамиз

$$d_o = \frac{60 V_m (d + \Delta l)}{\pi n l_y}. \quad (119)$$

Дискнинг тўлиқ диаметри

$$d_1 = d_o + (3...4) l_{\max}. \quad (120)$$

Экиш дискидаги тешиклар сони

$$Z_o = \pi d_o / (d + \Delta l). \quad (121)$$

## 5-§. Сошникларнинг назарияси асослари

Сошникнинг иш жараёни учта босқичдан иборат: эгатча ҳосил қилиш, уруғларни эгатчага жойлаштириш, уруғларни қисман ёки тўлиқ қўмиш.


**Эгатча ҳосил қилиш.** Сошник билан очиладиган эгатчанинг шакли ва ўлчамлари асосан сошникни тупрокқа кириш бурчаги  $\alpha$  ва анкерли ва кильсимон сошникларнинг ёрғичи ва икки дискли сошникларда

дискларни ўзаро жойлашиши билан ҳосил қилинган понанинг параметрларига боғлиқ.

151-расмда тупрокқа кириш бурчаги ўткир ва ўтмас бўлган сошникларга таъсир қилувчи кучлар келтирилган. Биринчи ҳолатда агар  $N_m \geq F$ , яъни  $N_t g(\pi/2 - \alpha) \geq N_t g\varphi$  бўлса, тупроқ зарраси  $m$  сошник бўйича юкорига ҳаракат қиласди. Бу ердан

$$\pi/2 - \alpha \geq \varphi \quad \text{ёки} \quad \alpha \leq \pi/2 - \varphi, \quad (122)$$

бу ерда  $\varphi$ - ишқаланиши бурчаги.



151-расм. Ҳар хил сошниклар билан эгатча ҳосил қилиш жараёнига доир схема.  $a$ ,  $b$  ва  $c$  – мос ҳолда ўткир, ўтмас кириш бурчакли ва икки дискли сошникларни тупроққа таъсири; I ва II – сошниклар ҳолатлари.

Сошникни бундай ўрнатиш бурчагида тупроқ зарралари унинг олдинги қирраси бўйича юкорига ҳаракат қиласди, тупроқ юзаси юмшатилади, сошник эса ютекис тўлқинсимон микрорельеф ҳосил қилиб тупроққа яхши ботади. Бу ҳолат маъкул эмас, шунинг учун сошникнинг ҳақиқий тупроққа кириш бурчаги ҳисобдагидан катта бўлиши лозим.

Иккинчи ҳолатда тупроқ зарраси сошник қирраси бўйича пастга ҳаракат қилиши учун  $N_t g(\alpha - \pi/2) \geq N_t g\varphi$  бўлиши лозим. Бундан

$$\alpha - \pi/2 \geq \varphi \quad \text{ёки} \quad \alpha \geq \varphi + \pi/2. \quad (123)$$


Бу ҳолатда сошник тупроқ заррасини пастга босади, ўзи эса тупроқнинг реакция кучлари таъсирида ундан чиқишига ҳаракат қиласди, бу технологик жараён учун макбул эмас. Шундай экан сошникни тупроққа кириш бурчагининг қўймати қўйидаги оралиқда бўлиши лозим

$$\pi/2 + \varphi \geq \alpha \geq \pi/2 - \varphi. \quad (124)$$

Дискли сошникларнинг дисклари юзаси лунж вазифасини ўтайди, бир-бирига тегиб турадиган дискларнинг олдинги қисми эса ёргич вазифасини бажаради. Шунинг учун эгатчанинг ўлчамлари ва шакли дисклар орасидаги бурчакдан ташқари дисклар кирралари тугашиб турадиган нуктанинг баландлиги ҳам таъсир кўрсатади. Эгатчанинг

кенглиги билан энг кўп тарқалган иккинчи дискли сошник параметрлари орасидаги боягликларни кўрамиз. Дейлик дискларнинг туташ нуқтаси  $A$  (152-расм) радиус  $OA=R$  ни тикка қиялик бурчаги билан аниқланадиган баландликка турсин, дисклар орасидаги бурчак эса  $\beta$ . Унда дисклар кирраларининг пастки нуқталари орасидаги масофа билан аниқланадиган эгатча кенглиги  $b=BC=2AB\sin(\beta/2)$ .  $AB=OA-OB=R-R\cos\alpha=R(1-\cos\alpha)$  бўлгани учун, унинг кийматини олдинги ифодага кўйиб оламиз

$$b=2R(1-\cos\alpha)\sin(\beta/2). \quad (125)$$




152-расм. Сошник билан ҳосил қилинадиган эгатчанинг кенглигини аниқлашга доир схема.

Бу формулага кўра  $\alpha$  ва  $\beta$  бурчклари катталашиши билан эгатга кенглиги ошади. Оддий қаторлаб экиш учун ишлатиладиган сошникда  $\alpha = 50^\circ$ ,  $\beta = 10^\circ$ ,  $\alpha > 50^\circ$  бўлганда дисклар айрим ишлаб, иккита алоҳида эгатчалар ҳосил қиласди. Масала, тор қаторлаб экиш сеялкаси сошникда  $\alpha = 100^\circ$ ,  $\beta = 18^\circ$ ,  $d = 350$  мм бўлганда, бир-биридан 65 мм масофада бўлган иккита алоҳида эгатчалар олинади.

Уруғларни алоҳида эгатчага жойлаштириш. Уруғларни эгатчага жойлаштириш чуқурлиги сошникни тупроққа ботиш чуқурлиги билан ҳар доим ҳам бир хил бўлмайди. Бунинг сабаби экишга яхши тайёрланган тупроқнинг сочилиувчалигидир. Иш жараёнида сошникнинг лунжлари тупроққа тирадиб ҳаракат қиласди. Аммо сочилиувчан тупроқ массаси сошник лунжларини айланиб ўтиб, унинг ички томонига

түкилади ва у ерда қандайдыр кия юза бүйича жойлашади (153а-расм). Бу юзанинг киялиги сошник тумшуғи томонга йўналган. Демак, қувурдан тушидиган уруғлар сошник ости бўшлигининг кия юзасига тушади ва инти тубдан ҳар хил  $h_1$ ,  $h_2$ ,  $h_3$  масофаларда бўлади, яъни ҳар хил чукурликка кўмилади. Уруғларни белгиланган бир хил чукурликка кўмини учун уларни тупроқ тушмайдиган ва эгатча туви горизонтал бўшига сошникнинг олдинги қисмига йўналтириш лозим. Бунинг учун иккита усулдан фойдаланиш лозим: ё сошникнинг пастки қисмida олдинга кия қилинган пластиинка ўрнатилади, бунда уруғлар унга урулиб сошникнинг тумшуғи остига отилади, ё сошник узунчоқ чаккалар билан иқъозланади. Улар барча уруғлар эгатчанинг тоза тувига тушгунига кадар тупроқни тўкилишидан сақлайди. Биринчи усул етарли даражадаги эластик уруғларни экиш учун, иккincinnisi эса эластиклиги кичик ва никкаланиш коэффициенти катта уруғларни экиш учун кўлланилади.


**Уруғларни кўмилиши.** Агротехник қоидаларга асосан уруғларни иччашган жойга жойлаштириш талаб қилинади. Унда урутга намлик икказидиган капиляр йўллар тикланган бўлади. Уруғлар қисман ёки тўлик шарни девори тупроғи кўчиб тушиши туфайли кўмилади. Сошник ўтгандан эйин тупроқ эгатча деворидан кўчиб тушиди ва табиий киялик бурчаги остида жойлашади. Бунда аввал намроқ, яъни пастти қатламдан, сўнгра юкори қатламлардан тупроқ кўчиб тушиши лозим. Бундай ҳолатда уруғлар намроқ тупроқ билан алоқада бўлади ва тезроқ униб чиқади.



153-расм. Эгатча ҳосил қилишда тупроқнинг тушиши.  
а – анкерли билан; б – дискли сошник билан.

Сошникларнинг шакли ушбу шартни ҳисобга олган ҳолда қилинади. Мисалан, дискли сошникда тупроқни уруғлар устига навбатма-навбат кўчиб тушиши пастти қатламлар  $a, b_1$ , дан бошланиб юкори қатлами  $b_2, b_3$  билан тутайди (153б-расм). Анкерли ва кильсимон сошникларда бу мақсад учун ABC кесиклар қилинади.

**Сошникларни жойлаштириш.** Сошниклар юмшатилган қатламда ҳаракат қылғанда тупроқни қаптайиши юз беради ва сошник олдида дүңглик ҳосил бўлади, у олдинга ва ён томонларга маълум бир масофага тарқалади (154-расм). Бу ҳодиса сошникларни жойлаштиришда асос бўлади. Дўнгликнинг бўйлама ва кўндаланг йўналишлардаги ўлчамлари сошникнинг конструкцияси ва тупроқ ҳолатига боғлиқ. Бир қатордаги сошниклар орасидаги масофа  $b_c$  сошник олдидағи дўнглик кенглиги  $b$  дан катта, яъни  $b_c > b$  бўлиши лозим. Акс ҳолда сошниклар олдидағи тупроқ дўнгликлари бир-бираiga қўшилиб кетади ва яхлит дўнглик ҳосил бўлади, натижада сошниклар тупроқни ўз олдига тўплайди ва эгат ҳосил қилиш жараёни бузилади.



154-расм. Сошникларни жойлаштиришга доир схема.

Қатор оралигини олиш учун, сошникларни икки қатор жойлаштиришга тўғри келади.

Бўйлама йўналишда сошниклар орасидаги масофа қабул қилинади: 22 см – қаторлаб экиш сеялкаларининг дискли сошниклари учун, 35 см – зигир сеялкалари кильсимон сошниклари учун, 47 см – тор қатор сеялкаларининг дискли сошниклари учун. Аммо бунда олдинги қатор сошниклари билан уруғларни кўмиш чукурлигига орқа қатор сошникларини таъсири тўлиқ бартараф қилинмайди.

#### 6-§. Экиш ва кўчат ўтқазиш машиналарининг тортишга қаршилиги

Экиш ва кўчат ўтқазиш машиналарининг тортишга қаршилиги тупроқнинг технологик хоссаларига, уларнинг қамраш кенглиги ва экиш (кўчат ўтқазиш) чукурлигига боғлиқ. Экиш чукурлиги жуда киска оралиқда ўзгарганлиги учун унинг ўзгариши дастлабки хисобларда эътиборга олинмайди ва тортишга қаршилик қамраш кенглигига пропорционал деб қабул қилинади, яъни

$$R_x = K B, \quad (126)$$

бу ерда  $K$  – машинанинг солиширма қаршилиги, кН/м;  $B$  – машинанинг қамраш кенглиги, м.

Солиширма қаршилик  $K$  сошникларнинг қаршилигига ҳамда сеялка сошникларининг думалашга қаршилигига боғлиқ, у эса, ўз навбатида, сошникларни тури ва параметрларига, уларга қўйилган юкламаларга, ишчи иншартларининг айланишга қаршилигига боғлиқ.

$2,8 \text{ м/c}$  ( $11 \text{ км/соат}$ ) гача ишчи тезликда экиш ва қўчат ўтқазиш сошникларининг тахминий солиширма қаршиликлари киймати қўйида ботирилган:

	$K, \text{ н/м}$
Тиркама дон сеялкаси .....	1,0...1,5
Осма дон селякаси .....	0,95..1,4
Осма сабзавот сеялкаси .....	0,5..0,8
Осма лавлаги сеялкаси .....	0,8..1,2
Осма маккажўхори сеялка .....	1,1..1,4
Сочма ўғит сеялкаси .....	0,35..0,2
Осма картошка эккич .....	3,0..3,5

Ишчи тезлик  $2,8 \text{ м/c}$  дан ошиши билан қаршилик кўпайди. Айниқса ошиши сеялкаларда жадалроқ. Бу уларнинг ҳаракатини перпендикуляр пуншинида тебранишларини ошиши туфайли юзага келади.

### *Таянч иборалар*

Сеялка, чикиш тешиги, уруг, сифим ҳажми, экиш нормаси, сифим ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти, тўзитгич, ғалтак, фаол қатлам, новларни тўлиш коэффициенти, гиддирак, уруғларнинг ҳажмий миссанси, сирпаниш коэффициенти, ғалтакнинг ишчи узунлиги, таштиқнинг айланиш частотаси, ишқаланиш коэффициенти, диск, катак, шикканиш кучи, туширгич, ажратгич, қайтаргич, сийраклиқ, сийраклик симериси, сошник, эгатча, кириш бурчаги.

### *Назорат саволлари*

1. Уругни сифим тешиги орқали оқиб чиқиши қандай қонуниятга бўйсунади?
2. Сифимнинг чиқиши тешиги ўлчамлари қандай формула орқали аниқланади?
3. Таъминлаш сифимининг ҳажми қандай аниқланади?
4. Ғалтакли экиш аппаратининг технологик жараёнини ташкифлаб беринг.
5. Ғалтак новларининг ҳажми қандай аниқланади?
6. Ғалтакли экиш аппаратининг параметрлари уруғларни экиш меъёрига қандай таъсир қилади?
7. Ғалтакли экиш аппарати билан уруг экилганда «фюз қатлам» деганда нима тушунилади?
8. Катакли дискнинг узимларини асослаб беринг?
9. Уругларни қайтаришда уларни олимаслиги учун қандай шарт бажарилиши керак?
10. Уругни катакчага туртиб тушириш шартини тавсифлаб беринг?
11. Пневматик сеялкада уругни диска сурилиш кучи қандай аниқланади?

## Учинчи бўлим

### ЎГИТЛАШ МАШИНАЛАРИ

#### 1 – Б О Б

#### ЎГИТЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Тупрок унумдорлигини тиклаш ва ошириш тизимида ўгитлар ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Фан ва илгор тажрибалар минерел ўгитларни самарали қўллаш экинларнинг ҳосилдорлигини 60% гача ошириш мумкинлигини кўрсатди. Ўгитларни қўллашнинг сифати ва самарасини ошириш прогрессив технологиялар ва замонавий техник воситалар асосида амалга оширилади.

#### 1-§. Ўгитларнинг турлари ва ўгитлаш усуслари

Кимёвий таркибига кўра ўгитлар минерал ва органик ўгитларга бўлинади. Ундан ташқари уларнинг аралашмасидан иборат органик-минерал компостлар ҳам қўлланилиди.

Минерал ўгитлар вазифасига кўра ўсимликларни озиқлантириш учун солинадиган бевосита таъсир этувчи ва тупрокларнинг физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш мақсадида солинадиган билвосита таъсир этувчи ўгитларга (оҳак, гипс) ажратилади.

Минерал ўгитлар таркибидағи озиқ моддалар турига кўра оддий ва мураккаб (аралашма) ўгитларга бўлинади.

Бевосита таъсир этувчи минерал ўгитлар бирорта бир озиқ элементдан иборат оддий ва икки ёки уч хил оддий ўгитларнинг механик аралашмасидан ташкил топган мураккаб (аралашма) ўгитларга ажратилади.

Билвосита таъсир этувчи ўгитлар (оҳак, гипс) маҳаллий ўгитлар сафига киради. Уларни ўта нам тупрокларда туз ҳосил қилиш (оҳак билан ўгитлаш) ёки шўрхок ерларда ишқор ҳосил бўлиш (гипс солиш) реакциясини нейтраллаш учун ишлатилади.

Органик ўгитлар тупрокни ўсимликларнинг барча учта асосий озука элементлари (азот, фосфор, калий) билан бойитибгина колмай, уларнинг физик-механик хоссаларини ҳам яхшилайди. Органик ўгитларнинг

түрүхига гўнг, суюқ гўнг, торф, торфгўнг компостлари, нажас, ўсимлик ва ҳийонларнинг ҳар хил ташландикларидан пайдо бўлган чириндиш киради. Бу турухга бактериал ўғитлар ва сидератлар (кўк ўғитлар) ҳам киради. Гўнг асосий органик ўғит ҳисобланади. У мураккаб ўсимлий бирикма бўлиб, унинг таркибида ўсимлик учун зарур бўлган барча озиқ элементлар мавжуд. Гўнг ўсимликларни озиқлантиришдан шинқари енгил кумок тупроқларни бириктириш, оғир тупроқларни юниюқ ҳолатга келтириш, тупроқ таркибида намликни узок сақлаб туриш мақсадларида ҳам кўлланилиади. У минерал ўғитлар билан қўшиб ерга солингандга улар таркибидаги озиқ элементларни тупроқда узок овқланишига ва ўсимлик томонидан уларни яхши ўзлаштирилишига имкон яратади. Гўнг тупроқни гумус билан тўйдирадиган ягона манба ҳисобланади.

Ўғитлар ёрдамида ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши яхшиланади. Ўғитлашнинг уч хил усули кўлланилиади: асосий, яъни шудгорлаш ёки ёкин олдидан ўғитлаш; экиш билан бир вақтда ўғитлаш; ўсимликларни озиқлантириш, яъни уларни ўсиш вақтида ўғитлаш.

Ўғитларни дала юзаси бўйича тахсимлаш характеристига қараб ўғитлаш ўти усуулга ажратилиади: ёппасига, қаторлаб ва уялаб (локал).

## 2-§. Ўғитларнинг технологик хоссалари

Минерал ўғитларнинг технологик хоссаларига зичлик, доналарнинг ўлчами, тўкилувчанлик, экилувчанлик, қапишкоқлик, қовушкоқлик, тирископлик, ҳар хил материаллар бўйича ишқаланиш коэффициенти киради.

Минерал ўғитлар кукун ёки доналор ҳолда ишлаб чиқилади. Доналар ўлчами, одатда 1 дан 4 мм гача оралиқда бўлади. Ўлчамларини 4 мм даги катталашиши доналарнинг чидамилигини камайтиради, бу эса унорни парчаланишига ва сепилишини ёмонлашувига олиб келади.

Минерал ўғитларнинг зичлиги кенг оралиқда ( $0,8\ldots1,7 \text{ т}/\text{м}^3$ ) ўзгаради. Аммо минерал ўғитларнинг асосий турлари  $0,9\ldots1,2 \text{ т}/\text{м}^3$  оралиқдаги зичлик билан характеристланади.

Ўғитларнинг тўкилувчанлиги уларни тешиклар орқали ўтиш көбижити билан характеристланади. У бир бирлик вақтда чиқариш тоннагининг бир бирлик юзаси орқали тўкиладигин ўғит микдори билан ўтишади. Тукилувчанликни билвосита табиий қиялик бурчаги билан ташеинфласа бўлади. Кукусимон ўғитлар  $35^\circ$  гача, доналор ўғитлар ишни  $40^\circ$  гача табиий қиялик бурчагида тешик орқали эркин тўкиладилар. Тўкилувчанлик тўғридан-тўғри ўғитларни тешиклар устида гумбаз хосил

Килиш қобиляти, яъни *зичлашиб қолувчанлиги* билан боғлик. Бу, аввало ўғитларни намлигига ва уларни айрим зарраларини ўлчамларига боғлик. Юқори намлик ўғитларнинг тўкилувчанилигини йўқотади, гумбаз ҳосил килиш қобилятига эга қиласди. Гумбаз ҳосил бўлганда ўғитларни тўклиши тўхтайди.

Ўғитларнинг *экилувчанлиги* уларни тор тиркишли экиш аппаратларидан гумбаз ҳосил килмасдан ўтиш қобиляти. Экилувчанлик 10 - балли шкала бўйича баҳоланади. Экилувчанлик билан тўғридан-тўғри ўғитларни ковушқоклиги боғланган. Ўғитлар *қовушқоқлиги* деганда механик таъсир натижасида (масалан, коргичлар, экиш аппаратлари) уларни айрим майдада бўлакчали ҳолатдан пластик, хамирсизмон ҳолатга ўтиш хоссаси тушунилади. Бу ҳолатда чикариш тешиклари тикилади ва иш жараёни бузилади.

*Капишқоқлик* - бу ўғитлар зарраларини бир-бирига ёпишиб ҳар хил зичликдаги яхлит масса ҳосил килиш қобилятидир. Бундай ўғитларни тупроқга солиш олдидан маҳсус машиналарда майдалаб, 3...5 мм кўзли гальвирлардан ўтқазиш зарур.

*Гигроскоплик* - бу ўғитларнинг ҳаводаги намликни ўзига сингдириш хоссаси. У 12 балли тизим бўйича баҳоланади. Балл қанча юқори бўлса, гигроскоплик ҳам шунча юкори. Ўғитлар таркибидаги намни ошиши уларнинг асосий - тўкилувчанилик, экилувчанлик, қапишқоқлик технологик хоссаларини кескин ёмонлаштиради ва, ҳатто уларни машиналар билан тупроққа солиш имкониятини тўлиқ йўқотади.

Органик ўғитларнинг *зичлиги* намлик ва чириш даражасига боғлиқ равишда кенг оралиқда ўзгаради. Масалан, янги гўнгнинг зичлиги  $0,3\dots0,6 \text{ t/m}^3$ ; яримчириганники  $0,6\dots0,7$ ; тўла чириганники  $0,7\dots0,8$ ; чириндинники  $0,8 \text{ t/m}^3$ .

Ўғитларнинг *ёпишқоқлиги* уларнинг зичлигига, намлигига ва гумус заррачаларини микдорига боғлиқ. Зичлик ва гумус зарраларининг микдори кўпайиши билан гўнгнинг ёпишқоқлиги ошади. Энг катта ёпишқоқлик 80...84% намликда бўлади.

Гўнгнинг *ишқаланиш коэффициенти* унинг таркибida похолни кўпайиши билан катталашади, намлик ва солиштирма босимни ошиши билан кичраяди. Гўнгни металл юзаси бўйича ишқаланиш коэффициентининг ўртача киймати  $0,85\dots1,0$  оралиқда бўлади. Гўнгнинг табиий киялик бурчаги уни чириш даражасини ошиши билан 50 дан  $38^\circ$  гача ўзгариб, камайди.

*Силжиши ва узилишига қаршилик* юкори даражада солиштирма босим ва похолликка боғлиқ. Масалан, солиштирма босимни 2 дан 10 кПа гача ошиши билан силжишга солиштирма қаршилик 4,5 дан 10 кПа

тінші ошады, похолликкінг 10 дан 50% га күпайиши эса узилишта солишиштірмә қаршиликини 7,3 дан 10 кПа гача ортишига олиб келади.

### 3-§. Агротехник талаблар

Доналарнинг диаметри 5 мм дан катта бўлмаслиги керак. Котиб қўйған минерал ўғитлар махсус машиналарда майдаланилганда уларнинг ишриклиги 5 мм гача рухсат этилади. Минерал ўғитларнинг намлиги сепишиш олдидан 1,5...15 фоиз оралиқда бўлиши лозим. Машиналар минерал ўғитларни ва уларнинг аралашмасини 0,05...1 т/га оралиқда солишини таъминлашлари керак. Ўғитларни нотекис сепишиш ўғит сеялкалари билан  $\pm 15$  фоиздан, сочиш машиналари билан эса  $\pm 25$  фоиздан ошмаслиги керак.

Янги гўнгни кўллаш ва органик ўғитлар таркибида бегона парсаларни бўлиши рухсат этилмайди. Машиналар органик ўғитларни уларнинг аралашмасини 5...60 т/га оралиқда сенишини таъминлашлари нозим. Органик ўғитларни нотекис сепишиш қамраш кенглиги бўйича  $\pm 15$  фоиздан, иш ўйланинг узунлиги бўйича  $\pm 25$  фоиздан юқори бўлмаслиги керак.

Барча турдаги ўғитлар сепилганда кўшини ўтишлар оралигини тўлиқ ўғитланишини таъминлаш керак; белгиланган солиши чукурлигидан чечишанишиш 15 фоиздан катта бўлмаслиги керак. Минерал ўғитларни сочини билан уларни тупроққа кўмиш вактининг оралиги 12 соатгача рухсит этилади.

### 4-§. Ўғитлаш машиналарини таснифланиши

Ўғитлаш машиналари ўғитларнинг вазифаси, ўғитлаш усули, ўғитларнинг тури ва трактор билан агрегатлаш усули бўйича таснифланади.

*Вазифасига кўра* органик ўғитларни солиши ва минерал ўғитларни солиши машиналарига бўлинади.

Ўғитлаш усули бўйича асосий (сошиб) ўғитлаш, экиш (кўчкат ўғитлаш) даврида ўғитлаш ва экишдан кейин ўғитлаш машиналарига бўлинади. Асосий (сошиб) ўғитлаш учун махсус машиналар кўнинингиди. Экиш даврида ва экишдан кейин (озиклантириш) ўғит сочини, одатда, комбинациялашган машиналар билан бажарилади: биринчи ҳолатда сеялкалар (кўчкат ўтказгичлар) билан, иккинчи ҳолатда ўчиштиватор-озиклантиргичлар билан, кузги экинларни эрта сипбандитириш учун самолётлар ҳам қўлланилади.

Солинадиган ўғитларнинг турига (физик ҳолатига) кўра ўғитлаш машиналари куйидаги турларга бўлинади: ўғитсочичлар, гўнгсочичлар, кукунсимон ўғитларни сочичлар, шалтокрўнг сочичлар, суюқ ўғитларни солиш машиналари.

### 5-§. Ўғитлаш машиналарининг умумий тузилиши ва иш жараёнининг схемаси

Ўғитлаш машиналари ҳар хил турда бўлишига қарамай, улар ягона схема бўйича тузилган. Ўғитлаш машиналари учта асосий қисмдан иборат: таъминлаш сигими (кузов, бункер, кути); қадокловчи курилма (тарелка, занжирпланкали транспортер); сочувчи курилма (тик ўқда катта тезлиқда айланувчи дисклар, ҳалқасимон иргитгичлар, шнеклар ва бошқалар).

Умумий кўринишда ўғитлаш машиналарининг иш жараёни куйидагicha бўлади: таъминловчи сигимда жойлашган ўғит қадакловчи курилмага ўз оқими билан тушади ёки мажбуран узатилади. Қадокловчи курилма ўғитлар оқимини шакллантиради. Қадокловчи курилмадан тушган ўғитлар дала юзасига ёки йўналтиргич бўйича (ўғит ўтказгичлар ва шунга ўхшаш) таксимланади. Йўналтиргичлар орқали ўтган ўғитлар сошниклар ёрдамида хосил қилинган эгатларга солинади, сўнгра улар кўмувчи ишчи органлар ёрдамида тупроқ билан қўмилади.

Шундай қилиб, ургуларни экиш жараёнидек, ўғитларни солиши жараёни асосида ҳам таъминлаш сигимида бошланиб дала юзасида ёки эгат тубида тўхтайдиган ўғитларни тартибли оқими ётади. Демак, ўғитлаш машиналарининг иш жараёни кўрсаткичларига таъминлаш сигимлари, қадокловчи қурилмалар, сошниклар ва кўмувчи ишчи органларнинг конструктив хусусиятлари ва иш режимлари таъсир кўрсатади.

### 6-§. Ўғитлаш аппаратлари


**Таснифланиши.** Қўлланиладиган ўғитларнинг технологик хоссалари ва физик ҳолати ҳар хил бўлганлиги учун ўғитлаш машиналарининг қадоклаш аппаратлари ниҳоятда турли-туман. Қаттиқ заррали, яъни донадор ўғитларни сепиш учун, одатда, механик қурилмалар, қаттиқ кукунсимонларни - пневматик, суюқларни сепиш учун гидравлик ёки пневмо-гидравлик қурилмалар қўлланилади.

Механик қурилмалар энг кўп тарқалган. Механик аппаратларнинг куйидаги турлари маълум: занжир-бармоқли, барабанли (барабан-

планкали), конвейрли (занжир тасмали), тарелкали, дискли, ғалтактишли, қирғичли (туби икки қават ғалвирли), марказдан қочма, транспортёри ва бошқа.

Үгитлаш машиналарининг замонавий конструкцияларида ғалтактифтли, тарелкали, дискли ва транспортёри үгитлаш аппаратлари кенг қўлланилади.

*Ғалтак-ўзакли аппаратлар* уруғларни экиш билан бир вақтда донадор үгитларни қаторлаб солиш учун қўлланилади. Улар қаторлаб ва торқаторлаб экадиган комбинациялашган сеялкаларда ўрнатилади. Ғалтак ўзакли аппарат (155-расм) қопқоқ 1, ғалтак 2, ўғит сепиш аппаратларининг валики 3, корпус 4, таглик 5 ва бўшатиш механизмининг валики 6 дан иборат. Ғалтак бири иккинчисидан 0,5 қадам силжиб икки қатор жойлашган тишлар билан жиҳозланган. Үгитлар кутидан ўз оқими билан корпус 4 га тушади. Ундан айланувчи ғалтак 2 билан сидирилади ва ўғит ўтказгичга йўналтирилади. Ғалтак 2 билан таглик 5 оралиғдаги тирқиши валик 6 ни унга беркитилган дастак ёрдамида бураш билан созланади. Тирқиши доналарнинг ўлчамига боғлиқ. Үгитлаш микдори ғалтакларнинг айланни частотасини ва таъминлаш туйнугининг ўлчамини қопқоқ 1 ёрдамида ўзгартириш билан созланади.



155-расм. Ғалтак-ўзакли үгитлаш аппаратининг схемаси.

1 - қопқоқ; 2 - ғалтак; 3 - ўғитлаш аппаратларининг валики; 4 - корпус; 5 - таглик; 6 - бўшатиш механизмининг валики.

Фалтак-ұзаклы аппараттарнинг технологик жараёни сеялкаларнинг фалтак-новли аппаратлари жараёнига ўхшаш.

*Тарелкасimon аппаратлар* донадор ва кукунсимон минерал ўғитларни ёппасига сочиш ҳамда кенг қаторли ва уялаб солиш учун құлланилади. Улар 45 см ва ундан катта бўлган қатор оралигидан ишлайдиган экиш ва кўчат ўтқазиш машиналарида ҳамда культиватор - озиқлантиргичларда ўрнатилади.

Тарелкасимон аппараттарнинг афзалликлари - конструкциясининг оддийлiği, катта бўлмаган оғирлик, ҳар хил турдаги ўғитларни сепишга мослашувчалиги, ўғитларни нисбатан бир текис сочиш.

*Тарелкасимон - дискли* аппарат ўғит банки 5 (156a-расм), тарелка 4, айланадиган куракчалар (дисклар) кўринишидаги иккита туширгичлар 2, экиш қалқони 3 дан иборат. Тарелканинг ярми банка остида, иккинчиси - ундан ташқарида жойлашган. Айланадиган тарелка ишқаланиши кучлари туфайли ўғитларнинг юкори қатламини банкадан ташқарига олиб чиқади, сўнгра туширгичлар 2 ўғитларни тарелкадан ўғит йўналтиргичларга туширади. Ўғитлардан гумбаз ҳосил бўлишни тебранадиган девор 1 бартараф қиласи. Ўғитлаш микдори тарелканинг айлананиш тезлиги ва тарелка туби билан қапқоқ орасидаги тирқишининг баландлигини ўзgartариш орқали созланади.

*Тарелкасимон-қиргичли* аппарат паҳтачилик культиватор-озиклантиргичлар ва сеялкаларда қўлланилади.


Конуссимон тожли тарелка 4 банка 5 нинг туби вазифасини ўтайди (156b-расм). Тарелка ва банка орасида цилиндр 6 билан ростланадиган тирқиши мавжуд. Тарелкадаги ўғитлар шу тирқишидан олиб чиқилиб қиргич 7 га келтирилади ва унинг олдида йигилиб, тарелканинг девори орқали воронка 8 га тўкилади. Машина транспорт ҳолатга ўтказилганда ўғитлаш аппарати автоматик ҳолда ажратилади.

*Дискли аппаратлар* (156в-расм) донадор ва кукунсимон ўғитларни кенг қаторлаб ва уялаб солиш учун қўлланилади. Улар бир хил (унификациялашган) бўлиб (АТД-2 русумли), экиш ва кўчат ўтқазиш ҳамда культиватор-озиклантиргичларда ўрнатилади.

Дискли аппаратлар, тарелкасимонлар каби, фрикцион таъсирили аппаратларга киради.

Диск 15 ва тўзитгич 12 ҳаракатлантирувчи гилдиirlардан ҳаракатга келтирилади. Диск ва тўзитгич айланаб, ўғитларнинг пастки қатламини кўзғалмас қиргич-йўналтиргичларга олиб келади, улар эса ўғитларни экиш тирқишилари орқали қабул воронкалари 9 га йўналтиради. Тўзитгич ўзининг нружинасимон бармоқлари билан қиргичларни ва соябон 13 ни ёнишган ўғитлардан тозалайди. «Муаллақ» қиргич-сатҳ


күрсатгич 16 ўғит микдори камайган сари пастга тушис боради ва ўғитларни марказдан четга суриб, уларни бир мөшерда узатилишини таъминлади. Ўғитлаш микдори киргич-йўналтиргичнинг банкага кириш баландлигини ва дискнинг айланиш тезлигини ўзгартириш билан ростланади.



156-расм. Ўғитлаш аппаратларининг схемаси.

*а* - тарелкасимон-дискли; *б* - тарелкасимон-киргичли; *в* - дискли; 1 - тебранувчи девор; 2 - туширгич; 3 - экиш қалқони; 4 - тарелка (диск); 5 - сифим (ящик, кути); 6 - кути; 7 - пичок; 8 - воронка; 9 - тоҳжли тарелка; 10 - йўналтирувчи киргич; 11 - ростлайдиган цилиндр; 12 - тўзитгич; 13 - соябон; 14 - ҳаракатлантириш механизми; 15 - диск; 16 - сатҳ кўрсатгич.

*Транспортёрли аппаратлар* (157<sup>а</sup>-расм) органик ва минерал ўғитларни ва уларнинг аралашмасини асосий (ёппасига) ўғитлаш ҳамда картошка экилганда қаторлаб солиш учун кўлланилади. Конструкцияси жиҳатидан улар таъминловчи сифимларнинг (прицеп ёки ярим прицепларнинг) тубида ўрнатилган занжир-планкали (занжир-киргичли ва занжир-чивикили) транспортёрлар 3 кўринишида бўлади. Органик ўғитларнинг микдори транспортёрнинг тезлигини ўзгартириб, минерал ўғитларнинг эса транспортёрнинг тезлигини ва олиб чиқиладиган ўғитлар қатламишининг баландлигини транспортёр устига ўрнатилган қопқоқлар 1 ёрдамида ўзгартирилип ростланади. Юриш гидравликларидан ҳаракат оладиган машиналарда ўғитлаш микдори уларнинг ҳаракат тезлигига боғлиқ бўлади.



157-расм. Ўғитлаш аппаратларининг схемаси.

*a* - транспортёри; *b* - пневматик; *ж* - гидравлик; 1 - қопқоқ; 2 - вал; 3 - транспортер; 4 - хивич (планка, киргич); 5 - тертиш вали; 6 - учлик; 7 - енг; 8 - дастак; 9 - гайка; 10 - тармоқланган қувур; 11 - учлик; 12 - диффлектор; 13 - ростлаш узели.

*Пневматик аппаратлар* чантсимон ўғитларни ёппасига (дала юзасига) сочиш учун қўлланилади. Пневматик аппаратлар эгилувчан арматурали енг 7 да ўрнатилган қопқоқ 1 ли кутисимон кесимли чангитгич учлик 6 дан иборат (157б-расм). Ётиқ текисликда чангитгич учликни пневматик бошқариладиган дастак 8 билан бураш мумкин, тик текисликда эса у фланецнинг овал тешигида силжийди.

Кукусимон ўғитлар кисилган ҳаво билан енг орқали ўғитга узатилади ва атмосферага чиқарилиб дала юзасига текис таксимланади. Ўғитлаш микдори қопқоқни силжитиб чангитгич учликнинг чикиш тешиги юзасини ўзгартириш билан ростланади. Ўғитлаш микдорига машинанинг тезлиги ҳам таъсир қиласи.

*Гидравлик қадоқлаши қурилмалари* тупроқка суюқ ўғитларни сепиш учун қўлланилади. Бу алмашувчан учликли (конус найчали, жиклёрли ва бошка) 11 қаттиқ ёки эгилувчан кисқа қувур (штангалар) 10 дан иборат кўйиш қурилмаси.

Ўғитларни яхши тахсилаш учун оқим йўлида қалқон-қайтаргичлар (диффлекторлар) 12 ўрнатилади. Қалқон-қайтаргичларнинг ҳолати ростлаш узели 13 ёрдамида амалга оширилади. Қадакланадиган ўғитларни сарфи тешиклари ҳар хил диаметрли пуркагичлар (жиклёрлар) ўрнатилиб ростланади.


## 7-§. Сочиш қурилмалари

Сочгичлар минерал ва органик ўғитларни дала юзасига кўп микдорда ёппасига сочиш (асосий ўғитлаш) учун қўлланилади. Улар

конструктив бажарилиши бўйича ҳар хил бўлиб, битта умумий белги билан боғланган: барчаси ўғитларни дала юзасига ёйиб сочади, сўнгра ўғитларни кўмиш учун эса тупрокка ишлов бериш машиналари (плуглар, бороналар ва бошқа) кўлланилтиди.

*Органик ўғит сочиши қурилмалари* икки хил бўлади: айланиш ўқи машина ҳаракати йўналишига тик ва параллел. Биринчи ҳолатда - бу прицепларнинг кузовида алоҳида ўрнатилган ротор ва битерлар, иккинчисида - уломлардан ўғитларни сочадиган кузовли барабанлар ва тўрт парракли роторлар.

Роторлар, битерлар ва барабанлар қувур кўринишда қилинган бўлиб, уларга парраклар 3 (158а,б-расм) ёки кураклар 7 винтсимон чизик бўйлаб жойлаштирилган. Улар транспортёр 5 билан узатиладиган ўғитларни майдалаб дала юзасига сочади. Ўғитларни яхши майдалаш ва жадал узатиш мақсадида сочиш битеридан пастда майдалаш битери 6 ўрнатилган. Сочиш ва майдалаш битерининг айланиш йўналиши бир хил, аммо майдалаш битерининг айланиш тезлиги бошқача.



158-расм. Сочиши қурилмалари.

а ва б - роторли (битерли) ва барабанли; в - дискли; 1 - сочиши ротори (битер); 2 - кузов; 3 - парракча; 4 - вал; 5 - транспортёр; 6 - майдалаш битери; 7 - куракча; 8 - кузов девори; 9 - тарнов; 10 - девор; 11 - диск.

*Марказдан қочирма сочиши аппаратлар* горизонтал текисликда айланувчи бир ёки иккита диск 11 дан иборат бўлиб, минерал ўғитларни

сочишга мүлжалланган (158-расм). Дискларга ясси ёки чизиқли куракчалар 7 ўрнатилади. Минерал ўғитлар дискларга ўғит бўлгиччининг йўналтирувчи тарновлари 9 орқали узатилади. Дискдаги куракчалар тушаётган ўғитларни қабул қилиб, марказдан четга йўналтиради ва горизонтал текислик бўйича дала юзасига елпигичга ўхшаб сочади.

## 8-§. Ўғитлаш ва сочиш машиналари

Ўғитлашнинг уч хил усулидан фақат асосий (ёйиб сочиш) ўғитлаш учун махсус машиналар ишлаб чиқилади. Экиш даврида (кўчат ўтқазиш) ва экишдан кейин ўғитлаш (озиклантириш) асосий операциялар билан бирга бажарилади, яъни комбинациялашган машиналар: сеялкалар (эктичлар) ва қультиватор-озиклантиргичлар билан амалга оширилади. Асосий ўғитлаш машиналари билан минерал ўғитларни кўп қисми, тахминан умумий микдордан 2/3 қисми солинади. Машиналар ўғитларни сепишга тайёрлаш ва ўғитларни сепиш машиналарига ажратилади.


### 8.1-§. Ўғитларни сочишга тайёрлаш машиналари

Кўп ўғитлар сакланиш даврида ёпишиб қолади, яъни катта кесаклар ва палаҳсалар ҳосил қиласди, шунинг учун уларга сепиш олдидан махсус ишлов берилади. Тайёрлаш ишларининг қуидаги турлари ажратилади: майдалаш, галвирдан ўтқазиш ва аралаштириш. Майдалаш - ёпишиб қолган ўғитларни сепишга тайёрлашнинг асосий технологик жараёни. Галвирдан ўтқазиш майдаланган ўғитлар таркибидағи ўғитлаш аппаратларининг ишини қийинлаштирадиган кукусимон элементлардан ажратишда талаб қилинади. Аралаштириш тупроққа бир неча компонентлар солингандага лозим бўлади. Амалда минерал ўғитлар ва органо-минералларнинг аралашмаси қўлланилади.

Ёпишиб қолган ўғитларни майдалайдиган универсал машина (ИСУ) энг кўп қўлланилади. Бу машина кейинги ишлов берилаш операциялари, яъни минерал ўғитларни галвирдан ўтқазиш ва аралаштириш учун ҳам мўлжалланган. Машина цилиндросимон бункер, катта кесакларни майдалайдиган арасимон майдалагич (фреза), 5, 6 ва 10 мм тешикли алмаштириладиган галвирлар, редуктор, шибер, ротор ва рамадан иборат (159-расм).

Тўрт парракли крестовина редукторнинг тик ўқига ўрнатилган бўлиб, галвир билан биргаликда бункернинг тубини ҳосил қиласди, шибер ўғитни крестовина билан биргаликда ҳаракатланишига тўскинлик қиласди. Майдаланган ўғитлар галвир тешикларидан ўтади

ва ротор билан қопларга, уюмга ёки транспортёрга ташлапади. Ўгитлар аралаштирилганда шиберлар олиб қўйилади, пичокнинг кесувчи қисми айланиш йўналишига нисбатан тескарига бурилади, тешикларниң диаметри энг кичик бўлган галвир ўрнатилади.



**159-расм. ИСУ-4 - ўгитларни майдалагич ва аралаштиргич машинасининг иш жараёни схемаси.**

1 - рама; 2 - карданли узатма; 3 - паррак; 4 - тарнов; 5 - қопқоқ; 6 - пичноқлар; 7 - бункер; 8 - майдалагич (фреза); 9 - шибер (бўлгич курилма); 10 - қайтарувчи қоплама; 11 - қопқоқ; 12 - ротор; 13 - галвир; 14 - редуктор.


### 8.2-§. Минерал ўгитларни сочиш машиналари

Гидрофициялаштирилган сочиш машинаси (РМГ турдаги) барча турдаги ва шаклдаги минерал ўгитларни ҳамда оҳак ва гипсларни сочишга мўлжалланган. У кузовли бир ўқли трактор прицепи кўринишида (160-расм) бўлиб, унинг кузови 1 тубида хивичли транспортёр 3, орқасида эса қадокловчи қопқоқ 5 ва сочиш курилмаси 6 ўрнатилган. Транспортёр 3 юриш фидираги 2 дан сиқиш пневматик ролиги 4 орқали, сочиш курилмаси 6 эса трактор гидросистемасига кўшилган гидромотордан ҳаракатга келтирилади.

Хивичли транспортёр кузовдан ўғитни олиб чиқади ва чиқариши тирқиши орқали ўғит бўлгичга узатади. Ўғит бўлгичининг иккита шоҳобчasi орқали узатилган ўгитларни сочиш курилмасининг айланувчи дисклари кенглиги 6 м дан 14 м гача бўлган дала юзасининг йўлагига ўгитларни сочади. Ўгитларни дала юзасига текис тақсимланиши ўғит бўлгични кузов бўйлаб силжитиш ёки лотокларнинг ички деворини бураш орқали ростланади. Ўғит диск марказига яқин берилса, йўлакнинг

четки қисмидә, диск марказидан узокроқ масофада берилганды эса унинг ўрта қисмидә сочишган ўғит миқдори ошади.

Ўғитлаш миқдори 100 дан 6000 кг/га оралиқда бўлиб, уни транспортёр тезлигини ва қадокловчи қопқоқнинг очилишини ўзгартириб ростланади. Машинанинг ишчи тезлиги 3,3 м/с гача.



**160-расм. Минерал ўғитларни сочиш машинаси.**


1 - кузов; 2 - юриш гидриаги; 3 - хивичли транспортёр; 4 - пневматикили сиқиши ролиги; 5 - қадокловчи қопқоқ; 6 - сочиш курилмаси; 7 - шамол түсуви чослами.

### 8.3-§. Органик ўғитларни сочиш машиналари

Тракторли универсал яримприцепли сочиш (ПТУ турдаги) ва ташиш машинаси органик ўғитларни, қишлоқ хўжалик юкларини сочиш ва ташиш учун мўлжалланган. Машина (161-расм) рама 12, кузов 11, юриш қисми 9, транспортёр 10, сочиш курилмаси 3, 4 ва узатиш механизмидан ташкил топган.

Машинанинг иш жараёнида кузов 11 даги ўғит транспортёр 10 ёрдамида сочиш курилмаси 3, 4 га узатилади. Майдалаш барабани 3 ўғитни сочиш барабани 4 га узатади ва у дала юзасига сочади. Ўғитлаш меъёри транспортёрнинг ҳаракат тезлиги ва агрегатнинг юриш тезлигини

ўзгаририб ростланади. Транспортёрнинг ҳаракат тезлиги кривошиппининг радиусини ўзгаририш орқали эришилади. Машинанинг сочиш кенглити 6 м гача, уни тезлиги 2,8 м/с.



### 161-расм. Органик ўғитларни сочиш машинаси.

1 - таянч; 2 - кардонли вал; 3 - майдалаш барабани; 4 - сочиш барабани; 5 - барабан узатмасини тараングлаш курилмаси; 6 - транспортёрнинг етакловчи вали; 7 - кривошип-шатун механизми; 8 - редуктор; 9 - фиддирак; 10 - транспортёр; 11 - кузов; 12 - рама; 13 - редукторлар узатмаси вали; 14 - транспортёрнинг тараングлаш курилмаси.

### Таянч иборалар

Минерал ўғитлар, органик ўғитлар, ўғитларниң зичлиги, тўкилувчаник, экилувчаник, қапишқоқлик, гигроскоқлик, ёпишқоқлик, ишқаланиш коэффициенти, сифим, микдорловчи курилма, ўғитутказгич, сошник, аппарат, галтак-ўзакли, тарелкасимон, тарелкасимон-дискли, тарелкасимон киргичли, дискли, транспортёри, пневматик, гидравлик, роторли ва дискли сочиш курилмаси, марказдан қочирма сочиш аппарати, майдалагич.

1. Ўгитлар кимёвий таркиби бўйича қандай турларга бўлинади? 2. Ўгитлашнинг қандай усуслари қўлланилади? 3. Ўгитлаш машиналарига қандай агротехник талаблар кўйилади? 4. Ўгитлаш машиналари қандай белгилар бўйича таснифланади? 5. Тарелкали ва ғалтак-тишли аппарат қандай йигма қисмлардан иборат? 6. Ўгитлаш машиналарининг иш жараёни қандай кечади? 7. Тарелкасимон экиш аппарати билан сепиладиган ўгитнинг микдори нимага боғлик? 8. Ўгитлаш аппаратининг тури танланганда ўгитларнинг қандай технологик хоссалари эътиборга олинади? 9. Органик ўгитларни сепиш учун қандай сочиш қурилмалари қўлланилади?

## 2 – БОБ

### ЎГИТ СЕПИШ МАШИНАЛАРИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ АСОСЛАРИ

#### 1-§. Тарелкасимон ва дискли аппаратлар

Тарелкасимон ва дискли аппаратларнинг технологик иш жараёнлари бир хил принципга асосланган бўлиб, иккита асосий фазадан иборат: ўгит қатламини экиш тиркишига олиб чиқиш (туширгичга) ва ўгитни диск ёки тарелкадан ташлаш.

Ўгитлар қатламини экиш тиркишига олиб чиқиш ишқаланиш кучлари эвазига амалга ошади. Бунинг учун уларнинг микдори ўгит зарраларини тарелка (диск) билан айланма ҳаракат қилиш учун етарли бўлиши керак. Бунда ўгит доналарни дискдан (тарелкадан) ўз-ӯзидан тушиб кетишига йўл қўймаслик керак, яъни қуйидаги шартга риоя қилиш керак:

$$fmg \geq m\omega^2 R \quad \text{ёки} \quad fg \geq \omega^2 R, \quad (127)$$

бу ерда  $f$  - ишқаланиши коэффициенти;  $m$  - ўгит донасининг массаси;  $g$  - эркин тушиши тезланиши;  $R$  - диск (тарелка) диаметри;  $\omega$  - дискнинг (тарелканинг) бурчак тезлиги.

Ҳисобларнинг кўрсатишича, қўлланиладиган аппаратларда марказга интилма тезланиш ( $\omega^2 R$ )  $0,01\text{-}0,04 \text{ м/с}^2$  ни ташкил қилиб, бу  $fg$  га нисбатан бир неча марта кичик. Демак, ўгитларни ўз-ӯзидан тушишини имкони йўқ ва уларни мажбуран тушириш керак.

Тарелка билан қутидан бир сонияда олиб чиқилган ўгит микдори тешик юзаси  $S$  га ва ўгитлар ҳаракатининг ўртача чизикли тезлиги

$u_{ypm}$  га боғлиқ бўлади, яъни  $q = \gamma \delta u_{ypm}$ , бу ерда  $\gamma$  - ўғитнинг ҳажмий массаси (зичлиги),  $\text{кг}/\text{м}^3$ . 162-расмдан  $S = h(R-r)$ , ўртача тезлик эса  $u_{ypm} = (u_2 + u_r)/2 = \omega(R+r)/2$ .  $q$  учун даствабки ифодага  $S$  ва  $u_{ypm}$  ўрнига уларнинг қийматларини қўйиб оламиз

$$q = \gamma \omega h(R^2 - r^2)/2, \quad (128)$$

бу ерда  $h$  -- тирқиши (ўғитлар қатлами) баландлиги.

Белгиланган ўғитлаш мөъёри  $Q$  ( $\text{кг}/\text{га}$ ) бўлганда экиш аппаратлари сони  $k$  га ва камраш кенглиги  $B(\text{м})$  га тенг бўлган машина  $v$  ( $\text{м}/\text{с}$ ) тезлик билан ҳаракат қилганда бир сонияда қуйидаги ўғит микдорини солиш лозим


$$q = 10^4 Q B v / k.. \quad (129)$$

(128) ва (129) ифодаларнинг ўнг қисмларини тенглаштириб ва ҳосил бўлган тенгламани  $h$  га нисбатан ечиб қуйидагини оламиз

$$h = 2 \cdot 10^4 Q B v / [k \gamma \omega (R^2 - r^2)]. \quad (130)$$

Бу ифода ўғитлаш аппаратларининг технологик ( $v$ ,  $\omega$ ,  $Q$ ) ва конструктив ( $B$ ,  $R$ ,  $r$ ) параметрларини боғлайди. Унинг ёрдамида белгиланган ўғитлаш мөъёрини таъминлаш учун экиш тирқиши баландлиги  $h$ , тарелканинг бурчак тезлиги  $\vartheta$  ларнинг белгиланган тўғри нисбатларини ўриатиш мумкин.

**Ўғитларни тушириш** кўзгалмас қирғичлар (пассив туширгичлар) ёки айланадиган дисклар, парраклар (фаол туширгичлар) билан бажарилади. Хар бир аппарат иккита қаторга ўғит солишга мўлжалланганлиги учун ҳар бир тарелканинг (дискнинг) устида иккита туширгич ўрнатилади. Туширгичларнинг ишига қўйиладиган асосий талаблар: ўғитлар тўпланмаслиги ва зичланмаслиги керак; чап ва ўнг туширгичлар бир хил микдордаги ўғитларни туширишлари керак.




162-расм. Ўғитларни тарелка билан олиб чиқилиши.

Үгитларни түшлениши ва зичланиши пассив туширгичлар олдида юзага келиши мумкин. Үгитлар пассив туширгич олдида түшләнмаслыги учун у бүйича чиқиш тешигига узлуксиз ҳаракатланиши керак.

Үгитларни туширгич бүйича ҳаракатланиш шартини күрамиз. Дейлик айланувчи тарелка юзасига  $m$  массасы үгит донаси турибди (163-расм). Бу үгит донасини ҳаракатлантирадиган  $F_1$  кучи  $mgtg\varphi$  га тенг ишқаланиш кучи бўлади, бу ерда  $m$ -донанинг массаси;  $g$ -эркин тушшиш тезланиши;  $\varphi$  - ишқаланиш бурчаги.  $F_1$  кучнинг йўналиши и тезликнинг йўналиши балан бир хил, яъни айланыш маркази  $O$  дан  $m$  нуктага ўтказилган радиусга тик. Зарра  $m$  ни туширгич билан учрашиш пайтидаги  $F_1$  кучни икки йўналиш бўйича ажратамиз:  $m$  заррани туширгич билан алоқада бўлган нуктасида унинг юзасига нормал ва уринма бўйича. Нормал ташкил қилувчи  $F_1 \sin\alpha$  туширгич томонидан заррага кўйилган нормал реакция кучи  $N$  ни юзага кептиради, уринма ташкил этувчи  $F_1 \cos\alpha$  эса  $m$  заррани туширгич юзаси бўйича сирпанишига ундейди, унга туширгич бўйича заррани ишқаланиш кучи  $F_2$  қаршилик кўрсатади:  $F_2 = Ntg\varphi = F_1 \sin\alpha \operatorname{tg}\varphi$ .  $F_1 \cos\alpha \geq F_2 = F_1 \sin\alpha \operatorname{tg}\varphi$  ёки  $\operatorname{ctg}\alpha \geq \operatorname{tg}\varphi$  шарт бажарилганда үгит донаси туширгич сирти бўйлаб экиш тиркишига ҳаракатланади.  $\operatorname{ctg}\alpha = \operatorname{tg}(90^\circ - \alpha)$  эканлигини эътиборга олиб, үгит донасининг туширгич сирти бўйлаб ҳаракатланиш шартини  $90^\circ - \alpha \geq \varphi$  ёки қуидаги кўринишда ифодалаш мумкин

$$\alpha \leq 90^\circ - \varphi. \quad (131)$$



163-расм. Тарелкали (дискли) аппаратларда улоқтиргичларни ҳисоблаши схемаси. а - пассив; б - фаол; 1 - тарелка (диск); 2 - улоқтиргич; 3 - бўлгич

Туширгич юзаси ўзининг узунлиги бўйича ифода (131) ни қаноатлантириши учун бурчак  $\alpha$  марказдан узоклашган сари доимий қолиши ёки камайиши керак. Бу эгри чизикди қиргичларда мумкин, масалан, логарифмик спирал бўйича бажарилгаи ( $\alpha = \cos\alpha$ ).

**Фаол туширгичлар** олдида ўғитларни тўпланиши ва зичланишини имкони йўқ. Улар, аксинча, ўғитларни қўшимча жадал майдалайди ва аралаштиради. Шуинг учун уларни иш сифати иккинчи талабни бажариш билан боғлик - тушургичларнинг ҳар бири бир хил микдордаги ўғитларни тушириши керак. Бунга ўғитларни қаторлар бўйича текис тақсимланиши боғлик. Бу талабни бажариш учун ҳар бир туширгичга тарелка (диск) билан узатилган ўғитнинг ярмига teng бўлган бир хил микдордаги ўғит етказилиши керак. Бу ажратгич 3 ни (163б-расм) аник ўрнатиш орқали эришилади. Чап ва ўнг туширгичларга йўналтириладиган ўғитларнинг ҳажмини тенглигидан  $u_h(b-r) = u_h(R-b)$ , бу ерда  $u_h$  ва  $u_y$  - мос ҳолда чап ва ўнг туширгичларга узатиладиган ўғитлар қатламларининг ҳаракатини ўртача тезлеклари;  $h$  - тарелка билан чиқарилган ўғитлар қатламининг баландлиги.  $u_y = \omega(r+b)/2$  ва  $u_h = \omega(R+b)/2$  бўлгани учун дастлабки ифодада  $u_h$  ва  $u_y$  ни уларнинг кийматлари билан алмаштириб ва тенгламани  $b$  га нисбатан ечиб, куйидагини оламиз

$$b = \sqrt{(R^2 + r^2)/2}. \quad (132)$$

Шундай килиб, ажратгични тарелканинг ўқидан  $b$  масофада ўрнатиш ҳар бир туширгич билан бир хил микдордаги ўғитни ташлашни таъминлайди.

## 2-§. Транспортёри аппаратларнинг иш режими

Транспортёри аппарат билан бир сонияда узатиладиган ўғит миқдори  $q$  (кг/с) унинг тезлиги  $u_{tp}$  (м/с) ва кенглиги  $b$  (м) га боғлик, яъни

$$q = \gamma u_{tp} b H, \quad (133)$$

бу ерда  $\gamma$  - ўғитларнинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>;  $H$  - транспортёр узатётган ўғит қатламининг қалинлиги (келтирилган), м.

Ўғитлаш меъёри  $Q$  (кг/га), машинанинг ҳаракат тезлиги  $\vartheta_M$  (м/с) ва ўғитни сочиш кенглиги  $B$  (м) да талаб қилинган узатиш  $q$  (кг/с) куйидаги ифода орқали ҳисобланади

$$q = 10^{-4} Q B \vartheta_M \quad (134)$$

Формулалар (140) ва (141) ларнинг ўнг томонларини тенглаштириб ва тенгламани  $u_{tp}$  га нисбатан ечиб, оламиз

$$u_{tp} = 10^4 Q B \vartheta_M / (\gamma b H). \quad (135)$$

Формула (135) транспортёрнинг талаб қилинган тезлигини ўғитлаш мөйёри  $Q$ , машинанинг ҳаракат тезлиги  $\vartheta_M$  ва ўнит қатламиининг қалинлиги  $H$  боғлиқ равишда аниқлашга имкон беради.

### 3-§. Сочиш қурилмалари

*Сочиши қурилмалари* айланадиган ишчи органлар билан ўғит зарраларига кинетик энергия бериш принципи бўйича ишлайди. Бунда энг кўп қўлланилди: минерал ўғитларни сочиш учун айланадиган вертикаль ўқли дисклар кўринишидаги қурилмалар; органик ўғитларни сочиш учун айланадиган горизонтал ўқли дисклар ва барабанлар кўринишидаги қурилмалар. Бундай ҳар бир аппаратнинг иш жараёни икки босқичдан ташкил топган: ўғит зарраларининг диск (барабан) сиртида иисбий силжиши; ишчи орган томонидан берилган кинетик энергия ва оғирлик кучи таъсирида ўғит зарраларининг эркин учиши.

#### 3.1-§. Минерал ўғитларни сочиш учун қурилмалар

*Минерал ўғитларни сочиш учун қурилмалар*, асосан айланувчи вертикаль ўқли бир ёки икки диск кўринишида бўлади. Дисклар радиал ёки радиал йўналишдан  $\pm (10\ldots 15^\circ)$  оғиши билан жойлашган текис кураклар билан жиҳозланади.

*Биринчи босқич*, яъни ўғит заррасининг диск сиртида иисбий силжиши уни дискка тушиш пайтидан бошланади ва икки даврга бўлинади: курак билан учрашгунга қадар диск сиртида ҳаракати ва курак билан учрашгандан сўнг ҳаракати. Диск сиртида зарраларни иисбий ҳаракатга келиши учун зарур бўлган унинг энг кичик (минимал) айланиш тезлигини (частотасини) топиш ва ўғит донасининг силжиш йўналишини аниқлаш учун бир текис айланадиган куракларсиз текис диск 1 ни ( $164\alpha$ -расм) оләмиз. Унга ихтиёрий  $A$  нуқтада бошланиш тезлиги нолга тенг булган  $m$  массали ўғит донаси тушади. Заррага ишқаланиш кучи  $F = fmg$  ва кўчирма ҳаракатнинг марказдан қочирма кучи  $F_m = mr_o \omega^2$  таъсир қиласди. Бунда материал заррасининг икки хил ҳаракати мумкин:  $fmg > mr_o \omega^2$  бўлганда заррани диск билан бирга айланishi ва  $mr_o \omega^2 > fmg$  бўлганда заррани диск бўйича силжиши. Мувозанатлик шарти  $mr_o \omega^2 - fmg = 0$  бўлганда таъминланади. Бундан

дискнинг бурчак тезлиги аниқланади:  $\omega = \sqrt{fg/r_0}$ . Маълумки  $\omega = \pi n$

30. Бу икки ифодадаи заррани диск сиртида ҳаракат қилиши мумкин бўлган энг кичик (минимал) рухсат этилган айланиш тезлиги (частотаси)  $n$  (мин<sup>-1</sup>) ни топамиз:

$$n_{\min} = 30\sqrt{fg/r_0}/\pi, \quad (136)$$


бу ерда  $r_0$  - заррани тушиши жойидан дискни айланниш марказигача бўлган масофа.

Зарра, диск бўйича силжиб, нисбий ҳаракатда  $\vartheta$ , тезлик билан  $S$ , эгри чизик бўйича  $A$  ҳолатдан  $A_1 \dots A_n$  ҳолатга силжайди. Бу ҳолатда дискнинг айланма ҳаракати кўчирма ҳаракат ҳисобланади, зарранинг кўчирма тезлиги эса  $\dot{\vartheta} = r\omega$  бўлади. Абсолют ҳаракатда зарранинг ҳаракат траекторияси  $S_a$  эгри чизиқни тасвирлайди. Тажрибалар натижасига кўра ўғит донасининг ҳаракати логарифмик спираль бўйича амалга ошади.

Агар диск 1 да куракчалар 2 (1646-расм) ўрнатилса, унда зарра аввал куракчасиз дисқдаги каби ҳаракат қиласди. Куракча билан учрашгандан сўнг унинг ҳаракатини йўналиши ўзгаради: зарра куракча бўйича сирнанади. Бунда  $m$  массали заррага таъсир қиласди: марказдан қочирма инерция кучи  $F_q = m\omega^2 r$ , инерциянинг кориолис кучи  $F_k = 2m\omega^2 r$ , диск бўйича ишқаланиш кучи  $F_i = f_i mg$  ва куракча бўйича ишқаланиш кучи  $F_2 = mf_2(2\omega r, -\omega^2 r, \sin\Psi)$ , бу ерда  $r$  - дискни айланниш ўқидан заррагача бўлган масофа;  $\omega$  - дискнинг бурчак тезлиги;  $f_i$  ва  $f_2$  - мос ҳолда ўғитни диск ва куракча бўйича ишқаланиш коэффициентлари;  $\Psi$  - куракчани радиусдан оғиш бурчаги. Агар куракча тўғри чизиқли бўлса  $\Psi \neq const$ ; қутби дискнинг айланниш ўқи  $\theta$  га тўғри келадиган логарифмик спираль шакли куракча учун  $\Psi = const$ .

$F_1$  ва  $F_2$  кучларининг йиғиндиси куракча текислиги бўйича йўналган  $F$  кучни ташкил қиласди.

Ўғит доналарини дисқдан тушиш пайтидаги (яъни  $r_i = r$  бўлганда) абсолют тезлиги  $v_a$  куракча бўйича зарраларнинг ҳаракатини кўчирма (айланма)  $v_e$  ва нисбий тезлиги  $v_r$  ларнинг геометрик йиғиндисига тенг бўлади, яъни  $\vec{v}_a = \vec{v}_e + \vec{v}_r$ . Ҳисоблар ва тажрибалар натижасида  $v_r$  тезликнинг сонли қўймати кўчма тезлик  $v_r$  га нисбатан анча кичик эканлиги ва уни абсолют тезлик  $v_a$  га таъсири аҳамиятсиз эканлиги аниқланган. Шунинг учун амалий ҳисобларда зарра куракчадан тахминан  $v_e$  тезликка тенг бўлган абсолют тезлик билан тушади деб қабул қилинади, яъни  $v_a \approx v_e$ .



164-расм. Дискли марказдан қочирма соғычнинг иш жараёнини хисоблашга доир схема.

а - бир маромда айланадиган текис диск бўйича заррапарни ҳаракати; б - тўғри қуракчали айланадиган дискнинг юзаси бўйича ҳаракатланадиган заррага кучлар таъсири; в - айланадиган дискдан тушадиган заррапарни узокка учиш масофаси; 1 - диск; 2 - қуракча.

**Иккинчи босқич** ташланган жисмни горизонтал бўйича йўналган  $\vartheta_a \approx \vartheta_e$  тезликда тусишини ифодалайди. Бунда ҳаракат қиладиган заррага куйидаги кучлар таъсири қиласди: оғирлик кучи  $P=mg$  (164в-расм) ва ҳавонинг қаршилиги  $R_x = mk_a \vartheta_a^2$ , бу ерда  $k_a$  - ўчит донасининг паруслилик коэффициенти. Тахминий ҳисобларда ҳавонинг қаршилиги эътиборга олинмаганда ўғит заррасининг ҳаракати куйидаги параметрик тенгламалар билан аниқланиши мумкин:

$$x = \vartheta_a t; \quad y = gt^2/2. \quad (137)$$

Ҳаракат траекториясини аниқлаш учун иккинчи тенгламани  $t$  га нисбатан сиб  $t = \sqrt{2y/g}$  ни оламиз.  $t$  нинг бу қийматини биринчи тенгламага қўйиб ўғит донасининг ҳаракат траекторияси тенгламаси  $x = \vartheta_a \sqrt{2y/g}$  ни оламиз. Бу тенгламага  $y=H$  қийматни қўйиб зарраи учиш узоклиги аниқланади:

$$x = \ell_x = \vartheta_a \sqrt{2H/g}, \quad (138)$$

бу ерда  $H$  - дискни дала юзасига нисбатан жойлашиши баландлиги.

Ўғитлар дискга узлуксиз тушаётганлиги сабабли турли доналар учун  $r_0$  нинг қиймати турлича бўлади. Бу ва бир қатор бошқа сабабларга кўра ўғит доналари дискдан қандайдир  $A_1A_2$  ёй бўйича тушрилари (164б-расм) ва уларни дала юзасида тақсимланиши бу ёйдан бир тараф траекториялар билан аниқланади. Ҳисоблар ва тажрибалар кўрсатишича бу ёйга марказий бурчак  $\theta=75\ldots150^\circ$  мос келади. Шундай килиб, ўғит

доналарининг дискга тушиш жойини ўзгартириб, агрегатнинг қамраш кенглиги бўйича ўғитларнинг текис тақсимланишини ростлаш мумкин. Икки дискли аппаратлар учун қамраш кенглиги тахминан қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$B_{\text{ши}} \approx 2\omega r \sqrt{2H/g} + A, \quad (139)$$

бу ерда  $A$  - дискларнинг марказлари орасидаги масофа,  $A \approx (2,4 \dots 2,6)r$ .


Амалдаги машиналарда  $2r=0,35 \dots 0,70\text{м}$ ,  $H=0,45 \dots 0,65\text{м}$ , дискларнинг айланishi частотаси  $n_d=400 \dots 600 \text{ мин}^{-1}$ , куракчаларнинг радиусга нисбатан киялик бурчаги  $\Psi=0 \dots \pm 15^\circ$ .

### 3.2-§. Органик ўғитларни сочиш аппаратлари

Органик ўғитларни сочиш аппаратлари куракча ёки парраклар билан таъминланган горизонтал айланishi ўқли ротор, барабан ёки битеерлар кўринишда бажарилади.

**Биринчи босқич** парракни (куракни) умумий ўғит массасидан чиқиши пайтидан бошланаб, зарраларни паррак сирти бўйича тик текислика ҳаракатланиши билан ҳарактерланади. Бунда  $m$  массали (165-расм) ўғит донасига оғирлик кучи  $P=mg$ , марказдан қочирма инерция кучи  $F_u=m\omega^2 r_i$ , инерцияни кориолис кучи  $F_k=2m\omega^2 \dot{r}_i$  ва паррак бўйича ишқаланиш кучи  $F_{mp}=f(mg\cos\omega t+2m\omega^2 \dot{r}_i)$  таъсир киласди.

Ўғит зарраларини узоқка отилиши уларни куракдан чиқишидаги абсолют тезлиги  $\vartheta_a$  ни қиймати ва ўналишига боғлиқ. Олдинги ҳолатдагидек (дискли аппарат учун) куракдан чиқиши пайтида зарранинг абсолют тезлиги  $\vartheta_a$  нисбий тезлик  $\vartheta_e$  ва кўчирма тезлик  $\vartheta_e=\omega r$  ларнинг геометрик йигин-дисидан иборат, яъни  $\bar{v}_a = \bar{\omega}r + \bar{v}_e$ .  $\bar{v}_e \gg v_r$  бўлганлиги учун абсолют тезлик  $\vartheta_a$  кўчирма тезлик  $\vartheta_e$  га тахминан teng  $\vartheta_a \approx \vartheta_e$  ва



165-расм. Горизонтал ўқда айланувчи роторли органик ўғитларни сочиш аппаратларининг иш жараёнини хисоблашга доир схема.

роторнинг (барабаннинг, битернинг) айланиш томонига радиусга тик йўналган.

Ўғитлар узокқа бориб тушиши учун улар парракдан биринчи квадратда чиқиши лозим, яъни  $\omega t < 90^\circ$  да, бу эса ўғит массаси қатламининг  $h$  қалинлигига боғлиқ; катлам қанча қалин бўлса, парракдан ўғитнинг чиқиши  $\omega t$  бурчаги шунча катта бўлади. Турли ўзгарувчан (ишқаланиш кучи, паруслилик ва шунга ўхшаш) омилларнинг таъсири ва, асосан ўғит массасини парракнинг узунлиги бўйича турлича жойлашганлиги туфайли улар ундан бир нуқтада чиқмайди, балки  $A_1 A_2$  ёйга мос келадиган парракни қандайдир  $\theta$  бурчакка бурилиш жараёнида чиқади.

**Иккинчи босқич** горизонтга нисбатан  $\beta$  бурчак остида  $\vartheta \approx \vartheta = \omega r$  тезлиқда улоқтирилган жисмнинг ҳаракатини характерлайди. Ўғит донасининг ҳаракат тенгламаси, ҳавонинг қаршилиги эътиборга олинмаганда,  $A$  нуқтада бошланган координатада параметрик шаклда қўйидаги кўринишда бўлади:  $x = \vartheta_a t \cos \beta$ ;  $y = \vartheta_a t \sin \beta - gt^2/2$ . Агар координаталар боши ердан  $h$  баландликда жойлаштирилса, унда ўғит донасининг ерга тушган пайтдаги координатаси  $y = -h$  бўлади. Демак, ўғит донасининг ҳавода учиш вақти ( $t_n = -h / \vartheta_a \sin \beta - gt^2/2$ ) шартдан аниқланади. Бундан  $t_n = (v_n \sin \beta \pm \sqrt{v_n^2 \sin^2 \beta + 2gh}) / g$ . Вақт манфий бўлиши мумкин эмаслиги учун масаланинг шартини факат илдизнинг биринчи мусбат белгили қиймати қаноатлантиради.  $t_n$  нинг қийматини биринчи параметрик тенгламага қўйиб ўғит заррасининг узокқа учиш масофасини аниқлаймиз

$$l_x = x = \vartheta_a t_n \cos \beta = (\vartheta_a^2 \sin 2\beta) / 2g + (\vartheta_a \cos \beta \sqrt{\vartheta_a^2 \sin \beta + 2gh}) / g. \quad (140)$$

Тенгламадаги илдизнинг қиймати жуда кичик бўлганлиги учун

$$l_x = \frac{\omega^2 r^2 \sin 2\beta}{2g}. \quad (141)$$

Ўғитлар оқими машинанинг орқа деворидан  $l_x$  масофада тушиши лозимлигини ҳисобга олган ҳолда барабаннинг изланган бурчак тезлигини кейинги ифодадан аниқлаймиз

$$\omega = \frac{1}{r} \sqrt{\frac{2l_x g}{\sin 2\beta}}. \quad (142)$$

Сочиш аппаратининг нормал ишини таъминлаш учун  $q_{tp} \leq q_{pot}$ , бу ерда  $q_{tp}$  ва  $q_{pot}$  - мос ҳолда транспортёр ва роторнинг меҳнат унумдорлиги. (133) ифодани ҳисобга олган ҳолда

$$u_{tp} b H \leq v_a h, \quad (143)$$

бу ерда *ва h – мос ҳолда ротор* (*барабан*) *кураги билан массани қамраб олиши кенглиги ва баландлиги.*

(143) формула роторли органик ўғит сочгичларнинг тартиб ва конструктив параметрларини ўзаро боғлайди.

Органик ўғит сочиш машиналарида икки турдаги сочувчи курилмалар қўлланилади: айланиш ўқи машинанинг ҳаракат йўналишига параллел; айланиш ўқи ҳаракат йўналишига тик. Биринчи ҳолатда асосий ишчи орган бўлади: уюмдан сочганда ротор, прицеп кузовидан сочилганда - барабан. Ротор, одатда, тўрт парракли, диаметри 700-1200 мм бўлиб, 320...500 мин<sup>-1</sup> частота билан айланади, барабанинг айланишлар частотаси 500 мин<sup>-1</sup>, ўғитларни узоққа тушиш масофаси 12 м гача. Иккинчи ҳолда ишчи орган сифатида кураклари винтсимон чизик бўйича жойлаштирилган қувурдан ташкил топган битер фойдаланилади. Кураклар, одатда, айланиш ўқига 45° ва 135° бурчак остида тўрт қаторда жойлаштириллади. Бу ўғитларни ўнг ва чапга сочишни таъминлайди. Битернинг диаметри 300 мм, узунилиги  $L=1,6\ldots1,8$  м, қамраш кенглиги  $B=(2\ldots3)L$ .

#### 4-§. Ўғитлаш машиналарининг конструкцияларини ривожланиш истиқболлари

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқиришини жадаллаштиришни сифат жиҳатидан замон талабларига жавоб берадиган стратегияси табиий ресурслардан, ўсимликларнинг потенциалидан ҳамда техноген омиллардан дифференциациялашган фойдаланишга асосланади. Келажакда ҳар бир дала чегарасида тупрок ҳосилдорлигини хилма - хиллигини ҳисобга олган ҳолда «тупрок-ўсимлик» тизимига дифференциациялашган таъсир қилиш ишончли позиционлаштирилган тизимда мақбул компьютерлаштирилган технологиялар асосида амалга оширилади.

Позиционлаштирилган тизимда ўғитларнинг дифференциациялашган технологияси кўйидаги учта асосий омилга таянади: тупрок намунасини координат танлаб олиш асосида ҳар бир дала элементар қисмининг ҳосилдорлиги, экинни йиғиб олиш найтидаги ҳосилдорлигини баҳолаш ва тупроқнинг оператив диагностикаси бўйича маълумотларнинг шаклланган банкини компьютерлаштирилган дастурига; ўғитларнинг тупроқда ҳар хил тақсимланишини ва жоиз тахминлар ва чекланишлар билан режалаштирилган ҳосилдорликка эришиш учун бошқа маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ўғитларни дифференциациялашган қўллаш режасига; ўғитларни оптималь қўллаш дастурига асосан уларни

дифференциациялашган тупрекқа солишин таъминлайдиган юқори даражада мослашган компьютерлаштирилган технология ва техник воситаларга. Ўғитлар ва мелиорантларни қўллашнинг дифференциациялашган юқори технологияларини тадбик қилиш учун куйидаги машиналар ишлаб чиқилади:

- программалаштирилган хоссали органоминерал ўғитларни тайёрлаш агрегатлари ва уларни тупрекқа локал солиш машиналари;
- қаттиқ минерал ўғитларни дифференциациялаб солиш машиналари;
- суюқ органоминерал ўғитларни дифференциациялаб солиш машиналари;
- экиш билан бирга минерал ўғитларни асосий микдорини тупрекқа локал тасмали дифференциациялаб солиш учун комбинациялашган машиналар;
- кукунсимон ўғитларни дифференциациялаб сепиш учун штангали машиналар ва ҳоказо.

Органик ва минерал ўғитларни сепиш машиналари учун автоматик бошқариладиган юқори савияда мослашадиган қадоқлаш ва тақсимлаш ишчи органлари яратилади. Органик ўғитларни сепиш машиналарининг қадоқлаш курилмалари ўғитларни 17...130 кг оралиқда, минерал ўғитларни эса 0,5...3 кг оралиқда узатишини таъминлашлари керак.

### *Таянч изборалар*

Тарелка, диск, ўғит қатлами, зарра, ишқаланиш коеффициенти, эркин тушиш тезланиши, ўғитнинг ҳажмий массаси, абсолют тезлик, нисбий тезлик, қамрапш кенглиги, ўғитлаш нормаси, туширгич, пассив, фаол, ишқаланиш кучи, кориолис кучи, транспортёр, бир сонияда узатиладиган ўғит микдори, транспортёр тезлиги, курак, барабан, ротор, битер, иаррак, паруслилик, ўғитни узокка учиш масофаси.

### *Назорат саволлари*

1. Тарелкасимон экиш аппарати билан сепиладиган ўғитнинг микдори нимага боғлиқ? 2. Горизонтал текисликда айланадиган дискда турган ўғит донасига қандай кучлар таъсир қиласи? 3. Тарелкасимон (дискли) аппаратларнинг тарелкасидан (дискидан) ўғит зарраларини ўз-ўзидан тушиб кетмаслиги учун қандай шарт бажарилиши керак? 4. Ўғит зарраларини туширгич бўйича ҳаракатланиш шарти қандай? 5. Чап ва ўнг туширгичлар билан бир хил ҳажмдаги ўғитларни тушириш шарти қандай? 6. Трансиортёрнинг тезлиги у билан ўғитни узатишга қандай таъсир кўрсатади? 7. Минерал ўғитларни сочиш курилмаларида энг кичик айланиш тезлиги қандай аниқланади? 8. Икки дискли минерал

ўғит сочиш аппаратининг камраш кенглиги қандай ҳисобланади? 9.  
Органик ўғит сочиш аппарати иш жараёнида ўғит донасида қандай  
кушлар таъсир килади? 10. Роторли аппарат билан ўғит  
узоққа отиш масофаси қандай аникланади? 11. Минерал үтигларни  
узокка учиши қандай аникланади? 12. Ўғитлаш аппараттари  
конструкцияларининг ривожланиш истиқболларини айтинг.

## Тұртىнчи бүлім

### ҮСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАШИНАЛАРИ

#### 1 - Б О Б УМУМИЙ МАТЬЛУМОТЛАР

##### 1-§. Үсимликларни ҳимоялаш усуулари

Үсимликларни ҳимоялаш усууларини бир нечта тоифаларга ажратиш мүмкін: кимёвий, биологик, агротехник, механик ыа биофизик.

**Кимёвий усул** - бегона ўтлар, касаллик құзғатувчи микроб ва үсимликлар касалликларига қарши курашда ҳар хил кимёвий дорилар – захарлы маҳсулотлардан фойдаланиш.

**Биологик усул** - зараркунандалар, бегона ўтлар, касаллик құзғатувчи микроб ва бактерияларга қарши курашда уларнинг табиий душманлари (текинхүрлар, йирткічлар, микроорганизмлар), ҳамда ҳар хил замбуруглар ва бактериялардан ажralадиган моддалардан (антибиотиклар) фойдаланиш.

**Агротехник усул** - деҳқончылык маданиятини күтәрадиган ва фойдали үсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит, зараркунандалар, касаллик құзғатувчилар ва бегона ўтлар учун нокулай шароитлар яратадиган агротехник талабларнинг (алмаш slab әкиш, тупрекқа ишлов беріш, қулай муддатларда әкиш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навларни танлаш ва бошқа) мажмуаси.

**Механик усул** - зараркунандаларни жойдан-жойга күчишига қаршилик күрсатадиган ҳар-хил түсіклардан (арықлар ва бошқа) ёки уларнинг бевосита қириб таштайдиган курилмалардан (қопқонлар, тузоқлар ва бошқа) фойдаланиш.

**Биофизик усул** - үсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши ультратовуш, юқори частотали токлар, радиактив моддалар, ионлаштирадиган нурлар, кичик түсқин оралиғидаги радио тұлқынлар ва бошқалардан фойдаланиш.

Кимёвий усул барча бошқа усууларга нисбатан универсал, юқори унумли ва самарали бүлгани учун энг күп құлланилади. Аммо кимёвий воситаларни етарли даражада асоссиз құллаш фақаттгина күтилган самарани бермай қолмастан, балки бир катор салбий оқибатларга ҳам олиб келиши үсимликларни ҳимоялашнинг жағон амалиётидан

малум. Шунинг учун ҳимоялашнинг бир усулидан фойдаланишни назарда тутмасдан, профилактик ва қирғин қилувчи таџбирлар мажмuinи кўллаш лозим.

## 2-§. Заҳарли дорилар ва уларни қўллаш усуллари

*Заҳарли дорилар тўйгрисида умумий маълумот.* Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун қўлланиладиган барча заҳарли дорилар пестицидлар (лотинча pestis-зааркунанда, saedo-ўлдириш), яъни зааркунандаларни ўлдирувчилар деб умумий ном олган. Бегона ўтларга қарши кураш учун мўлжалланган препаратлар гербицидлар (herba-ўт), замбуруғ организмлар чиқаридиган касалликларга қарши препаратлар функицидлар (fungus-замбуруғ), бактериал касалликлар билан кураш учун қўлланиладиган преиаратлар бактерицидлар деб аталади. Гербицидларга ўзининг хусусиятлари бўйича энг яқин моддалар: арборицидлар - дараҳтсизон ўсимликларни йўқотадиган моддалар; десикантлар – ўсимликни илдизигача қуритадиган модда; дефолиантлар – ўсимликларни қуритиш ва уларнинг баргларни туширишини тезлаштирадиган моддалар.

Заарли организмларни кириш учун мўлжалланган пестицидлардан ташқари қўрқитадиган (репеллентлар) ёки ўзига жалб этадиган (аттрактантлар) кимёвий моддалар қўлланилади.

Заарли организмлар ва бегона ўтларга қарши қўлланиладиган қўпчилик заҳарли дорилар инсон учун ҳам хафвли. Улар тери, оғиз ва нафас йўллари орқали организмга тушиб одамни оғир заҳарланишга ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Баъзи бир дорилар, бундан ташқари ёнувчан ҳам бўлади. Шунинг учун заҳарли дорилар билан ишлаганда уларни яхши ўрганиш ва маҳсус ҳавфсизлик техникаси ва ёнгинга қарши ҳавфсизлик қоидаларига катъий риоя килмоқ лозим.

Касаллик ёки зааркунандани тарқалиш жойи, ўсимликларни ҳаёти ва ривожланиш фазасига боғлиқ равиша ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилишининг қўйидаги усуллари қўлланилади: пуркаш, чанглатиш, аэрозоллар билан ишлов бериш, фумигация, уруғларни дорилаш, заҳарланган хўракларни сочиш, хемотерапия.

Пуркаш - кимёвий дориларни томчи - суюқ ҳолатда ўсимликларга, ҳашоратларни танасига ва бошқа юзаларга сепиш. Ишчи суюқликни сарф микдорига боғлиқ равиша юқори ҳажмли ёки оддий, кичик ҳажмли ва ултра кичик ҳажмли пуркашга ажратилади. Оддий пуркаш учун эритмалар эмульсиялар ва суспензиялар қўлланилади. Заарли организмларни юқотиш учун бир гектар майдонга кўпинча бир неча

грамм, баъзида эса бир неча миллиграмм заҳарли дори талаб қилинади. Амалда бундай миқдордаги заҳарни ўз ҳолатида дала бўйича текис тақсимлашни иложи йўқ. Шунинг учун заҳарли моддага ҳар хил қўшимчалар ва эриттичлар (сув, минерал мой ва бошқа) кўшилади. Эмульсия ва суспензияларни барқарорлигини ошириш учун улар таркибига ёрдамчи моддалар - эмульгатор ва стабилизаторлар киритилади. Пуркаш учун кўлланиладиган суюқликни заарли органэмзларга таъсири самараси юқори бўлиши учун ишлов берадиган юзаларни яхши хўллаши ва уларда яхши тарқалиши керак, яхши ёпишқоқлик ва юзага ушланиб қолиш қобилитига эга бўлиши керак. Бу хусусиятларни яхшилаш учун суюқлик таркибига ҳар хил ивitiш, тарқатгич маҳкамлагичлар (ҳар хил ёглар, мойлар, совун, сульфид ишқорли сув ва бошқа) киритилади. Бундай мураккаб кимёвий моддаларни хўлланаладиган порошоклар ва эмульсияларнинг концентрати кўринишида саноат тайёрлайди. Суспензия ва эмульсияларни тайёрлаш жараёнида уларни керакли миқдордаги сув билан араштирилади. Бунда бир гектарга (ишлов бериладиган ўсимлик турига боялини равишда) 400 дан 2000 л гача сув сарфланади.

Шунинг учун кичик ҳажмдаги (майда томчилаб) пуркаш эътиборга молик. Кичик ҳажмли пуркашда белгиланган миқдордаги заҳарли модда кичик ҳажмдаги суюқликда тарқатилиб, кичик ўлчамга эга бўлган томчилар ҳосил қилинади.

Бунинг натижасида заҳарли модданинг белгиланган сарфи миқдорида бир бирлик юзага сув сарфи бир неча марта камайди, заҳарли дори эса тўлиқ парчаланиши натижасида ишлов берадиган юзага текис тақсимланади.

Ультракичик ҳажмли пуркаш – сув қўшилмаган пестицидларнинг суюқ концентрациясини оз миқдорда пуркаш жуда катта афзаликларга эга. Бундай пуркаш учун таркибида 20 дан 70% гача таъсирчан модда бўлган маҳсус парчаланмайдиган техник моддалар ва уларнинг концентратлари кўлланилади. Бунда ишчи суюқликни тайёрлаш жараёнига эҳтиёж қолмайди, пуркаш технологиясини амалга ошириш соддалашади, 10....100 марта гача ишчи суюқликни сарфи камайиши натижасида пуркагичларнинг унумдорлиги ошади, машиналарнинг материал сигими камайди, модданинг таъсир вакти ва ёмғир билан ювилишига мустаҳкамлиги ошади, шунинг билан бирга миқдорлаш, пуркаш ва бошқалар бўйича бир қатор муамолар юзага келади.

Чанглатиш – ўсимликлар, ҳашоратлар танаси ва бошқа ишлов бериладиган юзаларга кимёвий моддаларни кукунсимон ҳолатда сепиши.

Чанглатиша тұлдырувчилар сифатида нейтрал қуқунлар қўлланилади: топык, талькни каолин ёки бўр билан қоришмаси, йўл тупроғи, оҳак ва боника.

Лауродинамик хусусиятлари ишлов бериладиган юзаларга чиншиқоқлиги ва ушлаб қолишини яхшилаш учун чангсимон дорилар диагностикацияланади, яъни улар таркибига 3..5% миқдоридаги бонификаторлар – минерал мойлар киритилади.

Чанглатиш жараёни нуркашга нисбатан содда ва унумдорлиги каттаидир. Бирок чанглатиш сифатига шамол ва ҳаво оқимлари катта миқдорда салбий таъсир кўрсатади. Заҳарли модда сарфи чанглатиша нуркашга нисбатан бир неча марта катта.

Аэрозоллар билан ишлов бериш - заҳарли дөрининг ҳавода ҳосил чиншиған қаттиқ (тутунлар) ёки суюқ (туман) майда заррачалари (аэрозоллар) билан ишлов бериш. Тутун ва туманлар иморатларнинг тиркимиштаги, дараҳт шоҳлари орасига осон киради ва ишлов бериладиган ютига текис тарқалади. Бунинг натижасида пестицидларни ширкеткундандаларга токсик таъсири анча кўчаяди. Аэрозол билан ишлов берини нуркашга нисбатан заҳарли модда сарфини бир неча 10 марта симптириради, унумдорликни анча оширади ва иш сифатини яхшилади. Аэрозоллар факат ердаги заҳарли ҳашоратларни эмас, балки ҳашоратларни ҳам йўқотади. Аммо аэрозолларни дала шароитида кўлниң қийинрок, чунки уларнинг бошқариш оғир ва ҳаво оқимлари ниссирида ён томонларга ва юқорига осон тарқалиб кетади.

**Фумигация** - чекланган жойни бугсимон ёки газсимон ҳолатдаги шахарни дори билан бойитиши. Буғлар ва газларнинг кенгайиши ва упарии кириш қийин бўлган жойларга сингиб кетиш қобилияти бу усунида омборлар деворлари ёриклирида, тупроқда ва бошқа жойларда ғойнашиган заарли организмларни йўқотиш учун қўллашта имкон беради.

Уругларни дорилаш – уругларнинг (дон, чигит, туганак ва бошқа) ютиши ёки тўқимаси ичида турган замбуруғ ва бактерияга оид касаллик чишиттувчиларни йўқотиш учун уларга заҳарли дорилар билан ишлов берини. Уругларни дорилашнинг уч усули мавжуд: куруқ, ярим куруқ (намланиш билан) ва ҳўл (нам).

Куруқ дорилашда уруглар кукунсимон заҳарли дорилар билан арилантирилади, натижада уруг ёки туганакларнинг юзаси дөрининг ютиқи шеёнкаси билан қопланади.

Ярим куруқ дорилашда уруглар формалиннинг 0,5 фоизли коринимаси билан намланиб, бир неча соат ушлаб турилади, сўнгра формалиннинг буғларини кетказиш учун шамоллантирилади.

Хўл дорилашда уруглар паст концентрасияли формалин коришмасида (300 қисм сувга бир қисм 40% ли формалин) намланади. Уруглар дори коришмасида яхши намланади, димланади ва сўнгра намликкача қуритилади.

Куруқ дорилаш экишдан 2...6 соат олдин, ярим қуруқ – бир неча кун олдин, хўл дорилаш эса экиш олдидан бажарилади.

Заҳарланган емни ташлаш кемурувчилар ва зарарли ҳашоратларни йўқотиш учун кўлланилади. Бунда заҳарли дори билан тўйинтирилган емиш модда зараркунандалар жойлашган маконга ташланади.

**Хемотерапия** – ўсимлик учун заарсиз, аммо зараркунандалар ва касаллик қўзгатувчилар учун зарарли бўлган кимёвий дориларни ўсимлик танасига киритиш. Уларни ўсимликка ҳар хил йўллар билан киритилади: хемотерапевтик моддалар коришмаси ёки суспензиясида упалаш ёки уругларни ивитиш, уларни пуркаш ёки чанглатиш билан барглар ва пояларга суртиш, тупроққа дориларни донадор ёки кукунсимон ҳолатда солиш, босим остида ўсимлик танасига ёки поясига дори юбориш.

### 3-§. Агротехник талаблар

Ўсимликларни ҳимоя қилиш машиналарининг иш сифати учта асосий кўрсаттич бўйича аниқланади: пестицидни миқдори ва концентрацияси бўйича белгиланган сарф миқдорига риоя қилиш; парчалаш дисперслиги; ишлов бериш объектларини пестицид билан текис қоплаш.

Экинларга заҳарли моддалар билан ишлов бериш айрим ҳудудлар учун тавсияномаларга мос ҳолда қисқа агротехник муддатларда ўтказилиши керак.

Ишчи суюклик таркиби бўйича бир хил бўлиши, унинг концентрациясини хисобдагидан четлашиши  $\pm 5\%$  дан ошмаслиги керак. Заҳарлашда машиналар уругларни шикастмастлиги лозим. Уругларни механик шикастланиши рухсат этилмайди. Уругларни пестицидлар билан текис қоплаш керак. Заҳарли моддани сарфланиш миқдорини топшириқдагидан фарқи  $\pm 3\%$  дан катта бўлмаслиги керак.

Пуркашда ва чанглатишда машиналар пестицидни дала юзаси бўйича кўрсатилган миқдорда текис таксимлаши лозим. Ишчи суюкликни таксимлашни нотекислиги қамраш кенглиги бўйича 30% гача, даланинг узунилиги бўйича 25% гача рухсат этилади. Ҳакикий миқдорни топшириқдагидан рухсат этилган четлашиши пуркашда  $\pm 15\%$ , чанглатишда  $+15\%$  ва  $-20\%$ . Айрим учликлар орқали суюклик сарфини четлашиши  $\pm 15\%$  дан катта бўлмаслиги керак.

Шамол тезлигининг қуидаги қийматларыда әкінларға зақарлы мода билан ишлов бериш рухсат этилади: пуркашда 5 км/с гача; чанглашда 3 м/с гача. Бунда ҳаво ҳарорати 23° дан юқори бўлмаслиги керак.

Парчалашни дисперслиги (томчилар ўлчами) рухсат этилади: оддий пуркашда – 150...300 мкм, кичик ҳажмлида – 50...200, ультраҳажмлида 10 мкм; баргни юқори ва пастки томонини қоплаш даражасининг писбати – 1,5...1.

Әкінларга кутилаётган ёғинлардан олдин ёки ёмғир пайтида ишлов бериш тавсия этилмайди. Гуллаш даврида ўсимликларга зақарлы моддалар сепилмайди.

#### **4-§. Зақарли модда заррачалари ўлчамининг ишлов бериш самарасига таъсири**

Ҳар хил турдаги пуркагич ва аэрозол генераторлар ишчи суюқликни ҳар хил даражадаги майда заррачаларга парчалайди. Оддий (юқори ҳажмли, йирик томчили) пуркашда томчилар ўлчами 250 мкм дан катта, оддий ҳажмлида (майда томчили) - 250 дан 100 мкм гача; ультракирик ҳажмлида 100 дан 20 мкм гача. Аэрозол генераторлар ҳар хил даражадаги майда заррачали (ҳар хил дисперсиядаги) туман ҳосил қилишга имкон беради: паст даражадаги майда заррачали ёки сийрак туман - томчилар ўлчами 25-10 мкм; ўрта даражадаги майда заррачали туман - томчилар ўлчами 5-25 мкм; юқори даражадаги майда заррачали ёки куюқ туман - томчилар ўлчами 0.5-5 мкм.

Бир хил дорининг ҳар хил ўлчамдаги заррачалари ҳар хил заҳарлаш таъсирига эга. Заррачалар қанча юқори даражада майдаланган бўлса, заҳарланиш шунча кучлироқ бўлади. Йирик томчилар зарарли органдзимлар учун анча кичик заҳарлиликга эга, бироқ баргларни куйдириб, маданий ўсимликларни шикастлантириши мумкин. Кичик заррачалар ишлов берадиган юзани тўликроқ ва текис қоплайди, улар ўсимликларнинг баргларини юзасида яхши ушланиб туради, ёмғир билан ювилишга мустаҳкамлиги юқори.

Заррачалар ўлчамини зақарли модданинг нобудгарчилигига таъсири уни машинадан ишлов бериш объектига етказиш усулига боғлиқ. Турбалент оқим ёрдамида зақарли дориларни ўсимликка мажбурий етказиш нринцинида ишлайдиган машиналар энг кам нобудгарчиликка йўл қўяди, бунда заррача қанча кичик бўлса, шунча нобудгарчилик кам бўлади.

## 5-§. Машиналар иш жараёнининг умумий схемаси

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун мобил машиналарнинг хилманилигига қарамай, уларнинг барчаси ягона принципиал схема асосида бажарилган бўлиб, куйидаги асосий технологик операцияларни кетматек бажарилишини тақоза этади: заҳарли кимёвий моддани меъёрлаш, уни майдга заррачаларга парчалаш ва ишлов бериш объектига узатиш. Бунда меъёрлаш қурилмаси бир бирлик ишлов бериладиган юзага заҳарли кимёвий модданинг белгиланган сарфини (сепиш микдорини) таъминлаши ва иш жараёнидаги уни бир хил саклаши, нуркаш қурилмалари эса заҳарли моддани ишлов бериш объекти юзаси бўйича текис тақсимлаши лозим.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун мобил машиналарнинг иш жараёни куйидагида кечади. Агрегат иш ҳолатида ҳаракат қилганда сигимда (резервуарда, бункерда) жойлашган заҳарли модда (ишчи суюқлик, концентрат, кукун) таъминловчи қурилма ёрдамида (насос ёки таъминлагич) пуркагич қурилмага узатилади. Пуркагич заҳарли модда майдга заррачаларни (томчилар, чант заррачалари) ҳаво оқими ёки заррачаларга берилган кинематик энергия ёрдамида ишлов бериш объектига (даражат, ўсимлик ва бошқа) етказади. Шундай қилиб, ўсимликларни ҳимоя қилишга мўлжалланган мобил машиналар вазифаси бўйича бир хил, аммо тузилиши бўйича ҳар хил бўлган бир қатор конструктив элементларга эга. Улардан асосийлари: заҳарли модда учун сигимлар, насослар ва таъминлагичлар, пуркаш қурилмалари.

### *Таянч иборалар*

Аэрозол, гербицид, десикант, заррача, заҳарли модда, ишчи суюқлик, кукун, пуркаш, суспензия, турбалент оқим, томчи, туман, ультра ҳажмли, пестицид, хемотерапия, фумегатор, фумегация, чангаш, чанглатгич, эмульсия.

### *Назорат саволлари*

1. Ўсимликларни ҳимоя қилиш усуулларини айтинг? 2. Ўсимликлар зараркунандалари ва касалликларига қарши қурашиш учун қандай машиналар кўлланилади?
3. Ўсимликларни ҳимоя қилиши учун қандай заҳарли моддалар кўлланилади?
4. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш машиналарига қандай агротехник талаблар кўйилади?
5. Ўсимликларни ҳимоя қилиш машиналарининг иш жараёни қандай кечади?

## **2-БОБ**

# **ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАШИНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ**


### **1-§. Сигимлар, аралаштиргичлар, эжекторлар**

Пуркагичларнинг резервуарлари ёки баклари, одатда, кўндаланг кесими доира ёки эллипс кўринишидаги горизонтал цилиндр, кўпинча четлари думалоқланган тўғри бурчакли параллелепипед шаклида бўлади. Уларнинг олдинги ва орқа деворлари текис сфериксимон бўлиши мумкин.

Бакларнинг сифимилиги пуркагичнинг тури ва унинг унумдорлигига боғлиқ. Бакдаги ишчи суюқликнинг заҳираси машинанинг ярим сменадан бир сменагача иш жараёнини таъминлаши лозим. Оддий пуркагичларнинг баклари полиэтилен, шишали пластик материал ёки заҳарли моддалар таъсирида емирилишдан сақлаш учун ички томонидан зангларга қарши лак ёки эмаль билан қопланган пўлат тунукадан, ультраҳажмли пургагичларнинг баклари эса зангламайдиган пўлат ёки пластикадан тайёрланади. Резервуарнинг юкори қисмida фильтрли бўғиз, пастги қисмida тўкиш тиқинли тиндиригич ўрнатилади. Баклар, одатда пукакли сатҳ ўлчагич билан жиҳозланади.

Эжекторлар оддий пуркагичлар бакларига ишчи суюқлик куйиш учун ишлатилади. Икки турдаги эжекторлар қўлланилади: суюқлик воситасида иштайдиган - суюқлик оқимли ва газ оқимли. Суюқлик оқимли эжекторлар гидравлик аралаштиргич сифатида ҳам қўлланилади. Эжекторларнинг таъсири юкори тезликдаги газ ёки сув оқими ҳосил қиласидиган сийраклашишдан фойдаланишга асосланган. Сув оқимли эжекторда (166-расем) кувур 2 бўйича ҳайдалган суюқлик найча 3 дан катта тезликда чиқади ва камера 4 да сийраклашиш ҳосил қиласи. Натижада суюқлик сақланиш жойидан кувур 1 бўйича сурилади ва найча 3 дан чиқсан суюқлик билан аралашиб диффузор б орқали кувур 7 га келади. Суюқлик оқимли эжектор резервуардаги ишчи суюқликка туширилади, штангнинг юкори учи эса бакнинг оғзига қўйилади. Эжектор нуркагичнинг насосидан ишлайди, шунинг учун бакга суюқлик куйишдан олдин унда маълум микдорда суюқлик бўлиши керак. Газ оқимли эжектор тракторнинг чиқариш қувурида ўрнатилади. Унинг ёрдамида пуркагичнинг бакида ҳаво сийраклаштирилади ва натижада бак ишчи суюқлик билан куйиш сифимидан тўлдирилади.

Резервуар түлганды пүкак туридаги клапан эжекторнинг сурувчи кувурини ёпиб, захарлы дорини эжекторга туширишга йүл күймайды. Эжекторларнинг фойдали иш коэффициенти катта эмас, аммо тузилишини оддийлиги ва айланувчи қисмларнинг йўклиги уларнинг авзалигидир.




**166-расм. Сув оқимли эжекторнинг схемаси.**  
1 - сўриш кувури; 2 - босим кувури; 3 - конус найча; 4 - аралаштириш камераси; 5 - бўғиз; 6 - диффузор; 7 - ишчи кувур.

Пуркачларнинг аралаштиргичлари резервуардан ишчи суюқликни аралаштирали ва ўсимликларга бир хил таркибдаги дорини сепилишига имкон яратади. Пневматик, гидравлик ва механик аралаштиргичлар кўлланилади.

Пневматик ва гидравлик аралаштиргичларда резервуар тубида жойлаштан учлик ёки конус найчадан чиқадиган ҳаво ёки гидравлик оқимнинг энергиясидан фойдаланилади.

Механик аралаштирилчлар паррак, винтлар ва бошқа мосламалар турида бўлиб, резервуарда суюқлик оқимларини ҳосил қиласди. Куракли ва пропеллерли (винтли) механик аралаштиргичлар (167 $a, b$ -расм) кўпроқ кўлланилади. Кураклилар нисбатан катта ўлчамли. Кичик ўлчамли пропеллерли аралаштиргичлар суюқликни нисбатан доимий турғун циркуляциясини таъминлаб уни яхши аралаштиради. Куракли аралаштиргичларнинг айланиш частотаси  $3,4 \text{ c}^{-1}$  дан ошмайди. Кураклиларнинг кураги учи бўйича чизиқли тезлик  $2,5 \text{ m/s}$  дан катта бўлганда ишчи суюқликда кўпик ҳосил бўлиши мумкин.

Гидравлик аралаштиргичлар (167 $c$ -расм) тузилиши бўйича оддий бўлиб, уларни иши ишончли. Резервуарга узатиладиган суюқлик кувурнинг найчаси оркали келади ва етарли даражада ишчи суюқликни аралаштиради. Бу турдаги аралаштиргичларнинг афзаллиги – уларда механик узатманинг йўклигидир. Гидравлик аралаштиргичлар билан ишчи суюқликни резервуарларда ҳам тайёрласа бўлади.



167-расм. Пуркагичларнинг аралаштиргичлари.

а – куракли; б – пропеллерли (парракли); в – гидравлик.

**Чанглаткич бункерлари** иккита геометрик шаклнинг биринчиси кўринишида тайёрланади: юқори қисми - параллелипипед, пасти - учбурчак призма ёки юқори қисми - тик цилиндр, пасти - тўнтарилган кесик конус. Юқори қисмидан копкоқ билан ёпилган оғиз жойлашган, пастида - таъминлагич. Чанглатгичлар бункерларининг ҳажми  $160 \text{ дм}^3$  гача.

Юмшатгичлар бармоқлар ёки куракчалар ўрнатилган горизонтал ва тик ўқ кўринишида бўлиб (168-расм), улар чанглатгичларда гумбаз ҳосил бўлиши туфайли кукун узатишнинг бузилишини олдини олиш учун қўлланилади.


Баъзи бир чанглатгичларда юмшатгичлар таъминлагич вазифасини ҳам ўтайди. У конус кўринишида қилинган бўлиб (168в-расм), вертикал ўққа беркитилган ўзгарувчан диаметрли иккита спирал ўрамидан иборат. Ранецили – сўмкали чанглатгичлардаги юмшатгич кукунни юмшатади ва уни қўзгалмас панжарадан (дискдан) эзиз ўтказади.

## 2-§. Насослар ва таъминлагичлар

Пуркагичларнинг насослари ишчи суюқликни учликларга узатиш, уни парчалаш учун зарур бўлган босимни ҳосил қилиш ва суюқликка маълум тезлик бериш учун хизмат қиласи. Пуркагичларда гидравлик ва пневматик насослар қўлланилади.

**Пневматик насослар** ҳавони ишчи суюқликли герметик резервуарга ҳайдайди. Қисилган ҳаво босими таъсирида суюқлик резервуардан сиқиб чиқарилади ва парчалайдиган қурилмага юборилади. Бу насосларнинг афзаллиги шундан иборатки, уларнинг деталлари ишчи суюқликка

тегмайди. Аммо резервуардаги юқори босим унинг деворлари қалинлигини катталашибшигда мажбур қиласи, бу эса конструкцияни оғирлашибширади ва техника хавфсизлиги бўйича юқори талабларга олиб келади. Шунинг учун пневматик насослар асосан ранец (қўл) пуркагичларида қўлманилади.




168-расм. Чанглатгичларнинг юшатгичлари ва таъминлаш механизмлари.

*a* ва *b* – куракли; *c* – тарелкали; *d* – дискли; *e* – пневматик; *f* – текис эзгичли; *g* – юшатгич; *h* – шнек; *i* – фалтак; *j* – қопқоқ; *k* – кўзгалувчан диск; *l* – тарелка; *m* – кирғич; *n* – диск; *o* – диффузор;

*Гидравлик насослар* энг кўп тарқалган бўлиб, улар диафрагмали, поршенли, плунжерли, шестерняли, марказдан қочирма, гирдобли, роликли ва бошқа турдагиларга бўлинади.

*Диафрагмали насослар* (169-расм) босими 0.5 МПА гача бўлган қўл пуркагичларида қўлланилади. Бу насос конструкцияси бўйича оддий ва фойдаланишга ишончли.



**169 – расм. Диафрагмали насоснинг схемаси.**

1 – резервуар; 2 – ҳаво клапани; 3 – ҳайдаш клапани; 4 – сўриш клапани; 5 – насос корпуси; 6 – диафрагма; 7 – шатун; 8 – чиқиш патрубкаси; 9 – кран.


*Поршенли насослар* юкори босимли пуркагичларда (2,5...3 МПА) қўлланилади. Асосан уч поршенли насослар кенг тарқалган. Бундай насос тирсакли валдан ҳаракатга келтириладиган учта цилиндр ва учта поршнендан иборат. Тирсакли валнинг қўшни тирсаклари бир-бирига нисбатан  $120^{\circ}$  бурчак остида жойлашган. Тирсакларни бундай жойлашиши суюқлик ҳайдаладиган асосий тармоқдаги босимни текис бўлишини таъминлайди.

*Плунжерли насослар* пуркагичларда энг кўп тарқалган. Уларни поршенли насослардан жиддий фарки йўқ: чўзик поршень плунжер деб аталади, унинг ишчи узунлиги диаметридан анча катта. Плунжерли насосларда поршнеллардан фаркли ўлароқ плунжер юзаси билан цилиндр девори орасидаги тифизлилик канопдан ёки пахта ипидан

Қилингандын сальник тиқма ёки сальниксімөн ҳалқалар күйиш орқали амалға ошириләди. Бир, иккі ва уч плунжерли насослар күлланилады.

Поршениниң заңынан насослар ҳайдаш тармоғыда анча юкори босим - 2,5...3 МПА ҳосил қиласы.

**Марказдан қочирма ва гирдоблы насослар** (170-расм) асосан нисбатан кичик босимда юкори тезлик талаб килинады да вентиляторлы да авиация пуркаги чларда күлланилады. Чунки бундай насосларнинг иши



170 – расм. Гирдоблы насос.  
1 – ротор; 2 – корпус; 3, 4 –  
сурувчи ва босим каналлари.

қочирмага нисбатан 3-5 марта күп босим ҳосил қиласы. Гирдоблы насоснинг афзаллігі – тузилишини оддийлігі; камчилігі – фойдалылығынан жаңа түрліліктердегі кеңінен пайдаланылады.

**Шестернялы насослар** катта ўлчамга эга әмас. Улар ишчи суюқликни катта босим талаб қилинмаган машиналарда күлланилады.

**Чанглатгичларнинг таъминлагичлари** маълум миқдордаги кукунсімөн заһарлы моддани вентиляторга узатыш учун хизмат қиласы, яъни бир вактда таъминлагич ва қадоқлагичларнинг вазифасини бажарады. Таъминлагич аралаштиргич (юмшатгич), узатувчи ва қадоқловчи курилмадан иборат.

Узатувчи курилмалар эзгичи шнекнинг ўртасида ва четида жойлашган шнек-куракли, тик-шнекли, текис эзгичли, радиаль эзгичли, тарелкали, дискини да пневматикларга бўлинади (168-расм). Асосан шнек-куракли узатыш курилмалари күлланилади. Қадоқлагич вазифасини бункер тубидаги тешикни ёпайдиган копқоқ бажаради.

Шнек-куракли таъминлагич (168 $a, b$ -расм) аралаштиргич 2, заҳарли моддани қадоқлаш тирқишига узатувчи шнек 3 ва уни қадоқловчи орқали туширадиган куракли эзгич 4 дан иборат. Шнек битга тўлик ўрам ёки чап ва ўнг йўналиши иккита ўрамга эга бўлиши мумкин. Заҳарли моддани узатиш қопқоқ 5 билан созланади. Баъзан шнекнинг айланиш частотаси 45...60 мин<sup>-1</sup> оралиқда ўрнатилади. Бундай турдаги таъминлагичлар заҳарли моддани кўпроқ зичлайди ва ифлосланган, туриб қолган ва ўта нам препаратларда меҳнат унумдорлиги паст. Валининг айланиш частотаси (300...500 мин<sup>-1</sup>) юқори бўлган шнек-куракли таъминлагич бундай камчиликлардан холис. Бундай таъминлагичнинг шнеки ўрамларида узилишлар бор.

### 3-§. Босим регуляторлари ва сақлагич клапанлари

Босим регуляторлари пуркагичларнинг босим тизимида ишчи суюқликнинг босимини талаб қилинган чегарада сақлаб туриш учун хизмат қиласди.

Сақлагич клапан пуркагич курилмаларга суюқлик бериш тўхтатганда ҳайдаш тизимини механик шикастланишлардан сақлаш учун хизмат қиласди.

Замонавий пуркагичларда кўшалоқ босим регуляторлари ўрнатилган. Кўшалоқ регуляторларда редукцион ва сақлагич клапанлар иккита камера – юқори A ва пастки B ларга ажратилган корпусда параллел ўрнатилган (171 $a$ -расм). Юқори камера резервуар билан, пасткиси эса насос ва пурковчи училиклар билан боғланган. Камералар орасидаги алоқа йўли сақлагич ва редукцион клапанлар билан беркитилган.

Сақлагич клапан, одатда, 2 МПа босимга созланади ва пломбаланади (тамга босилади). Редукцион клапан 2 билан талаб қилинган ишчи босим ўрнатилади. Бу босим манометр 4 билан аниқланади. 2 МПа дан юқори босим ўрнатиб бўлмайди, чунки бунда сақлагич клапан очилади ва суюқликни бир қисми резервуарга оқади.


Масофадан гидробошқариш клапани (171 $b$ -расм) трактор кабинасидан пуркаш курилмаларига суюқлик беришини тўхтатиш учун (дала четида агрегат бурилганда, қисқа тўхташларда ва бошқа) хизмат қиласди.

Елка 5 соат стрелкаси юриши бўйича бурилганда экскентрик 6 шток 7 ни босади, у эса ўнга сурилиб клапан 9 ни эгар 8 дан четлаштиради ва суюқлик пуркагич курилмаларга келади. Суюқлик берилишини тўхтатиш учун елка соат стрелкаси юришига тескари

бурилади. Бунда клапан 9 пружина 10 таъсирида эгар 8 га босилади ва суюқликни пуркагич курилмаларига келиши тұхтайды.

#### 4-§. Пуркаш курилмаларининг ишчи органлари

Парчаловчи учликлар ва вентиляторлар пуркагич ва чанглаткич-ларининг асосий ишчи органлари ҳисобланади.



171 – расм. Клапанлар схемаси.

а – редукцион ва саклаш клапанлари; б – масофадан бошқариш клапани;  
А – юкори камера; Б – пастти камера; 1 – саклагич клапани; 2 –  
редукцион клапан; 3 – фильтр; 4 – манометр; 5 – елка; 6 – эксцентрик;  
7 – шток; 8 – клапан эгари; 9 – клапан; 10 – клапан пружинаси; 11 –  
зичлагич.

Парчаловчи учликлар икki турда бўлади: суюқ ва кукунсимон пестицидлар учун. Пуркагичларнинг парчаловчи учликлари (парчалагичлар, форсункалар) микдорлаш (дозалаш) ва заҳарли дорини дастлабки ёки тўлиқ майдалаш учун хизмат қиласиди. Бинобарин, заҳарли дорини ишлов бериш обьектига сениш микдори ва сифати, мос ҳолда пуркаш самараси уларнинг ишига боялиқ. Учликлар таъсири принципи бўйича далабоп ва боябоп, вазифаси бўйича эса марказдан қочирма, пурковчи (тизиллатиб отадиган), пневматик ва айланувчи турларга бўлинади. Улар суюқликни бутун конус, ковак конус, гирдоб, яхлит ва қайтган оқим қўринишида пуркаши мумкин.

Марказдан қочирма пуркагичлар энг кўп тарқалган. Бу пуркагичларнинг конструктив шакли хилма-хил. Суюқликни гирдоблаш бўшлигига узатиш бўйича улар икки турга ажратилади: ўзакли ва тангенциал. Ўзакли пуркагичлар ишлов беришга анча қулай ва яхши сифатли пуркашни таъминлади. Улар, ўз навбатида, алмашинувчан ва созланадиган ўзакли пуркагичларга ажратилади.


**Далабоп учликлар** (172 $a$ -расм) деб ном олган алмашпувчан ўзакли пуркағич катта бўлмаган босимда (0,3...0,8 МПА) ишлайди ва пуркаш конуси катта бурчакли ( $80\text{--}98^\circ$ ), узунлиги 1-2 м бўлган майда парчаланган заррачали пуркалган суюқликни конуссимон оқимини беради. Далабоп учлик корпус (ниппель), винтсимон тасмали кесикли ўзак ва тешикли қопқоқчадан иборат. Ўзак 1 қалпоқча 2 ичига тифиз ўрнатилган, қалпоқча эса корпус 3 га резьба орқали бураб киргизилган. Ўзакнинг винтсимон учи текислиги билан қалпоқнинг ички юзаси орасида гирдоблаш камераси деб номланган бўшиқ мавжуд.

Суюқлик босим остида винтсимон канал бўйича ҳаракатланиб, айланма ҳаракатга эга бўлади ва қалпок (конус найча) тешиги орқали конуссимон парда кўринишида чиқади. Суюқликнинг айланувчи конуссимон пардаси конус найчадан узоқлашган сари суюқлик ўлчами сопладан чиқишдаги гирдобнинг шиддатига боғлиқ бўлган майда заррачаларга бўлина бошлайди.

Далабоп учликлар оддий (нормал) ва тежамкор турларга ажратилади. Тежамкор оддийга нисбатан кичик винт қадами ва кичикроқ чиқиши тешигига эга, натижада суюқлик сарфини 3...4 марта камайтириб, кенг ва қисқа факелда уни анча юпқа сепилишини таъминлайди. Бирор, тежамкор учликлар катта камчиликка ҳам эга, улар тез-тез тиқилиб қолади.

Боғбон деб ном олган созланадиган ўзакли учликлар боғларга суюқликни сепиши учун қўлланилади. Боғбон учлик (172 $b$ -расм) анча юқори босимларда (2,0...2,5 НПа) ишлайди ҳамда далабоп учликка нисбатан анча кучли ва узоққа борадиган оқимни ҳосил қиласди. Ўзак 1 нинг цилиндрик юзасида винтсимон кесик қилинган, учига эса резинали ҳалқа б маҳкамланган. Корпус 8 ва қалпоқча 2 орасида чиқиш тешикли алмашпувчан диск 5 (диафрагма) кисиб ўрнатилган.

Корпус 8 нинг буртиклари ўзакнинг винтсимон кесикларига киради ва ўзига хос қўзғалмас гайка вазифасини ўтайди. Ўзак 1 ни бураб, унинг учи юзаси ва алмашпувчан диск 5 ва втулка 7 нинг ички юзалари билан ҳосил бўлган гирдоблаш камерасининг чуқурлиги ўзgartирилади. Ўзак дискка яқинлаштирилиб гирдоб камераси чуқурлиги кичрайтирилади, натижада пуркаш конуси кенг ва қисқа бўлади, суюқлик сарфи камаяди, пуркашнинг дисперслиги ошади. Ўзак дискдан узоқлаштирилганда гирдоб камерасининг чуқурлиги ошади, узун ва тор пуркаш конуси ҳосил қилинади, суюқлик сарфи кўпаяди, пуркаш эса дағаллашади, яъни заррачалар йириклашади. Бир тешикли диск 5 ни худди шундай уч тешикли диска (биттаси марказда  $90^\circ$  бурчак остида ва иккитаси чети бўйича  $45^\circ$  бурчак остида) алмаштирилиб



172 – расм. Пуркаги чларнинг парчаловчи учликлари.

а – далабоп; б – боббор; в – унифициациялашган марказдан қочирма; г – марказдан қочирма; д – пневматик; е – дефлекторли; ж – айланувчан; з – марказдан қочирма-диски; 1 – ўзак; 2 – калпоқча; 3 – ниппель; 4 – прокладка (зичлагич ҳалқа); 5 – чиқиш тешекли алмашинувчан диск; 6 – резин ҳалқа; 7 – втулка; 8 – корпус; 9 – трубка; 10 – шток; 11 – тикин; 12 – диафрагма; 13 – ҳаво узатиши учун конус найча; 14 – тұхтатын болти; 15 – парчаловчи учлик; 16 – созлайдынған қистирма; 17 – штуцер; 18 – кронштейн; 19 – дефлектор; 20 – қопқос; 21 – пружина; 22 – эгилуuvчан диафрагма; 23 – чамбарали цилиндр; 24 – суюқ заһарлы мөздәни узатиши учун штуцер; 25 – ҳаво узатувчы (корпус) 26 – паррак.

кенг қамровли пуркайдиган учлик олинади. Бундай учлик бўтазорларга суюклик пуркаш учун қўлланилади. Боғбон учликлар тешигининг диаметри 1; 1,5; 2; 2,5; 3 ва 4 мм бўлган зангламайдиган пўлатдан ясалган алмашувчан дисклар билан жиҳозланган.

**Тангенцијал учликларни** ясаш мураккаброқ бўлиб, улар захарли моддаларни ёмон пуркайди, аммо кам тиқилади. УН туридаги унификациялашган марказдан қочирма учлик (172б-расм) пластмассадан ясалган корпус кўринишида бўлиб, унга заҳарли модда чикиши учун тешикли алмашинувчан металлокерамик диск 5, прокладка 4 ва тиқин (қопқоқ) 11 ўрнатилган. Пуркагичга суюклик уринма бўйича юборилади, натижада у диск билан қопқоқ орасида жойлашган гирдоблаш камерасида айланма ҳаракатга эга бўлади. Алмашинувчан дисклар тешигининг диаметри 1,5; 2; 3 мм бўлиши мумкин. УН туридаги учликлар пуркагичларнинг ҳам гидравлик, ҳам вентиляторли пуркаш курилмаларида кенг қўлланилади.

**Марказдан қочирма учлик** (172в-расм) суюкликни ҳайдаш магистралидаги кичик босимларда ишлайди. У корпус 8, диафрагма 12 ва зичлагич ҳалқа 4 дан иборат. Корпусдаги келтирувчи канал чиқиш тешикли диафрагма билан ёпилган цилиндрик уормаланиш камерасига уринма бўйича жойлашган. Суюклик каналдан уормаланиш (гирдоб) камерасига тушиб айланма ҳаракатга келади ва диафрагма тешигидан чиқишида пуркаш конусини ҳосил қиласди. Алмашинувчан диафрагманинг чиқиш тешиги диаметри 1,5; 2 ва 3 мм бўлиши мумкин. Марказдан қочирма учликлар вентиляторли ва гидравлик турдаги пуркагичларнинг пуркаш курилмаларида ҳамда заҳарлагичларда қўлланилади.

**Марказдан қочирма-дискли учликлар** (172з-расм) кичик ҳажмли пуркагичларда қўлланилади. Улар бир, икки ва ундан кўн жуфт дисклардан ташкил топган айланадиган бошча кўринишида бўлади. Ишчи дисклар 3 нинг сони суюклик сарфининг микдори ва дисперслаш даражасига мувофиқ танланади. Иш жараёнида суюклик етказиш курилмаси 2 га ва ундан таъминлагич 4 га келади. Таъминлагич 4 суюкликни дисклар бўйича тақсимлайди. Вал 1 айланганда ( $66,7\dots188,3 \text{ см}^4$ ) суюклик марказдан қочма куч таъсирида ишчи дисклар юзаси бўйича текис парда кўринишида ҳаракатланади ва уларнинг ташқи кирраларидан отилиб чиқиб  $60\dots150 \text{ мкм}$  диаметрли томчиларга парчаланади.

**Тизиллатиб** пурковчи учликлар тиркишли ва дефлекторли турларга ажратилади. Тиркишли учлик тузилиши бўйича жуда оддий бўлиб, у корпус (мунштук), фильтр ва қалпоқсимон гайкадан иборат. Корпус тўнтарилган қалпоқча кўринишида бўлиб, тубининг ички бўшлиги

ярим сфера шаклида қилинган. Аниқ ўртаси бўйича жойлашган тиркишсимон тешик ярим сферали тубни икки қисмга бўлади. Суюқлик босим остида тиркишга икки томондан келади. Суюқликнинг икки пардасини ўзаро тукнашиши уларни елпигич (учбурчакли призма) шаклида нарчаланишига олиб келади. Тиркишли учликлар суюқликни дагал дисперсли парчалайди ( $H \approx 300$  мкм), аммо қамраш кенглиги бўйича уни юқори даражада текис тақсимланishiни таъминлайди ( $\pm 15\%$ ).

Дефлекторли учлик (172e-расм) корпус 8, қопқоқ 20 ва дефлектор 19 дан иборат. Босим остида тешикдан чиқсан оқим дефлектор юзасига урилади ва катта бурчак остида сочилади. Бу учлик суюқликни дагал парчалайди: 300...400 мкм. Расмда акс эттирилган учлик дифрагмма 22 ва пружина 21 билан жиҳозланган, улар ҳайдовчи магистралда суюқлик босими ўзгарганда дефлекторнинг қиялик бурчагини, шу билан бирга заҳарли модданинг сениш микдорини бир хил саклаган ҳолда, қамраш кенглигини ҳам ўзгартиришга имкон яратади.


Пневматик учликлар икки турга бўлинади: суюқликни ҳаво оқими ҳаракати бўйича ва ҳаво оқимига бурчак остида узатадиган. Кейингиси пуркашни анча юқори деснерслигини таъминлайди. 172d-расмда пульверизатор туридаги пневматик учлик кўрсатилган. У пурковчи учлик 15 ва тўғри бурчак остида жойлашган ҳаво узатиш найчаси 13 дан иборат. Учликдан чиқаётган ишчи суюқлик найчадан отилиб чиқсан ҳаво оқими таъсирида майда заррачаларга бўлинади, сўнгра эса улар вентиляторнинг кучли ҳаво оқими билан ишлов бериш объектига узатилиди. Ишчи суюқликни пуркаш сифати учлик ва найчанинг ўзаро жойлашишига боғлиқ. Учликнинг ҳолати прокладка 16 ёрдамида созланади. Ҳаво узатувчи начиа кронштейн 18 нинг тешигига силжиши мумкин ва у маълум ҳолатда тўхтатиш болти 14 билан маҳкамланади.

Айланувчи учликлар конструктив шаклларининг ҳар хиллиги билан ажralиб туради. Тўрсимон барабан ва диск кўринишидаги пуркагичлар энг кўп тарқалган. Улар гидромотор, электр двигатели, умумий узатмадан ва ҳаво оқими энергиясидан ҳаракатга келтирилиши мумкин.

Ҳаво оқимидан ҳаракат оладиган паррак 26 билан жиҳозланган тўрли цилиндр 22 (172ж-расм) кўринишидаги айланувчан пуркагич куйидагида ишлайди. Ҳаво марказдан қочирма вентилятордан пневматик штанга бўйича пуркагичнинг ҳаво қувури 25 га юборилади. Суюқ заҳарли модда босим магистрали бўйича штуцер 24 орқали тўрсимон барабанинг марказий қисмига труба орқали келади ва унинг узунлиги бўйича текис тақсимланади. Марказдан қочирма куч таъсирида суюқлик барабанинг четига сочилади ва у айланувчи тўр билан парчаланади. Ҳаво оқими парчаланган суюқликни илиб олади ва ишлов бериш 306

объектига етказади. Кам сарфларда суюқлик монодисперс парчаланади, янын тахминан бир хил диаметрли томчилар ҳосил бўлади. Пуркашнинг дисперслиги узатиш, барабан диаметри, турдаги тешиклар ўлчами, айланыш частотаси ва суюқлик зичлигига боғлиқ. Барабаннинг диаметри, уни айланыш частотаси ва суюқлик зичлиги қанча катта бўлса, томчилар диаметри шунча кичик. Узатиш ва тўрдаги тешиклар ўлчами катталашганда томчилар диаметри ошади. Диаметри 45 дан 375 мм гача тўрсимион барабанлар ва диаметри 80 дан 216 мм гача бўлган дисклар кўлланилмоқда, мавжуд конструкцияларда уларнинг айланыш частотаси 4000 дан 14000 мин<sup>-1</sup> гача ташкил қиласди. Кўриб чиқилган учликлардан марказдан қочирма ва тизиллатиб пуркайдиганлар оддий пуркашда ишчи суюқлик сарфи 200 кг/га дан кам бўлмагандан, фақат айланма ва байзи бир пневматиклар ультракачик ҳажмли пуркашда ишчи суюқлик сарфи 10 кг/га ча бўлганда кўлланилиши мумкин.

**Чанглатичларнинг учликлари** ҳаво-чанг тўлқинини шакллантириш ва ишлов бериш объектига йўналтириш учун хизмат қиласди. Учликларнинг куйидаги турлари энг кўп кўлланилади (173-расм): цилиндрик, қошиқсимон, ойболтасимон, текис (тирқишли) ва мужассамлашган.



**173 – расм. Чанглатичларнинг парчалови учликлари.**  
 а – цилиндрик; б – қошиқсимон; в – ойболтасимон; г – текис (тирқишли); д – мужассамлашган.

Цилиндрик учликлар симметрик цилиндрик пуркаш факелини шакллантиради. Улар боғлар ва дараҳтларни чанглаш учун қўлланилади. Порошокни намлаш билан чанглатиш учун цилиндрик найчани ичига суюқлик учлиги ўрнатилади. Қошиқсимон ва ойболтасимон учликлар

дала ўсимликларини чанглаш учун қўлланилади. Улар текис елпигичсизон горизонтал ва тик факеллар ҳосил қиласди.

Тиркишли учликлар елпигичсизон кентаядиган горизонтал ёки тик чанг оқимини ҳосил қиласди. Улар дала ва боғ ўсимликларини чанглаш учун қўлланилади.

**Вентиляторлар** ўсимликларни ҳимоя қилиш машиналарида куйидаги вазифаларни бажариш учун қўлланилади: суюқ ёки кукунсизон заҳарли моддани майда заррачаларга парчалаш; заҳарли модда заррачаларини ишлов бериш объектига етказиш.

Заҳарли моддани яхши майдалаш учун вентилятор ҳосил қиласдиган ҳаво оқими конус найчадан чиқишида катта тезлик билан ҳаракат қилиш керак, заҳарли модда заррачаларини ишлов бериш объектига етказиш учун эса узокқа отиши ва юқори унумдорликка (ҳаво узатишга) эга бўлиши керак. Чанглангич ва пуркагичларда марказдан қочирма (174a, б ва в-расм) ва ўқ бўйича (174г-расм) вентиляторлар қўлланилади. Асосан юқори гезликтаги ҳаво оқими ҳосил қиласдиган тик ва горизонтал айланиш ўқли марказдан қочирма вентиляторлардан фойдаланилади. Паҳтага ишлов бериш учун мўлжалланган машиналарда парракнинг айланиш ўқи горизонтал бўлган марказдан қочирма вентиляторлар ўрнатилади.


Пуркагич вентилятори ҳосил қилган ҳаво оқими тўлиқ ёки қисман ишчи суюқликни парчаласи ва ундан ташқари аралашмани ўсимликларга етказиши мумкин. Баъзи бир пуркагичларнинг вентиляторлари факат иккинчи операцияни бажаради.

Марказдан қочирма вентиляторнинг иш жараёнида пуркаш курилмаси 5 дан чиқсан ишчи суюқликни ҳаво оқими илиб кетади ва уни кўшимча парчалайди. Парракнинг айланиш частотаси  $500 \text{ c}^{-1}$ , конус найчадан ҳавонинг ўртача чиқиш тезлиги  $85 \text{ м/с}$  гача.

Пуркаш ёки чанглатиш технологик жараёнининг схемасига bogliq ravishiда марказдан қочирма вентиляторлар ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. Ингичка йўналтирилган ҳаво оқимини ҳосил қилиш учун кўпинча ён деворлари текис бўлган спирал кожух қўлланилади. Вентилятордан чиқишида ҳаво оқимини бўлиш учун ажратгичли маҳсус кожухдан фойдалинилади. Марказдан қочирма вентиляторлар ҳавони бир ва икки томондан сўриши мумкин. Бунга мос ҳолда вентиляторнинг кожухида битта ёки иккита чиқиш тешиги бўлади.

Ўқ бўйича вентилятор ҳалқа тиркиш ҳосил қилган ташки (диффузор) ва ички (цилиндр) 9 кожухга эга. Вентиляторнинг парраклари айланиб кожухнинг ичидаги ўртача чиқиш тезлиги  $36 \text{ м/с}$  га яқин бўлган ўқ бўйича ҳаво оқимини ҳосил қиласди. Ҳаво оқими конус найча орқали ташқарига чиқади ва ўзи билан учликлар пуркаган ишчи

суюқликни ишлов бериш обьектига олиб боради. Қўлланиладиган пуркагичларда вентиляторларнинг меҳнат унумдорлиги 6000 дан 9000 м<sup>3</sup>/соат гача, чанглаттичларда – 40...3500 дан 6000 м<sup>3</sup>/соат гача.




**174 - расм. Пуркагич ва чанглаттичларнинг вентиляторлари схемаси.**  
а, б, в – марказдан қочирма вентиляторлар; 2 – ўқ бўйича вентилятор;  
1 – корпус; 2 – паррак; 3 – парчаловчи қурилма; 4 – сурувчи апарат;  
5, 11 – пурковчи қурилма; 6 – сакловчи тур; 7 – курак; 8 – диффузор;  
9 – цилиндр; 10 – ички конус.

### 5-§. Пуркаш қурилмалари

Пуркагичларнинг пуркаш қурилмалари ишчи суюқликни месъёрлаш (дозалаш), уни айрим заррачаларга парчалаш ва парчаланган заҳарли моддани ишлов бериш обьектига етказиш учун мўлжалланган. Пуркашнинг сифати ва тежамкорлиги уларнинг ишига боғлик.

Таъсир принципига кўра пуркаш қурилмалари, шунингдек пуркагичлар ҳам икки турга бўлинади: *гидравлик ва вентиляторли*. Гидравлик қурилмаларда ишчи суюқлик гидравлик босим остида учликлар билан парчаланади. Вентиляторли қурилмаларда ишчи суюқликни майдаланиши гидравлик босим таъсирида, ёки ҳаво оқими таъсирида, ёки биргаликда - гидравлик босим ва ҳаво оқими таъсирида юзага келади. Парчаланган ишчи суюқлик ишлов бериш обьектига етказилади: гидравлик пуркаш қурилмаларида парчаланиш жараёнида суюқлик зарраларига берилган кинетик энергия ҳисобига,

вентиляторларда вентилятор ҳосил қиладиган ҳаво оқимининг энергияси хисобига.



175-расм. Штангаларнинг турлари.


*a* – юқоридан пуркаш учун горизонтал; *b* – комбинациялашган пуркаш учун горизонтал; *c* – тик.

Гидравлик пуркаш қурилмалари конструктив ҳусусиятларига кўра штангалар, брандспойтлар, кенг қамровли бошчалар, шлангали барабанлар, инжекторлар ва бошқа турларга бўлинади. Ёппасига пуркаш учун штангалар энг кўп тарқалган; улар далабоп, токзорбоп, боббор, хмельникбоп ва универсалларга ажратилади. Далабоп штангалар энг кўп кўлланилади. Кўпинча улар шарнирли бояланган айrim найсимон турдаги тутиб турувчи каркас (қобирға), учликли гидравлик коммуникациялар, осиш ва баландлик бўйича ўрнатишни созлаш тизимидан иборат.

Юқоридан (175а-расм) ва комбинациялашган (175б-расм) пуркаш учун горизонтал (175б-расм) ва тик (175в-расм) штангаларга ажратиласы. Горизонтал штангалар дала ва полиз әкинларига, вертикалар - токзорларга ишчи суюкликтар пуркаш учун құлланилади. Штангаларга марказдан қочирма, тиркишли ёки дефлекторлы учликлар үрнатиласы. МДХ давлатларыда ишлаб чыкылған конструкцияларда марказдан қочирма учликлар, хорижий давлатларниңда эса тиркишли учликлар құлланилмоқда. Күпчилік хорижий фирмалар штангаларни универсаллаш учун уларни бир неча комплект учликлар (марказдан қочирма, тиркишли, дефлекторлы) билан жиҳозлайды. Учликларни штангага үрнатиш қадами (оралығы) учликнинг турига (пуркаш конусига), үрнатиш баландлиги ва бошқа омылларга бағыт. Үрнатиш қадами 30, 50 ва 66 см бўлган штангалар энг кўп құлланилади. Штангалар қадами айrim учликларга тикин үрнатиш йўли билан ўзгартириласы.

Брандспойтлар қўл билан ёш боғлар, якка дараҳтлар, омборхоналарга заҳарли моддаларни пуркаш учун мўлжалланган. Брандспойтлар созланадиган ўзакли ягона марказдан қочирма учликлар билан жиҳозланади (176-расм), улар гирдоблаш камераси чукурлигини ўзгартиришга ва мос ҳолда пуркашни дисперслиги ва оқимни узоққа отилишини созлашга имкон беради, бу эса ҳар хил баландликдаги дараҳтларга ишчи суюкликтар пуркаш учун зарур. Брандспойтлар икки турга ажратиласы: оддий боғбоп ва узоққа отиладиган (176в -расм). Боғбоп брандспойтлар билан парчаланган зарраларни узоққа отиш масофаси 4..8 м, узоққа отадиганларни эса 12..15 м. Найча 3 боғбоп брандспойтнинг (176-расм) асоси бўлиб хизмат қилади, унинг бир учига учлик 1, иккинчсига эса учталик 8 беркитилган. Найчада шток 2 жойлашган, унга дастак 7 беркитилган. Соат стрелкаси бўйича штокнинг дастаги бурилганда пуркаш конуси кенгроқ ва қалта бўлади, дастак охиригача буралганда суюкликтар тўхтайди. Баланд дараҳтларга ишлов беришда узоққа отадиган брандспойт (176б-расм ) құлланилади. Бунинг учун қалпокча, диск ва учлик ўзаги ҳамда шток дастак билан бирга ечиб олинади. Учталик 8 га тикин 11 ва жўмрак 12, учликнинг корпусига эса калибрланган тешикли конуссимон қалпокча 10 бураб киритилади. Алмашинувчан пуркаш дисклари (тешиклари диаметри 1,2 мм дан 4,8 мм гача) билан жиҳозланган брандспойтлар ишчи суюкликтарни 4 дан 60 дм<sup>3</sup>/мин гача таъминлайди. Бутазорларга пуркаш учун уч тешикли алмашувчан диск құлланилади. У брандспойтларни кенг қамровли қилади. Брондспойтлар, асосан боришиң қийин бўлган майдонлар ва кичик хўжаликларда құлланилади.

Вентиляторли пуркаш қурилмалари икки турга бүлинади: ўқ бўйлаб ва марказдан кочирма вентилятор асосидаги. Вентиляторларнинг хусусиятларига мос ҳолда бу қурилмалар билан ишчи суюкликтни пуркашнинг қўйидаги усуллари қўлланилади: *пневматик, гидравлик ва гидропневматик*.



176 – расм. Брандспойтлар. *а* – оддий боғбоп; *б* – узокқа отадиган; 1 – учлик; 2 – шток; 3 – трубка; 4 – сальник; 5 – ёпқич гайка; 6 – втулка; 7 – дастак; 8 – учталик; 9 – шланг; 10 – қалпоқча; 11 – тиқин; 12 – жўмрак.

*Пневматик* усул гидравликага нисбатан анча юқори пуркаш дисперслигини таъминлайди. Бу усулда ишчи суюклик найда бўйича ҳавонинг тезлиги энг катта бўлган сопланинг (конус найдчанинг) энг тор қисмига олиб келинади. Ишчи суюклик найдадан юпқа оқим ёки парда кўринишида чикиб, ҳаво оқими таъсирида диаметри 80 дан 150 мкм бўлган томчиларга парчаланди. Бунда ҳаво оқимининг тезлиги қанча катта ва юбориладиган суюкликтининг микдори қанча кичик бўлса, пуркаш дисперслигиги шунча яхши (80 мкм га яқин) бўлади.

*Гидравлик* усул гидравлик пуркаш учликлардан, одатда, марказдан кочирма турдагидан фойдаланишта асосланган. Бу усулда учликлар пуркаган заҳарли модда томчиларини вентилятор томонидан юзага келтирилган кучли ҳаво оқими олиб кетади ва ишлов бериш объектига етказади. Гидравлик усулда пуркашнинг дисперслигиги пневматик усулга нисбатан дағарлоқ бўлади. Гидравлик марказдан кочирма учликлар билан пуркаш дисперслигиги ҳайдаша тизимидағи босимга боғлиқ бўлганлиги учун суюклик пуркаш қурилмасига пневматик усулга нисбатан 5..7


маротаба кўп босим остида ( $1,8..2,2$  МПа) юборилади. Демак, бир хил узатишда бу усулда суюқликни чиқиши тешиги диаметри пневматик усулдагига нисбатан анча кичик, бу эса уни тиқилиш эҳтимолларини оширади. Шунинг учун гидравлик усулнинг талабини ўқ бўйича вентиляторлар тўликроқ қондиради. Улар марказдан қочирмаларга (соатига 4000 дан  $15000$  м<sup>3</sup> гача) нисбатан кучли ҳаво оқимини ҳосил қилиш (соатига 18000 дан  $160000$  м<sup>3</sup> гача) имкониятига эга.

*Гидропневматик* усулда ишчи суюқликни гидравлик учлик ва вентилятор биргаликда парчалайди. Бунда суюқликни дастлабки парчаланиши гидравлик учликлар билан, кўшимча парчаланиши эса вентилятордан чиқсан ҳаво оқими таъсирида бажарилади. Парчаланган суюқлик вентиляторнинг ҳаво оқими билан ишлов бериш объектига етказилади.

Ўқ бўйича ва марказдан қочирма вентиляторлар асосидаги пуркаш курилмалари чиқиш конус найчасининг геометрик шакли бўйича доира тешискли - конуссимон ва тўғри бурчакли тешискли - тирқишиларга ажратилади. Баъзи машиналар иккита алмашинувчан конус найчалар билан жиҳозланган: конуслилиги дарабоп вариант ва тирқишилиги боғбоп вариант.

Чанглатгичларнинг пуркаш курилмалари вентилятор, қувурлар (шланглар) ва учликлардан иборат. Чанглатгичларда, асосан марказдан қочирма вентиляторлар кўлланилади. Баъзи пуркагичларнинг конструкцияларида учликлар дала ўсимликлари ва токзорларни чанглатиш учун горизонтал ( $177a$ -расм) ёки тик штангаларга ( $177b$ -расм) ўринатилади ва улар тақсимлаш кутиси 2 орқали эгилувчан шланглар 4 ёрдамида вентилятор билан боғланади. Горизонтал штангалар паст бўйли дала ўсимликларини, вертикаллар эса токзорларни чанглаш учун кўлланилади. Боғларни ва дараҳтларни чанглаш учун учликлар ( $177c$ -расм) тирсаксимон айланувчан қувур  $10$  га боғланади, у эса бошқа уни билан вентиляторга туташган. Қувур гидравлик механизм ёрдамида тебранма ҳаракатга келтирилади, шу туфайли анча текис чанглашга эришилади. Айнан шундай конструкциялар пахта пуркагич-чанглатгичларда кўлланилади.

Боғбоп-дала пуркагич курилмаларида тирқишили учлик вентилятор кожухига беркитилган. Токзорбоп курилмалар вертикал қувур ва горизонтал чиқиши тирсакли учталиктан иборат. Вертикал қувурнинг пастки уни вентиляторнинг кожухига беркитилган, унинг юқори унига учталик беркитилган. Токзорнинг узокроқ қаторлари вертикал қувурдаги учталик билан, яқинроғи эса вентилятор кожухининг ён томонларига беркитилган тирқишили учликлар билан чангланади.



177 – расм. Чанглаттичларнинг пуркаш қурилмалари.

*а* – горизонтал штанга; *б* – вертикаль штанга; *в* – намлаб чанглаш учун боғ қурилмаси; 1 – ўрта секция; 2 – тақсимлаш қутиси; 3 – четти секция; 4 – шланг; 5 – текис тиркишли учлик; 6 – тортқи; 7 – гидравлик учлик; 8 – кувур қутиси; 9 – дастак; 10 – тирсаксимон қувур; 11 – цилиндрик учлик.

#### 6-§. Пуркагичлар


**Таснифланиши.** Пуркагичлар таъсир принципига кўра гидравлик ва вентиляторлиларга; ишчи суюкликни сарфи бўйича оддий, кичикхажамли ва ултраҳажамли; агрегатланиш усулига қараб - тиркама, осма ва ўзи юрат; вазифаси бўйича универсал, боғбоп, далабоп каби турларга бўлинади. Даля ўсимликларига оддий пуркаш учун асосан штангали пуркагичлар, боғлар учун вентиляторлилар қўлланилади.

**Тузилиши.** Пуркагиччининг барча қисмлари пневматик филдаракларга таянган ёки тракторга осилган рамага ўрнатилади.

Пуркагичнинг тақсимловчи ишчи органи юқоридан сепадиган кўп секцияли тахланадиган горизонтал штанга 16 (178-расм) ёки универсал марказдан қочирма вентиляторли қурилма кўринишида бўлади.

Тақсимлагич күрилмаларини бошқариш гидравлик насос ва вентилятор трактор КОВ идан ҳаракатта келтирилади.

**Иш жараёни.** Резервуар 4 суюк гербицид билан қуийш курилмасидан фильтрли бүғиз 6 орқали ёки газ оқимти эжектор 5 орқали тұлдырылады.



178 – расм. Пуркагичнинг принципиал схемаси.

1 – күйиш сифими; 2 ва 20 – фильтрлар; 3 – уч йўлли кран; 4 – резервуарлар; 5 – газ оқимли эжектор; 6 – күйиш бўғизи; 7 – гидроаралаштиргич; 8 – ўтиш вентили; 9 – ажратиш клапани; 10 – вентилятор; 11 – цуркаш училиги (найча); 12 – гидроцилиндр; 13 – парчаловчи училик; 14 – штанга; 15 – босим магистрали; 16 – созлаш вентили (дозатор); 17 – манометр; 18 – редукцион клапани; 19 – насос.

Пуркагичнинг иш жараёнида гидравлик аралаштиргич 7 билан доимий равишда аралаштирилиб турладиган ишчи суюқлик очик, уч йўли кран 3 ва фильтр 20 орқали насос 19 билан резервуардан сўрилади. Хайдайдиган магистралда суюқлик учта оқимга бўлинади. Суюқликнинг оз қисми редукцион клапан 18 орқали, катта қисми ўтиш вентили 8 ва гидравлик аралаштиргичи 7 орқали резервуар 4 га қайтиб келади.

Суюктининг асосий қисми ажратиш клапани 9 ва созланадиган вентил 16 орқали вентиляторли 10 ва 11 ёки штангали 13 ва 14 пуркагич курилмаларига жўнатилади. Ҳаво оқими (вентиляторли пуркагичларда) ёки заррачаларни кинетик энергияси (штангали пуркагичларда) таъсирида 11 ва 13 учликлар билан пуркалган ишчи суюклик ишлов бериш объектига етказилиди.

Хайдайдиган магистралда керакли босим редукцион клапан ёрдамида ўрнатилади. У насоснинг ва туркаш курилмасининг турига ҳамда ишлов бериладиган ўсимликка боғлиқ. Ишчи босим манометр 17 билан назорат килинади. Гидроцилиндр 12 вентилятор 10 ни бураш учун хизмат қиласи. Суюкликтинг сарфи дозатор 16 ёрдамида, чиқиши тешиги ҳар хил

үлчамли пуркаш дискларини ўрнатиш, тиқинларни ўрнатиш, яъни ишлайдиган учликлар сонини камайтириш ёки ҳайдайдиган магистралдаги ишчи босимни камайтириш орқали созланади. Ундан ташқари, бирлик юзага сарфланадиган ишчи суюклик сарфини машина ҳаракати тезлигини ўзгартириб созлаш мумкин.

## 7-§. Чанглаттичлар


**Вазифаси.** Чанглаттичлар боғлар, узумзор, бутазор, дарахтзор, даға, техник ва савбзавот экинларининг заараркунандалари ва касалликларига қарши чанглатиш усули билан курашиш учун мўлжалланган.

Чанглатиш усули пуркаш усулига нисбатан ҳам афзалликларга ва ҳам камчиликларга эга. Чанглаттичлар конструкцияси бўйича анча оддий, заҳарли моддани тайёрлаш учун машина ва сув тадаб қилмайди, меҳнат сарфи кам. Бироқ заҳарли химикат сарфи 3..5 мартағача кўп, чунки қуруқ қуқун баргларга етарли даражада ёпишмайди, шамолда учеб кетади, ундан ташқари атмосферани заҳарлайди. Шунинг учун кейинги йилларда чанглаттичларни республикамизда ва хорижда қўллаш анча камайтирилди. Қишлоқ хўжалигида кенг қамровли универсал чанглаттич (ОШУ туридаги) қўлланилади.

**Тузилиши.** Чанглаттичининг асосий таркибий элементлари рама, бункер, вентилятор, пуркаш қурилмаси, узатма механизми, заҳарли моддани узатишни бошқариш қисмлари.

Боғ-дала пуркагич қурилмали чанглаттич вентилятор кожухини ўзгартириш учун буриш механизми билан жиҳозланган. У пуркаш қурилмасини вертикал ўққа нисбатан  $50..110^{\circ}$  бурчак остида ўрнатиш учун барча механизmplари карданли узатма орқали трактор КОВ дан ҳаракатга келтирилади. Вентилятор 8 га айланма ҳаракат редуктор орқали, тўзитгич 3 ва шнек 4 га занжирли узатма орқали узатилади.

**Иш жараёни.** Иш жараёнида бункердаги куқунсимон заҳарли модда айланадиган тўзитгич 3 билан узлуксиз юмшатилади ва сўнгра шнек 4 ёрдамида чиқиши тепигига узатилади (179- расм). Узатувчи қурилманинг куракли фалтаги 5 заҳарли моддани лоток орқали вентиляторнинг сўриш чизигига туширади. У ҳаво билан вентиляторга сўрилади ва кучли ҳаво-чанг тўлқин кўринишида пуркаш қурилмаси орқали ташқарига чиқарилади. Оқимнинг йўналиши, яъни заҳарли модданинг қамраш кенглиги ва узатиш баландлиги гидроцилиндр 9 ёрдамида вентиляторни бураб созланади. Заҳарли модда сарфи дастак 1 билан қопқок 10 га таъсир қилиб, бункер тубидаги чиқиши тешиги ўлчамини ўзгартирилиб созланади.



179 – расм. Чанглатгич схемаси.


1 - созлагач дастаги; 2 – трос; 3 – түзитгич; 4 – шнек; 5 – куракли фалтак; 6 – бункер; 7 – парчаловчи учлик; 8 – вентилятор; 9 – гидроцилиндр; 10 – қопқок; 11 – редуктор.

Чанглатгичнинг қамрапш кенглиги: дала вариантида 100 м гача; боғлар учун – 1..2 катор; узумзор учун – 3..4 катор; Ишчи тезлиги 2,2 м/с, меҳнат унумдорлиги: далада 25 га/соат гача; бодга ва узумзорларда 5 га/соат гача.

### 8-§. Аэрозол генераторлар

**Вазифаси.** Аэрозол генераторлари боғлар, далалар, дарахтзорлар, чорвачилик биноларидаги заарарли ҳашоратлар ва бактерияларга карши курашиб учун мұлжажланған. Аэрозол генераторлари аэрозолларни термомеханик ва механик усууллар билан ҳосил қилиши мүмкін. Ишчи суюқлик термомеханик генераторларда қызийди, қисман бугланади ва иссик газ оқими таъсирида кичик заррачаларга майдаланади, механиктердә эса атмасфера ҳаво оқими таъсирида.

**Умумий тузилиши.** Аэрозол генератори автомобиль кузовида ёки трактор прицепиге ўрнатылади. Генератор (180-расм) двигатель УД-2, компрессор 21, бензин горелкалари 1, 2, 3, 4, 5 ва 19, иссиклик кувури 11, ёниш камераси 10, парчалаш курилмаси 15, заҳарли модда резервуари 16 ва ёқилғи баки 7 дан иборат.



180 – расм. Айрозол генераторининг принципиал схемаси.

1 - компрессор; 2 - бензин пуркагичи; 3 - температура регулятори; 4 - горелка диффузори; 5 - винт; 6 - бензин қувури; 7 - бензин баки; 8 - бензин учун фильтр; 9 - жүмрак; 10 - ёниш камераси; 11 - иссиқлик қувури; 12 - захарли моддани узатиш шланги; 13 - захарлы модда жүмраги; 14 - ишчи конус найча; 15 - захарлы модда парчалагичи; 16 - захарлы модда резервуари; 17 - захарлы модда фильтри; 18 ва 22 - ҳавони тозалаш фильтлари; 19 - шамча; 20 - босим ҳаво қувури; 21 - компрессор; 23 - бензинли горелка жүмраги.

**Иш жараёни.** Термомеханик усулда фильтрлар 18 ва 22 да механик күшімчалардан тозаланған атмосфера ҳавоси компрессор 21 билан ҳаво үтказувчи қувур 20 бүйічі 0,02 МПа босим остида ёниш камераси 10 га узатылды. Ҳайдалған ҳавонинг бир қисми горелканинг диффузори 4 га үтады ва бак 7 дан узатылған бензинни парчалайды. Ҳаво ва бензиндан ҳосия бүлған ёқилғи қоришина шамча 19 учқунидан алғанғаланади ва камера 10 ва иссиқлик қувури 11 да 1000°C дан юқори температурада ёнади. Бу ерда ёниш маңсулотлари камера бүғизи ва горелка диффузори орасидаги ҳалқасимон тирқиши орқали үтган ҳаво билан арапашади, натижада уларнинг температураси 380..580°C гача пасаяди. Ишчи конус найча бүғизи 14 орқали катта тезликда (250..300 м/с) үтган иссиқ газлар резервуор 16 дан пуркагич 15 га келған суюқ захарлы моддани жуда кичик заррачаларга парчалайды. Ишчи конус найчада соплада суюқликни майды заррачалари юқори температура таъсирида тез кизийди ва қисман парланади. Заҳарлы модда бүгләри конус найчадан чиқиша ташқаридаги нисбатан совук ҳаво билан арапашади ва қалып туман ҳосип қилиб, тезда конденсатта айланади, у эса ўсимликтарга ва ишлов бериш объекттериге үтиради.

Механик усул билан суюқлик пуркалғанда иссиқлик қувури 11 конус найча 14 билан биргаликта ешилади ва унинг ўрнигә конус найчали ван

пуркагичли маҳсус бурчакли учлик ўрнатилади ва бензинли горелка ўтирилади. Бу ҳолатда суюқлик компрессордан келадиган сиқилган ҳаво билан пуркалади. Бурчакли учликни фланецда буриб, уни горизонта нисбатан ҳар хил бурчакларда ўрнатиш мумкин. Аэрозол генератори туман түлқинини 50..100 м кенгликда ва 7..10 м баландликда бериш мумкин. Мехнат унумдорлиги боғларга ишлов беришда 15..20 га/соат, дала экинларига ишлов берганда 30..40 га/соат ни ташкил қиласи. Аэрозолларнинг дисперслик даражаси бензиннинг ёки ишчи суюқликнинг микдорини ўзгартириб созланади. Бензин микдорини кўпайтириш ёниш камерасида газлар температурасини кўтарилишига олиб келади, натижада туманнинг дисперслиги ва қамраш кенглиги ошади. Ишчи суюқликни кўпайтириш туманнинг дисперслиги ва қамраш кенглигини камайтиради. Бензин микдори винтлар 3 билан созланадиган тешикдан горилка диффузорига ўтадиган ҳаво микдорига боғлиқ. Тешикни очиб ёқилғи микдори кўпайтирилади, бинобарин газлар температураси ҳам. Пастки винт 3 керакли ҳолатда иш бошланганга қадар ўрнатилади. Бензинни горелкага узатиш жўмрак 23 ни бураш билан, заҳарли моддани узатиш эса жўмрак 13 ни бураш билан тўхтатилади. Агар диффузор 4 ва ёниш камераси бўғизи 10 нинг ўқлари бир чизиқка ётмаса генератор иши бузилади. Диффузорнинг бўғизга нисбатан ҳолати учта винт 5 билан созланади, улар орасидаги радиал тиркиш эса ёниш камераси ечилиган ҳолатда шчуб (ўлчагич) билан текширилади. Тўғри созлаш иссиқлик кувури чикариб олинганда текис ёнгин беради.

### *Таянч иборалар*

Аэрозол генератори, арапаштиргич, бензин горелкаси, брандспойт, бункер, вакуум, вентилятор, винтсимон арапаштиргич, гирдобли насос, газ оқими, гидроарапаштиргич, горелка, гирдоблаш камераси, диафрагма, диафрагмали насос, диффузор, иссиқлик кувури, клапан, кукун, насос, киргич, конус найча, кувур, плунжер, сақловчи клапан, турбалент оқим, таъминлагич, тўзитгич, тақсимлагич, тиркишли цилиндр, шатун, шнек, штанга, плунжер, поршень, форсунка, чанглатгич.

### *Назорат саволлари*

1. Арапаштиргич ва эжектор қандай вазифани бажаради?
2. Пуркагичларда қандай насослар кўлланилади?
3. Босим регуляторлари ва сақлагич клапанлар қандай вазифани бажаради?
4. Парчаловчи учликларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Чанглатгичларда қандай

турдаги учликлар күлланилади? б. Пуркаш курилмалари қандай вазифаны бажаради ва уларнинг турларини айтинг?

### З - Б О Б

## ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ АСОСЛАРИ

### 1-§. Пуркагичлар аралаштиргичларининг параметрлари

Механик ва гидравлик аралаштиргичлар бакда суюқ пестицидинг доимий концентрациясини таъминлайди. Механик аралаштиргичлар бак тубидан 10...15мм, гидравликлар эса 25...50 мм баландликда ўрнатилади. Ишчи суюқликни аралаштириш жадаллиги циркуляция коэффициенти  $k_u$  билан баҳоланади:

$$k_u = Q / V, \quad (144)$$

бу ерда  $Q$  – аралаштиргич унумдорлиги,  $\text{м}^3/\text{с}$ ;  $V$  – бак ҳажми,  $\text{м}^3$ .

Механик аралаштиргичнинг унумдорлиги  $Q_m$  ( $\text{м}^3/\text{с}$ ) қуйидаги формула бўйича аникланади:

$$Q_m = 2\pi r_1 b_1 v_1 n_k \sin\alpha_1 = 2\pi r_2 b_2 v_2 n_k \sin\alpha_2, \quad (145)$$

бу ерда  $r_1$  ва  $r_2$  – куракларнинг ички ва ташки радиуси, м;  $b_1$  ва  $b_2$  – мос ҳолда суюқликни кириши ва чиқшишида куракларнинг кенглиги, м;  $n_k$  – жуфт кураклар сони;  $v_1$  ва  $v_2$  – кириши ва чиқшишида суюқликнинг абсолют тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ;  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  – куракларга киришида ва чиқшишида суюқликнинг абсолют ва нисбий тезликлари орасидаги бурчак,  $\alpha = 12^\circ$ .

Гидравлик аралаштиргичнинг унумдорлиги  $Q_z$  ( $\text{м}^3/\text{с}$ ) қуйидагича аникланади:

$$Q_z = 0,785 \cdot 10^{-3} d^2 v \rho, \quad (146)$$

бу ерда  $d$  – конус наича диаметри, м;  $v$  – оқим тезлиги,  $\text{м}/\text{с}$ ;  $\rho$  – суюқлик зичлигиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Маълум босим бўйича, у пуркагичларда 2 МПа гача бўлиши мумкин, оқим тезлиги  $v$  ни қуйидаги ифодадан аниклаш мумкин:

$$P = \frac{v^2}{2g} (1 + k_u), \quad (147)$$

бу ерда  $k_u$  – босим, тешик диаметри ва унга ишлов бериш сифатига боялиқ бўлган конус наичанинг қаршилик коэффициенти.

Гидравлик аралаштиргич ҳосил қилган ишчи оқим тезлик  $v$  ( $\text{м}/\text{с}$ ) қуйидаги формуладан ҳам топиш мумкин

$$v = \varepsilon \sqrt{2\rho \Delta p} , \quad (148)$$

бу ерда  $\Delta p$  – аралаштиргичга тушишдан олдин ва конус найчанинг чиқиши кесими олдида босимни ўзгариши (босим фарки), Па;  $\varepsilon$  – гидравлик қаршиликкниң ва қисилган оқимда тезликларнинг нотекис тақсимланишини оқиши тезлигига таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент, ( $\varepsilon = 0,97$ ).

Агар аралаштиргичнинг унумдорлиги маълум бўлса, (146) ифодадан конус найча диаметри  $d$  ни аниклаш учун формуулани олиш мумкин.

Аралаштиргич ҳосил қилган оқимнинг тезлиги резервуар деворлари бўйича суюкликни ишқаланиши туфайли қисман камайганлиги учун резервуар қанча узун бўлса, циркуляция коэффициенти  $k_u$  шунча кичик бўлади.

Аралаштиргич ишининг жадаллиги циркуляция коэффициенти билан баюланилади:

$$J = Q_a / V_r ,$$

бу ерда  $Q_a$  – аралаштиргич унумдорлиги,  $m^3/c$ ;  $V_r$  – резервуар ҳажми,  $m^3$ .


## 2-§. Поршенли ва плунжерли насосларнинг параметрлари

Насосларнинг ҳажмий узатиши ( $dm^3/\text{мин}$ ) куйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$q_n = \frac{\pi d^2}{4} l n z \varepsilon , \quad (149)$$

бу ерда  $d$  – поршень ёки плунжер диаметри, дм;  $l$  – поршень ёки плунжернинг юриши узунлиги, дм;  $n$  – тирсакли валининг айланниш частотаси,  $\text{мин}^{-1}$ ;  $z$  – цилиндрлар (плунжерлар) сони;  $\varepsilon$  – цилиндрларнинг ҳажмий тўлиси коэффициенти,  $\varepsilon = 0,85...0,9$ .

**Пульсация коэффициенти.** Плунжерли ва норшенли насослар учун суюкликни пульсациялашган узатиш (ўзгарувчан тезликда) характерли. Насослар учун пульсация даражаси пульсация коэффициенти  $k_n$  билан баҳоланади



181-расм. Куракли аралаштиргичнинг иш схемаси.

$$k_n = \frac{(q_{\max} - q_{\min})}{q_{\max}}, \quad (150)$$

бу ерда  $q_{\max}$  ва  $q_{\min}$  – мос ҳолда суюқликни максимал ва минимал узатилиши. Бу коэффициент оддий таъсирли насослар учун 0,55 га, икки таъсирлилар учун 0,21 га, уч таъсирлилар учун 0,1 га тенг.

Пульсацияни текислаш учун насосларда ҳаво қалпоклари күлланилади. Уларнинг ҳажмлари оддий таъсирли насослар учун –  $22Sl$ ; икки таъсирли учун  $-9Sl$ ; уч таъсирли учун  $-0,5Sl$ , бу ерда:  $S$  – плунжер ёки поршень юзаси.

Плунжерли ва поршенили насосларнинг тўлиқ ф.и.к. қуйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$\eta = \eta_z \eta_x \eta_m, \quad (151)$$

бу ерда  $\eta_z$  – гидравлик қаршиликни характерлайдиган гидравлик ф.и.к. ( $0,7...0,98$ );  $\eta_x$  – тизиг бўлмаган жойлардан оқимини характерлайдиган ҳажмий ф.и.к. ( $0,85...0,98$ );  $\eta_m$  – ишқаланишини ҳисобга оладиган механик ф.и.к. ( $0,85...0,95$ ).

Плунжерли ва поршенили насосларнинг қуввати  $N$  (квт)

$$N = \frac{pqx}{610^7 \eta}, \quad (152)$$

бу ерда  $p$  – босим тизимидағи босим,  $Pa$ ;  $q_x$  – насос билан суюқликни ҳақиқий узатиш,  $l/\text{мин}$ ;  $\eta$  – ф.и.к.,  $\eta = 0,6...0,75$ .

### 3-§. Пуркагич учликларнинг параметрлари

Пуркагичлар билан ишчи суюқлик сарфи. Учликларни маълум иш тартибида созлаш пуркагичнинг ҳаракат тезлиги ва қамраш кенглигини ҳисобга олган ҳолда заҳарли моддани белгиланган сарф микдори бўйича амалга оширилади. Юқоридаги параметрларни ҳисобга олган ҳолда учлик орқали суюқлик узатиш сарфи ( $m^3/c$ ) қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$q = 10^{-7} Q B \vartheta / z, \quad (153)$$

бу ерда  $Q$  – заҳарли модданинг белгиланган сарф меъёри,  $l/ga$ ;  $B$  – машинанинг қамраш кенглиги,  $m$ ;  $\vartheta$  – агрегат тезлиги,  $m/c$ ;  $z$  – учликлар сони.

Үчлик орқали ишчи суюқлик сарфини, (153) формула бўйича ҳисобланган, чиқиш тешиги юзаси  $f$  ( $\text{мм}^2$ ) ва ҳайдаш тизимидағи ишчи суюқликнинг босими  $H$  (м) ни танлаб, қўйидаги ифодадан олиш мумкин:

$$q = 0,01\mu f \sqrt{2gH}, \quad (154)$$


бу ерда  $\mu$  – учликнинг турига боғлиқ бўлган сарф коэффициенти: ўзакли марказдан қочирма учликлар учун – 0,41; тангенциал марказдан қочирмалар учун – 0,27.

$f = \pi d^2/4$  лигини ҳисобга олган ҳолда, маълум босим  $H$  да маълум шароит учун талаб қилинган учликнинг чиқиш тешиги диаметри  $d$  ни аниқлаш мумкин.

(153) ва (154) ифодалар пуркаш микдори учликлар сони, учликнинг чиқиш тешиги кесимининг юзаси, магистралдаги ишчи босим  $H$  ва агрегатнинг ҳаракати тезлигига боғлиқлигини кўрсатади, яъни

$$Q = 10^5 \mu z f \sqrt{\frac{2gH}{vB}}. \quad (155)$$

Пестицид билан ишлов бериладиган юзаларни қоплаш текислиги штангани юзадан жойлашиш баландлигига боғлиқ. Агротехник талабларга биноан штанга баландлиги  $h$  ни шундай танлаш керакки, бунда баргларга икки томонлама ишлов беришни ва қамраш кенглиги бўйича суюқлик сарфи микдорини бир текислигини таъминлайдиган пуркаш конуслари бир-бирини қоплаши керак (182-расм).



182-расм. Штанганинг ўрнатиш баландлигини аниқлашга доир схема.

Штанганинг минимал ўрнатиш баландлиги

$$h_{\min} = \frac{l}{\operatorname{tg}(\alpha/2)},$$

бу ерда  $l=B/z$  – учликлар орасидаги масофа, м;  $\alpha$  – пуркаш бурчаги.

Штанганинг макбул жойлашиш баландлиги қуидаги оралиқда бўлади:

$$0,8h = h_{\min} \leq h \leq h_{\max} = 1.3h \quad (156)$$

**Ишчи оқимнинг структураси.** Пуркағичнинг пуркаш курилмаси билан ҳосил қилинган ишчи оқим ҳаво ва унда тақсимланган ишчи суюқликнинг майда заррачаларидан иборат бўлади.

Учликдан чиқсан ишчи оқим чиқиш тешигидан узоқлашган сари у бир текис кенгаяди, унинг массаси аста-секин кўпаяди, чунки унга камраб турган ҳавонинг заррачалари кўшилади, тезлик эса масофага маълум боғлиқ равища камаяди: иккита қисм жиддий ажралади – бошлангич ва асосий (183-расм). Бошлангич қисмда оқимнинг бошлангич тезлиги  $v_0$  оқим ядроси чегарасида доимий ва энг катта бўлади. Асосий қисмда ўқ бўйича тезлик  $v_x$  конус найчадан узоқлашган сари камаяди.

Ядродан четдаги ҳар қандай кўндаланг кесимда оқим ўқидан узоқлашган сари оқим тезлиги  $v$  камаяди ва чегарада нолга тенглашади. Чиқиш тешигидан  $x$  масофада ўқ бўйича оқим тезлиги ( $\text{м/сек}$ ) қуидаги формула бўйича аниқланиши мумкин

$$v_x = 0,48v_0 / (r_x / d + 0,145), \quad (157)$$

бу ерда  $d$  – чиқши тешиги диаметри;  $r_x$  – конус найчадан  $x$  масофада оқим кўндаланг кесимишнинг радиуси.

Чиқиш тезлиги  $v_0$  нинг қиймати ҳисобдагидан бироз кичик бўлади:

$$v_{yp} = kv_0, \quad (158)$$


бу ерда  $k$  – коэффициент: тораядиган тешик учун  $k = 1$ ; цилиндрик қувур учун  $k = 0,875$ ; кенгайши бурчаги  $8...10^0$  бўлган диффузор учун  $k = 0,75$ .

(157) ва (158) орқали олинган ўрта чиқиш тезлиги учликнинг чиқиш диаметри ( $d$ ) ни аниқлашга имкон беради:

$$d = \sqrt{\frac{4 \cdot 10^3 Q}{\pi 60 v_{yp}}} \quad (159)$$

бу ерда  $Q$  – учлик орқали суюқлик сарфи,  $\text{л/мин}$ .

**Вентиляторли пуркағич курилмаларга** куйладиган асосий талаблардан бири ҳаво-суюқлик оқимини талаб қилинган узоққа отилишини таъминлаш. Учликдан тизиллаб чиқаётган суюқлик оқими ва ҳаво оқими ўртасидаги бурчак  $90^\circ$  бўлганда ҳаво-суюқлик аралашмаси энг узоқ масофага отилади.



183-расм. Эркин чиққан оқимнинг схемаси.  
1 - оқим қутби; 2 - оқим ядрои; 3 - ўтиш кесими.

Богларни пуркашда зарур бўлган учиш узоклиги қўйидаги формула бўйича аникланади.

$$x = \sqrt{H^2 + (B/2)^2}, \quad (160)$$

бу ерда  $H$  – дараҳтлар баландлиги, м;  $B$  – дараҳтлар қатор оралиги, м.

Захарли модда заррачалари дараҳтнинг шоҳлари орасига кириши ва унинг баргларида ўтириб қолиши учун ҳаво оқими етарли даражада кинетик энергияга, яъни шоҳлар орасига киришда маълум тезликка эга бўлиши керак.

Барглар ва шоҳлар новдаларининг қаршилигини енгишга кинетик энергияни анча қисми сарф бўлади ва ҳаво оқимнинг тезлиги тахминан 6 м/с га камаяди. Тажрибаларга кўра, ҳаво оқими тезлиги 5...6 м/с бўлганда барглар пояси атрофида айланиб, тўлиқ бурилади ва турғун ҳолатни эгаллайди, 35 м/с дан катта тезликда эса шикастланади. Ҳаво оқими катта дараҳтнинг шоҳлари орасига кириши ва баргларининг икки томонига яхши ишлов бериши учун у қўйидаги тезликка эга бўлиши керак: қалин шоҳга киришда 20 м/с дан кам бўлмаган ва 35 м/с дан катта бўлмаган; сийрак шоҳга киришда – 10...20 м/с; токларнинг тўпларига киришда – 8...15 м/с.

Вентиляторли пуркаш курилмасини мақбул иш режимига созлаш учун (157) ифодага оқимни шоҳга кириш тезлиги  $v_x$  ва (160) формула бўйича аникланган учиш узоклиги  $x$  қўйилади. Ҳисобланган  $v_0$  нинг қийматига ёки унга мос унумдорлик  $Q = v_0 f$  га вентилятор ростланади, бу ерда  $f$ -найчанинг чиқиши тешиги юзаси. Дала экинларига ишлов беришда энг катта учиш узоклигига (қамров кенгликка) эришиш учун

вентиляторнинг конус найчаси агрегатнинг ҳаракат йўналишига перпендикуляр ва горизонтга 28...45° бурчак остида йўналитирилади.

#### 4-§. Чанглатгичларнинг ҳисоби

Чанглатгичларнинг асосий иш органи таъминлагич бўлиб, у бир вактда қадоқлагич вазифасини ҳам бажаради.

Шнекли таъминлагичнииг унумдорлиги  $Q$  ( $m^3/c$ ) В.П.Горячкин формуласига асосланган кўйидаги тенглама бўйича аниқланади

$$Q = (\pi D^2/4)(ln\eta_r/60),$$

бу ерда  $D$  – шнек ўрами диаметри, м;  $\eta_r$  – тўлиши коэффициенти;  $l$  – винт қадами, м;  $n$  – айланниш частотаси, мин<sup>-1</sup>.

Материалнинг бўйлама силжиши тезлиги  $v_0$  (м/с) кўйидаги формула бўйича ҳисобланади

$$v_0 = ln/60 \quad (161)$$

Пневматик таъминлагичларнинг ўтказувчанлик қобилияти кўйидаги формула бўйича аниқланади

$$Q = 10^{-1}fv_0\eta_m z, \quad (162)$$

бу ерда  $f$  – битта қадоқловчи тирқишининг юзаси,  $dm^3$ ;  $v_0$  – препарат тушинини бошлилангич тезлиги,  $m/c$ ;  $z$  – қадоқловчи (дозаловчи) тирқишилар сони,  $\eta_m$  – тўлиши коэффициенти (порошоклар учун  $\eta_m = 0,7...0,81$ ).

Чанглаткичлар билан заҳарли модда сарфи  $G$  (кг) кўйидаги ифодадан аниқланади

$$G = 600v_0BQ, \quad (163)$$

бу ерда  $v_0$  – машина тезлиги,  $km/soat$ ;  $B$  – чангли тўлқинининг қамраши кенглиги, м;  $Q$  – заҳарли модданинг белгиланган сарф миёри,  $kg/ta$ .

#### 5-§. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиши машиналарини ривожланиш йўналишлари

Ўсимликларни ҳимоя қилиш машиналарини замонавий ривожланиш даражаси уларнинг параметрлари ва конструкциясига, технологик жараённи бажариш сифатига, операторларнинг иш шароитини яхшилашга ва заҳарли препаратлар билан атроф-мухит ифлосланишини камайтиришга талабларни узлуксиз кучайиши билан тавсифланади.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш технологияларининг ривожланишини асосий йўналишлари кўйидагилардан иборат: қишлоқ хўжалиги экинларига кичик ва ультраҳажмли пуркаш ва биологик усуспарни жорий қилиш; ишчи органларни такомиллаштириб ишлов бериш сифати ва самарасини ошириш (қадоқлаш, пуркаш, технологик

жараённи назорат қилиш ва бошк.); тупроқнинг зичланишини ва ўсимликларнинг шикастланишини камайтириш; истиқболли кимёвий чидамили материалларни қўллаш; санитар-гигиеник иш шароитларини яхшилаш ва атроф-муҳитга экологик юкламани камайтириш.

Ишчи органлар ва машиналарни яратишдаги асосий йўналиш препараторлардан мақбул фойдаланишини ва юкори техник самарадорликда объектларга кичик сарф миқдорли ишлов беришни таъминлайдиган машиналар ва машиналар комплексининг конструктив-кинематик параметрларини асослашни кўзда тутади. Штангали пуркаш, препараторларни тасмали ва дифференциялашган сепиш, ҳаво оқими ва электрик кучлар таъсирида ишчи коришмаларни ишлов бериш объектларига мажбурий ўтириши, алоқали ишлов бериш ва монодисперсли ишчи органлар кенг қўлланилади. Хизмат муддатини 3-6 марта ва пуркаш сифатини 1,5..2,0 марта оширишни таъминлайдиган тирқишли ва дифлекторли минералокерамик училкларни ишлаб чиқариш йўлга кўйилмоқда. Истиқболда пестицид билан алоқада бўладиган баклар ва қувурларни полиэтилен, стеклопласт, биметаллик лист ва занглашмайдиган пўлатдан, штангаларнинг ушлаб турувчи элементларини базальтопластик композицион материалдан, аэрозол генератор училклари ва иссиқлик қувурларини минералокерамик материаллардан тайёрлаш тавсия қилинмоқда.

Янги машиналарда ўсимликларга майда томчили пуркайдиган ва ишчи суюклик сарфини камайтирадиган икки томонлама ва дискли училклар, ишчи суюклик сарфини автоматик созлайдиган тизимлар ва дискретли пуркаш мосламалари кенг қўлланилади. Технологик жараёнларни бажариш ва ҳаракат тезлигини танлаш тўлик автоматлаштирилади.

Истиқболда потенциал ҳосилдорликни 40% гача сақлайдиган интеграциялашган ўсимликларни ҳимоя қилишни агротехник, биологик, кимёвий ва бошқа турларини мақбул мужассамлаштирган усулга кўпроқ эътибор қаратилади.

Яқин ўн йилларда биофизик ҳодисалар, ген инженерияси ва бошқа омилдан фойдаланиб, ҳамда барча технологик жараёнларни автоматлаштириб ва компьютерлаштириб ўсимликларни ҳимоя қилишни янги технологияси ва машиналарини яратиш бўйича илмий тадқиқот ва конструкторлик ишлари кенг қўламда олиб борилади.

### *Таянч иборалар*

Пуркагич, аралаштиригич, бак, пестицид, концентрация, циркуляция коэффициенти, унумдорлик, насос, плунжер, пульсация коэффициенти,

ұажмий түлиш коэффициенти, фойдали иш коэффициенти, учлик, қамраш көнгіліги, суюқлик сарфи коэффициенти, босим, штанга, ўрнатыш баландлігі, чанглаттич.

### *Назорат саволлари*

1. Циркуляция коэффициенти нима ва у қандай аникланади? 2. Гидравлик арапаштиргичнинг унумдорлiği қандай омилларга боғлиқ?
3. Поршенли (плунжерли) насосларнинг унумдорлiği қандай аникланади? 4. Пульсация коэффициенти нима? 5. Насосларнинг ф.и.к қандай омилларга боғлиқ? 6. Поршенли (плунжерли) насоснинг кувваты қандай аникланади? 7. Тизимдаги босим ва учлик тешигининг диаметри учлик орқали суюқлик сарфига қандай таъсир кўрсатади? 8. Ишлов бериш юзасига нисбатан пуркагичнинг штангасини жойлашиш баландлігі қандай параметрларга боғлиқ? 9. Чанглаттич шнекли таъминлагичининг унумдорлiği қандай аникланади? 10. Чанглаттич билан заҳарли модда сарфи қандай омилларга боғлиқ?

**Биринчи бўлимга доир**

1. Цилиндрсimon ишчи юзали биринчи корпуснинг асосий параметрлари:  $\gamma_0 = 42^\circ$ ,  $\gamma_{\max} = 48^\circ$ ; иккинчисиники:  $\gamma_0 = 38^\circ$ ,  $\gamma_{\max} = 50^\circ$ . Биринчи ва иккинчи корпуснинг ишчи юзалари қайси турга тааллукли?

**Жавоб:** Биринчиси маданий, иккинчиси ярим винтсimon турдаги ишчи юзата тааллукли.

2. Лемех бўйича тупроқнинг ишқаланиш коэффициенти  $\varphi = 26^\circ$ . Плутнинг маданий ва ярим винтсimon корпушлари лемехи билан тупроқ палахасини кесишида сирпаниш коэффициентлари  $i_m$  ва  $i_x$  ни аниqlанг?

**Жавоб:**  $i_m \approx 0,576$ ,  $i_x \approx 0,712$ .

3. Иккинчи машқ шарти учун тиф эгрилиги радиуси  $r=0,5 \text{ mm}$  бўлганда унинг қалинлигини аниqlанг?

**Жавоб:**  $\delta \approx 0,44 \text{ mm}$ .

4. Қамраш кенглиги  $b=35 \text{ см}$  бўлганда винтсimon корпушли плутнинг рухсат этилган энг катта ишлов бериш чукурлигини аниqlанг?

**Жавоб:**  $a_{\max} < 28 \text{ см}$ .

5. Корпуснинг қамраш кенглиги  $350 \text{ mm}$ , палахсани айланиси  $140^\circ$  бўлганда палахсани айлантириш бўйича агротехник талабларни бажарилишини таъминлайдиган энг катта шудгорлаш чукурлигини аниqlанг?

**Жавоб:**  $a_{\max} \leq 22,5 \text{ см}$ .

6. Плут корпусининг тортишга қаршилиги  $7 \text{ kN}$ , тупроқнинг дала тахтаси бўйича ишқаланиш коэффициенти  $f = 0,476$ . Дала тахтасининг эгат девори бўйича ишқаланишга қаршилиги корпуснинг тортишга қаршилигини қанча кисмини (% да) ташкил қилишини аниqlанг?

**Жавоб:**  $\approx 21,2 \%$ .

7. Ҳосил қилувчини эгат деворига нисбатан қиялик бурчаги  $42^\circ$ , ишқаланиш бурчаги  $26,5^\circ$ , корпуснинг қамраш кенглиги  $350 \text{ mm}$  бўлганда плутнинг ҳаракат йўналиши бўйича корпушлар орасидаги масофани аниqlанг?

**Жавоб:**  $I = 888,65 \text{ см}$ .

8. Ўқёйсимон культиватор панжаситигининг бегона ўтлар илдизи бўйича ишқаланиш бурчаги  $\varphi_u = 24^\circ$ , тупроқ бўйича эса  $\varphi_r = 28^\circ$ . Тупроқдаги бегона ўтлар илдизини сирпанишини таъминлайдиган культиватор панжасининг очилиш бурчакларини, ҳамда энг кам тиқилиш нуқтаси назаридан очилиш бурчагининг оптималь қиймати  $\gamma_{\text{opt}}$  ни аниqlанг?

**Жавоб:**  $\gamma < 62^\circ$ ,  $\gamma_{\text{opt}} = 31^\circ$ .

9. Агар культиватор юмшаттич панжасининг қамраш кенглиги  $b_o = 5$  см, бошлангич увалаш бурчаги  $\alpha_o = 20^\circ$ , ишлов бериш чуқурлиги  $a = 16$  см ва панжа бўйича тупроқни ишқаланиш бурчаги  $\varphi_n = 26^\circ$  бўлса, у билан тупроқни деформацияланиш худудини ( $l_{min}$ ,  $l_{max}$ ,  $L$  ва  $b_1$ ) аниқланг?

**Жавоб:**  $l_{min} \approx 7,8$  см,  $l_{max} \approx 3,6$  см,  $L \approx 16,6$  см ва  $b_1 \approx 16,7$  см

10. Тигининг эгрилик радиуси  $r = 1,0$  мм бўлган плугнинг дастали ичиғори ишқаланиш бурчаги  $\varphi_n = 16^\circ$  бўлган илдизни ва ишқаланиш бурчаги  $\varphi_t = 30^\circ$  бўлган тупроқни кесади. Биринчи ва иккинчи жараёнлар учун тигининг қалинлиги қандай?

**Жавоб:**  $\delta_n \approx 0,55$  мм;  $\delta_t \approx 1,0$  мм.

11. Агар панжа бўйича тупроқнинг ишқаланаши бурчаги  $\varphi_n = 26^\circ$  бўлса, универсал ўқёйсимон панжага бўйлама-тиқ текисликда тупроқнинг тенг таъсир қилувчи реакцияси йўналишини (бурчак  $\psi$ ) аниқланг?

**Жавоб:**  $\psi = 46^\circ \dots 48^\circ$ .

12. Фрезанинг кинематик иш тартиби кўрсаттичи  $\lambda$  ва ишчи тезлигини аниқланг? Фреза қўйидаги асосий параметрлари билан тавсифланади: фреза барабани диаметри  $d = 710$  мм, дискдаги пичоқлар сони  $z = 7$ , барабанинг айланиши частотаси  $n = 200$  мин<sup>-1</sup>.

**Жавоб:**  $\lambda \approx 7,1$ ;  $v \approx 1,05$  м/с ёки 3,8 км/с.

13. 13 – машқдаги шароитлар учун фрезанинг ишлов бериш чуқурлиги  $a = 12$  см бўлганда қириндининг энг катта қалиплигини аниқланг?

**Жавоб:**  $\delta_{max} \approx 3,4$  см.

14. Агар текис цилиндрик фалтакнинг диаметри  $d_F = 700$  мм, дала юзасидаги энг катта кесакларнинг диаметри  $d_k = 80$  мм, фалтакнинг тупроқ бўйича ишқаланиш бурчаги  $\varphi_1 = 18^\circ$  ва тупроқни тупроқ бўйича ишқаланиш бурчаги  $\varphi_2 = 22^\circ$  бўлса, фалтак олдида кесаклар тўпланиши мумкини?

**Жавоб:** кесаклар тўпланимайди.

15. Хайдов агрегати тортиш кучи 30 кН бўлган трактор ва кейинги икки корпуси олинадиган 5-корпусли плугдан иборат. Корпусларнинг қамраш кенглиги  $b = 35$  см. Агар плутнинг солишишига қаршилиги  $K = 110$  кПа ва шудгорлаш чуқурлиги  $a = 25$  мм бўлса, ундаги корпуслар сони  $n$  нечта бўлиши керак?

**Жавоб:**  $n = 3$ .

16. Агар плугнинг оғирлиги  $P = 9600$  Н, очиқ эгатда судрашга қаршилик коэффициенти  $f = 0,7$ , ишчи тезлиги 4...5 км/соат бўлса 18-машқдаги шароитлар учун унинг ф.и.к. аниқланг?

**Жавоб:**  $\eta = 0,78$ .

17. Агар дискнинг диаметри 450  $мм$ , ўркачлилик 5  $мм$  ва хужум бурчаги 20° бўлса, борона дисклари орасидаги минимал масофани аниқланг.

**Жавоб:**  $b=263 \text{ mm}$

### Иккинчи бўлимга доир

1. Дон сеялкаси иш жараёнида  $l_{\text{ок}} = 42 \text{ m}$  га тенг йўл ўтган, бунда унинг диаметри  $D = 125 \text{ mm}$  бўлган таянч фидираклари 10 марта тўлиқ айланган. Сеялка фидиракларининг сирпаниш коэффициентини аниқланг?

**Жавоб:**  $\epsilon \approx 0,07$  ёки 7%.

2. 1 – машқдаги шароитлар учун  $Q_e = 180 \text{ кг/га}$  белгиланган меъёри таъминлаш учун сеялкани қандай экиш меъёрига ўрнатиш лозим?

**Жавоб:**  $Q_{\text{хис}} = 193 \text{ кг/га}$ .

3. Уялаб экишда уялар орасидаги масофа  $l_{\text{ку}} = 70 \text{ см}$  ва уялардаги туганаклар сони  $m = 3$ , қаторлаб туганакларни экишда  $l_{\text{кк}} = 35 \text{ см}$  бўлганда қаторлаб ва уялаб экишда қошик–дискли экиш аппаратли картошка эккичининг рухсат этилган ишчи тезликлари  $v_x$  ва  $v_y$  ларини аниқланг?

**Жавоб:**  $v_x = 2,45 \text{ м/с}$ ,  $v_y = 1,63 \text{ м/с}$ .

4. Агар қатордаги кўчатлар орасидаги масофа  $l_p = 70 \text{ см}$ , бўлса кўчат ўтқазиш машинасининг ишчи тезлигини аниқланг?

**Жавоб:**  $v = 0,468 \text{ м/с}$ .

5. 4 – машқдаги маълумотлар бўйича кўчатушлагичга кўчатни ўрнатиш учун қанча вақт ажратилишини аниқланг?

**Жавоб:**  $t \approx 1,5 \text{ с}$ .

6. Ҳаракат узатиш фидирагидан экиш аппаратларига узатишлар нисбати  $i = 0,54$ , ҳаракат узатиш фидираги диаметри  $D = 1,2 \text{ м}$ , фалтакнинг ташки диаметри  $d_F = 5 \text{ см}$ , новнинг кўндаланг кесими юзаси  $f_* = 0,5 \text{ см}^2$ , новлар сони  $z = 12$ , қатор оралиги  $a = 0,15 \text{ м}$ , фаол қатламнинг шартли қалинлиги  $C_w = 0,25 \text{ см}$ , уруғлар зичлиги  $\rho = 0,72 \text{ г/см}^3$  ва экиш меъёри  $Q = 220 \text{ кг/га}$  бўлганда экиш аппарати фалтагининг ишчи узунлигини аниқланг?

**Жавоб:**  $l_u = 37,1 \text{ mm}$

### Учинчи бўлимга доир

1. Агар ўғитлар оқимининг тезлиги  $v_o = 1 \text{ м/с}$ , тарелканинг катта диаметри  $D_{\text{max}} = 232 \text{ mm}$ , кичик диаметри  $D_{\text{min}} = 48 \text{ mm}$  бўлса, ўғит экиш аппарати тарелкасининг энг катта бурчак тезлигини аниқланг?

**Жавоб:**  $\omega_{\text{max}} = 14,28 \text{ c}^{-1}$ .

2. Диск  $H = 0,7 \text{ м}$  баландликда горизонтал жойлашган, унинг айланиш частотаси  $n=800 \text{ мин}^{-1}$ , катта диаметри эса  $D=500 \text{ мм}$  бўлса, марказдан қочма ўғит сепиш аппаратининг қамраш кенглигини аниқланг?

**Жавоб:**  $B=15,9 \text{ м}$

3. Агрегат тезлиги  $v=1,5 \text{ м/с}$ , ўғитни экиш меъёри  $Q=500 \text{ кг/га}$ , тирқиши баландлиги  $h=20 \text{ мм}$ , тирқиши юзасидан фойдаланиш коэффициенти 0,4, ўғитлар зичлиги  $\rho=800 \text{ кг/м}^3$ , бармокларни ўрнатиш бурчаги  $40^\circ$  бўлса, ўғитсоғчиқ транспортёри тезлигини аниқланг?

**Жавоб:**  $U_{\text{тр}}=0,4 \text{ м/с}$

4. Дискнинг минимал радиуси  $r_{\min}=50 \text{ мм}$ , ўғитларни диск бўйича ишқаланиш бурчаги эса  $\varphi=35^\circ$  бўлса, марказдан қочма ўғит сепиш аппаратининг минимал айланиш частотасини аниқланг?

**Жавоб:**  $\omega_{\min}=11,71 \text{ с}^{-1}$

5. Машинанинг тезлиги  $v_m=1,5 \text{ м/с}$  бўлганда  $Q = 30 \text{ м/га}$  ўғит сепиш меъерини таъминлайдиган гўнг соғиччининг таъминлагич транспортёри тезлигини аниқланг. Гўнг соғиччининг қамраш кенглиги  $B = 6 \text{ м}$ , узатиладиган ўғит қатламининг кенглиги  $b=1,6 \text{ м}$ , қатлам қалинлиги  $h = 0,6 \text{ м}$ , ўғитларни зичлиги  $\rho = 0,7 \text{ т/м}^3$ .

**Жавоб:**  $U_{\text{тр}}=0,04 \text{ м/с}$

### Тўртинчи бўлимга доир

1.  $Q=1200 \text{ дм}^3/\text{га}$  микдордаги заҳарли моддани сепилишини таъминлайдиган агрегатнинг ҳаракат тезлигини аниқланг. Вентиляторли пуркагич 12 та пуркагич учликли пуркаш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиб, унинг қамраш кенглиги  $B=20 \text{ м}$ , бўлса, пуркагич учлик орқали ишчи суюқликни узатиш (суюқлик сарфи)  $q=10 \text{ дм}^3/\text{мин}$ .

**Жавоб:**  $v = 0,835 \text{ м/с}$  ёки  $3 \text{ км/соат}$ .

2. 1 – машқдаги шароитлар учун пуркагич учликнинг чиқиш тешиги диаметри  $d$  ни аниқланг. Пуркагич марказдан қочирма турдаги тангенцијал учлик билан жиҳозланган, узатиш тизимидағи суюқликнинг ишчи босими  $H=2 \text{ МПа}$ .

**Жавоб:**  $d = 3 \text{ мм}$ .

3. Боғбоп пуркагич ўқ бўйича вентилятор билан жиҳозланган, унинг конус найчасининг чиқиш тешиги диаметри  $d = 0,4 \text{ м}$ . Агар дараҳтларнинг баландлиги  $H = 6 \text{ м}$ , қатор оралики кенглиги  $B = 6 \text{ м}$ , шох-шаббалари етарли даражада қалин, шох-шаббаларга киришдаги ҳаво оқимининг тезлиги  $v_x \approx 20 \text{ м/с}$ , оқимнинг турбулентлик коэффициенти  $a = 0,1$  бўлса, вентиляторнинг талаб қилинган унумдорлиги  $Q$  ни аниқланг?

**Жавоб:**  $Q = 34000 \text{ м}^3/\text{соат}$ .

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: "Ўзбекистон", 1998.
2. Ҳамидов А. Қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаш. Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
3. Шоумарова М., Абдилаев Т. Қишлоқ хўжалиги машиналари. Тошкент: «Ўқитувчи», 2002.
4. Листопад Г.Е. и др. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. М.: Агропромиздат, 1986.
5. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. М.: «Машиностроение», 1977.
6. Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. М.: Колос, 1998.
7. Маматов Ф.М. Теория и расчет плоских дисковых ножей сельскохозяйственных машин. Карши: Насаф, 1992.
8. Сабликов М.В. Сельскохозяйственные машины. М.: Колос, 1976.
9. Любимов А.И. и др. Практикум по сельскохозяйственным машинам. – М.: Колос, 1999.
10. Сельскохозяйственные машины. Практикум /Под ред. А.П. Тарасенко. – М.: Колос, 2000.
11. Маматов Ф.М., Эргашев И.Т. Механико-технологические основы гладкой безбороздной вспашки. Тошкент: «Фан», 2003.
12. Циммерман М.З. Рабочие органы почвообрабатывающих машин. М.: Машиностроение, 1978.
13. Маматов Ф.М., Равшанов Х.А. Эрозияга қарши тупроққа ишлов бериш технологиялари ва техник воситалари. Карши: «Насаф», 2006.
14. Ҳаджиев А.Х. Технологические основы механизации внесения органоминеральных удобрений под хлопчатник. Янгиюль, 2002.
15. Механизация обработки почвы, посева и применения удобрений. Научные труды ВИМ. Том 131. М.: ВИМ, 2000.
16. Маматов Ф.М., Худоёров Б.М. ва бошк. Ерни тайёрлашда янги усул афзаликлари. / Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003, 10-сон.
17. Тошболтаев М., Бойматов Р., Холиёров Ё. Замонавий техника – интенсив технология омили //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. 2003, 10-сон
18. Каашев Б.А. и др. Тенденция развития технологий и средств механизации обработки почвы. Обзорная информация. М.: ВНИИИТагромаш, 1988.
19. Кулен А., Купперс Х. Современная земледельческая механика. М.: Агропромиздат, 1986.

## Предметли күрсатыч

- Думаланиш коэффициенти 139  
Дискинг кинематик тартиби күрсатычи 96  
Дискнинг эгрилик радиуси 131  
Критик тезлик 250  
Кесиш бурчаги 24  
Машиналар тизими 3  
Нишаблик бурчаги 168  
Понанинг силжитиш бурчаги 25  
Понанинг бураш бурчаги 25  
Пуркашнинг дисперслиги 293  
Плугнинг очик әгатда судрашга қаршилик коэффициенти 103  
Пичокни узатиши 164  
Плут қаршилигининг ўзгарувчанлиги 95  
Плугнинг солиштирма қаршилиги 104  
Сирпаниш шарти 36  
Сирпаниш коэффициенти 36  
Сирпаниш меъёри 35  
Суриш кучи 254  
Структурали тупроқ 9  
Тупрокнинг суюқ фазаси 10  
Тупрокнинг газсимон фазаси 11  
Тупрокнинг қаттиқ фазаси 8  
Тупрокнинг говаклилиги 8  
Тупрокнинг зичлиги 8  
Тупрокнинг тошлилиги 8  
Тупрокнинг абсолют намлиги 11  
Тупрокнинг солиштирма массаси 10  
Тупрокнинг етилганлиги 11  
Тупрокнинг солиштирма массаси 10  
Тупрокнинг чидамлилик чегараси 12  
Тупрокнинг ҳажмий эзилиш коэффициенти 15  
Тупрокнинг ишқаланиш коэффициенти 15  
Тупрокнинг ёпишқосклиги 16  
Тупрокнинг эластиклилиги 17  
Тупрокнинг қовушқосклиги 17  
Тупрокнинг чимлилиги 18  
Тупрокнинг қаттиқлиги 13  
Тупрокни синиш бурчаги 30  
Тупроқ муртлиги 18  
Тиф қалинлиги 33  
Тиф ўткирлиги 33  
Трактор базаси 100  
Тешикнинг критик радиуси 246  
Уч фазали дисперс мұхит 7  
Ургуннинг чидамлилиги 196  
Увалаш бурчаги 24  
Үркәч баландлиги 165  
Үйтларни гигроскопиклиги 196  
Фаол қатлам қалинлиги 248  
Фойдалы иш коэффициенти 105  
Фрезанинг кинематик тартиб күрсатычи 163  
Физик гил 8  
Физик құм 8  
Хужум бурчаги 133  
Химоя зонаси 156  
Чархланиш бурчаги 33, 150, 131  
Шатаксираш коэффициенти 139  
Ғалтакнинг иш ҳажми 248  
Қаттиқлик ўлчагыч 13  
Қиринді қалинлиги 164  
Қисиш бурчаги 137  
Экиш ва күчтән үтказиш машиналарини солиштирма қаршилиги 260  
Әнса бурчак 133

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
Биринчи бүлім .....	7
<b>ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ ВА ҚУРОЛЛАРИ</b>	
<b>1-БОБ. ТУПРОҚНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТАРКИБИ ВА ТЕХНОЛОГИК ХОССАЛАРИ .....</b>	<b>7</b>
1-§. Тупроқниң тузилиши ва таркиби .....	7
2-§. Тупроқниң технологик хоссалари .....	12
<b>2-БОБ. ТУПРОҚҚА МЕХАНИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ .....</b>	<b>20</b>
1-§. Технологик операциялар, жараёнлар ва тупроққа ишлов бериш тизимлари .....	20
2-§. Пона назарияси .....	23
3-§. Текис пона юзасини эгри чизикли юзага ривожланиши .....	31
4-§. Тиф билан кесиш технологик жараённинг асослари .....	33
<b>3-БОБ. ПЛУГЛАРНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ .....</b>	<b>37</b>
1-§. Шудгорлаш турлари .....	37
2-§. Плугларни таснифланиши .....	39
3-§. Лемехли плугларнинг умумий тузилиши ва иш жараёнлари .....	42
4-§. Корпусларнинг турлари ва уларнинг асоси конструктив элементлари .....	42
5-§. Чимкиркар ва бурчак кескічлар .....	50
6-§. Пичоқлар ва тупроқ чұқурлатгычлар .....	52
<b>4-БОБ. ПЛУГЛАРНИНГ ЁРДАМЧИ ҚИСМЛАРИ .....</b>	<b>55</b>
1-§. Рама ва гидираклар .....	55
2-§. Күтариш - ўрнатыш механизмлари .....	56
3-§. Осиш курилмаси .....	61
4-§. Саклагыч механизmlар ва курилмалар .....	61
<b>5-БОБ. МАХСУС ВАЗИФАЛИ ПЛУГЛАР .....</b>	<b>67</b>
1-§. Плантаж ва бутазор ботқоқлик плуглари .....	67
2-§. Ярусли плуглар .....	68
3-§. Текис шудгорлайдыган махсус плуглар .....	69
4-§. Тупроққа ишлов беришга ҳозирғи замон талаблари .....	77
<b>6-БОБ. КОРПУС ИШЧИ ЮЗАЛАРИНИ ҚУРИШНИНГ УМУМИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ШУДГОРЛАШ</b>	
<b>ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>79</b>
1-§. Корпус ишчи юзаларини қуришнинг умумий принциплари .....	79
1.1-§. Цилиндрсімөн ишчи юзалар .....	80

1.2-§. Винтсимон ишчи юзалар .....	83
2-§. Тезкор ишчи юзаларнинг хусусиятлари .....	84
3-§. Шудгорлаш жараёнининг назарий асослари .....	87
<b>7-БОБ. ПЛУГТА ТАЪСИР ЭТУВЧИ КУЧЛАР ВА УНИНГ РАВОН ҲАРАКАТИ ШАРТЛАРИ .....</b>	<b>92</b>
1-§. Плутнинг ишчи органларига таъсир этувчи кучлар .....	92
1.1-§. Плуг корпусига таъсир этувчи кучлар .....	92
1.2-§. Корпуснинг тортишга қаршилигини характеристи .....	94
1.3-§. Пичоқ параметрлари ва уларни куч тавсифи .....	96
2-§. Плуг ишчи органлари ва гидиракларини жойлаштириш .....	97
3-§. Плутнинг қамраш кенглиги ва трактор колеяси .....	100
4-§. Плутта таъсир этувчи кучлар ва унинг тортиш қаршилиги ....	102
5-§. Тупроқ ва плутнинг солиштирма қаршиликлари .....	103
6-§. Плутнинг фойдали иш коэффициенти .....	105
7-§. Плутнинг мувозанатлиги ва унинг равон ҳаракати шартлари .....	106
<b>8-БОБ. БОРОНАЛАР ВА ФАЛТАКЛАРНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ .....</b>	<b>115</b>
1-§. Бороналар .....	115
1.1-§. Тишли бороналарнинг таснифланиши ва уларнинг конструкцияси элементлари .....	115
1.2-§. Дискли бороналарнинг таснифланиши ва конструкциясини асосий элементлари .....	119
2-§. Фалтаклар ва гидираклар .....	121
<b>9-БОБ. БОРОНАЛАР ВА ФАЛТАКЛАРНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ .....</b>	<b>125</b>
1-§. Тишли бороналарнинг асосий параметрлари .....	125
2-§. Тишли бороналарнинг тишлиларини рамада жойлаштириш .....	127
3-§. Тишли борона қаршилиги ва унинг мувозанатлик шарти ....	130
4-§. Дискларнинг асосий геометрик параметрлари .....	131
5-§. Дискларнинг ўрнатиш параметрлари ва уларни тупроқка ишлов бериш сифатига таъсири .....	133
6-§. Дискларнинг куч тавсифи .....	135
7-§. Дискли куролларнинг мувозанатлиги .....	136
8-§. Фалтакларнинг назарияси ва ҳисоби .....	137
8.1-§. Фалтакларнинг асосий параметрлари .....	137
8.2-§. Фалтакни (гидиракни) думалашга қаршилиги .....	139
<b>10-БОБ. ФАОЛ ТАЪСИРЛИ РОТАЦИОН ИШЧИ ОРГАНЛИ МАШИНАЛАР ВА КУЛЬТИВАТОРЛАРНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ .....</b>	<b>140</b>
1-§. Фаол таъсирли ротацион ишчи органли машиналар .....	140
2-§. Культиваторлар .....	146

2.1-§. Культиваторларнинг турлари ва вазифаси .....	146
2.2-§. Культиваторларнинг ишчи органлари .....	147
<b>11-БОБ. КУЛЬТИВАТОРЛАР ВА АКТИВ ТА'СИРЛИ РОТАЦИОН ИШЧИ ОРГАНЛИ МАШИНАЛАРНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ .....</b>	<b>150</b>
1-§. Культиваторлар панжаларининг асосий параметрлари .....	150
2-§. Панжаларнинг куч тавсифи .....	153
3-§. Культиваторларнинг ишчи органларини рамага ўрнатиш .....	154
4-§. Культиватор ишчи органларини ва гидиракларини рамада жойлаштириш .....	156
5-§. Ишчи органлари бир ва кўпшарнирили беркитилган машиналарнинг мувозанатлиги .....	160
6-§. Фреза ҳаракатининг тракторияси .....	162
7-§. Фрезаларнинг ишини асосий кўрсатгичлари .....	163
8-§. Фреза ишчи органларига таъсир килувчи кучлар .....	166
<b>12-БОБ. ТУПРОҚНИ ҲИМОЯЛАБ ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИ ВА ҚУРОЛЛАРИ .....</b>	<b>168</b>
1-§. Сув эрозиясига қарши кураш машиналари .....	168
2-§. Шамол эрозияга қарши тупрокка ишлов бериш машиналари .....	169
2.1-§. Иш органларининг турлари ва уларнинг асосий конструктив элементлари .....	169
<b>13-БОБ. КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТЛАР .....</b>	<b>176</b>
<b>Иккинчи бўлим .....</b>	<b>192</b>
<b>ЭКИШ ВА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ МАШИНАЛАРИ .....</b>	<b>192</b>
<b>1-БОБ. ЭКИШ ВА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ УСУЛЛАРИ, МАШИНАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ .....</b>	<b>192</b>
1-§. Экиш ва кўчат ўтқазиш усуллари .....	192
2-§. Экишга ва кўчат ўтқазишга агротехник талаблар .....	195
3-§. Уруғларнинг технологик хоссалари .....	196
4-§. Экиш ва кўчат ўтқазиш машиналарининг таснифланиши .....	198
5-§. Сеялкаларнинг иш жараёнини умумий схемаси .....	199
<b>2-БОБ. ЭКИШ ВА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ МАШИНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ .....</b>	<b>200</b>
1-§. Таъминловчи сифимлар .....	200
2-§. Экиш ва кўчат ўтқазиш аппаратлари .....	201
3-§. Уруғтказгичлар .....	210
4-§. Сошниклар .....	211
5-§. Уруғлар, туганаклар ва кўчатларни кўмиш мосламалари .....	216
<b>3 - БОБ. УНИВЕРСАЛ СЕЯЛКАЛАР .....</b>	<b>219</b>
1-§. Дон сеялкалари .....	219

2-§. Сеялкаларни ишга тайёрлаш .....	220
3-§. Ангиз сеялка-культиватори .....	223
4-§. Уругларни сошникларга пневматик узатадиган сеялка .....	225
5-§. Махсус сеялкалар .....	227
6-§. Пахта экиш сеялкалари .....	231
7-§. Картошка экиш ва кўчат ўтқазиш машиналари .....	241
<b>4-БОБ. ЭКИШ МАШИНАЛАРИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ .....</b>	<b>244</b>
1-§. Таминлаш сигимлари .....	244
2-§. Фалтакли экиш аппаратлари назарияси .....	247
3-§. Дискли экиш аппаратлари .....	250
4-§. Пневматик экиш аппаратурлари .....	254
5-§. Сошникларнинг назарияси асослари .....	256
6-§. Экиш ва кўчат ўтқазиш машиналарининг тортишга қаршилиги .....	260
<b>Учинчи бўлим .....</b>	<b>262</b>
<b>ЎЃИТЛАШ МАШИНАЛАРИ .....</b>	<b>262</b>
<b>1-БОБ. ЎЃИТЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ .....</b>	<b>262</b>
1-§. Ўѓитларнинг турлари ва ўѓитлаш усуслари .....	262
2-§. Ўѓитларнинг технологик хоссалари .....	263
3-§. Агротехник талаблар .....	265
4-§. Ўѓитлаш машиналарини таснифланиши .....	265
5-§. Ўѓитлаш машиналарининг умумий тузилиши ва иш жараёнининг схемаси .....	266
6-§. Ўѓитлаш аппаратлари .....	266
7-§. Сочиш қурилмалари .....	270
8-§. Ўѓитлаш ва сочиш машиналари .....	272
8.1-§. Ўѓитларни сочишга тайёрлаш машиналари .....	272
8.2-§. Минерал ўѓитларни сочиш машиналари .....	273
8.3-§. Органик ўѓитларни сочиш машиналари .....	274
<b>2 – БОБ. ЎЃИТ СЕПИШ МАШИНАЛАРИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ҲИСОБИ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>276</b>
1-§. Тарелкасимон ва дискли анппаратлар .....	276
2-§. Транспортёrlи аппаратларнинг иш режими .....	279
3-§. Сочиш қурилмалари .....	280
3.1-§. Минерал ўѓитларни сочиш учун қурилмалар .....	280
3.2-§. Органик ўѓитларни сочиш аппаратлари .....	283
4-§. Ўѓитлаш машиналарининг конструкцияларини ривожланиш истиқболлари .....	285
<b>Тўртингчи бўлим .....</b>	<b>288</b>
<b>ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАШИНАЛАРИ .....</b>	<b>237</b>

<b>1-БОБ. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....</b>	<b>288</b>
1-§. Ўсимликларни ҳимоялаш усуллари .....	288
2-§. Заҳарли дорилар ва уларни қўллаш усуллари .....	289
3-§. Агротехник талаблар .....	292
4-§. Заҳарли модда заррачалари ўлчамининг ишлов берини самараасига таъсири .....	293
5-§. Машиналар иш жараёнининг умумий схемаси .....	294
<b>2-БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАШИНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КОНСТРУКТИВ ЭЛЕМЕНТЛАРИ .....</b>	<b>295</b>
1-§. Сигимлар, аралаштиргичлар, энжекторлар .....	295
2-§. Насослар ва тавъминлагичлар .....	297
3-§. Босим регуляторлари ва саклагич клапанлари .....	301
4-§. Пуркаш курилмаларининг ишчи органлари .....	302
5-§. Пуркаш курилмалари .....	309
6-§. Пуркагичлар .....	314
7-§. Чанглаткичлар .....	316
8-§. Аэрозол генераторлар .....	317
<b>3-БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯЛАШ МАШИНАЛАРИНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА ХИСОБИ АСОСЛАРИ .....</b>	<b>320</b>
1-§. Пуркагичлар аралаштиргичларининг параметрлари .....	320
2-§. Поршени ва плунжерли насосларнинг параметрлари .....	321
3-§. Пуркагич учликларнинг параметрлари .....	322
4-§. Чанглаткичларнинг ҳисоби .....	326
5-§. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш машиналарини ривожланиш йўналишлари .....	326
<b>МАШКЛАР .....</b>	<b>329</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>333</b>
<b>ПРЕДМЕТЛИ КЎРСАТГИЧ .....</b>	<b>334</b>

**Қарши Мухандислик-иқтисодиёт  
институти Илмий Кенгашы  
томонидан чоп этишга  
тавсия этилган**

**Маматов Фармон Муртозаевич**

**Қишлоқ хұжалик машиналари  
(1-қисм)  
Олий ўқув жортлари учун  
дарслик**

*Мұхаррір: М. Содікова  
Техник мұхаррір: И. Тогаев  
Мусаххіх: А. Ахмедов  
Компьютерчи: Б. Эсанов*

Босмахонага 20. 11. 2007 йилда берилди. Босишта 21.01. 2008 йилда рұхсат  
этілді. Бічими 60x84 1\16. Шартлы босма табоби 21,25. Шартлы бүёк оттікс  
22,1. Нашр листи 21,11. 500 нұсқада. Шартнома 181. Буортма 1. Эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академиясы  
“ФАН” нашриети, 2007 й.

“Қамаши туман босмахонасы” МЧЖда чоп этилди.  
Қамаши шаҳри Гулшаний күчаси 23 уй.

ISBN 978-9943-09-153-5

9 789943 091535